





*Ҳамид Ғулом*

---

**ҚОРАДАРЁ**

---

Р о м а н

Тошкент  
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Қомитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1985

Г  $\frac{4702570200 - 140}{356 (04) - 85}$  27 — 85

© Издательство «Еш гвардия», 1985



Совет Иттифоқи Коммунистик  
партиясининг XXVII съездига бағиш-  
лайман.

Автор

### *Биринчи боб*

Қўрғонтепа райкомининг биринчи секретари Қарим Узоқов бюро мажлисини ёпиқ деб эълон қилди-да, рў-парасига — эшик тепасида осилиб турган девор соати-га қаради: чораккам саккиз. Кундуз соат учда бошланган ва уч соатга мўлжалланган мажлис чораккам беш соат давом этибди. Гарчи кенггина узун хонанинг боққа қараган иккала деразасига ўрнатилган «Боку» кондиционерлари тинимсиз ишлаб турган бўлса ҳам, Узоқовнинг назарида улар хонага совуқ ҳаво ўрнига иссиқ ҳаво пуркаётгандек эди. Балки, одамлар кўплигидан, биттагина қисқа танаффус билан шунча узоқ чўзилган мажлис обдан ҳоритганлигидан шундай туюлаётгандир.

Бюро аъзолари, районнинг масъул ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари бирим-кетин хайрлашиб, хонадан чиқиб кета бошладилар.

Узоқов Фрунзе номли колхоз раиси Афзалов билан қўл бериб хайрлашар экан:

— Норхўжа Афзалович, бугун кўрилган масала бўйича правление йиғилишини эртага соат олтига чақиринг! — деб тайинлади. — Мен ҳам етиб боришга ҳаракат қиламан.

— Маъқул, Қарим ака! — Афзаловнинг қизғиш сепкиллари билиниб турган сергўшт лўппи юзида мамнулик барқ урди. — Кутамиз!

Афзалов хонадан чиқиб кетгач, Узоқов аввал биринчи, кейин иккинчи дераза ёнига бориб, кондиционерларни ўчирди-да, дераза тавақаларини кенг очиб юборди.

Кеч кира бошлаган, қуёш боғ этагидаги чинорлар орқасига яширинган бўлса ҳам ҳали салқин тушиб улгурмаган, дарахтзорга қамалган дим ҳаво кўтарилиб кетмаган эди. Шундоқ бўлса ҳам боғни кесиб ўтган ариқда шарқираб оқаётган сув нағмаси, қалин шохларни макон этган қушларнинг чуғурлаши, гуп этиб димоққа урилган гуллар хуш бўйи чарчоқликдан асаблари бўшашган Узоқовнинг вужудига тетиклик бағишлади.

Унинг иссиқ ва дармонсизлик таъсиридан ёшлана бошлаган кўзлари сўлим боғнинг зумрад жамолида бўлса ҳам, хаёли одамлардан бўшаб қолган хонада, узун стол юқорисидида ёлғиз ўтирган Ҳабиба Камоловада — одамни ҳайратлантирадиган даражада ўта бардошли, ёш бўлишига қарамай, тадбиркор ва саломатли жувон-да. Унинг район партия комитетига иккинчи секретарь қилиб сайланганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Илгари бу вазифада ишлаган Василий Алексеевич Владимиров «Андижонгидрострой» партия комитетига секретарь қилиб юборилгандан кейин область партия комитети унинг ўрнига Камоловани тавсия этди. Асли Қўрғонтепанинг Хонобод қишлоғидан бўлган бу тинибтинчимас, ишда доим ташаббускор жувонни район коммунистлари яхши билганликлари учун унга конференцияда яқдил овоз бердилар.

Ҳар бир кишининг ўзига хос феъли бўлади. Узоқовнинг ҳам феъли бор. Ёши элликка яқинлашиб қолган, заҳматкашлиги, ҳалоллиги, одамларга меҳрибонлиги билан танилган бу раҳбарнинг ўзига хос томони бир сўзлиги ва қатъиятлилигидир. Баъзилар: «Ҳеч ким унинг қўлига тушмасин», дейишганининг тагида жон бор. Унинг меҳри юмшоқ бўлгани билан қаҳри қаттиқ.

Камолова ёш бўлса ҳам, турмушнинг аччиқ-чучугини бир қадар татиб кўргани сабабли Узоқовнинг «қўлига тушгани»дан чўчимади, аксинча қувонди: бундай қаттиқўл ва фидойи раҳбарларнинг тарбиясини кўрган ёшлар яхши чиниқадилар, тез камолга етадилар. Ҳабиба янги раҳбарининг хатти-ҳаракатига синчков нигоҳ билан боқиб ва сўзларига эътибор-ла қулоқ солиб, тез орада унинг ишончини қозонди. Чунончи, Узоқов гоҳ-

гоҳида ҳамма ишни Камоловага топшириб, командировкаларга бемалол кетадиган бўлиб қолди. Ўтган ойда эса, меҳнат отпускасини олиб, даволанишга хотиржам бориб келди.

Шундай бўлса ҳам, Ҳабиба ҳамон ҳушёр. Узоқовнинг кутилмаганда унинг кабинетига кириб келиб ёки уйига бевақт телефон қилиб иш топширадиган одати борки, бундай пайтларда Камолова ўзини жуда сезгир тутади.

Узоқовнинг яна бир одати бор: бюро мажлиси, ёки бирор йиғилиш тугагач, у албатта, ўзи ёлғиз қолиб, ўтказилган муҳокамани, қабул қилинган қарорни яна бир бошдан ўйлаб чиқади ва мабодо, биронта нуқсон топса, буни дарҳол тузатиш учун биринчи ёрдамчиси ва маслаҳатчиси Камоловани қидириб қолади. Шу сабабдан ҳам Ҳабиба бундай йиғинлардан кейин дарҳол кетиб қолмасликни, Узоқов то ўйини ўйлаб олгунча бир чеккада ўз иши билан машғул бўлганча кутиб туришни одат қилиб олди.

Ҳозир ҳам мажлис тугаган бўлишига қарамай, у ўз ўрнида — дермантин қопланган янги юмшоқ стулда ўтирганча бугунги қарор лойиҳасига мажлис аҳли кiritган ўзгаришларни қайд этиб ўтирибди.

Ниҳоят, Узоқов ўйини ўйлаб бўлди шекилли, Камоловага ўгирилиб қаради. У соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгани учун бўлса керак, чеҳраси анча ёришган, боягина ёшланиб турган кўзлари тиниқлашган эди. Юпқа кулранг матодан тикилган костюми, оппоқ кўйлагига ва одми галстуги ўзига ярашган: чап кўкрагида депутатлик нишони билан қаҳрамонлик Олтин юлдузи чақнаб турибди. У депутатлик нишонини ҳар доим тақиб юрса ҳам, Олтин юлдузини фақат байрамлардагина тақарди; бугун бюро мажлисига тақиб келганлиги ҳам бежиз эмас, ахир, ажод-ажодлар орзу қилган Улуғ кун етиб келди: энди Қорадарё тепасида, Кампиравот дарасида улкан сув иншоотининг қурилиши бошланади. Бюрода ҳам худди шу масала муҳокама қилинди.

— Эртага Хонободга боришим шарт, — деди Узоқов Камолованинг қаршисида тик турганча. — Қолхоз правленнесининг мажлисига оқсоқолларни ҳам чақирамиз. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб кетяпти, олдини олмасак бўлмайди.

Камолова қарор лойиҳасидан бошини кўтариб, Узоқовнинг сал чўзиқроқ қорамағиз юзига, қатъият чақнаб турган қуралай кўзларига нимбоқниш қилди.

— Сизнинг ҳам борганингиз маъқул, — Узоқов сўзида давом этди — Афзалов билан Йўлдошевани келиштириб қўймасак бўлмайди.

— Яна нима гап бўлди? — Камолова қизиқиб сўради.

— Опа ҳам тинчимаяпти, — Узоқов девордаги соатга қаради. Унинг қарашини кутиб тургандай соат ҳам занг ура бошлади.

— Сеҳргарсиз, Карим Узоқович! — Камолова беихтиёр кулиб юборди.

— Опа эрталаб телефон қилган эди, — Узоқов жиддий бир қиёфада гапирди. — Соат саккизда учрашишни ваъда қилувдим. Кутиб тургандир.

Узоқов шундай деди-да, кабинет эшигини очиб, қабулхонага мўралади ва:

— Киринг! Кираверинг, опа! — деб, қабулхонада кутиб ўтирган аёлни кабинетга таклиф қилди.

Тахминан қирқ беш ёшлар чамасидаги, оппоқ юзига ҳали ажин тушмаган, йирик шаҳло кўзлари ғамгин боқиб турган барваста бир аёл:

— Ассалому алайкум, ўртоқ Узоқов! — деб қўлларини таъзимга қовуштирганча кабинетга лопиллаб кириб келди.

Бу аёл Хонободдаги Маяковский номли 2-мактабнинг собиқ директори, бутун водийга донғи кетган машҳур мироббоши марҳум Йўлдош отанинг қизи Барно Йўлдошева бўлиб, Ҳабиба шу мактабда ўқиганлиги учун уни яхши танир, севган фани — география бўйича шахсан опанинг ўзидан таълим олганлиги учун уни алоҳида самимий меҳр билан севар эди.

Ҳабиба дарҳол ўрнидан туриб, опанинг истиқболига тез юриб борди ва у билан қучоқлашиб кўриша кетди:

— Яхши юрибсизми, опажон? Кечирасиз, анчадан буён бориб кўролмадим...

— Муваффақиятларингизни эшитиб, қувониб юрман, — деди опа илгари сенсирайдиган шогирдини энди сизлаб. — Ишингиз кўп-да, бўлмаса бормасмидингиз!

Йўлдошева Узоқов билан қўл бериб кўришди ва у кўрсатган жойга — Камолованинг ёнига ўтираркан:

— Кечирасиз, ўртоқ Узоқов, ишингиз кўплигини би-



ла туриб вақтингизни оляпман,— деб узр сўради.

— Қани, бошланг! — Узоқов опанинг рўпарасига ўтириб, унга синчков тикилди. — Суҳбатимизда ўртоқ Камолова қатнашсалар, қарши эмасмисиз?

— Аксинча, — опа Ҳабибага кулиб қараб қўйди. — Айни муддао! Камолова ўз қишлоғимиздан, ўз мактабимизда ўқиган, мактаб комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган.

— Ундай бўлса, бошланг! — Узоқов опани шоширди. — Нима гап, ўзи тинчликми?

— Тинчлигимиз бузилди, — опа енгилгина хўрсинди-да, азбаройи ҳаяжонланганидан товуши титраб гапирди. — Ёигирма йиллик коммунистман, ҳар бир сўзим учун виждонан жавоб бераман. Мен Афзаловнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида район маорифи раҳбарларини бир неча марта огоҳлантирдим, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади: мени ёмонга чиқариб, унинг ёнини олаверишди. Мен ўз аризамга кўра мактаб директорлигидан бўшаб, оддий ўқитувчи бўлиб қолдим. Маориф Афзаловнинг тавсияси билан унинг қайинсинг-лиси Зебо Қодировани менинг ўрнимга тайинлади. Лекин сиз, ўртоқ Узоқов, мени яна ўз вазифасини сўраб келибди, деб ўйламанг. Мен шундай юзаки қараганда кичик бир ҳодиса бўлиб кўринган, аммо оқибати катта можаро билан тугаши мумкин бўлган бир масала билан келдим.

— Хўш? — Узоқов мийиғида кулимсиради. — Бу ҳам Афзаловга алоқадор масала бўлса керак?

— Ҳа, бу масала ҳам Афзаловга алоқадор! — Опа зарда билан чертиб гапирди. — Афзаловнинг ўғли Анвар Афзалов ҳақида...

— Қани-қани, — Узоқов қизиқиб сўради,— бир чеккадан батафсил сўзланг-чи!

— Бу йил мактабимизни икки группа ўқувчилар таомлайдилар, — Узоқовнинг далдасидан ўзини анча босиб олган опа воқеани батафсил баён қилишга киришди. — Ҳозир битирув имтиҳонлари кетяпти. Шу икки группанинг бирида аълочи қизимиз Дилбар Зуфарова, иккинчисида раиснинг ўғли — ўртамиёна ўқийдиган Анвар Афзалов бор. Шу кунларда биз ўқитувчиларни таажжублантирадиган ҳодисалар бўляпти. Имтиҳон комиссияси аълочи қизимизга «тўрт» баҳолар қўйяпти, раиснинг ўғли эса, фақат «беш» баҳолар оляпти.

— Таажжуб... Ҳеч нарса тушунмадим, — Узоқов Камоловага қаради. — Сиз нима дейсиз?

— Мен Дилбарни ҳам, Анварни ҳам танийман. Иккови ҳам ҳавас қилса бўладиган ёшларимиздан, — деди Камолова сокин бир товуш билан. — Айниқса, Дилбар жуда кўп китоб ўқийди. Бунинг устига, икковининг ўртасида муҳаббат пайдо бўлган деб эшитаман. Норхўжа Афзаловичнинг айтишича, ёшлар мактабни тамомлашгач, тўй қилиш орзусида эмиш...

Камолованинг сўзлари Узоқовнинг ташвишини бир қадар пасайтирган бўлса ҳам, опанинг аламига ўт ёқди:

— Муҳаббат?! Агар муҳаббат шунақа бўлса, унинг бўлмагани яхшироқ! — Опа изтироб билан сўзлади. — Агар Анвар Дилбарни севса, унинг юқори баҳоларини тортиб олармиди?!

— Опажон! — Камолованинг чиройли юзи жиддийлашиб, шахло кўзлари совуқ йилтиллади. — Сиз жаҳл устида ошириб гапиряпсиз. Агар Дилбар аълочи бўлса, Анвар ҳам ундан қолмаслик учун курашаётгандир. Икковининг ҳам институтга кирмоқчи эканини мен яхши биламан. Ахир, бир қишлоқда ён қўшни бўламыз-ку!

Узоқов Камолованинг сўзидаги мантиқдан қониқиб, унга мамнун қараб қўйди. Аммо Камолованинг сўзлари Йўлдошевага заррача таъсир қилмади ва у ўз фикрини исботлаш учун далил келтирди:

— Чунончи, мен ўзим ўқитадиган география фани... Дилбар бу фандан ҳар доим «беш» баҳо олиб келган. Аммо, битириш имтиҳонида комиссия унга «тўрт» қўйди.

— Тўхтанг, тўхтанг! — Узоқовнинг миёсида бир фикр чақнади. — Ахир, имтиҳонни ўзингиз олгансиз-ку?

— Ҳа, ўзим олдим ва Дилбарга «беш» баҳо қўйдим. Лекин Зебо Қодирова бошлиқ комиссия унга «тўрт» қўйди. Шунингдек, мен Анварга «уч» баҳо қўйдим, аммо комиссия қарорига «беш» баҳо ёзилди, — опа шундай деди-да, қатъият билан сўради: — Энди уқдингизми, ўртоқ Узоқов?

— Уқмадим... — Узоқов Йўлдошевага синчков тикилди. — Мақсад... Мақсад нима? Шу саволга жавоб тополмаяпман.

— Жавоби аниқ! — Опа ўтирган ерида бир силкиниб қўйди. — Маориф ажратган битта олтин медални

Афзалов ўглига олиб бермоқчи, шу билан унинг институтга киришини осонлаштирмоқчи.

— Бу даъвойингизда мантиқ йўқ, — Узоқов истеҳзоли жилмайиб қўйди.— Афзалов ўглини Дилбарга уйлаб қўймоқчи бўлса, икковининг бир ерда яшаши, бирга ўқиши ва бирга ишлаши учун ҳаракат қилади. Инсоф билан айтинг-чи, опа, ўз болаларидан бирини юқори, иккинчисини паст қўйишдан отанинг нима манфаати бўлиши мумкин?

Узоқовнинг сўзларидаги мантиқ Йўлдошевани бир нафас ўйлатиб қўйди: дарҳақиқат, Афзалов ўзи қурмоқчи бўлган иморатнинг пойдеворини нега энди вайрон этсин?

Лекин, опанинг Афзалов раислик қилаётган колхозда ва унинг қариндоши Қодирова раҳбар бўлган мактабда рўй бераётган воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турганлиги, айниқса, уларнинг ўзбошимча ҳаракатларидан хабардорлиги уни райком раҳбарларига ҳақиқат юзидаги пардани сал бўлса-да очишга мажбур қилди.

— Мен бари бир ўз фикримда қоламан, — деди у ҳеч иккиланмай. — Иш шу тариқа бораверса, мактабни Анвар олтин медаль билан, Дилбар медалсиз битиради. Икковлари ҳам институтга кириш учун Тошкентга борадилар. Дилбар ҳамма имтиҳонларни «беш»га топшириб, институтга қабул қилинади. Бироқ, Анвар асосий фан бўйича ягона имтиҳондан ҳам ўтолмайди. Шунда Афзалов яна югуриб-елади. Балки, ўглини институтга киритишга ҳам муваффақ бўлади. Лекин, Дилбар — меҳнатда чиниққан, турмушнинг қора нонини еб катта бўлган ақлли қиз. У содир бўлаётган воқеаларни, Афзаловнинг адолатсизлигини кўриб турибди. Муҳаббат... Уртоқ Камолова, икки ёш ўртасидаги сиз айтган муҳаббат гули бевақт сўлмасмикан?.. Бу — масаланинг бир томони. — Йўлдошева фикрини шу ергача баён қилиб келгач, нохуш бир энтикди-да, қошлари чимирилиб, сўзида давом этди: — Масаланинг иккинчи томони биринчисидан ҳам жиддийроқ. Фараз қилайлик институт имтиҳон комиссияси аъзоларидан биронтаси: «Хўш, олтин медаль эгаси нечун асосий фан бўйича имтиҳонда оддий саволларга ҳам жавоб беролмади?»— деб қизиқиб қолса ва Анвар Афзаловнинг медални олиш тарихи ўрганиб чиқилсин, деб таклиф киритса... Хўш, унда нима бўлади?

Коммунист педагогнинг бу сўзлари Узоқовни анча ўйлатиб қўйдн.

— Нима қиламиз? — деди у Камоловага савол назари билан тикилиб. — Ё, опа лофчи бўлиб кетибдилар, ё биз маориф ишлари билан яхши шуғулланмай қўйганмиз.

— Эҳтимол, — Камолова Узоқовнинг фикрига қўшилди. — Кейинги сўзингизда жон бор. Чунончи, мен райкомда ишлай бошлаганимдан буён биронта мактабга борганим йўқ. Дон, чорва, пахта, пилла, қурилиш — булар ҳаммаси жуда муҳим. Аммо, бу ишларнинг ҳаммасини одамлар бажаришини ҳисобга олсак, ана шу одамларни тарбиялаш ҳаётнинг ҳамма масалалари ичидан энг муҳими эканига иқрор бўламиз. Мен, Карим Узоқович, опанинг сўзларини эшитгандан кейин унинг райкомга арз билан келишини ўринли деб ўйлаб қолдим. Масаланинг катта-кичиклигидан қатъи назар, опа бизни огоҳлантиряпти, ҳушёрликка чақиряпти. Сиздан илтимос қиламан: менга рухсат беринг, эртагаёқ Хонободга бориб, мактаб ишлари билан шуғулланай!

— Айни муддао! — Узоқов ўрнидан туриб, шу билан суҳбат тугаганлигини билдирди. Лекин, Иўлдошева билан қўл бериб хайрлашар экан: — Миробоши дадангизнинг орзулари амалга ошадиган бўлди, — деди. Кампирравот сув омбори қурилишини яқинда бошлаймиз. Эртага Фрунзе номли колхозда йиғиламиз. Сиз ҳам борсангиз ёмон бўлмайди, опа!

— Албатта, бораман, — Иўлдошева Узоқовга қўл бериб, Камоловага бағрини очиб, елка силашиб хайрлашди. — Эрталаб мактабда кутамиз, Ҳабиба Камоловна!

— Албатта бораман.

Камолсва опани эшиккача кузатиб қўйгач, яна дераза олдига бориб тик турганча боққа тикилган Узоқовнинг яқинига келди-да, ҳар кунги одати бўйича:

— Уйга кетсам майлими, Карим Узоқович? — деб сўради.

— Сизга рухсат, — Узоқов унга ўгирилиб қаради. — Фақат илтимос, мактаб ҳаётининг кундалик ишлари, жумладан, имтиҳонларнинг боришини ўрганиш билан бирга, умуман, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи юзасидан бюрога материал тайёрланг.

— Яхши. — Қамолова хонадан чиқиб кета туриб, Узоқовга: — эртага колхозда учрашамиз, — деди.

У чиқиб кетгач, Узоқов дераза олдида турганча туриб қолди. Соат кеч тўққиздан ошган, қуёш аллақачон ғарб уфқида кўздан ғойиб бўлиб, қоронғи туша бошлаган бўлса ҳам, боғ қучоғида ғилт этган шамол йўқ мевасининг кўплигидан шоҳлари ергача осилган дарахтлар сукунат ҳукмида мудрайди.

Кўпчилик раҳбарлар каби, Узоқов ҳам зарур бўлганда узундан узоқ мажлислар ўтказишга, бир неча масалани бир йўла муҳокама қилишга кадрлар тақдирини аниқ далиллар асосида, ҳеч иккиланмай, ё ижобий, ё салбий ҳал қилиб юборишга одатланган. Унинг ақли, асаби, иродаси тинимсиз иш, муттасил баҳсларда чиниққан, хуллас ҳаёт деб аталган ғадир-будир йўлда тўхтовсиз юравериб, обдан пишган. Лекин, бугун Йўлдошева кўтариб келган масала кўпни кўрган, катта ташкилотларни ҳам, жуда кўп одамларни ҳам бошқара биладиган Узоқов учун кичик бир арз, жузъий бир масала бўлса ҳам, уни ўйлатиб, анча ташвишлантирди.

Ҳа, бу чиндан ҳам жузъий масала. Бироқ, фақат бир жиҳатдангина жузъий. Бир мактабда, унинг битирувчи группасида икки ўқувчидан бирига юқорироқ, иккинчисига пастроқ баҳо қўйилибди.

Аммо, бу масаланинг иккинчи жиҳати — маънавий, ижтимоий жиҳати бор. Тажрибали педагог, коммунист Йўлдошева масаланинг ана шу иккинчи жиҳатини ўртага қўйяпти.

«Ҳа, опа ижтимоий адолат масаласига эътибор беряпти, — бир неча дақиқа ўйга толгач, ўз-ўзича иқрор бўлди Узоқов. — Модомики, бизнинг жамиятимиз инсоний адолат асосига қурилган жамият экан, бу йўлдаги ҳар қандай оғишларга қарши ўт очмоқ керак».

Дафъатан Узоқовнинг кўз олдида серсепкил кенг оппоқ юзи кулиб турадиган Афзалов жонланди. Наҳотки, Узоқовнинг тенгдоши, бундан йигирма йил аввал Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини бирга битиришган, шунча вақтдан буён колхозга раислик қилиб келаётган Норхўжа ўз манфаати, яъни ўғлини институтга киритиш, бўлғуси келинидан уни юқорироқ қўйиш учун ўз қайсинглисини ишга солиб, одалатсизликка йўл қўяётган бўлса?

Узоқов кейинги уч йил ичида Афзаловнинг ишидан

анчагина нуқсон топди, уни неча марталаб огоҳлантирди, лекин колхоз иқтисоди нечундир ўнганмай, хўжаликнинг гоҳ у, гоҳ бу соҳаси оқсаб келяпти. Афзаловнинг ўзи эса йингирма йил аввал қандай бўлса ҳозир ҳам шундай: ўта ишчан, донм далада, мажлисларда фаол, хушмуомала, меҳмондўст...

Йўлдошева Афзаловни мансабпарастлик, маккорлик, худбинликда айблади, шахсий манфаати йўлида ҳар қандай тубанликка боргувчи шахс сифатида таърифлади.

«Бир замонлар келиб, дунёда ҳамма нарса аниқ-равшан бўлса ҳам, фақат бир нарса — инсон юраги, ундаги сир-асрорлар муаммолигича қолаверса керак!»

Узоқов ўйлаб-ўйлаб, шундай фикрга келди ва эртага Камолова мактабга бориб келгач, у билан бафуржа суҳбатлашиб, шундан кейингина коммунист Йўлдошевага жавоб қилишга қарор берди.

### *Иккинчи боб*

Камолова ҳовлисига кириб келганда мевалари қипқизил ранг ола бошлаган олма дарахти ёнига, ариқ бўйига ўрнатилган чорпоя сўрида эри Комилжон Хонободдан келган меҳмон, юртда «мироб домла» деб танилган кекса ўқитувчи Илҳом Зуфаров билан суҳбатлашиб ўтирар, беш ёшлик ўғли Ботиржон катталар суҳбатига эътибор билан қулоқ солар, икки яшар қизчаси Нодира эса, дадасининг тиззасида пишиллаб ухлаб ётар эди.

Ҳабиба сўрига яқинлашиб, чивин келмаслиги учун чироқни ёқмай, қизчани уйғотиб юбормаслик учун астагина сўзлашаётган эркаклар билан саломлашди ва ҳовли этагидаги бостирма таги — ошхонада ош далаётган қизга кўзи тушиб, юраги орқага тортиб кетди. Бу қиз девор-дармиён қўшни бинокор ишчилар — қирғиз Сулув опа билан ўзбек Марасул акаларнинг қизи, ўнинчи синф ўқувчиси Жаннатой энди ўн еттига тўлган бўлса ҳам, бўйи баланд, нозик қадди ниҳолдай, оппоқ юзи қаймоқдай, қисик хумор кўзлари балоғатга ета бошлаганидан далолат бериб турибди. Айниқса, ўчоқ тўла қип-қизил қўр шульасида қизнинг сеҳрли хусни

эртактлардаги маликалар жамолидай шундоққина кўзга ташланиб, кўзни тиндирар даражада беқиёс эди.

Гарчи Ҳабиба Жаннатдан ҳам, унинг ота-онасидан ҳам ўз уйидан, болаларидан хабар олиб туришни илтимос қилган, Жаннат шу кунгача бу хонадонга ўн марта талаб кирган, доим кўмаклашиб юрган бўлса ҳам, қизнинг бу қадар етилиб қолганига эътибор бермаганига ўз-ўзидан таажжубланди-да, мироб домлага:

— Мен ҳозир... — деб ўчоқбоши томонга йўл олди.

Оппоқ юзи олов тафтидан лоладай қизарган Жаннатга ҳаваси келиб, Ҳабиба қиздан сўради:

— Ош дамлаясизми?

— Ҳа, Комил ака ош буюрдилар.

Ҳабиба Жаннатни зимдан кузатар экан, унинг орқасини буткул қоплаган, майда ўрилган, оқ шоҳи қўйлагини рангида тимқоралигини билан ажралиб турган сочига ҳасад билан боқди. Бир вақтлар унинг ўз сочи ҳам шунақа эди: оҳ, у ёшлик, у ажиб онлар!..

— Яхши... Яхши... — Ҳабиба яна беихтиёр қизга тикилди-да, шубҳаланиб сўради: — Қачон чиқиб эдингиз?

— Икки соатча бўлди... — Қизчанинг дили Ҳабибанинг ёвқарашидан ларзага келиб, беихтиёр сўради: — Нимайди?.. Энди чиқмайми?

— Йўқ, нега энди?.. — Ҳабиба қизнинг ранжиганини фахмлаб, ясамароқ жилмайганча уқтирди: — Чиқиб туринг... Албатта, чиқиб туринг! Ошингиз ширин бўлади, ўзингиз ҳам ширинсиз!

У қиздан кўзини олиб қочиб, орқасига бурилди ва сўрининг ёнига келиб, кўрпача четига омонатгина ўтирди-да:

— Келинг, мироб домла, хуш кўрдик! — деб мулозамат қилди. — Қандай шамол учирди?

— Ҳаёт шамоли! — Зуфаров маъноли жилмайиб, қисқа ва анча тўмтоқ жавоб берди.

— Домла мени ишга таклиф қилиб келибдилар, — Комилжон домланинг умумий фикрига аниқлик киритмоқчи бўлди. — Домла «Андижонгидрострой» ҳузурда «Усталар мактаби» очмоқчилар. Биз каби турли касб эгалари — олий маълумотли мутахассислар ўз ишмиздан ажралмаган ҳолда, ўриндошлик йўли билан янги мактабда дарс беришимиз керак эмиш.

— Бу жуда яхши ташаббус, — Ҳабиба мироб дом-

лага мароқланиб тикилди.— Лекин, домла, ўз мактаб-бингиздаги ишингиз нима бўлди?

— Мактабдаги ишни бундан икки ҳафта аввал йиғиштиришга мажбур бўлдим, — Зуфаровнинг сўзларидаги қатъият Қамоловани дафъатан ялтираб кўринган пўлат тигидай хушёр торттирди. — Ҳозир Тўғон бошқармасида ўз касбим бўйича инженер-гидротехник бўлиб ишлаяпман.

— Таажжуб... — Камолова боягина райкомда мактабдаги тартибсизликлар ҳақида бўлган суҳбатни эслаб, домлага савол назари билан боқди: — Ахир, сиз у мактабда чорак асрдан бери ишлайсиз. Биз каби ёшларнинг минг-мингини ўқитгансиз. Нега энди жонажон мактаббингизни осонликча ташлаб кетдингиз?

Райком секретарининг тубида жумбоқ мавжуд бўлган бу қатъий саволга Зуфаров дарҳол жавоб беролмай, чорпоя панжарасига суялганча ўйга толди.

— Ҳар бир иш қиёмига етганда бир туртки, ёки бир баҳона уни осонликча ҳал қилиб қўя қолади. — Домла умумийроқ бир жавоб қилиб, тагин бир оз ўйланиб олгач, фикрини муфассалроқ тушунтирди: — Ёўлдошева мактаб директорлигидан ноҳақ бўшатилиб, ўрнига Қодирова тайинлангач, ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия ишларида ҳам, хўжалик соҳасида ҳам тартибсизликлар бошланиб кетди. Қодирова педагоглар кенгаши билан буткул ҳисоблашмай, ўзбошимча иш кўра бошлади. Биз, ўқитувчилар унга фойдали маслаҳатлар бердик, кўп марта огоҳлантирдик, ҳатто маорифга ҳам хабар қилдик. Лекин, афсуски, Қодировага кучимиз етмади. У фақат бир кишини — Афзаловни тан олади, фақат унинг топшириқларини бажаради. Чунончи, бундан икки ҳафта аввал раис иккита юк машина юбориб, олти мишта ўқувчини дала ишига олиб кетмоқчи бўлди. Ўқишнинг сўнгги кунлари, имтиҳонлар айни авжида... Биз Қодировани огоҳлантирдик, лекин у парво қилмай, 5—6 синф болаларини очиқ машинага тўда-тўда ҳайдаб чиқара бошлади... Ахир, қир-адирларнинг баланд-паст йўлларида машина ағдарилиши, болалар жароҳатланиши мумкин... Шунда мен беихтиёр машиналар олдига ўтиб, қулочимни кенг очдим ва шофёрларга:

— Менинг ўлигим устидан ўтиб кетинглари! — деб бақаришга мажбур бўлдим.

Қодирова менинг ёнимга келиб, қўлимдан тортди ва



четга суриб, машиналарга йўл очиб бермоқчи бўлди.

Мен ҳам унинг бедодлигига чидаёлмай, бетига:

— Тарбиясиз аёл! Мактаб кушандаси! — деб рўй-рост айтдим ва ўша ернинг ўзида ишдан кетиш ҳақида ариза ёзиб топширдим-у, жонажон мактабимни ташлаб кетдим... Ана, Ҳабибахон, бўлган воқеа шу.

Қамолова бир оз сукутга чўмгач, домлага ҳасратли тикилганча сўради:

— Болалар нима бўлди?

— Болаларни ўн кунга олис қирга, ўт ўришга олиб кетдилар... — Зуфаров ўзи ҳикоя қилган кўнгилсиз воқеани гўё, дарҳол унутиб юбормоқчи бўлгандай, гапни бошқа ёққа бурди: — Хўш, Комилжон, менинг таклифимга розимсан?

— Аввал таом, кейин калом, — деб жилмайди Комилжон ва тиззасидаги қизчасини кўрпачага аста тушириб ётқизди-да, гулдор чинни лаганга сергўшт қипқизил паловни сузиб келган Жаннатнинг қўлидан таомни олиб, хонтахтага ёзилган оппоқ дастурхоннинг ўртасига қўйди. — Бай-бай, жуда хушбўй ош бўлибди-да!

— Опамнинг ошини ширин қилган поччамнинг гўшт-ёғи! — Жаннат кулиб гапирди. — Қани, олинглар, ош бўлсин!

— Узингиз ҳам келинг! — Комилжон қизга кўз қири билан жой кўрсатди.

— Раҳмат, ака, менинг уйда ишим кўп. — Жаннат оппоқ қўллариини кўкрагига қўйганча таъзим қилди. — Хизмат бўлса чақирарсизлар!

У шундай деди-да, ҳовли ўртасидаги ариқдан енгил ҳатлаб ўтиб, чопқиллаганча кўчага чиқиб кетди.

«Ҳа, Жаннат бултурги Жаннат эмас. — Кўнглидан ўтказди Ҳабиба. — Тез улғайяпмиз. Ҳаёт диалектикаси шу!»

У эрига зимдан кўз ташлади. Комилжон бепарво. У меҳмонга:

— Олинг, домла, матал бор-ку: «Кўрибсанки ош, кўтармагил бош!» Қорадарёмининг девзираси ажойиб-да!

Эркаклар қошиқларни тўлдириб, паловни катта-катта ола бошладилар. Ҳабиба оч бўлишига қарамай, иштаҳаси бўғиқ. Уз қишлоғида, болалиги ўтган ва бир вақтлар донғи кетган колхозда, ўзи ўқиган... мактабда

юз бераётган тартибсизликлар ҳақида орқаваротдан эшитиб юрган бўлса ҳам, шу бугун, фақат бир кун давомда икки қадрдон ўқитувчи сўзлаб берган ҳодисалар унинг хаёлини алғов-далғов қилиб юборди. У ҳали ёш, эндигина йигирма тўққиз баҳорни кўрди, бироқ у ҳаёт қозонида кўпгина тенгдошларига нисбатан қаттиқроқ қайнади, ўз ёшига нисбатан кўпроқ ўқиди, кўпроқ ишлади; турмушни ҳам ўз хоҳиши билан қурди. У гўзал ва оқила, ҳаётда мустақил ва жасоратли бўлгани учун қанчадан-қанча йигитлар унга шайдо бўлдилар, лекин у синфдоши Комилни танлади.

Мана, етти йилдан буён булар бирга: ҳамнафас, ҳамдам, ҳамкор. Маконлари гоҳ Тошкент, гоҳ Андижон, мана энди — Қўрғонтепа...

Ош ейилиб, дастурхон йиғиштирилгач, Комилжоп бостирма тагига бориб, чой дамлаб келди-да, домлага чой қуйиб узатаркан:

— Мен бошлиқ механизациялашган кўчма колонна гоҳ у, гоҳ бу ерда иш бажаради, — деди Зуфаровнинг таклифига жавобан. — Агар сиз «Усталар мактаби» очмоқчи бўлган Кампирравотга яқинроқ жойда доимий ишласак, мен кечки пайтларда дарс беришга бажонидил тайёрман!

— Балли! — Зуфаров Комилжонга мамнун тикилди. — Масаланинг бу томонидан хотиржам бўлинг, ука! Энди ҳамма куч Кампирравот сув омбори қурилишига ташланади. Сизнинг колоннангиз ҳам ўша ерда бўлиши шубҳасиз.

— Ундоқ бўлса, мен рози! — Комилжон шод чеҳра билан домлага ваъда берди.

«Комилжоннинг ичида чироқ ёняпти. Бир гап бор. — Кўнглидан ўтказди Ҳабиба. — Оқ тавба, кўк тавба, — бундан буён Жаннатни ёрдамлашишга чақирмайман. Қизалоқ унча-мунча нарсани тушунадиган бўп қолганга ўхшайди. Бундан буён ошни фақат ўзим дамлайман!»

Рашк деган ном билан минг хил турланувчи илон аёл кишини — у олимани, министрми, директорми, райком секретарими — суриштириб ўтирмай, беҳосдан чиқади-қўяди. Бу илон ҳеч қандай сабабсиз, бевақт, бемаврид Ҳабиба Камолованинг вужудини ҳам умрида биринчи марта ачитиб чақди...

— Демак, қароримиз қатъий, — деди Зуфаров анча

эскирган, лекин оппоқ ювиб, дазмолланган кўйлагининг кўкрак чўнтагидан ёндафтари билан қаламинни олаб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми, касби бинокор инженерлиги ва ишлаб турган ПМҚсининг адреси билан телефонини батафсил ёзиб олар экан. — «Усталар мактаби» дирекциясидан расмий таклифнома оласиз,— деб уқтирди мироб домла.

— Қоғозда бор-у, амалда йўқ мактабдан... — Комилжоннинг кўзлари кулимсиради. — Ҳа, майли, ишонамиз.

— Ишонинг!— Зуфаров ўрnidан турди.— Ишонч — ҳаётнинг таянчи ука! Мен бу ишнинг истиқболига ишониб бошладим ва балки, умримнинг қолган йилларини фақат шу ишга бағишларман. Ҳунар-хунардап унар, дейдилар. Урта мактабни тамомлаб, нима иш қилишни билмай юрган ёшларнинг тақдирини ўйлашимиз керак.

Комилжон билан Ҳабиба домлани эшиккача кузатиб қўйдилар. Ҳабиба Зуфаров билан хайрлаша туриб:

— Сиздан иккита илтимосим бор, — деб йўл бўйидаги узум ғуралари маржондай тизилиб ётган ишқом тагида тўхтади.

— Лаббай? — Зуфаров қадамини секинлаштириб, собиқ шогирдига эътибор билан тикилди.

— Биринчи илтимосим шуки, «Усталар мактаби» ҳақидаги ҳамма фикр, мулоҳаза, режаларингизни қоғозга туширинг ва «Анджонгидрострой» бу ҳужжатни райкомга юборсин. Биз бу масалани бюро мажлисида кўрамиз ва албатта, қарор чиқариб, ёрдам берамиз.

— Раҳмат, ўртоқ Қамолова! — Зуфаров ўз шогирдини биринчи марта шундай деб улуғлади ва унинг иккинчи илтимосини эшитиш учун гапининг давомини кутиб турди.

— Иккинчи илтимосим шуки, — деди Ҳабиба, — эртага эрталаб соат саккизда мактабда бўлинг. Мен етиб бораман. Қодирова устидан шикоятлар кўпайиб кетди. Тартибсизликларнинг сабабини ўрганиб, уларга тезликда чек қўйишимиз керак.

— Хўп, албатта етиб бораман,— Зуфаров қатъий ваъда берди ва чуқур фикрга толган Ҳабибанинг манг-лайида ажин чизиклари чуқурлашганини кўриб, «ҳа, масъул иш оғир бўлади», деган ўйни кўнглидан ўтказди.

— Қызлар қалай, домла, бирин-кетин бүйлари чўзилаётгандир?— фикр наҳридан сузиб чиққан Ҳабиба тўсатдан сўраб қолди. — Дилбар битирув имтиҳонларини яхши топширяптими?

— Дилбар — аълочи! — Зуфаров фахрланиб гапирди. — Рус группасида бўлса ҳам, доим «аъло»га ўқиб келган, имтиҳонларни ҳам фақат «аъло»га топширяпти. Биз бувиси билан унинг олтин медаль олишидан умидвормиз. Бироқ, аввал кунни келиб-келиб географиядан — ўзи яхши кўрган фандан «тўрт» олибди.

Камолова мактабнинг собиқ директори Йўлдошевнинг бугун райкомга келганини, унинг айна шу масалада шикоят қилганини Зуфаровга айтиб ўтирмадида:

— Мактабга борайлик-чи, балки ҳақиқатнинг юзидан парда кўтарилар! — деб қўя қолди.

Камолова домлага Хонободнинг бу ердан қирқ километр йўл эканлигини, кечаси автобуслар деярли учрамаслигини айтиб, ҳозир райком гаражидан машина чақириб беришни ваъда қилди, аммо домла Қўрғонтепада иши борлигини, яна уч-тўрт мутахассиснинг уйига ўтиб, уларни ҳам «Усталар мактаби»га ишга таклиф қилмоқчи эканлигини айтиб, шогирдининг илтифотини рад этди-да, йўлкадан ўнг томонга пириллаб юриб кетди.

Эр-хотин эшикни ёпиб ҳовлига кирганларида сўрида Ботиржон ҳам Нодиранинг ёнига чўзилганча ухлаб қолганини кўрдилар.

Соат ўн бирдан ошиб, ҳовлини обдан зулмат қоплаган, чорпоя тепасидаги олма шохига осилган электр чироққина яхлит бир доира ерни ёритиб турарди.

Ҳабиба сўри чеккасига ўтириб, эрига:

— Комилжон, чироқни ўчиринг, мен шу ерда мизгиб оламан, — деди.

Комилжон Ҳабибага таажубланиб боқди-ю, индамай, чироқни ўчирди. Кейин уйга кириб, юпқа момиқ кўрпа билан иккита болиш кўтариб чиқди-да, чорпоя ёнига келди.

Ҳабиба нечундир ҳамон хомуш. У узунгина оппоқ оёқларини чорпоядан осилтирганча аллақандай тубсиз хаёл оғушида жимгина ўтирибди.

Комилжон иккита кўрпачани тўшади, иккита юмшоқ болишни ёнма-ён ташлади, юпқа кўрпани ёзда ва чор-

поя панжарасига бақувват сержун билаклари билан суйлганча тик туриб, хотинига илтифот қилди:

— Марҳамат, хоним, ором олсинлар!

Ҳабиба ҳамон қимирламай ўтирар экан, эрининг илтифотига парво ҳам қилмай, қоронғиликдаги аллақайси бир нуқтага тикилганича синиқ бир товуш билан:

— Жаннатхон жуда очилиб кетибдимми? — деди.

— Мен унча фаҳмлаганим йўқ... — Комил соддалик билан жавоб берди.

— Узингизни гўлликка соляпсиз, йигит!

Ҳабибанинг зарда билан айтган бу сўзлари Комилжонни анча ҳушёр торттирди: «Демак, хоним рашк қиляптилар». Шу фикрдан у анча эсанкираб қолди. Нима қилишини, нима деб суҳбатни давом эттиришни билмади-да, товушида билинар-билинемас титроқ билан:

— Чарчабсиз, ётиб дам олинг,— деб илтифотини тақрорлади.

Ҳабиба бир неча дақиқа индамай ўтиргач, аллақандай филтиллаган аразли кўзлари билан эрига ялт этиб қаради-да:

— Бу юмшоқ ўрин сизга! Мен уйга кириб ётаман...— деди ва ердаги туфлиларини ҳам киймай, қоронги уйнинг очиқ эшиги томонга ўқдай учиб боргач, бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлди.

Хотинининг ҳозирги хатти-ҳаракатлари ва илмоқли сўзларидан ҳеч нарсани тушунмаган Комилжоннинг чорпояга чиқиб, ўзи тўшаган ўринга чўзилишдан бошқа иложи қолмади.

Ҳаво илиқ. Ҳовли саҳни, ундаги гуллар, дарахтлар зулмат оғушида. Осмон тўла юлдуз қўрлари милтиллайди. Кўчада, йўл бўйидаги тераклар орқасида ойнинг заррин шарпасигина сезилади. Анча тўлишиб қолган моҳи тобон ҳали замон жамолини кўрсатса керак. Тун сукунатини чорпоя томондан оқиб турган ариқ сувининг шилдираши-ю, олис бир қўрадаги итнинг ўқтин-ўқтин вовиллаши бузади.

Комилжон кўкка қараб чалқанча ётганча хотинини қандай чивин чаққанлигини, унинг феъли нечун бирдан бунақа ўзгариб қолганини ўйлайди. Уйлайди-ю, ўйининг тагига етолмай гаранг. Қурилишда у билан бирга ишлайдиган бир механик йигит (исми Дамир бўлса керак), ҳа, ўша Дамиржоннинг кейинги вақтда ранги сарғайиб, чўп-устихон бўлиб кетганини кўрган Комил-

жон ундан ҳол-аҳвол сўраганда у: «Э, ака, яратгандан сўранг, хотинингиз амалдор бўлмасин, хотинки амалдор бўлдим, муомалада у эрга, сиз хотинга айланиб қўя қолар экансиз!» — деб шикоят қилганини эслаб «Наҳотки, мен ҳам Дамиржоннинг аҳволига тушсам? — деган иштибога борди. — Йўғ-е, Ҳабиба бошқа олам... Ахир, бизнинг ҳаётимиз муҳаббатга қурилган. Жаннат масаласига келсак... У ҳали ёш бола... Бинобарин, бу қизчани Ҳабибанинг ўзи ёрдамга чақириб юради... Тўғри, кейинги ойларда унинг ҳусни бирдан очилиб кетди... Қизлар қуёш қиздириши билан дарҳол барг ёзадиган гунчага ўхшайдилар... Жаннатнинг ҳам қуёши бордир, ахир!»

Комилжон шундай ўйлар оғушида тўп-тўп юлдузларга тикилиб ётар экан, чарчоқлик ғолиб келди шекилли, кўзлари юмилиб, уйқу қаърига шўнғиди...

У қанча ухлаганини билмайди. Аллақандай хушбўй нарсанинг димоғига гуп этиб урилганидан чўчиб, кўзларини катта очди. Унинг ёнига гулранг ҳарир батис кўйлагига астагина чўзилиб, салқин сувда чўмилганидан музлаган оппоқ билаклари билан эрини қучоқлаган ва юзи, кўзлари, қовоқларидан эркаланиб ўпаётган бояги аразчи Ҳабибахон эканини фаҳмлади-да, севимли хотини томонга ўгирилиб, уни бағрига тортди...

Эрталаб соат еттида Комилжон хотинини кузатиб кўчага чиққанида райкомнинг бўёғи анча нурсизланган ёски «ГАЗ-69» машинаси ариқ бўйида кутиб турарди.

Ипақдай юмшоқ қўнғир сочини текис тараб, боши устига турмакланган; европача тикилган ҳаворанг кўйлаги, шу рангда ўрта пошнаги туфлиси ўзига ярашган; бу кеча тўйиб ухламаган бўлса ҳам кўзлари сокин тортиб, сал чўзиқ оқ юзи тиниқлашган Ҳабиба каттагина оқ сумкасини елкасига оса туриб, эрига тайинлади:

— Ишга кета туриб, Ботиржонни яслига, Нодирани боғчага топширинг. Жаннатни энди ёрдамга чақирмай-миз. Ишдан эртароқ келиб, овқатни ўзим пишираман.

Ҳабиба машинанинг орқа ўриндиғига ўтира туриб, ҳар эҳтимолга қарши эрига уқтирди:

— Мабодо сал кечиксам, ўзингиз болаларга қараб турарсиз.

— Хотиржам бўлинг! Оқ йўл!..

Комилжон йўл бўйида қўл силкиб қолди.

Ҳабиба Хонободга соат роппа-роса саккизда кириб

келди. У ўзи ўқиган қадрдон мактабининг икки қаватли биносини узоқдан кўрибоқ соғинган кишининг дийдорига етган одам ҳолига тушди: кўзлари чақнаб, юраги ўйнай бошлади. У машинадан сакраб тушди-ю, панжарали девор билан ўралган мактаб ҳовлисининг ўрта бир ерида туриб олиб, қўнғироқни боши устига баланд кўтарганча даранглатиб чалаётган кекса аёл — майдатароқ қарғашойи кўйлагининг кенг енглари ҳалпиллаган, ҳамон қалин сочи оппоқ оқарган, лўппи юзининг ияги остида бақбақалари қат-қат очилган Рисолат ҳоланинг ёнига чопиб борди-да, ҳаяжонланиб сўради:

— Ассалому алайкум, хола! Мени танидингизми?

— Танидим! — Хола қўнғироқни ерга қўйиб, Камоловага бағрини кенг очди. — Сен шаддод Ҳабибахонсан! Амалдор бўлиб кетибсан деб эшитаман...

— Э, амалдорлик қаёқда!.. — Камолова хола билан қучоқлашиб кўришди. — Халқ хизматида югуриб-елиб юрибмиз, холажон!

Болалар мактаб биноси ичига гур-гур кириб кетишгач ҳовли бўшаб, Рисолат хола билан Камолова икковлари қолдилар.

— Хурсандман, — деди хола Ҳабибанинг елкасига қоқиб. — Мактабда ўқиб юрган вақтингдаёқ улуғлигинг шундоққина кўриниб турарди.

— Қўйсангиз-чи, хола!.. — деди Камолова, мактаб эшигидан кириб келаётган домла Зуфаров томонга икки қадам юриб, унга қўл узатди. — Кечаси эсон-омон етиб келдингизми, домла?

— Э, мени бўри ермиди! — Зуфаров кулиб, Ҳабиба билан қўл бериб кўришди.

— Домла Қорадарё соҳилига қапа тикиб олганлар,— суҳбатга хола аралашди.— Бир ҳисобда шу ҳам яхши: тоза ҳаво, ташвиш йўқ...

Шу пайт бино ичидан директор Зебо Қодирова, ўқитувчилардан Барно Йўлдошева, Раиса Петровна Дубенко ва яна бир неча киши чиқиб келдилар.

— Келар экансиз, ақалли телефон ҳам қилиб қўймадингиз, кутиб олар эдик! — деди Қодирова Камолова билан кўришар экан, ўпкаланганнамо. — Хуш кўрдик, Ҳабиба Камоловна!

Ҳаммалари бир-бирлари билан кўришиб бўлишгач, Камолова сўради:

— Зебо Қодировна, бугун қанақа битирув имтиҳонлари бор, биз ҳам қатнашсак?

— Ҳозир рус группасида, соат ўнда эса ўзбек группасида адабиётдан оғзаки имтиҳон. Марҳамат, қатнашингиз!

— Яхши. — Камолова мактабнинг бултурги ремонтдан буён ўтган салкам бир йил ичида шuvoғи, бўёқлари кўчган, эшик-деразалари нурсизланган биносини, бир вақтлар гулзорлари яшнаб, ариқларида сув шалдираб оқиб турадиган, энди эса суви қуриб, ажриқлар қоплаган ҳовлисини кўздан кечирар экан, нохуш бир кайфиятда, Қодировага: «Қани, бошланг», деди.

Қодирова олдинга ўтиб, йўл бошлади. Ундан кейин Камолова, Раиса Петровна ва бошқалар бино ичига кириб, узун йўлакдан сал юргач, ўнгга бурилдилар ва тор эшикдан кенгина хонага кира бошладилар.

Имтиҳон бошланишини кутиб, ҳар бир стол ёнида иккитадан ўтирган ўқувчилар ўқитувчиларни кўриб оқ баралла оёққа қалқидилар ва имтиҳон комиссиясининг аъзолари тўрдаги узун стол орқасига қатор терилган стулларга ўтириб бўлгунларича тик турдилар.

Қодирова Раиса Петровнанинг қулоғига алланималарни шивирлади.

Дубенко ўрнидан туриб, дарсхонадагиларга: «Утиринглар!»— дегач, ўқувчилар ўринларини эгалладилар.

— Бугун адабиётдан оғзаки имтиҳон берасизлар, — деди Дубенко сўзида давом этиб. — Лекин, мен аввал сизларни комиссия аъзолари ва кузатувчи меҳмонларимиз билан таништираман. Имтиҳонни мен билан бирга мактабимиз директори Зебо Қодировна Қодирова оладилар. Имтиҳонда район партия комитетининг секретари Ҳабиба Камоловна Камолова қатнашадилар. Уртоқ Камолова худди сиз каби шу мактабни тамомлаганлар. Энди ишга ўтамиз. Мана бу столда саволлар ёзилган қоғозлар ёйиб қўйилибди. Мен сизларни ном-баном чақираман, келиб, иккитадан савол оласизлар.

Дубенко йўқламани очиб, ўқувчиларни алифбе бўйича бирма-бир чақира бошлади:

— Алимов Соҳиб, Билолов Ҳаким, Дубенко Марина, Жабборов Доро, Зуфарова Дилбар...

Мактаб формалари ўзларига ярашган йигит ва қизлар имтиҳон комиссиясининг столи ёнига галма-гал келиб, иккитадан савол қоғози олиб кета бошладилар.



Ҳамма жой-жойинга ўтириб бўлгач, учинчи қатордаги стол орқасидан қўл кўтарилди.

Раиса Петровна ўша ёққа қараб, Дилбарни дарҳол таниди ва унга савол назари билан тикилди.

Дилбар ўрнидан туриб:

— Мен тайёрман, мумкинми жавоб берсам? — деб сўради.

— Марҳамат, Зуфарова! — Раиса Петровна севимли ўқувчисини имтиҳон минбарига таклиф қилди.

Дилбар минбар ёнига келиб, қўлидаги қоғозларга тикилганча соф рус тилида тиниқ талаффуз билан:

— Менга иккита савол тушган, — деди. — Биринчиси: «Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия» романида Улуғ Ватан уруши ёш қаҳрамонларининг жасорати» ва иккинчиси: «Евгений Онегин» романида «Татьяна Ларина образи».

Дилбар биринчи саволга қисқа, лўнда ва айни вақтда аниқ мисоллар билан мукамал жавоб берар экан, Қамолова ҳаяжонланиб сўзлаётган қизга термилоганича шу мактабда, шу дарсхоналарда ўтган навқирон йилларини; худди Дилбар каби имтиҳонлардан ҳеч чўчимасдан, ўзига ишонган ҳолда, мароқланиб жавоб берган кунларини эслади.

Раиса Петровна ёнидагилар билан маслаҳатлашиб олиб, Дилбарга:

— Иккинчи саволга ўтинг! — деди.

Дилбар «Евгений Онегин»дан Татьяна ҳаёти ва муҳаббатига доир воқеаларнинг энг муҳимларини ҳикоя қила бошлаганда, Қамолова ундан илтимос қилди:

— Дилбар, шу асардан бир парча ўқиб беролмай-сизми?

— Марҳамат! — деди қиз ва бир оз ўйланиб тургач, Татьянанинг Онегинга: «Мен сизга ёзаман. Иложим қанча?» — деган мисра билан бошланадиган мактубини моҳир актрисаларга хос ёқимли оҳангда ўқий бошлади.

Қамолова ўзини, ўзлигини, қаерда ўтирганини, бу срга нима учун келганини буткул унутиб, романдан парчани сеҳрланган бир аҳволда тинглади ва Дилбар ўқишни тугатгач, беихтиёр чапак чалиб юборди. Бошқалар ҳам унга қўшилиб, рус шеърини шу қадар маҳорат билан ўқиб берган ўзбек қизини табрикладилар.

Илтиҳон минбарига иккинчи бўлиб Марина Дубенко чиқди. У Максим Горькийнинг «Она» романи ҳақидаги биринчи саволга жавоб бериб бўлгач, Қамолова Қодированинг қулоғига:

— Энди биз чиқайлик, бошқа ишлар билан шуғулланамиз, — деди.

Қамолова билан Қодирова дарсхонадан аста чиқиб кетдилар.

«Райком секретари мактабга бекорга келган эмас.— Уйлади Қодирова узун йўлак бўйлаб Қамолованинг ёнида борар экан. — Домла Зуфаровнинг етиб келиши ҳам бежиз эмас...»

У Қамоловани ўз кабинети томонга бошлаётганда Ҳабиба «Ўқитувчилар хонаси» деб ёзилган эшик олдида тўхтади ва:

— Бу хона кенгроқ, мен чақирган ўқитувчилар ҳам шу ерда кутишаётгандир, — деб, бўёқлари парча-парча кўчиб тушган эшикни очди.

Дарҳақиқат, Зуфаров билан Йўлдошева узун столнинг икки ёнида юзма-юз суҳбатлашиб ўтиришарди. Қамолова Зуфаровнинг ёнига, Қодирова Йўлдошевадан юқорироққа ўтириб олишлари билан Ҳабиба сумкаси-дан ёндафтари ва қаламини олди-да, бир оз ўйлаб тургач, сўз бошлади:

— Тўрттовимиз коммунистлармиз. Мен гапнинг пўскалласини айтиб қўяқоламан. Уртоқ Қодирова, мактабдаги тартибсизликлар ҳақида райкомга анчагина шикоятлар тушди. Бу ҳақда сиз билан бафуржа суҳбат қиламан. Аммо, ҳурматли ўқитувчиларимиз Илҳом ака билан Барно опанинг арзларини булар иштирокида кўриб чиқамиз. Қарши эмасмисиз?

— Нега энди?..— Қодирова бир оқариб, бир қизариб, даммини ичига ютишга мажбур бўлган бир аҳволда мажҳул жавоб берди. — Агар шундай қилиш керак бўлса...

— Керак! — Қамолованинг товушида ички бир шиддат сезилди. — Аввало, ўртоқ Қодирова, сиз билан бизни шу мактабда ўқитган, ҳаммамизнинг устозимиз, чорак асрлик коммунист Илҳом Зуфаровичнинг ишдан бўшаб кетганлиги ҳеч ақлга сиғмайди. Қани, мактаб директори сифатида ўзингиз шу масалада аниқ маълумот беринг-чи!

— Мен ўртоқ Зуфаровнинг ичига кириб чиққаним

йўқ! — Нописандлик билан жавоб берди Қодирова. — Эшитишимча, домла «Андижонгидрострой»да «Усталар мактаби» очмоқчи эмишлар. Албатта, директорлик ўқитувчиликдан аълороқ. Балки, шунинг учун ариза бериб кетгандирлар...

— Илҳом Зуфарович ўқувчиларнинг очиқ юк машиналарида далага олиб кетилишига қарши чиққанлигини чинми? — Камолова кенг оппоқ юзи таранг, қалин қошлари пайваста, киприкларига қуюқ сурма тортилган, йирик қув кўзларида парвосизлик шундоққина кўриниб турган Қодировага синовчан тикилиб сўради.

— Болаларнинг далада ишлаши меҳнат тарбиясига киради. Сиз билан биз ҳам, Ҳабиба Камоловна, шу мактабда ўқиб юрганимизда ярим кунимиз далада ўтарди, эсингизда бўлса керак... Энди машина масаласига келсак, колхоз «интурист» эмас, «икарус»лари йўқ. Чамамда, ишдан кетиш учун домлага бир баҳона керак бўлган...

Бундай қараганда, Қодированинг бу жавобида жон йўқ эмас эди, албатта. Лекин, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, унинг сўзлари ноҳақликни пардалашга уринишдан бошқа нарса эмас эди. Шу сабабдан Зуфаров суҳбатга аралашинишга мажбур бўлди.

— Раис Афзалов мактаб ўқувчиларини колхознинг текин мардикорларига айлантириб олгани сир эмас, — деди Зуфаров ҳар бир сўзини чертиб. — Бу аҳвол бир эмас, ўн эмас, юз марталаб такрорланяпти. У ўқиш, жадвал ва ҳоказо мактаб тартиб-қоидалари билан ҳисоблашмай, истаган вақтида истаганча болани дала ишларига олиб кетаверади. «Интурист», «икарус» кабилар... кулгилли гаплар! Агар колхоз правлениеси мактаб дирекцияси билан биргаликда болаларнинг меҳнат тарбиясини, уларга ҳунар ўргатишни олдиндан режалаштирса ва бу муҳим иш маориф тасдиқлаган пухта план асосида олиб борилса, биз, ўқитувчилар бу ишни қизғин қувватлаган, жон-дилдан ўзимиз бошқарган бўлар эдик!

— Қайси далани қачон ўт босишини, ёки қаерда қачон картошка кавланишини раис туш кўрибдими! — Қодирова шундай деб бобиллаб берди-ю, ўз сирини ўзи фош қилди.

— Ана сизга тасдиқ! — Зуфаров енгил тин олиб, Камоловага маъноли жилмайиб қўйди. — Афзалов учун

ҳам, Қодирова учун ҳам болалар — текин ишчи кучи! Модомики, колхозда аҳоли зиҷ, ишчи кучи етарли. Лекин уларнинг кўпчилиги далага чиқишмайди.

— Хўш, улар қаерда? — қизиқиб сўради Камолова.

— Ҳаммаси тирикчилик кетида юришибди. — Зуфаров томирлари бўртиб чиққан озғин қўлларини столга тираб ўтирганча бамайлихотир жавоб берди. — Бири томорқасида, бири бозорда, бири чойхонада... Кўпчилик шаҳарда — биров қурилишда, бошқа биров заводда, қизлар район марказида очилган тўқув фабрикасида... Ишчи кучи ҳар томонга шу зайлда тарқаб кетгандан кейин мактабда ўқишни вақт-бевақт таққа тўхташиб, болаларни, ҳатто тўртинчи, бешинчи синф ўқувчиларини далага олиб кетишдан бошқа иложлари йўқ!..

Орага сукут чўкди.

Камолова ёндафтарига алланималарни қайд этиб бўлгач, ҳамон сиполик билан Қодировага қаради.

— Яна бир масала... «Бу нозик масала», деган экан бир шоир... — Камолованинг тиниқ шаҳло кўзлари кулимсиради. — Бу масалада бизни муҳтарама ўқитувчимиз Барно опа огоҳлантирдилар. Албатта, Зебо Қодировна, сизнинг бу ишдан яхши хабарингиз бор. Сўз жиянингиз Анвар Афзалов ҳақида боради. Биринчи савол: географиядан битирув имтиҳонида Анварнинг ўз ўқитувчиси Барно опа унга «уч» баҳо қўйибдилар, лекин сиз раиси бўлган имтиҳон комиссияси буни «беш» баҳога ўзгартирибди. Саволим шунки, имтиҳон комиссиясининг қароридан ўқитувчи Йўлдошеванинг имзоси борми?

— Эсимда йўқ... — Қодированинг тилёғламалигини пешонасига чиққан совуқ тер билдириб қўйди.

— Мен қўл қўйган эмасман! — Йўлдошева Қодировага ростгўй кўзлари билан тикилди. — Фикримни сизга очик айтганман. Узингизни билмаганга солманг!

— Масала равшан. — Камолова ёндафтарига бу савол-жавобни ҳам қайд қилди-да, Қодировадан сўради:

— Дилбар Зуфарова ўқиётган группада географиядан ким дарс беради?

— Барно Йўлдошева... — Терлаб-пишиб ўтирган Қодирова райком секретарининг мактабга келиш сабабини энди тушунди шекилли, сустроқ товуш билан жавоб қилди.

— Барно опанинг фикрича, Дилбар ҳамма фанлар

қатори, географиядан ҳам ҳар доим «аъло» баҳо олиб келган, — дея мақсадини оча бошлади Камолова. — Лекин, битирув имтиҳонида унга «тўрт» баҳо қўйилган. Сизга, ўртоқ Қодирова, саволим шуки, Барно опа шу баҳога рози бўлганми, яъни имтиҳон комиссиясининг қарорига у қўл қўйганми?

— Йўқ... Қўл қўймаган... — Қодирова ноилож тан олди.

— Бўлди, бошқа савол йўқ, — Камолова елкасидан оғир юк ағдарилган одамдай енгил тортиб, ўрнидан турди. — Район партия комитети мактабларга ёрдам бериш мақсадида маориф ишини бюро мажлисида кўрмоқчи. Районда ҳар қачон илғор бўлиб келган Маяковский номли мактабимизнинг бу аҳволга тушиб қолгани ачинарли эмасми? — Камолова соатига қаради: Уч минут кам ўн. — Қани, бошланг, Зебо Қодировна, ўзбек группасидаги адабиёт имтиҳонига кирайлик. Сизлар билан,— деди у Зафаров ва Йўлдошевага ўйчан боқиб,— соат бешда колхоздаги йиғилишда учрашамиз.

Ўқитувчилар хонасида бўлган бу суҳбат Ҳабибада ранс Афзаловнинг ўғли Анваржонни — Дилбардай ҳусну камолда беқиёс қизни севган йигитни бир кўриш ҳавасини уйғотди. Камолованинг ўзи шу қишлоқдан, Афзаловлар билан бир маҳалладан бўлса ҳам, кейинги ўн йил давомида бошқа шаҳарларда яшагани учун раснинг оиласини унча эслай олмас, бир-икки марта уйига келганида гузарда, мактабда кўпгина болаларни кўрган бўлса ҳам, улардан қай бири Анвар эканини тасаввур эта билмас эди.

Камолова узун йўлакка чиққач, Қодирова уни бошлаб, тўрт ўқитувчи: бир аёл ва уч эркак кутиб туришган синф эшигига яқинлашаркан:

— Кечирасиз, ўртоқ Камолова, бу синфда адабиёт ўқитувчиси мен ўзим... — деди.

— Нега кечирим сўрайсиз? — Камолова таажжубланиб, Қодировага ялт этиб қаради. — Жуда соз!

Камолова эшик олдида турган ўқитувчилар билан бирма-бир қўл беришиб саломлашгач, Қодирова эшикни очиб, дарсхонага биринчи бўлиб кирди.

Бундан икки соат аввал рус группасида бўлиб ўтган маросим бу ерда ҳам такрорланди: директор Камоловани ва комиссия аъзоларини бирма-бир таърифлаб

бўлгач, ўқувчиларни имтиҳон саволларини олишга таклиф қилди.

Камолова синфдагиларни бирма-бир кўздан кечириб, санаб чиқди: ўн олти қиз ва ўн икки йигит. Шу йигитларнинг қайси бири Анвар? Биринчи қаторда, ўнгда, эшикка яқин биринчи стол орқасида ўтирган оқ юзли чиройли йигитми? Ёки сўл томонда, биринчи қаторда — девор тагида ўтирган новчагина қорача йигитчани? Ёки...

Камолованинг фикри шу ерда дафъатан кесилди. У ўнг томонда, охириги партада бир ўзи бемалол ўтирганча ҳозиргина чекига тушган саволларга парвосиз бир қиёфада тикилиб ўтирган йигитчани кўрди-ю, «Анвар Афзалов шу!» — деган тўхтама келди.

Эгнида қордай оппоқ калта енг кўйлак ва йўғоқ кизғиш камар билан сириб тортилган жинси шим, лосдай қора қалин сочи силлиқ таралган, ўзи хона ичида бўлса ҳам, нечундир қора кўзойнак тақиб олган, шу сабабдан кўзлари яширин, бироқ сал узунчоқроқ рангпар юзи буткул ҳиссиз: дилидагини сиртига чиқармайдиган йигит.

Саволлар тарқатилгандан бир неча дақиқа ўтгач, Қодирова дарсхонадагиларга мурожаат қилди:

— Қани ким бошлаб беради?

Ўйга толган қиз ва йигитлардан ҳеч бири бошини кўтармади.

Яна бир неча дақиқадан кейин Қодирова такрор мурожаат қилди:

— Тайёр бўлганлар борми?

Анваржон кўзларини қоғоздан олмаган ҳолда узун ўнг қўлини баланд кўтарди.

— Марҳамат! — Жиянининг жасоратидан ичида офтоб чарақлаган Қодированинг юзи яшнади.

Анваржон ўқитувчилар ўтирган узун стол ёнидаги минбар орқасига ўтиб олгач, Камолова унга қараб, бўйи ҳаддан зиёд баланд, бўйни узун, қиррабурун, йигитчанинг жавобларига қулоқ солди.

Биринчи савол: «Ғафур Ғуломнинг Улуғ Ватан уруши давридаги ижоди» ҳақида Анваржон қисқа, лўнда, анча таъсирли жавоб берди. Айниқса, шоирнинг «Кузатиш», «Сен етим эмассан», «Соғиниш» шеърларининг мазмунини аниқ айтиб бергач, ёзилиш шароитини, снёсий аҳамияти ва бадний қимматини таърифлади.

Уқитувчилардан бири:

— Уша шеърлардан биронтасини ўқиб беролмайсизми? — деб сўраганда, Анваржон:

— Еддан билардиму, бироқ шу кунларда сал паршонроқман, — деб жавоб қилиши билан дарсхонадагилар ҳаммаси баробар қаҳқаҳа отиб кулиб юборишди.

Қамолова бу ялпи кулгнинг сабабини тушунмади ва Қодирова ўқувчиларни тартибга чақириб, дарсхонани тинчитгач, Анваржоннинг иккинчи саволи — Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони бўйича жавобига қулоқ солди. Бу жавоб ҳам комиссия аъзоларидан ҳеч кимда на иштибоҳ, на эътироз туғдирди. Уқитувчилар унга яқдиллик билан «беш» баҳо қўйдилар.

Қамолова яна икки-уч ўқувчининг жавобларини эшитгач, Қодированинг қулоғига:

— Соат бешда колхозда учрашамиз, — деди-да, ўрнидан турди. — Кузатманг, — таъкидлади у Қодировага.

Қамолова мактаб ҳовлисига чиқиб, кўчада, каллакланган катта тут дарахти тагида кутиб турган эски «ГАЗ-69» машинасини кўрди. Шофёр олдинги ўриндиқда чалқанча ётганича баралла хуррак отарди.

Ҳабиба Хонободга кўкламдан буён энди келгани учун гузаргача яёв боришга, Фозилмон боғига кириб, салқин булоқ сувидан тўйиб-тўйиб ичишга, шундан кейингина колхоз правлениесига ўтишга қарор берди-да, лойқа суви лиммо-лим оқаётган ариқ бўйлаб аста юриб кетди...

### *Учинчи боб*

Фозилмоннинг тарихи, бу ерда бўлиб ўтган ва ҳамон эл оғзидан тушмайдиган воқеаларнинг сир-асрорини нуктадон олимларимиз ҳали очиб берганларича йўқ.

Ўтган асрда Қўқон хонлиги тасарруфидаги Фарғона музофотининг энг таърифи тилларда дoston оромгоҳларидан бири Фозилмон бўлиб, бу фақат Хонобод қишлоғининг эмас, балки Қорадарё юқори воҳасининг ҳам кўрки ҳисобланади.

Эндиликда Фозилмон Фрунзе номли колхознинг марказидаги ҳамма дам олиши мумкин бўлган очиқ боғ. Албатта, колхозчилар эртаю кеч иш билан банд, улар-

нинг болалари ҳам кўпинча далада. Бинобарин, бу оромгоҳнинг қарорда ёзилмаган, қоғозга тушмаган доврўғи бор: у ерда раис дам олади, меҳмонларни кутади, бошқалар унинг оромини бузмасликлари керак...

Аммо, Андижон, Уш ёки Узгандан Жалолобод томонга ўтгувчиларнинг бир қисми, айниқса Фозилмоннинг таърифини эшитган кишилар уни зиёрат қилиб, чучук булоқ сувидан бир пиёла ичиб кетишлари одат бўлиб қолган. Боғнинг тепасидан Қирғизистоннинг Сўзоқ районига ўтган осма бетон ариқ, боғ сатҳида мутаносиб яшнаб турган асрий оқ тераклару чинорлар, антиқа гулзорлар, ариқларда шалдираб оқувчи сувлар салқини, айниқса, саратоннинг олов пуркаб турган кунларида танга ҳордиқ, жонга ҳузур бағишлайди.

Эл оғзидаги нақлларга қараганда, бу ерда таҳминан икки аср муқаддам Фозил ота исмли бир муҳтарам зот ўтганмиш. Олим, сайёҳ, шифокор табиб бўлган бу одамни гоҳ Фозил Хонободий, гоҳ Фозил Фазлий, кўпчилик эса, Фозилмон ота деб таърифлайдилар. Ҳарқалай, бу боғдаги кўкўпар теракларни, азим туп чинорларни Фозил ота каби эл арбоби экиб, ўзидан боқий ёдгор, яхши от қолдиргани ҳақиқат.

Мактабдан бу ергача пиёда юриб келган, қирқ даражали иссиқда роса терлаб-пишган Ҳабиба боғнинг қия очиқ дарвозасидан кириши билан бир онда бир фаслдан бошқа фаслга ўтиб қолган одамдай, салқин ҳаво, сувлар шилдираши, аллақандай анвойи қушлар сайрашидан дафъатан энгил тортиб, эркин бир тин олди-да, булоқ томонга юрди.

Боғ саҳни бўм-бўш. Унг томондаги узун айвонли оқ уйда ҳам, чап томонда — дарвоза ёнидаги кўримсизгина бинода ҳам ҳеч ким йўққа ўхшайди. «Ҳамма далада, — кўнглидан ўтказди Ҳабиба. — Раис ҳам далада бўлса керак».

У булоқ бошига бориб, нам майса устида чўнқайиб ўтирди ва иккала қўлининг кафтларини бирлаштириб, муздай тиниқ сувдан ҳовуч-ҳовуч ича бошлади. Шифобахш сув вужуд-вужудига сингиб, чарчоғи босилди. У ўрнидан турмай, булоқ ҳовузидаги кумушранг «ҳур балиқ»лар сайрини томоша қила бошлади. Шу оромбахш дақиқаларда бундан 13 йил аввалги воқеа — мактабни битиришга бағишланган тантанали йиғилишдан кейин Комилжон билан учрашгани, Комилжон уни шу



боққа бошлаб келгани, икковлари шу булоқдан ҳовуч-ҳовуч сув ичишгач, шу бўстонда, ҳов... анави чинор тагида йигитнинг унга севги изҳор қилгани эсига тушиб, мамнун жилмайди...

Ҳабиба боғда ҳеч кимни кўрмаган бўлса ҳам, уни бир киши кўрди. Бу — раис Норхўжа Афзаловнинг хотини Хонзода бўлиб, у бугун нечундир саҳар паллада, серташвиш бир аҳволда ишга кетаётган эридан Фозилмонда кеч соат олтида йиғирма кишига дастурхон тайёрлаш ҳақида буйруқ олган эди. Бунинг учун албатта, қассоб чақириб қўй сўйдириш, нонвой айтиб нон, патир, сомсалар ёптириш, энг яхши ошпазни таклиф қилиш, боғбонга мевалар тердириш, магазинчига сарҳил ичимликлар келтиришни тайинлаш ва ниҳоят, идорадан бир-икки одам келиб, меҳмонларга хизмат қилиб туриши керак бўлади. Афзалов бугунги меҳмонлар нозиклигини хотинига қайта-қайта тайинлагач, «Волга»сини унга қолдириб, ўзи «ГАЗ-69»да жўнаб кетди.

Эрининг бунақа топшириқларини бажаравериб пишиб кетган Хонзода керакли одамларни топди, дастурхонга зарур нарсалар тайёр. Фозилмон боғининг ўнг чеккасини эгаллаган узун айвонли оқ уй орқасида — кенг бостирма тагида зиёфатга ҳозирлик бошланганига тўрт соатдан ошди. У ҳозир ҳам ўн бешга яқин дастёрларнинг ишидан хабар олиб, оқ уйнинг орқа эшигидан хосхонага кирди ва шоҳи кўрпача, момиқ болншлар тўшалган диванга ярим соатгина чўзилиб, ором олмақчи бўлиб турганда уй деразасидан боғда яшнаб турган гулзор томонга қаради-ю, булоқ бошида чўққайиб ўтирган жувонни таниб, дарҳол билагигаги илон кўзи шаклида нозик ишланган олтин соатига қаради: икки ярим... Меҳмонларнинг келишига ҳали тўрт соатча вақт бор...

Бундан бир соатча аввал Хонзоданинг синглиси Зебо мактабдан телефон қилиб, Камолованинг келганини айтган ва поччаси билан дарҳол учраштиришни опасидан илтимос қилган эди. Уйдан саҳар мардонда чиқиб кетган Афзалов бундан ярим соатча бурун Фозилмонга келиб, ҳозир ичкари хонада алланималарни ёзиб ўтирибди. Аммо, Хонзода эрининг авзойини кўрди-ю, синглисининг илтимосини унга етказишга журъат этолмади.

Энди бўлса, кутилмаган воқеа: Камолованинг ўзи шу ерда!

Хонзоданинг миёсида бир фикр чиқиндай йилт этди: «Ҳозир эримнинг олдига кирмади, Камолованинг келганидан уни огоҳ қиламан ва Зебонинг илтимосини ҳам унга етказиб, учовини шу ерда учраштираман: ҳамма иш битади-қўяди».

У деразадан яна бир бор қараб, Камолованинг булоқ бошида ҳамон хаёл сурганча чўққайиб ўтирганини кўрди ва хосхонадан чиқиб, кенгинга нимқоронғи салқин хужра орқали иккинчи хонага — эрининг кабинет қилиб жиҳозлатиб олган хонасига оёқ учида аста кириб борди.

Афзалов дераза олдидаги каттагина ёзув столи орқасида, хонага кириладиган эшик томонга ним ўтирилганча алланималарни ёзиб ўлтирарди.

— Мумкинми, хўжайин? — Хонзода эрининг ёнига келиб, чаккаларида сийрак сочи оқара башлаган гўштор тепакал бошини юмшоқ қўллари билан аста силади. — Иш... иш... иш... Намунча? Биз бечорага ҳам жичча вақтларини берадиларми?

Афзалов қоғоздан бошини кўтариб, катта бурни устидан кўзойнагини олди-да, бинафшаранг шифон кўйлагининг ёқасидан француз атирининг нафис хушбўйи анқиб, оқи оққа, қизили қизилга ажралган жилвали юзи яшнаб турган хотинини белидан ушлаб, бағрига тортди. Хонзода қип-қизил ипак гиламга чўккалаб, силлиқ таралган қалин сочи ҳамон тимқора бошини эрининг тиззасига қўйиб эркаланди.

Афзалов унинг оппоқ бўйнидан, жажжи қулоқларидан, шахло кўзларидан ўпар экан, сирли бир нарсани фош этаётган фитначидай:

— Бир сю икки кун қолди, — деди.

— Қўйинг, эсимга селманг! — Хонзода эрининг бағрида тўлганиб тантиқланди. — Ҳамма мени кампирга чиқариб қўяди...

— Қирқ баҳор деймиз... Йўқ, яхшиси ёшингизни айтмаймиз. Онлавий юбилей... — Афзалов хотинининг икки ўрим юмшоқ сочларини силади. — Мана шу боғда беш юз кишига дастурхон ёзамиз. Онангиз сизни мен учун туққан кунни нишонлаймиз. Нима дедингиз?

— Раҳмат... — Хонзода узун бармоқлари билан эрининг мўлгина сепкил тошган ялпоқ юзини беззорги-

на силади.— Бахтимга сиз борсиз!— Кейин эри ўтирган юмшоқ креслонинг ёнига стул қўйиб ўтирди-да, кулгичларидаги жилва сўниб, эрига ташвишли тикилди.

— Янгилик... Ҳабибахон боғда, булоқ бошида ўтирибди.

— Ҳабибахон? — Афзалов парвосизгина сўради. — Қайси Ҳабибахон?

Ҳабиба Камоловна...

Хонзода шундай дейиши билан Афзаловнинг қисик қўйкўзлари катта очилиб, хотинига қаттиқ тикилди:

— Қачон келди? Сен кутиб олдингми? Нега у боғда ёлғиз ўтиради?

— Мен ҳам шу тобда деразадан кўриб қолдим... Сиздан бемаслаҳат... нима қилишни билмай, олдингизга кирдим... — Камолованинг номини эшитиши билан эрида бундай ўзгариш бўлишини кутмаган Хонзода Афзалов то бир қарорга келгунча синглисининг илтимосини айтиб олишга жазм этди: — Камолова мактабга борибди, анча нарсаларни суриштирибди, имтиҳонларда қатнашибди. Зебо менга телефон қилиб, сиз билан дарҳол учраштиришни сўради.

— Ҳа-ҳа... — Афзалов тепакал бошини қашиди. — Бундоқ қиламиз... Камолова мени кўрмасин... Мен бу ерга келганим йўқ... Ҳозир орқа эшикдан чиқиб, идорага бораман. Ҳа-ҳа... Уша ердан мактабга телефон қилиб, Зебони чақиртириб оламан. Вақт зиқ... Соат бешда правление мажлиси... «Биринчи» келадилар! Ҳа, масала катта... Мен кетгач, сен боққа чиқ, Камоловани чойга таклиф қил. Қуш тилини қуш биледи... А, лаббай?

Афзалов хотинини бағрига босиб, такрор тайинлади:

— Унинг гапини эшит. Узинг гапирма. Уқдингми?

— Уқдим...

Афзалов ёзув столи устидаги қоғозларини йиғиштириб, тахлар экан, хотинига муғамбирона тикилиб жилмайди:

— Сенга яна ҳам каттароқ бахт, улуғроқ давлат кулиб боқади, чамамда!

— Фаришталар омин деворсин! — Хонзода эрининг бағридан чиқар экан, қиқирлаб кулди. — Ҳабибахондан хотиржам бўлинг, ўзим тинчитаман.

— Доносан! Сенга тараф йўқ...

Афзалов шундай деб кулди-да, зинфат тайёргарли-

ги кўриляётган ҳовли орқали юриб, орқа эшикдан кўчага чиқиб кетди.

Кўчада учта машина: Афзаловнинг бугун хотинига бериб қўйган «Волга»си, ўзи тонгда миниб кетган «ГАЗ-69» машинаси ва Камоловнинг худди шунақа, лекин анча эскириб қолган «Газиги» қатор турар, уч шофёр тол тагидаги ариқ бўйида суҳбатлашиб ўтиришарди.

Афзалов ўзини Камоловадан четга олиб, орқа ҳовлидан кўчага чиққанида унинг шофёрига дуч келишини ва бу шофёр раисни кўрганини Камоловага айтиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Анча шошиб қолди. Ҳатто, боққа қайтиб, Камолова билан кўришишдан бошқа иложи йўқлигини ҳам ўйлади. Бироқ, у «Волга»га яқинлашиб, унинг олдинги эшигини очиш учун қўл узатгач, шофёри Турдиали ҳам ариқ бўйидан чаққон туриб келиб, ўрнини эгаллаб бўлган эди.

Раис машинага чиқиб ўтирди ва ичида: «Бўлар иш бўлди», деди-да: «Идорага ҳайда!» — деб буюрди Турдиалига.

Колхоз идораси Фазилмонга жуда яқин, бор-йўғи ярим чақиримча масофада — саратон иссиғида димиқиб ётган дарахтзор ичидаги икки қаватли кўримсизгина бинода.

Машина темир панжара билан ўралган шу кенггина саҳнга очиқ дарвозадан кираётган Афзалов шофёрининг елкасига гўштдор кафтини қўйиб:

— Тўхта, ука! — деди-да, машина эшигини очаётиб: — Мактабга бор, директор Қодиревани оғоч кел! — деб тайинлади.

Турдиали машинани орқасига бериб, дарахтзордан йўлга чиқиб кетди.

Идора олдидаги саҳн ёғ тушса ялагудай тоза супурилиб, асфальт йўл ва йўлакларга кўлоблатиб сув сепилибди. Аммо, қилт этган шабада йўқ. Кун айни қизиган пайт бўлгани учун сепилган сувдан ҳаммаёқ ҳаммомнинг иссиқхонасидай буғланиб, нафасни қайтаради.

Афзалов идорага кириши билан узун йўлакдан келаётган партком секретари Азиз Абдуллаевга дуч келди-да:

— Маслаҳатли иш чиқиб қолди, Маҳмудов шатта-ми? — деб сўради.

— Ҳа.

— Икковингиз кинринглар.

— Маъқул.

Афзалов бўм-бўш, дим қабулхона орқали ўз кабинетига кириб, енгил тин олди: кимдир кечагина деразага ўрнатилган кондинционери ишлатиб қўйибди. Узун ва кенг хона озода: чанг артилган, стол атрофига юмшоқ стуллар тартибли терилган, олмагуллик катта оқ чойнакка кимдир чой дамлаб, бир даста пиёла ҳам қўйиб кетган.

«Мажлисни шу ерда ўтказсак ҳам бўларкан, — кўнглидан кечирди. раис. — Боғ дим...»

У ёзув столи орқасидаги креслога ўтириб, Фозилмонда тайёрланган қоғозларни тартибга солаётганда Абдуллаев билан Маҳмудов кириб келдилар.

— Ўтиринглар, — деди Афзалов қоғозлардан кўзини олмай. — Азизхон, мажлисни қаерда ўтказамиз?

— Одам озроқ бўлса, кабинетингиз маъқул, ҳар қалай салқин, — Абдуллаев тик турганча жавоб берди. — Пастдаги катта хонани ҳам тозалаттириб қўйдик, бироқ стуллар эски, кўпи синиқ. Боққа жой қилайлик, кун ҳаддан зиёда исиб кетди.

— Кўпчиликни йиғмасак бўлмайди, «биринчи» келадилар... — Афзалов катта бошини силаганча салмоқли гапирди. — Масала ҳам муҳим... Одамлар бу кабинетга сизмас-ов!.. Сиз, Азизхон, идорадагиларни йиғиб, боққа жой қилдиравеинг! Биз Маҳмудов билан ҳисоб-китобимизни бир кўздан кечирайлик. Масаладан хабарингиз борми?

— Ҳа, албатта.

Абдуллаев чиқиб кетгач, Афзалов сарғиш дермантиндан ясалган қалин папкасини икки қўллаб ушлаганча рансга интиқ тикилиб ўтирган Маҳмудовга юзланди:

— Хўш, бош экономист, кеча мен райком бюросидан келгач, сизга айтган фикрларимни қоғозга тушурдингизми?

— Ҳа, тайёр.

Маҳмудов папкасини очиб, рансинг топшириги билан тайёрланган ҳужжатини: колхознинг кейинги беш йилдаги иқтисодий аҳволига доир рақамларни ва агар колхоз тугатилиб, унинг ўрнида совхоз ташкил қилинадиган, бинобарин, бўлажак Кампирравот сув иншоотининг ўнг томони — Қорадарё тепасидаги адёрлар

ҳам қўшиб бериладиган бўлса, янги хўжаликнинг кейинги беш йилдаги ривожига доир ҳисоб-чўтини ўз ичига олган докладномани Афзаловга узатди.

Раис кўзойнагини бурни устига қўндириб, бугун правление мажлисида ўзи қиладиган докладга асос бўладиган рақамларни бирма-бир кўздан кечирар экан, Маҳмудов хонанинг салқин ҳавосидан роҳатланиб нафас олиб ўтирар, Тошкент Халқ хўжалиги институтини аъло даражада тамомлаган ва, мана, икки йилдан бери шу колхозда бош экономист бўлиб ишлаётган бўлса ҳам ҳали унинг иш тажрибасида бунақа катта воқеа бўлмаганини ўйларди: ҳазилакам гапми — бир неча кун давомида ҳеч қандай тайёргарликсиз бутун бир колхознинг тугатилиши ва мингдан ортиқ оиланинг янги шароитда, давлат ихтиёридаги хўжаликда ишлай бошлаши!

Толибжон Маҳмудов бундай воқеалар областда ҳам, районда ҳам бўлиб турганидан, янги совхозлар эски колхозларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан яхши натижалар бераётганидан хабардор. У халқ хўжалигига доир жуда кўп китоб, журналларни ўқийди, иқтисодий масалаларни ўрганadi. Бироқ, ёш экономистнинг бошини бошқа бир нарса қотиради: планлари муттасил бажарилмади келаётган, иқтисодий аллақачон чўкиб қолиб, давлатдан қарзи миллион сўмдан ошиб кетган, аъзолари кўпдан буён ҳатто аванс ҳам олмай қўйган қолақ колхозни тугатиб, унинг ўрнида ҳар жиҳатдан давлат таъминотига ўтадиган совхозни осонгина ташкил этиб шу ернинг халқига янгиликлар яратиб бериши турган гап. Аммо, коллектив хўжаликни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ўрнига бундай осон йўлдан бориш тўғри бўлармикан? Бу хилда иш тутиш давлатни алдашнинг шаклларида бири эмасми?

Бу шундатли хулосадан Маҳмудовнинг дили ларзага келса ҳам, лекин тажрибали раис, доврўқли раҳбар Афзаловнинг кеча кечаси уни уйдан олдириб келгани, бу масала «юқори ташкилотлар»да узил-кесил ҳал бўлганини айтгани унинг даммини қирқиб қўйди-да, у тонг отгунча мишжа қоқмай, ҳозир раис пешанасини тириштирганча ўқиётган докладномани тайёрлади.

Докладномада келтирилган рақамлар фақат мутахассисларнинггина эмас, балки қишлоқ хўжалигидан озгина хабардор бўлган ҳар кимни ҳам ўйлатиб қўйиши

турган гап: пахта плани уч йилдан бери бажарилмайди, демак бу соҳа фойда бермайди. Чорвачиликдан ҳам фақат зарар кўрилади. Қартошқадан олинган ҳосил уруғини ҳам қопламайди. Сабзавот, боғ, полиз, шолидан ҳам даромад жуда оз. Биргина пилла дуруст. Қурилиш аллақачон тўхтатиб қўйилган — пул йўқ. Қолхозчилар асосан томорқалари ва хусусий чорвалари ҳисобига яшайдилар. Далада меҳнат қилишни йнгиштириб, район марказида, қўшни посёлкаларда ташкил этилган саноат корхоналарига қатнаб ишловчилар тобора кўпайиб борапти...

Шулар ҳаммаси докладномада келтирилган рақамларда ўз ифодасини топган.

— Ҳаммаси тўғри, — деди Афзалов қоғоздан бошини кўтариб, — балли, анча меҳнат қилибсиз. Сиз энди чиқиб, боғдагиларга қарашворинг.

Маҳмудов «ётиб қолгунча отиб қол», деган мақолга амал қилиб, кўпдан буён жонини қийнаб юрган фикрини рўйирост айтишга оғиз жуфтлаган эди, кабинет эшиги аста очилиб, Зебохон кўринди:

— Мумкинми, почча?

Нимқоронғи кабинетга ёрқин нурдек яшнаб кириб келган Қодировани кўрган Маҳмудовнинг гапи ичида қолди ва қалин папқасини кўтарганича хонадан соядек жимгина чиқиб кетди.

Зебо чиндан ҳам номига яраша очилиб кетибди. Саратон иссиғи, имтиҳонлар ташвиши, бирин-кетин туғилган олтита ёш боласи, оилада тез-тез можаро чиқариб турадиган рашкчи эрининг ҳархашалари — булар ҳаммаси унга заррача таъсир қилмагандай: парча-парча оқ гулли ҳарир зангори япон матосидан келиштириб тикилган қўйлаги баланд бўйи, тиқин кўкракларига шуңдоққина ёпишиб турибди.

— Келсинлар, опоч! — Афзаловнинг чеҳраси очилиб, дарҳол ўрнидан турди ва кабинет бурчагидаги пўлат сейфни очиб, у ердан француз атрининг силлиқ қутичасини олди-да, ёнига келган Зебога узатар экан, унинг чап юзидаги қора холидан беозоргина ўпиб қўйди.

— Ҳой, почча! Опам сезиб қолса нима бўлади? — Зебо ўзини Афзаловдан сал олиб қочиб, ноз билан зардали боқди.

— Жалолободга ўтувдим, курортнинг магазинидан олдим, — деди Афзалов атир қутичасини ҳавас билан

ҳидлаётган Зебога. — Қани, ўтиринг, опоч, вақтимиз зиқроқ.

Иккови узун столнинг икки томонига юзма-юз ўтирдилар.

— Анваржоннинг имтиҳонларини тўғрилаш қимматга тушадиганга ўхшайди, — деди Зебо юзидаги кулги дафъатан ўчиб. — Бу ишга райком аралашди.

— Камолова денг... — Афзалов креслога суялганича Зебога суқли тикилди. «Тоза нарса тоза-да! — кўнглидан ўтказди у. — Қани энди ўн ёшни орқага ташлаб юборсак!» — Камолова ҳали райком эмас! — зарда билан тасдиқлади ранс. — Райком — «биринчи», Узоқов!.. Хўш, Камолова нима дейди?

— Бугун эрталаб етиб келди, ўқитувчилар билан суҳбатлашди, имтиҳонларга кирди... — Зебо атир қутчасини сумкасига сола туриб: — Эрим буни кўрса яна жинни тутади, — деди маъюс жилмайиб. — Шундай безиллаб қолганманки...

— Хўш, Камолова нима дейди? — Афзалов тоқатсизланиб, саволни такрорлади.

— Камолова Анваржонга географиядан «беш» баҳо ногўгри қўйилган, чунки ўқитувчи Йўлдошева рози бўлмаган, дейди. Яна Камолова шу фандан Дилбарга қўйилган «тўрт» баҳо ҳам тўғри эмас, унинг ўқитувчиси комиссиянинг бу қарорига қўл қўймаган, дейди. Бунинг устига, Камолова сизга ҳам айб қўйяпти: истаган вақтнингизда ўқишни тўхтатиб, болаларни юк машиналарда далага олиб кетар эмишсиз. Домла Зуфаров воқеаси эсингизда бўлса керак?

— Эсимда... — Афзалов соатига қаради. — Тўрт ярим бўлибди... Афсуски, вақтимиз оз... Ҳозир «биринчи» келиб қолади... Камолова Фозилмонда, опангиз билан бирга... У ҳам ҳозир пайдо бўлса керак... Гапнинг қисқаси, бундоқ қиласиз... Имтиҳон комиссиясининг қарорига имзо чекмаган ўқитувчилар имзо чексинлар, агар улар рози бўлмасалар, бошқа ўқитувчиларга қўл қўйдилинг! — Афзалов Қодированинг лаб тишлаб, бош чайқаганини кўриб, овозини кўтарди: — Қўрқманг, мен бор! Уқувчиларни далада ишлатиш масаласига келсак, бу «кўпга келган тўй», фақат сизнинг мактабингизда бўлаётгани йўқ. Бу ишда жавобгарликни мен ўз зиммамга оламан. Энди Йўлдошева ёки Зуфаров ма-



саласига келсак, тўғри, улар арз қилган бўлишлари мумкин... Бу масалани мен ҳам «биринчи»га тушунтираман. Карим Узоқович одамшаванда инсон!... Ахир биз у киши билан эски қадрдон, опоч!

Афзаловнинг ишонч билан айтган сўзларидан Зебо-нинг кўнгли анча таскин топди, лекин шундай бўлса ҳам:

— Поччажон, Анваржоннинг олтин медаль олиши шартми? Институтга киришнинг бошқа йўллари ҳам бор-ку, — деб кўнглини ҳамон гаш қилиб турган ҳавотирни сездириб қўйди.

— Шарт! Гап битта! — Афзаловнинг ўз қаршисида ўтирган гўзал жувонга бояги илтифоти пийлиги тугаган шамдай дафъатан сўниб, унинг ўрнини бағритош эркакларга хос дағаллик эгаллади. — Анваржон менинг ўғлим, сизнинг жиянингиз! Сиз унинг имтиҳонларига ёрдам берасиз, мен маориф билан сўзлашаман. Ҳа, дарвоқе, унинг ўтган йиллардаги имтиҳонларини тўғриладдингизми?

— Ҳа, ҳаммасини «беш» қилдик... — Қодирова ўрнидан аста турар экан: — Мен борай бўлмаса... — деди мажҳуд бир аҳволда. — Мажлисда бўлишим шартми?

— Шарт... — Афзалов энди бу сўзни юмшоқроқ айтиб, Зебога далда берди: — Ишда камчиликлар бўлади... Қўрқоққа сичқон филдай кўринади. Хато қилмайдиган одам борми ўзи? Ҳарқалай, Камоловадан эҳтиёт бўлинг, опоч! Ҳа, дарвоқе, бир ою икки кун қолди... Опанғизнинг юбилейига! Катта тўй қиламиз: ўшанда менга яхши кўрган ўйинингизни ўйнаб берасиз... Оти нимайди?

— «Атиргул»... — Зебо шундай деди-да, ўрнидан туриб, кўзлари ҳирс билан ёнганча яқинлашиб келатган поччасидан ўзини четга олди ва эшикни чаққон очиб, кабинетдан чиқиб кетди.

Афзалов дераза ёнига келиб, дарахтзор боғини, у ердаги одамларнинг ҳаракатларини кўздан кечирди. Беш-олти киши ўт-хашакларни кетмонлаб тозаламоқдалар, ўнга яқин одам скамейжаларни ўрнатиш, стулларни териш, президиумга жой тайёрлаш, микрофон симларини тортиш, чойнак-пиёлаларни ташиш ва ҳоказо юмушлар билан банд.

Ҳов ана... Бўйи дароз, елкалари кенг Абдуллаев

боғ этагига тўйларда ишлатиладиган катта мис самоварни қўйишга жой кўрсатяпти.

«Абдуллаевнинг эси жойида. — Афзалов мамнун жилмайди.— Унга бир оғиз сўз, сал имо-ишора кифоя — дилингиздагини топиб ўрнлатади. Аммо, Маҳмудов... У — ёв!!!»

Шу пайт Афзалов кўча томондаги очиқ эшикдан боққа кириб келаётган Камоловани кўриб қолди. Ҳабиба ҳозиргина идора эшигидан чиққан Қодировага дуч келиб, уни четроқ бир ерга, одамлардан холироқ ерга — ариқ бўйидаги азим туп тол тагига қўйилган сўри томонга бошлади. Иккови сўри четига ёнма-ён ўтириб, суҳбатга машғул бўлдилар.

«Ишқилиб, лақма Зебо мен билан сўзлашганини Камоловага айтиб қўймасин,— кўнглидан ўтказди Афзалов ва уни Фозилмонда кўрганини эслади-да: — Бу жувонда бир гап бор, — деган ўй бошида айланди. — Карим Узоқович Камоловага ортиқча ишониб юборяпти чамамда...»

Турли машина, мотоцикл, велосипедлар идора олдидаги кўчада бирин-кетин тўхтаб, улардан тушган кишилар — мажлисга чақирилган правление аъзолари, бўлим, бригада, ферма бошлиқлари, шу колхознинг бешиги тебратган оқсоқоллар дарахтзорга иккита-иккита, тўда-тўда бўлиб кира бошладилар. Улар орасида ягона отлич қам кўринди. «Девонов мажлисга айтилса, айтилмаса етиб келади», деган фикрни кўнглидан ўтказди Афзалов.

Афзалов раисликни бундан ўн саккиз йил аввал шу донгдор отахондан қабул қилиб олган. Умархон Девонов у вақтда ёши олтмишдан ошган, 38—40 центнердан мутассил пахта ҳосили етиштириб эл оғзига тушган, қатор орден-медалларга эга бўлган раис эди. Аммо, ўша йили отдан йиқилиб, бели синди-ю, узоқ ётиб қолди. Унинг касали Норхўжанинг институтни битириб, Тошкентдан қишлоғига қайтишига тўғри келди. Афзаловни аввал бош агроном қилиб тайинладилар, лекин Девонов оёққа туравермагач, унинг ўрнига раис қилиб сайладилар.

Кейинчалик Девонов тузалиб кетдигина эмас, ишни ҳам бошлаб юборди: олдин ҳосилот, кейин бригадир бўлди. Бироқ ҳамма дардини енгса бўлади-ю, битта дард одамни доғда қолдиради, бу — кексалик.

Соат чораккам беш бўлганда Афзалов Узоқовни кутиб олиш учун идорадан чиқди-да, Камолова билан кўришиш учун ариқ бўйидаги сўри томонга юриб борди. Буни узоқдан кўрган Абдуллаев раиснинг ўтириши учун стул кўтарганча чопқиллаб етиб келди.

Камолова раиснинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, у билан қўл бериб кўришар экан, стулни сўри олдига қўйибоқ орқасига қайтаётган Абдуллаевга:

— Азиз Абдуллаевич, сиз ҳам менга кераксиз, — деди. — Қани, ўтирайлик, қисқача суҳбатлашиб оламиз.

— Мен Қарим Узоқовични кутиб олишим керак. — Афзалов кўча томонга олазarak қаради.

— Мен Қарим Узоқовичнинг топшириғи билан келганман, ўртоқ Афзалов! — Камолованинг бў сўзларидаги расмият ўрнидан турган раисни яна поилож стулга ўтиришга мажбур қилди. — Маяковский номли мактаб ишидаги тартибсизликлар ҳақида район партия комитетига кетма-кет аризалар тушиб турибди. Бу аризаларда сизнинг, ўртоқ Афзалов, мактабда ўқиш-ўқитиш ишларини издан чиқараётганингиз ҳақида ёзилади. Қолхоз партия ташкилоти мактаб иши билан мутлақо шуғулланмай қўйган. Мен бу ҳақда ўртоқ Узоқовга ахборот бераман ва район партия комитети тегишли чора кўради, албатта. Лекин, менинг ҳозир сизларга айтмоқчи бўлган гапим шуки, мана, ўртоқ Қодирова маслаҳатга қулоқ солмаяпти. Гўё, мактаб коммунистлари, кекса ўқитувчилар ноҳақ-у, бу киши ҳақ. Бундай ўйлаш юмшоқ қилиб айтганда калтабинликдан бошқа нарса эмас. Масала жуда жиддий. Дарҳол мактаб иши билан шуғулланиш даркор... Ана, ўртоқ Узоқов ҳам келдилар, кутиб олинглар!

Афзалов билан Абдуллаев оқ «Волга» келиб тўхтаган очиқ дарвоза томонга чопдилар. Камолова Қодировани огоҳлантирди:

— Мактаб раиснинг маҳрига тушган эмас, Зебохон! Мактаб партиянинг тарбия ўчоғи. Ниҳоят, мактаб маорифга қарайди. Сиз ўзингиз район маориф бўлимига охириги марта қачон боргансиз?

— Иш кўп... Имтиҳонлар... — Қодирова дудуқланиб жавоб берди.

— Нега имтиҳонларда маорифнинг вакили йўқ?

— Эсимга келмабди.

— Эсингизни йиғиб олинг! — Камолова Қодировага

қаттиқ тикилди. — Педагогсиз! Мустақил фикр эгаси бўлиш керак. Раиснинг қўғирчоғига айланиб қолманг, ўртоқ директор!.. Боринг, ҳозир мажлис бошланади.

Қамолованинг танбеҳидан лой бўлган Қодирова сўридан базўр туриб, одамлар тўпланиб турган дарахзор томонга бедана юриш қилиб кетди.

Орқа эшикдан Узоқов тушиб келаётган оқ «Волга»га яқинлашганларида Афзалов олдинга ўтди, Абдуллаев орқароқда қўл қовуштириб турди.

Бўйи баланд, қўллари узун, қотмагина Узоқов машинанинг орқа эшигидан енгилгина чиқди-да, Афзалов ва яна бир неча кутиб олувчилар билан қўл бериб кўришар экан:

— Ҳамма нарса тайёрми? — деб сўради раисдан ва тасдиқ жавобини олгач, одамлар йиғилиб ўтирган дарахзор томонга бурила туриб, ариқ бўйидаги сўри томондан келаётган Қамоловани кўриб, йўлида тўхтади ва у билан ҳам қўл бериб кўришар экан:

— Хўш, мактабда тинчликми? — деб унга мулозим боқди.

— Менимча, райком ва райижроком комиссиясини тузиб, ҳамма мактаблар аҳволини чуқурроқ ўрганишимиз ва бюрода кўришимиз керак. — Қамолованинг пешонасида икки қатор ингичка ажинлар пайдо бўлиб, Узоқовга ўйчан қаради. — Маяковский номли мактабдаги камчиликлар, директорнинг ишидаги жиддий хатолар баъзи бошқа мактабларда ҳам бор бўлиши мумкин. Хуллас, масала пишиб етилган.

Узоқов бу фикрни Қамоловадан иккинчи марта эшитётгани учун:

— Маъқул, — деб унинг фикрини қувватлади. — Комиссия раиси — ўзингиз, райком ва райижрокомдан яна тўрт кишини танлаб, бюрода тасдиқлатгач, ишни бошлаб юборинг. Масалани августнинг биринчи ҳафтасидаги бюро мажлисига қўямиз. Шундай қилсак, мактаблар ремонтининг боришини ҳам муҳокама қилиш имкониятига эга бўламиз.

— Хўп бўлади, Карим Узоқович. — Қамолова анча енгил тортиб, биринчи секретардан сўради: — Мен мажлисга қолайми?

— Албатта! — деди Узоқов ҳам тасдиқ, ҳам буйруқ оҳангида. — Сўзга ҳам чиқинг. Менга айтган фикрларингизни халққа ҳам айтинг: то комиссия текшириш

бошлагунча колхоз ва мактаб раҳбарлари мавжуд нуқсонларни қисман бўлса ҳам тузатсинлар.

— Яхши, Қарим Узоқович.

Узоқов Камолова билан қисқача суҳбатидан қониқди шекилли, мамнун жилмайиб қўйди ва икки қадам нарида кутиб турган Афзаловга юзланди:

— Кеча бюрода кўрилган масалани халққа айтамыз. Тайёрмисиз?

— Доим тайёр!— Афзаловнинг серсепкил юзига кулги ёйилган бўлса ҳам Узоқов раиснинг тайёрлигига унча ишонмай, унга синчков тикилди: — Аниқ иқтисодий кўрсаткичлар асосида тузилган батафсил докладни назарда тутяпман? Сиз-чи?

— Мен ҳам!— Афзалов асло бўш келмай жавоб берди.— Бош экономист Маҳмудов, партком секретари Абдуллаев — учаламиз докладни сиз айтгандай тузиб, чиқдик.

— Ундай бўлса, жойида...— Узоқов ҳарқалай шубҳаланиб, Афзаловдан сўради: — Сўзга чиқувчилар-чи?

— Тайёр...— Афзалов бу гал бўшашиброқ жавоб берди.— Абдуллаев, Маҳмудов...

— Бошқалар-чи? Правление аъзоларидан яна кимни масаладан хабардор қилдингиз?— Узоқовнинг юзи жиддийлашиб, ўйчан кўзлари совуқ йилтиллади.— Қолхоз ветеранларидан ким сўзлайди.

— Сўзловчилар топилади...— Афзалов мужмал жавоб берди.

— Уч-тўрт бригадир, бош агроном, оқсоқоллардан Умархон ота албатта сўзласинлар!— Узоқов шу яқинда турган Абдуллаевдан сўради:— Эшитдингизми, Азиз Абдуллаевич?

— Ҳа, эшитдим,— Абдуллаев раисга савол назари билан қаради.— Уларга айтайми?

— Айтинг. Фақат...— Афзалов дардини Узоқовга очишга мажбур бўлди.— Умархон ота... Девонов сўзламаса ҳам бўлади. Ҳар ерда ҳар хил гапларни алжиб юрганмиш...

— Шунинг учун ҳам Девонов ота мажлисда сўзласин! Ҳа, дарвоқе... — Узоқов бир оз ўйлаб тургач, қатъий таъкидлади:— Девоновни президиумга ҳам таклиф қилиш керак. Ахир, Норхўжа Афзалович, Умархон ота — пахтачиликда сиз билан бизнинг устозимиз-ку!

— Шундай...— тарвузи қўлтиғидан тушган Афзалов бу фикрга мажбуран рози бўлди-да, Узоқовни мажлис президиумига бошлади. Президиумга сайланганлар орасида Умархон отанинг борлиги ҳаммани қувонтирган бўлса ҳам, аини вақтда ҳайратлантирди, сабаби, Девонов отани колхоз раҳбарлари қаторга қўшмасликка интилишар, агар у йиғинларни тасодифан эшитиб қолиб, ўз ихтиёри билан келмаса, Афзалов уни таклиф қилмаслигини қишлоқ оқсоқоллари яхши билишар ва буни табиий бир ҳол деб, кўникиб кетишган эди. Дарвоқе, кунни кун, тунни тун демай, раисни тинч қўймайдиган, «ҳой, Афзалов, учинчи бригадада ғўза сувдан қолиб қуриядпти», ёки, «еттинчи бригадада ғўзани ўт босибди», «ҳой раис, боғни дарров дорила, узумни кул босаяпти», деб тинчлик бермайдиган эзма чолдан безор бўлган раис ўзини ундан икки тош нарида опқочиб юрадиган бўлиб қолган эди.

Президиум учун усталар тун бўйи ишлаб, янги тахтадан ясаган баланд сўрининг пиллапоясидан Камолова Девонов отани суяб чиқараётганда дарахтзорда аввал шивир-шивир бошланди, кейин одамлар бирдан қарсақ чалиб юбордилар. Девонов албатта, бу қарсақ ўз шаънига бўлаётганини билмасди ва қаддини ғоз тутганча биринчи қаторга Камолованинг ёнидаги стулга жимгина ўтирди. Июнь ойининг охири, ўта иссиқ кун бўлишига қарамай, Умархон ота Андижон оқсоқолларининг расми бўйича қордай оқ яктак устидан юпқа қавиқ қора чопон кийган, бошидаги янги чуст дўппи ўзига ярашган, баланд пошналик ағдарма битов кўн этиги шундоқ ҳам баланд бўйини яна ҳам баландроқ қилиб кўрсатар эди.

Ҳамма жой-жойига ўтириб бўлгач, Афзаловнинг имо-си билан Абдуллаев микрофонни қўлига олди ва мажлис кун тартибидаги битта масала: «Кампирравот сув омбори қурилиши муносабати билан Фрунзе номли колхоз олдида турган вазифалар» деган мавзуда доклад қилиш учун раисга сўз берди:

— Масаланинг моҳиятини албатта, Каримжон Узоқович ўз сўзларида ёритиб берадилар, — деди Афзалов минбарга чиққач, Узоқов ўтирган ерга таъзимкорона қараб олиб. — Мен колхоз экономикасининг тараққиётига доир ўтган беш йил рақамларини бирма-бир айтиб берман ва колхозимиз совхозга айлантирилгач, келгуси беш йилда қандай натижаларга эришишимизни кўрсатиб ўтаман.

«Колхозни совхозга айлантириш», деган ибора мажлис аҳли ичида яна шов-шувга сабаб бўлди. Одамларни тинчитиш учун Абдуллаев ўрнидан турди, қўнғироқ чалди.

Афзаловнинг докладида келтирилган рақамлардан хўжаликнинг пилладан бошқа ҳамма тармоқлари йилдан йилга пасайиб, чунончи, пахта 38 центнердан 29 центнерга тушиб қолганлиги, чорвачилик моддий зарар келтираётгани, сабзавот, полиз, ҳатто боғ даромад бермай қўйганлиги аниқ кўриниб турарди. Афзалов партия ва ҳукуматимизга катта раҳматлар айтди, сабабки, колхоз тугатилса, давлат унинг йиғилиб қолган миллион сўмга яқин қарзидан кечар эмиш, ҳамма ишчилар ўз вақтида маош олар, қурилишлар ҳам давлат ҳисобидан бўлар, демак экономика гуркираб ривожланиб кетар эмиш...

Афзалов докладини одатдаги баландпарвоз сўзлар билан тугатгач, Абдуллаев музокараларни бошлашга, олдиндан тайёрланган рўйхат бўйича нотикларга биринкетин сўз беришга шайланганда, дафъатан Девонов ота ўрнидан туриб:

— Жичча сўзласак мумкинми?— деди-да, Абдуллаевнинг рухсат беришини кутиб ҳам турмай, минбар томонга чаққон юриб борди.

Буни кўрган мажлис аҳли ақсоқол шаънига яна қарсак чалиб юборди. У минбарда қаддини ростлаб олиб:

— Бир қоп пуч ёнғоқнинг шақир-шуқурини эшитдик,— дейиши билан ялли кулги кўтарилди. Лекин, Умархон ота ҳеч нарсага эътибор бермай, сўзида давом этди:— Агар сигир қисир қолса, дарҳол бунинг чораси кўрилади: ё бузоқ олиш ҳаракатига тушилади, ёки сўқимга боқиб, гўштга топширилади. Бизнинг еримиз ҳам қисир қолди, оғайнилар!— Яна чапак янгради.— Аммо, бунинг учун кулиш эмас, йиғлаш керак. Ерни ҳадеб соғаяпмиз-у, аммо боқмаяпмиз. Даламиз қирчанғи отга ўхшаб қолди — энди у катта ҳосил юкини кўтаролмаяпти. Қирдаги қўтонлардан юз машиналаб қий, эски деворларнинг пишиган тупроғини келтириб сочардик... Энди ёмғирда увиган ғозсиз ўғитни онда-сонда сочяпмиз... Уруғ ҳам кўпайиб кетди... Ёки, дарахтни олинг. Ана, Барнохон ўтирибдилар.— Ҳамма Йўлдошева ўтирган орқа қаторга ўгирилиб қаради.— Бу қизимнинг ҳовлисида мироббоши дадаси экиб кетган бир туп қизил, бир туп сариқ гилос бор. Иккови салкам бир тонна ҳосил беради.

Мана сизга уч минг сўлкавой! Аммо, колхознинг боғида ҳар бир мева дарахтидан атиги уч-тўрт кило ҳосил олинади. Ё бу ерда ўғирлик бор, ё бўлмаса, бунақа қисир дарахтларни қўпориб ташлаб, ўрнига серҳосил мева ниҳоллари экиш керак. Ана энди, гўштга келайлик. Мен ўзим томорқамда камиди тўртга қўй боқаман. Ҳар бирининг юки беш пудга етмагунча на сўяман, на сотаман. Колхознинг эса давлатга гўштга топшираётган қўйларининг ўртача вазни бор-йўғи бир пуд. Асосий экинларимиздан картошкага келайлик. Бултур колхоз юз тонна уруғлик экиб, саксон тонна картошка олди. Яна савол туғилади: ким қисир? Ер қисирми ёки раис қисирми?

Девонов ота бошқатдан янграган чапак, қаҳқаҳалар босилгунча бир нафас ўйлаиб турди-да:

— Бир паҳлавон бор экан, — деди дарахтзор тинчигач. — У паҳлавоннинг кучи ерда экан. То оёқлари ерда турса, уни на лак-лак оломон, на дев-аҳрамонлар енга олар экан. Буни пайқаб қолган бошқа қув ботир ҳалиги паҳлавон тошга чиққан пайтни пойлаб, тошни тепиб юборибди ва унинг оёқлари ердан узилиши билан осонгина йиқитишга муваффақ бўлибди. Бу нақлни келтиришдан мақсадим шуки, Афзалов халқ билан бирга вақтида паҳлавон эди, мана, уч-тўрт йилдирки, фақат ўзини, ўз манфаатини, маншатини ўйлайдиган бўлиб қолди, халқидан узоқлашди, илгари унга мен ҳам бас келолмасдим, энди ёш бола «пуф!» деса бас, Афзалов учиб кетади... Гапим тамом!

Девонов ота сўзлаётган вақтда бир оқариб, бир қизариб ўтирган Афзалов чолнинг «попугини пасайтириб қўйиш» учун дарҳол ўрнидан турмоқчи бўлганда, Узоқов унинг елкасидан босди:

— Сабр қилинг, аввал бошқаларни эшитайлик!

Уч бригадир бирин-кетин сўзга чиқиб, Умархон отанинг ерни бойитиш, ишлаш ҳақидаги фикрларини қувватладилар, колхозда ишлаб чиқариш ҳаражатлари даромаддан ортиб кетаётганини айтдилар-у, лекин бунинг сабабларини тўла очиб беролмадилар. Бу вазифани бош экономист Маҳмудов бажарди. У ҳам Девонов отанинг фикрига қўшилган ҳолда колхоз хўжалигини пухта план асосида тубдан қайта қуриш зарурлигини айтди. Масалан, пахтачиликда фақат битта, энг сифатли новча, чунончи, узоқ йиллар давомида синалган «Ф—108» навига тўхташ ва шу навнинг ўз агротехникасига амал қилиш;



чорвачиликда маҳаллий камсут сигирларни серсут насли сигирларга, майда жайдарни қўйларни ҳисори қўйларга алмаштириш; сабзавотчиликда фақат уруглик картошка, серҳосил Ўзган сабзиси каби маҳсулотлар етиштиришга ўтиш ва ҳоказо (Маҳмулов ҳисоб-китобни батафсил ўқиб эшиттирди) муҳим тадбирларни амалга ошириш керак.

Абдуллаев навбатдаги нотиқни эълон қилмоқчи бўлиб турганда, энг орқа қаторда ўтирган кимдир ўрндан туриб, сўз сўради. Ҳамма ўша томонга қаради-да, мироб домла Зуфаровни таниб: «Зуфаровга сўз берилсин! Илҳом домла гапирсинлар!»— деб талаб қилишди.

Қўнғироқ чалиб, мажлис аҳлини тинчитмоқчи бўлиб турган Абдуллаевга Узоқов: «Ўртоқ Зуфаровга сўз беринг!»— дегандан кейингина раислик қилувчи унинг номини айтиб, минбарга таклиф қилишга мажбур бўлди.

Зуфаров скамейкалар орасидан тез юриб келди ва минбарга чиқиб, гўё биров уни «тезроқ гапир», деб қистаётгандай, қисқа йўталиб олди-да, гапнинг пўскаласини айта қолди:

— Ҳамма бало одамларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳунари йўқлигида. Ҳозирги замонда кимки яхши ишлаш ва яхши яшашни истаса, албатта ўқиши, касб эгаллаши керак. Майли, тракторчи, монтер, иморатсоз, уста, сувчи, зоотехник, ошпаз, агроном.... хуллас мутахассис бўлиш шарт. Бизнинг қишлоғимизда, мана шу Фрунзе номли колхозимизда касб эгалари аҳолининг ўн процентини ҳам ташкил қилмайди. Қора иш билан эса, тиркчилик тебратиш қийин. Касб эгаллаш, ҳунарли бўлиш ҳақида бош қотириш керак. Яқинда районимизда буюк иш — Кампирравот дарасида улкан сув омбори ва ГЭСи қурилиши бошланади. Унга минг-минглаб ҳунар эгалари керак бўлади. «Усталар мактаби» очиш даркор. Унда ёшлар ҳунар ўргансинлар. Мен сиздан, ўртоқ Узоқов, шу масалани ҳал этиб беришни илтимос қиламан.

Домла Зуфаров минбардан тушиб, орқа қатордаги жойига бориб ўтиргач, Абдуллаев Камоловага сўз берди.

Ҳабиба нутқини ўз муаллими Илҳом Зуфаровичнинг «Усталар мактаби» очиш ҳақидаги таклифини қувватлашдан бошлади ва Маяковский номли мактаб аҳволига тўхталиб, бугун ўз кўзи билан кўрганларини аниқ далиллар асосида, баён этгач, бундай деди:

— Мактаб — билим маскани, маърифат нурхонаси.

Ўқитувчи энг муътабар сиймо. Биз Маяковский номли мактабимиз, унинг Зуфаров, Дубенко, Йўлдошева каби муаллимлари билан фахрланамиз. Мен бугун мактабнинг аҳволини кўриб қаттиқ изтироб чекдим. Бир вақтдаги боғ энди қуриб, янтоқзорга айланибди. Бино ҳам, деворлар ҳам нураб, тўкилиб ётибди. Ўқув-тарбия ишларида тартиб йўқ, ҳатто битирув имтиҳонларини ўтказишда ҳам хатоларга йўл қўйилипти. Ўртоқ Зуфаров кўтарган ҳунар ўрганиш масаласи буткул унутилган. Ўқувчилар ўртоқ Афзаловнинг фармони билан вақтбевақт далага олиб чиқиб ишлатиладиган ишчи кучига айлантирилган. Хуллас, бу мактабда илгариги жозиба, тароват йўқ. Район партия комитети мактабларнинг аҳволини текшириш ва улар ишини яхшилашга ёрдам бериш учун комиссия тузишга қарор берди. Мен сиздан, ўртоқ Афзалов ва сиздан, ўртоқ Қодирова, илтимос қиламан: то комиссия келгунча, ўзингиз мактаб иши билан жиддий шуғулланиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни имконият борича тузатишга ҳаракат қилингиз.

Мажлис охирида Узоқовга сўз берилди. Доклад ва музокарада билдирилган фикрларни ёндафтарига батафсил ёзиб ўтирган Қарим Узоқович ўйчан бир аҳволда минбар ёнига келиб, йиғилиш аҳлига ёппасига салом берди.

— Катта воқеалар арафасида турибмиз. — деди Узоқов ўзига муте тикилиб турган одамларни бир-бир кўздан кечириб. — Андижон областини сув билан тўла таъминлашга мўлжалланган Кампирровот иншоотининг қурилиши янги беш йиллик план лойиҳасига киритилди. Хабарингиз бор: инженер Жуков лойиҳачилари икки йилдан буён шу ерда. Сув омборининг лойиҳаси асосан тайёр. Аммо, бу қурилиш ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли иш бўлгани учун ўртоқ Жуков ишини ҳамон давом эттиряпти. Биз лойиҳачиларга ёрдам кўрсатаётган Илҳом Зуфаровичдан, отахонимиз Девондан, ҳамма мироблардан миннатдоримиз. Энди бугунги мажлисда қилинган доклад ва нутқларда билдирилган фикрларга келсак, нутқларда асосан битта масала — ўқиш, ҳунар ўрганиш ҳақида, олий инсоний фазилатлар: поклик, ҳалоллик, одамларнинг бир-бирига меҳроқибати ҳақида эзгу истаклар билдирилди. Бола бошидан, деганларидай, янги жамият ижодкори бўлган со-

вет граждани болалигидан икки масканда — оилада ва мактабда таълим, тарбия олиб етишадн. Биз ўртоқ Камоловнинг мактаб-маориф ишларига ёрдам бериш учун райком комиссиясини тузиш ҳақидаги таклифини қувватлаймиз ва ўртоқ Зуфаровнинг «Усталар мактаби» очиш ҳақидаги мулоҳазаларини атрофлича кўриб чиқиб, ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Энди колхознинг иқтисодий аҳволи масаласига келсак, бу масала бизни астойдил ташвишлантираяпти. Шу сабабдан райком бу масала билан чуқур шуғулланиб, албатта, бир қарорга келади. Сиз, ўртоқ Афзалов, бугунги таъкиддан жиддий хулоса чиқаришингиз керак.

Узоқов сўзидан бир нафас тўхтаб, чуқур тин олди ва чарчоқ кўзлари чўғдай йилтиллаб, фахр билан бундай деди:

— Буюк иншоот қурилиши Кампирравот дараси ва бутун водий ҳаётини тубдан ўзгартиради, ўнлаб янги корхоналар, қурилиш ташкилотлари пайдо бўлади ва шубҳасиз, янги шаҳар қад кўтаради. Ҳа, дўстлар, бу ерда қад кўтарадиган янги шаҳар аҳолисини озик-овқат билан таъминлаш ҳам бизнинг зиммамизда. Район партия комитети ва ижроком бўлажак иншоот атрофида бешта сабзавотчилик, шоликорлик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик совхозлари ташкил этишни планлаштиряпти. Эҳтимол, сизнинг колхозингиз ҳам шу совхозлардан бирига қўшилиб кетар. Биз бу масалани яқин кунларда ҳал қиламиз. Бу режалар ҳаммаси коммунистик фаровонлик программасини бажаришга хизмат қилади. Бу ишларнинг ҳаммасини сиз билан биз партиямиз раҳнамолигида, қардош халқлар кўмагида бажарамиз. Билим, ҳунар, ижодий кашфиётлар, мардлик, мислсиз жасорат керак бўлади бу тарихий ишда. Биз ўзимизни ана шу улуғвор вазифани бажаришга тайёрлашимиз даркор.

Узоқовнинг бу самимий сўзларидан одамларнинг кўнгли кўтарилди, чеҳралари ёрншди, баъзи бировлар ўзаро гина-кудуратларни ҳам унутгандай бўлдилар.

Абдуллаев мажлисни ёпиқ деб эълон қилгач, Афзалов президиумдан тушиб келаётган Узоқовнинг қулоғига: «Фозилмонга жой қиғанмиз», деб шивирлади.

Узоқов президиум сўрсининг тахта зналаридан тушиб бўлгач, икки қадам нарида Зуфаров билан суҳбатлашиб турган Камоловага: «бирга кетамиз», деб

тайинлади ва Афзаловга юз ўгириб: «Чойни бизсиз ичаверинглар», деди-да, Девоновни қўлтиқлаб олиб, кўча томонга аста юриб кетди.

Қамолова шофёрига жавоб бериб юборди ва Узоқовнинг оқ «Волга»си ёнида, Зуфаров билан ҳамон суҳбатлашганча Узоқовни кутиб турди.

Кейин булар иккови машинанинг орқа ўриндиғига ёнма-ён ўтириб, бир неча дақиқа жим бўлиб қолдилар. Машина Хонобод гузаридан ўтгач, Уш-Жалолобод йўлидан ботаётган қўёш томонга равон юриб борар экан, Узоқов ҳамроҳидан сўради:

— Ҳабиба Қамоловна, мажлисдан таассуротингиз қалай?

Ёнидаги биринчи секретардан ўзини сал четроққа тортиб, орқа ўриндиқнинг бурчагида қимтинибгина ўтирган Қамолова рўпарадаги қип-қизил уфққа тикилганча:

— Ҳаёт мураккаб... — деди.

### *Тўртинчи боб*

Обиджон Дилбарни дарё бўйида, қалин ўт оралаб ўтган яккаоёқ йўл устида кутяпти. Қизғиш қўёш баркаши рўпарадаги тоғнинг елкасига ёнбошлаб, унинг ортига астагина сирғалиб тушаётган пайт. Май ойининг охири бўлса ҳам, тоғ бағирлари ва ундан нари — ясси адирларни қоплаган бўлиқ ўт ям-яшил товланади, лоллақизғалдоқларнинг парча-парча қирмизи гиламлари яшнайдди, бу такрорланмас ажиб табиат манзараси энг лоқайд одамнинг ҳам нигоҳини ўзига тортади.

Обиджон унақа лоқайдлардан эмас. У — Қорадарё фарзанди. Шу биргина иборадан унинг кимлигини осонгина англаб олиш мумкин. Икки тоғ орасида асов арслондай ўкириб ётган дарёдан сув ичган, уни севган, уни бўйсундиришга киришган, у билан курашган одам феъл-атвори, табияти билан ўз дарёсига ўхшамай иложи йўқ.

Обиджон ботаётган баҳор қўёшининг заррин шуълларида ялтираб ҳайқираётган дарё бўйида Дилбарни кутяпти.

Дилбар — ҳамқишлоғи. Илҳом аканинг тўнғичи, етти қизнинг сардори. Водийга доврўғи тарқалган, кат-

та-кичик ҳамма мироблар томонидан тан олинган бу ўжар табиатли муаллим ва айни вақтда машҳур миробнинг омади юришмади: у ўғил кўрмади. Тоғ йигитлари каби, суяги меҳнатда қотган, йигитлиги машаққатларда кечган ва шу туфайли кеч уйланган Илҳомнинг сеvimли хотини Қумрихон ўн саккиз йил давомида етти қиз туғиб берди. Бу — ҳаётда учрайдиган табиий ҳол бўлса ҳам, бироқ мироблар маскани — Кампирравотда Илҳом миробнинг ўғил кўрмаганлиги ёр-дўстларини анча ранжитди. Нега десангиз, мироблик касби — оғир касб, бу касбни фақат эркаклар, бинобарин эркакларнинг ҳам хўрозлари эгаллаганлар. Қорадарё билан олишмоқ учун майдонга тушишга ҳар ким ҳам журъат эта олмади. Демак, Илҳом аканинг ота касби ўзи билан тўғайди — қизлар албатта, мироблик қилмайдилар.

Илҳом аканинг ёр-дўстлари, шогирдлари шундай деб ўйлардилар. Шу кунларда Тошкентдан Кампирравотга келиб, Қорадарё бўйида иш олиб бораётган экспедицияда пармаловчи бўлиб ишлаётган Обиджон ҳам шундай деб ўйлади: Қорадарё билан беллашиш қиз боланинг иши эмас. Айниқса, Дилбар каби қизалоққа йўл бўлсин! Қади-басти нозик, оёқлари узун, қошлари ингичка, кўзлари сузук, боқини нозли бу қиз ваҳший дараёда қулоч отиб, оғир ва қўпол сепояларни ўрнатишга эмас, мабодо ишласа, мактабда муаллима ёки боғчада мураббия бўлишга, оилада эса эрига вафоли ёр ва болаларига меҳрибон она бўлишга яратилган. Илҳом аканинг бирин-кетин бўйи чўзилиб бораётган бошқа қизларини ҳам шундай тақдир кўтяпти.

Обиджон Дилбарни аллақачон кўз остига олиб қўйган. Қиздан уч ёш катта бўлган бу ҳамқишлоқ йигитча ўрта мактабни битириши биланоқ армияга чақирилди. Дилбар у вақтда еттинчи синфни битирган, ёш бўлишига қарамай, ҳусни анча очилиб, кўзлари чақнаб қолган эди. Обиджон зенит-ракета дивизионида хизмат қилиб юрар экан, Дилбар тез-тез тушига кирар, нуқул йигит хаёлида бу офатижон қиз Қорадарё соҳилида, қип-қизил лозорда қулочини кенг ёйганча чопқиллаб кетаётган ҳолда кўринар эди.

Орадан бир йилча вақт ўтгач, Обиджон ўз укаси Одилжонга хат ёзиб, ушбу мактуби ниҳоятда маҳфий эканлигини таъкидлади-да, унинг яъни Одилжоннинг синфдоши Дилбардан хабар беришини илтимос қилди.

Акасининг содиқ укаси Одилжон ракетачини қизиқтирган саволга ёзиб юборган жавобида Илҳом ака қизи Дилбарни саккизинчи синфдан бошлаб рус мактабида ўқитаётганини хабар қилди. Бинобарин, Одилжон мироб бўлиш билан бирга шу мактабда жуғрофиядан дарс бериб юрган Илҳон аканинг оғзидан эшитган гапни ҳам мактубида алоҳида қайд этди: у бир тўда ўқувчиларни Қорадарё бўйлаб саёҳатга олиб чиққанида «рус тилини яхши ўрганнгиз, болаларим, рус тили — дўст тили, рус тили — билим калитидир», деб насиҳат қилибди.

Бу янгиликдан хабардор бўлган Обиджон армиядаги хизматидан фойдаланиб, рус тилини пухта ўрганишга қарор берди: бунинг учун рус йигитлар билан қалнироқ дўстлашди, рус тилидаги китобларни қунт билан ўқий бошлади.

Умр — елдириш. Уч йил «ҳа-ҳу» дегунча ўтиб кетди. Обиджон армия хизматидан бўшаб, қишлоғига қайтиб келди. Илҳом аканинг Кампирравотнинг қоқ киндигига жойлашган чорбоғи атрофида унинг парвонадек айланиб қолганини табиий бир ҳол деб тушуноқ керак. Лекин ҳамон ҳарбий формасини ечмаган сержант йигитнинг хатти-ҳаракатлари беҳуда: у излаган юлдуз ундан доим яшириниб юрар, нечундир унга сира кўринмасди...

Бекорчидан эл безор деганларидай, ишга киришга шошилмаётган Обиджон ҳам тор қишлоқда эртаю кеч юмуш билан машғул кишиларнинг кўзига эриш кўрина бошлади. Бунинг устига тирикчилликни ҳам ўйлаш керак. Онаси эртадан кеч далада. Колхозда тинимсиз меҳнат қилади-ю, лекин даромаднинг баракаси йўқ. Колхоз кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан анча чўкиб, маошдан путур кетибди. Яхшиям уйда битта соғин сигир, иккитагина қўй бор, бўлмаса, рўзғор ҳақиқий тешик горга айланган бўларди.

Одилжондан ҳозирча фойда йўқ. У бу йил мактабни битирипти. Уқини ҳам нечундир ўртача. У мактабни битирибоқ Кампирравотда қурилаётган бетон заводлардан бирнга, ёки автобазага ишга кирмоқчи, оилани тебратишда онасига кўмаклашмоқчи.

Армиядан ҳарбий хизмат аълочиси, партия аъзоси бўлиб қайтиб келган Обиджондан колхоз идорасидагилардан ҳеч ким хабар олмагач, у ўйлаб-ўйлаб, ўзининг собиқ жуғрофия ўқитувчиси, водийга мақтовни кетган

олий маълумотли мироб Илҳом Зўфаровга учраб, шо-  
гирдликка олишни илтимос қилмоқчи бўлиб турганида  
дарё бўйига қатор чодирлар тика бошлаган экспеди-  
циячиларга дуч келди. Улар Кампирравот дарасини,  
Қорадарё табиатини биладиган, қўлида ҳунари бўлган  
ёшларга муҳтож эканлар, Обиджонни бурғучи қилиб  
ишга олдилар.

Уша кундан бошлаб Обиджоннинг қўли ишда, кўзи  
йўлда бўлиб қолди. Узоқда оқ кўйлак, қизил дурра кў-  
ринса, юраги ўйнар, аммо йўловчи қиз Дилбар эмасли-  
гига ишонч ҳосил қилгач, тарвузи қўлтиғидан тушиб,  
шалвираб қолар эди.

Дилбар эса, бундан бир неча кун аввал, Обиджон  
ҳеч кутмаган бир пайтда тўсатдан пайдо бўлди. Экспе-  
диция кунлик ишини тугатиб, дарё бўйидаги чодирла-  
рига эндигина қайтиб келган сурмаранг оқшом эди.  
Қуёш тоғ ортига чекинган, адирлардаги заррин шуъла  
сўнган, гилам-гилам лолақизғалдоқлар анча мунгайиб  
қолган фасл... Обиджон экспедиция аъзоларига асбоб-  
ускуналарини йиғиштиришда ёрдамлашаётганида, як-  
каоёқ йўлда шарпа сезилди. Икки ўрим қалин сочини  
бошига турмаклаган, оқ шохи кўйлаги нозик қадди-  
бастини сириб, сеҳргар сийнаси билинар-билимас тур-  
тиб чиққан, нозик қошлари остидаги сузук кўзлари  
чақнаб турган қиз — Обиджонни ром этган гўзал ўнг  
қўлида каттагина тугун кўтарганча ям-яшил ўт-ўлан  
денгизида сузиб келар эди.

Обиджон қўлидаги бурғунини ерга қўйди-ю, турган  
ерида суратдай қотиб қолди.

— Ҳа, Обиджон? — Экспедиция бошлиғи Жуков  
йигитга ҳайратланиб тикилди. — Нега рангингиз оқа-  
риб кетди? Тобингиз жойидами?

— Жойида... Ҳа, ҳа, жойида... — Обиджон лудуқ-  
ланди. — Кечирасиз, Сергей Николаевич. Менга рух-  
сатми?

— Рухсат. Эртага эрталаб соат еттида учрашамиз, —  
Жуков соҳил бўйлаб чопқиллаб кетаётган қизни кў-  
риб, мийиғида кулиб қўйди.

— Хўп бўлади, Сергей Николаевич!

Обиджон беихтиёр олдинга интилиб, хаёлидаги оқ  
қайиқча сузиб келаётган яшил тўлқинлар томонга  
отилди.

— Ассалому алайкум, аскар ака! — Дилбар уни

дарҳол таниб, тугунни чап қўлига олди-да, ўнг қўлини йигитга узатди. — Армиядан соғ-омон келдингизми?

Бу кутилмаган илтифотдан қувониб кетган Обиджон қизнинг қўлини икки қўллаб олди ва чўғ ушлаган кишидек тоқатсизланиб:

— Э, раҳмат, минг марта раҳмат-ей! — деб юборди.

Дилбарнинг оппоқ лўппи юзи кулгига тўлди-да, таажжубланиб сўради:

— Нега раҳмат дейсиз?

— Кўрмаганимга! Сизни кўрмаганимга, Дилбархон! — Обиджон ҳаяжонини сал-пал босиб олиб, фикрини очди: — Неча ой, неча йил фақат шуни орзу қилувдим, бир кўролмай доғда юрувдим...

Йигитнинг довдирашини кўрган, телба-тескари сўзларини эшитган қиз нечундир бирдан маъюс тортиб қолди.

— Мен борай, Обиджон ака, — деди у қўлини унинг қўлидан шиддат билан тортиб олиб. — Дадам бу кеча ҳам дарёда тунар эканлар, овқат олиб боряпман:

— Бирга борамиз, баҳонада дадангиз билан суҳбатлашиб келаман. У кишидан маслаҳат олмоқчи бўлиб юрувдим ўзим ҳам...

— Ихтиёрингиз... — Дилбар Обиджонга шубҳали қараб қўйди.

Обиджон қизнинг қўлидаги тугунни олди. Соҳилда эсаётган енгилгина шаббода қизнинг тўсдай қора қалин сочидан қалампирмунчоқ гулнинг исига ўхшаш антиқа хуш бўйни унинг думоғига келтирди. Бундан йигитнинг боши айланиб, оёғи остидаги тошга қоқилди-да, оз бўлмаса йиқилаёзди.

— Сизга нима бўлди, Обиджон ака? — Дилбар таажжубланиб сўради. — Жичча ичиб олганмисиз?

— Э, шундоқ ҳам мастман... — Обиджон қизга қараб тиржайиб кулар, йўқотган нарсасини тўсатдан топиб олган телбадай оғзининг таноби қочган эди. — Шунанга гаплар, Дилбархон... От айланиб қозини топади, деганларидай, биз ҳам уч йил узоқларда юриб, мана, насиб экан, юртимизга қайтиб келдик. Бу вақтда катта воқеа бўлибди, рус мактабини битирибсиз...

— Қишлоғимизда ҳозирча рус мактаби йўқ, — деди қиз Обиджонга ҳамон шубҳали нигоҳ ташлаб. — Аммо, ўзингиз ўқиган Маяковский номли мактабда рус синфлари очиб беришган. Шунини рус мактаби дейишади.



Кампирравотда катта қурилишлар бошланиши муносабати билан рус тилини ўрганишга эҳтиёж кучайиб кетди. Мен бўлсам... мактабни ҳали тугатганим йўқ, имтиҳон беряпмиз. Агар улардан яхши ўтолсам, сув инженерлигига ўқимоқчиман.

— Кўп яхши қиласиз-да! — Дилбарнинг очиқ сўзлашидан қувонган Обиджон унга далда берди: — Қорадарё учун энг зарур касб — ирригаторлик. Гидротехник мутахассислар анчагина керак бўлади.

— Энди бу ерда ҳамма касб керак бўлади. — Туянинг қоронғи палласи дарани қоплаб бораётганини кўрган қиз қадамини тезлатди. — Катта гидроиншоот комплекси қурилармиш: улкан тўғон, ГЭС, бетон заводлари, уйсозлик корхоналари... Демак, янги шаҳар ҳам қурилади. Вагон-уйларни кўрдингизми?

— Ҳа, кўрдим, — Обиджон пилдираб бораётган қизга етиб юриш учун катта-катта қадам ташлай бошлади. — Икки қатордан терилган вагон-уйлар ўртасида кўчалар пайдо бўлибди. Биринчи кўчага Терешкова номини қўйишибди — у ердаги вагонларга турли шаҳарлардан келган қурувчи қизлар жойлашган эканлар.

— Сиз нима иш қилиясиз? — Обиджон кутмаганда сўраб қолди Дилбар.

— Мен тўғон лойиҳасини тузувчи инженерлар экспедициясида ишляпман... пармаловчи бўлиб.

— Сергей Николаевичнинг экспедициясидами? — Обиджонга ҳавас билан тикилиб сўради Дилбар.

— Ҳа. Сиз Жуковни танийсизми?

— Улар етти киши экан, икки аёл ҳам бор. Дадам билан суҳбатлашиб туришади. Анов кунни бизникида меҳмон бўлишди. — Дилбар шундай деди-да, соҳилдаги баландроқ бир ерга тикилган чодир ёнида қумғон қайнатаётган дадасини кўриб, кетаётган ерида таққа тўхтади. — Обиджон ака, сиздан илтимос, шу ерда қолинг!

— Нега энди? — Обиджон таажжубланиб сўради. — Нега энди фикрингиз ўзгариб қолди?

— Билмадим... — худди ой юзини булут қоплагандай, Дилбарнинг ҳам юзи жиддийлашиб, боя кулиб турган чиройли кўзлари энди совуқ йилтиллади. — Агар дадам билан суҳбатлашмоқчи бўлсангиз, сиз уни танийсиз, истаган вақтингизда келиб сўзлашаверинг. У киши — дарёда навбатчи мироб.

— Таажжуб... — Обиджон қизга ҳайрон тикилиб, ёқасини ушлади.

— Таажжубланадиган ери йўқ! — деди Дилбар кескин бир оҳангда. — Сиз уч йил армияда бўлганингизда укангиз Одилжон мени бир кун ҳам тинч қўймади: қаерга борсам, орқамдан соядай эргашиб юрди. Бир кун мактабдан кеч чиққанымда синфдошим Анваржон уйимга кузатиб қўйганда Одилжон уни йўлда пойлаб, у қайтаётганида ёқасидан олиб, дарё бўйига судрабди. Иккови роса муштлашибдилар. Кейин уларнинг масаласи синф йиғилишида кўрилди. Шу ҳам иш бўлдим, Обиджон ака?

— Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. — Укасининг садоқати бу даражага бориб етганидан бе-хабар Обиджон лабини тишлаб қолди. — Оббо, тентагей!.. Мен унинг адабини бериб қўяман!

— Керакмас! — Дилбар турган ерида бир силкинди. — Умуман, мени тинч қўйинг! Уйимиз атрофида айланишни ҳам, йўлимни пойлашни ҳам бас қилинг! — Қиз жаҳл билан шундай деди-да, Обиджоннинг қўлидаги тугунни тортиб олиб, қоронғи соҳилда бир тутам қизил олов ёниб турган томонга чопқиллаганча югуриб кетди.

Обиджон турган ерида бир неча дақиқа тошдай қотиб турди, кейин сал ўзига келгач, вағиллаб оқаётган дарё бўйига ўтирди-да, қалқиб-қалқиб шовуллаётган қорамтир сувдан ҳовучини тўлдириб симирди, тўймади, муздай чучук сувдан яна уч-тўрт ҳовуч ичгач, бир оз ҳовури босилиб, майда шағал устида чўққайиб ўтирганча хаёлга берилди. Дафъатан унинг ёнига устоз Навоийнинг бир ғазалидан икки мисра келди:

Ёр кетди-ю, кўнглим тўла нози қолибдир,  
Андоқки, қулоғим тўла овози қолибдир..

У Дилбарнинг дашномидан аввал анча ранжиган бўлса ҳам, аммо қизнинг сўзларини чуқурроқ ўйлаб, танасига сингдиргач, унинг бир жиҳатдан ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилди: чиндан ҳам нега у Обиджон билан биринчи кўришишдаёқ оёғи остидан олтин танга топган кишидай қувонсин? Хўш, Обиджон ўзи ким бўлибди-ю, Дилбарга нима оқибат кўрсатибди? Хўш, бошқа йиғитлардан нимаси афзал? Бу армияда хизмат қил-

ган бўлса, бошқа йигитлар ҳам хизмат қилишяпти; бу қурилишда ишлаётган бўлса, бошқалар ҳам ишлашяпти; бу Дилбарга кўнгил қўйган бўлса, балки унга кўнгил қўйган бошқа йигитлар ҳам бордир? Энди ақл билан ҳусн масаласига келсак, Обиджон бу борада ҳам ўртача, балки ўртачадан пастроқ йигит... Хўш, модомики шундай экан, у нимасига ишониб, Қорадарёнинг танҳо гўзалига ошиқликни даъво қилади?

Шундай мулоҳазалар Обиджоннинг юрагида ёниб турган ғурур ўтини бир қадар пасайтирди. У қорамтир кўкдаги ёниқ юлдузлар шодаси остида соҳилда чўққайиб ўтирганча ўқишда, ишда, умуман ҳаётда шу кунгача босган йўли жуда қисқа эканлигига, ҳали уни қаттиқ меҳнат, машаққатлар тўла улкан жабҳа кутаётганлигига қаноат ҳосил қилди. Бироқ, «ноумид-шайтон». У Дилбарни астойдил севиб қолганлигини бу оқшом чуқурроқ ҳис этди ва эртақлардаги баҳодирлардай, охирида бахт албатта кулиб боқадиган «хатарли» йўлни узил-кесил танлади.

У қирғоқда истиқбол режаларини чизганча ўй суриб ўтираркан, тепароқдаги яккаоёқ йўлда майда шағалли ғичирлатиб босиб келаётган Дилбарнинг шарпасини сезди-да, ўрнидан туриб, ўша ёққа тикилди. Тугун кўтарган қиз қоронғида чопқиллаганча тез юриб борар, худди йўл бўйидаги тўнкага парво қилмагандай, сув бўйида қаққайган йигитга ҳам парво қилмай ўтарди... Обиджон ўзининг шу ердагилигини билдириш учун томоғини қириб йўталиб қўйди. Лекин, Дилбар у чўққайиб ўтирган тарафга қайрилиб ҳам қарамади...

Қиз кўздан ғойиб бўлгач, Обиджон Илҳом аканинг чодирига боришга ва собиқ ўқитувчиси билан суҳбатлашиб мироб домланинг кўнглига қўл солиб кўришга қарор берди.

У чодирга яқинлашганда, Илҳом ака қалин майса устига тўшалган гулдор наमतда ёнига қумғонини қўйиб, чой ичиб ўтирарди.

— Ассалому алайкум, домла, зерикмай ўтирибсизми? — Обиджон Илҳом аканинг қаршисида таъзимга эгилиб, қўл узатди.

— Э, кел аскар йигит! — Мироб томирлари бўртиб чиққан тошдай қаттиқ қўллари билан Обиджоннинг қўлларини маҳкам қисиб кўришар экан, тийрак митти

кўзлари муғамбирона кулди. — Ҳалиги сенмидинг қизимнинг ёнида вавағлаб келаётган?

Азбаройи ҳижолатнинг зўридан Обиджоннинг манг-лайнни совуқ тер қоплади.

— Ҳа, менидим... — Обиджон ҳамон тик турганча жавоб берди. — Қизингиз ёлғиз келаётган экан, ҳамроҳ бўлдим.

— Ҳа, ҳа... Дуруст, — мироб домла дўпписини бошидан олиб, оппоқ оқарган сийрак сочинини салаб қўйди. — Нега энди келавермадинг? Қани, ўтир, бафуржа суҳбатлашамиз.

Обиджон миробнинг қаршисига тиз чўкиб ўтирди ва қизидан эшитган дашиномини отасидан эшириш учун гапни бошқа ёққа бурди:

— Домлажон, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман: ҳов анави тоғ тепасидаги тош масаласида... Одамлар уни «Кампиртош» дейдилар. Шакл-шамойилни ҳам ғаройиб: юзига нарда тутган кекса бир аёл кўза кўтариб тургандай... Сиз, отахон, кўпни кўрган одамсиз, менга шуни тушунтириб беролмайсизми?

— Бу ривоятни Кампирравотда катта-кичик ҳамма билади, нечун сен беҳабар қолгансан? — Илҳом ака кўза кўтариб турган кекса аёл шаклидаги улкан тошга тикилганча ҳикоя қилади: — Қадим замонларда мана шу тоғда бир чол билан кампир яшаганлар, уларнинг ақлу ҳуснда ягона ёлғиз қизи бўлган. Бу қиз Қорадарёдаги мироб йиғитни севган. Чол-кампир буларнинг тўйига ҳозирлик кўриб юрганларда бир шаҳзода навкарларини бошлаб овга келиб қолган. У қизни кўриб, ошиқу шайдо бўлган ва унга уйланиш учун совчилар юборган. Қиз шаҳзоданинг талабини рад этган, чол-кампир унинг совчиларини қуруқ қайтариб юборганлар. Бундан ғазабланган шаҳзода йиғитни ўлдириш ва қизни зўрлаб олиб кетish пайиғиз тушибди. Аммо, қиз билан йиғит бир кечада ғойиб бўлибдилар. Орадан бир неча йил ўтибди. Севинганлар гор ичида беркиниб яшаб, икки ўғил кўрибдилар. Лекин, шаҳзода кунлардан бир кун қирда бугдой ўраётган ўша йиғитга — энди эса икки ўғилнинг отасига дуч келиб, навкарлари ёрдамида уни асир олибди ва кейин тигдан ўтказибди. Йиллар ўтиб шаҳиднинг ўғиллари улгайибди, онасига мададкор бўлиб, қирда бугдой экиб тирикчилик қилишибди. Бироқ, бир неча йил кетма-кет қурғоқчилик бўлавериб, улар оч қолиб-

дилар. Натижада, Қорадарёдан сув чиқариш учун ариқ қазий бошлабдилар. Лекин очлиқ мажолсизлик уларнинг мадорини қуригиб, ака-ука тошқинда ҳалок бўлибдилар... Фарзандларининг доғида куйиб адо бўлган кекса она тун-кун йиғлайвергач, унинг кўз ёшидан тоғда булоқ пайдо бўлибди. Афтода онаизор шу булоқдан кўзасини тўлдириб йўлга чиқар ва бу обизамзамни йўловчиларга тутиш билан кун ўтказар экан... Ҳов... анави тоғдаги сен кўрган Кампиртош — подшолар олдида бош эгмаган ўша мағрур онанинг ҳайкали!.. Энди уқдингми, аскар йигит?

— Жуда таъсирли ривоят экан!..— Обиджон ўрнидан турди.— Энди менга жавоб, домлажон. Уйда онам, укам кутиб қолишди...

— Бўш вақтларингда келиб тургин, аскар йигит, бундан буён кечалар узун, отамлашамиз!— Илҳом ака оёқларини чўзиб, лўлаболишга ёнбошлади.

— Ҳайр, домлажон, албатта келиб тураман!

Обиджон қирғоқ бўйлаб юриб борар экан, тоғ тепасидаги Кампиртош шаклига яна бир қаради: ҳа, чиндан ҳам кўза кўтариб турган онанинг жонли ҳайкали! Табиат нақадар қудратли ва нақадар моҳир санъаткор! Чиндан ҳам у — садоқатли муҳаббат йўлида фидокор аёл тимсоли!..

«Тоғ аёллари ҳақиқатан ҳам мағрур бўлишди»— деган фикрни кўнглидан ўтказди Обиджон. — Чунончи, Дилбар... Вой-бў, унинг ақл-заковати, ғурури, шиддати!.. Айтишга осон! Бунақа асов қизни ювош тортдиргунча сочинг оқариб кетади. Қорадарё нимаю у нима! Худди тоғдаги тош хайкал!..»

Обиджон ўзига ўзи шундай деди-ю, ой тоғ ортига яширинган қоронғи кечада арслондай ўкириб оқаётган дарё бўйлаб шиддат билан юриб кетди...

### **Бешинчи боб**

Дилбар математикадан имтиҳонга тайёрланиш учун эрталаб соат олтида ўрнидан турди ва ҳовлидаги сўрида қатор ухлашиб ётган сингилларини уйғотиб юбормаслик учун уларнинг оёқ томонидан аста юриб ерга тушди-да, ариқ бўйига келиб, тиниқ суви енгилгина чул-

дираб оқаётган ариқ бўйига чўнқайиб ўтирганча бег-қўлини чайди.

Қуёш ҳали уфқ этагида бўлсаям, унинг адирлар оша ёйила бошлаган шуъласи бу ерга ҳам етиб келган: дарахтларнинг юқори шохлари заррин бир тусда йилтирайди: сердарахт ҳовли саҳнини қоплаган тун қоронғисини аллақачон чекиниб, оппоқ тонг ўз жамолини кўрсата бошлаган пайт.

Қушлар ҳам аллақачон уйонишган. Бир жуфт майна аллақайёқдан учиб келиб, қип-қизил гилос шохида чақчақлашиб мевахўрлик қиляпти. Чумчуқларнинг гинимсиз чуғур-чуғуридан қулоқ қоматга келади. Ҳовли этагидаги бостирма тагида говмиш сигир «мў-мў» лаб, «кел, мени соғ» деб чақиради.

Дилбар ариқ бўйидан турди ва гилоснинг пастки шохига осиллиқ оппоқ сочиқни олиб, бет-қўлини артди-да, айвонга чиқди. У тоқчадан алгебра дарслиги билан дафтар-қаламларни олаётганда уй эшиги очилиб, Қумри опа кўринди:

— Ҳа, қизим, нима ҳаракат?

— Яхши ётиб турдингизми, бувижон?— Дилбар она-сидан ҳол-аҳвол сўради.— Кеча бошингиз оғриётувди. Энди тузукми?

— Тузук...— Қумри опа ҳусни кундан-кун очилиб бораётган қизига мамнун тикилди.— Имтиҳонларинг нечта қолди?

— Иккита... Дадам келдиларми?

— Йўқ. Даданг «домла Жуковнинг чодириси тунайман», деб Обиджондан айтиб юборибди, унинг укаси Одилжон кеча оқшом хабар қилди.— Қумри опа қизига тайинлади: Аввал анув товоқлардан бирини олиб, қаймоққа нон тўғраб еб ол, кейин дарсга ўтирасан.

— Хўп, бувижон.

Қумри опа сигир соғиш учун бостирма томонга чедак кўтариб кетди, Дилбар айвон пешига осилган чамбараклардан биридан сопол товоқни олди-да, айвондаги хонтахта ёнига ўтириб олиб, иштаҳа билан нонушта қила бошлади.

Қизнинг оғзи қаймоққа ботирилган ҳуштаъм жиззали нонни чайнаса ҳам, кўзлари дарслик саҳифасида. У топишмоқдай чигал, дунё ишларидай мураккаб ҳисобларга тикилар, бу вазифаларнинг кўплари унга ечими билан маълум бўлса ҳам, лекин анча қисми ё эсидан

чиқиб кетган.   бўлмаса унга илгари дуч келмаган саволлар, муаммолардан иборат эди.

Кеча Маринанинг: «Математикадан имтиҳонда ёлғиз тайёрланиш қийин, агар бизникига келсанг, бирга тайёрланамиз», дегани эсига тушди-да, дарсликни ёпиб, ўривдан турди ва уйга кириб, яқинда ўзи тикиб олган янги қарғашойи кўйлагини кийиб чиқди. У китоб-дафтарларини қўлтиқлаганча бостирма яқинига бориб, ола сигир тагида чўққайиб ўтирганча повиллатиб сут согаётган онасидан ижозат сўради:

— Маринаникига бориб, дарс тайёрламоқчиман. Майлими, бувижон?

— Майли, борақол, қизим. Ҳали-замон сингилларинг туришиб, сенга тинчлик беришмайди.— Қумри опа ишдан бир нафас тўхтаб, қизига бошдан-оёқ қараб чиқди.— Янги туфлигингни кийиб ол!

— Хўп, бувижон.

Дилбар яна айвон орқали уйга кирди ва ўтган ҳафта дадаси унинг туғилган кунига совға қилган ўрта пошна-ли нафис оқ туфлисини кийиб чиқди.

Тонг таровати, қушларнинг нашъали нағмаси ва умуман, табиатнинг сўлим жамоли қиз дилига ҳузур бағишлади ва кимсасиз жимжит кўчага чиқиб, ариқ бўйлаб кетган йўлкада гузар томон чопқиллаб борар экан, Шаҳрихонсой канали бўйидаги Тополино маҳалласида тургувчи Маринани, унинг Дилбарни ҳар доим қувониб қутиб олувчи ота-онаси Дубенколарни эслаб «ажойиб одамлар», деб жилмайиб қўйди.

Орадан йигирма дақиқача вақт ўтгач, Дилбар мактаб биноси орқасидаги тор кўчадан бораётганда мактаб ҳовлисида тракторнинг тариллаб ишлаётганини эшитди ва «ё тавба, бу ерда нима бўляпти?» — деган фикр қизни беихтиёр орқага қайтиб, нураган девор тагидан ўша тарафга бурилишга мажбур қилди.

Мактаб ҳовлисида кабинаси баланд «Белорус» трактори ялтироқ пўлат оочлари билан ерни қўпорар, икки йигитча машинанинг икки томонида туриб, тракторчига йўл кўрсатиб турардилар. Дилбар буларни дарров таъниди: бири Анваржон, иккинчиси Одилжон бўлиб, иккови ҳам мактаб комсомол комитетининг аъзолари эдилар.

— Ҳорманглар!— Дилбар йигитчалар билан салом-

лашиб, заранг ерни чуқур ағдараётган тракторчининг ишини бир нафас кузатиб турди.

Анваржон унинг ёнига келиб, башанг кийиниб олган қизга ҳавас билан тикилди-да:

— Тантанали битирув кечамизга тайёргарлик! — деди, «мана, кўриб қўй, қўлимдан нималар келишини!» — дегандай гурур билан. — Ҳаммаёқни гулзор қиламиз. Гул кўчатларини ҳам сўзлашиб қўйдим.

— Саратонда кўчат тутармикин? — Дилбар Анваржоннинг ғайратига тан берса ҳам, раиснинг колхоз мажлисида эшитган танқидларини дадаси айтиб бергани учун, «Афзалов ўғлини ишга солибди-да», деган фикр кўнглидан ўтди. Лекин у сирни бой бермай, Анваржонга:

— Мақсадингизга етинг! — деди-да, мактаб ҳовлиси-дан чиқиб кета бошлади.

Анваржон Одилжонга:

— Тракторчининг ишига сиз қараб туринг, дўстим! — деди ва унга сирли жилмайиб, қизга эргашди:

— Йўл бўлсин. Дилбархон?

— Математикадан имтиҳонга Марина билан бирга тайёрланмоқчимиз. — Қиз: «Нега бунни сўраяпсан?» — деган маънода Анваржонга савол назари билан қараб қўйди.

— Марина... ҳа... ҳа... дугонангиз... — Анваржоннинг миясида бир фикр дафъатан чақнаб, қизга суқли термилди. — Биласизми, Дилбархон... Мен ҳам бугун математикадан тайёрланмоқчиман. Иккимиз бирга дарс қилсак, нима дейсиз?

— Сиз ўзбек группасидасиз-ку? — Дилбар Анваржонга таажжубланиб тикилди. — Қандай бирга дарс қилишимиз мумкин?

— Э, математиканинг тили битта: рақам, рақам, яна рақам. — Анваржоннинг чиройли юзи яшнаб, хумор кўзлари ёнди. — Адирга, булоқ бошига чиқамиз. Салқин толзор бор. Биласиз, Умархон отанинг боғи. Қампир чой-пой қилиб беради. Келишдикми?

— Билмадим... — Дилбар Анваржон билан бирга дарс тайёрлашга нечундир ўзида мойиллик сезиб, бир лаҳза иккиланиб турди-да, «Марина кутиб қолади-да», — деди. Анваржон Дилбарнинг билагидан енгилгина ушлади:



— Маринани эртага кўрганингизда узр айтиб қўяқоласиз. Юринг, кетдик!

Дилбар билагини Анваржоннинг қўлидан шиддат билан тортиб олди ва:

— Майли, одоб сақласангиз бирга дарс қиламиз,— деб уни огоҳлантирди. — Дарслигингиз қани?

Анваржон сўзини ерда қолдирмаган қизга:

— Сизнинг дарслигингиз кифоя,— деди-да, йўл бошлади:— Қани, юринг, Қорадарё соҳилига тушиб, эски Жалолобод йўли билан адирга чиқамиз.

У Дилбар билан ёнма-ён кета туриб, трактор олдидан тракторчига йўл кўрсатаётган Одилжонга муғамбирона кўз қисиб қўйди.

Мактабга деярли ҳар кун янги кийимда келадиган Анваржон бугун орқасига шер сураги ёпиштирилган қизил тамғали оқ жинсида, пуштиранг финкада, оёғида тўқима чармдан бежирим туфли, ўсиқ сочи қулоқлари орқасига шинам таралган эди. Дилбар анча бўйдор қиз бўлса ҳам, Анваржоннинг бўйи ундан бир қарич баландроқ, хуллас, четдан қараган киши икковини бирига жуда муносиб дейиши турган гап.

Улар қишлоқдан чиқиб, темир йўл изидан ўтдилар ва чапга бирилиб, қатор адирлар бирин-кетин дўппайиб турган томонга тез юриб кетдилар.

Бу ерда — Қорадарё тепасида ҳаво салқин, ғир-ғир эсаётган шабада аллақандай хушбўй гул атрини димоққа келтириб уради. Лекин, бу атрофда гулзор йўқ, адирлардаги лолалар эса, саратон қуёшида аллақачон куйиб, қорайиб қолган. Бу нозик атир бўйи қаёқдан келаётибди?

Дилбар уёқ-буёққа аланглаб қараб, рўпарадаги адир тепасида — яккатуп қип-қизил олма дарахтидан пастроқда оппоқ очилиб ётган гулхайриларни кўриб қолди. Ҳа, шабада учириб келаётган хушбўй — ўша гулларнинг, ҳеч ким экмайдиган, ҳеч ким эсига ҳам олмайдиган, аммо ҳар ёз оппоқ очилиб, то қишгача, ҳатто қор тагидан бош кўтариб, ҳамиша яшнаб турадиган гулхайриларнинг иси.

— Анави гулларни қаранг!— деди беихтиёр кўнглига қувонч тўлган Дилбар ҳамроҳига.— Анави оппоқ гулларни тамоша қилинг! Биласизми, у гулларнинг номи нима?

Анваржон бунақа гулларни адирларда жуда кўп

кўрган бўлса ҳам, заррача эътибор бермаган, тоғ бағридаги ҳисобсиз ўт-алафларнинг бир хили бўлса керак деб қўяқолган, номи нималигини ҳам билмас эди, шу сабабдан қизнинг саволига ҳайрон бўлиб, елкасини қисди ва парвосизгина:

— Мол ейдиган ўт бўлса керак, — деб қўяқолди.

— Мол бинафшани ҳам, лолани ҳам ейди...— Дилбар гулхайрилардан бирининг устига эгилиб, биллур гулдондай сппоқ япроғини ҳидлади.— Бу —гулхайри, Анваржон! Энг беминнат, энг беғубор гул. Табиатнинг асл фарзанди. Эл бунга «гулхайри» деб исм бергани бежиз эмас. Инсонларга яхшилик, хайр, ҳушнуд кайфият, хушбахтлик бағишлайди.

— Э, ошириб юбордингиз!— Анваржон напесанд бир алфозда қўлини силкитди-да, булар турган ердан ўн қадамча наридаги улкан хэрсангтош томонга сезгирлик билан қулоқ солди.— Чамамда, тош орқасида кимдир бор, мен шу топда шарпа сездим...

— Шамол...— Гулхайри ҳақидаги сўзларига эътибор бермаган йигитдан ранжиган қиз бир дона гулни зарда билан узиб олди ва чаккасига қистириб, қадамини тезлатди.— Тезроқ юринг, вақт ўтпти.

Улар ярим соатча йўл юришгач, икки адир ўртасидаги тор йўлдан Умархон ота чорбоғига — эски тахталардан ясалган пастгина панжара дарвоза-тўсиғи ланг очилиб ётган дарахтзорга яқинлашдилар.

— Ана, чолнинг боғи!— Анваржон шундай деди-ю, яна орқасига қараб, йўл бўйидаги шохлари тарвақайлаб ўсган қари тол томонга олазарак тикилди.— Чамамда, орқамиздан биров келяётгандай... Бизни аллаким таъқиб қиляпти...

— Бўри...— Дилбар Анваржонга ялт этиб қаради-да, «шу юрак билан адирга чиқиб юрибсанми», дегандай истеҳзоли кулди.— Дадагизнинг бешотарини олволсангиз бўларкан!

— Ҳа, бу ерда бўри бор...— хавотирдан ризги докадай оқарган Анваржон Дилбарни чорбоққа бошлаб кирди.

— Таажжуб...— Энди Дилбар кетаётган йўлида тўхтаб, ўнг томонда — пастликда сув босиб ётган полизга тикилиб қолди.— Умархон ота қовун-тарвузини сўғориш учун сув очибди-ю, кейин қэёққадир кетибди... Вой-бў,

кўл бўлиб кетибди ҳаммаёқ! Келинг, Анваржон, сувни тўсиб қўяйлик!

Дилбар дарҳол туфлисини ечиб. йўл бўйига қўйди-да, пастликка лиммо-лим суви айқириб оқаётган ариқ бўйига чопқиллаб тушди ва шу яқинда турган кетмонни олиб, полизга очилган сув йўлига тупроқ босаётганда Анваржон унинг ёнига келиб, кўмаклашиб юборди.

— Чол ҳам кўринмайди, кампири ҳам йўқ, — Анваржон сув босган полизнинг ўнг тарафида — дўнгликда қўққайиб турган бир уй ва бир айвонлик пастгина иморатни кўздан кечирди. — Чол отини миниб кетганга ўхшайди, кампири сигири билан қўйларини боқиб юргандир, келиб қолар. Юринг, Дилбархон, айвонга чиқиб, дарс қилиб турайлик-чи!

Улар ўқариқ бўйлаб бордилар ва пастаккина хонтахта қўйилган, атрофига майда қавиқ чит кўрпачалар солинган тайёр жойни кўриб, анча тинчидилар: демак, чол-камбир шу яқин-ўртада; ҳали-замон келиб қолишади.

Дилбар айвонга чаққон чиқиб, хонтахтанинг юқори томонига ўтиб ўтирди ва рўпарадаги манзарага тикилганча сеҳрланиб қолди. Рўпарада ям-яшил пистазорлар яшнаб турган тоғ этагидаги икки адир ўрталиғи бу ердан шундоққина кўринар, ана шу тор дара тубида пишқириб оқаётган Қорадарёнинг вағиллаши аннқ эшитилиб турарди.

Анваржон қизнинг қаршисида кўрпачага тиз чўкиб, хайратланиб сўради:

— Нимани ўйлаб қолдингиз? Нега хаёлингиз паршон?

— Йўқ, хаёлим жойида. — Дилбар дарслиги билан дафтарини хонтахта устига қўйди-да, ҳамон икки адир орталиғи дара томонга тикилганча, Анваржонга: — Дарсни бослаймиз, — деди. — Савол-жавоб тарзида тайёрласангиз, ма дейсиз?

— Яхши бошланг, — Анваржон қизнинг ўйчан юзига тикилганча жилмайди.

— Анваржон — икки дара ўрталиғи — бўлажак сув омборини ўрни. — Дилбар фикрини баён қилатуриб, дафтарини биринчи саҳифасига дара шаклини тахминан чизди. — Сиз шу ҳавза ҳажмини ҳисоблаб бероласизми?

— Бу савол дарсликда йўқ, — Анваржон ҳамон қизга тикилганча сув қўйган масалани осонликча рад этди.

— Дарслик... Биз дарсликни ҳаётга татбиқ эта билишимиз ҳам керак. Мен берган савол эса, ўртоқ Афзалов, ҳатто алгебрага эмас, балки биз бошланғич мактабда ўтган оддий арифметика ҳисобига алоқадор. Наҳотки, ҳавзанинг ҳажмини ҳисоблаб беролмасангиз.

— Ҳадеб «ўртоқ Афзалов», деяверманг!— Анваржоннинг аччиғи чиқди. — Ҳавзанинг ҳажмини ҳисоблаш осон: эни, бўйи ва чуқурлиги бир-бирига кўпайтирилса ҳажми чиқади-қўяди.

— Тўғри,— Дилбар энди шу масалага доир иккинчи саволни берди:— Агар эни ва чуқурлиги ҳар ерда ҳар хил бўлса-чи?

Анваржон бир оз ўйлаб турди-да, пешонаси тиришиб:

— Бунисини билмадим,—деди.

— Агар эни ва чуқурлиги ҳар ерда ҳар хил бўлса, ўртача ўлчов олинади,— деди Дилбар ва дафтарининг иккинчи саҳифасига яна бир шаклни чизиб, Анваржонга кўрсатди:— Мана бу — тўғон. Ичи кавак.

— Ичи кавак?— Анваржон шаклга тикилганча, қизга шубҳаланиб қараб қўйди.

— Ҳа, ичи бўш,— Дилбар тушунтирди: Чунончи, деворларининг қалинлиги олти метрдан, эни ўн икки метр, баландлиги юз метр, узунлиги минг метрлик улкан сарой... Хўш, шу иншоотнинг мустаҳкам бўлиши, чунончи, икки миллиард кубометр сувнинг зарбига бардош бериши учун нима қилиш керак? Мана алгебра дарслиги. Мана қоғоз, қалам. Олинг, қани, ўртоқ Афзалов, шуни бир ҳисоблаб беринг-чи?

— Мени калака қиляпсиз!— Анваржон Дилбар узатган қоғоз билан қаламни бир четга суриб қўйди-да, хонтахтага кўкрагини берганча қўлларини чўзди ва Дилбарнинг иккала билагини ушлади:— Дарсни қўя турайлик! Мен сиз билан ҳоли кўришишни анчадан буён орзу қилиб юрардим.

— Одоб сақлашга ваъда берганингизни унутманг!— Дилбар қўлларини тортиб олиб, ўрнидан сапчиб турди ва айвон устунига суялганча, ҳамон кўрпачада ўтирган йнгитга ёвқараш қилди.

— Ишонинг, ниятим холис!— Анваржон муштарини хонтахтага уриб, ўрнидан туриб кетди.— Мен сизни севаман! Ҳа, жонимдан ортиқ кўраман. Ота-онам бундан хабардор. Улар рози. Мактабни тамомлаганимиздан ке-

йин улар сизникига совчиликка боришмоқчи, тўй қилишмоқчи. Кейин дадам иккимизни Тошкентга юборади, уй олиб беради, институтга кириб, бирга ўқиймиз. Наҳотки, сиз рози бўлмасангиз?

Анваржон шундай деди-да, хонтахта ёнидан туриб келди ва Дилбарнинг қаршисида тўхтаб, унга умидвор термилди.

Дилбар индамади. Анваржоннинг сўзлари уни бевақт ёққан дўлдай эсанкиратиб қўйди. У устунга суялганча ҳамон суратдай қотиб турар, хаёлида дадасининг кеча колхоз правлениеси мажлисидан қайтиб келгач, раис Афзаловнинг ноҳўя ишлари ҳақидаги ҳикояси аста-секин жонланарди: «Элга нописанд... мансабпараст... маишатбоз...» Қиз дадасининг раис билан кўпдан бери айтишиб юрганини билса ҳам катталарнинг ишига аралашмас, аммо Афзаловнинг қайинсинглиси Қодирова мактабга директор бўлгандан кейин бу ерда содир бўлаётган тартибсизликлардан хабардор эди.

Дилбар қулоғига қистирган гулхайрини қўлига олди-да, унга тикилганча:

— Биз бошқа-бошқа одамлармиз,— деди яқинлашиб келган Анваржоннинг кўкрагидан итариб.— Сиз бойваччасиз, мен камбағал қизман.

— Бекор гап!— Анваржон қизга яна яқинлашмоқчи бўлди, лекин Дилбар айвондан сакраб тушиб, ариқ бўйлаб юқорига, гулхайрилар оппоқ очилиб ётган булоқ томонга кета бошлади.— Тўхтаг! Сўзимни охиригача эшитинг!

— Нима тушунмадингизми?— деди чопқиллаб бораётган қиз орқасидан қувиб келаётган йигитга ўгирилиб. Биз тамоман бошқа-бошқа одамлармиз... сиз енгилтаксиз, мен эса, тегирмон тошидай оғирман. Энди сизнинг севишингиз, уйланишингиз масаласига келсак, бувингиз Хонзодахон на мендан, на менинг бувимдан сўрамай, бу ҳақда маҳаллада гап тарқатибди. Бундай қилиш яхши эмас. Бувингизга айтиб қўйинг, Анваржон, бизда ҳам жичча иззат бор, оқибати яхши бўлмайди.

Дилбар булоқ бошига келиб, майда «хур балиқлар» ўйнаб юрган ҳовузча устига эгилди ва бир-икки ҳовуч сув ичгач, ёнида турган йигитга истеҳзоли боқди:

— Дарс тайёрлаб бўлдик, энди кетайлик!

Анваржон қутилмаганда Дилбарнинг елкаларидан қаттиқ ушлаб, бағрига тортмоқчи бўлди, қизнинг иссиқ

кўкрагини ўз кўкрагида сезди ҳам, бироқ унинг бор овози билан додлаб юборганидан қўрқиб, қучоғидан чиқариб юборишга мажбур бўлди.

Анваржон қиз ортидан бир талпинди-ю, қаршисида турган Одилжонни кўриб шаштидан қайтди.

— Сенмидинг орқамиздан эргашиб келган айғоқчи? Мен сенга тракторчига қарашиб тур демабмидим, номард?— деб ўшқирди унга.

Одилжон нндамади, лекин Анваржоннинг ўнг юзига шундай тарсаки туширдик, у гандираклаб бориб, булоқ бошидаги харсангтошга ўтириб қолди.

Шу пайт полиз этагидан Дилбарнинг:

— Одилжон! Тез келинг! Ёрдам беринг!— деган қичқириғи эшитилди.

Одилжон қиз томонга чолиб борар экан, полиз этагида, оппоқ гулхайрилар очилиб ётган ўнгирда бири шолчага, иккинчиси наमतга ўралиб, чилвир билан чандиб боғланган икки жасадни кўргач, Дилбар Анваржоннинг тажовузидан эмас, балки ана шу қўрқинчли манзарадан додлаб юборганини фаҳмлади.

У қизга кўмаклашиб, иккови Умархон ота билан унинг кампири Қизлархон бувини Ўровдан бўшатиб олдилар. Одилжон ҳамон полиз ариқларидан салқиб оқаётган сувдан чол-кампирнинг бетларига ҳовучлаб сепар экан, тепада — булоқ бошида сўррайиб турган Анваржонга нисбатан бояги гина-адоватни бир четга йиғиштириб қўйиб:

— Афзалов, дарҳол Қорабағишга тушинг, милиция билан «Тез ёрдам»га телефон қилинг, тезда етиб келишин!— деб илтимос қилди.

Анваржон тепаликдан қоқила-суқила чопиб тушиб, Умархон отанинг уйи ёнидан ўтган яккаоёқ йўлдан фиксиллаганча пастликка тушиб кетди.

Одилжон Девонов отанинг томирини ушлаб кўриб, Дилбарга қаради:

— Хайрият, отахон тирик ...Кампир қалай?

Қизлархон бувини гулхайрилар тагидаги қалин майсага ётқизиб, қоқсуяк қўл-оёқларини уқалаётган Дилбар лабини тишлаб, бошини чайқади.

Шу пайт Умархон ота хира кўзларини очиб, Одилжонни таниди шекилли:

— Раҳмат, болам...— деди. Кейин Дилбарга узоқ тикилиб туриб:— Э, қизим, сен ҳам шу ердამисан?— деб

сўради ва ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, мадори етмади шекилли, боши шилқ этиб ерга тушди.

У шу ётганича бир неча дақиқа ўзига келмади. Одилжон унинг боши, қулоқлари, чаккаларини ишқалади, юзига сув сочди, жон-жаҳди билан хитоб қилди:

— Ҳой, отахон, кўзингизни очинг! Нима гап бўлди ўзи? Ким сизларни бу аҳволга солди?

Девонов ота сал ўзига келиб, кўзларини яна очди-ю, лекин сўзлашга тили айланмади.

Бу вақт Дилбар қувончидан қичқириб юборди:

— Буви ўзига келдилар! Буви тириклар!

Дарҳақиқат, Қизлархон буви ўзига келдигина эмас, ҳатто Дилбарнинг ёрдамида ўтириб олди-да, бўлган воқеани бобиллаб ҳикоя қила бошлади:

— Саҳар-мардонда Девонов (у олтмиш йиллик умр йўлдошини ҳар донм шундай чақириб келган!) полизга сув очди, мен сигир соғдим. Шу пайт тепадан — Жалолобод йўлидан усти ёпиқ юк машина тушиб келиб, бизнинг чорбоғимиз томонга бурилди. Қопқамиз омонат шундоқ туртса очилиб кетаверади. Асад қорига ўхшаган паканагина бир одам машинадан тушиб, қопқани очди. Машина юриб, уйимиз тепасида тўхтади. Ундан яна икки киши тушди. Лекин, иккови ҳам бу яқин-ўртанинг одамлари эмас. Улар мен билан Девоновга ёпишдилар, қўл-оёғимизни боғладилар, айвондан шолча билан наматни олиб келиб, бизни ўрадилар, яна боғладиар. Дод солдик, бироқ додимизни бу адирдан ким эшитади?.. Хуллас, ҳалигилар бизни бир бурчакка ташлаб, ўзлари молларимизни ҳайдаб кетдилар...

Девонов ота бемажол ётган бўлса ҳам, хотинининг сўзларини қулоқлари илғади шекилли. Одилжондан:

— Болам, қара-чи, отим кўринадимиз? — деб сўради.

Девонов отага бундан ўттиз йил аввал — пахтадан эллик центнердан ҳосил кўтарган йили республика оқсоқоли Охунбобоев совға қилган кўк қорабайир байталнинг донғи фақат Хонободга эмас, балки бутун Фарғона водийсига ёйилган, чолнинг ҳозирги бедов айғири эса, ўша кўк отнинг набираси бўлиб, шу атрофдаги ишқибоз раислар бир чамадон пул, ёки янги «Волга»га алмаштираман, деганларида ҳам тулпор соҳибидан қатъий рад жавобини олган эдилар.

Одилжон уёқ-буёққа аланглаб қаради-да:

— От кўринмайди,— деди.

— Уҳ... — чолнинг боши уни суяб турган Одилжоннинг тиззасига шилқ этиб тушди.

— Уғрилар отга келишган... — Қизлархон буви ихраб, чолнинг фикрини тасдиқлади.

— Яна қанақа молларингиз бор эди? — Дилбар кампирдан сўради.

— Говмиш сиғирим, бузоғи билан. Девоновнинг қорабайири билан ҳўкизи. Тўртта қўйимиз, беш-ўн товуқ... — Қизлархон буви майса устида қалтираб ўтирганча чорбоғнинг уёқ-буёғига аланглади. — Ҳеч вақо кўринмайди... Уғрилар шип-шийдам қилиб кетишибди...

Шу пайт булоқ тепасидаги адирдан аллақандай бир молнинг қўпол мўрагани эшитилди ва бир оздан кейин ўта пишган олудай қип-қизил йўғон шохлари икки томонга айридай бесўнақай ўсган баҳайбат ҳўкиз кўринди.

Девонов кўзларини аста очиб:

— Хайрият, ҳўкизимиз омон қолибди, — деди.

— Отахон, ҳозир дўхтирлар, милиция ходимлари етиб келишади, — Одилжон чолнинг қўлларини силаб, унга тасалли берди. — Дўхтирлар бувим билан икковингизга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатадилар, албатта соғайиб кетасизлар. Тулпорингиз ҳам топилади. Ахир, бу томонларда унақа от йўқ-ку! Милицияга биз ҳам ёрдам берамиз, шахсан мен ўзим дўстларим билан бирга қорабайирни тун-кун излайман. Бир оғайним бор — милиция сержанти Йўлдошев, изтопарликда Шерлок Холмсдан қолишмайди!..

Одилжоннинг сўзларига Дилбар мийиғида кулиб қўйди ва йигитчанинг ваъдасига чиндан ҳам ишона бошлаган содда чолга тушунтирди:

— Шерлок Холмс — дунёдаги энг моҳир изтопар. Агар Одилжоннинг дўсти сержант Йўлдошев шу изтопардан ҳам устароқ бўлса, тулпорингизнинг топилиши аниқ.

Чол-кампир сал-пал ўзларига келиб, доим улоқларда соврин олиб келган зоти ноёб қорабайирни, ҳар кун уч челак сут берадиган говмишни, бўрдоқига боқаётган хисори қўйлари-ю, ҳар кун иккитадан тухум қўядиган товуқларини таърифлай бошладилар.

Узоқдан милиция ва «тез ёрдам» машиналарининг сиреналари эшитилиб, уларнинг шиддатли чинқириғи адирлар орасида акс-садо бера бошлади.



— Келишяпти!— Девонов отанинг ёнида чўккалаб ўтирган Одилжон ўрнидан сакраб туриб, тепа йўлга чопганча чиқиб кетди.

Чорбоғнинг очиқ дарвозасидан тепасида қизил чироғи пирпираб турган милиция «Жигули»си билан «Тез ёрдам» «Москвич»и изма-из кириб келиб, тепадаги уйнинг орқасида тўхтадилар.

Одилжон оқ халат кийган жиккаккина ўзбек дўхтир йигит билан қўлида каттагина қора сумка кўтарган ҳамширани беморлар ётган ерга бошлаб келди. Милиция машинасидан юз-қўлларининг қоп-қоралиғи, тарвуздай катта бошидаги сочининг жингалаклиғи билан негрларни эслатувчи девқомат лейтенант Худойқул Солиев ва қадди-баста келишган, чўзинчоқроқ буғдойранг юзи жиддий, кўзларида фикр тугунчалари шундоққина кўриниб турган хушрўйгина сержант тушиб келдилар. Сержант боягина Одилжон таърифлаган Йўлдошев бўлиб, оёқлари узун бу йигит Одилжонни кўрибоқ юзи ёришди ва икки дўст қучоқлашиб кўришдилар. Шунда Дилбар боя ўзини Анваржоннинг шилқимлигидан ҳимоя қилган синфдоши Одилжонга тагин бир карра қойил қолди. Машиналарни бошлаб келган Анваржон бўлса, гўё орадан ҳеч нарса ўтмагандай, Дилбарнинг ёнида бамайлихотир кулиб турар, воқеа шоҳидларига турли хил саволлар бераётган ва жавобларини ёндафтарига ёзиб олаётган лейтенант билан суҳбатлашиш учун навбатини кутиб турарди.

Дўхтирлар беморларга укол қилдилар ва чол билан кампирга ором кераклигини айтиб, тез орада «Москвич»да жўнаб кетдилар.

Лейтенант учала гувоҳ — Дилбар, Анваржон ва Одилжондан керакли маълумотларни дафтарига ёзиб олгач, уларнинг кетишларига ижозат берди-да, дўхтирлар айвонга олиб келиб ётқизиб кетган чол-кампир, яъни жабрланганлар билан суҳбат бошлади. Сержант эса, аллақандай асбобларни сумкасида олди ва воқеа содир бўлган чорбоғнинг ҳар қарич, ҳар сантиметрини кўздан кечириб, изтопарларга хос икир-чикир ишлар билан машғул бўлди.

Дилбар чол-кампир олдида қолиб, ёрдамлашиш ниятини синфдошларига билдирди ва улар билан хайрлашар экан, Одилжондан бу ҳақда онаси Қумри опага хабар бериб қўйишни илтимос қилди.

Одилжон билан Анваржон чорбоғдан чиқиб, икки адир оралаб пастга — Қорадарё бўйидаги Қорабағиш посёлкаси томонга бир неча дақиқа жимгина юриб бордилар.

Вақт чошгоҳга яқинлашиб, қуёш обдан қиздира бошлаган палла. Яккаоёқ йўл бўйларида, адир бағирларида гулхайрилар оппоқ очилиб ётибди. Аллақандай зангори пуштиранг, тилларанг капалаклар сассизгина учиб ўйнайдилар. Ҳов... ўнг томондаги ясси тепаликда — ям-яшил ўтлоқда қўй-қўзилар гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолиб, сузиб юргандай...

— Менга шу билан иккинчи қўл кўтаришинг,— деди Анваржон ниҳоят сукунатни бузиб.— Хўш, менда нима хусуматинг бор?

Одилжон индамади. Бир дақиқа йўлида тўхтаб, сап-сариқ очилиб ётган исриқ гулдан бир дона узди-да, аста ҳидлар экан:

— Бу минг хил дардга даво,— деди.— Айниқса, асаб касалига...

— Нега гапни чалғитасан?— Анваржон йўлдошининг билагидан тортиб тўхтатди-да, унга қаттиқ тикилди:— Мен Дилбарни севаман, унга уйланаман. Чидайсанми шунга?!

— Бу гиёҳнинг яна бир хосияти шуки,— деди Одилжон гўё, Анваржоннинг сўзини эшитмагандай,— хафаконликни ёзади; хунобинг ошганда бунга қайнатиб ич!

— Сен мени мазах қиляпсан!— Анваржон қўлини Одилжоннинг билагидан тортиб олди.— Сендан ҳазар қиламан! Сен пасткаш айғоқчисан! Сен — муҳаббатнинг кушандаси! Сени ёмон кўраман! Кет, кўзимга кўринма!..

— Бир тулки тоқдаги бир бош узумни кўриб қолиб, уни олиб емоқчи бўлибди, аммо ҳар қанча интилса ҳам бўйи етмагач, «ғўра экан, емадим», деб гап тарқатибди...— Одилжон исриқ гулни баланд кўтариб томоша қилди.— Аммо, бу гул ҳасад дардига даво эмас!.. Ҳайр, бечора ошиқ, мен кетдим, сиз ҳасратингизни дайди шамолларга айтинг!.. Ҳа, дарвоқе, қўлим қичияпти, агар ёнингизда қолсам, бирон кор-қол рўй бергай! Мана, сизга гул!.. Зора, бу ҳижрон дардига шифо бўлса!..

Одилжон гамлетона бир виқор билан шундай деди-да, пастга, дарё соҳили томонга тез юриб кетди.

Аламини ичига ютишга мажбур бўлган Анваржон

Одилжон берган исирикни муштида ғижимлади ва бо-  
шини чангаллаб, ўзини гулхайрилар устига отди-да, ўп-  
каси тўлиб, ҳўнграб йиғлаб юборди...

### Олтинчи боб

Ой тўлишган баҳор кечаси Қорадарё соҳилида бўл-  
ган суҳбат, мироб домланинг Кампирравот тарихи ҳа-  
қидаги ҳикояси Обиджоннинг кўнглига чуқур ўрнашиб  
қолди. У бўлажак тўғон лойиҳасини тайёрлаётган инже-  
нер Жуков бошчилигидаги экспедицияда тоғ отгандан  
қош қорайгунча тинимсиз ишлаб юрар, ўз вазифаси —  
пармаловчиликдан ташқари нимаики иш топширилса,  
ҳаммасини елиб-югуриб бажарар, лекин Илҳом ака сўз-  
лаб берган эртакнамо воқеалар бир нафас ҳам кўз ол-  
дидан нари кетмасди. Гарчанд Дилбар ўз ошиқни зорига  
заррача парво қилмаётган, аксинча ҳар хил баҳоналар  
топиб, ўзини ундан атайлаб олиб қочаётган бўлса ҳам,  
Обиджон Қорадарёдай асов бу қизнинг дадаси — Кам-  
пирравотнинг ҳурматли кишиларидан бирига яқинла-  
шиб олганидан беҳад шод.

Уша кунги суҳбат сабаб бўлди-ю, Обиджон ҳар кун  
ишдан кейин миробни йўқлаб дарё соҳилига борадиган,  
унинг чодирни ёнига тўшалган қалин наматда ўтириб,  
дунё кўрган бу тўпори одам билан суҳбатлашадиган  
бўлиб қолди.

Саратоннинг иссиқ кунлари бошланди.

Обиджон бу оқшом ҳам мироб домлани йўқлаб ке-  
либ, унинг қумғон қайнатаётгани устидан чиқиб қолди.  
Илҳом ака беш-олтита тошни тираб, устига қумғон  
осибди. Қора қумғон тагида қуруқ шох-шабба чарсил-  
лаб ёнапти. Наматга ёзилган дастурхонда каттагина  
иккита нон, олтиндай сап-сариқ ўрик ва сочиққа ўрал-  
ган товоқ турибди. Обиджон ўзи олиб келган бир бу-  
ханка оқ нон билан иккита балиқ консервасини дастур-  
хонга қўйиб, вишиллаб қайнай бошлаган қумғон ёнида  
чўққайиб ўтирган мироб домлага қўл узатди:

— Қалай, соғ-омонмисиз, ота?

Илҳом ака йигитнинг қўлини қаттиқ қисиб, аҳвол  
сўради:

— Дуруст юрибсанми, аскар йигит, ишларинг жойи-  
дами? — Обиджоннинг дастурхондаги товоққа савол

назари билан қараб қўйганини пайқаган мироб изоҳ берди:— Дилбар бояроқ келди-ю, ошни қўйиб кетди. Биров қувгандай шошади: имтиҳон кетидан имтиҳон, дейди. Ўқишлар ҳам йилдан-йилга оғирлашиб кетяпти.

— Бунга сабаб нима?— қизиқиб сўради Обиджон.

— Сабаб — баъзи раҳбарларнинг нўноқлиги!— зарда билан жавоб берди Илҳом ака.— Қолхозимиз раиси Афзаловни назарда тутяпман. У кўкламдан кеч кузгача ўқувчиларни далага чиқаргани-чиқарган. Ўтоқ, ягана, чеканка, терим... Ҳаммасига ўқиш тўхтатилиб, болалар сафарбар қилинади. Қолхозчиларнинг эса, ярмидан кўпи ишга чиқмай, томорқаси, бозор-ўчари билан банд... Хўш, бу аҳволда ўқиш ўқиш бўладими? Мен болаларни меҳнатда чиниқтириш, ўқишни фойдали иш, ҳунар ўргатиш билан қўшиб олиб бориш тарафдориман. Аммо, мактаб ўқувчиларини доимий ишчи кучига айлантириб юбориш керак эмас-да!

— Ҳа, талаб ошиб боряпти... Аммо, раисимизни ҳам ҳеч кимни писанд қилмайди, деб эшитаман.— Обиджон шундай деди-ю, умиди пучга чиққан одамдай хийла шалвираб қолди.— Аввалги раисимиз армияга тантанали кузатувди, буниси... кутиб олмади ҳам.

Илҳом ака йигитнинг юзига ўйчан тикилганча индамади.

Демак, Обиджон Дилбарни бугун ҳам кўролмайди. Ҳа, унинг мироб чодирига тез-тез, деярли ҳар куни келиб туришини билган қиз уни кўрмаслик, у билан сўзлашмаслик учун ров келгану, ров кетган. «Оббо, муғамбир-ей, энди феҳмладим қувлигингни!»— дея ўйларкан, Обиджон ич-ичидан зил кетди.

— Қани, қумғонга чой ташла-чи, аскар йигит!— Мироб ўрnidан туриб дастурхон ёнига ўтди-да, наmatга чордана қуриб ўтирди.

Обиджон чой дамлаб келди.

Илҳом ака товоқни ўртага қўйиб очганда, пишган сур гўшт билан девзира гуручнинг хуш бўйи димоққа урилди.

— Бай-бай, заб паловхонтўра бўлибди-да, — деди мироб қалин қошлари остидаги митти кўзлари кулиб.— Эшитганмисан, йигит, машойихлар айтган эканлар:

Бир кунинг қолгунча палов е!  
Бир пулинг қолгунча палов е!

Катта-катта ол, аскар бола, «камбағалнинг бир тўйгани — ярим бойигани!»

Обиджон сергўшт ошдан катта олиб, ҳар доим ўзини доноларга хос салобат билан камтарона тутгувчи, нақлу ҳикмат айтишда суяги йўқ миробга зимдан кўз ташлади: ёши эллик бешларга борган, сийрак сочи кулранг оқарган, сал чўзиқ қорамтир юзини патакдай соқол қоплаган, ўсиқ мўйлови ўзига ярашган, митти кўзлари муғамбирона, синчков тикилувчи Илҳом ака ошни иштаҳа билан ея бошлади. Унинг бугун анча очиққани ва шу сабабли бўлса керак, иштаҳаси карнайлиги шундоққина кўриниб турарди.

Ош тугагач, мироб домла товоқни қўлига олиб, тагидаги ёғни нонга булаб тозалади ва шундан кейингина қўлини сочиққа артиб, Обиджон узатган пиёлани оларкан:

— Ҳа-ҳа... Талаб ошиб боряпти, дегин?— деб йигит боя айтган сўзларини такрорлади. — Талаб албатта ошади-да: давр улуғ, ишлар улуғ. Чунончи, Кампирравот тўғонини олайик. Ана, бетон девор дарёни тўсиб, сувни беш ариққа тақсимлаб беряпти: Андижонсой, Шаҳрихонсой, Савайсой, Қирғизариқ ва Қорадарёнинг эски ўзани... То мана шу тўғон қурилгунча Кампирравотда беш минг одам, икки юз мироб, икки юз от-арава кечаю кундуз овораю сарсон бўларди-ю, бироқ тошқин хавфи бир дақиқа пасаймасди. Шу тўғон қурилди-ю, сал тинчидик. Аммо, узил кесил тинчишимизга ҳали анча бор. Янги улкан тўғон қурилишини бошлаб юбориш пайти келди. Хўш, йигит, бошлиғинг нима дейди? Инженерлар қанақа лойиҳа тузишяпти?

— Бу тўғон ўрнига янги буюк тўғон қурилиб, Кампирравотда денгиз ҳосил бўлармиш!— деди Обиджон.— Лойиҳа ҳам тайёр экан, аммо унга ҳамон ўзгаришлар киритиляпти.

— Эшитдим,— Илҳом ака калта қалин соқол қоплаган нягини силаб, бетон тўғон деворига урилиб ўшқираётган дарёга ўйчан тикилди.— Улуғ иш бошланяпти, бироқ бу режалар осмондан тушаётгани йўқ, аскар йигит! Булар — ҳалқимизнинг қадим-қадимдан юрагини ёндириб келаётган орзу-умидлари! Успирин чоғимдаги бир воқеа ҳамон ёдимда. Бундан қирқ йил аввал Кампирравотга Йўлдош Охунбобоев келган эдилар. Ота Қорадарёга сепоя ташлаётган миробларни йнғиб: «Яқин

вақтларда бу азоб-уқубатлардан қутуласиз, биродарлар!» — деган эдилар. Мана тўғон қурилди, мироблар иши анча енгиллашди... Яна бир учрашув шундоққина кўз олдимда турибди. Бундан уч йилча муқаддам районимизга обкомимиз секретари Исматов келдилар. Охунбобоев отанинг шогирди бўлган бу доно киши ҳамма қишлоқларда бўлдилар. Қорадарёнинг иккала қирғоғини кўздан кечирдилар, тўғонни кўрдилар-у, чамамда кўнгиллари тўлмади. Обком секретарининг мироблар билан суҳбатлари чоғида айтган сўзлари халқ дилига ўрнашиб қолган: «Қорадарёга буюк темир-бетон тўғон қурилади, бу ерда улкан сув омбори ҳосил бўлади!..» Биз, дарё заҳматкашлари ана шу башоратли сўзларни эшитганимизда хаёлимизда «Минг бир кеча»дай бир афсона, ошиқлар тушидай беқиёс хаёлий бир манзара жонланувди. Ана энди шу хаёл ҳақиқатга айланыпти. Хўш, менга айт-чи, аскар йигит, буюк орзулар, тенгсиз лойиҳалар кимнинг қўли билан амалга оширилади?

— Одамларнинг, халқнинг! — қатъий жавоб берди Обиджон.

— Баракалла! — Мироб домла йигитнинг елкасига қоқиб қўйди. — Билимли, ҳунарли одамлар, қудратли халқ улуғ режаларни рўёбга чиқаради. Менга кўп кишилар: «Ҳой, мироб, сиз нечун қизингизни рус мактабида ўқитасиз, бундан нима ютасиз?» — деб савол берадилар. Сен ҳам, аскар бола, эшитгандирсан бундай гапларни?

— Ҳа, эшитганман, — деди Обиджон Илҳом аканинг дил дафтарини оча бошлаганидан умидвор бўлиб. — Дилбарни еттинчи синфдан кейин ўзбек группасидан олиб, рус группасида ўқитибсиз.

— Ҳа, шундоқ қилдим. — Илҳом ака тоғ ўрқачларига яқин қорамтир осмоннинг у ер-бу ерига сочилган юлдузларга тикилиб, хаёлан орзу денгизида суза бошлади. — Ҳов... анави юлдузларга қарагин-а, аскар йигит! Бир гала етти чақноқ юлдуз... Улар — осмондаги юлдузлар. Менинг етти қизим: Дилбар, Ҳулкар, Мўътабар, Санобар, Муаттар, Мукамбар, Муяссар — ердаги юлдузлар. Мен ҳар бирининг бахти энг нурли Сурайё юлдузидай чақнашини истайман. Хўш, қачон чақнайди улар бахти? Қачонки, оқила, олима, фозила бўлсалар! Рус тилини ўз тиллари каби мукаммал билсалар! Рус тили — Ленин тили, аскар йигит!

— Дилбар қаерда ўқимоқчи?— Обиджон миробнинг хаёл денгизига шўнғиганидан фойдаланиб, ўз юрагида тугун бўлиб ётган саволни беришга журъат қилди.

— Тошкентда ўқимоқчи. Аммо, кириш имтиҳонларидан бир оз чўчияпти.— Илҳом ака ташвишланиб сўзлади. — Сен боя айтганча талаб қаттиқ бўлиб кетган. Институтга киришда ошна-оғайнигарчилик ҳам авж олган. Қизалоғимни имтиҳонда йиқитмасалар деб қўрқаман.

Илҳом ака шундай деди-да, аллақандай мунг таратиб, бўғиқ вағиллаб оқаётган дарёнинг қорамтир мавжларига тикилганча хаёл суриб кетди.

Обиджон мироб домланинг кўнглига таскин бериш, унинг шубҳасини тарқатиш учун нима деб жавоб қилишни билмасди. У ўз дўстларидан бир нечталарининг катта шаҳарларга бориб, институтга кириш учун ҳужжат топширганларини, лекин аксарият имтиҳонларга бардош беролмай, қишлоқларига қайтиб келганларини билар, буни табиий ҳол деб ҳисоблаб, етарли тайёргарлик кўрмаганликларига йўйиб қўяқолар эди. Бинобарин, қишлоқ жойларда мактаб ўқувчиларининг дала ишларига кўпроқ жалб этилиши ва бунинг натижасида ўқув программаларининг тўла ўтилмай қолиши сир эмас.

— Дилбар ўжар қиз, мақсадига қаттиқ интилади,— деди Обиджон.

«Хўш, мен институтга кирмоқчи бўлсам, кира оламанми?— Айни вақтда ўзига-ўзи савол бериб кўрди.— Армия хизматини ўтаб келганларга имтиёз ҳам бор.. Хўш, мен ақалли имтиёзли имтиҳонларга тайёрманми?»— Уйлай-уйлай, юраги тубидан қатъий жавоб топди: «Йўқ, тайёр эмасман. Урта мактабда олган билимнинг кўп қисми ёдимдан кўтарилган. Буни тиклаш учун вақт керак, ярим йил, бир йил вақт керак. Хўш, Дилбар-чи? У имтиҳонларга тайёр, сабаби — синчков, тирншқоқ».

— Хотиржам бўлинг, Дилбар имтиҳонларнинг ҳаммасидан аъло баҳо олади!— деди Обиджон Илҳом аканинг кўнглига тасалли бермоқчи бўлиб.

Обиджоннинг ишонч билан айтган бу сўзларини эшитган Илҳом ака нечундир мийғида истеҳзоли жилмайиб қўйди.

Олисда, баланд-паст тоғ ўрқачлари тепасида тиниқ

тўлиной олтин баркашнинг ярми кўринди. Кампирравот дараси ойдинлашиб, Қорадарё сатҳида кумуш мавжлар жавлон ура бошлади. Қирғоқ, бўйлаб тинимсиз эсаётган шамолда қалин ўт-ўланлар тебраниб, ондасонда диккайиб турган тол, ёнғоқ, терак дарахтларининг шохлари силкина бошлади.

Обиджон қўл соатини ой шуъласига тутиб қаради: чораккам ўн бир.

— Домла, уйга борасизми, соҳилда тунайсизми?— сўради у миробдан.

— Бу кеча навбатчилик меники. Чодирда тунайман.— Илҳом ака Обиджонга синчков тикилди.— Сен ҳам уйга бориб нима қиласан? Бу ерда ҳаво тоза, пашша йўқ. Эртага бўлса, бозор-якшанба. Ё бошлиғинг ишга чақирганми?

— Йўқ, дам оламиз.— Обиджон Дилбарнинг дадаси билан юракдан гаплашиш имконияти туғилганидан севиниб:— Тўғри айтасиз,— деб кулиб қўйди.— Келинг, бир отамлашайлик!

— Балли, аскар йигит!— Мироб ҳам тунни ёлғиз ўтказиш ташвишидан қутулиб, наमतда бемалолроқ ўтириб олди-да:— Мен сенга устозим — мироббоши Йўлдош ота ҳикоясини айтиб бераман,— деди.— Эртага Тополино қишлоғида, Шаҳрихонсой бўйида мироблар йиғилиши бўлади, бирга борамиз. Нима дейсан?

— Айни муддао! Отахонлар суҳбатидан баҳраманд бўламан.— Обиджон завқланиб жавоб берди.

— Ундоқ бўлса, қумғонни яна қайнат, мен чодирдан болишларни олиб чиқай, ёнбошлаб, бафуржа суҳбатлашамиз.

Илҳом аканинг ўзини бу қадар яқин олишидан умиди тобора ошиб бораётган Обиджон дарё бўйига чўнқайиб, қумғонни чайиб тўлдирди ва уни тошлардан ясалган ўчоққа қўндириб, тагига ўт қалай бошлади.

Мироб чодирдан иккита болиш олиб чиқди. Обиджон дастурхонни йиғиштирди. Мироб бир болишни бағрига босиб, наमतда чордана қуриб ўтирганча ўйга толди. Обиджон чойни дамлаб келгач, унинг қаршисига тиз чўкди-да, марҳум мироббоши Йўлдош ота ҳақида турли одамлардан эшитган узуқ-юлуқ гапларни хотирлашга уриниб кўрди.

Бу пайт ой баркаши рўпарадаги чўққи устига тўла кўтарилди. Тўлиной шу қадар тиниқ эдики, ундаги



парча-парча доғлар аниқ кўриниб турарди. Обиджон болалигида ойдаги бу доғларни тоғ-тепалар бўлса керак, деб ўйларди, унинг укаси Обиджон эса «йўқ, ака, у шакллар Ернинг аксидир», деб акасини ишонтиришга уринарди.

Кампирравот дараси ой шуъласида обдан ёришди, ҳамсухбатлар ёнбошлаган соҳилдаги қуму тошлар ҳам йилтиллаб қолди. Обиджон ҳамон ўйга толиб ўтирган миробга «қани, бошланг», дегандай қараб қўйди.

— Мироббоши Йўлдош ота умрининг охирларида мен ўн беш ёшлик ўспирин бўлсам ҳам, анчагина кучли тўлиб, ҳунар ўрганиб, устознинг ёнига кириб қолган эдим, — деб ҳикоясини бошлади Илҳом ака. — Мироббошининг қўл остидаги икки юз сепоячи, икки юз аравакаш, яна қанчадан-қанча ишчиларнинг биронтаси унинг буйруғига итоат этмагани, ёки сўзини иккита қилганини билмайман. Устознинг элда эътибори баланд бўлганининг сабаблари бор. Аввало, шу атроф қишлоқларда билимда, доноликда унинг олдига туша олган одамларни эслаёлмайман. Сенга айтсам, аскар йигит, менинг рус тилига ишқибозлигимга ҳам мироббоши сабабкор. Нега десанг, унинг отаси, султаноободлик Тўхта-хўжа ака ўтган асрнинг охирларида Петербургда Кампирравотга келган сув инженери Сиявскийга ўн тўрт яшар ўғли Йўлдошни топшириб: «Ога, шу ўғлимни Русияга олиб бориб ўқитинг!» — деган экан. Сиявский Йўлдошни Петербургга олиб кетиб, Сув хўжалиги гимназиясига киритган. Йўлдош ўқишни тамомлаб юртига қайтиб келгач, сув билимини сувдай ичиб юборган олим йигитни Кампирравот мироблари ўзларига мироббоши қилиб кўтарганлар. Бу воқеа асримизнинг бошларида бўлган. Ана ўшандан то ҳаётининг сўнгги дақиқасигача — 1934 йилнинг май ойига қадар Йўлдош мироббоши Қорадарёни тартибга солиш, унинг сувини Андижонсой билан Шаҳрихонсойга тақсимлаш учун, тошқинга қарши курашиб келган. Сепояларни боғлаш ва дарёга ташлашда, уларни йўғон симлар билан бир-бирига чандиб мустаҳкамлашда, эпчиллик ва мардликда мироббошига тенг келадиган одам бўлмаган. У ўзини тошқинга отиб, ваҳший тўлқинлар устида қулоч ёзиб ишлаган чоғларида қирғоққа одам тўлиб кетар, ҳамма сурутдай қотганча томоша қилиб турарди. Мироббоши бўлса, бир қўли билан сузиб, иккинчи қўли билан се-

пояни суриб борар, атрофида сузиб юрган ёрдамчиларидан икки-учини чақириб, улар билан биргаликда сепояни мўлжаллаган ерига ўрнатар, яна икки уч ёрдамчисига симни тортдириб, янги сепояни нариги сепояга боғлатиб маҳкамлар, бу пайтда учинчи сепояни тортиб келатган ёрдамчиларни тезроқ етказиб беришга ундар, «ҳа, балли», «ҳа, отангга раҳмат», деб далла берар, мабодо сепоя тошқиннинг зўридан четга оғиб кетгудай бўлса «ҳе, сеним, мунча шалвирайсан, атала ичганми-сан», деб койиб қўяр эди... Хуллас, Қорадарёда сувнинг кўпайиши ёки озайишига қараб, водийдаги пахтазорларнинг талабини ҳисобга олиб, мироббоши Андижонсой билан Шаҳрихонсойга сувни расамадлаб тақсимларди.

Илҳом аканинг ҳикоясини ўта қизиқиб эшитиб ўтирган Обиджон ундан сўради:

— Мироббоши ўзи қанақа одам бўлган? У кишидан зурриёт қолганми?

— Одамнинг меҳри кўзида дейдилар, аскар йигит,— мироб домла гапни узоқдан бошлади.— Чунончи, мана сен билан мен. Дадангни танир эдим-у, сени билмасдим. Анави куни қизимга эргашиб келдинг, ичимда: «Оббо, яна бир шилқим пайдо бўлибди», дедим-у, аммо бу тахминимни сиртимга чиқармадим. Кейин серқатнов бўлиб қолдинг, бир-икки суҳбатлашдик, оқибатда қадрдонлашдик. Сабаби кўз-кўзга тушди, меҳр товланди. Мен ҳам, худди сен каби мироббошига хира пашшадай ёпишиб олгандим. Нега десанг, унинг Барно деган қизи бор, ёшимиз ҳам тенг. Онаси зебо бўлгани учунми, қизи ҳам чўғдай ёниб турарди. Хуллас, ой десанг ой, кун десанг кун, аммо мен олов бўлсам, у бир парча муз, ўлгудай бепарво, боқишидан аёзнинг совуқ нафаси келарди...

«Эй, домла!— ич-ичидан ёниб хитоб қилди Обиджон. — Сенинг қизинг Дилбар ҳам худди шундай. Бир ҳисобда, бунақа савдолар бошингдан ўтгани айни муддао. Шояд менинг ёнимни олиб, қизингни инсофга келтирсанг!»

— Ия-ия,— бир нарса дафъатан эсига келган Обиджон миробнинг ҳикоясини бўлди.— Биз ўқиган мактабнинг собиқ мудираси Барно опа ўша сизни куйдирган соҳибжамол бўлмасин тағин?

— Худди ўшанинг ўзгинаси!— Илҳом ака Обиджоннинг тахминини аламли бир овозда тасдиқлаб, беихтиёр

уфлаб юборди.— Ушанда бағритош қизнинг ҳасратида куйиб, чўп-устихон бўлиб кетдим...

— Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, отахон,— Обиджон домланинг гулханига ёғ қуйди.— Чиройлилар ёр танлашда хато қилиб, кейин ўзлари ҳам ёниб-тутаб юради, аммо бундан фойда йўқ.

— Ичимсан, аскар йигит, ичимсан!— Миробнинг ёшли кўзлари беихтиёр жилмайиб, ҳикоясини давом эттирди:— Устозимнинг қизи тез орада турмушга чиқиб кетди, аммо менинг дил ярам узоқ йиллар давомида қонашдан тўхтамади, айниқса қирларда қип-қизил лолалар очилган кўклам кезлари дардим кўзир, тоғларга чиқиб кетар, олис Олой бағрида, Оқтош томонларда кезиб юрардим... Аммо битмайдиган яра йўқ, деганларидай, бу яра ҳам охири битиб, қўтир бўлди шекилли, оқсоқоллар маслаҳатига кўниб, қариндошлардан бирининг қизига уйландим. Мана соч-соқолим оқарди, етти қизнинг отаси бўлиб ўтирибман.

— Қиз — давлат, деган ҳикмат бор,— Обиджон миробнинг кўнглига тасалли берди.— Етти қизни етти куёвга берасиз, ҳар биридан еттитадан набира кўрсангиз, бутун бир янги қишлоқ пайдо бўлади, дея беринг. Ана шунақа пири бадавлат бўласиз, домлажон!

— Барака топ, кўкрагимни анча кўтардинг!— Илҳом ака Обиджонга миннатдор тикилиб. Сўнг «энди мен сенга мироббошидан қандай айрилиб қолганимизни айтиб берай», деди-да, ойдинда вағиллаб қайнаётган дарё мавжларига тикилганча сукутга кетди.

Қирғоқдаги оқ тераклардан бирининг шохида булбул сайради. Нозик, дилгир, ҳасратли наво. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, нарироқдаги бир дарахт шохида бошқа бир булбул чахчахлаб, биринчисига жавоб қилди.

— Жониворлар!.. Булар ҳам жуфти билан хабарлашади!— Мироб ойдиндаги дарахтларни бир лаҳза кўздан кечириб, яна дарё сатҳига синчков тикилди.— 1934 йил май ойининг ўрталари, дарё қутуриб тошиб турган кунларнинг бирида мироббоши саҳар-мардонда ҳаммамизни соҳилга йиғди. Кеча станцияга Россиядан келган ёғочни икки юз аравага ортиб, туни бўйи йўл босиб, яқиндагина Кампирравотга етиб келган аравакашлар, икки юз сепоячи, аллақанча ишчилар Йўлдош ота бошчилигида ёпирилиб, ёғочларни аравалардан тушириб, қирғоқ яқинига бирин-кетин судраб келтиришди.

Мироббоши:

— Биродарлар! Баракалла ҳаммангизга! Энди чой ичиб олайлик, кейин сепояларни боғлаб, дарёга ўрната-миз!— дейиши билан ким тўнини, ким чорсисини соҳилдаги майда шағал устига ташлаб, тўрт-бештадан бўлиб давра олишди.

Ўнлаб одамлар қатор қайнаб турган баклардан катта чинни чойнагу мис чойгумларга чой дамлай бошладилар; ким уйдан нима келтирган бўлса дастурхонга қўйди, ҳар ер-ҳар ерда ғовур-ғувур суҳбат бошланди, гоҳ-гоҳ кулги, қийқириқлар эшитилиб турди.

Мироббоши мени тўдадан имлаб чақириб олди ва: «Қани юр, кенжа мироб, сувнинг навосини эшитайлик», деб орқасидан эргаштириб кетди.

Биз дарёнинг нақ қирғоғида, нам қум устида тўхтадик. Мен Йўлдош отанинг ечинаётганини кўриб, кўйлак, шим, этигимни ечдим. Мироббоши ўзини сувга ташлаши билан мен ҳам унинг кетидан тўлқинга отилдим. Туни билан совиган сув худди муз қирраларидай баданимни минг-минг жойидан тилиб ташлади десам ёлғон бўлмас. Мироббошининг катта-катта қулоч очиб, чаққон ҳаракат қилаётганини кўргач, мен ҳам сузишни тезлатдим ва ғаввос отанинг дарё ўртасидаги баланд сепояга — унинг доимий кузатув нуқтасига тирмашиб чиқаётганини кўриб, ўша сепоя ёнидаги бошқа пастроқ сепояга мен ҳам чиқиб олдим. Мироббоши сепоя боғичига яхши ўрнашиб ўтириб олгач, тоғ тепасига кўтарилган қўёш шуъласида зарҳалдай товланаётган Қорадарёнинг юқори оқимига тикилди. Сўнг ўсиқ бароқ қошлари тагидаги зийрак кўзларини юмиб, тўлқинлари тобора кучайиб бораётган бетинч сув шовқинига бир неча дақиқа қулоқ солиб турди.

«Дарё навосини тинглаяпти,— шу фикр кўнглимдан ўтди ўша дақиқада.— «Қуш тилини қуш билади», деганларидай, сув тилини мироб билади. Аммо, нега, мен билмайман? Ҳа, Қорадарё тилини тушуниш учун мироббошидай билим соҳиби бўлиш керак!»

Бир неча дақиқадан кейин кўзларини очган Йўлдош ота менга ташвишли нигоҳ билан тикилди:

— Иш чатоқ, кенжа мироб! Тоғдан катта сув келяпти, кучли тошқин бўлади. Дарҳол чора кўришимиз даркор. Қани, тушдик, соҳилга борайлик.

Мироббоши сепоя устидан чўчимай сувга ташланди.

Мен ҳам унга тақлид қилиб ўзимни тўлқинлар қаърига отдим. Соҳилда апил-тапил кийиндиг-у, одамлар ноушта қилаётган ерга йўл олдик.

Йўлдош ота катта тошқин келаётгани ҳақидаги ташвишли хабарни сепоячиларга дарҳол етказмади. У давралардан бирига қўшилиб, ҳамкасблари билан чой ичишди, уёқ-буёқдан суҳбатлашиб гурунглашди, шундан кейингина ўрнидан аста туриб, қатор тизилган аравалардан бирига чиқди-да, қирғоқни тўлдирган кишиларга:

— Биродарлар, яқинроқ келинглари!— деб мурожаат қилди.

Одамлар ўтирган ўринларидан бирин-кетин туриб келиб, мироббоши чиққан арава атрофини ўрай бошладилар.

— Жуда катта сув келяпти,— деди Йўлдош ота ташвишли кўзлари жавдираб. — Бу йил ҳали бунақа катта сув келган эмас. Мироб оғайнилар, ҳар бирингиз тўрттадан ёрдамчи олиб, тезда сепоя боғлашни бошлаб юборингиз. Аравакаш оғайнилар! Ҳар бирингизга иккитадан юкчи қўшиб берамиз, дарҳол станцияга елингиз, қолган ёғочларни ҳам етказиб келингиз! Биродарлар! Шунини яхши билингизки, агар дарёни кечгача тўсолмасак, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган фалокат содир бўлади! Қани, ҳаммангиз шитоб ишга, жигарлар!

Қирғоқни тўлдирган одамлар, от-аравалар ҳаракатга келди, шовқин-сурон, бақир-чақирлар қулоқни қоматга келтирар даражага етди. Отлар бўш араваларни шалдирашиб, соҳил бўйлаб пастдан юқорига кўтарила бошладилар. Сепоячилар ёрдамчиларга ёғочларни судратиб, узун-катталигига қараб учтадан саралаб, йўғон симлар билан сепоя боғлашга киришдилар. Биринчи сепояни мироббоши мен билан яна икки бақувват йигитларга судратиб, сувга туширди. Тўрталамиз ечиниб, сепояни судраганча дарёнинг ўртасига сузиб бордик ва уни мироббоши кўрсатган ерга қўндирдик. Шундан кейин қирғоқда тайёр бўлган сепоялар бирин-кетин дарёга ташланиб, биринчи сепоя ёнига, фақат Йўлдош ота белгилаган жойларга ўрнатилди бошланди.

Қорадарёда сув соат сайин кўпаяётгани шундоққина билиниб турарди. Қудратли ёввойи тўлқинлар девордай қатор тизилган сепояларнинг йўғон ёғочларига урилиб

тургани учунгина забти пасайиб, тошқин ҳавфи бир қадар камаяр эди.

Бир неча юз киши олти соатдан зиёдроқ қаттиқ ишлагандан кейин, мироббоши тушликка ижозат берди. Бу вақт дошқозонда палов дамланган, улкан бакларда сув шақирлаб қайнаб турарди.

Иўлдош ота одамларни ошпи тезроқ еб олишга шоширди ва дастурхон ёнидан ўзи биринчи бўлиб туриб, яна сепоя боғлашни бошлаб юборди. Қош қорайганда аравалар станциядан ёғоч ортиб қайтиб келгач, иш яна авжига мишди.

— Ҳа, сув иши жуда оғир, — Обиджон Илҳом аканинг ўйчан юзига, киртайган кўзларига тикилди. — Айниқса, Иўлдош ота яшаган эски вақтларда бу ишнинг турган-битгани азоб бўлган. Эҳ, Қорадарё, Қорадарё, бутун водийни даҳшатга солиб турган йўлбарс!..

— Худди шу бугунгидай ой тўлган кеча эди ўшанда...— Мироб домла дарёнинг қуйи томонига тикилди.— Ҳов анави бетон тўғон ўрнида қатор сепоялар қаққайиб турарди. Иш ўша ерда қизиганди. Тун оғиб, алламаҳал бўлса ҳам, мироббоши ишни тўхтатмай, дарё ўртасида балиқдай сузар, иккинчи қатор сепояларни ўрнатиш билан машғул эди, бирдан кимдир: «Дод! Мироббоши кетди!»— деб қичқириб юборди. Бундай қарасам, бир сепоя қулаб, ёғоч устозимнинг бошига урилибди, сув сатҳи қоп, Иўлдош ота чалқанча ётганча оқиб боряпти... Мен ҳам: «Дод! Ёрдам беринглар!»— дедим-у, устозимнинг изидан қулоч отдим. Лекин, мен ҳам, бошқалар ҳам ета олмадик, сабабки беҳуш мироббоши гирдобга тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Биз унинг ўлигини фақат тонг отгандагина Кампиртош рўпарасидаги тошлоқ қирғоқда сувга қанот ёйган кекса мажнунтол тагидан топдик...

— Тасодиф бўлган экан-да...— Обиджон дил-дилдан афсусланиб хўрсинди.

— Улуғ инсонни ваҳший дарё ютди,— деди Илҳом ака митти кўзлари ғазабдан совуқ йилтиллаб. — Бу дарё ўтмишда эл бошига не-не кулфатлар келтирмаган. Яхшиям мапа шу тўғон қурилди, сал ҳаловат кўрдик.

— Янги тўғон тикланиб, улуғ денгиз ҳосил қилинса, ана унда сув ташвишидан бутунлай қутуламиз!— деди Обиджон миробнинг маъюслигини тарқатиш учун.

— Тилиннга бол!— Илҳом ака болишга бағрини бос-

ганча чопонини устига ёпар экан: — Ёт энди, аскар йигит! — деди Обиджонга. — Саҳар турамиз.

— Хўп, отахон!

Лекин Обиджон ҳадеганда ёта бермади. Миробнинг ҳикояси унга шу қадар таъсир этган эдики, уйқу хаёлига ҳам келмас, кўз олдида қутурган дарё, сепоячилар, боши ёрилиб, сув сатҳида беҳуш оқиб ётган Йўлдош ота, беҳад қутурган тошқин шундоққина жонланиб турар эди... Буларнинг устига, Илҳом аканинг муҳаббати ҳақидаги қисқагина нақли унинг — Обиджоннинг Дилбарга дил-дилидан оташин, лекин жавобсиз севгисига жуда ўхшаб кетганлиги учун бўлса керак, йигитнинг бутун вужудини ларзага солди.

У қалингина тақир наमतда, пишиллаб ухлаб ётган мироб домланинг ёнида қорамтир осмондаги сон-саноксиз юлдузлар сайрини томоша қилиб ўтирар экан, Илҳом аканинг ёшликда севгилисига етиша олмай, ноилож бошқа қизга уйланиш сабабларини узоқ ўйлаб кетди ва ниҳоят, бир фикрда тўхтади: у ўз муҳаббати, бахти учун қаттиқ курашмаган, натижада севгилисини қўлдан чиқариб юборган. «Мироб домланинг хатоси мен учун сабоқ бўлиши керак, — деган қарорга келди йигит. — Мен Дилбар учун жоним борича курашаман ва албатта, мақсадимга эришаман!»

### *Еттинчи боб*

Зуфаров уйига пешиндан кейин етиб келди. Қорабағишдан Хонободгача ўн километрча йўлни иссиқда пиёда босиб келгани учунми ёки кечаси навбатчиликда ухламагани учунми, ҳар қалай жуда чарчаган, кўзлари киртайиб, оёқларидан мадор қирқилган эди.

У маҳаллага киргач, гузардаги чойхона сўриларининг бирида, суви жимгина оқаётган ариқ бўйидаги кенггина чорпояда ошга ул-бул тўғраб ўтирган улфатлари — маҳалла кексаларининг «мироб, келинг, жичча отамлашайлик», деган таклифига миннатдорчилик билдириб, чойхонанинг шундоққина орқасидаги тор кўчага буриляётганда, ошхўрлардан аллакимнинг:

— Илҳом домланинг иши беш — раиснинг Хонзода-си совчиликка келиб ўтирибдилар, — деган сўзларини эшитиб қолди.

Дарҳақиқат, Зуфаровнинг тор кўча бошидаги эшиги

тагида раиснинг оқ «Волга»си турар, унинг машинага базўр кириб-чиқадиган девсифат шофёри Турдиали олдинги эшикларни очиб қўйиб, кенг кўкрагини рулга босганча баралла хуррак отиб ухларди.

Буни кўрган ва чойхонадагиларнинг совчилик ҳақидаги сўзлари чинлигига ишонган Зуфаров ҳовлига кирмай, эшик олдидаги яккатуп тутнинг тагига чўнқайиб ўтирди-да, бугунги совчилик тарихини эслаб кетди.

Афзаловнинг ёлғиз ўғли Анваржонни уйлантирмоқчи бўлгани, Хонобод ва унинг атрофидаги бир неча хонадонга совчилар юборгани, лекин унинг совчилари доим қуруқ қайтиб келаётгани ҳақида эл орасида ҳар хил гаплар юрарди.

Анваржон Дилбардан бир ёш катта, қайси бир йил синфда қолган. Мактабнинг кекса ўқитувчиларидан бири бўлган, Анваржон ўқиган синф раҳбари домла Зуфаров ҳам ўша йили ўз фанидан Анваржонга бир неча марта «икки» баҳо қўйган. Бола интизомсиз, ўйинқароқ, домлаларга нисбатан нописанд бўлиб қолди. Мактаб директори Йўлдошева боланинг ота-онасини бир неча марта суҳбатга чақирди. Лекин на Афзалов, на унинг хотини Хонзода мактабга бирор марта келдилар. Шунда мактаб маъмурияти раснинг ўғлини синфда қолдиришга мажбур бўлди.

Афзалов бунақа ишларни кечирадиган танги одамлардан эмас, албатта. У пайт пойлади ва ҳеч ким кутмаганда ганимини ўласи қилиб тепиб йиқитди. У колхозга раис бўлгандан кейин бир неча йил давомида раис муовини, партком, бош агрономдан тўртинчи ҳамма бўлим, бригада, звено бошлиқлари, ферма мудирлари, хуллас катта-кичик бошлиқларнинг ҳаммасини ўзгартиргани, бинобарин, бу вазифаларга қариндош-уруғ, ёр-жўраларини қўйиб чиққанлиги маълум. Албатта, унинг бундай иши эл-юртни анча чўчитиб қўйди.

Афзалов мактаб масаласида ҳам шундай йўл тутди. Район маорифидан вакил бўлиб келган инспектор аёл мактабнинг молиявий-хўжалик ишларидан камчиликлар топди ва Йўлдошева директорликдан бўшатилиб, ўз фани бўйича оддий ўқитувчи қилиб қолдирилди. Мактабга эса, янги директор, маорифнинг инспектори Зебо Қодирова тайинланди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидай, Қо-



дированинг Афзаловга қайнсингил эканлиги мактабдагина эмас, бутун қишлоқда доврұқ бўлди.

Раисдай суянчиғи бўлган Қодирова мактабда «янги тартиб ўрнатишга киришди: дарс соатларини ўз хоҳишига қараб қайта тақсимлаб чиқди, имтиҳонларга араллашиб, ўқувчиларнинг баҳоларини ўзбошимчалик билан ўзгартира бошлади. Натижада, Анваржон ва колхоз раҳбарларининг бошқа болалари фақат «тўрт», «беш» баҳо оладиган бўлиб қолдилар, ҳатто ўтган йиллардаги табелларда ҳам баъзи баҳолар ўз-ўзидан ўзгарадиган бўлиб қолди...

Зуфаров бир неча дақиқа шуларни ўйлаб ўтирди-да, ҳар қалай уйга кириб, меҳмонлар билан кўришишга қарор берди. У атиргуллар қийғос очилиб ётган, йўлкаларига сув сепилган ҳовлисига кириб, рўпарадаги ойнабанд раволик айвонда тўкин дастурхон ясатилган хонтахта атрофида ўтирган икки меҳмон аёл билан ўз хотини Қумрихонга кўзи тушди. Қумрихоннинг чап ёнида узун мис патнисга қўйилган руҳ самовар шақиллаб қайнаб турар, у ўнг ёнидаги устига оппоқ дока парда ёпилган бешикни бир қўли билан тебратиб ўтирар эди.

Мироб домла айвонга чиқаётганида хотинлар унинг истиқболига қўзғалиб, ўринларидан тура бошладилар.

— Утираверинглар! Қимирламанглар! — Илҳом ака кавушандозга ташлаб қўйилган бир парча эски палосга этигини тез артиб, хонтахтанинг ёнига чаққон юриб борди-да, меҳмон аёлларга салом бериб, Қумрихондан сал юқориоққа тиз чўкди.

Тўрдаги шоҳи кўрпачага бамайлихотир чордана қўрган басавлат аёлни — майда тароқ қора-қизил гуллик анвойи «жуҳудатлас» кўйлак кийган, бошини новотранг ялтироқ япон дурра билан танғиган, бўйнидаги икки қатор йирик дури сийнасини тўлдирган, қулоқларида гавҳар кўзлик армани зиражлари порлаган, бармоқларидаги қалин олтын узуклари йилтираб турган Хонзодани Илҳом ака қишлоқдаги тўй-ҳашамларда учтўрт марта кўрган бўлса ҳам, раис Норҳўжа Афзаловнинг бу азиз-алланда хотини билан бирон марта бақамти келиб сўзлашмаган. Хонзоданинг ёнидаги рангпаргина ҳушрўй аёлни эса мироб домла яхши танийди — бу аёл ўз мактабининг янги директори Зебо Қодирова.

Афзалов хотини узатган пиёлани олиб, қайноқ чойдан ҳўплар экан, ясан-тусан меҳмонларга савол назари

билан қараб қўйди. Буни фаҳмлаган Хонзода гапни ҳол-аҳвол сўрашдан бошлади:

— Эсон-омон юрибсизми, айланай мироб домла? Сув чарчатмаяптими, ишқилиб? Афзалов салом айтиб юбордилар.

— Саломат бўлсинлар.— Меҳмон хотинлардан аниқиб турган ўткир атир ҳидидан мироб домланинг боши айланди. — Ҳай, мен борай, иш кўп,— деди-да, пиёлани хонтахта устига қўйиб, ўрнидан турди.

— Жичча ўтирсангиз бўларди,— Хонзода шоҳи рўмолчаси билан елпинганча эриниб гапирди. — Қуллик қилиб келувдик...

— Қумрихон билан гаплашаверасизлар! — Мироб кавушандозга туша туриб хотинини имлаб чақирди.

Қумрихон эрининг кетидан ҳовлига тушиб, дарвоза-хона томон юрди.

— Дилбарни Анваржонга сўраб келишибди, — деди у дарвозахонада тўхтаган эрига яқинроқ келиб. — Ҳарқалай, раис...

— Раис бўлса, ўзига! — Мироб домла хотинига ўшқириди: — Бугун раис, эртага — кетмончи ё қоровул...

— Нега бундоқ дейсиз, дадаси? — Қумрихон ўз эри билан Афзаловнинг ўртасидан «ола мушук» ўтган бўлса эҳтимол, деган тахминга борди ва унинг кўнглини юмшатиш учун: — Анваржон жуда бежирим йигит, куёв қилса арзигундай,— деди.

— Ихтиёр қизингда... Унга айтиб кўрдингми? — сўради домла хотинидан.

— Дилбарингиз совчиларни кўрди-ю, юзини буриб, сингилларини етаклаганча уйдан чиқиб кетди.— Қумрихон айвонда тинимсиз жинғирлаётган телефон томони а ишора қилиб: — Ё, тавба... тинимсиз жинғирлаяпти... Бормайсизми? — деб эрини ниқтади.

— Сен бориб эшит-чи, тинчликмикан? — энди Илҳом ака ҳам ташвишлана бошлади.

Қумрихон тез юриб, айвонга чиқди ва тоқчадаги телефон трубкасини олиб, қулоқ солди. Ҳовлиқиб телефон қилаётган киши раис Афзалов бўлиб, азбаройи ташвиши зўрлигидан саломлашишни ҳам, бу ерга совчиликка келган хотини билан қайнсинглисини ҳам буткул унутиб, Қорадарёда сув фавқулодда кўпайиб бораётганини, тошқин колхоз ерларини ҳам босаётганини, мироблар тўғон бошига йиғилишаётганини, мироб домла ҳам тез-

да етиб келиши зарурлигини бақириб-чақириб тайинладн.

Қумрихон ҳовлига тушиб, бу совуқ хабарни эрига етказиши билан Илҳом ака эшикнинг бир тавақасини тарақлатиб очиб, кўчага отилди. Оқ «Волга»да барзанги шофёр ҳамон донг қотиб ухлаб ётарди. Мироб уни елкасига туртиб уйғотди:

— Тезда туринг! Тўғонга ҳайданг!

Тол тагидаги машинна ўриндиғида маза қилиб ухлаб ётган Турдиали истар-истамас кўзларини очиб, Миробга хушёқмасдангина тикилди:

— Ҳа, нима гап, дунёга ўт кетдимиз?

— Йўқ, ундан ҳам баттар иш бўлди!— мироб шофёрнинг ёнига ўтириб олди.— Қорадарё тошибди.. Тезроқ ҳайданг!

Тошқин хабарини эшитган Турдиалининг уйқусидан асар ҳам қолмади. У дарҳол моторни ўт олдириб, стартерни босди-да, кимсасиз тор кўчада вағиллатиб ҳайдаб кетди.

Орадан ўн минут ўтар-ўтмас машина тўғон бошига етиб келди. Бу ерга тўғон идорасини ходимлари, мироблар, Афзалов бошлиқ бир тўда колхозчилар, Қўрғонтепа район милициясининг Қорабағишдаги участка хизматчилари, хуллас, тумонат одам йиғилган, шовқин-сурондан аллақачон қулоқлар битиб бўлган, тўғоннинг сўнгги юқори нуқтасига кўтарилган дарё тошқини бундан бир неча дақиқа аввал ундан ошиб туша бошлаган ҳам эди. Тўғон шлюз-дарвозалари тўла очилган бўлиб, тобора кўтарилиб қутураётган ваҳший сув Шаҳрихонсой, Андижон, Қирғизариқ ва Савайсой каналларининг қирғоқларидан ошиб, пастликдаги колхоз, совхоз дала-ларига туша бошлади. Қорадарёнинг кенг тошлоқ ўзанига тошқин ҳайқирганича ёйрилиб борар, уер-буердаги дўнглари ҳам ямлаб ютгудай эди.

Обиджон ўзи тенги бир қанча йигитлар билан бирга бўлиб, бошлиқлар берган топшириқларни елиб-югуриб бажариб юрар экан, бундан бир неча дақиқа аввал «Газ-69» енгил машиннасида Найнаводан етиб келган машҳур мироббоши — Катта Фарғона канали Бошқармасининг бошлиғи Деҳқон отанинг тадбиркорлигига тан берди.

Бўйи баланд, елкаси кенг, қўллари кетмон дастадай катта, сийрак соқол қоплаган кенг юзи жиддий, зийрак

кўзлари синчков боқувчи, катта бошига янги марғилон-нуса дўппини бостириб қийган бу басавлат одам машинадан тушибоқ, тўғон бошида тўпланиб турган одамларга яқинлашди ва ҳамма билан ёппасига саломлашгач, Кампирравот тўғони идорасининг бошлиғи Ашир-али Нурматов билан бир нечта тажрибали кекса миробларни бошлаб, дақшатли тошқин остида кўринмай қолаётган бетон тўғонга яқинроқ борди.

— Тўл-йўлакай кўриб келдим,— деди у тобора кўтарилиб бораётган лойқа оқинни кўздан кечираётиб. — Кўп ерни сув босибди. — У Нурматовга буюрди: — Дарҳол пультага боринг, Андижонсой билан Шаҳрихонсой шлюзларини ярмига ёпиш керак, бутун тошқин Қорадарёга кетсин!

— Хўп, отахон!— Нурматов буйруқни бажариш учун бир қаватли мўъжазгина оқ уй — пульта томонга чопиб кетди.

Деҳқон ота табиатнинг ваҳшийлиги олдида ўзларини кучсиз сезиб, нима қиларини билмай турган миробларни бир-бир кўздан кечиргач:

— Яна навбат ота-боболардан қолган мерос — сепояга!— деди ва сўради:— Ёғоч-симлар борми?

Тўнқасифат паканагина Саттор мироб жавоб берди:

— Тўғон қурилгач, биз энди сепоя керак бўлмайди, деб ёғочларни иморатга тақсимлаб беришни сўраганимизда, Зуфаров бунга кўнмай, бор материалларни ҳов... анави қабристон ёнбошидаги сайҳонликка обориб тахлаган. Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

Илҳом Зуфаров машинадан тушибоқ, Деҳқон отани узоқдан кўриб таниди ва унинг ёнига елиб келди.

— Қалай, уйдаминг, домла? Келин соғми, қизлар чопқиллаб юришибдимиз?— Ота шогирди билан қўл бериб кўришди ва икки тоғ орасидаги кенг дарада қирғоқларни тобора кўпроқ ямлаб ютаётган дарёга ишора қилди:— Ука, бунинг чорасини қандоқ қиламиз?

— Сепоя ташласакмикан?..— Деҳқон отанинг салобати босдимми ёки ўта ҳаяжонланганиданми, ҳарқалай Илҳом ака қора терга тушиб гапирди. — Тағин ўзингиз биласиз, устоз!

— Сепояларни қаерга ташлаймиз?— Деҳқон ота Илҳом акага яна синовчан назар билан тикилди.

— Тўғоннинг тепа томонидаги дарёга сепоя ташлашдан фойда йўқ,— Илҳом ака сал ўзини тутиб олган

бўлса керак, дадилроқ жавоб берди.—Сепояларни пастдаги хавфли жойларга ташлаймиз. Шаҳрихонсой билан Андижонсойнинг суви камайтирилгани яхши бўлди, ана Савайсой ҳам анча тинчиди. Аммо, кўприк томон хавф остида...

— Баракалла!— Деҳқон ота миробнинг жавобидан қониқиб,— мен ҳам шундоқ фикрдаман,— деди. — Қанча ёғочингиз бор?— У тўғон бошлиғи Нурматовдан сўради.

— Олти юзта. Сим ҳам етарли!— Нурматов жавоб берди.— Илҳом ака запас қилиб қўйганлар, устоз!

— Отангизга раҳмат, иним!— Деҳқон ота Илҳом аканинг елкасига қоқиб қўйди-да, йиғилганларга мурожат қилди:— Биродарлар, ҳар дақиқа ғанимат. Колхоз, совхоз, корхоналардаги юриб турган юк машиналарининг ҳаммаси дарҳол Кампирравотга етиб келсин, ёғочларнинг ярми катта йўлга кўприк томонга, қолган ярми пастга — Ойимқишлоқ йўлига ташиб келтирилсин. Мироб оғайнилари! Ҳунарингизни кўрсатингиз, водийнинг ҳаёт-мамоти сизларга боғлиқ. Қани ўртоқлар, ҳамма тошқин билан курашга!

Тўғон бошига йиғилган кишиларнинг ҳаммаси дарҳол ишга тушиб кетди. Илҳом ака бир тўда миробу сепоячиларни Кампирравот дарасини кесиб ўтган янги Уш-Жалолобод йўлидаги, бу ердаги баландликдан шундоққина кўриниб турган кўприк томонга бошлади. Дарё ўзанига буриб юборилган катта сув бутун зарбини шу кўприкка қаратган, агар тезликда сепоялар ташлаб, ғов кўтариб, тошқиннинг кучи қирқилмаса, бу ваҳший қудратнинг кўприкни суриб кетиши ва ундан нарига ўтиб, темир йўлни қўпориб ташлаши турган гап эди.

Деҳқон отанинг маслаҳатига амал қилиб Нурматов юздан ортиқ одамни бутун асбоб-ускуналари билан тўртта юк машинага чиқарди ва дарёнинг Қўрғонтепа ва Ойимқишлоқ тарафларини босиши хавфининг олдини олиш учун ўша томонга олиб кетди.

Орадан бир соат ҳам ўтмасдан турли ёқлардан ҳар хил машиналарда район раҳбарлари, колхоз раислари, совхоз директорлари, қурилиш ташкилотларининг бошлиқлари етиб келдилар.

Деҳқон отанинг таклифи билан район партия комитетининг биринчи секретари Узоқов раислигида тошқинни бартараф этиш штаби тузилди. Штаб мутахасис-

лар, ишчилар, колхозчилардан айрим отрядлар ташкил қила бошлади.

Кўприкда ҳаракат тўхтатилиб, йўловчи транспортнинг ҳаммаси сафарбар этилди.

Тўғон ёнидаги кенг майдон бир нафасда одамлардан бўшади. Деҳқон ота Қорадарё бўйидаги тошқин ямлаб ютаётган қатор чодирларига ачиниб тиқилиб турган Жуковнинг ёнига келиб:

— Сергей Николаевич, лойиҳангизни тезроқ амалга ошириш нақадар зарурлигини энди аниқ кўриб турган бўлсангиз керак?— деб сўради.

— Эртага Тошкентга учиб кетяпман.— Отага эҳтиром билан жавоб берди бош инженер.— Лойиҳага охириги ўзгаришларни киритиб бўлдик. Энди қурилишни кенг кўламда бошлаш пайти келди.

— Бутун умидимиз бўлажак мустаҳкам тўғондан, — ваҳший тошқиннинг қўланса ҳидидан кўнгли бузилиб таъкидлади ота. — Аҳволни кўриб турибсиз. Ишни энди кечиктириб бўлмайд.

— Ҳаракат қиламиз, Деҳқон ака. Қурилишни тезлатамиз, албатта.

— Ҳа, астойдил ҳаракат қилинг!

Деҳқон ота шундай деди-да, Жуковни қўлтиқлаб олиб, тўғон пультининг оқариб турган кичик уйи томонга юриб кетди...

Обиджон ёғоч-симларни ташиш ишига бош бўлиб, юк машиналарни қирғоқдаги тепа йўлдан бирин-кетин жўнатиб, югуриб-елиб юрар экан, бир ҳодиса эсига тушди: бундан икки соатча аввал Дилбар сингилчалари билан бирга Шаҳрихонсой кўпригидан ўтиб, Қорадарёнинг тошлоқ ўзани томонга кетишганди. Олти қиз... Улар кўприкдан ўтиб кетишди-ю, лекин қайтиб келишмади. Хўш, қаерда қолишди?

Шу савол Обиджоннинг миясини пармалади, вужудини ларзага солди. У кўприк остида севачиларнинг ишига бош бўлиб юрган Илҳом аканинг олдига зудлик билан югуриб бориб, уни четга имлаб чақирди.

— Дилбарнинг сингиллари билан Шаҳрихонсой кўпригидан Қорадарё томонга ўтганини кўривдим.— Деди Обиджон ташвишли бир қисфада.— Аммо, қайтиб ўтишмади...

— Епирай-а?— Илҳом аканинг юзи докадай оқар-

ди.— Қайга кетишди экан-а? Қачон кўрувдинг, аскар йигит?

— Чамамда, икки соатча бўлди...

— Кўриб турибсан, дарё қутурган...— Мироб домланинг манглайи тиришди.— Ўзинг улардан хабар ол, жон болам!..

— Хўп бўлади, отахон!

Илҳом аканинг биринчи марта «жон болам», деб эъозлашидан қувонган Обиджоннинг кўкраги тоғдай кўтарилиб, кўприк четидаги қияликдан тез тушиб, Шаҳрихонсой канали томон ҳаллослаганча югурди. Каналдаги сув обдан тошиб, ваҳшённа бир важоҳат билан ҳайқирар, бир неча юз метр кенликдаги дарахтзорлар, боғлар тошқин остида қолиб кетган эди.

Обиджон ўзини тошқинга отди-да, тиззасигача сув кечиб, нариги соҳилга — Қорадарё томонга базўр ўтиб олди. Қерза этигининг қўнжларига сув тўлгани учун, уни ечиб қўлтиғига қисиб, оёқяланг юриб кетди. Бироқ, шағал ичидаги қиррагошлар оёғига ботавергач, дарё ўрталиғидаги ҳали сув етмаган дўнгликка ўтириб, этигини яна кийиб олди.

У ўрнидан туриб, шиддат билан бўкираётган Қорадарё томонга қараганда, поёнсиз денгиздай кенг ёйилган сувнинг ўртасида, худди ўзи ҳозир турган дўнгликдаги каби дўнгликда бир тўда одамларни кўриб қолди. Йигит ўткир кўзлари билан ўша томонга синчков тикилиб, Дилбарни дафъатан таниди. Унинг атрофини ўраб, қўл-оёқларига ёпишиб олган беш қизча — сингилчалари. Уларнинг яқинида икки кўзи тикин ҳуржуи ортилган эшагининг юганидан ушлаб олган бир чол ҳам турибди.

Шаҳрихонсой билан Андижонсойнинг бир қисм суви шу томонга буриб юборилгач, Қорадарё сатҳи янада кўтарилиб, дўнгликни ҳар томондан қамраб бораётганлиги шундоққина кўриниб турарди.

Обиджон қўнжларига сув тўлган зилдай оғир оёқлари билан эллик метрча тошқин кечиб боргач, дарёнинг чуқур ерига тушибоқ, дўнг томонга сузиб кетди. Аммо, сувнинг тезлиги, тошқиннинг даҳшатли зарби унинг сузишини қийинлаштириб, то дўнгликка етиб олгунча ҳолдан тойди.

У дўнгликка чиқиб, хатарда қолганларга яқинлашганда, қизчаларнинг уввос солиб йиғлаётганини, эшакли чолнинг шағалга тиз чўкканча қиблага қараб дуо

Ўқиётганини, биргина Дилбар сингилчаларини бағрига босиб, қалт-қалт титраб турганини кўрди. Мудҳиш таҳлика яқинлашиб келаётганини, ҳар бир дақиқа олтиндан ҳам қиммат эканини билган Обиджон Дилбардан сўради:

— Сузишни биласизми?

— Йўқ...— Дилбар чизиқлари чиройли юпқа лабини тишлади.

— Бўлган экан, дарё бўйида яшаб туриб...— Обиджон қизчаларнинг энг кичиги — беш яшар Муяссарнинг кўлидан етаклади. — Сен мени опичлайсан, бўйнимдан маҳкам ушлайсан. Мен сени қуруқликка олиб чиқиб, опаларингга қайтиб келаман. Қани, юр!

Қизча бегонадан чўчиб, йиғлаб юборди. Дилбар унинг кўлидан ушлаб:

— Юра қол, Муяссархон, мен ўзим акангга опичгизиб қўяман! — дегандан кейингина, қизча чўққайиб ўтирган Обиджоннинг елкасига бағир бериб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Обиджон энди чап ёққа — Кампиртош тагидаги адир томонга қараб сув кечиб кетди. Елкасидаги қизча жуда енгил бўлиб, унинг вазнини сезмади ҳам. Фақат унга:

— Маҳкамроқ ушла! Кўлингни қўйиб юборма! — деб қайта-қайта таъкидларди.

Тошқиндан сузиб ўтгач, энди сув кечиб бориб, ниҳоят шағал тўкилган йўлга чиқиб олди. «Битта жон омон қолди», дея ич-ичидан қувонди у.

У Муяссарни елкасидан тушираётганда тариллаб яқинлашаётган мотоцикл шовқинини эшитди. Мотоциклчи Обиджонга яқинлашгач, моторни ўчириб тўхтади.

— Тепаликдан кўрдим, — деди у Обиджон билан қўл бериб кўришаркан. — ГАИ инспектори, лейтенант Аҳмаджонман. Машиналарни тартибга солиб туриш учун келаяпман. — У дарё ўртасидаги дўнгликда қолган одамларни кўздан кечирди. — Уларни битталаб олиб чиқиб улгурмаймиз. Мен ҳозир рация орқали вертолёт чақираман.

— Барака топинг, ўртоқ лейтенант!

Обиджон лейтенантнинг ёрдамга келганидан севиниб шундай деди-да, яна орқасига қайтди ва ўзини сувга отганича, қизлар кутиб турган томонга интилди.



У ярим соатча вақт ичида яна икки қизчани — Муаттар билан Санобарни дўнгликдан соҳилга олиб чиқишга улгурди. У тўртинчи марта дарёга ташланмоқчи бўлиб турганида осмонда вертолётнинг гуриллаган садоси эшитилди.

Обиджон тошқинда сузиб бориб Дилбар турган, тобора сув босиб кичрайиб, дўппидеккина бўлиб қолган дўнгликка чиқиб олди ва қулочини кенг ёзиб, учувчига вертолёт қўнадиган жойни кўрсата бошлади.

Бир неча дақиқадан кейин вертолёт аста пасайиб дўнгликка қўнди. Учувчи унинг эшигини очиб, кичкина темир шотини туширди. Обиджон Дилбар ва унинг икки сингисини вертолётга чиқишларига кўмаклашиб юборди. Лекин, чол оёғини тираб туриб олди:

— Эшагимни ҳам олиб кетаман, рўзгоримнинг тираги бул!

— Э, оқсоқол-ей! — Обиджон кексани шоширди. — Эшак топилади, жонингизни ўйласангиз-чи!

Чол ноилож эшаги устидан ҳуржунини олиб, у билан видолашди:

— Бу дунёю, у дунё сендан розиман, энди қиёматда кўришамиз..

Чол вертолётга киргач, энг охири Обиджон ҳам чиқиб, шотини тортиб олди.

Вертолёт ҳавога кўтарилиб, ГАИ инспектори билан қизчалар турган йўл томонга бурилди.

Дўнгликда ёлғиз қолган эшак жониворни терак бўйи кўтарилган сув тўфони омонсиз қаърига торта бошлади...

### *Саккизинчи боб*

Июлнинг бошларида ҳаво ҳарорати бирдан ўн даражага кўтарилиб, қирқдан ошди, саратон чилласи кучини кўрсатди: колхоз боғларида мевалар пиша бошлади, иккинчи ишловдан чиққан гўзалар қорайиб, сув талаб қилди — сувчилар оқшомдан тонггача далада қолиб кетардилар. Ҳаммаёқ ҳаммом, қилт этган шаббода йўқ. Фақат дарё бўйларидагина бемалол нафас олиш мумкин.

Дилбар Девонов ота чорбоғида Анваржон билан учрашгандан буён ўзини ундан олиб қочиб юрди. Анваржон қиздан узр сўраш, у билан тез-тез кўришиб туриш

учун бир неча марта унинг йўлини пойлаган бўлса ҳам, буни сезган Дилбар доим унга чап бериб, рўпара келмади.

Бу орада содир бўлган икки воқеа: Анваржон совчиларининг Дилбар уйидан рад жавоби олиб келгани ва Қорадарёдаги тошқин вақтида Обиджоннинг Дилбар билан сингилларини ҳалокатдан қутқариб қолгани ҳақидаги гап-сўзлар Хонободда довруқ бўлиб кетди.

Битирув имтиҳонлари ҳам охирлаб қолди. Охирги уч имтиҳон: математика, физика ва химиядан Дилбар ҳам Анваржон ҳам «беш» баҳо олдилар.

Энди мактабда ҳаммани бир масала қизиқтирар, биттаю битта олтин медални ким олади?— деган савол атрофида баҳс борар эди.

Директор Қодирова жияни Анваржонни кўпчилик олдида кўз-кўз қилиш учун унинг атрофида жамоатчилик фикрини туғдиришга жон-жаҳди билан уринди: мактаб ҳовлисини гуллар экиб обод қилувчи ҳам, мактабни тамомлашга бағишланган тантанали кечани тайёрлаш комиссиясининг аъзоси ҳам, деворий газетанинг шу воқеага бағишланган махсус сонига муҳаррир ҳам Анваржон!..

Охирги имтиҳонларга, ниҳоят, район маориф бўлиmindан вакил етиб келди. Бу вакил инспектор Салимахон Жабборова бўлиб, ўзбек ва рус группаларидаги охирги уч имтиҳонга қатнашди-ю, бироқ ўз фикрини айтмади-да, имтиҳон комиссияларининг баҳоларини тўғри деб топди.

Бу орада совчилари домла Зуфаровнинг уйидан қуруқ қайтган Норхўжа Афзалов ҳозирча дамини ичига ютиб туриш ўрнига, ўғлини казо-казо оғайниларидан бирининг қизига уйлантирмоқчи эканни овоза қилиб, аламзадалигини билдириб қўйди.

Мактабда битирув кечаси ўтказиладиган кун эрта-лабданоқ олтин медаль Анваржонга берилиши маълум бўлиб қолди. Дилбар ва унинг дугоналари бундан қаттиқ ранжидилар. Мактаб комсомол комитетининг секретари Марина Дубенко ва яна бир неча қизлар директор ҳузурига кирганларида Зебо опадан «мен педсовет қарорини ўзгартира олмайман», деган лўнда жавоб олдилар.

Қизлар «Анваржон олтин медални раиснинг ўғли бўлгани учун олган, институтга киришда ягона имти-

ҳондан бари бир ўта олмайди», деб бир-бирларига тасалли берган бўлдилар.

Умрида биринчи марта адолатсизлик деворига боши тақ этиб урилган Дилбарга олтин медаль ололмаганидан ҳам Анваржоннинг муомаласи кўпроқ алам ўтказди. У аттестатлар топширилган тантанали кечадан дугонаси Марина билан уйига қайтаётганида Хонобод гузаригадаги толзордан Анваржон чиқиб келди-да, Дилбарда бир оғиз муҳим гапи борлигини айтди, уни четга тортди.

Марина йўл ўртасида қолди. Дилбар сал четроққа чиқиб, Анваржонга «гапир гапингни», дегандай совуқ тикилди.

— Мени олтин медаль билан табрикламадингиз... — ўпкалаганнамо сўз бошлади Анваржон. — Аммо мен сизни мактабни аъло битирганингиз билан қутлайман. Мана, арзимас совға... қабул қилинг!

Анваржон Дилбарга гугуртдай жажжи кўк қутича берди. Дилбар қутичани беихтиёр олди-ю, илгагини очиб кўргач, ранги қумдай оқарди.

Қутичада кабутар кўзидай митти олтин соатча ва унинг нозик олтин занжири ярқ этиб кўринди.

Дилбар тўсатдан чўғни ушлаб олган одамдай тоқатсизланди, дилига аллақандай ваҳима тўлиб, қутичани эгасига дарҳол қайтариб берди ва:

— Бунга қайлигингизга совға қилинг! — деди-да, тез юриб бориб, дугонасига етиб олди.

— Нима гапи бор экан? — қизиқиб сўради Марина.

— Нима гапи бўларди? — Дилбар саволга савол билан жавоб берди-да, Марина у билан хайрлашиб, Тополино томонга кетгач, юлдузлар чақнай бошлаган осмон тагида ёлғиз бораркан, оқшомнинг салқин ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Шу пайт унинг кўз ўнгида дафъатан Обиджон жонланди. Армиядан бўшаб келганига ярим йилдан ошган бўлса ҳам ҳамон усти кийимга ёлчимай, қуёш иссиғи, қурилиш чангида оқариб кетган аскарлик либосида юрган, жонини аямай, Дилбар билан сингилчаларини тошқин балосидан қутқарган бу камтарин йигит мана, бир ойдирки, қорасини кўрсатгани йўқ. Дилбарнинг дадаси уни тез-тез эслаб, уйда, дастурхон устида таърифлаб туради. Унинг айтишича, Жуков экспедицияси Қампирравотдаги ишини тугатиб кетгандан кейин Обиджон

Қорабағишдаги икки қаватли эски бинога жойлашган «Андижонгидрострой»га ишга кирганмиш, 1-қурилиш монтаж бошқармасида бетончилар бригадасига раҳбарлик қилаётган эмиш. Лекин, иши жуда кўп бўлишига қарамай, Илҳом ака билан учрашиб, суҳбатлашиб, турармиш.

«Дадам билан учрашиб турса, менга нима?— ўзича ўйлади Дилбар.— У сингилларим билан мени ўлимдан қутқарди. Нима бўпти? Балки, мен ҳам уни бир кун ўлимдан қутқарарман. Баравар бўламиз...»

Дилбар шундай деб ўйласа ҳам, Обиджон дил-дилнинг бир бурчига ўрнашиб қолганига иқроор бўлмай илож йўқ: ўйламайман деб аҳд қилса ҳам, уни гоҳ-гоҳ ўйлайдиган бўлиб қолди.

У ҳовлисига кириб келганда дадаси билан сингиллари гулзор бўйидаги чорпоя сўрида, мевалари нимпуштиранг ола бошлаган олма дарахтининг баланд шохига осилган электр чироқ шуъласида унинг келишини кутиб ўтиришарди.

Дилбар чорпоя ёнига келиб, қўлидаги қизил аттестатни дадасига берди-да:

— Раҳмат, дадажон, мени ўқитганингиз учун!— деб унга таъзим қилди.

Илҳом ака аттестатни олиб кўрди ва баҳоларга кўз ташлағач:

— Ҳаммаси «беш»-ку, балли, отин қизим!— деб ҳамон бош эгиб турган Дилбарнинг пешонасидан ўпди.

— Олтин медаль Анваржонга берилибди,— ўчоқ бошида ош дамлаётган Қумри опа куйиниб гапирди.— Ҳарқалай, раиснинг ўғли-да!

— Сен унинг совчиларини қайтармаганингда балки, медални Дилбар оларди!— Илҳом ака ҳи-ҳилаб кулди.

— Дада, қўйинг бунақа гапларни!— Дилбар онасидан сўради:— Буви, овқатингиз бўлай дедими? Эрта-лабдан бери туз татиганим йўқ.

— Ошни дамладим, бувинг айлансин! Сен дарров шакароб тўғраб юбор!

Дилбар ўртанча сингилсини чақирди:

— Қани, Муяссар, юр, қарашворасан!

Муяссар чорпоядан сакраб тушиб, опасига эргашди. Улар ҳовли этагидаги ошхонага киришди. Дилбар чироқни ёқиб, тиниқ шуълада бир чеккасидан буғи чиқиб турган қозонни, бўёқлари йилтиллаб турган сопол товоқ

билан чўяндан қуйма капгирни кўрди. Паловнинг ҳуш-бўйи шундоққина димоққа урарди. У кейинги бир ой давомида имтиҳонлар билан бўлиб, уйда рўзгор ишларидан озод этилгани сабабли, айниқса, ўчоқбошини жуда соғингани учунми, бу ердаги озодлик, саришта, бир чеккага тахланган саржин-саржин ўрик ўтинининг таниқ ҳиди унинг дилига алоҳида фараҳ ва ором бағишларди.

Дилбар синглиси билан бирга шакаробни тайёрлаб бўлгунча ош ҳам дам еди.

У қозонга босилган товоқни кўтаргач, қип-қизил паловнинг қайноқ буғи юзини кўйдиршига оз қолди: қаддини ростлаб ошни капгир билан аралаштириб, Муяссар тутиб турган товоққа сола бошлади.

Ошни иштаҳа билан едилар.

Қизлардан бири дастурхонни йиғиштириб олди, яна бири обдастада илқ сув келтириб, ҳамманинг қўлига бирма-бир қўйиб чиқди.

Илҳом ака Дилбарнинг доим беш баҳога ўқиса ҳам, унга олтин медаль берилмагани сабабини яна қавлаштира бошлаган эди, гап айланиб раисга ва унинг ўғли Анваржонга уланишини сезган Қумри опа:

— Қўйинглар, чойни тинчлик билан ичайлик!— деб баҳсни қирқиб қўймоқчи бўлди.

Аммо, дунёнинг паст-баландини кўп кўрган Илҳом ака:

— Сен жичча аралашмай тур!— деб хотинини койиб берди.— Биз Совет ҳокимиятини қон тўкиб қурганмиз. Давлатимиз — халқ давлати, опоч! Мабодо битта-икки-та харомтомоқлар пайдо бўлиб, пулнинг кучи билан зўравонлик қилаётган экан, биз уларнинг танобини тортиб қўйишимиз керак. Сен, қизим,— деди Илҳом ака Дилбарга меҳр тўла кўзлари билан падарона мулоим боқиб, — кўнглингни заррача совутма! Ота-боболаримиз мироб ўтган, мен ҳам бутун кучимни сувга бердим. Худо менга ўғил ато қилмади, аммо мен ҳамма қизларимнинг олий маълумот олишларини истайман. Сен институтни битириб, ирригатор бўлмоқчи экансан, бўласан! Ҳозирги ирригатор қадимги миробнинг худди ўзгинаси. Фақат илм ўсган, техника кучайган. Мен сени Тошкентга юбораман, ҳужжатларингни пухта тайёрлаб топшир, имтиҳонларга астойдил ҳозирлик кўр, албатта, ўтасан!

— Раҳмат, дадажон!— Дилбар ўрнидан туриб, онасига таъзим қилди-да, кўринача устидаги қизил атгестатини олганча чорпоядан тушиб, уй томонга юрди.

Илҳом аканинг уйи қаторасига солинган уч хонадан нборат бўлиб, олдида равонлик узун айвони бор. Хоналарнинг бирида мироб хотини ва эмизикли қизчаси билан, иккинчисида Дилбар катта сингиси Ҳулкар билан, учинчисида қолган тўрт қиз гуришади.

Дилбар ўз хонасига кириб, чироқни ёқди. Олдийгина жиҳозлар: гулдор чойшаблар билан орасталанган икки темир каравот, кийим шкафи, дераза тагига қўйилган ёзув столи ва унинг устига тахланган китоб, дафтарлар кўзга ташланиб, қизнинг қўнгли ёришди. Бу ашёлар, айниқса китоблар — унинг азиз дўстлари — унга ором берганлар, унга ҳамдам, ҳамдард бўлганлар.

Дилбар ёзув столи ёнидаги стулга ўтириб, аттестатни дарсликлар устига қўйди ва Тошкентга бориб, институтга кириш ҳақидаги орзусига дадасининг меҳрибонлиги туфайли эришаётганидан беҳад қувониб, ич-ичидан: «Яхши ҳам бахтимга дадажоним бор!»— деб қўйди.

У стол устидаги жажжигина кўзгуга тикилиб, нафис жингалак киприклари остидаги тиниқ шахло кўзлари уйқусиз тунлар туфайли анча толиққанини, олма гули рангидаги юзи синиқиб, маъюс тортиб қолганини кўрди.

Унинг хаёлида яна Обиджон жонланди. Унинг тошқин ямлаб ютаётган тангадай дўнгликда «наҳотки, Қорадарё қизлари сузишни билмаса», деган кинояли сўзларини эслади. Йигит уни, беш сингисини ва бир бегона бозорчи қирғиз чолни ўлим чангалидан юлиб олди. Дилбар унга раҳмат дедими? Эсида йўқ. Шу қадар кўрқиб кетган эдики, соқов бўлиб қолди ўшанда.

Хонободликлар азиз меҳмонга ўпка пишириб олиб боришади. Бир қозон сутга янги сўйилган қўйнинг тоза ўпкасини соладилар, беш-ўнта тухум ҳам чақиб ташлайдилар. Ўпка роса қайнаб, шишиб, иликдай пишади. Уни ўткир пичоқда кесиб есангиз, маза қилиб, дунёга янги келгандай бўласиз.

Дилбар ўзича: «Обиджон акага ўпка пишириб борсаммикан?»— деб ўйлади. Аммо, қизлик андишаси бунга йўл қўймай, фикридан қайтди.

Майли, ўпка пишириб бормаиди, лекин унинг тошқин вақтидаги дашномини дўст маслаҳати деб билиб, сузишни ўрганайди. Ахир, бўлажак инженер-гидротех-

ник — замон мироби сузишни билмаса, унинг баҳоси қора чақа. Мироббоши Йўлдош отанинг «Қорадарё ба-лиғи» деган лақаби бўлган. Дилбарнинг ўз отаси Илҳом ака ҳам тошқинда сузиб, сепоялар ўрнатган: ҳозир ҳам, зарур бўлиб қолганда, тошқинларда балиқдай суза-ди-ку!

Дилбар институтга кириш имтиҳонларига тайёрла-ниш олдидан ўзига бир кун дам беришга, таранг асаб-ларини юмшатиб олишга аҳд қилиб, чироқни ўчирди-да, кўрпасига кириб ўралди. У тезда ухлаб қолди. Сингли-си Хулкар кириб, чироқни ёққанини ҳам, анча маҳалга-ча китоб ўқиб ўтирганини ҳам сезмади.

Дилбар уйғонганда ғира-шира тонг шуъласи дераза ойналарини дурустгина ёритган, ҳовли этагидаги азим туп чинорда булбул сайрарди. У ўрнидан туриб, дераза-нинг бир табақасини очди: хонага тонгнинг хушбўй сал-қин шабадаси кирди, булбул навоси ҳам баландроқ эшитила бошлади.

Дилбарнинг кўнгли нечундир дарёни қўмсади. У апил-тапил кийиниб, айвонга чиқди ва ҳовлига тушиб, жимирлаб оқаётган ариқ бўйида бет-қўлини ювиб оппоқ сочиққа артингач, ошхона ёнидаги бостирма тагига боғ-ланган ола сигирнинг ёнбошида бамайлихотир ўтириб олиб, руҳланган катта челақка повуллатиб сут соғаёт-ган онасининг олдига борди: челақ тўлгач, уни кўтариб, чорпояга келтириб қўйди ва дадасини сўради:

— Буви, дадам қаёққа кетди?

— Дадангни районга чақиршибди, янги ишга қўяр-мишлар.

Дилбар чинни косага челақдан икки чўмич кўпикла-ниб турган илиқ сутни солди ва уни маза қилиб симир-ди. Кейин чорпоя ёнига келган онасига:

— Буви, мен Маринанинг уйига бораман, балки Тошкентга дугонам билан бирга кетармиз, — деди-да, сочиқ билан совунни қоғозга ўраб олиб, кўчага чиқди.

Дилбар бир соатдан мўлроқ яёв юргач, бетон қир-роқларини ямлаб, вағиллаб қайнаб оқаётган Шаҳрихон-сой бўйидаги Тополинога кириб келди.

Дилбар деворлари оқартирилган европача обод уй-лардан бири — Дубенколар уйининг яшилга бўялган эшиги олдида тўхтади-да, электр қўнғироқни босди.

Эшикни Раиса Петровна очди ва Дилбарни кўриб, қувониб кетди:

— Кел! Киравер, Дилечка! Марина уйда.

Дилбар Раиса Петровна билан қучоқлашиб кўриш-гач, дарахтзор ҳовлига кириб, она-боланинг эрталабдан кир бошлаб юборишганини кўрди. Катта оқ тунука тоғорада кир юваётган Марина дугонасини кўриши билан оппоқ билакларидаги совун кўпикларини фартугига артди-да, чопқиллаб келиб:

— Қайси шамол учириб келтирди, дугонажон?— деб уни бағрига босди.— Мен ҳозир!.. — деди Марина ва фартугини еча бошлади.

— Вой, мен сизларни ишдан қўйдим...— Дилбар хижолат чекиб, узр сўради.— Ҳозир қарашиб юбораман!

— Кирни мен ўзим чайиб қўяман.— Раиса Петровна қизининг дугонаси йўқлаб келганидан севиниб, тоғора устига эгилди.— Марина! Сен Дилбарга гулларингни кўрсат!.. Ҳа, айтгандай, Дилечка, сен Тошкентга бориб, институтга кирармишсан, Маринани шунча қистасам ҳам кўнмаяпти: «уч», «тўрт» баҳоларим бор, айниқса физика билан математикадан йиқилишим турган гап», дейди, қурилишга ишга кирмоқчи.

— Мен ҳам кириш имтиҳонларидан кўрқаяпман, — Дилбар сап-сарғайиб пишган ўрикнинг ергача осилган шохидан икки донасини узиб олди.— Лекин дадам далда беряпти.

— Уқинганга нима етсин!

Раиса Петровна иш билан машғул бўлди, икки қиз дарахт тагида бир неча дақиқа пичир-пичир қилишгач, Марина уйдан бир нималарни тугиб чиқди-да, онасига:

— Онажон, биз кўлга бориб чўмилиб келамиз!— дегач, кўчага чиқишди.

Тор кўчанинг шундоққина нариги томони қалин те-ракзор бўлиб, Шаҳрихонсойнинг вағиллаши баралла эшитилиб турарди.

Қизлар соҳилдаги кўприкка яқинлашганларида Ма-рина канал томонга қўлини чўзиб:

— Кўряпсанми?— деди Дилбарга.— Тезлигини қа-ра! Сузишдан чемпион бўлганлар ҳам бундай тезликка бардош беролмайдилар. Утган ҳафта бир фожиа содир бўлди. Жалолобод томондан келаётган «Жигули» маши-наси сойга тушиб кетди. Шофёрнинг ўлиги йигирма ки-лометр пастликдан топилибди. Текширилганда, маст бўлганлиги аниқланибди. Аммо, машинани ҳали ҳам то-пиша олмаётганмиш...



— Марина, қайта қолайлик! — Дугонасининг ҳикоясидан даҳшатга тушган Дилбар илтимос қилди. — Тагин.. бир фалокат юз бермасин!

— Қўл тинч. У ерда юмшоқ қумлик пляж бор, сувни саёз, — Марина Дилбарга далда берди. — Мен сенга ҳам купальник олдим. Мана кўрасан, сузишни бир кунда ўрганиб оласан.

Кошкийди!

Қизлар бир-бирлари билан қўл ушлашиб, тепаликдан пастликка — Қорадарёнинг кенг тошлоқ ўзани томонга тушиб кетишди.

Имтиҳонлар бошлангандан бери буёқларга келмаган Дилбар дарёнинг ҳар иккала томонида катта ўзгаришлар юз берганини кўрди. Қорабағишдаги икки қаватли бино оқланиб, гўзаллашибди. Йилтироқ қора вивескасига «Андижонгидрострой бошқармаси» деб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган бу иморат олдида юзга яқин одам тўда-тўда бўлиб суҳбатлашиб туришибди. Дилбар бу одамлар орасида хонободлик бир неча таниш кишиларни кўрди. Балки, Обиджон ҳам шу ердадир? Дилбар нечундир қадамини тезлатиб, дугонасининг қўлидан маҳкам ушлаганча, бу ердан тез ўтиб кетди..

Дилбарнинг кўзига ташланган яна бир янгилик — дарадаги тинимсиз ҳаракат. Ҳали ҳеч қачон бу ерларда техника бунча кўп бўлган эмас. Юк машиналар, самосваллар, бульдозерлар, скрепер ва грейдерлар шовқинидан қулоқ қоматга келади. Кампирравот қишлоғининг рўпарасида — дарёнинг нариги бетида йўл кенгайтириляпти: юзлаб самосваллардан шағал ағдариялпти, ҳар хил машиналар уларни текисляпти. Хонобод станцияси томонга борадиган бу кенг йўлга яна аллақанча самосваллар бетон ағдаряпти.

— Кўряпсанми, Марина? — дугонасининг қўлидан маҳкам ушлаб олган Дилбар ҳаяжонланиб гапирди. — Иш катта-ку!

— Дадам қурилиш-монтаж бошқармасига бошлиқ қилиб тайинлангандан буён тиними йўқ, — деди Марина Дилбарни йўлдан четроққа — бир тўп тераклар шовуллаб ётган боғ томонга бошлаб. — У кеча-кундуз шу ерда. Қачон уйга келиб, қачон ишга кетганини ҳам билмай қоляпман.

— Қурилишда ишлашга қароринг қатъийми? — дугонасига ҳавас билан тикилиб сўради Дилбар.

— Ҳа, энди бу ерда ҳар кимга ҳам муносиб иш топилади!— ишонч билан жавоб берди Марина.— Институтга киришга кўзим етмаганидан кейин қурилишда ҳунар ўрганганим яхши.

— Қанақа ҳунар?— Дилбарнинг қизиқиши тобора ортди.

— Кеча газетада эълон ўқидим, қурилишга зарур бўлган турли инженер-техник ходимлар, пайвандчилик, пармаловчилар, шофёрлар, машинистлар ва бошқа касб эгалари қаторида чизмачилар ҳам кераклиги айтилибди. Мен мактабда чизмадан доим «беш» баҳо олиб келганман. Шу сабабдан чизмачи бўлиб ишлашга қарор бердим.

Маринанинг сўзларини эътибор билан тинглаган Дилбар:

— Сенга ҳавасим келади, Мари! — деди.

Қизларнинг кўз олдида тип-тиниқ Ойнакўл порлади. Бу — табиат ўзи яратган бир гектарча чуқурликка лиммо-лим тўлган Қорадарё суви бўлиб, Тўғон бошқармасининг ходимлари унинг атрофига гир айлантириб оқ тераклар, мажнунтоллар экканлар. Шохлари сув устига эгилган мажнунтолларнинг таги чўмилишга келган одамлар учун ҳеч ким кўрмайдиган табиий пана жой бўлиб қолган эди.

Қизлар шохлари қалин ўсган бир тол тагида кўйлаklarини ечиб, купальникларни кийиб олдилар.

— Қани, юр, қўрқма! — деди Марина дугонасига.— Соҳилга яқин жой жуда саёз. Нарироқ борганимизда мен сенга ёрдамлашаман.

Марина Дилбарнинг қўлидан ушлаб олиб, сатҳи енгил шаббодада жимирлаб турган кўл ичига бошлаб келди. Ерқин қуёш мўл нур сочиб турган, иссиқ ўттиз даражага бориб қолган бўлса ҳам сув ҳали илимаган, баданни жунжитар даражада салқин эди.

Қизлар бир-бирларига сув сепишиб, шўх қийқиришиб, кўлнинг кўкраккача келадиган ерига боришгач, Дилбар бепхтиёр чўчиб тўхтади. Марина эса, сув сатҳига орқаси билан енгилгина чўзилиб, гўё вазни буткул йўқолгандай, қимирламай ётиб олди. Дилбар ҳайрон: сув уни қандай кўтариб турибди? Нега у чўкиб кетмапти?

— Одам ўзини ўзи идора қила билиши керак,— деди Марина ва бир шўнғиб сув тагида йўқолиб кетди-да,

йигирма метрча нарида, кўлнинг чуқур бир ерида елкасини қоплаган олтин сочлари кўринди.

— Ау!— деб қувноқ қийқирди Марина. — Сузиб келавер, кўрқма!

Дилбар кўлларини кенг ёйиб, сувга бағир берганича узун оёқларини кўтарган эди, чалқанча йиқилиб, чўкиб кетишига оз қолди. Марина тез сузиб келиб, уни суяб тургазди.

— Кўрқоқ!— Марина дугонасига икки кўлини чўзиб:— Кўлларимга ёт!— деди ва Дилбар у айтгандай ётиб олгач:— Кўлларинг, оёқларинг билан ҳаракат қил!— деб буюрди.— Бошингни кўтар! Тўғри нафас ол!

Дилбар дугонаси айтганча ҳаракат қила бошлагач, оғирлиги йўқолиб бораётганини, бояги кўрқувни ҳам унутиб, энди бутун фикр-хаёли ўз ҳаракатига, илк бор суза бошлагандаги такрорланмас қувончга боғланиб қолганини сезд.

— Яхши! Жуда яхши!— Марина дугонасига далда бериб, кўлларини унинг тагидан тортиб ола бошлади.— Оёқларингни ҳаракатдан тўхтатма! Қулочингни кенгроқ ёй! Вой, сени қара-ей, сузишни билмас эмиш!

Дилбар унча-мунча суза бошлаган бўлса ҳам, лекин дурустгина чарчаганини сезд ва мажнунтоллар томонга бурилиб, соҳилга чиқиб олди.

Қизлар киргоққа чиқиб, серқум майда шагал устида тик турганча артиндилар ва жиқ хўл бўлган купальникларини ечиб, қуруқ кўйлаklarини кийиб олдилар.

Булар панасида турган мажнунтолнинг орқасида, яккаоёқ йўлда шарпа сезилгач, Дилбар Маринага савол назари билан қаради.

— Кун исияпти, чўмилувчилар ҳам кўпайиб кетишадди,— деди Марина ва шарпага парво қилмай, хўл сочинини турмаклаб сиқа бошлади.

Лекин, умрида биринчи марта кўлда чўмилган, икки нарсадан: чўкиб кетишдан ва бегона эркакнинг кўриб қолишидан ўлгудай кўрқадиган Дилбар учун ҳар бир шарпадан ҳадиксираш табиий ҳол эди, албатта.

У дарҳол оёқларини артиб, шиппагини кийди ва икки ўрим йўғон сочларини бошига турмаклар экан, яна ҳадиксираб, шарпа сезилган томонга қаради. Қаради-ю... ранги қум оқариб кетди: қизлар бекинган мажнунтолнинг шундоққина ёнбошида Анваржон кулиб турарди.

— Салом, қизлар! — Йигит новча бўйини сал эгиб, мажнунтол тагига кириб олди. — Қалай, сув совуқ эмасми?

— Тушиб кўрсангиз биласиз! — Марина дағал жавоб қилди. — Ундан кейин... дарахт орқасидан мўралаш одобдан эмас.

— Узр... билмабмиз! — Анваржон кетиш ўрнига, аксинча қизларга яқинроқ келди. — Бир салқинлай деб-сизлар-да? Мен ҳам тушиб чиқай, кейин жичча суҳбатлашамиз! — У қўлидаги ноз-неъматга лиқ тўла, ҳар хил шишалар кўриниб турган каттагина қизғиш чарм сумкани ерга қўйди. — Мактабни муваффақиятли тамомлаганимизни нишонлаймиз. А, лаббай?

— Марина, юр, кетдик! — Дилбар ҳўл кийим билан сочиқлар ўралган тугунни қўлига олиб, мажнунтол тагидан чиқа бошлади.

— Дилбар, тўхтаг! — Анваржон қизнинг ёнига келиб, билагидан ушлади. — Намунча зарда? Ахир, бир қишлоқ болаларимиз. Ўн йил бирга ўқигандик. Энди институтга ҳам бирга кирмоқчимиз. Келинг, суҳбатлашайлик. Йўлга ҳам бирга чиқсак ёмон бўлмайди, бир-биримизга керак бўлиб қолармиз, ахир!

Агар, адолат нуқтаи назаридан баҳо берилса, Анваржоннинг сўзлари тўғри, сафарда ҳамроҳ бўлиш ҳақидаги таклифи ҳам ўринли. Дилбарнинг унга нисбатан кек сақлашга ҳеч қандай асоси йўқ. Бироқ, бир нозик масала: Анваржоннинг Дилбарга уйланиш учун совчилар юборганлиги ва Дилбарнинг бунга рад жавоби берганлиги қизнинг бу йигитга нисбатан ҳар хил гумонларга бориши, шу жумладан: «Анваржон мени таъқиб этиб, тузоққа илинтирмоқчи эмасмикан?» — дейиши турган гап.

Дилбар шуларни ўйлар экан, Анваржоннинг унга «шилқимлик» бўлиб кўринган муносабатига узил-кесил хотима чекишга қарор берди.

— Анваржон, ҳамма гапингиз тўғри, таклифингиз учун раҳмат. Аммо мен институтга киришда ўз кучимни синаб кўрмоқчиман. Хайр!

У шундай деди-да, мажнунтол тагидан тез чиқиб кетмоқчи бўлди, бироқ Анваржоннинг кўзлари олаланиб, қизнинг билагидан маҳкамроқ ушлади-да:

— Мен сени Обиджонга осонликча бериб бўпман! — деб бақириб юборди.

Дилбарнинг газабдан ранги докадай оқарди, аммо

аччиғини ичига ютиб, йигитнинг қўлидан билагини силтаб тортди ва:

— Одамнинг бу кунидан ҳар нарса бўлгани яхши!— деганча мажнунтол тагидан қочиб чиқди.

Толзор оралаб кетган яккаоёқ йўлда унга етиб олган Марина:

— Анваржон ўлгудай беҳаё экан-ку!— деганча дугонасни қўлтиқлаб олиб, қадамини тезлатди.

Дилбар индамади. Унинг хўрлиги келиб, кўзларига ёш тўлди. У юзлаб машиналар варанглаб ишлаётган янги йўл томонга тез-тез қадам ташлаб борар экан, хаёлида Қорадарё тошган кун, дарё ўртасидаги дўнгликда сингилчалари билан қолгани, аскарлик формасидаги қўшни йигит — Обиджоннинг буларни қутқариш учун даҳшатли тўлқинлар қаърида сузиб келгани ва қизчаларни бир-бир опичлаб, нариги соҳилга сузиб ўта бошлагани жонланди-да, дунёда шундай яхши одамлар борлигидан беихтиёр жилмайиб қўйди..

### *Тўққизинчи боб*

Июль ўрталарида Қорадарёда сув анча камайиб, у совутилган отдай ювош тортиб қолди. Кампирравот дараси бўйлаб кенг ёйилган дарё ўзани қисқариб, тошлоқлар очилди. Унинг кутилмаганда яна қутириб, қирғоқларни ўпириб тошиш ҳавфи бўлмаганда, бу ерлик шоликорлар ана шу тошлоқларга тупроқ ёйиб, уруғ сочиб, паловнинг жони — девзира шолисини мўлгина етиштириб олган бўлардилар.

Қорадарёда сувнинг камайиши «Андижонгидрострой» бошқармасига жуда қўл келди. Бошқарма бошлиғи Борис Мусаев ва унинг мутахассислари бўлажак тўғоннинг пойдевори қўйиладиган ерларни ва умуман сув омбори эгаллайдиган майдоннинг ҳаммасини яна бир марта синчклаб кўздан кечириш, уни ҳар жиҳатдан комплекс текшириб чиқиш, амалга оширилиши зарур бўлган тайёргарлик ишлари ҳажмини аниқ белгилаб олиш ва бу ишларни жадаллатиб юбориш имкониятига эга бўлдилар.

Мусаев Тошкентга, Сув хўжалиги министрлигига телефон қилиб, кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалар бўйича Министр билан телефон орқали сўзла-

шиш олдидан соатига қаради: саккиздан қирқ минут ўтибди. Министр Саттор Расулович ишдан кетган бўлиши мумкин. Уйига телефон қилсамикан? Аксига, телефонни улаб териб турадиган янги секретарь-машинисткаси кеча ишдан бўшаб кетди: техник-бинокор касбим бор, қуриллишда ишлайман, деб туриб олди қизи тушмагур. Уни ПМК бошлиғи Камолов ўз колоннасига ишга олиб кетди.

Мусаев Тошкент билан сўзлашмоқчи бўлиб, телефон трубкасини кўтарган дақиқада кабинетнинг қора дермантин қопланган эшиги аста очилиб, олтинранг қалин сочи елкасини қоплаган, оппоқ чиройли юзи, тиниқ мовий кўзлари кулиб турган, бежирим тикилган узун яшил сидирға шоҳи кўйлагин, ўртача пошналик яшилранг туфлиси ўзига ярашган, баланд бўйли рус қизи кўринди-да, кеч келгани учун бўлса керак, хижолат чекиб:

— Мумкинми кирсам, ўртоқ бошлиқ? — деб сўради.

— Киринг, — Мусаев кўзларини чиройли қиздан олмаган ҳолда телефон трубкасига сўзлади: — Телефонистка!.. Телефонистка!.. Менга Тошкентни шошилинч уланг! Телефон номери: 44-44-50. Ҳа... Илтимос!

Мусаев телефонистканинг Тошкентни улаб беришини кутар экан, кабинетга кириб, нима қилишини билмай, тик туриб қолган қизга жой кўрсатди:

— Мана бу ерга ўтиринг, ҳозир гаплашамиз.

— Раҳмат, ўртоқ бошлиқ!

Қиз эшикнинг шундоққина ёнида турар экан, девордаги включателни буради, шпндаги шккиюзинчи электр чироқ ёниб, хона нурга тўлди.

Қиз бу билангина кифояланмади. У иссиқ кунда йиғилиш ўтказилган хонанинг ҳавоси бузилганидан нафас олиш оғирлашгани учун шккала деразани ҳам очиб юборди. Хонага Қорадарё оқшомининг салқин ҳавоси тўла бошлади, нафас олиш енгиллашди.

Шундан кейингина қиз Мусаев қўли билан кўрсатган жойга — ёзув столига тираб қўйилган узун стол ёнидаги стулларнинг юқоридагисига ўтириб, бошлиқнинг Тошкент билан гаплашиб олишини кута бошлади.

Трубкада министрлик навбатчисининг овози эшитилди шекилли, Мусаев:

— Мени Саттор Расулович билан уланг! — деди.

Телефонда жавоб берган киши министрнинг бугун

эрталаб Москвага учиб кетганини хабар қилди. Мусаевнинг ҳафсаласи пир бўлиб, трубкани аппарат устига қўйди ва креслога суялиб ўтирганча ўзича ўйлади. «Таажжуб... Нега у менга телефон қилмай, Москвага кетиб қолди экан? Ахир, у сув омбори қурилишига доир масалалар бўйича кетган-ку!.. Бу ерда эса, бир дунё муҳим муаммолар қалашиб ётибди... Лойиҳага яна баъзи ўзгаришлар киритиш керак. У бўлса, хайр-маъзурни насия қилиб кетаверибди!.. Демак, шошилинич бир иш чиққан... Балки, яна икки бетон заводи қуриш масаласи ҳал бўлган. Демак, катта ишлар бошланди. Аммо, нега Расулов менга индамай кетаверди? — Таажжуб...»

У ўз ўйи билан ўзи банд бўлиб, қаршисида ўтирган қизни унутмади. Қиз: «Кеч кирганим учун кечирасиз», деб узр сўрагандагина унинг мулоим товуши Мусаевни ҳушёр торттирди.— Банд экансиз. Уч соатдан бери кутяпман.

— Қани, танишайлик!— Мусаев қаддини ростлаб, юмшоқ креслога жойлашиброқ ўтириб олди-да, чаккаларида сочи сийрак тепакал катта боши ва кенг пешанасидаги терни дастрўмоли билан шошмасдангина артар экан, сўради: — Исм, фамилиянги?

— Марина Дубенко. — Қиз Мусаевнинг жиққа ҳўл бўлган кир дастрўмолидан кўзини олиб қочиб, дераза томонга— хонадан тушиб турган шуълада барглари йилтиллаб кўринаётган ёш чинор дарахтининг қалин шохларига қаради.

— Андрей Андреевич Дубенкога ким бўласиз? — қизиқиб сўради Мусаев.

— Андрей Андреевичнинг қизиман. — Марина бошлиққа орзусини айтди: — Газетадаги эълонда ишчи кераклиги айтилибди, қурилишда ишламоқчиман. Чизмачилик қўлимдан келади...

— Жуда яхши... — Мусаев ўйланиб, яна тепакал бошини силаб қўйди.— Биз Тошкентдан жуда кўп мутахассислар сўраганмиз, улар бугун-эрта йўлга чиқишадди. Дадангиз бошқараётган СМУ — уч юз кишига уй-жой тайёрляпти. Бундан ташқари, биз ўрта маълумотли маҳаллий ёшлардан беш юз кишини Тошкент, Фарғона ва Андижондаги техникумларнинг юқори курсларига юборамиз, токи улар бир-икки йил ичида касб эгаллаб келсинлар. Кеча Москвадан бир гуруҳ юқори

малакали инженерлар келишди. Бизга жуда кўп қурувчилар керак. Энди сизга келсак, Марина, жуда яхши ўйлабсиз: чизмачилик керакли касб. Албатта, бизга чизмачилар анчагина керак... Аммо, менда бир фикр туғилди: Бошқармада ишлашни таклиф қилсам, сиз бунга нима дейсиз?

— Бошқармада? — Марина ҳайрон бўлиб елкасини қисди. — Бошқармада нима иш қиламан?

— Менга ёрдамчи бўласиз! — Борис Мусаевич қизга синчков тикилди.— Иш ниҳоятда кўп. Аня деган қиз ишларди, бу ердаги тинимсиз хизматга бардош беролмай, қурилишга кетиб қолди. Агар кўнсангиз, шу дақиқадан эътиборан иш бошлайсиз.

— Билмадим...— бошлиқнинг кутилмаган таклифидан Марина анча эсанкираб қолди. — Машинада ёзишни билмайман... Стенографиядан хабарим йўқ. Кейин... ёрдамчилик касб эмас-ку, ахир?

— Фикрингизни тушуниб турибман. — Мусаев Маринанинг тўғрисўзлигига тан бериб, гапни узоқдан айлантириб келди.— Хўш, айтинг-чи, раҳбарлик касбми? Министр, директор ва ҳоказо раҳбарлик ишлари касбми? Бурч! Вазифа! Топширилган иш учун масъуллик!.. Чунончи, мен... оддий бинокор инженерман. Лекин, мен ҳар кун, ҳар соат ўнлаб касб эгалари билан муомала қиламан. Ирригаторлар, энергетиклар, геологлар, географлар, монтажчилар, йўл қурувчилар, архитекторлар, темир йўлчилар... — яна жуда кўп касб эгалари билан энг мураккаб масалаларни биргаликда муҳокама қилишга, жуда муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига молик муаммолар юзасидан ҳукм чиқаришга тўғри келади. Чунончи, эртанги кунга мўлжалланган иш... Менинча, Кампирравот тўғони билан сув ҳавзаси қурилишига тайёргарлик ишлари аҳамияти, ҳажми, оғирлиги, жавобгарлиги жиҳатидан қурилишнинг ўзидан кам эмас. Бу тайёргарлик ишлари бир неча йиллик вақтни, мингнинг кишиларнинг меҳнати ва жасоратини талаб этиб келмоқда.

Мусаев ўз сўзларини Марина эътибор билан тинглаётганини, қизнинг бошида ҳам аллақандай фикрлар пайдо бўлаётганини сезгач, ундан:

— Хўш, Марина Андреевна, бирга ишлаймизми? — деб сўради ва унинг юзидан мойиллик белгиларини



пайқаб: — Ҳамма нарсани иш жараёнида ўрганиб кетасиз! — деб далда берди.

— Ишончингиз учун раҳмат, Борис Мусаевич! — Маринанинг чеҳраси ёришиб, боқишидаги иккиланиш белгилари йўқолди. — Эртага қачон келай?

— Соат еттида. — Мусаев ёзув столи устидаги қоғозларни йиғиштира бошлади. — Андрей Андреевич ҳам таклиф этилган, сиз отангиз билан бирга келсангиз бўлади. Блокнот билан қалам олволдинг, биз билан бирга юриб, йўлда айтилган фикрларни ёзиб борасиз.

— Яхши, — Марина ўрнидан турди. — Рухсат беринг, ўртоқ бошлиқ, уйга бориб, ишга кирганимни отаонамга билдирай.

— Боринг, Марина Андреевна, мен идорада яна бир оз бўламан.

Отаси тенг ҳурматли бошлиқнинг эндигина мактабни тамомлаган ёш қизчани «Марина Андреевна» деб эъзозлаши, умуман Маринанинг умрида биринчи марта шундай улуғланиши унга ғайритабiiий туюлса ҳам, бироқ қиз сир бой бермай, ўтирган ўрнидан вазмин турди-да, хона эшигини секин ёпиб чиқиб кетди.

Мусаевнинг ишга тайинланганидан буён бир ойча вақт ўтган бўлса ҳам, унинг оиласи ҳамон Тошкентда: хотини Эмма Легоновна туғуруқхонада врач бўлиб ишлайди; ўғли Артур Политехника институтининг архитектура факультетини бу йил тамомлади — шу кунларда диплом ишини ёқлади: қизи Наргиз консерваториянинг иккинчи курсида таълим оляпти.

Борис Мусаевич ёзув столини тартибга келтирар экан, идора эшиги олдидаги зинапоя тагига келиб тўхтаган «ГАЗ-69» машинасини кўрди. У ўз шофёри Турғуналини кеча Москвадан келган мутахассислар ихтиёрига берган, бугун кечқурун соат тўққизга етиб келишини тайинлаган эди.

Турғунали жуда интизомли йиғит. Мусаев соатига қаради: 21.00.

Бошлиқ қурувчилар учун дарё бўйидаги Қорабағиш посёлкасида тўрт юз вагондан ташкил қилинган вагоншаҳарча ёнбошидаги мутахассисларга қурилган икки қаватли меҳмонхонанинг биринчи қаватида торгина бир хонада турса ҳам, аммо июль бошланиб, кунлар ҳаддан зиёд исий бошлагандан кейин Андрей Андреевич Дубенконинг ташаббуси билан 1-СМУ қурувчила-

ри учун Тополинода, Шаҳрихонсойнинг шундоққина соҳилидаги кўркам посёлкада қурилган бир қаватли уйда тунаб юрар эди. У бугун ҳам Тополинога бормоқчи, эрталаб соат олтида бошланиб, ўн беш соат давом этган иш кунининг охирида қатиқ-патиқ ичиб, олти соатгина ухлаб олмоқчи бўлди.

Мусаев ўрнидан кўзгалаётганида телефон жириглади. У трубкани олиб, қулоқ солди.

— Мусаев эшитади...

— Бу мен, ўртоқ бошлиқ, Солиевман.— Кеча-кундуз тиниб-тинчимайдиган, қурилишнинг энг оғир участкаларида доим ҳозир-нозир: доим аynи керак вақтида пайдо бўлиб, хизматга тайёр турадиган, офтобда роса қорайиб пишган, рисоалардаги паҳлавонлардай девқомат лейтенант йигит Мусаевнинг кўз ўнгида жонланди. — Вазифа бажарилди, ўртоқ бошлиқ! — деб ҳисоб берди лейтенант. — Йўл қурилишида иш яхши кетяпти. Ишчиларни йўловчи машиналардан эҳтиёт қилиш учун, йўлнинг саккиз ерига катта фонарлар ўрнатдик. Самосваллар бетонни вақтида келтиряпти. ЧП\* йўқ. Бизга яна қандай топшириқ бор, ўртоқ бошлиқ?

— Раҳмат, лейтенант! — Борис Мусаевич Солиевдан ҳар қачонгидай мамнун бўлиб гапирди. — Эрталаб соат еттида кўпчилик бўлиб, Кампирравот дарасидаги тайёргарлик ишларини бирга бориб кўрамиз. Сен ҳам биз билан бирга бўлишинг керак!

— Соат олтида етиб бораман, ўртоқ бошлиқ! — телефон трубкасида лейтенантнинг тиниқ овози жаранглади.

Ёшидан, мавқендан, вазифасидан қатъи назар, яхши одамларнинг бошқалар ишига, турмушига, кайфиятига беихтиёр сезиларли таъсири бўлади. Мусаев креслога суялиб ўтирганча шу тўғрида ўйлаб кетди. Марина Дубенконинг майин жилмайиб боқиши, сокин кўзларидаги мусаффолик унинг ёдига ўттиз йил наридаги ёшлигини, Москвада ўқиб юрган кезлари курсдоши Эммани севиб, у билан учрашиб, шонрга айланишига оз қолган чоғларни эслатди. Лейтенант Солиевнинг телефон орқали бўлса ҳам, ҳол-аҳвол сўраганлиги Борис Мусаевич

---

\* ЧП — фавқулодда ҳодиса.

Ўз ўғлидай севиб қолган бу тиниб-тинчимас йигитга меҳрини тағин ҳам жўш урдирди.

Мусаев ўттиз йил давомнда анчагина қурилишларда ишлади, турли миллатга мансуб, турли касб эгалари бўлган минг-минг одамлар билан бирга каналлар, ГЭСлар қурди, охирги ўн йилда, то область партия комитетига иккинчи секретарь қилиб сайлангунча Марказий Фарғонада, эл оғзида дoston бўлган машҳур Бўзда ирригация иншоотлари қурилишига раҳбарлик қилди.

Аммо, энди у шу вақтгача ишлаб келган, ҳажм эътибори билан «ўртача» қурилишларда эмас, даври-мизнинг буюк қурилишларидан бирида.

Балки, бундай масъулиятли қурилишга келган бошқа бир раҳбар иш графиги тузиб олиб, шунини бажариш билангина машғул бўларди. Лекин, Борис Мусаевич ундай раҳбарлардан эмас. У лойиҳа тасдиқланиб, қарор қабул қилиниши биланоқ, бу ерда ҳамма ишларни кенг кўламда қизитиб юборди, қурилишга дарадаги одамларнинг ҳаммасини сафарбар қилди.

Мусаев СМУ боғига бориб, озгина ҳордиқ чиқариш ҳақидаги режасини унутиб, яқин кунларда қилинадиган ишларни ўйлаб кетди. Кампирравот дараси бўйлаб эсган енгиб шабада, Қорадарё салқини хонани тўлдириб, унинг чарчоқ кўзларига ором бағишлади.

Чиндан ҳам Кампирравот дарасининг табиати ажойиб. Ёз кунлари иссиқ 35—40 даражага етгани билан кеч кирди дегунча кескин пасая бошлайди ва кундузи битта кўйлақда терлаган одам кечаси устига кўрпа ёпиб ётади.

Борис Мусаевичнинг ҳам тери қотиб, руҳи енгил тортиб, ҳордиғи тарқай бошлади. У СМУ боғида озгина мизғиб олиш фикридан қайтиб, бу ерда диванга чўзилиб, тонг оттиришга қарор берди. Лекин, шу пайт унинг содиқ шофёри Турғунали кабинет эшигида кўриниб:

— Борис ака, юрнинг, бир оз дам олиб келинг! — деб қистади.

Мусаев соатига қаради: ўн бир ярим. Боягина тўққиздан сал ошган эди. Дунёда энг узун нарса — ўй, хаёл. У ўй суриб, икки соатнинг икки дақиқадай тез ўтиб кетганини сезмай қолибди.

Мусаев ўрнидан туриб, кабинет бурчагидаги пўлат сейфнинг эшигини қулфлаётганда Турғунали кабинет

деразаларини ёпиб, илгакларини илди ва Борис Мусаевич эшикдан чиқиб кетгач, чироқларни ўчириб, қабулхона орқали кўчага интилди.

Мусаев йўл ёқасида турган «ГАЗ-69»нинг ёнига келиб, орқа эшикни очди-ю, Қорабағиш этагидан, вагон-уйлар ўрнатилган янги посёлкадан эшитилаётган дилгир ашулага қулоқ солганча туриб қолди.

— Утиринг, Борис ака, кетдик! — Турғунали бошлигини қистади.

— Тўхта, ошна, эшитяпсанми, қандай дилрабо кўшиқ!

Чиндан ҳам гармончи соз тугмаларини нозик босиб, «Москва яқинида оқшомлар» куйини мунгли чалар, анчагина қиз ва йигитлар овозларини бир-бирига мослаб, кўшиқни равон айтар эдилар.

Борис Мусаевич нечундир хўрсиниб:

— Эҳ, ёшлик, ёшлик! — деди-да, машинанинг орқа ўриндиғига ўтирар экан, шофёрига буюрди:

— Вагон-уйлар томонга ҳайда!

«Андижонгидрострой» биносидан ярим километрча масофада, адир тагида қатор-қатор вагонлар ўрнатилган бўлиб, ҳар икки қатор вагонлар ўртасида ўзига хос кўча ҳосил қилинган эди. Қурувчи ёшлар бу кўчаларга ном ҳам қўйиб олишган. Чунончи, қизлар жойлашган икки қатор вагонлардан ташкил бўлган биринчи кўча — «Терешкова кўчаси»...

Гармон садоси, «Москва яқинида оқшомлар» кўшиғи шу кўчанинг ўртароқ бир еридан эшитилиб турарди.

Турғунали машинани кўча бошида тўхтатди ва кабинадан сакраб чиқиб, орқа эшикни очди-да, Борис Мусаевичга кўмаклашди. Бу вақт ашула ҳам тугаб, жимлик чўкди.

Кўча ўртасига қатор терилган столлар атрофида гурунглашиб ўтирган ёшлардан икки киши — саватдай малларанг сочи бошида лайлак уясидай дўппайган, елкалари кенг, дуркунгина йигит билан баскетболчиларни эслатувчи баланд бўйли қиз бошлиқ машинасини танидилар шекилли, тўдадан ажралиб чиқиб, шу томонга кела бошладилар.

Барваста йигит Братск ГЭСи қурилишида ишлаб келган шофёри Сергей Аксёнов бўлиб, бошқарма уни вагон-шаҳарчага комендант қилиб тайинлаган. Бошига дуррача танғиб олган новча қиз — Лариса Дмитриева

фарғоналик. Жанубий Андижон канали қурилишида гидротехник бўлиб ишлагани учун у вақтда ўша қурилишга раҳбарлик қилган Мусаевни яхши танирди. Вагон-шаҳарчада яшовчи комсомоллар — бетон заводи-нинг ишчилари Дмитриевани ўзларига комсорг қилиб сайлаганлар.

— Салом, ўртоқ бошлиқ! — Аксёнов Мусаев билан қўл олишиб кўришди. Унинг бармоқлари паншахадай, кафти куракдай катта қўлида Мусаев бармоқлари калта, юмшоққина ўз қўлининг жуда кичиклигини сезиб, анча ўнғайсизланган бўлса ҳам, лекин сир бой бермай: «Ҳа, паҳлавон, қўрғон тинчми?» — деб кулиб сўради.

— Дам оляпмиз, Борис Мусаевич! — Лариса бошлиқни қўлтиқлаб олди. — Бизнинг даврага марҳамат!

Мусаев заррача қаршилиқ билдирмагач, Дмитриева уни қўлтиқлаганча ёшлар тўдаси томонга бошлаб кетганини кўрган Турғуналы ич-ичида: «Бўлди, бошлиқ бу кеча ҳам ухламайди», деди-да, машинасининг орқа эшикларини ланг очиб қўйиб, ўриндиққа чўзилди.

Вагон-шаҳарчага тез-тез келиб турувчи бошлиқни яхши таниб олган ёшлар у яқинлашиши билан ўринларидан баралла туриб, унга юқоридан жой кўрсатдилар.

Узун стол устида консерва банкалари, нон бурдалари, бўш стаканлар, Жалолобод минерал суви ва Қорасув пивосининг шишалари қаторлашиб турарди. Қизлар дарҳол стол устини йиғиштириб, тартибга келтира бошладилар.

— Ўртоқ бошлиқ, сув ичасизми, пивоми? — бўш стаканни қўлига олиб, сўради Аксёнов.

— Пиводан қуй, комендант! — Мусаев стол атрофида ҳамон тикка турган ёшларни таклиф қилди: — Ўтиринглар, отамлашамиз!

Элликка яқин қиз-йигитлар стол атрофини тўлдираб ўтиришди. Мусаев Аксёнов узатган стаканни олиб, кўпикланиб турган қаймоқдай пивони маза қилиб симирди ва лабларини ялаб қўяр экан, ҳушнуд бир кайфиятда:

— Сизларга ҳавасим келади! — деб қўйди.

— Нега? — Мусаевнинг ёнида ўтирган Лариса бошлиқнинг уйқусизликдан ҳорғин юз-кўзларига тикилди. — Қурилишдан қурилишга кўчиб, мана бунақа вагонларда яшаб, шаҳар роҳатини билмай юрамиз. Бундай ҳаётнинг нимасига ҳавасингиз келади, ўртоқ бошлиқ?

— Ешлик, саломатлик — инсон учун энг улуғ дав-

лат!— Мусаев завқланиб гапирди.— Мана сен, Аксёнов, дунёдаги энг бахтли одамсан. Ёшсан, саломатсан, ҳунаринг бор, тенгдошларинг сени ўз сардори деб биладилар. Балки, қайноқ қалбингда ишқ олови ёнаётгандир. Севган қизингга уйланасан, бахтли оила қурасан...

— Борис Мусаевич, бир савол!— Лариса орзулар оғушидаги бошлиқнинг сўзини бўлди.— Аксёнов севган хотини билан қизил вагонда яшайдими?

— Эҳ, Лариса, Лариса!.. — Мусаев шаддот қизга таънали боқди.— Шунча одам бу тоғлар диёрига нега келдик? Наҳотки, буюк тўғон тиклайдиган, денгиз бунёд этадиган минг-минг ижодкорлар битта шаҳар қуролмасак? Шунча техника, қудратли ишлаб чиқариш базаси, шу қадар улкан моддий имкониятлар билан-а?! Қаранг, ёшлар, тўлиной шуъласига чўлганган анави олтин тоғларни кўринг! — Қорадарё навосига қулоқ солинг-а! Ҳа, дарё сизларни чақиряпти, мардликка, жасоратга чақиряпти!..

— Айтинг-чи, ўртоқ бошлиқ,— узун столнинг этакроғида ўтирган қизлардан бирининг қўнғироқдай товуши жаранглади,— шоир бўлсангиз керак-а?

Ёшлар бирдан қийқириб кулиб юборишди.

— Успиринликда унча-мунча шеър ёзганимга иқрорман,— деди Мусаев,— у вақтларни энди тушдай эслайман...

— Мумкинми бир нарсани сўрасам?— ҳалиги савол берган қизнинг ёнида ўтирган, кўзлари чўғдай ёниқ, чуваккина йигитча қўл кўтарди.

— Сўранг!— Мусаев унга тикилди.

— Кечирасиз, ўртоқ бошлиқ... Мен сўрамоқчи бўлган нарса шуки,— йигитча ўрнидан туриб, ўнг қўлини кўкрагига қўйди ва ҳижолат чекаётганлиги шундоққина билиниб турган бир аҳволда савол берди: — Нега исмингиз русча — Борис?

— Уғлим, бунинг тарихи узун! — Мусаев йигитчага мулойим боқиб сўзлади:— Модомики, сен қизиқиб сўрадинг, қисқача айтиб бераман.. Биз асли самарқандлик бўламиз. Отам темир йўлда ишлаган, онам касалхонада ҳамшира бўлган. Мен рус оиланинг фарзандиман. Лекин, болалигимда — 1941 йилнинг кузида отам ҳам, онам ҳам Улуғ Ватан уруши frontiда ҳалок бўлганлар. Мени оиламизнинг дўстлари: самарқандлик физик олим Мирзоҳид Мусаев ва унинг рафиқаси Марзия

Мусаева ўғил қилиб олганлар, ўқитганлар, Москвадаги Сув хўжалик институтига юбориб, олий маълумот берганлар, кейинчалик уйланишимга ҳам кўмаклашганлар.

Борис — бу ўз отам-онам қўйган исмим, Мусаев — иккинчи ота-онамнинг фамилиялари. Рафиқам — армани, лекин у менинг ўзбекча фамилиямда, яъни Мусаева. Биз ўғлимизни ўзбек, қизимизни армани деб ёздирдик. Хуллас, бизнинг оиламиз — ҳақиқий интернационал оила!

Ҳамон тик турганча Мусаевнинг ҳикоясини эътибор билан тинглаган йигитча:

— Раҳмат, ўртоқ бошлиқ! — деди-да, жойига ўтирди.

Мусаев ёшлардан сўради:

— Маошни вақтида олиб турибсизларми?

— Оляпмиз! Раҳмат! Вақтида оляпмиз! — стол атрофида ўтирганлар баралла жавоб беришди.

— Ошхона қалай? Овқатларнинг сифати дурустми? — яна сўради Мусаев.

Қизлардан кимдир:

— Дуруст... — деб гап бошлаганда бир неча киши унга ёпирилди:

— Нега дуруст дейсан? Нимаси дуруст? Сувда маза бор, ошхонамизнинг овқатида маза йўқ!

— Серёжа! — Мусаев ўрнидан туриб, ҳаммага эшитдириб гапирди: — Сен ҳам, Лариса. Ошхона мудирига айтинглар мен эртадан... — Бошлиқ тоғ тепасида юлдузлари сўниб, оқариб келаётган сурмаранг осмонга қараб қўйди, — яъни, бугундан бошлаб сизларнинг ошхонангизда овқатланаман.

Мусаев бу сўзларни нечундир зарда билан гапирди ва ўрнидан туриб, машинаси томонга юрар экан, атрофини ўраб олиб, уни кузатиб қўяётган ёшлар орасидан Аксёновни чақириб, такрор тайинлади:

— Уқдингми, комендант? Мен эртадан бошлаб сизлар билан бирга овқатланаман!

У машинасига нохуш бир кайфиятда ўтириб, шофёрига буюрди:

— Турғунали, йўл қурилишига ҳайда!

Бошлиғининг феълига ўрганиб қолган шофёр унинг дам олиши кераклигини ортиқ эслатмай, машинани Қампирравотдан Хонобод темир йўл станциясигача олиб борилаётган ва Борис Мусаевич шахсан ўзи назорат қилиб турган йўл трассасига ҳайдади...

## Учинчи боб

Бу йил мактабни битирув кечаси совуққина ўтди. Директор Қодирова анчагина ҳаракат қилган, Афзалов бошлиқ колхоз раҳбарлари келишган бўлса ҳам, кўпчилиكنинг дилхиралиги шундоққина сезилиб турди.

Орадан бир неча кун ўтгач, мактабни тамомлаган ёшлар ҳар томонга тарқалиб кетишди. Улардан фақат икки киши — Анваржон билан Дилбар Тошкентга бориб, институтга киришга қарор беришди. Қизларнинг кўпчилиги Қорасув марказидаги Ильичевск посёлкасида бу йил ишга тушган трикотаж-галантерия фабрикасига, йигитларнинг кўпчилиги эса, Кампирравот сув омбори қурилишига ишга жойлашиб олишди, қолганлари колхозда қолдилар.

Обиджон укаси Одилжонни ўз бригадасига ишга олди. Унинг бетончилар бригадаси Кампирравот — Хонобод бетон йўли қурилишига ташланганига бир ойдан ошди. «Андижонгидрострой» бошлиғи Мусаевнинг бу йўл қурилишини алоҳида назорат остига олганлиги, қурилишга ҳар кун келиб, ишнинг боришини кузатиб турганлиги бежиз эмас. Улуғ мамлакатнинг турли томонларидан улкан қурилишга кела бошлаган юкнинг ҳаммаси Хонобод темир йўл станциясига тушириляпти. Станциядан Кампирравотга ва бу ердан Қирғизистон раёнларига олиб борадиган эски йўлга эндиликда ҳеч нарса сиғмай қолди.

Янги йўл қурилишини тезлаштириш учун иш кеча-кундуз, уч сменада ташкил этилди. СМУда тузилган графикка кўра, Обиджоннинг бригадаси бир ҳафта — биринчи, иккинчи ҳафта — иккинчи, учинчи ҳафта — учинчи сменада ишлашга кўчди.

Бугун учинчи сменада ишлаш ҳафтасининг охириги куни. Қорадарёнинг чап қирғоғида, бўлажак Кампирравот тўғонининг чап ёнидан бошланган ўн километр узунликдаги бетон йўлининг деярли бир ярим километри тайёр бўлди. Кечаси соат ўн иккида ишга тушган бригада саккиз метр кенгликдаги йўл трассасига юздан ортиқ самосвалда кетма-кет, дақиқама-дақиқа келтириб тўкилган бетонни бир хил қалинликда текис ётқизиб, устига сув сепаб, шиббалади. Бригада аъзолари билан баб-баробар ишлашган Обиджон вақтнинг ўтганини сезмай қолди. Фақат тонг оқара бошлаганда бе-



тон ташишда узилиш юз берганлиги сабаблигина у қаддини ростлаб, охирги самосвал тўқиб кетган бетонни ётқизиб бўлибоқ, йўл чеккасига чиқди ва сигарета тутата бошлаган йигитлар олдига келди-да, уларга қўшилиб кашандалик қилаётган укасини чақирди:

— Одилжон, мотоциклга мин, заводга бор, бетонни тезлат!

Одилжон: «Хўп бўлади!»— деди ва сигаретани ерга ташлаб, этик пошнаси билан эзиб ўчирди, акасининг шу ерда турган мотоциклига ўтириб, уни тириллатганча, корпуслари ойдинда яққол кўриниб турган бетон заводи томонга зуд ҳайдаб кетди.

Йигитлар дам олиб туришганда янги бетон йўл устида енгил машина чироқлари порлади.

— Бошлиқ келяпти,— деди йигитлардан бири қўлидаги чала чекилган сигаретани дарё қирғоғидаги тошларга отиб.

Обиджон йўлнинг янги қурилаётган қисмини четлаб ўтиб, кечаси қотган бетон устига чиқди ва қўлларини кенг ёзиб, машинанинг йўлини тўсди.

«ГАЗ-69» тўхтаб, унинг кенг очилган орқа эшигидан Мусаев чиқиб келди.

— Нега иш тўхтади? — деб сўради у Обиджон билан қўл беришиб кўришаётиб. Кейин, йўл бўйида тўдалашиб турган бетончилар томонга қичқирди: — Салом, йигитлар! Ҳорманглар!

— Саломат бўлинг, ўртоқ бошлиқ! — йигитлар баралла жавоб қайтаришди.

— Бугун бетон яхши келди, — бошлиқнинг саволига вазминлик билан жавоб берди Обиджон. — Уч юздан ортиқроқ самосвал бетонини ётқиздик. Ҳозиргина озгина узилиш бўлди. Заводга одам юбордим.

— Мотоциклни йўлда кўрдим.

Мусаев йўлнинг янги бетон ётқизилган участкасини синчков назар билан чамалаб кўрди ва мамнун бўлди шекилли, кенг япалоқ юзи кулгига тўлди ва шундан кейингина йигитларнинг ҳар бири билан қўл беришиб, алоҳида-алоҳида саломлашиб чиқди.

— Чой қани? — дафъатан сўради у қирғоқдаги тошлар устида сочилиб ётган лимонад шишаларини кўздан кечиран экан. — Эҳ, йигитлар, йигитлар! ОРС бошлиқининг ёқасидан олмайсизларми? Ахир, энг оғир ишни сиз азаматлар бажаряпсизлар. Бу ерда бакда сув қай-

наб туриши керак. Лимонад чанқоқни босмайди, аччиқ-аччиқ кўк чой ичинглар Обиджон!

— Лаббай, Борис Мусаевич!— Обиджон йигитлардан бир қадам олдинроққа чиқиб бошлиққа яқинроқ келди.

— Овқатни нима қиляпсизлар?

— Ҳамма ўзи билан олиб келяпти.

— Ана холос! Мусаев ғазабланиб гапирди.— Паҳонки, ОРС бошлиғи Комиловга ҳали ҳам ақл кирмаган бўлса! Мен унга қайта-қайта тайинладим, ҳар сменада овқат бўлсин, деб. Ҳа, майли, чорасини кўрамиз. Бундан буён уйдан нон, қоқи кўтариб келманглар. Навбатдаги сменадан бошлаб бак ҳам қайнаб туради, иссиқ овқат ҳам бўлади. Комилов, Комилов! Уз чўнтагидан бошқа нарсани ўйламайдиган текинхўр!..

Мусаев шундай деди-да, йўлнинг Обиджон сменасида янги бетон ётқизилган қисмини қадамлаб ўлчаб бошлади.

— Юз метр! Жуда соз! Нормани аллақачон бажариб қўйибсизлар-ку! Мусаев йигитлар ёнига қайтиб келиб, Обиджонга миннатдор тикилди.— Смена тугагач рапорт ёзиб, СМУ бошлиғига учра. Менинг номидан айт: бригаданинг ҳамма аъзоларини мукофот рўйхатига киритсин. Эртага — ўн олтинчи июль: маош билан бирга мукофот оласизлар! Бер қўлингни, бригадир!

— Раҳмат, Борис Мусаевич!— Обиджон бошлиққа қўлини бериб, бригада аъзолари номидан тилак билдирди:— Бахтимизга омон бўлинг, ўртоқ бошлиқ!

Бетон заводи томонда ойдинда кумуш камардай чўзилган янги йўл устида чироғидан ўткир нур сочиб келаётган мотоцикл ва унинг орқасида баҳайбат самосвал кўринди.

— Келншяпти! — қувониб қичқирди Обиджон.— Йигитлар, ишга!

Бригада аъзолари белкуракларини қўлга олиб, йўлга чиқа бошладилар. Мусаев уларга:

— Барака топинг, ўғлонларим!— деб муваффақият тилади ва эски йўл устида кутиб турган машинасига ўтириб, Тополино томонга жўнаб кетди.

Самосваллар яна бирин-кетин етиб келиб, бетон ағдара бошладилар. Обиджон қирқ кишилик бригадасини уч группага бўлиб, биринчи группа билан ўзи ишга тушиб кетди. Тонг ёришиб, дарё устидаги қоронғилик пар-

даси буткул чекингач, йўл ёқасидаги прожекторлар ўчирилди. Тун бўйи ёрқин нурда чарчаган кўзлар бир оз ором олди.

Смена тугашига ярим соатча қолгач, заводдан бетон юбориш ҳам тўхтагилди. Бригада аъзолари янги йўл чеккаларини текислаш, бетон қирраларини тўғрилаш, йўл сатҳига оро бериш билан машғул бўлдилар.

Иш тамом бўлгач, йигитлар тугунларини кўтариб, қирғоқлари мажнунтоллар билан ўралган кўл бўйига келдилар. Иш кийимлари ечилди. Ҳамма ўзини сувга отди. Тунги салқинни ўз бағрига сингдирган кўлнинг муздек суви асабларни тинчитди, танларга ором бағишлади. Йигитлар тоза кийимларни кийиб, сочларини тарадилар, бетон аталаси, қора лойдан оғирлашган иш либосларини тугунларга тугдилар-да, бир-бирлари билан кечаси соат ўн иккигача хайрлашдилар.

Обиджон укаси билан бирга кейинги кунларда суви анча камайган Қорадарёнинг кенг қирғоғидаги шағалларни гирчиллатиб босиб борар экан:

— Ака,— деди Одилжон Кампиртош тағидаги ўтзорда сакрашиб юрган чумчуқлар тўдасига завқланиб тикилар экан,— кеча Дилбар сизни сўраб қолди.

Бугун сменада қилинган ишни, ҳозир СМУ бошлиғига учраб бригада аъзолари учун мукофотни расмийлаштиришни ўйлаб бораётган Обиджон Одилжон айтган сўзларнинг маъносини дафъатан англаб етмади.

— Дилбар? Қайси Дилбар?..— Обиджон укасининг чарчоқликдан оқарган чиройли юзига, лаби устини майин тук қоплаб пайдо бўла бошлаган мўйлабига қараб, беихтиёр жилмайди.— Ҳа, Дилбар.. Хўш, унинг менда нима иши бор экан? Ёинки, у бригадамизга қўшилиб, йўл қурмоқчимиз? Сен уни қаерда кўра қолдинг?

— Кечга яқин қўйларимизни адирдан ҳайдаб келаётганимда гузарнинг яқинида Марина билан икковини учратиб қолдим. Дилбарларнинг эшиги ёнида суҳбатлашиб туришган экан. У олдимга келиб «қўйларингни боғлаб чиқ!», деб илтимос қилди. Мен қўйларни ҳовлига киритиб, қозикларига боғлагач, кўчага чиқдим. Марина кетибди шекилли, Дилбар ёнғоқ тағида ёлғиз кутиб турган экан. Аввалги Дилбарни танимадим. Кўп дарс қилган бўлса керак, кўзлари ич-ичига кириб кетибди.

— Ишга кирибсан, табриклайман,— деб гап бошлади у,— бувим сени ҳаммага мақтаб юрибди: «Икки ҳаф-

тада уйига юз сўм пул олиб келибди», деб... Қурилишда ойлик шунақа каттами?

Мен унга бетончи бўлиб ишлаётганимни, бетончилар уч юз сўмга етказиб ойлик олишаётганини, яхши ишлаганларнинг мукофотга ҳам илиниши мумкинлигини сўзлаб бердим.

— Аканг бригадир эмиш,— деб мақсадга яқинроқ келди Дилбар. — Соғлиги яхшими?

— Соғлиги яхшими? — Обиджон қизнинг бу саволини эшитган қулоқларига ишонмай, укасини қўлтиқлаб олди-да, қадамни секинлатиб, «гапиравер» дегандай унга муштоқона тикилди.

— Кейин Дилбар эртага, яъни бугун кечқурун Хонобод станциясидан поездга чиқаётганини, Тошкентга бориб, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига ҳужжат топширишини, лекин кириш имтиҳонларидан жуда қўрқаётганини айтди.

Тугунларини елкаларига ташлаб олган ака-ука Қорадарё соҳилининг баландроқ бир еридаги бир тўп толзор оралаб Хонобод йўлига чиқиб олгач, одимларини тезлатдилар.

— Жалолобод — Фрунзе поезди Хонобод станциясидан соат нечада жўнайди, билмайсанми?— Обиджон укасидан сўради.

— Кеч ўнга яқин жўнаса керак...

Машиналар гиз-гиз ўтиб турган йўл бўйида кетаётган уч-тўрт йигит Обиджонни чақириб қолдилар. Ака-ука тунги сменадан қайтаётган ҳамқишлоқларига қўшилиб, то гузарга етгунча гурунглашиб бордилар.

Обиджоннинг қулоғи тенгдошлар гуфторида бўлса ҳам, хаёлида Дилбар, ундан ўзини четга олиб юрган, уни ақалли беғараз суҳбатдошликдан ҳам маҳрум этган Дилбар, шу қайсар ва шаддод қиз жонланади. Обиджон унинг Одилжонга айтган сўзлари тагида яширинган маънони очишга фикран ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, осмондаги бу юлдуз нега энди ерга тушиб, Одилжонга арз-ҳол айтди? Эҳтимол, укаси акасига етказди, деб ҳасрат дафтарини очгандир? Қаёқдан кун чиқди, ёки не мўъжиза юз бердики, бағритош Дилбар унинг соғлигини сўраб қолди? Ё, тавба, дунёда шунақа кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлар экан...

Обиджон билан Одилжон ҳовлиларига кириб келган-

да Муборак опа бостирма тагида ҳўл ўтин оловидай тўқ-малларанг сигир оғилига пичан ташлаётган экан. Болаларини кўриши билан жаврай кетди:

— Ҳой, умрингдан барака топкурлар! Сенларни қурилишга боғлаб қўйдими? Адирларга ўт сигмайди, бундоқ ўриб келсаларинг-чи! Одилжон, сен бугун сигирни Девонов отанинг чорбоғига олиб бориб боғла, сут бермай қўйди, тагин қисир қолиб кетмасин!..

Девонов отанинг нор туядай виқорли буқаси доврўги Қорасувдан Жалолободгача кенг тарқалган, Одилжоннинг ҳам ундан хабари бўлгани учун мийиғида кулди-да:

— Ҳўп, бувижон, бажараман, — деди.

— Даданг раҳматлик ҳаёт бўлса, мени жавратиб ҳам ўтирмасди, — Муборак опа бостирма тагидан чиқиб келиб, ўғилларининг елкасига қоқиб кўришди. — Ўргилай полвонларимдан! Ҳормай-толмай ишлаб келдингизларми? Аччиққина шавла пишириб қўйдим, қоринни тўйғазиб, озгина мизғиб олинглар!

— Оббо, бувижон-ей! — Обиджон онасининг доврўлигидан кулиб, ариқ бўйига чўнқайди ва шалдираб оқаётган сувга қўлларини чайди.

— Шавлани еймиз-у, ўроқларни чарҳлаб, адирга борамиз. Тўғри айтдингиз, бувижон, айна пичан ҳозирлайдиган вақт, — деди у кейинги бир йил ичида нечундир анча кексайиб, оқи кўпайган сочи кулдай кўринаётган онасига меҳр билан тикилар экан.

Дунёда она пиширган овқатдан ширинроқ нима бор!

Ака-ука ҳовли ўртасидаги чорпояга чиқиб ўтириб, Муборак опа сопол товоққа сузиб келган сергўшт, аччиқ шавлани иштаҳа билан маза қилиб едилар, олмагулли катта чойнакка дамланган қайноқ кўк чойни ичиб, обдан терладилар, кейин ўроқ, арқон, қоп-қанорларни кўтариб, адирга йўл олдилар.

Чиндан ҳам бу йилги мўл ёғингарчиликдан кейин адирда ўт сероб. Сахий табиатга ташаккур айтишнинг ўзи оз. Унинг саҳовати, марҳаматидан фойдаланиш зарур.

Обиджон укаси билан бирга қишлоқ чеккасига чиқиб, рўпарада туя ўрқачларидай қатор-қатор юксалган адирлардаги қайноқ қуёш ҳароратидан сарғая бошлаган ўт-ўланларни томоша қилиб борар экан, у ерлардан

пичан тайёрлаб қайтгач, бу оқшом Хонобод станциясига боришга ва Дилбарни кузатиб қўйишга қарор берди.

«Унинг менга айтадиган гапи бўлса керакки, укам орқали хабар етказибди. — Бу фикр йигитнинг дилига қаттиқ ўрнашиб қолди. — Ҳа, мен уни албатта, кўришим керак».

— Қадамнингни тезлат, ука! — У Одилжонни шоширди. — Нега имиллайсан?

Одилжон акасига ялт этиб қаради. Унинг чехраси ёришиб, эрталабки тундлик ўрнини шодлик, қувноқлик эгаллаганини аён кўргач, ич-ичидан севиниб, улкан адир тепасига чаққон интилди...

Олис-олислардан, кўм-кўк тепаликлар томондач, адирлар ортидаги икки тоғ оралиғи — серсув, ям-яшил дарадан эсиб келиб, бу тепалик ўтлоқларда шўх қўшиқ айтиб юрган шамол йигитларнинг киприкларига қўниб турган уйқуни, танларидаги ҳорғинликни бир нафасда аллақаяқларга учириб кетди. Уларнинг ўроқлари қуёшнинг ёрқин нурида ялт-ялт порлай бошлади, ўрилган ўт бир текис ёнбошлади. Орадан икки соатча вақт ўтгач, улар ҳордиқ чиқариш учун танаффус қилдилар. Обиджон бир боғ пичанни бошига қўйиб, ўтлоққа чўзилиб, енгилгина ухлаб қолди. Одилжон пичанларни бир ўзи боғлашга, акасининг оромини бузмасликка қарор қилди.

Обиджон икки соатча ухлади. Одилжон юз эллик боғга яқин пичани тайёрлаб, энди акасини уйғотмоқчи бўлиб турганда, икки адир оралаб ўтган, Фрунзе номли янги совхознинг тоғ бағрига жойлашган бўлимларига олиб борадиган эски йўлда «МАЗ» маркали улкан самосвал кўринди. Обиджон машинанинг шовқинидан уйғониб кетди ва укаси ҳамма ишни битириб қўйганини кўриб:

— Қойил! — деди ва ўрnidан туриб, машина келаётган йўлга туша бошлади.

«МАЗ» Обиджонлар ишлаётган СМУга қарашли бўлиб, Оқтош яқинида совхоз болаларига қуриб берилаётган пионер лагерига бетон қоришмаси ташишга ажратилган машиналарнинг бири эди.

— Володя-ку! — Одилжон адир тепасида тик турган ҳолда қичқирди. — Володя!..

Обиджон йўлга тушиб, қўл кўтарди. Машина тўхтади. Володя кабинна эшигини очиб, жингалак-жингалак

малларанг сочлари тўзгиган бошини ташқарига чиқарди-да:

— Ҳа, бригадир, нима гап?— деб сўради.

Обиджон Володя билан қўл олиб кўришди:

— Манов пичанни йўл-йўлакай гашлаб кет, дўстим!

— Бўпти!— Володя кулди.— Сигирнинг қаймоғидан юбориб турасан!

— Келишдик!— Обиджон кабинадан тушган Володя билан беллашиб, иккови бир-бирини навбатма-навбат даст кўтаришиб, қалин ўтга думаланишиб, роса яйрашди.

Кейин учала йигит пичан боғларини аҳиллик билан қўлма-қўл узатишиб, машинага ортишгач, кабинага қатор ўтиришиб олиб, Хонобод гузарига йўл олишди. Обиджоннинг назарида соат ҳеч қачон бунчалик имиллаб юрганмас. Пичан туширилиб, машина кетгач, Одилжон айвондаги кўрпачага чўзилди-ю, донг қотиб ухлаб қолди. Обиджон пичан боғларини ғарамлаб бўлгач, бостирмага кириб, сигир, қўйларнинг тагини тозалади, кейин гузарга чиқиб, совундан қандгача — рўзгорга керакли нарсаларни харид қилиб келди. Шундан кейин ҳам соатига қараса, энди беш ярим бўлибди. Дилбар Хонобод станциясига яна тўрт соатдан кейин келади. Лекин, у ёлғиз келадими? Уни ота-онаси, сингиллари кузатиб чиқишса-чи? Бу ҳолда Обиджон у билан қандай учрашади, қандай сўзлашади?

Бу савол йигитнинг бошини обдан қотирди. У ўйлай-ўйлай, кечгача кутишдан фойда йўқлигини, бир иложини қилиб, Дилбар билан ҳозир, шу соатда учрашиш зарурлигини, агар у Дилбар билан ҳозир кўришмаса, умуман кўришолмай, сўзлашолмай қолиши мумкинлигини тушунди ва бу ишда унга ёрдам бера оладиган бирдан-бир жонкуяри ўз онаси эканлигини идрок этгач, ҳовли этагидаги пиёз аригида ўт ўтаб ўтирган Муборак опанинг ёнига келиб чўккалади.

— Бувижон,— деди у ўт ўташга кўмаклашган бўлиб, ҳасратли кўзларини ерга тикканча.— Дилбар ўқишга кириш учун Тошкентга кетаётган экан. Хабарингиз бордир-а?

— Бор,— Муборак опа ўғлини биринчи марта шундай иложсиз аҳволда қолганини дил-дилидан сезиб, унинг андишадан энгилган бошига раҳм кўзлари билан тикилди.— Ҳа, унда гапинг бормиди?

— Сизга малол келмаса, бувижон, Илҳом аканинг уйига кириб, Дилбарни бизникига айтиб чиқсангиз...

— У қайсар қиз кўнармикан? — Муборак опа пиёз ариғидан чиқиб, қаддини ростлади. — Унинг онаси Қумрихон раиснинг совчиларини қайтарган-а! Улар осмонда...

— Дилбар бизникига чиқади, бувижон, ишончим комил!

Муборак опа дока рўмолини тузатди-да, ҳамон бошини эгиб турган ўғлига синовчан қараб қўйди ва кўча эшиги томон юрар экан:

— Меҳмонга тайёргарлигимиз ҳам йўқ... — деб қўйди.

Муборак опа эшикдан чиқиб кетгач, Обиджон ариқдаги ҳовузчадан челақлаб сув олиб, йўлкаларга, чорпоя атрофларига сепди, кейин янги палос, кўрпача, лўлаболишлар олиб чиқиб, сўрига жой солди. Унинг назарида, ҳозир бу ҳовлига Илҳом аканинг етгита сочи паҳмоқ қизларидан бири — Дилбар кириб келади эмас, балки кўкдаги энг ёрқин юлдуз — Тонг юлдуздай тенгсиз паризод учиб тушадигандай, йигитнинг юраги қинидан чиқиб кетадиган даражада гуп-гуп урар эди.

Орадан ўн минут ўтмади, балки ўн соат ўтди. Ҳовлининг кўча эшигида аввал Муборак опа, унинг орқасидан Дилбар кўринди. Майдатароқ «номозшомгул» хонатлас кўйлаги баланд бўйига ярашган, икки ўрам тўсдек қора, қалин сочи белигача тушиб турган, оёғига ўрта пошнали зангори туфли кийган, нозик қулоқларида зумрад кўзли жажжигина исирға йилтиллаб турган қизни кўрган Обиджон бир қўли билан чорпоя қуббасини ушлаганча ҳайкалдай қотиб қолди.

— Мана, Дилбархон келдилар, — деди Муборак опа ўғлининг лол бўлиб қолганидан таажжубланиб. — Гапнинг бўлса, гапир!

У ёшларни холи қўйиб, ўзи ҳовли этагидаги эшикчадан қўшникликка чиқиб кетди.

Дилбар аллақандай сирли ва маъюс жилмайганча Обиджоннинг қаршисига юриб келди ва у билан оддий бир тарзда қўл бериб саломлашаркан, ўпкаланганнамо:

— Одилжон айтибди-да... бўлмаса, кўришмай ҳам қолардик, — деди.

— Нега энди?.. Ҳа, Одилжон айтди... Тошкентга ке-



таётган экансиз... Омад тилайман!.. Албатта, кўришардик... Аммо, ўзингиз...

Обиджон бу ва бунга ўхшаган бетартиб сўзлардан қанчасини бир йўла айтиб юборган бўлса ҳам, бу дақиқаларда у мана шу ерда, ўз ҳовлисида эмас, заминсиз бир маъвода, хаёл оғушида номаълум манзиллар сари парвоз этаётгандай ҳис қиларди ўзини...

— Нега ҳайрон тикиласиз? — таажжубланиб сўради Дилбар Обиджоннинг довдираши маъносини тушунолмай. — Мен бугун кетяпман. Хайрлашиш учун чақирибсиз, раҳмат.

— Ҳа... ҳа...—Обиджон бир оз ўзига келиб, Дилбарни таклиф қилди: — Қани, марҳамат, сўрига чиқсинлар.

Қиз юпқа лабларининг учи, ғунча кулгичларидаги ним табассум билан Обиджонга ишвали қараб қўйдида, туфлисини ерда қолдириб, калта зиналардан сўрига енгилгина чиқди ва хонтахта ёнига солинган гулдор шоҳи кўрпачанинг пастроқ бир ерига ўтирди.

— Мен ҳозир чой дамлайман!

Обиджон айвондаги газ плита томонга интилганда Дилбар тўхтатди:

— Чойни қўйинг! Менга маслаҳат беринг!

Обиджон йўлидан қайтиб, сўрига чиқди ва Дилбарнинг рўпарасига чўккалаб ўтирди.

— Имтиҳонларнинг ҳаммасидан юқори баҳолар олишга кўзим етмаяпти, — Дилбар Обиджоннинг юзига жиддий қараб, сўзларини дона-дона чертиб гапирди. — Мабодо, институтга кира олмасам, унда... Сиз, Обиджон ака, нима маслаҳат берасиз?

— Институтга албатта кирасиз, — деди Обиджон, — ахир мактабни аъло баҳолар билан битирдингиз-ку. Менга айтинг-чи, Дилбархон, инженер-гидротехник бўлишга қарорингиз қатъийми?

— Ҳа, қарорим қатъий. Дадам ҳам шуни маъқулладилар. «Қорадарёда бу касб жуда керак», дедилар. — Дилбар ҳамон дона-дона гапирарди. — Кучим борича тайёрландим. Шундай бўлса ҳам... Маслаҳат беринг... Мабодо институтга киролмасам, унда нима қилай?

— Сиртқи бўлимга киринг! — Обиджон ҳеч иккиланмай жавоб берди.

— Сиртқи бўлимга ўз касби бўйича бир ерда ишлаб турган кишилар олинмайдими? — Дилбарнинг юзи-

даги табассум ўчиб, кўзлари тундлашди. — Ахир, мен ҳеч қайда ишламайман-ку!

— Бунинг йўли осон,— Обиджон миясида дафъатан чақнаган фикрдан севиниб, қизга йўл кўрсатди: — Агар бирор тасодиф билан имтиҳонларда керакли баллни қўлга кирита олмасангиз, дарҳол ҳужжатларингизни олиб, уйга қайтингиз, қурилишга ишга кириб, кейин ҳужжатларингизни дарҳол институтнинг сиртқи бўлимига юборасиз.

— Раҳмат, Обиджон ака, шундай қиламан, — Дилбар ўрнидан туриб, сўридан ҳовлига аста тушди ва туфлисини кия туриб: — Уйлаб ўйимнинг тагига етолмаяпман,— деб чуқур хўрсинди.— Маслаҳатингиз учун раҳмат...

Обиджон қизни кўча эшигигача кузатиб қўяётганда:

— Уйчи ўйига етгунча, тўйчи тўйига етибди! — деб қизга далда берди. — Кўнглингизни тўқ қилинг, Дилбархон. Имтиҳонлар сиз ўйлаган даражада ваҳимали бўлмаса керак. Мана, мен... мактабни битирганимга уч йил бўлса ҳам, бу йил албатта, институтнинг сиртқи бўлимига кирмоқчиман.

— Қайси институтга? — Дилбар Обиджонга ялт этиб қаради.

→ Ашу сиз кирмоқчи бўлган институтни мўлжаллаб турибман.

— Ундай бўлса... — Дилбар эшик ҳалқасини ушлаганча ўйга толди, — мен ҳозир Тошкентга бормай қўяқолай... Ишга кирай. Кейин, пайти келганда, институтнинг сиртқи бўлимига ҳужжатларимизни бирга юборармиз.

— Оббо, сиз!.. Шунақа қўрқоқмисиз? — Обиджон Дилбарга яқинроқ келиб, унинг ипакдай майин сочларидан анқиб турган хушбўйдан маст бўлаёзди. — Дадил бўлинг, мақсадга интилган етади!

— Раҳмат, Обиджон ака!— қизнинг юзида боя сўнган жилва яна пайдо бўлди.

— Дилбархон, имтиҳонларингиз бошланганда мен ҳам бир-икки кунга Тошкентга бориб, ёнингизда бўлсам, майлими?

Дилбар Обиджоннинг чуқур ички шодликдан чақнаб турган кўзларига илк бор дадил боқди-да:

— Қошқийди! — деб, эшикни тез очди-ю, кўчага югурганча чиқиб кетди.

Обиджон қизнинг кетидан чиқишни ҳам, чиқмаслигини ҳам билмай эшикнинг очиқ тавақасига суялганча мамнун энтикди...

### *Ун биринчи боб*

Камолова Узоқовни ҳеч қачон бундай серташвиш, тажанг ва ҳатто сержаҳл аҳволда кўрмаган. Карим Узоқович Фрунзе номли колхоздаги йиғилишдан қайтиб келгандан буён камгап, серзарда бўлиб қолди. Тўғри, йиғирма йиллик қадрдонинг умидларингни пучга чиқарса, ишончингни барбод қилса, ҳар қандай киши ҳам ҳафа бўлади. Лекин, Узоқов билан бирга ўқиган, шунча йил бирга ишлашиб келаётган Афзалов тенгдоши, дўсти ва раҳбарини шу қадар доғда қолдирдики, Узоқов уёқда турсин, райкомда янги одам бўлган Камолова ҳам фавқулодда бир ҳол юз берганини тушунди.

Узоқов ўша куни йиғилишдан таъби тирриқ бўлиб ва Афзаловнинг Фозилмонда тайёрлаган чойига қолмай, Қўрғонтепага қайтиб келганидан кейин райкомдаги ишларни Камоловага топшириб, бир-икки кун дала-ма-дала юрди, бир вақтлар ўзи раҳбарлик қилган қадрдон совхоз-техникуми «Савай»дан бошқа ҳамма колхоз ва совхозларда бўлди. У фақат ярим кечада район марказидаги уйига қайтар, лекин саҳармардонда яна йўлга чиқар, Камоловага эса, ҳар кунни бир марта, кечга яқин телефон қилиб, райкомдаги ишлар, янгиликларни сўрар, баъзи масалалар бўйича маслаҳатлар берар ва яна эртанги кунгача жимиб кетар эди.

Камолова Узоқовнинг районнинг ҳамма хўжаликларида бўлиши, одамлар билан учрашиб, суҳбатлашиши, у ерларда йиғилишлар ўтказишидан бундай фикрга келди: Карим Узоқович Фрунзе номли колхоздаги экономикада, ташкилий ишларда, хўжаликка раҳбарлик қилишда, бошлиқларнинг шахсий ҳаётида, одамларга муносабатида, хулқ-одобида юз берган жиддий нуқсонлар бошқа жойларда ҳам содир бўлмаётганмикан, деган саволга жавоб қидириб юрибди. Акс ҳолда нега у оромини йўқотди, дафъатан ёнғинда қолган одамдай бетоқат бўлиб қолди?

Аксига, Карим Узоқович йўқ кунларда райкомда иш фавқулодда кўпайиб кетди. Айниқса, яқин кунларда кенг кўламда бошланиши керак бўлган Кампирравот гидроиншооти қурилишига алоқадор долзарб масалаларни бир кунга ҳам кечиктириб бўлмайди. Бу масалалар эса соат сайин кўпайиб боряпти. Бетон заводи, тош майдалайдиган тегирмон-завод, темир-бетон конструкциялари заводи, ҳоказо улкан саноат корхоналарини Қорабағиш посёлкаси ва унинг атрофидаги ерларга жойлаштириш, «Андижонгидрострой» бошқармаси ва унинг қурилиш ташкилотларига келаётган янги одамларни қабул қилиб олиш, Хонобод станциясига кела бошлаган оғир юкли эшелонларни вақтида бўшатиш ва қурилиш жойларидаги янги омборларга шитоб ташиштиш... Омборлар эса, ҳозирча қоғозда... Буларнинг устига-устак Кампирравотда ишини тугаллаган инженер Жуков Тошкентга кетиш олдидан бош лойиҳага киритилган ўзгаришлар ҳақида райкомга ахборот бермоқчи ва шундан кейингина юқори ташкилотларга мурожаат қилмоқчи. Бу ўзгаришлар эса, жуда катта ва район ҳаёти учун жуда муҳим...

Узоқов кеча кечқурун Ойимқишлоқдаги Ҳамза номли совхоздан телефон қилганда, Камолова Жуковнинг илтимосини унга етказди. Карим Узоқович Жуков билан албатта учрашаман, деди-ю, аммо қабул кунини ва соатини айтмади.

Камолова бугун эрталаб ишга келиб, райкомнинг икки қаватли биносига кирди ва зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилди-ю, узун йўлакда девор тагига қўйилган қатор стуллардан бирида уч-тўртта қалин қоғоз папкаларни тиззасига қўйганча хаёл суриб ўтирган домла Зуфаровни кўриб қолди.

— Ассалому алайкум, Илҳом Зуфарович, келинг! — деди Камолова домланинг рўпарасига бориб.

Домла уйқудан чўчиб уйғонган кишидай сапчиб ўрнидан турди ва бир вақтлар мактабда севимли шогирди бўлган, энди эса одамни салобати босадиган Камоловага шошиб қўл узатди:

— Келувдим, Ҳабиба Камоловна...

— Жуда яхши. Қани, марҳамат! — Камолова қабулхонанинг эшигини очиб, аввал домлани эҳтиром ила киритди, кейин ўзи ҳам кириб:

— Вой-бў, шунча папкани кўтариб келибсиз! — де-

ди домлага бошдан-оёқ разм солиб. — Юринг, кабинетга кирайлик, бафуржа суҳбатлашамиз!

— Бевақт келмадимми, ишқилиб?

— Айни вақтида келдингиз, Илҳом Зуфарович! — деди Камолова домлани кабинетга бошлаб кирар экан.

Кондиционер енгилгина шабада таратиб тургани, хотин бошлиқлар ишлайдиган кабинет ҳавосигагина хос бўлган хушбўй Қўрғонтепа марказидаги автобус бекатидан бу ергача иссиқда пишиб келган Зуфаровнинг ҳордиғини бир неча дақиқада ёзди-қўйди. У Камолова кўрсатган юмшоқ креслога ўтириб, папкасини стол устига қўйди ва иккинчи секретарнинг ёзув столи орқасидаги ўз жойига ўтиб ўтиришини кутди. Камолова эса, ёзув столнинг ёнида тик турганча унинг чап томонига қўйилган ва тинимсиз жиринглаб турган учта оқ телефон аппаратининг гоҳ униси, гоҳ бунисини олиб, жавоб қайтарар, унинг сўзларига қулоқ солиб ўтирган Зуфаровнинг кўз олдида район миқёсида турли соҳаларда кун сайин тобора қизиб бораётган, ишлар, бу ишларни бажараётган одамлар гавдаланарди. Бу ишларнинг энг муҳими ва долзарби — албатта, Кампирравот сув омбори қурилиши. Райком секретарига одамлар томонидан берилаётган саволлар ҳам асосан ана шу қурилишга тааллуқли.

Ниҳоят, қўнғироқлар тинди. Камолова стулга ўтирди-да, домлага хижолатомуз тикилди:

— Кечирасиз, Илҳом Зуфарович... сизни анча қутдириб қўйдим.

— Иш, Ҳабиба Камоловна, иш... — Зуфаров ўз шогирдига мароқланиб боқди. — Районимизда катта-кичик ҳамма одам қурилиш бошланишини кутяпти. Кекса мироблардан ёш колхозчиларгача, ҳатто уйдаги аёллар ҳам ҳунарли бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, тўғонда ишлашга отланишган. «Андижонгидрострой» янги Кампирравот — Хонобод йўли қурилишига икки юз киши олмоқчи бўлганда, бир ярим минг кишидан ариза тушган. Лекин, афсуски, бу одамларнинг қурилишнинг бирор соҳасида ишлаш учун ҳунари йўқ. Хуллас, «Усталар мактаби»ни тезроқ очмасак бўлмайди. Мана, беш юз талабага мўлжалланган ҳунар-техника билим юртининг лойиҳа-ҳужжатларини олиб келдим.

Домла Зуфаров қора дермантин муқовалик папка-

лардан бирини Камолованинг олдига суриб қўйди. Лекин, шу пайт яна телефон жиринглади ва Камолова трубкани қулоғига олиб борди-да, ҳушёр тортиб, қаддини ростлади ва тиниқ товуш билан:

— Эшнтаман, Карим Узоқович!— деди ва қизил муқовалик блокнотини очиб, қўлига кумушранг ручкасини олди.— Хўп бўлади... Демак, эртага, шанба, соат кеч олтида. Асосий масала — Кампирравот сув омбори қурилиши... Яна нима? Кадрлар масаласи? Маъқул... Ҳа, ҳа, Карим Узоқович, келдилар!— Камолова чап қошини сал кўтариб, Зуфаровга мамнун кулиб қўйди.— Ҳа, лойиҳа-ҳужжатларни олиб келибдилар. Хўп, масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қарор лойиҳасини тайёрлаймиз. Ҳа, дарвоқе, Карим Узоқович, ким доклад қилади. Домла Зуфаровнинг ўзлари?.. Маъқул!— Камолова телефон трубкасини чап кафтига қисганча, ўнг қўли билан блокнотига алланималарни қайд этар экан, биринчи секретардан сўради:— Мактаблар масаласини қачон кўрамиз? Маъқул... Хайр, яхши қолинг, Карим Узоқович! — Ҳабиба трубкани аппарат устига аста қўйди ва блокнотга алланималарни ёзиб бўлгач, Зуфаровга ўйчан тикилди: — Эртага,— деди у чуқур фикрга толиб.— «Усталар мактаби» масаласини бюро мажлисида кўрамиз. Аммо, мактаб-маориф масаласи орқага сурилди. Карим Узоқович, албатта, обком билан маслаҳатлашган. Кампирравот сув омбори қурилиши районимиз учун энг долзарб иш бўлиб қолди. Карим Узоқович «Савай» совхоз техникумида экан, кечқурун келармиш... Қани, домла, ишни бошладик!— Камолова шундай деди-да, ўртадаги телефон трубкасини олиб, аппаратда тегишли рақамларни тергач, жавоб берган кишига деди: — Карим Узоқович қўнғироқ қилдилар, бюро эртага кеч соат саккизга белгиланди. Сиз мактабларга кетган вакиллар билан алоқа боғланг, улар текшириш ишларини шошилмасдан, давом эттирсинлар. Бюрода асосий масала — «Усталар мактаби»... Яна бир илтимос: инструктор Мақсудахон қабулхонада навбатчилик қилсин, мени йўқлаб келган кишиларни ҳам сизга юборсин. Раҳмат!— Камолова хотиржам бўлиб, Зуфаровга кулиб қўйди.— Ана, домла, ҳамма эътибор сизга. Қани, бошладик!

Камолова домланинг шиннам муқовалатган папкасини очиб, биринчи саҳифасидаги сарлавҳани овоз чиқариб ўқиди:

«Андижонгидрострой» ҳузурида, Андижон Сув хўжалиги техникумининг Қўрғонтепа филиали асосида ташкил этиладиган «Усталар мактаби»нинг лойиҳаси.

— Яхши бошлабсиз,— Камолова хатдан бошини кўтариб, Зуфаровга мамнун қараб қўйди.— Қани, ҳисобларингизни кўрайлик. Мактаб олти юз талаба, йигирма муаллим ва ўнта маъмурий штатга мўлжалланган.

— Штат энг кам ҳисобдан олинди,— Зуфаров шошилиб илова қилди.— Йигирма муаллим йигирма группага жамоатчилик асосида синф раҳбари — куратор ҳам бўлади! Бинобарин, йигирма муаллим — йигирма хил касб эгаси!

— Яхши, яхши...— Камолова ичида ўқишда давом этди.

Зуфаров креслога суянганча, райком секретарининг юзидаги ўзгаришни синчков кузатиб турди.

Орадан ярим соатча ўтди. Камолованинг гоҳ санобар гулининг баргидай тиниқ юзида, гоҳ текис манглайда билинар-билинмас ажинлар кўриниб, унинг ўйга толиб, лойиҳада келтирилган мураккаб ҳисоб-рақамларни ҳазм қилишга қийналаётганидан далолат берарди.

— Демак, мактаб икки босқичдан иборат бўлади?— домлага тикилиб сўради Камолова.

— Ҳа!— Зуфаров тирсақларини столга тираганча, ишонч билан жавоб берди.— Биринчи босқичга етти-саккиз йиллик маълумоти бўлган ёшлар олинади ва улар уч йил давомида ҳам касб ўрганадилар, ҳам ўрта маълумотга эга бўладилар. Иккинчи босқич мактабга ўрта маълумотли ёшлар олинадилар ва булар ишдан ажралмаган ҳолда бир йил ўқиб, ҳунар эгаси бўладилар. Хуллас, лойиҳада кўрсатилганича, «Усталар мактаби»ни битирганларга Маориф министрлиги ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома ва Ҳунар-техника таълими давлат комитети касб ҳақида шаҳодатнома беради.

— Демак, Илҳом Зуфарович,— Камолова домлага савол назари билан тикилди,— райком бюроси ўз навбатида обкомдан сўраб, мазкур ташкилотлар олдига масала қўйиши керак экан-да?

— Албатта!— домла Камолованинг фикрини қатъий тасдиқлади.

— Яхши...— Камолова лойиҳани ўқишда давом этар экан, хаёлида бир фикр чақнаб, ўйга толди:—«Усталар мактаби», Илҳом Зуфарович, жуда зарур ва жуда улкан

иш... Лекин назаримда, агар биз партиянинг политехника таълими ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилганимизда, болаларга умумий таълим мактабларида ҳунар ўргатган ва эндиликда уларни яна қайтадан ўқитиб ўтирмаган бўлардик? Сиз бу фикрга нима дейсиз, домла?

— Нозик масалани тилга олдингиз! — Зуфаров шоғирдининг сезгирлигига тан бериб, бир нафас сукутга толди ва бармоқларини бир-бирига чалиштирганча беихтиёр қарсиллатиб қўйди.— Ҳа, бу — қалтис масала... Аммо, эзгуликнинг кечи йўқ, Ҳабиба Камоловна!

Домланинг бу содда изоҳидан Камолованинг кўнгли ёришмади.

— Сиз билан биз ўйлаган масала анча чуқурроқ, муаммо анча чигалроқ, аслида... — деди райком секретари блокнотига бу масалани ҳам қайд этиб.— Дўппини олиб кел, десангиз каллани кесиб келадиганлар кўпайиб қолди, чамамда... Биз деҳқончиликнинг энг қизгин кунларида, колхоз ва совхозларда куч етишмай қолган кезларда мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини далага олиб чиқишга рухсат берамиз. Шунда ҳам биз ўқув программаларининг тўла ўтилишини талаб қиламиз. Айни вақтда болаларни меҳнатга ўргатиш ҳам назарда тутилади, албатта. Аммо, Қодирова каби директорларимиз бошланғич мактаб болаларини ҳам далага олиб чиқяптилар. Шунақа тартибсизликни ўйласанг, жонинг қийналиб кетади, домлажон!..

— Мактаблар ишини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш пайти келди, Ҳабиба Камоловна! — Зуфаров ўзи ишлаган мактабда содир бўлган аянчли ҳодисаларни такрорлаб ўтирмади-ю, бир масалани ўртага қўйишга мажбур бўлди:— Ҳар йили йигитларни армияга жўнатамиз. Кўпчилигининг ҳунари йўқ — хизматда қийналади. Баъзилари рус тилини билмаганликлари натижасида мураккаб техникани ўргана олмайдилар. Биз қишлоқ мактабларида шу масалага ҳам эътибор беришимиз керак.

Камолова домланинг бу фикрини ҳам блокнотига қайд қилгач, қўл соатига қаради: беш минути кам икки. Урнидан аста турди-да, қабулхона эшигини очиб, у ерда навбатчилик қилиб ўтирган инструктордан илтимос қилди:

— Мақсудахон, биз ҳозир домла Зуфаров билан ошхонада овқатланамиз. Сиз машинисткамиз Эъзозхонга



хабар қилинг, соат учда қабулхонага келсин, ёзадиган ишларимиз бор.

Камолова кабинетига қайтиб киргач, Зуфаровга:

— Кечгача бирга бўламиз, домла, — деди ва ийманбгина сўради:— Бошқа зарур ишларингиз йўқмиди?

— «Усталар мактаби»дан ҳам зарурроқ яна қандай ишим бўлиши мумкин? — Зуфаров жойига ўтиришга шошилмаётган Камоловага таажжубланиб қушбоқиш қилди.

— Ундай бўлса, туринг, жичча тамадди қилиб олайлик, ишни кейин-давом эттирамиз.

— Маъқул, — Зуфаров ўрнидан турди ва Камолованинг кетидан қабулхонага чиққач, қадамини секинлатди.— Сиз бемалол... Мен чойхонага чиқақолай...

— Юринг, гап бор!

Камолова домласининг билагидан маҳкам ушлаб, йўлакка олиб чиқди ва улар зинапоядан ертўлага тушиб, қийма маставанинг хушбўйи гуркираб турган ошхонага кирдилар.

Шифти пастгина узун ошхона нимқоронғи. Уч-тўрт стол атрофида ўтирган райком ходимларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Икки деразага ўрнатилган кондиционерларнинг шабадаси дарпардаларни ҳилпиратади.

Камолова домлани бурчакдаги стол ёнига олиб бориб, ўтиришга таклиф қилди ва ўзи ошхонанинг очиқ деразаси олдига бориб, патнисда икки чинни мастава, иккита нон, бир чойнак чой ва пиёлалар олиб келди.

— Марҳамат, домлажон! — деди у нонларни ушатар экан.— Олинг, тортинманг!

Улар бир неча дақиқа жимгина ўтириб, хушхўргина қайноқ маставани ёғоч қошиқларда иштаҳа билан ичдилар. Домла роҳатланди-ю, аммо иссиқ таомнинг ҳароратидан роса терлаб, гўштор катта бурни обдан қизарди.

— Дилбар қалай? — Кутилмаганда сўраб қолди Камолова.— Олтин медаль олмаганидан ҳафа эмасми?

— Шу кунларда ўз қизимни ўзим ҳам кўрмаяпман.— Хижолатдан домланинг калта соқол қоплаган серажин юзи тагин ҳам қизарди.— Мана мен «Усталар мактаби» ташвишида югуриб юрибман, Дилбар Тошкентда...

— Қизларингизнинг тошқинда қолгани ростми? — Камолова домлага синчков тикилиб сўради.

— Рост...— Зуфаров даструмоли билан юз-бўйинни артар экан:— Оз бўлмаса, юлдузларимдан айрилиб қолардим,— деб уҳ тортди.

— Уларни Обиджон қутқаргани ҳам ростми?— Қамолова домлага бир пиёла чой узатар экан, маъноли жилмайиб қўйди.

— Барака топсин аскар йигит! — Домла воқеанинг тафсилотини сўзлаб ўтирмай, қувончини зиёлиларга хос тилда ифодалаб қўя қолди:— Яхши одамлар бор бўлгани учун бу дунёмиз жойида мустаҳкам турибди.

— Домлажон, Афзаловнинг совчиларини қуруқ қайтарибсизми?

Қамолованинг бу саволи Зуфаровни эсанкиратиб қўймади. Ҳабиба хонободлик бўлгани, яқинда қишлоққа боргани учун унинг колхоздаги, хонадонлардаги, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардор эканлигига домла шубҳа қилмас, шу сабабдан Афзалов ўғли учун домланинг қизига совчи қўйганини ҳам эшитгандир, деб тафсилотини айтиб ўтирмади-да:

— Очиқ эшикка ҳамма кириб чиқаверади,— деди.— Дилбар хоҳламагандрки, онаси рад жавобини берган. Бироқ, Ҳабиба Қамоловна, олтин медалнинг бунга асло алоқаси йўқ. Мен ҳам, аянгиз ҳам ўз меҳнатимиз билан кун қўриб келаётган заҳматкаш одамлармиз. Қизларимиз ҳам инчунин ўзимизга ўхшайдилар. Биз жаннатдач топиладиган нонни, хушомаддан келадиган обрўни ёмон кўрамиз. Олтин медаль борасида эса, адолатсизликка йўл қўйилди. Агар Дилбарга берилмаганда ҳам, Обиджоннинг укаси Одилжонга берилишини ҳамма кутганди. Аммо, Афзалов билан Қодирова бирлашиб олишгандан кейин баъзи ўқитувчилар ҳам уларнинг тарафини олишга мажбур бўлишди... Лекин, ҳақиқат бир кун очилади.

Домланинг ҳам алам, ҳам ишонч билан айтган сўзлари Қамоловага қаттиқ таъсир қилди ва мактаб иши билан шуғулланаётган бўлса ҳам, ҳали бу масалани охиригача етказа олмаганидан ўқинди-да:

— Энг яхши табиб — вақт эмиш, домла! — деб ўрнидан турди.— Менда ҳам айб бор — қаттиқ туролмадим. Аммо, Дилбарнинг институтга киришига ишонаман.

Булар ошхонадан чиқиб, йўлакдаги зинапоядан кўтарилаётганларида Қамолова Зуфаровнинг биллагидан ушлаб қисиб қўйди:

— Эртага бюрода «Усталар мактаби» масаласини ўтказиб олайлик, кейин маориф ишига астойдил киришамиз.

Домла индамади. Устозининг кўнглидаги тугун ечилмай қолганини Камолова сезиб турган бўлса ҳам, унинг дардига малҳам қўйишдан ўзини ожиз сезди.

Улар кабинетда лойиҳа устида ишни кечгача давом эттирдилар. Мактаб учун янги бино қурилгунича ҳозирча яраб турадиган эски бинолардан бирини ажратиш, мактабнинг ишлаб чиқариш базаси, тайёрланадиган мутахассислар миқдори ва ҳоказо масалалар қайта-қайта муҳокама қилинган, аниқ тадбирлар, таклифлар қоғозга туширилди. Ниҳоят, бюро қарорининг хомаки лойиҳаси тайёр бўлди.

Камолова Эъзозхонни чақириб, лойиҳани машинкада ёзишга топширди-да, у кабинетдан чиқиб кетган, яна бояги «нозик масалага» қайтди.

— Йилҳом Зуфарович, ишонинг менга: биз маорифда ҳам, мактабларда ҳам албатта, тартиб ўрнатамиз. Районимиз катта, унинг экономикаси кўптармоқли, мана энди икки беш йилликка мўлжалланган улкан сув ишооти қурилишини бошлаймиз. Умуман, ҳаётни янги тарзда, мустаҳкам негизда қайта қуришга тўғри келади. Бу вазифаларни одамлар, юксак малакали мутахассислар бажарадилар. Район партия комитети сиздан миннатдор. «Усталар мактаби» ташкил этиш соҳасидаги ташаббусингизни қизгин қувватлаймиз ва сизга мададкор бўламиз. Сиз эртага бюродан икки-уч соат олдинроқ етиб келинг. Машинкада чиққан материаллар билан танишиб, докладга тайёрланиб турасиз.

— Маъқул,— Зуфаров ўрнидан туриб, эшик томон юрди.

Камолова уни қабулхонага кузатиб чиқди ва домла билан қўл бериб хайрлашар экан:

— Опамага салом айтинг! Дилбарга хат ёзсангиз менинг номимдан ҳам имтиҳонларида муваффақиятлар тиланг!— деди.

— Раҳмат, Ҳабиба Камоловна...

Зуфаров кетган, Камолова қабулхонада машинкани чиқиллатиб ўтирган Эъзозхонга нима ҳам демоқчи бўлди-ю, лекин бошидаги фикр учини йўқотиб қўйиб, кабинетга, кирди-да, чироқни ёқди. Кеч кириб, анча қоронғилашган хона чарақлаб ёришди.

Лекин Қамолованинг кўнгли ёришмади. «Олтин медаль» — шу биргина ибора ҳамон унинг дилини ғаш қилиб турарди.

Ҳа, олтин медаль ўз эгасига эмас, бошқа бировга берилди. Адолатсизлик содир бўлди. Хўш, ноҳақликнинг олдини олиш мумкинми? Ҳа, албатта мумкин эди. У, райком секретари — Ҳабиба Қамолова шунга ҳарака қилмадими? Қилди! Лекин бунга унинг кучи етмади. Нега? Ҳа, нега энди райком секретарининг кичик бир адолатсизликка чек қўйишига кучи етмади?

Бу савол ҳаётдаги аниқ, одил, ҳатто ибтидоий саволлардан бири бўлса ҳам, бироқ унинг жавоби чигал мураккаб, бир-иккита сўз билан тушунтириб бўлмайдиган даражада қийин. Чигал? Мураккаб? Қийин?

Бу масала райком секретари учун шундай қийин бўлса, бошқалар учун нақ тилсим экан-да?!

Қамолова бурчакдаги столча устида турган телевизор тугмасини босди ва то экран ёригунча хонада уёқдан-буёққа юриб, ёшлиги худди ўз ёшлигини эслатувчи Дилбарнинг тақдирини ўйлаб кетди.

«Наҳотки, Анваржоннинг институтга қиришини осонлаштириш учун Дилбарнинг институтга қиришини қийинлаштириш керак бўлиб қолди?..»

Шу саволдан Қамолованинг вужуди музлаб кетди. У телевизор экраннда жонланган таниш раққосанинг қайта-қайта кўрсатиллавериш жонга теккан ўйинини лоқайд томоша қилар экан, Узоқовнинг «Савай»дан етиб келишини албатта кутишга ва «Усталар мактаби» ҳақида масаланинг бюрода кўрилишига тайёрлик ҳақида унга ахборот бергач, мактаблариши юзасидан ўз раислигида тузилган комиссия текширишларини тезроқ тамомлаши учун ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзоларини икки ҳафта ишдан бўшатиб қўйишлигини сўрашга қарор берди.

Олтин медаль... Ҳа, вақт қўлдан кетди. Анваржонга берилган олтин медални ундан қайтариб олиб, муносиб эгасига толшириб бўлмас. Аммо, комиссия текшириши баъзи бировларнинг кўзини очиб қўйиши, келажакда сабоқ бўлиб хизмат қилиши турган гап.

### *Ун иккинчи боб*

Ез ҳаддан зиёда иссиқ келди. «Ёшини яшаб, ошини ошаган», минг ойнинг юзини кўрган кексалар ҳам бунақа иссиқ ёзни камдан-кам эслайдилар. Кеча ҳарорат

қирқ уч даражага кўтарилди, бугун ҳам ундан кам бўл-маса керак: эрталабдан ҳаво дим, дарахт барглари шира бойлагандай вазмин тортиб, хомуш осилиб қолган. Ҳатто пашшалар ҳам бир ердан иккинчи ерга учиб ўтишга эринади. Фақат ариқ бўйида нафас олса бўлади. Яхши ҳам Тошкент ҳовлиларидан ариқлар шилдираб ўтади! Катта-кичик ҳамма кишилар ариқлар бўйига ёзилган бўйралар устига кўрпача ташлаб, сув салқинида иш ҳам қиладилар, дам ҳам оладилар.

Дилбар институтнинг шундоққина орқасидаги маҳаллада, обсерватория боғини айланиб ўтган шинамгина кўчада Убайдулла ота исмли кекса боғбон ҳовлисига жойлашди. Кириш имтиҳонларини топшириш учун турли шаҳарлардан келган саккиз қиз боғбоннинг тўрт хоналик уйида икки хонасини ижарага олдилар. Дилбар фарғоналик Соттихон самарқандлик, Зебинисо ва нукуслик Тозагул исмли қизлар билан мўъжазгина бир хонани эгаллади. Дилбар каби, бу қизлар ҳам ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг қабул комиссиясига ҳужжатларини топшириб, кеча-кундуз тинмай дарс қилишар, бинобарин, Соттихон билан Зебинисо ўзбек группасига, Тозагул эса, худди Дилбар каби рус группасига кириш орзусини дилларига туккан эдилар.

Убайдулла ота боғининг этагидан ўтган ариқда сув ҳамиша тўлиб оқади. Қатор ўсган уч туп сершоҳ ўрик дарахтлари ҳовлининг деярли ярмисига қуюқ соя ташлаган. Лекин, ариқда сув шалдираб оқиб турса ҳам, шохлар орасидан тангача ёруғ тушмаса ҳам бари бир, вақт чошгоҳга — соат ўн иккига яқинлашганда ҳовлининг дами қирқилиб, нафас олиш оғирлашади. Соат учга яқинлашиб қуёш осмон қуббасининг найзасига ўрнашиб олганда эса, одамнинг аъзойи баданидаги суякларда илиқлар суюлиб, бош оғриб, мияга ҳеч нарса кирмай қолади.

Кеча қизлар имтиҳонга бориб, тил ва адабиётдан иншо — ёзма иш топширишди. Дилбар билан Тозагул битта группада — 26а рақамли рус группасида бўлганликлари учун аудиторияга бирга кирдилар. Булар иншо ёзишга тайёргарлик кўрган кунларида бир-бирларининг ишларини қайта-қайта ўқиб чиқишга, имлода, айниқса тиниш белгилари қўйишда баъзи камчиликларини кўрсатишиб, роса машқ қилиб олишган эди.

Бир неча кун давомида бир-бирлари билан суҳбатлашиб, сирлашиб, қадрдонлашиб қолган ўзбек ва қорақалпоқ қизлари ўз билимларига ишонган ҳолда, заррача ҳам иккиланмай, иншодан «беш» баҳо олишга заррача шубҳа қилмай, институт биносига яқинлашганларида, кутилмаган бир учрашув Дилбарнинг ўй-хаёлини остин-устун қилиб юборди. У институтнинг кўчадан анча баланддаги ойнаванд эшикларига олиб чиқадиган зина-поя тагида тиниқ оқ рангдаги янги «Волга» машинаси ёнида, шинам кийинган хушрўйгина йигит билан сигарета чекишиб турган Анваржонни кўриб қолди.

Анваржон Дилбарни пойлаб турган бўлса керак, суҳбатдошига кўз қисиб, нимадир деди-да, қизларнинг ёнига келди ва Тозагулдан узр сўради:

— Кечирасиз, қизча, дугонангизда гапим бор.

Тозагул Дилбарга маъноли қараб қўйди ва унинг нигоҳидан: «Боравер!»— деган жавобни англаб, зина-поядан юқорига кўтарилга бошлади.

— Салом, Дилбар!— Анваржон қиз билан қўл бериб кўришди ва имтиҳон топшираётган қизларнинг кўпчилиги ясан-тусан кийиниб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб келаётган бир вақтда Дилбарни оддийгина оқ батист қўйлақда, паст пошналик чувакнамо арзон туфлида кўриб, елкасини қисиб қўйди.— Иш чатоқ,— деди у: «Мени нега йўлимдан тўхтатдинг, гапинг бўлса гапир!»— дегандай жиддий боқиш билан қараб турган қизга.— Кеча имтиҳонда бир эзма-чурук домла менинг олтин медалимни ҳам инobatга олмай, ҳар хил саволларга кўмиб ташлади. Аммо, мен ҳам бўш келмадим, ҳамма саволларга жавоб бердим. Ашандай бўлса ҳам, домла менинг билим даражамга шубҳа билдириб, имтиҳон комиссиясининг қарорига: «Афзаловнинг ўқишга олинишига қаршиман», деб ёзиб қўйганмиш. Мен дарҳол дадамга телефон қилдим, домлаларнинг оғзини ёглаш кераклигини айтдим. У бугун Жалоллобод орқали учиб келяпти.— Анваржон соатига қаради.— Самолёт қирқ минутдан кейин қўнади...

Вақт ўтиб бораётганидан, имтиҳон бошланишига бор-йўғи йигирма минут фурсат қолганидан ташвишланган Дилбар:

— Мен борай,— деди Анваржоннинг сўзларидан ранжиб.— Иншога кечикаман. Хайр!

Анваржон Дилбарнинг билагидан маҳкам ушлаб:

— Иншо ёзганингиздан фойда йўқ! — деди ва қизнинг кўзларига беҳаёлларча тикилиб, жағининг чап томонидаги қатор олтин тишларини йилтиллашиб тиржайди. — Овора бўласиз! Агар «беш»га ёзсангиз ҳам, нари борса «уч» қўйишади. Бу даргоҳда ҳамма нарсани «мулла жиринг» ҳал қилади, Дилбархон!..

Дилбар офтобда қорайган тиқин билагини йигитнинг қўлидан тортиб олди ва зинаоялардан физиллаганча юқорига чиқиб кетди.

У институт биносининг биринчи қаватидаги узун йўлакдан нафаси бўғзига тиқилар даражада ҳовлиққанча тез юриб бориб, иншо ёзиладиган аудитория эшиги олдига етганда, имтиҳон берувчилар ҳаммаси бу каттагина залга кириб, жойларини эгаллаб бўлган, биргина Тозагул ўта ташвишланиб, Дилбарни йўлакда кутиб турарди.

— Ҳе, не бўлди саған? — Уз тилида сўради Тозагул Дилбардан. — Не байди боласи ул сени устас сўз қатқан?

— Э, қўявер! — Дилбар қўл силқиди ва сал тўзиган қўнғир сочларини кафтлари билан текислагач, аудиториянинг очиқ эшигидан ичкарига кирди.

Кенг хонага ўттизга яқин столлар тартибли терилган. Ҳар бир стол ёнига иккитадан стул қўйилган. Хона тўрида бир-бирига бирлаштирилган учта стол, дераза яқинида қизғиш бўёқлари ярқираб турган кафедра — минбар бор. Бу ердаги узун стол орқасига учта стул қўйилган бўлиб, ўртадаги стулда ёши эллиқлардан ошган, қалингина кулранг сочи текис таралиб, орқасига турмакланган, ёшлиқдаги беқиёс гўзаллик белгилари оппоқ юзида ҳамон биллиниб турган, одмигина майдатароқ оқ-қора йўл-йўл гуллик қарға шоҳи кўйлаги ўзига ярашган аёл ўтирибди. Бу аёл филология фанлари доктори, профессор Мария Ивановна Жукова бўлиб, унинг ўнг ёнидаги атлас кўйлаги порлаб ўтирган хушрўйгина қорача жувон — филология фанлари кандидати Азиза Саматова ва чап ёнида ўтирган рус йигит — ёш тилшунос олим Алексей Титов муҳтарама профессор Жукованинг ассистентлари — имтиҳон комиссиясининг аъзолари эдилар.

Аудиторияга ҳамма кириб бўлиб, эшик ёпилгач, Жукова деворга осиглиқ катта соатга қаради ва ўрнидан туриб, столлар ёнида ўтирганларга мурожаат қилди:

— Ҳурматли абитуриентлар! Мана бу стол устига иншо ёзиладиган стандарт қоғозлар қўйилган. Сиз ёзладиган иншоларнинг мавзулари иккинчи томонда — мана бу қоғозларда белгиланган. Мавзу олиш ва иншо ёзиш тартибини сизга Алексей Николаевич Титов тунтириб беради. Аммо, иншо ёзиш учун яна бир мавзу — эркин мавзу берилади. Бу мавзу: «Менинг жонажон ўлкам» деб аталади. Ана энди сўз Алексей Николаевичга.

Титов имтиҳон топширувчиларга ёзиш қондаси, иншонинг ҳажми, унга ажратилган вақт ва ҳоказо зарур тафсилотлар ҳақида маълумот бергач, аудиторияда столдан столга ўтиб, мавзу билан қоғозларни тарқатиб чиқди.

Энг орқадаги столда, Тозагулнинг ёнида ўтирган Дилбар иншо ёзиладиган қоғозни Титовдан олар экан:

— Мен эркин мавзуда ёзмоқчиман,— деди ва Алексей Николаевич бош қимирлатиб маъқуллагач, оқ қоғозга йирик ҳарфлар билан рус тилида: «Менинг жонажон ўлкам», деб сарлавҳа қўйди-да, стулга суялганча, кўзларини юмиб, ўйга толди.

У аввало, Анваржон билан кўнгилсиз учрашувни, унинг институт домлалари шаънига айтган тухмат гапларини унутиши, фикрини бир ерга тўплаб, ўзи тугилиб ўсган Кампирравот дараси табиатини, Қорадарё тошқинларини, фидойи миробларни, у ерда яқинда бошланган улкан қурилиш манзараларини кўз олдида жонлантириши керак эди.

Дилбар «Менинг жонажон ўлкам» мавзуини атайлаб танлади. Унинг Тошкентга келганига ҳали ўн беш кун ҳам бўлгани йўқ, лекин Кампирравот адирларини Тополино теракзорларини, ўзи тугилиб ўсган Хонабодни ва мусаффо булоқлари, қўнғироқдай жаранглаб ётган чинорзор боғ Фозилмонни эсласа, соғинчдан кўзларига ёш тўлади.

Дилбар ҳозир ёзишни бошламоқчи бўлган иншосининг мавзуси, иншода қамраб олиниши зарур бўлган воқеалар ҳақида ўйлаб ўтирар экан, дадаси Илҳом аканинг болалик чоғига доир ҳикоясини эслади. 1930 йил... Хонабод қишлоғининг гузаридаги клубда хотин-қизлар озодлигига бағишланган йиғилиш... Ун олтига кирган Илҳом отаси Афзал мироб ва паранжилик онаси Маҳ-



буба опа билан бирга оддий тахта скамейкалар терилган тиқин залда, азбаройи иссиқнинг зўрлигидан терлаб-пишиб ўтирарди. Йиғилиш охирида Андижон театри «Ҳалима» томошасини қўйиб берармиш, деган хабар тарқалиб, йиғилганлар орасида жонланиш бошланди. Биринчи қаторда ўтирган оқсоқоллар: «Азизий барака топсин, умри узун бўлсин!» — деб дуо қилдилар.

Убайдулла Азизий... Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий... 1930 йил... Икковининг иши, кураши, тақдири бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Биринчи — Шоҳимардонда, иккинчиси — Хонободда. Ниёзийни тошбўрон қилиб ўлдирдилар, Азизийнинг йиғирма бир ерига пичоқ санчдилар...

Уша вақтда ўн олти ёшга тўлган Илҳом мудҳиш жиноятни ўз кўзи билан кўрган. Йиғилишнинг ташкилотчиси — андижонлик темир иродали инқилобчи, оташин нотик, халқпарвар раҳбар Азизий клуб эшигида кўриниши билан мингга яқин одам оёққа қалқиб, уни олқишлайдилар. У клубга кираётганда содиқ дўстларидан бир неча киши йўлини тўсиб, саҳнага чиқмаслигини ўтиниб сўрайди. Саҳнага қоронғи ҳужра орқали чиқилар экан, у ерда эса, бир қўрбоши, олти муштумзўр, икки «калтадум» бойвачча — жадид, яна турли либосдаги бир неча синфий душман Азизийни ўлдириш учун йўлини пойлашаётган эмиш...

Халқнинг гулдурас қареаклари ёстида саҳна томон дадил юриб бораётган Азизий дўстларининг огоҳлантиришига қулоқ солмай, сон-саноксиз одамлар билан самимий қўл олишиб, саломлашиб, баъзи кадрдонлари билан ҳатто аския ҳам айтишиб, саҳнага ўтиладиган пастгина тор эшикка кириб кетади. Кириб кетади-ю... қайтиб чиқмайди. Эрк жаллодлари уни ваҳшийларча ўлдирдилар.

Жонажон ўлканинг тарихи бой, ҳозирги ҳаёти ҳам сермазмун, қайноқ: мард одамлари, бунёдкор кишилари беҳисоб. Айниқса, Кампирравот сув омборининг қурилиши бошланганидан буён кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ишлар бўляпти.

Дилбар шуларни ўйлаб ўтирар, бир дунё воқеалар калавасининг учини тополмай хаёл сураб экан, ёнидаги стулда ўтирган Тозагул бир варақни тўлдириб иккинчи вараққа ўтганини, бошқа абитуриентлар ҳам авторучкаларини қитирлатиб, тез-тез ёзаётганларини кўрди.

Шу пайт Мария Ивановна ўрнидан туриб келиб, столлар оралаб юра бошлади. Унинг кўз қири ёзувларда: гоҳ бирор қиз, ёки йигитнинг устига эгилиб, сатрларга синчков тикилади, гоҳ эса, ёзувдан тўхтаб, ўйга толганларга имо билан «ёзаверинг, ёзаверинг», дегандай далда беради.

Жукова энг охириги стол орқасида хаёл суриб ўтирган ўзбек қизининг иншони бошламаганини кўриб, унинг бошига эгилди ва оналарча меҳрибонлик билан:

— Бошлашга қийналяпсизми?— деб сўради.

Дилбар дарҳол ҳушёр тортди ва хижолатдан юзи лоладек қизариб:

— Ёзадиган воқеаларим кўп,— деди.— Озгина қозга қандай сиғдираман деб бошим қотди.

— Қаерликсиз? Исмингиз нима?— Профессор қиздан қизиқиб сўради.

— Қўрғонтепадан, Хонобод қишлоғидан келдим, исми Дилбар.

— Вақт ўтмасин, бошланг!— Мария Ивановна Дилбарга маслаҳат берди:— Асосий воқеаларни қисқа-қисқа баён қилинг. Имлони ҳам унутманг!

Профессорнинг сўзларидан руҳланган Дилбар у нари кетиши билан дарҳол ёза бошлади ва шу ёзганча бир соатдан мўлроқ ёзиб, тагига имзо чекди-да, иншони икки марта бешдан-оёқ синчиклаб кўздан кечиргач, битта ҳам имло хатоси йўқлигига қувониш ўрнига нечундир таажжубланиб жилмайди-да, стол ораларидан ўтиб, иншоларни йиғиштириб юрган Титовга ишини топширди.

У Тозагул билан қўл ушлашиб, институт биносидан чиқиб кетишаётганда Анваржонга дуч келди. Анваржон ойнаванд эшик олдида туриб олиб, дадасини институт биноси ичига олиб кириш учун билагига қизил лента боғлаган навбатчига алланималарни уқтирар, лекин қулочини кенг ёйганча очиқ эшикни тўсиб турган навбатчи имтиҳон кунларида институтга бегоналар киритилмаслигини ҳурматона бир босиқлик билан қайта-қайта тушунтирар эди.

Биринчи имтиҳонни топшириб, қушдай енгил тортган қизлар бир-бирлари билан маҳкам қўл ушлашганча институт зинапояларидан чопқиллашиб тушиб кетишди...

Анваржоннинг мактабда қандай ўқиганлиги, олтин

медалга қайси йўллар билан эришганлиги, унинг табиатидаги енгилтаклик биргина Дилбарга эмас, қишлоқдаги катта-кичик ҳаммага маълум бўлгани учун унинг ҳозирги ҳолатига, институтга киришда ҳам отасидан воқитчи сифатида фойдаланмоқчи бўлганлигига Дилбар таажжубланмади. Лекин, барча ҳамқишлоқлари сингари у ҳам колхоз раисини халқнинг отаси, улуғ одам деб тушунганлиги учун Афзаловнинг дала ишлари айни долзарб кунларда ўғлининг шахсий иши учун Тошкенга келганлиги, аллақандай қизил дафтарчани кўрсатиб, институт навбатчисига таҳдид қилаётганлиги унга эриш туюлди.

Қизлар обсерватория кўчасига бурилишаётганда:

— Иншодан кўнглинг тўқми? — деб сўради Тозагул Дилбардан.

— Ҳа. Сенинг-чи?

— Менинг ҳам! — Тозагулнинг севинчи ичига сиғмай кулиб жавоб берди. — Узим яхши кўрган мавзу тушди: «Евгений Онегин» романида Татьяна образи.

— Мен эркин мавзу танлаб, ўз қишлоғим ҳақида ёздим. Биласанми, Тозагул, уйимни жуда соғиндим, — деди Дилбар хўрсиниб.

— Тагин бир кишини ҳамдир?

— Бор-е, шўх экансан!..

Чопқиллаб кетишаётган қизлар хандон отиб кулишди. Саратон қуёшининг ҳароратидан кўча анча исиган бўлса ҳам, улар Убайдулла ота ҳовлисига кириши билан ариққа тўлиб оқаётган сувнинг салқини димоғларига гуп этиб урди.

— Ҳовлимиз жаҳси-я! — Тозагул ялпизлар гуркираб ўсиб ётган ариқ бўйига бориб, оппоқ бўйралар устига ёзиб қўйилган гулдор кўрпачага чўзилди. — Маззов!.. Кел, Дилбархон, бир оз дамингни ол, кейин дарс қиламиз.

Дилбар айвонга чиқиб, кимдир сув тўлдириб қўйган электр чойнак вилкасини разеткага тикди, токчадаги нон, мева-чева тугилган бўхчани олиб, ҳовлига тушди ва уни бўйра устида ёзаркан:

— Қорним очди. Озгина тамадди қилиб олайлик, дарс қочмас!

— Дуруст, Дилбархон! — Тозагул кўрпачага чўккалаб ўтириб олди-да, дастурхондаги қатламадан ушатиб оғзига солди. — Вақт оз. Қайта-қайта ўқув керак!..

Қизлар эрталаб нонушта қилишга улгуришмаганди. Дилбар ўлгудай очиққани учун бир бурда нон билан бир кафт майизни апил-тапил еб бўлгач, айвонда жизиллаб қайнай бошлаган чойнакдан чой дамлар экан:

— Ўн йилда юқмаган билим ўн кунда юқармиди!— деди. Борини унча-мунча эсга тушириш учун такрор-лаяпмиз, холос.

— Бу-да туври!— Тозагул ариқдан бир хсвуч сув олиб, айвондан тушган Дилбарга сочди.

Дилбар бир сесканиб, қўлидаги пиёла билан ариқ бўйига чўнқайди ва Тозагулнинг дод-войига қарамай, салқин сувни унга пиёлалаб сепа бошлади. Тозагул ҳам бўш келмади: ариқ бўйида турган челақка сув тўлдириб айвон томонга қочган Дилбарни қувиб етди ва бир челақ сувни унинг бошидан ағдариб юборди.

Хуллас, қизлар чўмилишиб олдилар. Кейин уйга кириб, ҳўл кўйлақларини ечиб, янгидан кийинишиб олгач, нон-чай билан қоринларини тўйғаздилар. Шундан сўнгра ҳар кунги, одатдаги дарс тайёрлаш бошланди.

Уч кундан кейин — навбатдаги имтиҳон. Мароқли имтиҳон: СССР халқлари тарихи. Тайёрлаш керак бўлган материалнинг ҳажми катта бўлса ҳам, агар узоқ тарихга доир баъзи рақамларни ва қийин номларни ёдлаш зарурлиги ҳисобга олинмаса, программа қамраб олган ҳамма воқеалар, буюк шахслар, уларнинг ишлари, жасоратлари, ранг-баранг, таъсирчан воқеалар инсон хотирасига осонгина ўрнашиб қолади.

Қизлар дастурхонни йиғиштириб, кўрпачаларга ўрнашиб ўтириб олдилар-да, дарсликларни очдилар ва икки соатдан мўлроқ вақт давомида кўзларини китобдан узмадилар.

— Эртадан кейин соат ўн иккида иншонинг баҳолари эшиттирилади.— Тозагул китобдан бошини кўтариб, Дилбарга синовчан тикилди.— Қимки, «икки» олса, навбатдаги имтиҳонга киритилмайди. Шулайми?

— «Икки»дан гапирма!— Дилбар дарсликдан кўзини олмай жавоб берди.— «Беш»дан гапир!

— Баъзи домлалар абитуриентларни жўрттага йиқитишармиш, тувримми?— Тозагул яна сўради.

— Агар тағин бир сўз айтсанг, ариққа ботасан!— Дилбар китоб ўқишда давом этди, бироқ қув қиз Тозагул уни чалғитиш йўлини топди: — Иншо вақтида сен билан сўзлашган профессор опа кимлигини биласанми?

— Жўқ...— Дилбар жўрттага Тозагулнинг тилида жавоб берди.

— Филология фанлари доктори Мария Ивановна Жукова. Мен унинг Сергей Есенин ҳақидаги китобини ўқиганман. Есениннинг Тошкентга келганини ҳам ёзган.

— Оббо сен-ей!— Дилбар Тозагулнинг билимдонлигига қойил қолди.

— Дилбаржонга бир суол берсам мумкинчилиги бўлармикин?— Тозагул Дилбарнинг сеҳрли ўт чақнаб турган чиройли кўзларига муғамбирларча тикилди. Дилбар «мумкин» ишорасини бергач, сўради:— Бугун эртаминан Дилбаржон минан сўрашкан, оқ тусли «Волга» хўжаси ким бўлуви мумкин?

— Қишлоғимизнинг энг зўр йигити! — Тозагулнинг истеҳзоли саволига Дилбар ҳам истеҳзоли жавоб қайтарди.— Олтин медаль соҳиб... Раиснинг ягона ўғли... Исми Анваржон... Таништириб қўяйми?

— Мўйловли жигитларга тобим жўқ! — Тозагул нечундир маънос тортиб, дарсликни ёпди ва ариқ бўйидаги ўткир ҳиди гуркираб турган ялпизларни кафти билан силади.— Ойсара отлиқ дугонам бор. Шулай жигит уни алдаб кетди. Ойсара икки ойлик боласи минан қолди. Уқиши-да қолиб кетти..

— Аслида гап мўйловда эмас... — Дилбар ўйчан гапирди.— Мен соқол-мўйловини қиришга, кийим-бошига қарашга ҳам қўли тегмайдиган, нуқул оғир ишларни бажариб юрадиган, бошқаларнинг ҳаётини сақлаш учун ўз ҳаётини фидо қилишга тайёр бир йигитни биламан. Нечундир, менинг ўша заҳматкаш йигитга ҳавасим келади.

— Бул — муҳаббат!— Тозагул дугонасининг елкасини секингина силаб қўйди.

— Қўйсанг-чи! — Дилбар ўтирган ерида бир силкиниб, китобга муккасидан кетди.

Тозагул бошқа ҳеч нима демади...

...Қизлар икки кун босим дарс қилдилар. Энди улар фақат тарих, ўтмиш қаҳрамонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ҳақида сўзлашар, бошқа гаплар ҳаммаси гўё аҳамиятини йўқотган, «нимтиҳон» деган мўъжизакор бир сўзгина уларнинг ўй-хаёлини бутунлай қамраб олган эди...

Иншо бўйича баҳолар эълон қилинадиган кун институтга Урицкий кўчасидан очилган темир дарвоза орқа-

ли истаганларнинг ҳаммаси ҳовлига киритилди. Кенг саҳн ёшларга тўлди. Одамлар симёғочга ўрнатилган радиокарнайи қаршисида тўда-тўда бўлишиб, бировлари ваҳимадан эс-ҳушларини йўқотар даражада ранглари бўзариб, бошқалари ўзаро бамайлихотир суҳбатлашиб, ҳал қилувчи дақиқани кутиб турдилар.

Бугун эрталаб Тополино бекатидан Уш — Жалолобод автобусига чиқиб, Жалолобод аэропортига етиб келган ва «Як-40» самолётида Тошкентга учган Обиджоннинг Ирригация институтига етиб келганига ярим соатча бўлди. У ўзи ишлаётган СМУ бошлиғи Андрей Андреевич Дубенкодан сиртдан ўқиш мақсадида институтга кириш учун ҳужжатларини топшириб келиш важи билан икки кунга рухсат олган, ўз ўрнига укаси Одилжонни қолдирган ва саҳарпаллада ҳовлиси этагидаги тандирни ўзи қиздириб, онасига ёғлиқ пиёзли патир билан сомса ёптириб олган эди.

Мана, орадан тўрт соат ўтар-ўтмас, у қўлида катта тугун билан институт ҳовлисида, юзлаб қиз-йигитлар орасида турибди. Унинг соқол-мўйлови қирилган, тароқ ўтмайдиган қаттиқ сочи дўппайган, уни янги дўппи базўр босиб турибди, куни-кеча Хонобод сельпосининг қишлоқ гузаридаги магазинидан олинган костюм, кўйлак, туфлилар башанг; худди овини пойлаган ёввойи мушукникидай, соғинчдан йилтираган кўзлари ясантусан ёшлар орасидан кимнидир излайди.

Лекин, Обиджон излаган «кимдир» ҳовлида кўринмайди. Йигитнинг юраги қинидан чиқиб кетар даражада гупиллаб уради.

У шунчадан-шунча ёшлар орасида Дилбарнинг йўқлигидан ҳайрон бўлиб, умиди пучга чиқай деб турганда ланг очиқ темир дарвоза томондан икки қиз кўринди. Обиджон бири иккинчисини йўқотиб қўйишдан қўрққандай маҳкам қўл ушлашиб олган қизларнинг бирини — ҳаворанг кўкракбурма кўйлакдаги, икки ўрим қалин сочинни боши атрофига чамбар қилиб ўраган, новчагина озғин қизни — Дилбарни дарҳол таниди ва овози борича қичқириб уни чақирмоқчи бўлди. Лекин, бундай қилиши кўпчиликнинг олдида одобдан бўлмаслигини ва бундай кўпол муомала билан Дилбарни ёнидаги қиз олдида ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини англаб, то улар яқинлашиб келгунча ўзини четга олиб туришга қарор берди.

Шу пайт радио карнайи тиқир-тиқир қилиб тинчиди-да, бир аёлнинг анча мулойим, талаффузи аниқ овози эшитилди:

— Диққат қилингиз! Уртоқ абитуриентлар! Ёзган иншоларингизга қўйилган баҳоларни эшиттирамиз. Фамилиялар группалар бўйича эълон қилинади. Биринчи «а» группа. Алимов Аъзам — «уч»... Ашимов Турдимурот — «тўрт»... Аюпов Рустам — «икки»...

Ҳовли сув сепгандай жим бўлиб қолди. Ҳамманинг қулоғи радио карнайида... Обиджон Дилбарнинг қайси группада эканини билмагани учун то унинг фамилияси чиққунча ҳамма фамилияларга баҳоларга эътибор билан қулоқ солди, «икки», «уч» баҳо олганлар ким бўлишидан қатъи назар, қишлоқча соддалик билан «атганг» деб, уларга ич-ичидан ачинди.

Орадан бор-йўғи ярим соатча вақт ўтган бўлса ҳам, Обиджонга бутун бир кун ўтиб кетгандай, узундан-узоқ рўйхат ҳозир тугаб, Дилбарнинг фамилияси чиқмайдигандай туюлди ва у дарахтзор ҳовли чеккароғида бир тўда қизлар даврасида хаёл денгизига фарқ бўлиб турган севгилисига гўё бир онда болу пардай учиб, йўқолиб қоладигандай, ўша томонга тез-тез қараб, Дилбарни кўргач, ич-ичида: «Э, шукр... Шукр-эй!» деб қўярди.

Обиджон группалар рақамини аллақачон адаштириб юборди. Узи: «Э, чакки бўлди», деб қўйди ва «муҳими — фамилия билан баҳо» деб, бутун вужуди қулоққа айланди.

— Климова Раиса — «тўрт»... Комарова Анастасия «беш»... Зуфарова Дилбар — «беш»...

У чиндан ҳам радиодан эшитдимиз, ёки ўйида, дилда янградими бу азиз ном?

Обиджон Дилбар турган томонга қараб, ёнидаги сутга чайиб олингандай оппоқ, нозик қаламқошлари, қисик қуралай кўзлари, сал пастроқ қаншари ўзига ярашган қиз Дилбарни қучоқлаб, ўпиб, табриклайётганини кўргандан кейингина радиодан янграган эълоннинг ростлигига ишонди.

— Мўминова Озода — «уч»... Полякова Зарипа — «тўрт»... Эшимова Тозагул — «беш»...

Энди Дилбар ёнидаги қизни қучоқлаб, ўпиб суя бошлади.

«Дугонасининг исми Тозагул экан... Эшимова... — ўйлади ўзича Обиджон. — Қорақалпоқ бўлса керак».

Обиджон радиодаги эълон давом этган сайин сийраклашиб бораётган йигит ва қизлар тўдасини четлаб ўтиб, қувончдан яшнаб турган Дилбар ва унинг дугонасига яқин бора бошлади. Обиджон имтиҳон кунларида Тошкентга бир келиб кетишни ваъда қилган бўлса ҳам, унинг бу ерга бундай тез келишини, бунинг устига уни институт ҳовлисида, имтиҳон баҳолари эълон қилинадиган пайтда учратишни кутмаган Дилбар уни кўрди-ю, турган жойида суратдай қотиб қолди.

Дугонасининг афт-ангорида содир бўлган ўзгаришни сезган Тозагул у тикилиб қолган томонга қараб, қўлида каттагина тугун кўтарганча шу томонга юриб келаётган, эфиопларни эслатувчи чўяндай қоп-қора барваста йигитни кўрди ва бир дугонасига, бир девсифат паҳлавонга тикилиб, масаланинг моҳиятига унча-мунча тushунди.

— Салом, қизлар, икковингизни ҳам «беш» баҳо билан табриқлайман!— деди Обиджон ва улкан дастурхонни чап қўлига олиб, ўнг қўлини аввал Дилбарга, кейин Тозагулга узатиб қўришди.

— Мени... Мени қаёқдан биласиз?— Тозагул ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Сиз олган «беш» баҳо эълон қилинганда Дилбархон сизни табриқлаганидан билдим!— Обиджоннинг чўғдай кўзлари кулимсиради ва Дилбарга қараб:— Бувим озгина патир билан сомса ёпиб бериб юбордилар, сиққизма... Қаерда ёйеизлар?— деб сўради.

— Уйимиз жақин!— Дилбар учун Тозагул жавоб берди.— Журинг, қўноқ!..

Учовлари институт ҳовлисида чикиб, обсерватория кўчасига бурилдилар. Ўз қишлоғи — Хонободдан келган меҳрибони Обиджонни кўриб турган кўзларига ҳамон ишонмаётган Дилбар уни саволга кўмиб ташлади:

— Бувим саломатми? Дадамни кўрдингизми? Сингилларим яхши юришибдимикин? Марина ишга кирди-ми, билдингизми? Одилжон нима қиляпти? Тўғон қурилиши бошландими? Ўзингиз яхши юрибсизми, ишларингиз қалай?

Обиджон Дилбарнинг саволларига бир чеккадан батафсил жавоб қайтарар, салом айтган ва айтмаганларнинг ҳаммаси номидан саломлар топширар, ўз навбатида тилининг боғичи ечилиб, тинимсиз сайрарди:

— Айтмаганмидим: имтиҳонлардан қўрқмангиз, ал-



батта, ўтасиз, деб. Мана, биринчиси «беш»! Қолганлари ҳам «беш» бўлишига аминман. Институтга албатта, кирасиз. Инженер-гидротехник бўлгач, тўғон бошқармасида ишлайсиз — ишончим комил!.. Ҳа, дарвоқе, бувим эртаю кеч сизни сўрайди. Қачон келади, дейди. Институтга кириб олгач, қишлоққа бир бориб келарсиз. Ёки, шаҳарлик бўлдим деб...

— Обиджон ака, уйни жуда соғиндим!— деди Дилбар учовлари Убайдулла ота боғининг эшиги олдида тўхташгач. — Биз шу ерда турамиз. Кириг!

Кекса боғбоннинг ҳовлисида ижарага турган қизларнинг ҳаммаси институтдан қайтиб келишган бўлса керак, боғ саҳнининг гулзорга айланганлиги эшик тирқишидан шундоққина кўриниб турарди.

Тозагул Обиджон билан хайрлашиб, ичкарига кириб кетди.

Обиджон тугунни Дилбарнинг қўлига тутқазди-да:

— Мен борай!..— деди.— Ҳар жиҳатдан кўнглим тўқ. Керак бўлсам, қолардим.

— Сиз менга доим кераксиз!— Дилбар оғир тугунни икки қўллаб кўтарганча Обиджонга муштоқ термилди.— Имтиҳонлардан қутиламани қишлоққа учиб бораман.

— Раҳмат!— Обиджоннинг нечундир намланган кўзлари севинчдан ғилтиллади.— Мен сизга ишонаман, Дилбар!.. Институтнинг сиртқи бўлимига қирмоқчиман, ҳужжатларимни топшираману Кампирравотга қайтаман.

— Ҳайр, Обиджон ака, мен қишлоққа бораман-у, сизни қурилишдан топаман. Меҳрибон бувингизни мен учун қучоқлаб, ўпиб қўйинг!..

— Хайр, омон бўлинг!..

Дилбар ҳовлига кириб кетгач, Обиджоннинг кўкраги тонг шабадасини ютгандай енгил тортиб, нечундир қўшиқ айтгиси келди — Қорадарёнинг дилгир қўшиғини:

Шарқираса мавжингда «Баёт»,  
Сувингдан юрт гулга тўлса-чи!  
Элга бўлиб сен оби ҳаёт,  
Ҳар томчингдан баҳор кулса-чи!..

### *Ун учинчи боб*

Одам учун дилсиёҳликдан оғирроқ алам йўқ. Ҳамма дардлардан ёмон бу дард юракни поралайди, асабларни

қақшатади, умрни қирқади. Дилсиёҳликнинг сабаблари кўп, ammo бир киши иккинчи бир кишининг дилини би-ла туриб, атайлаб, қасддан сиёҳ қилса бу бедаво дард худди ёмон сифатли ўсма касалидай, вужуд-вужудингизни қамраб, заҳарлаб, охири албатта йиқи-тади.

Сергей Николаевич бугун худди шундай бедаво дардга учради.

Биз Кампирравот сув омбори лойиҳаси муаллифи «Средазгипроводхлопок» лойиҳалаш институтининг бош инженери Сергей Николаевич Жуков ҳақида қиссамиз-нинг илк бобларида қисқача маълумот бериб ўтганмиз. Жуков бошлиқ лойиҳачилар экспедицияси Кампирравот дарасида бир неча ой давомида ишлаган, Қорадарёни турли фаслларда текшириб, ўлчаб, Қирғизистон тоғла-ридан оқиб тушадиган ва Қорадарёни ҳосил қиладиган Ясси, Қуршоб, Қора Фулжа, Тар сойларининг табиатини ўрганган, ниҳоят икки қўшни республика — Ўзбекистон ва Қирғизистон ерларини сув билан йил бўйи муттасил таъминлаб туришга қодир бўладиган Кампирравот сув омбори тўғони ва ундан тарқаладиган ирригация ша-хобчаларининг лойиҳасини ишлаб чиққан. Биз хонобод-лик Обиджоннинг Жуков экспедициясида пармаловчи бўлиб ишлаганини ҳам қайд этганмиз.

Бош инженер Жуков раҳбарлигида «Средазгипро-водхоз»да тайёрланган ва қирққа яқин қалин папка-ларга тахлаб муқоваланган лойиҳани институт илмий кенгаши маъқуллагач, икки республика Фанлар акаде-миялари, тегишли министрликлари, юқори раҳбарлик органларида, шунингдек, Москвадаги бир қанча ташки-лотларда кўриб чиқилди. Ҳар қандай янги катта иш ка-би, фавқулодда жасорат билан бажарилган бу улкан лойиҳа иши ҳам асосан маъқуллангани билан, уни тай-ёрлаш жараёнида анчагина эътирозлар ва баҳсларга ҳам сабаб бўлди. Айниқса, буюк тўғоннинг ўттиз уч секциядан иборат қилиб қурилиши, ҳар бир секциянинг икки миллиард кубометргача ҳажмдаги денгиз оғирлиги-ни мустақил кўтара билиши, бунинг учун ҳар бирининг қалинлиги олти метрлик темир-бетондан таянч-деворлар тикланиши, илмий тил билан айтганда, бир вақтлар ита-лян инженери Марчелло қўллаган контра-форс усулида, пирамида-эҳром шаклида ичи кавак антиқа тўғон лойи-ҳаси умри давомида фақат яхлит бетон тўғонлар қуриб

келган кўпгина тажрибали инженерларнинг бошини қотирди.

Лекин, Сергей Николаевич Жуков ва лойиҳани тайёрлашда қатнашган жами мутахассисларнинг бахтига, совет фани ва техникасининг энг обрўли арбоблари лойиҳани қўллаб-қувватладилар. Тежамкорлик жонбозлари — экономистлар эса, Жуковни табрикладилар, Госплан ҳам лойиҳани қизгин қувватлади. Бу усулда тўғон қурилиши давлатга бир миллион кубометр бетонни тежаб беражаги тежамкорлик тарафдорларига мўъжизадай туюлди.

Хуллас, Сергей Николаевич республика партия ташкилотининг мадади, дўстларнинг суяб-қўллаши билан ҳаётидаги энг қувончли кунларни кечириб юрганда бугунги дилснёҳлик уни қаттиқ ранжитди.

Ўзбекистондаги тўғонлар, каналлар, ГЭСлар, хуллас йирик ирригация ва энергетика иншоотларини лойиҳалаштирган, қурган етакчи инженерлар, олимлар бу соҳалар учун мутахассислар етиштириб чиқарувчи ўқув юртларига ҳам боғланганлар: биров озроқ дарс олган, бошқа биров диплом ишларига раҳбарлик қилади, баъзилар консультация беради ва ҳоказо. Бундай амалий-илмий ёрдам ва оталиқ ишлари натижасида илмий ишга рағбати бўлган истеъдодли ёшлар аниқланади ва кейинчалик улар масъулиятли илмий-лойиҳа ишларига жалб этилади.

Техника фанлари доктори Жуковни ўзи ишлаётган лойиҳалаш институтининг базаси — Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига боғладилар. Бу йил уни мандат комиссиясига раис қилиб сайладилар. Кириш имтиҳонлари айниқса қизиган шу кунларда у ҳар кун бир-икки соатга бўлса ҳам институтга боради ва имтиҳонлар давомида қизиқ-қизиқ ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади.

Бугун ҳам у институтга борди, анча одамлар билан учрашди ва ногоҳ уни дилснёҳликка олиб келган ғаройиб бир ҳодисанинг шоҳиди бўлди ҳамда бу адолатсизликдан ҳаддан зиё ранжиди.

Жуков институт янги биносининг биринчи қаватига жойлашган ректоратдан ўзига ажратилган хонага соат ўн иккида кириб келди ва кеча илмий секретардан илтимос қилган папкаларни ёзув столи устига тахлаб қўйилганини кўриб, хурсанд бўлди. Бу папкаларда инсти-

тутни бу йил имтиёзли дипломлар билан тамомлаган ва Кампирравот сув омбори қурилишига бориб ишлаш хоҳишини билдирган инженер-гидротехникларнинг шахсий варақалари, таржимаи ҳоллари ва «қизил» дипломлари бор эди. Жуков папкаларни санаб кўрди: йигирма иккита. Бу, албатта, оз. Ахир, гидроншоот қурилиши бошланиши билан бир вақтда ундан фойдаланиш дирекцияси ҳам ташкил қилинди. Бу идорага ҳам анча мутахассислар керак.

Сергей Николаевич деразага ўрнатилган кондиционердан енгилгина салқин шабада эсиб турган хона тўридаги ёзув столи орқасида юмшоқ креслога ўтириб, биринчи папкани очди-да, шахсий варақага кўз ташлади: Воҳид Азимович Мақсудов, ёши 25 да, КПСС аъзоси...

Шу пайт эшик очилиб, институтнинг илмий секретари Натан Файнберг қизғиш муқовали блокнотини кўтарганча кириб келди. У ёзув столи ёнига келиб, Сергей Николаевичга салом берди ва ундан ҳол-аҳвол сўрагач, блокнотини очиб: «Кўргонтепа районидан Фрунзе номли колхоз раиси ўртоқ Афзалов келибди. Сиз билан учрашмоқчи», деди.

Сергей Николаевич сув омбори қуриладиган Кампирравот дараси, шу кунларда аҳолиси кунсайин кўпайиб бораётган Қорабағиш посёлкаси, Хонобод ва яна бир қанча қишлоқларни ўз ичига олган Фрунзе номли колхозда бир неча марта бўлгани ва унинг раиси Норхўжа Афзалов билан кўп марта учрашгани учун ҳеч иккиланмай:

— Қирсин,— деб руҳсат берди.

— Раис ўғли Анвар билан келган.— Ҳамон блокнотдан кўзини олмаган Файнберг раиснинг нима учун келганини тушунтирди: — Кичик Афзалов — бизнинг абитуриентимиз. Олтин медали бор. Лекин, асосий фандан имтиҳондан ўтолмаган.

— Сабаб?— Сергей Николаевич ҳайрон бўлиб, кўз ойнаги устидан синчков тикилди.

— Комиссиянинг фикрича, унинг билим даражаси паст, ўрта мактаб программаси доирасидаги оддий саволларга ҳам жавоб бера олмаган.

Жуков масаланинг моҳиятига унча-мунча тушуниб:

— Майли, раис ўғли билан бирга қирсин,— деди ва

Мақсудовнинг папкасини ёпиб, креслога суялганча, отаболани кута бошлади.

У шу зайлда ўтирар экан, Афзаловни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Катта гўштдор бошидаги сочини доим устарада қириб, бошланг юрадиган, серсепкил юзи товоқдай катта бўлса ҳам, бурни кичик, кўзлари митти, гавдаси қўтосдег-у, нечундир овози ингичка, ўздан катталарга тол новдасидай эгилиб, кичикларга нописанд муомала қиладиган одам...

Жуковнинг унга бир неча марта иши тушди, кўпинча маслаҳат олиш учун мурсжаат қилди. Лекин, биронта иши битгани эсида йўқ. Чунончи, қабристонларни кўчириш масаласи... Жуков хонободлик икки киши: ирригатор мироб Илҳом Зуфаров ва пармаловчи Обиджон билан Қорадарё бўйлаб юқорига — то Оқтошгача боришди. Баланд-паст қирғоқлар, тоғ бағирларидаги адирларда қадим-қадим замонлардан қолган ташландиқ қабристонлар бор. Бу қабристонларни кўчириш учун ер керак. Одамлар билан машиналарни қурилиш беради, лекин ерни колхоз ажратиши лозим.

Шу масалани ҳал қилиш учун Жуков Зуфаров билан бирга Хонободга — колхоз правлениесига борди. Гарчи Афзалов телефон орқали ваъда бериб, қурилиш раҳбарларини таклиф қилган бўлса ҳам, буларни икки соатча кутдириб қўйди. Гўё, райкомда бюро мажлисида ушланиб қолган эмиш. У ёлғон гапирди. У кун райкомда бюро мажлиси йўқлигини Жуков яхши биларди. Афзалов меҳмонларни Фозилмонга таклиф қилди. Лекин меҳмонлар сув омборининг бутун территорияси тозаланиб, текисланганини, энди сув омбори тагида қоладиган қабристонларни қисқа муддатда бошқа ерга кўчириш кераклигини айтиб, халқ учун мақбул ердан жой ажратиб беришни сўрадилар. Афзаловнинг пешанаси тиришиб, жавоби мужмал бўлди: «Бу нозик масала. Оқсоқоллар билан маслаҳатлашиш керак. Ўйлаб кўрамиз...»

Жуков билан Зуфаров Хонободдан ҳафсалалари пир бўлиб қайтдилар.

Хуллас, бу масала ечилмай, иш тўхтаб қолди. Жуков шуларни ўйлаб ўтирар экан, кабинет эшиги қия очилиб, Афзаловнинг устарада қирилган гўштдор боши кўринди. У орқасидаги ўғлига:

— Қел, келавер, Анваржон, бахтимизга домланинг

ўзлари бор эканлар!— деди-да, эшикни ланг очиб, хонага гурсиллаб кириб келди.

Унинг кетидан ўгли Анвар кирди.

— Ассалому алайкум, Сергей ака! — Афзалов ёзув столи устига эгилиб, Жуковга икки қўлини узатди. — Кампирравотлик барча ёр-дўстлардан салом! — У кабинет ўртасида сўррайиб турган, қадди-баста отасига заррача ҳам ўхшамайдиган, найнов ўглини койган бўлди:— Э, кемайсанми, кўришмайсанми домламинан! Янги тўғонимиз лойиҳасини ашу домла чизганлар-да!

Анваржон липиллаб юриб келиб, Жуков билан қўл бериб кўришди.

— Зурёдимиз! — Афзалов орқасига шер суратли қоз ёпиштирилган жинси шими, ёқаси кенг ҳаворанг лавсан кўйлак кийган ўғлига ҳавас билан тикилди:— Инженер бўлмоқчи! Мактабни олтин медаль минан путирган!

Илмий секретарь Файнбергдан Анваржоннинг ягона имтиҳондан ўтолмаганини эшитган Жуков Афзаловнинг мақсадини тушунди ва ота-бола стол олдига қўйилган креслоларга юзма-юз ўтириб олишгач, фикрини лўнда қилиб айтиб қўя қолди:

— Мен медалликлардан имтиҳон олган комиссиянинг қарорини ўзгартиролмайман. Бирдан-бир ёрдамим шу бўладики, ўғлингизни медаль олмаган ҳисоблаб, умумий тартиб бўйича ҳамма абитуриентлар қаторида имтиҳонга киритамиз.

— Нега энди? Бу адолатсизлик-ку?! — Домланинг бир оғиз сўзи билан ўғлим ўқишга киради, деб қилган умиди парчаланган Афзалов тутақиб гапирди.— Ахир, олтин медаль оладиган ўқувчи мактабда мингта чиғриқдан ўтказилади-ку?

— Ўғлингиз медални қандай олгани билан бизнинг ишимиз йўқ.— Сергей Николаевич кексаларга хос мулойим товуши билан секин тушунтирди:— Бизни фақат бир масала — ўғлингизнинг биттаю-битта имтиҳондан ўта олмагани қизиқтиради. Демак, ўғлингизнинг билим даражаси институтга кириши учун етарли эмас.

— Комиссия ўғлимни қасдан йиқитган! — Афзалов қўлини пахса қилиб, овозини кўтарди.— Мен юқори ташкилотларга арз қиламан!

— Бекорга қизишяпсиз, — Жуков ҳамон салобат билан босиқ гапирди.— Келинг, бундай қилайлик: майли,

ўғлингизни иккинчи марта ўзи танлаган фани: майли, математика, майли, физикадан имтиҳондан ўтказайлик, майли, имтиҳон комиссиясининг ишида мен ҳам қатнашай. Нима дейсиз?

— Йўқ! Бу ҳақорат!— Афзалов ўта қизишиб ўрнидан туриб кетди.

— Таажжуб... — Жуков нима қилишини билмай шошиб қолди.— Уртоқ Афзалов, мен ўғлингизга ёрдам бермоқчиман. Модомики, олтин медалга муносиб ўқиган экан, имтиҳондан албатта ўтади.

— Раҳмат ёрдамларига!.. — Афзалов юзини хунук буриштириб, заҳарханда билан:— Яшаворинг-е!..— деди-да, ўғлининг қўлидан силтаб тургизди:— Юр, кетдик, бизнинг додимизга қулоқ соладиганлар ҳам бор!

Ота-бола кабинетдан чиқиб кетишгач, Сергей Николаевич креслога суянганча ўйга толди.

Унинг чап кўкраги санчиб, тилининг тагига валидол ҳафини ташлади-да, кўзларини юмди. Э, тавба, ташқи кўринишда анча савлатли, ўз қишлоғида ҳар бир киши соясига салом берадиган одам унинг дилини сиёҳ қилиб кетди. Демак, у зўравонликни ўзига одат, турмуш тарзи қилиб олган. Ҳа, бу касал, бу бедаво дард тугамади-тугамади. Бундай одамлар ўз юриш-туришлари, муомалалари бошқаларга эриш туюлишини ўзлари билмасалар керак. Нописандлик касали — оғир касал.

Сергей Николаевич бир неча дақиқадан кейин сал ўзига келди: юрагининг санчиги пасайди, кўнгли бир қадар равшан тортди. У энди бугунга мўлжалланган асосий иши: Кампирравот сув омбори қурилишига бориб хизмат қилиш истагини билдирган инженер-гидротехникларнинг ҳужжатлари билан таниша бошлади.

Орадан бир соатча вақт ўтгач, кабинет эшиги секин очилиб, Мария Ивановна кириб келди:

— Халал бермайманми, Серёжа?

— А, профессор, келинг!— Сергей Николаевич рафикасининг нимадандир жуда хурсандлигини кулиб турган кўзларидан ўқиб, креслога таклиф қилди: — Марҳамат! Дилингизда офтоб чарақлаб турганининг сабабини билсак бўладими?

— Сабаби — мана бу иш! — Мария Ивановна креслога ўтириб, қўлидаги дафтар варақларини кўрсатди.— Мен буни сизга кўрсатгани олиб келдим. Сиз ало-

ҳида муҳаббат билан лойиҳангизга...асос қилиб олган дийр ҳақида гўзал ҳикоят...

Жуков хотинига савол назари билан тикилди:

— Кампирравот ҳақидами? Ким ёзган?

— Уша ерлик қиз — Дилбар Зуфарова «Менинг жонажон ўлкам» мавзуини танлаган. Иншосидан маълум бўлишича, хонабодлик экан. Миробнинг қизи. Уша афсоналар ўлкаси Кампирравот дараси, Қорадарё тошқинлари билан асрий кураш, бош мироб Йўлдош Тўхта-хўжаевнинг фожиали ҳалокати, Йўлдош Охунбобоевнинг у ерга келиши ва биринчи тўғон қурилишидан то Жуков лойиҳачилари, яъни сизнинг экспедициянгизгача ҳамма-ҳамма воқеаларни ўзбек қизи рус тилида қисқа, равон, жуда таъсирли қилиб тасвирлаган. Яна муҳими: биронта ҳам имло хатоси йўқ!

— Қани-қани?— Жуков Дилбарнинг иншосини олиб, бир бошдан синчиклаб ўқий бошлади.

Мария Ивановна эрнинг кўзойнақни бурнининг учи-га қўндириб олиб, иншони эътибор билан ўқиётганидан ва ўқиган сари юзида мамнуният, кўзларида савинч белгилари пайдо бўлиб, сийрак сочи оппоқ оқарган бошини қимирлатиб қўяётганидан абитуриент қизнинг иши унга маъқул бўлганини, умуман эри ўзи билан ҳар доим ҳамфикр эканини яна бир марта сезиб, жилмайиб қўйдй.

— Истеъдодли қиз экан!— Жуков иншони ўқиб бўлгач, Мария Ивановнага кўзойнағи устидан қулиб боқди.— Сизни қобилиятли студент билан табриклайман!

— Студент бўлиш учун ҳали яна учта имтиҳон топшириши керак,— Мария Ивановна ўйланиброқ жавоб берди.— Талаб жуда катта.

— Талаб,— ҳар қачонги талаб,— Сергей Николаевич иншони Мария Ивановнага қайтариб бера туриб, ишонч билан деди:— Бундай иншо ёзган қиз бошқа фанлардан ҳам имтиҳонларни фақат «беш» баҳога топширади. Дарҳақиқат, Дилбарнинг саводи, истеъдоди, маданияти юксак, ҳуснихати ҳам дилбар экан. Бунинг устига, миробнинг қизи эканини айтмайсизми! Ҳа, эсладим: Зуфаров. Ирригатор Илҳом Зуфаров.. ажойиб мироб ва инсон! Мен уни танийман. Қўп марта суҳбатлашганман... Сиз, жоним, шу қизни назарингиздан қочирманг, кузатиб туринг. Балки, уни уйга чақирарсиз, бир танишиб олардик.



— Имтиҳонлардан кейин чақирсак, — деди Мария Ивановна ўрнидан турар экан. — Ҳозир ёшларнинг ҳар соати олтинга баробар!

— Ихтиёрингиз.

Мария Ивановна кабинетдан чиқиб кетиши билан телефон жиринглади. Жуков трубкани олиб, қулоқ солди. Терситский экан.

— Табриклайман, Сергей Николаевич! — ҳар доим кулиб туриб, мулойим гапирадиган Дмитрий Константинович ҳаяжонланганидан товуши ғайритабиний дўриллаб гапирарди. — Ҳозир Марказий Комитетдан телефон қилишди, Москванинг розилиги билан қурилиш республикага топширилибди. Чин юракдан табриклайман! Бўш бўлсангиз тезда етиб келинг, маслаҳатлашамиз.

— Сизни ҳам табриклайман, Дмитрий Константинович! Ҳозир етиб бораман.

Жуков папкаларни ёзув столи устига тахлаб, электр қўнғироқ тугмасини босди.

Бир неча дақиқадан кейин илмий секретарь кириб келди:

— Хизмат, Сергей Николаевич?

— Мана бу папкаларни қабул қилиб олинг, Натан Иосифович! — Жуков ўрнидан туриб, галстугини тузата бошлади. — Ҳамма номзодлар маъқул: «Андижонгидрострой» ихтиёрига юборилади, расмийлаштиришингиз мумкин.

— Бажараман, Сергей Николаевич! — Файнберг папкаларни кўтариб олаётиб, Жуковга тайинлади: — Ректорга учраб кетар экансиз.

Жуков кабинетидан қабулхонага чиқиб, рўпарадаги эшикни очиб кирганда ректор — кичик жуссали, тепакал боши хандалакни эслатувчи, қўллари калта Муслим Нозимович Нозимов икки юз кишига жой қилса бўладиган, шипига уч қатор биллур қандиллар осилган, қатор-қатор қизил пойандозлар тўшалган кабинетининг тўрида ҳашаматли ёзув столи орқасидаги улкан чарм креслода чўкиб ўтирарди.

У узун пойандоз устида аста юриб келган Жуковни кўриб турган бўлса ҳам, пинагнини бузмадигина эмас, ҳатто ўтиришга таклиф ҳам қилмади. Сергей Николаевич ректорнинг рўпарасида тик туриб қолди ва аллақандай қоғозни ўқишга машғул бўлган Нозимовдан сано чикавермага:

— Чақирибсиз? — деб сўради.

— Ҳа, дарвоқе..— Нозимов муҳим ҳужжатдан ноилоҳ бош кўтарган одамдай бир ижирғаниб: — ...абитуриент Афзалов ҳақида...— деди ва яна хатга тикилиб, қўшимча қилди.— Биз Афзаловнинг Олтин медалини инобатга олиб, институтга қабул қилиш ҳақида буйруқ тайёрладик. Мен шуни айтиб қўйиш учун сизни чақирдим.

— Комиссиянинг фикрича..

— Мен сизни,— деди Нозимов Жуковга совуқ тикилиб,— ректорнинг буйруғидан хабардор қилдим.

Сергей Николаевич:

— Афзалов бари бир ўқиёлмаса керак...— деб гап бошлаганда Нозимов:

— Кўрамиз. Гап тамом! — деб суҳбатни шартта кесди.

Жуков кабинетдан, ўта ранжиб, бир аҳволда чиқди.

Раис билан суҳбатдан дилсиёҳлик ва ректорнинг совуқ муомаласидан мулзамлик қўшилиб, унинг таъби ўлгудай тирриқ бўлди.

Жуков кўчага чиқиб, ёш чинорлар тагидаги сокин йўлқадан пиёда юриб борар экан, Дилбарнинг иншосини эслади ва бир қишлоқдан чиққан икки ёш: олтин медаль олган чаламулла йигит ва фақат ўз билимига ишонган истеъдодли қизни фикран бир-бирига таққослашга уриниб кўрди.

Шу пайт Терситскийнинг телефон орқали айтган хушxabари эсига тушиб, «Средазгипроводхоз»га барвақтроқ етиб бориш учун қадамини тезлатди..

### *Ун тўрттинчи боб*

Мария Ивановнанинг бу йил ҳам дам олиши амримаҳол бўлиб қолди. Бултур-ку, Сергей Николаевич Кампирравот сув омбори лойиҳаси устида ишлаш учун экспедицияси билан бирга у ерда қолиб кетгани сабабли Қисловодск путёвқалари қайтариб берилган эди. Врачлар бу йил ҳам икковларига Карловн Варига бориб даволаниш зарурлигини уқтиришди. Узсофпроф айни Жуковлар айтган муддат — ўнинчи августдан «Империял» санаторийсига иккита путёвка ажратди. Мария Ивановна бир неча кун югуриб юриб, ўзи ва эрининг ҳужжат-

ларини, тиббий справка ва фотоларни тўплаб, Курорتلар бошқармасига топширди. Хуллас, даволанишга кетиш учун ҳамма нарса тайёр. Фақат Сергей Николаевич хотинидан путёвкларни олмай туришни ва совет пулини чех кронига алмаштиришга шошилмасликни илтимос қилди.

Бугун — саккизинчи август. Қуёш эрталабдан олов пуркаяпти. Ҳарорат кеча қирқ бирга чиққан эди, бугун ҳам ўшанга яқинлашиб борса керак. Мария Ивановнанинг институтдаги ҳамма ишлари битди. Имтиҳонлар бўйича унга топширилган икки вазифа бажарилди: медалчилардан имтиҳон олган комиссияга раислик қилди ҳамда ўз соҳаси — рус тили ва адабиётидан имтиҳонларни ўтказиб, ректоратга ёзма ҳисобот берди.

Карлови Варига Ўзбекистондан бирга борадиган кишилар бундан уч кун аввал поездга чиқдилар. Жуков эса «биз самолётда етиб борамиз», деб хотинини хотиржам қилди.

Мария Ивановна соатига қаради: 8 дан 50 минут ўтибди. Сергей Николаевич ҳеч қачон бунча кеч турган эмас. Лекин, уч меҳмони: Олим Исматов, сув хўжалиги министри Саттор Расулов ва «Андижонгидрострой» бошлиғи Борис Мусаев билан эрталаб соат олтигача суҳбатлашдилар. Сергей Николаевичнинг иш кабинетида ёзув столи, журнал столчаси, креслолар, харита, чизма ва ҳоказо қоғозларга тўлиб кетди, блокнотлар очилиб, улардаги ёзувлар бўйича баҳс, тортишув қизигандан қизиди. Сергей Николаевич билан министр чекканликлари учун, балкон эшиги очиб қўйилди ва тунги бир қадар салқин ҳаво нафас олишни енгиллаштирди.

Ҳар бирининг ёши бир ерга бориб қолган бу тўрт эркакнинг баҳси кечки овқатдан кейиноқ, улар меҳмонхонадан кабинетга ўтишлари билан бошланди. Меҳмонларнинг, айниқса, хушфеъл Борис Мусаевичнинг: «Азизам Мария опа, бас энди, сиз ётиб дам олинг!» — деб тинмай чой дамлаб турган уй бекасига қайта-қайта илтимос қилишига қарамай, Мария Ивановна дўстлар суҳбати қизиб турган кабинетга тун бўйи бир неча марта кўк чой дамлаб кирди ва эшитганларидан шуни англадики, Кампирравот сув омбори қурилишига доир жуда муҳим масалалар ҳал этилибди.

Ўттиз беш йиллик қадрли умр йўлдоши Сергей Николаевичнинг ўз касбдош дўстлари ва шогирдлари би-

дан қилган бир неча йиллик меҳнати муваффақиятли яқунланганидан ва бу кеча бугун ҳаётини Ўзбекистонда сув муаммосини ҳал этишга бағишлаб келаётган азиз меҳмонлар ташриф буюрганидан чексиз қувонган Мария Ивановна яна бир гал чойнак олиб кирганида суҳбатдошларнинг бўш пиёлаларига хушбўй кўк чой қўйиб чиқди-да, эшик олдидаги бўш креслога ўтириб, ўз фикрини қизгин баён қилаётган Исматовнинг сўзларига қулоқ солди.

— Гидроиншоот қурилишининг республикамизга топширилгани Марказий Комитетимизнинг бизга катта ишончидир. — Исматов ўзининг бу фикрини алоҳида руҳланиб таъкидлади. — Албатта, СССР Энергетик саноати министрлиги бизнинг буюртмамизни тез ва соз бажариб бериши мумкин эди. Братск ГЭСи, Красноярск ГЭСи, Тўхтағул сув омбори ва ГЭСи сингари буюқ қурилишларда бой тажриба орттирган Иттифоқ министрлиги учун Кампирравот сув омбори ва ГЭСини барпо этиш ҳеч гап эмас. Унинг мутахассислари бизга келиб, ишни бажарадилар-у, яна бошқа бир қурилишга кетиб қоладилар. Ишлаб чиқариш базалари ҳам вақтинча бўлади. Аммо, иншоотни биз қурадиган бўлсак, ҳозир ишлаб турган мутахассисларимизга қўшимча қурилишга минг-минглаб кадрлар тайёрлаймиз: бетон заводларидан тортиб уйсозлик комбинатигача ҳамма корхоналарни мустаҳкам негизда барпо этамиз, токни тўғон билан ГЭС қурилиб бўлгандан кейин ҳам бу йирик саноат базалари фақат Фарғона водийси ва биргина Ўзбекистон учун эмас, Қирғизистон учун ҳам, бошқа қардош республикалар учун ҳам ишлаб турсин.

— Жуда тўғри айтасиз! — Саттор Расулов Исматовнинг фикрини қувватлади. — Водийдаги шаҳар ва районларнинг аҳолиси зич. Чунончи, Андижон областида бир ярим миллион киши яшайди. Область ҳар йил йигирма минг йигитни армияга юбориб турибди — булар ҳаммаси уйларига турли касб эгалари бўлиб қайтишяпти. Саноат корхоналарини кўпроқ қуришимиз, одамларни иш билан таъминлашимиз керак.

— Мен шу кунларда ажойиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. — Шу пайтгача индамай, суҳбатга қулоқ солиб ўтирган Мария Ивановна хонага кириб, гапга аралашди. — Қўрғонтепа районининг Хонобод қишлоғидан келган Дилбар Зуфарова деган соддагина ўзбек қизи ин-

ститутимизнинг рус группасига кириш учун имтиҳон берди. Унинг «Менинг жонажон ўлкам» деган эркин мавзуда ёзган иншосини ўқиб, тўғриси айтсам, жуда ҳайратландим. Сизлар улкан сув иншооти барпо этмоқчи бўлган тоғ-даралар, Қорадарё, у ердаги халқлар тарихи, мироблар ҳаёти ва ҳозирги ишларни ўзбек қизи рус тилида шу қадар мазмунли ва чиройли тасвирлаганки, мен унинг иншосини Сергей Николаевичга ҳам кўрсатдим.

— Ҳа, дўстлар, — Жуков тасдиқлади, — қизчанинг истеъдодига тан бердим.

— Ҳа, ишимизни давом эттирадиган ёшлар етишяпти! — деди Сергей Николаевич ва суҳбатдошларининг эътиборини узун столга ёзиғлиқ схемага қаратди. — Энди тўғон пойдеворининг ҳисобларини яна бир синчиклаб кўриб чиқайлик...

Эркаклар ўз иши билан машғул бўлганини кўрган Мария Ивановна кабинетдан чиқиб, ётоқхонага кирди ва қўлидаги соатини ечиб, курси устида ёниб турган тунги чироқ шуъласига тутди: учдан йигирма минут ўтибди. Бир нафас ёнбошлаб дам олмоқчи бўлиб, қўйлагини ечмасданоқ ўрнига чўзилди. У чироқни ўчириб, бошини ёстиққа қўйди дегунча чарчоқ ғалаба қилиб, беихтиёр ухлаб қолди.

Мария Ивановна чўчиб уйғонганда аллақачон тонг отган, кенг дераза ойналари ёп-ёруғ, тепа қаватдаги қўшнининг радиосидан болалар хорининг янгроқ садоси эшитиларди. Демак, болалар учун эшиттириш берилаётган бўлса, соат саккизга яқинлашибди.

Мария Ивановна дарҳол ўрнидан туриб, оёқларининг учига шиппагини илди ва ваннахонага кириб, бет-қўлларини ювгач, йирик тишли узунгина тароқ билан кейинги бир йил ичида анча сийраклашган асил хинага бўялгани учун қизғиш тусга кирган сочини тараб бўлгач, эркаклардан хабар олиш учун кабинет эшигини қия очиб кўрди. Улар ўзларига бир амаллаб жой солиб олишибди: Исматов диванда, Саттор Расулович билан Борис Мусаевич ерга бир қават солинган кўрпачаларда, бошларига ёстиқларини қўйганча ухлаб ётишибди. Сергей Николаевич балкондаги кушеткага чўзилган бўлса керак.

«Э, мени қаранг-а! — ич-ичидан ўқинди Мария Ива-

новна.— Шундай азиз меҳмонларга жой солиб бермай, ётоқхонамга кириб ухлайверибман!»

У меҳмонларни уйғотиб юбормаслик учун кабинетдан оёқ учида чиқиб, ошхонага кирди ва чойгумни сувга тўлдириб, газ плитани ёндириб, унга қўйгач, дарҳол овқатга уннади. Нонуштага қиймали мастава яхши: ҳам тез пишади, ҳам хушхўр.

Шу пайт елкасига сочиқ ташлаганча ошхонага кириб келган Сергей Николаевич:

— Соат олти яримда ётдик, Машенька!— деди ва ҳар кун эрталабки одати бўйича хотинининг елкасига қўл ташлаб, юзидан беозоргина ўпди.— Ўзинг яхши дам олдингми?

— Жой ҳам солиб бермабман..— Мария Ивановна хижолат чекиб узр сўради.— Кечир, Серёжа! Мастава ярим соатда тайёр бўлади.

— Жуда соз!— Сергей Николаевич кафтларини бир-бирига ишқаб, шод гапирди:— Ҳамма масалаларни келишиб олдик! Ана энди жуда катта иш бошланади.— У кабинет томонга қулоқ солди.— Мен борай, дўстлар туришди, чамамда... Ҳа, буюк қурилиш бошланади!

— Отпускамиз нима бўлади, Серёжа?

— Сени бугун Москвага учираман,— Сергей Николаевич хотинини елкасини силаб туриб, мулойим товуш билан гапирди.— У ерда Карлови Варига кетаётган группамизга қўшилиб, поездга чиқасан. Кўпчилик ҳамроҳлар — танишларимиз. Яхши дам олиб, даволаниб келасан!

— Мен сенсиз ҳеч қаерга бормайман!— Мария Ивановна эрининг уйқусизликдан киткайган кўзларига, соқоли ўсган ҳорғин юзига термилди.— Мен ҳам улкан иш бошланаётганини сезиб турибман. Сен билан Кампирравотга кетаман. Дарё тепасида, адирларда салқин жойлар, булоқлар бор. Уша ерларда дам ола қоламан.

— Мени деб сен ҳам даволана олмайдиган бўлдинг.. Аттанг!— Жуков маъюс тортиб, хотинидан узр сўради.— Кечир мени, Машенька!

— Ҳечқиси йўқ! Биринчи марта шундай бўлаётгани йўқ-ку.

— Сергей Николаевич! — кабинет томондан Саттор Расуловичнинг дўриллаган овози эшитилди.— Чой-пой борми бу уйда?

— Бор!— Мария Ивановна эрига жилмайди.— Дўст-

ларингни меҳмонхонага таклиф қил! Мен ҳозир нонушта олиб кираман.

Соқолларини олиб, ювиниб, кийиниб олган эркаклар меҳмонхонага кирдилар. Мария Ивановна улар билан саломлашиб, каттагина доира столга оппоқ дастурхон ёзди, нон-чоё қўйгач, кашнич ва райхонлар кертиб солинган хушбўй маставани пахтагулли нафис чинниларда олиб кирди.

— Бай-бай, ҳиди маст қилади! — Борис Мусаевич зарҳал гуллари товланиб турган ёғоч қошиқда қайноқ маставадан ҳўплар экан:— Э, аттанг, аттанг, иш куниди! — деб қўйди.

— Бир рюмкадан қуяйми? — Сергей Николаевич ойнаванд жавонда йилтиллаб турган коньяк шишаларига ишора қилди.

— Шайтоннинг васвасасига учманг, Сергей Николаевич! — Исматов ҳазиломуз оҳангда дўстларининг майлини қирқди: — Иш куния!

Борис Мусаевич:

— Бари бир йўлга чиқамиз... — деб гапни айлантирган эди, Исматов бўш келмади: — Тўғоннинг пойдевори га биринчи кубометр бетонни босган кунимиз сизларга мен ўзим қўйиб бераман!

Хонага Мария Ивановна иккита чоёпақ кўтариб кириб, эрининг бошига эгилди-да, қулоғига аста деди:

— Тўртта машина келиб турибди.

Бу гапни дастурхон атрофидагиларнинг ҳаммалари эшитдилар.

— Тўртталамиз Андижонга менинг машинамда кетамиз, — деди Борис Мусаевич.

Нонуштадан кейин эркаклар папкалари, портфелларини кўтариб, кўчага чиқдилар. Уларни кутиб турган тўртта оқ «Волга»дан учтаси қайтариб юборилди. Борис Мусаевичнинг шофёри Турғунали «Андижонгидрострой»га кечагина Тошкентден олинган янги «ГАЗ-24»нинг эшикларини ланг очиб, шамоллатиб ўтирган экан. Дўстлар ҳали бўёғининг ҳиди кетиб улгурмаган бу янги машинага ўтираётганларида Сергей Николаевич хотинига тайинлади:

— Агар Қарлови Варига бормасанг, мен икки ҳафтадан кейин келиб, сени Кампирравотга ўзим олиб кетаман. Хайр, жонгинам!

Машина юриб кетгач, Мария Ивановна то у чорра-ҳадан ўннга — Оҳангарон йўлига бурилиб, кўздан юйиб бўлгунча чинор шохлари соя ташлаган йўлкада тик туриб қолди. Кейин уйга кириб, Узсофпрофнинг Курортлар бўлимига телефон қилди ва фамилиясини айтиб, эри ҳам, ўзи ҳам Қарлови Варига бормасликларини билдирди.

Кейин у ҳар куни нонуштадан кейинги одати бўйича меҳмонхонада дастурхон йиғиштириш, ошхонада идиш-товоқ ювиш билан машғул бўлди.

У бу йил дам олишга бормаيدиган бўлганидан ҳафа эмас. Бултур ҳам, ундан аввалги йил ҳам бормади. Балки, келгуси йил ҳам бормас. У ўттиз беш йил давомида Сергей Николаевич билан бирга бўлди. Булар шодликларни ҳам, кулфатларни ҳам бирга торттишди; бошқа-бошқа соҳаларда ишлашларига қарамай, ҳар бир ишни бамаслаҳат қилишди; аввал кандидатлик, кейин докторлик диссертациялари устида йиллар давомида иш олиб борар эканлар, бир-бирларига мададкор бўлишди. На Мария Ивановна, на Сергей Николаевич бирор марта дам олишга ҳам ёлғиз борганлари йўқ. Тўғри, ҳар бирининг иш юзасидан бошқа шаҳарларга алоҳида-алоҳида командировкалари бўлиб туради. Ана шунда телефоннинг уйи бузилади: қайси бири қаерда бўлмасин, ҳар кўн бир-икки марта кўнғироқ қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, маслаҳатлашиб туришади.

Сергей Николаевич ирригация иншоотларини лойиҳалаш бўйича жуда кўп муҳим вазифаларни бажарган бўлса ҳам, аммо унинг бу галги иши аввалгиларига нисбатан бошқача, каттароқ, муҳимроқ ва буткул янгича эканини, балки унинг бу галги лойиҳаси иш фаолияти давомидаги бош лойиҳа бўлиши мумкинлигини, айниқса, бу ишни бажарадиган юқори мартабали, кишилар ташрифи ва уларнинг тонггача давом этган баҳсидан сўнг Мария Ивановна дил-дилидан ҳис қилди. Шу сабабдан ҳам у Қарлови Варига бориб дам олишдан воз кечганига заррача афсусланмади.

Кечга яқин телефон узун-узун жиринглади. Бу албатта, шаҳарлараро алоқа станциясидан.

Мария Ивановна трубкани олиб, қулоқ солди. Ҳа, бу Сергей Николаевич.

— Машенька, Кампирравотга соф-саломат етиб келдик,— деди Жуков.— Борис Мусаевич «Андижонгидро-



строй» биносидаги ўз кабинети ёнидан менга хона ажратиб берди. Телефоним: 5-20-12.

— Ҳайрият,— Мария Ивановна эрининг тетик овозидан қувониб, унинг телефон номерини блокнотга ёзиб олди ва нечундир, беихтиёр:— Қорнинг очдир?— деб сўради.

— Ҳозиргина девзира гуручда, жувоз ёғида пиширилган палов едик!— Сергей Николаевич шод гапирди.— Турғунали ошни болабди!

— Мен тезроқ бора қолай?— сизқидилдан сўради Мария Ивановна.

— Машенька...— Сергей Николаевич бир дақиқа ўйланиб туриб, ёлворганнамо гапирди:— Сен, ҳарқалай, Карлови Варига бориб, даволаниб кел! Илтимос, жоним!

— Мен Узсовпрофга телефон қилиб, путёвкаларни олмаслигимизни айтдим. Бу тўғрида бошқа гап бўлиши мумкин эмас.— Мария Ивановна эрини хотиржам қилиш учун қўшиб қўйди:— Мен сенинг ёнингда бўлсамгина дам олишим мумкин. Хўш, қачон борай?

— Мен, Машенька ҳозирча кабинетда диванда ётиб тураман. Келувчилар кўп, тураржой кам.— Хотинига тушунтирди Жуков.— «Андижонгидрострой» бир нечта уй қурапти. Мен жой олишим билан сенга дарҳол телефон қиламан. Уйда айтганимча, икки ҳафта сабр қиласан. Хўпми?

— Хўп,— Мария Ивановна эрига одатдаги насиҳатларини қилди:— Ўзингни эҳтиёт қил, Серёжа! Кечқурунлар иссиқ кийиниб юр! Вақтида овқатлан!..

— Хўп, хўп... Айтганингни қиламан, жоним!— Сергей Николаевич хотинига миннатдорчилик билдирди.— Ташаккур!.. Сен ҳам уйда яхши дам ол! Иссиққа чиқма!..

...Институтдан отпусқа олган Мария Ивановна бир неча кун давомида уйни тартибга келтирди, эри билан ўзининг кабинетлари алоҳида-алоҳида бўлгани учун ҳар бирини икки-уч кунлаб тозалади, китоб жавонларини артиб, кейинги бир неча ой давомида олинган янги нашрларни жой-жойига терди ва бу ишларнинг ҳаммасини ўрнига қўйгач, журналларнинг кейинги сонларидан баъзи асарларни танлаб ўқишга киришди.

Сергей Николаевичнинг ҳар кун кечқурун телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўраб туриши одат тусига кириб қол-

ди. У хотинининг тинчлиги, соғлигини билиб хотиржам бўлгач, ўз ишидан қисқача ахборот беради. Шу кунларда бўлажак тўғонга пойдевор қўйиладиган жой тайёрланаётган эмиш. Бунинг учун Қорадарёнинг икки томонидан минг-минг кубометр қоятошлар портлатилипти, тўғон таги ўн метрча чуқурликда кавланипти. Албатта, бу мислсиз улкан иш ҳам асосан портлатиш йўли билан бажариляпти...

Августнинг йигирманчи куни Жуков уйига жуда кеч — соат тунги ўн иккига яқин телефон қилиб, эртага эрталаб машинада йўлга чиқишини, кечга яқин Тошкентга етиб келишини ва бу ерда икки кун бўлиб, ишларини битиргач, Мария Ивановнани Кампирравотга олиб кетишини хабар қилди. Унинг айтишича, яқинда топширилган икки қаватли уйдан буларга икки хоналик квартира ажратилибди, бошқарма унча-мунча уй жиҳозлари ҳам берибди.

Мария Ивановна кунбўйи бўш бўлгани учун институтга боришга ва Мандат комиссиясидан ўтган, ўқишга қабул қилинган студентларнинг рўйхатлари билан танишишга қарор берди. Уни, айниқса, Дилбар Зуфарованинг институтга кирган-кирмаганлиги қизиқтирарди. Дилбар иншо билан тарихдан «беш» баҳолар олган бўлса ҳам, лекин унинг математика ва физика имтиҳонларидан қандай ўтганлиги Мария Ивановнага маълум эмас. Бунинг устига, Жукова Дилбар билан учрашиб суҳбатлашиш ҳақидаги орзусини амалга оширмоқчи.

У институт ҳовлисига кириб келганда кўча томондаги девор бўйлаб ўрнатилган узундан-узоқ кўргазма тахталарга ёпиштирилган рўйхатлар қаршисида юзлаб қиз ва йигитлар тўдалашиб туришарди. Мария Ивановна шу ерга яқинлашиши билан ёшлардан кўплари уни таниб, профессорга йўл беришди.

Мария Ивановна рўйхатларга кўз югуртириб, Дилбарнинг группасини топди ва шу группа рўйхатининг ўртароғида «Зуфарова Дилбар» деган ёзувни кўргач, эркин тин олиб қўйди.

Шу пайт оддий чит кўйлак кийган бежиримгина бир қиз ёшлар даврасидан ажралиб чиқиб, профессорга яқинлашди:

— Салом, Мария Ивановна, сизни ким қизиқтиради?

— Зуфарова «беш» баҳолар билан ўтибди, хурсанд-

ман,— деди Мария Ивановна. — Сиз ҳам ўтдингизми? Исмингиз нима эди?

— Тозагул.— Қизчанинг чиройли юзида ташвиш аломати кўринди. — Мен 18 балл билан ўтдим. Дилбар 20 балл олди. Лекин ул институтда ўқимай, қишлоғига қайтиб кетмоқчи.

— Нега энди?— Мария Ивановна Тозагулга ҳайрон тикилди.— Сабаби бордир, ахир?

— Сабабини айтмади,— Тозагулнинг манглайи тиришди.— Дилбар ҳозиргина сиртқи бўлимга ўтказиш ҳақида ариза ёзиб, ректорнинг қабулхонасига кириб кетди.

— Таажжуб...

Мария Ивановна Тозагул билан хайрлашиб, институт ҳовлисидан чиқа бошлаганда хонободлик раис Афзаловнинг ўғли Анваржон ҳақида, яъни қабул комиссиясининг суҳбатидан ўта олмаган бу абитуриентни институтга қабул қилиш юзасидан ректор Нозимовнинг буйруқ бергани ҳақида Сергей Николаевич айтган гаплар эсига тушиб, яна кўрсаткич тахталар томонга қайтди ва ўқишга қабул қилинган медалчилар рўйхатида биринчи қилиб ёзилган «Афзалов Анвар»нинг исм-фамилиясини кўргач, дили ранжиб, ҳозироқ ректор ҳузурига киришга ва ўз норозилигини билдиришга аҳд қилди. Бундай қилишни Мария Ивановна яна шунинг учун ҳам ўз виждон амри деб билдики, у қабул комиссиясининг аъзоси сифатида Анваржон имтиҳон топширганда иштироқ этган ва бу йигитчанинг олтин медаль олишга ақалли яқин келадиган билими йўқлигига ишонч ҳосил қилган, шу сабабдан ҳам комиссиянинг Афзаловни институтга қабул қилмаслик ҳақидаги қарорига қўл қўйган эди.

Жукова ректор қабулхонасига кирганда, Нозимовнинг кабинетидан қўлида қоғоз билан отилиб чиққан Дилбарга дуч келди.

— Мени кутиб туринг!— деди у қизга ректорнинг кабинетига кириб кета туриб.

Мария Ивановна кирганда, Нозимов узун кабинет тўридаги чуқур креслосида чўкиб ўтирганча аллақандай рангли журнални варақлар, ундаги аллақайси машҳур киноактрисанинг суратига тикилганча лаззатланиб жилмаярди.

— Мумкинми?— Мария Ивановна хона этагида бир нафас тўхтаб, сўради.

— Кириб бўлгандан кейин сўрашнинг ҳожати йўқ,— Нозимов журнални ноилож ёпиб, Жуковага тикилди:— Хизмат? Утиринг...

Мария Ивановна ректор қўл учи билан кўрсатган стулга ўтирди.

— Бир хатони тузатиш учун ҳузурингизга кирдим, Муслим Нозимович,— деди у.— Гап абитуриент Афзалов устида боряпти.

— Эрингиз профессор Жуков ҳам менга шу ҳақда мурожаат қилган эди,— Нозимовнинг митти кўзлари совуқ йилтиллади.— Икковингиз тил бириктириб олиб-сизлар. Таажжуб...

— Нимаси таажжуб?— Мария Ивановна ҳаяжонини босишга уриниб, вазмин гапирди.— Ахир, қабул комиссияси рад этган номзодни сиз қувватлаб, буйруқ бериб-сиз.

— Тўғри қилдим!— Нозимов қаддини сал кўтариб, креслода ўнгланиб ўтириб олди.— Ҳаққим бор! Ахир, мен ректорман, ўртоқ Жукова! Қишлоқ мактабларидаги аҳволни назарда тутиб, Афзалов номзодини қувватладим. Гап тамом!

— Йўқ, гап тамом эмас,— Мария Ивановна ўрнидан аста турди.— Мен қабул комиссиясининг аъзоси сифатида, ноҳақ буйруғингизга қарши эканлигим ҳақида Олий таълим министрлигига норозилик хати ёзиб юбораман.

— Менга деса, ундан юқорироққа ёзинг!— Нозимов ўтирган ерида овозини кўтарди.— Менинг буйруғим қатъий!

Нозимовнинг митти кўзлари ола-кула бўлиб, вазҳати ўзгараётганини кўрган Жукова:

— Безовта қилганим учун кечирасиз,— деди-да, кабинетдан чиқиб кетди.

Қабулхонада уни кутиб турган сезгир Дилбар Жукова чиқиши билан бир неча дақиқа ичида сезиларли даражада маънос тортиб қолган профессор опадан:

— Хафа кўринасиз, Мария Ивановна?— деб сўради.

— Мени қўявер! Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?— Жукова қизни сенсирай бошлади ва унинг қўлидаги қоғозга ишора қилди.— Бу нима?

— Ариза!— Йирик шаҳло кўзларида шиддат ўти чақнаб турган Дилбар дадил жавоб берди.— Сиртдан

ўқишга ўтиш ҳақида ариза ёздим, ректор қўл қўйиб берди.

— Нега энди? Ахир, ҳамма имтиҳонлардан «беш» баҳо олибсан-ку?— Мария Ивановна Дилбарнинг қўлидаги қоғозни олиб, ариза текстини ва унга: «Сиртқига ўтказилсин», деб қўйилган имзони ўқиб чиқди.— Ё, тавба!.. Бу ишининг тагида бир сир бор!.. «Кампирравот сув омбори қурилишида ишламоқчиман», дебсан аризангда?

— Ҳа, шундай: «Андижонгидрострой»га ишга кирман... Кечирасиз, Мария Ивановна, мен ҳозир бориб, ҳужжатларимни расмийлаштиришим керак. — Дилбар аризани Жукованинг қўлидан олиб, қабулхонадан чиқиб кета бошлади.

— Диля!— Мария Ивановна қизни чақирди.— Мен ҳам Кампирравотга кетяпман. Сергей Николаевич ўша ерда.

Дилбар: «Мен сизларни албатта, Хонободда кутаман, бизникида меҳмон бўласиз», деди-да, эшикдан отилганча чиқиб кетди.

Қизнинг шиддатли хатти-ҳаракатидан ҳеч нарсани тушунолмаган Мария Ивановна «бу ерда бир сир бор», деган фикрини яна дилидан ўтказиб, ғалати бир аҳволда, ўйга толганча, бир нафас тик туриб қолди...

У уйига келгач, Анвар Афзаловни институтга қабул қилишда қоида бузилганлиги, ректор Нозимов қабул комиссиясининг қарорига қарши буйруқ чиқаргани ҳақида Олий таълим министрлиги номига батафсил шикоятнома ёзиб, конвертга солиб ёпиштирди ва кўчага чиқиб, уй деворига михланган почта қутисига ташлади.

Соат кеч саккизларга яқин кун оғиб, қуёш ҳарорати анча пасайди. Нафас олиш енгиллашди. Мария Ивановна уйдан чиқди ва кенг йўлкадаги қатор сершоҳ чинорлар тагига қўйилган скамейкага ўтириб, Сергей Николаевичнинг Андижондан етиб келишини кута бошлади...

### *Ўн бешинчи боб*

Ҳар доим ғира-шира тонгда уйғонадиган ва илиқ душдан кейин сеvimли хотини Хонзода билан меҳмонхонада нонушта қилишгач, узоқ бригада ёки фермалардан бирига жўнаб кетадиган Афзалов бугун тарки одат қилди. У саҳармардонда бир уйғонган бўлса ҳам, юмшоқ

баҳмал тўшакка биқин бериб, оппоқ парқу болнида хушбўй сочлари сочилганча нишиллаб ухлаб ётган хотинини беозоргина қучоқлади-да, яна кўзларини юмди.

Унинг бугун дам олиб, роҳатланишга ҳаққи бор: бир эмас, бирдан уч маросимни қўшиб ўтказмоқчи. Аслида у Хонзодага «сенинг қирқ ёшингни байрам қиламиз», деб ваъда берган, Хонзода бундан қувониб, анчадан буён тайёргарлик кўриб юрган бўлса ҳам, лекин кейинги кунларда унинг ўзи яна икки воқеани қўшиб нишонлашни эридан илтимос қилди. Бу воқеалардан бири — Афзаловнинг эллик ёшга кирганлиги ва иккинчиси — Анваржоннинг институтга қабул қилинганлиги эдики, Афзалов хотинининг сўзини ерда қолдиролмай, район газетасининг босмахонасига телефон қилиб, тайёрланаётган зарҳал таклифномага тегишли қўшимчаларни киритди.

Мана уч кундирки, Афзаловнинг қадрдони ва ишончли дастёри Азиз Абдуллаев раиснинг хусусий «Жигули»сида эртадан-кечгача таклифнома тарқатиб юрибди. Ҳазил гапми беш юзта таклифномани беш юзта адресга етказиб бериш! Бир томони — Уш ва Андижон, яна бир томони — Ўзган ва Жалолобод!..

Афзалов Тошкентдаги ёр-дўстларга телеграммалар жўнатиш билан кифояланган бўлса ҳам, аммо институт ректори Нозимовга нисбатан бундай қилиш катталик бўлармикан деган андишада кеча эрталаб Анваржонни арзиманган совға-салом: битта челақда тоғ асали, битта қопчада девзира гуруч, хотини ва қизига икки жўра хонатлас билан Жалолобод аэропортидан учуриб юборди. «Устозни сийлаш керак, домлангни ўзинг бошлаб олак», деб тайинлади ўғлига Афзалов.

Одат одатлигини қилмай қўймайди. У деразаси Фовидмон боғининг гулзорига очилган нимқоронғи салқин хонада, хушбўй оромгоҳда роҳатланиб ётган бўлса ҳам, бари бир киприкларидан уйқу қушлари учиб йўқолди-да, хотинини бағридан бўшатиб, шипга тикилганча хаёл суриб кетди.

Ҳа, бугун унинг ҳаётидаги энг ардоқли, энг қувончли кун: уч байрам шу бир кунга тўғри келди. Буларнинг ҳар бири алоҳида тантана билан нишонласа бўлади. Лекин, камтар бўлиш керак. «Камтарга камол...— ўйлади мийиғида қулиб Афзалов.— Менга шундай маслаҳат берган Хонзодамнинг ақлига балли!..»

У хотинининг оппоқ болишда сочилиб ётган сочлари-

ни аста йиғиштириб, беозоргина силаб қўйди: «Жоним! Фариштам!»

Хонзода йирик шахло кўзларини секингина очиб, мамнун жилмайди-да, яна юмди...

Кейинги кунларда юз берган воқеалар Афзаловнинг кўз олдидан бир-бир ўта бошлади.

Кўпни кўрган, кўп қозонларда пишган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини етарли даражада тотган Норхўжа учун правление мажлисидаги танқидлар ёки Камоловнинг мактабга келиб, имтиҳонлар сифатини текширганлиги каби ҳодисалар кундалик оддий гаплар қаторига кирди. «Ким ишламаса — хато қилмайди», «Юрмаган қоқилмайди», каби ўнлаб ақлли ибораларни у ўз муҳолифларига қарши уста мергандек нишонга аниқ ура билди. Ҳатто, юқоридан бўлган огоҳлантиришларга ҳам «Албатта, тузатамиз», «сўзсиз бажарамиз», деб ваъда бериб қутулади. У кўпинча танқидлар танқидлигича, огоҳлантиришлар огоҳлантиришлигича қолиб кетишини, буларнинг натижасини текшириш учун одамларнинг вақти йўқлигини яхши билади.

У фақат бир киши билан — Карим Узоқов билан ҳисоблашади. «Районнинг тақдири, демак, менинг ҳам тақдирим биринчи секретарнинг қўлида; қолганлар ҳам маси ўтаверсин!»— Афзаловнинг ишончи, эътиқоди шу.

Лекин, нима бўлди-ю, Узоқовнинг муносабати ўзгариб қолди. У институтда бирга ўқиган, мана, йигирма йилдирки, бир районда бирга ишлашиб келаётган тенгқурига эндиликда аввалгидек тез-тез телефон қилиб турмайди. Дуруст правление мажлисида Афзаловнинг шаънига қаттиқ гаплар бўлди. Бироқ, бундай гаплар биринчи марта бўлаётгани йўқ-ку? «Иш бор ерда ташвиш ҳам бўлади»— Узоқовнинг сеvimли ибораси эмасми, эндиликда Афзаловнинг оғзидан тушмай қолган бу ҳикмат?

Узоқов доно раҳбар. У Афзалов бошқараётган хўжаликнинг қийинчиликларини яхши билади. Фрунзе номли колхоз районнинг тоғлиқ шимолӣ қисмига жойлашган, бу ерда об-ҳаво беқарор. Шу сабабдан пахта гоҳ йил дуруст бўлади, гоҳ йил дуруст бўлмайди. Бошқа экинлар ҳам айни шундай. Узоқов бу аҳволни доим тушуниб келган. Аммо, яқиндан бери у Афзаловга нисбатан бутунлай ўзгариб қолди. Чунончи, правление мажлисида

Афзаловни қўллаб-қувватлаш ўрнига танқиддач тўғри хулоса чиқариб, ишни тузатиш зарурлигини айтди.

Ҳа, Узоқов тўсатдан бир юз саксон даражага ўзгарди.

Шу фикрдан Афзаловнинг вужуди музлаб, хотинини уйғотиб юбормаслик учун тўшакдан палосга секингина сирғалиб тушди ва юпқа тўнини елкасига ташлаб, ван-нахонага кириб кетди.

У илиқ душ-остида ювиниб чиққач, Хонзода бугунги маросимга тайёрланган янги кийимларини бир йўла кийиб олишга қарор берди. Енги калта оқ қўйлак, юпқа кулранг трикодан тикилган фин костюми, шу рангда галстук, ингичка учлик ва баланд пошналик югослав тўқима чарм туфлиси — булар ҳаммаси эгасига ўлчаб олинган бўлиб, шундоқ ёпишди-қўйди-да, баланд тошойна қаршисида ўрта бўйли, елкадор, басавлат одам пайдо бўлди. Костюмнинг ўнг кўкрагига қатор тақилган «Ўрмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали ва Халқ хўжалиги кўрғазмасининг кумуш бронза медаллари тонг шуъласида товланиб турибди. Албатта, булар янги эмас, саккиз-ўн йил аввал олинган мукс-фотлар. Бироқ, Афзалов эллик ёшини нишонлаяпти-ку! Бу шон-шавкат белгилари қачон олинганидан қатъи назар, шундай кунларда, ҳа, худди бугунгидай тантанали маросимларда намойиш этилиши керак.

Девордаги осма соат жаранг-журунг садо таратиб, етти марта заиғ урди. Ҳали-замон Абдуллаев келиб қолади. Афзалов кеча ҳам, аввал куни ҳам Узоқовнинг ҳузурига киролмагач, кеча кечга яқин Карим Узоқович ва унинг рафиқаси номига ёзилган таклифномани Абдуллаевдан бериб юборди. «Райкомга бор, агар у ерда бўлмаса, уйига кир, лекин албатта, ўз қўлига топшир!» — деб таъкидлади Афзалов партком секретарига. Лекин бари бир унинг кўнгли хира: нега Узоқов бундай терс бўлиб қолди?

Улар эрталаб Фозилмонда учрашишга ваъдалашдилар.

Афзалов тошойнада ўз савлатини томоша қилиб тураркан, янги костюмининг чўнтагига кеча ўзи солиб қўйган жажжи қўтнчалар эсига тушди ва уларни олиб, бирма-бир очиб кўрди: бирида Анваржонга олтин соат, қолган иккитасида Хонзодага гавҳар кўзлик узук билан исирғалар... Ё тавба, у Анваржоннинг имтиҳонини тўғ-



рилаш учун Тошкентда юрган кунлари марказдаги «Олмос» магазинида бу тухфаларни олаётганида унинг паспортини сўрашди ва адресини ёзиб олишди. Афзалов бунинг сабабини суриштирганда сотувчи қиз «эҳтиёт шарт», деб қисқагина жавоб қилди.

«Эҳтиёт шарт...» Таажжуб... Нима, улар ўғридан эҳтиёт қилишмоқчимиз? Гавҳар кўзли олтин узук ва худди шунақа олтин зираклар... Тўғри, нархи анча баланд — «Волга» машинасининг нархига яқин. Ҳа, Хонзоданинг ишқи, вафоси шунга арзимабдими!

Афзалов хотинига аталган совға қутичаларни очди, очди-ю, тўсатдан чақмоқ чаққандай, ўткир нур кўзларини қамаштириб, беихтиёр: «Ваҳ!» — деб юборди.

Унинг бу хитобига Хонзода уйғониб кетди ва тошойна рўпарасида шай кийиниб турган эрини кўриб, қуёш нури тушган ғунча дафъатан очилганда, оппоқ юзи қулгидан яшнади. Афзалов қутичаларни шоша-пиша ёпаётганда миясида янги фикр чақнади: «Нега энди кечгача, дастурхон ёзилгунча кутишим керак? Дам ғанимат, дийдор ғанимат...»

У тўшак тепасига келиб, хотинининг биқинига тиз чўкди ва:

— Арзимаса ҳам... — деб иккала яшилранг қутичани унинг сийнасига қўйди.

Хонзода қутичаларнинг аввал бирини, кейин иккинчисини очиб, деразадан тушиб турган шуълага тутиб кўрди, кейин шошмасдангина узукни ўнг қўлининг ўрта бармоғига, зиракларни қулоқларига тақиб олгач, эрига қучоғини кенг очар экан:

— Умрбод миннатдорман, хўжам! — деди.

Афзалов боққа чиққанида ҳашарчилар кенг саҳнга аллақачон сув селиб супуришган, юк машиналарда бирин-кетин келтириб турилган стол, стуллар туширилиб, жой тайёрлай бошлаган эди.

У ҳашарчиларнинг саломларига алиқ олиб, боғнинг юқори томонига — одам қулочига сиғмайдиган азим туп оқ тераклар орқасига — булоқ бўйига қўйилган, устига оппоқ дастурхон ёзилган хос стол ёнига борди-да, юмшоқ стуллардан бирига ўтирди. Буни кўрган ҳашарчилардан бири — серсоқол юзи кулиб турган чуваккина чол — раиснинг доимий югурдаги Асад қори орқа ҳовлига лип этиб ўтиб кетди ва сал ўтмай бир қўлида нону

ноз-несъмаатлар билан ясагналган патнис, иккинчи қўлида чойнак кўтариб келди.

Чол нонуштани дастурхон устига орасталаб қўйиб бўлгач, икки қўлини кўкрагига қовуштириб:

— Майрамлари қутлуғ бўлсин, раисбо! — деди ва Афзалов: «Қуллуқ!» — деб қўл узатгач, у ҳам иккала қўлини бериб қўришди.

— Бу дейман раисбо, жойнинг катта тузилишига қараганда, камида минг одам йиғилса керак-а?

— Ҳа энди, айтилганлари келади... — Афзалов боғ дарвозасидан кириб келаётган Абдуллаевни кўриши билан эзма қарияга жавоб берди: — Энди сиз боринг, отахон, бизнинг партком билан маслаҳатли ишларимиз бор. Аммо, меҳмонлар тарқагач, менга учранг.

— Ҳўп, раисбо, хўп...

Чол орқа ҳовлига липиллаганча кириб кетди.

Афзалов Абдуллаевнинг яқин келиб, қўл узатишини кутганча юмшоқ стулда қимирламай ўтирибди. Абдуллаев унинг рўпарасига келиб, нохуш бир қиёфада:

— Салом, Норхўжа Афзалович, — деди ва унга қўл узатиб кўришаркан, бир даста таклифномани стол устига қўйди: — Буларни уйларидан тополмадим — эшикларни берк, далама-дала истаб юришга вақт бўлмади...

Афзалов таклифномаларни қўлига олиб, бирма-бир кўздан кечирди.

— Хм... Чакки бўпти... Керакли одамлар эди булар!.. Ҳали ҳам бўлса, бирон кишини машинада юборамиз. Маҳмудов қаёқда? У кеча идорада ҳам кўринмади.

Абдуллаев муҳим бир гапни айтмоқчи бўлди шекилли, жиддий бир қиёфада пешанаси тиришиб, оғзини очган ҳам эди, Афзалов:

— Ҳарқалай, Узоқовни тоддингизми? Таклифномани унинг ўз қўлига топширдингизми? — деб сўраб қолди.

Афзалов ўтиришга таклиф қилавермагандан кейин ҳамон оёқда тик турган Абдуллаев стуллардан бирига ўтириб, ўзига бир пиёла чой қуйиб хўплар экан:

— Карим Узоқович билан кўришишнинг иложи бўлмади, — деди.

— Нега иложи бўлмайди? — Афзалов Абдуллаевга қаттиқ тикилди. — Ахир, ўзингиз райкомга бордингизми?

— Ҳа, бордим, — Абдуллаев бир тишлам нонни ба-

майлихотир чайнаганча, товушини пасайтириброқ жавоб берди.— Райкомда бюро мажлиси бўлаётган экан.

— Бюро мажлиси?— Афзалов бирдан бўшашиб, қаршисида ўтирган Абдуллаевга сал эгилди-да, секин сўради:— Билмадингизми, нега мени мажлисга чақиринмабди?

— Аввало, сиз бюро аъзоси эмассиз, Норхўжа Афзалович!— Абдуллаев хотиржам бир оҳангда изоҳ берди.— Қолаверса, мажлис кун тартибидан сизга алоқадор масала бўлмаса керакки, чақирилмагансиз.

Партия ташкилоти секретарининг бу изоҳи ҳар жиҳатдан тўғри бўлса ҳам, Афзаловнинг кўнглини ғаш қилиб турган чигил ёзилмади, сабабки, у кўп йиллардан буён райондаги эътиборли раислардан ҳисобланиб келган ва райком раҳбарлари уни бюро мажлисларига ҳар доим чақириб туришар, қишлоқ хўжалигининг муҳим масалалари муҳокама қилинганда, Узоқов бошқа тажрибакорлар қаторида Афзаловдан ҳам маслаҳатлар олиб турарди.

— Мажлис тугагини кутмадингизми?— ташвиши тобора ортиб бораётган раис таклифномаларни стол устига қўйarkan, парткомдан сўради.

— Кутдим,— Абдуллаев хотиржам жавоб берди.— Лекин ҳамма тарқалса ҳам, Узоқов райком секретарлари ва ижроком раҳбарлари билан залда қолди. Вақт ҳам ўн иккидан ошди. Тунда мени қабулхонада кўрган одамлар ҳайрон...

— Бари бир охиригача кутиш керак эди!— Афзаловнинг зардаси қўзиб, ўтирган ерида бир силкиниб олди.— Таклифномаларни топширишнинг иложи бўлмабди-да?

— Бўлди... — Абдуллаев нечундир истехзоли жилмайди.— Камолова мажлис залидан бир иш билан чиқиб қолди ва мени кўриб, кабинетига бошлаб кирди. Мен Қарим Узоқовичга, бюро аъзоларига, шу жумладан, Хабиба Камолованинг ўзига таклифномалар олиб келганимни айтдим.

— Хўш, у нима деди?— Афзалов тоқатсизланиб сўради.

— Ранс бемаслаҳат иш қилибди, деди.

— Хўш, кейин нима бўлди? — Афзалов асабий бир ҳолатда бармоқларини чалиштириб қарсиллатди.— Ахир, нима жавоб қилди, «борамиз», дедими?

— Билмадим...

— Латтасиз!— Афзалов тоқатсизланиб ўрнидан туриб кетди.— Билиб, одамига иш топширибман, ёпирай! Хўп, Қамолова сизни қабул қилибди, ахир, бундоқ лўнда қилиб тушунтирмадингизми менинг эллик ёшга кирганимни, юбилей қилаётганимни!..

— Айтдим...— Афзалов ҳовлиқиб тошган сари Абдуллаев яна ҳам босиқроқ бир оҳангда гапирди.— Ҳабиба Қамоловна «ҳозир тўй тўйлаш вақти эмас, далада ишлаш вақти», деб менга танбеҳ берди.

— Қарим Узоқовичга учрашиш керак эди!

Афзалов отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмаётганини кўрган Абдуллаев масаланинг пўст калласини айтди-қўйди:

— Масала жуда жиддий, Норхўжа Афзалович! Эртага колхозимизга райком ва райижрокомнинг махсус комиссияси келиб, комплекс текшириш бошлармиш.

Кампирравот сув иншооти қурилиши муносабати билан колхоз тугатилиб, унинг адирлар ҳисобига кенгайтириладиган янги территориясида совхоз ташкил этилиши муносабати билан ҳеч қандай текшириш ўтказилмайди ва «мен янги совхозга директор бўлиб, ишни давом этдиравераман», деб юрган Афзалов учун комиссия ҳақидаги ҳабар уни туйқусдан бошига тош урилгандек гангитиб қўйди. Афзаловни маст қилиб юрган виқор кайфи тарқалиб, у охирги умид чўпига осилди:

— Комиссия раиси ким экан?

— Билмадим...

— Ишқилиб, Қамолова бўлмасин-да... — Афзалов костюмининг чўнтагидан атир суртилган хушбўй дастрўмолини олиб, чала оқарган сочлари сийрак боши ва гўштдор йўғон бўйнини қоплаган терни арта бошлади.

— Қамолова бўлиши ҳам мумкин, — Абдуллаев ҳамон рафторини ўзгартирмай, бамайлихотир жавоб берди.

— Не биласиз? Ўзи айтдимиз?— Кўнгли ғаш Афзаловга зиёфатнинг тайёргарлиги кўрилаётган орқа ҳовлида радиодан баралла янграётган ялла ўтиришмади шекилли, булоқ бошига челак кўтариб келаётган бояги чувакдай чол — Асад қорига бақирди: — Ҳой, қария, айтнинг, овозини ўчирсин!

— Хўп, раисбо!..

Чол катта челак тўла сувни даст кўтарганча орқа

ҳовлига зингиллаб ўтиб кетди. Бир нафасдан кейин ялла садоси тинди.

— Камолованинг ўзи айтгани йўқ, бироқ мен ўзим тахмин қилдим. Нега десангиз, Норхўжа Афзалович, Ҳабиба Камоловна мен билан ярим соатдан кўпроқ суҳбатлашгач, райком бюроси колхоз правленнесининг ишидан норози эканлигини айтди. Бизда хўжаликка раҳбарлик ҳам, партиявий-сиёсий, ташкилий ишлар ҳам талабга жавоб бермас эмиш. У мактаблар, боғча ва яслиларнинг аҳволи ҳақида, айниқса, ачиниб сўзлади. Колхоз демократияси, колхозчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадрлар масаласи, шу жумладан, раҳбарнинг обрўси ҳақида Камолова билдирган фикрлар тагида бир дунё маъно бор.

— Ҳа-ҳа!— Афзалов ёқасини ушлаб, катта думалоқ бошини сарак-сарак қилди.— Астафирилло! Демак, биз ёмон, улар яхши. Йигирма йиллик меҳнатимизнинг қора чақача қадри йўқ! Мен нодон, район раҳбарлари эллик ёшимни инobatга оладилар, райком бюроси меҳнатимни тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилади, Карим Узоқович шахсан ўзи юбилей кечамга келиб, табрик нутқи сўзлайди, деб умид қилиб ўтирибман. Хўш, ўртоқ Абдуллаев,— деди заҳарханда билан Афзалов,— яна қандай хушхабар олиб келдингиз?

— Райком секретаридан танбеҳ эшитиб келдим, ўртоқ Афзалов!— Абдуллаев ҳам бўш келмади.— Камолова: «Партия ташкилотининг секретари раиснинг югурдаги эмас!— деб мени огоҳлантирди.— Ҳа, секретарлар раисларнинг қўлига сув қуйиб кун кўрадиган даврлар аллақачон ўтиб кетган. Партия ташкилотига шундай ҳуқуқлар берилганки, улар хато ва камчиликларга йўл қўйган раҳбарларни тартибга чақириб қўйишлари мумкин». Мен сизга, ўртоқ Афзалов, Камолованинг сўзларини айнан етказяпман, мenden хафа бўлмайсиз...

— Хўш, сиз шу билан нима демоқчисиз?— Афзалов Абдуллаевга ўқрайиб тикилди.— Камолованинг фикри тўғри демоқчимисиз?

— Ҳа, Норхўжа Афзалович, ҳақиқат қанчалик ачиқ бўлмасин, биз уни ҳазм қилишга мажбурмиз!— Абдуллаев ўрнидан туриб, одамларнинг говур-гувури аниқ эшитилиб турган орқа ҳовли томонга қаради.— Менинг сизга маслаҳатим шуки, бугунги зиёфатни катта қилманг. Шуниники, одатдаги онлавий ўтириш бўлгани маъқул.

— Бу нима? Кўрсатмами?— Афзалов ҳам ўрнидан туриб, Абдуллаевнинг қаршисида сўррайганча тўхтаб қолди.— Одам элликка бир марта киради! Тўй қилсам арзимабманми?

— Тўғри,— деди Абдуллаев раиснинг чап елкасига кафтини қўйиб. Арзийсиз... Лекин, районда элликка кирганлар мингдан ортиқ бўлса керак. Чунинчи, Карим Узоқович.. У киши ҳам элликка кирдилар. Лекин, ҳеч ким тантана қилаётгани йўқ-ку!

Узоқовнинг номини эшитган Афзалов бир оз шахтидан қайтган бўлса ҳам, Хонзоданинг юзга яқин дугонларию, қариндошларини зиёфатга чақириб қўйгани, бугунги кунни алоҳида умид билан кутаётган ўнлаб дўстларига аллақачон таклифнома юборган Анваржон кўз олдида жонланиб, ҳамон ўзига хос ғурур билан:

— Меҳмон чақириб жиноят эмас-ку!— деди.

— Менинг дўстона маслаҳатим: энг яқин кишиларингизни чақириб, оилавий ўтириш қилинг,— Абдуллаев қўлини Афзаловнинг елкасидан олди ва: — Сиз бу ерда бўлсангиз, мен идорага борай! — деди-да, дарвоза томонга бурилди.

— Тўхтаган!— Афзалов унинг билагидан ушлаб тўхтатди.— Айтинг-чи, райондан ҳеч ким келармикан?

— Билмадим...— Абдуллаев йўлида тўхтаб, фикрга толди.— Карим Узоқович Андижонга кетар экан,— обкомда бюро мажлиси бор. Раҳбарларнинг кўпчилиги бугун Кампирравотга келишади, қолганлари далаларда... Эҳтимол, зиёфатингизга Камолова келар.

— Камолова...— Афзаловнинг пешанаси тиришди.— Камолова бўлса — Камолова! Кутиб оламиз!

— Бекорга аччиғингиз чиқяпти, Камолова ўз колхозимиздан етишиб чиққан кадр,— Абдуллаев мамнун жилмайиб, Афзаловни бошдан-оёқ кўздан кечирди.— Костюм ярашибди, нишонлар ҳам... Оқшом келамиз, ўшанда табриклаймиз, раис!

— Сиз идорада бўлсангиз, Маҳмудовни бу ерга юборинг, қарашворсин! — Абдуллаевнинг кейинги сўзларидан кўнгли анча равшан тортган Афзалов яна эски ҳолига тушиб, тантиғланиб гапирди: — Толибжон дастурхон тузашга уста!

— Толибжон Маҳмудович банд бўлса керак..

Абдуллаевнинг бу сўзларини Афзалов дарров англаб етмади ва ҳамма, шу жумладан, Абдуллаевнинг ўзи

«Толибжон» деб атайдиган ёш экономистнинг нега энди «Толибжон Маҳмудович» бўлиб қолганини билиш учун сўради:

— Нега у банд бўлади? Нега у, яъни... «Толибжон Маҳмудович»... ўзи нима гап?

— Толибжон Маҳмудович ҳозир Қўрғонтепада... Райкомда...— Абдуллаев салмоқлаб сўзлади.— Уни кеча бюрога чақиришибди. Мен уни тунда мажлисдан чиқарган вақтида учратдим. Аммо, кўпчиликнинг олдида унинг олдига бориб, «сени нега бюрога чақиришди», деб сўраёлмадим.

— Ёпирай, ёпирай!.. Унинг ўзи, яъни Толибжон Маҳмудович сизни кўрдими, ёки кўрса ҳам кўрмасликка олиб, юзини ўгириб кетавердимми?— Афзаловнинг фиғони фалакка чиқиб, Абдуллаевга ёпишди:— Ахир, сиз, партком секретари, ўз ҳисобингиздаги коммунист райкомга чақирилармиш, бюро мажлисида қатнашармишда, бундан беҳабар, томоша қилиб ўтираверармишсиз? Шундоқми?!

— Йўқ, ундоқ эмас!— Энди Абдуллаевнинг ҳам зардаси қайнади.— Аввало, мен Маҳмудов бош экономист сифатида анави куни правлениеда кўрилган масала бўйича чақирилган бўлса керак, деб ўйладим. Ундан кейин райкомнинг ҳар бир коммунистни чақиришига ҳаққи бор. Бинобарин, шундай масалалар бўладики, коммунист партия сирини бошқа бировга айтиши шарт эмас.

— Бу тўғрику-я...— дафъатан туғилган турли тахминлардан Афзаловнинг боши ғўнғиллаб, кўзи тинди.— Дуруст, Маҳмудов сизга учрамасдан кетибди. Лекин, сиз Камолова қабул қилганда Маҳмудовнинг нега чақирилганини ундан сўраб билмадингизми?

— Йўқ...

— Яшаворинг-ей!— Афзаловнинг асаби тобора тараңлашиб, Абдуллаевга муғамбирона тикилди.— Балки, Маҳмудовнинг бюрога чақирилиш сабабини ўзингиз биларсиз?

— Йўқ, билмайман,— Абдуллаев дарвоза томонга юрди ва орқасидан эргашиб келаётган раиснинг кўнглини тинчитиш учун:— Менимча, ортиқча ташвишланадиган ҳеч гап йўқ,— деди.— Мен бугун барвақт Маҳмудовнинг уйига бордим.

— Хўш? — Афзалов тоқатсизланди.

— Маҳмудов кечаси Қўрғонтепадан келмабди. У бояроқ хотинига телефон қилиб, Узоқов билан бирга Андижонга кетаётганини айтибди.

— Тушунарли...— Афзаловнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, шалвираб қолди. «Узоқов Маҳмудни обком бюросининг мажлисига, янги совхоз директорлигига тасдиқлатишга олиб кетган...» Аммо, у Абдуллаевга сирни бой бермай:— Майли, сиз идорада бўлиб туринг, оқшом кечикманг; албатта, хонимни бирга олиб келинг!— деб тайинлади-да, дарвозадан орқага қайтиб, булоқбоши томонга юрди.

Унинг таъби тирриқ, кўнгли хира — чироқ ёқса ёришмайди. Назарида, оёқларидан ҳам мадор кетиб, жонсизланиб, ҳозир йиқилиб тушаётгандай. Стол ёнидаги боя ўзи ўтирган юмшоқ стулга тегирмон тошидай тил гавдасини ташлади. Шу пайт рўпарадаги уй эшиги очилиб, деразалари ланг очиқ узун равонли айвонда майдатароқ қизил-сариқ хонатлас кўйлаги эргалабки тиниқ қуёш шуъласида яшнаб товланаётган Хонзода кўринди. У боғ ўртасида катта бошини эгганча хомуш ўтирган эрига нафис бир табассум ҳадя қилди. Шу биргина жилва Афзаловнинг кўнглини тиниқ кўкдаги тонг юлдузидай ёритди. Дунё ишлари, мансаб ташвишлари бир қадар унутилди. Афзалов ўзида фавқулодда бир куч сезиб, ўрнидан дадил турди ва боғ саҳнини чаққон кесиб ўтиб, айвоннинг пастгина зинапоясидан сакраб чиқди-да, хотинини бағрига олиб, оппоқ юзларидан ўпаркан:

— Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин, жоним? — деб эркалади.

— Сизнинг ҳам!..

Хонзоданинг ипакдай майин тимқора сочидан таралиб турган хуш бўй Афзаловни маст қилди; хотинини бағридан қўйиб юборгиси келмади-ю, лекин боққа кириб келаётган одамларнинг кўриб қолишларидан чўчиб, уни ичкарига — меҳмонхонага тортди.

Хонзода бурчакдаги тошойна қаршисига бориб, бармоғидаги йирик кўзли гавҳар узук билан қулоқларидаги гавҳар зиракларни кўзгуга солиб кўрар экан, ёнида турган эрининг елкасига бош қўйиб тантиғланди:

— Дидингиз ёмон эмас, хўжайин! Мени қарздор қилиб қўйдингиз.

— Қарзни узарсиз, ахир?— Афзалов Хонзоданинг



қулоқларида булоқ суви томчиларида йилтиллаб турган гавҳарларни галма-гал ўпди. Бу — хамир учидан патир. Ҳали эллик ёшнингиз...

— Бас! Бас!— Хонзода эрининг оғзини пуштиранг хинолик нозик бармоқлари билан ёпди.— Мени қаритиб кўйманг!..

Шу пайт айвонда шарпа сезилди. Афзалов хотинини бағридан бўшатиб, орқасига ўгирилди ва меҳмонхонага кириб келаётган Анваржонни кўриб, қувониб кетди:

— Кел, ўғлим, киравер!

Шиям кийинган Анваржон меҳмонхонага ўқдай отилиб кирди ва отаси билан онасини галма-гал қучоқлар, туғилган кунлари билан табриклар экан, Афзалов сабр-сизланиб сўради:

— Хўш, ўғлим, домлангни олиб келдингми?

— Ректоримиз хотинлари билан курортга кетган эканлар...— Анваржон онасининг янги тақинчоқларига ҳавасланиб тикилди.— Вой-бў!..

— Хўш?— Афзалов ўғлининг ингичка елкаларини силаб сўради.— Кейин нима қилдинг?

— Ректоримизнинг ўғиллари Қозимхон билан қизлари Дилфузани таклиф этдим.— Анваржон боққа ишора қилди.— Ана улар!

Богда, гулзор бўйида жинси шим, оқ кўйлак кийган паканагина биққа йигит билан худди акасидай жинси шим ва ҳаворанг кофта, оёғига баланд пошнали оқ сабо кийган, қирқилган қалта сочини шиям тараган, бўйи акасидан бир ярим баровар баланд, озғингина найнов қиз азим туп теракларни томоша қилиб туришарди.

— Яшавор, ота ўғли!— Афзалов Анваржонни бағрига босиб суйди ва костюмининг чўнтагидан яшил қутича чиқариб, унга берди:— Мановини тақиб ол! Сенга биздан арзимас совға...

Анваржон қутичани олиб очди ва ярақлаб турган олтин соатни кўриб:

— Раҳмат, дадажон! Раҳмат, бувижон!— деди-да, буларнинг юзларидан галма-гал чўпиллатиб ўпиб, меҳмонхонадан юрганча чиқиб кетди.

Хонзода дераза орқали ҳовлига қараб, меҳмон қизга бошдан-оёқ разм солар экан:

— Қасал тузаладиган бўлса, табиб ўз оёғи билан келади, — деб кулиб қўйди.

— Лаббай?— Афзалов шамшод тароқ билан қалин сочини қийналиб тараётган Хонзодадан сўради.

— Миробнинг уйига бориб юриёмиз!.. — Хонзода хўшбўй сочи ёйилган бошини эрига яқинроқ олиб келиб, ишвали жилмайди.— Дунёда бунақа баланд мартабала одамлар, уларнинг анандай замонавий қизлари бор экан-ку!.. Уғлингиз анойи эмас, хўжайин!..

— Ичимсиз, Хонзодам, ичимсиз!— Афзалов ҳи-ҳилаб кулди.— Исми ҳам гўзал экан: Дилфуза!.. — Кейин у қўшиб қўйди:— Асли, Тошкентга кўчиб кетиб, пойтахтда роҳатланиб яшасак ҳам бўлади. Янги уй, янги иш, театрлар, метро... Қудамиз ректор, қудачамиз балки, раққоса... Нима дейсиз, Хонзодам?

Афзаловнинг бу ерда — ўз юрти, ўз қишлоғи, ўз ва-зифасида тагига сув кетганидан беҳабар Хонзода эрининг ширин орзуларидан таъсирланиб:

— Кошкийди!..— деди ва ўғлининг меҳмонлари ҳузурига тезроқ чиқиш учун икки ўрим қалин сочини бошига турмаклай бошлади...

### *Ун олтинчи боб*

Август ойининг охириги куни Дилбар Фрунзе — Жалолобод поездига Тошкент станциясининг тиқилинч перрониди чиқиб олгач, энди иссиқ ҳам, ташвишлар ҳам унутилиб кетади, деб янглишган экан. Состав думига уланган қўшимча вагон одамларга лиқ тўла: на ўтиришга, на туришга жой бор. Вагон ойналари ярим-ёрти очиб қўйилган бўлса ҳам, қилт этган шамол бўлмаганлиги учун ҳаво ниҳоятда дим. Бунинг устига уч-тўрт йигит тор йўлакда туриб олиб, сигарета тутатишяпти.

Дилбар ўзини ҳам, қўлидаги чамадончасини ҳам қарерга қўйишни билмай, тамаки тутатаётган йигитлардан қочиб, йўлакчанинг бир бурчида тиқилиб турган пайтда, шу яқиндаги очиқ полканинг бир чеккасида қисилиб ўтирган, қалта оппоқ соқоли иягини қоплаган нуроний мўйсафид:

— Кел, оппоқ қизим, манов жойга ўтирвол! — деб меҳрибонлик қилди.

— Йўқ, йўқ, отахон! Узингиз ўтираверинги— Дилбар ўзини сал орқароққа олди.— Мен ёшман...

— Мановларнинг тарбиясига балли! — Мўйсафид

Дилбарнинг қўлидан тортиб, ўз жойига ўтқазиб қўйди ва қаршима-қарши икки полкани эгаллаб, карга ташлаб ўтирган йигитларга ёвқараш қилди.— Картага бало Сорми шунча одам ичида!

— Бор-бор, чел, аравангни торт! — Картабозлардан бири мўйсафидни жеркиб ташлади.— Соқолим бор деб ўдагайлайверасанми, мана менинг ҳам соқолим бор!

Чиндан ҳам ранги заъфарон, қоқ суяк йигит соқол қўйган, нурсиз кўзлари уккникидай бежо, баланд-паст эгри тишлари тиржайиб, оғзидан арақ ҳиди шундоққина гуркираб турарди.

Икки кўкраги тўла медаллари шалдираб турган мўйсафид маст жибилажибоннинг ёқасидан бир қўли билан маҳкам ушлаб, енгилгина кўтарди ва унинг чувакдай бошини вагоннинг очиқ деразасига тикиб, иккинчи қўли билан таёқдай узун оёқларини кўтариши ҳамон олифта йигитнинг улфатлари мўйсафидга ёпишиб, шерикларини базўр қутқариб қолдилар.

Шовқин-сурон, ур-йиқит бошланаётганини кўрган Дилбар секингина ўрнидан туриб, чамадончасини кўтарганча вагон йўлакчасидаги одамлар орасидан суқулиб ўтиб, четроққа чиқиб кетаётганида, таниш рус қизининг овози эшитилди:

— Диля! Бўёққа кел, жой бор!

Дилбар овоз келган ёққа қаради-ю, Маринани кўриб, ичида чироқ ёнгандай яшнади:

— Марина! Маринечка, жонгинам!

Охирги очиқ купенинг пастки полкасида ойна тагида ўтирган Марина ёнидаги йигитларга ғайритабийй дағал товушда буюрди:

— Қани, сал сурилилар!

Йигитлар сурилишиб, Маринанинг ёнидан озгина жой бўшатиб беришди. Дилбар одамлар тигиз ўтирган полкалар ўртасидан бир амаллаб ўтиб олиб, дугонасининг ёнига жойлашгач, чамадончасини оёқлари орасига тикиб:

— Тошкентга келибсан-у, бизнинг институтга бормабсан,— деб Маринадан гина қилди.

— Эрталаб келдим, мана кечқурун кетяпман, бутун кун иш билан югуриб юрдим,—деб узр сўради Марина.

— Ҳали ҳам Бошқармадамисан? — Дилбар дугонасининг қуёшда куйиб, жигарранг, тусга кирган силлиқ сочига, жуда озиб кетганиданми, ёки чанг-тўзонда юриб

қорайганиданми, илгариги нафис тароватини йўқотган юзига таажжубланиб тикилди.— Иш кўпми, дейман-а?

— «Андижонгидрострой»да уч ҳафтагина ишладим-у, кетдим.— Дилбарни кўрганидан беҳад қувонган Марина шошиб сўради:— Ишқилиб, институтга кириб олдингми?

— Қирганда қандоқ!— Дилбар Маринанинг елкасига қўл ташлаб, ўзига тортди.— Учрашганимизни қара-я, Маринечка! Сенга ўрганиб қолган эканман, жуда-жуда соғиндим!

— Мен ҳам!— Марина сумкасидан бир шиша лимонад олиб очди ва иккита стаканга қуйиб, бирини Дилбарга узатди.— Ол, томоғингни ҳўлла! Вагоннинг ичи ҳаммом. Шу иссиқда одамларни саржиндай тикишганини қара-я! Табриклайман, Дилечка! Хўш, неча балл олдинг?

— Йигирма беш балл...

— Оббо сен-ей!— Марина севинганидан чапак чалиб юборди.— Имтиҳон топширишда чемпион бўлибсан-ку! Эсингдами, йиқиламан, деб қўрқиб юрганинг?

— Эсимда...— Дилбар нохуш бир нарсани эслагандай, бир сесканиб қўйди.— Раиснинг ўғли... Анваржон... мени қўрқитган ўша-да... Лекин, унинг ўзи имтиҳон топширёлмади. Мен уни отаси билан бирга институтда кўрдим.

— Отаси борган бўлса, Анварнинг ишини тўғрила-гандир?— Марина қизиқиб сўради.

— Ҳа. У институтга кирди, лекин мен чиқдим!— Дилбар бу хабарни эшитган дугонасининг кўзлари олакула бўлиб кетганини кўриб, унга ётиғи билан тушунтирди: — қабул комиссиясининг қарорига қарши ректор бўйруқ чиқарди. Шундан кейин мен: «Ўша шилқим билан бирга ўқиганимдан ўқимаганим яхши», деган қарорга келдим ва сиртқи бўлимга ўтказишларини сўраб, ректорга ариза олиб кирдим.

— Ректор аризанга осонгина қўл қўйиб бердимми?— Марина таажжубланиб сўради.

— Ҳа,— Дилбар истеҳзоли жилмайди.— Оиламиз катталигини, қурилишда ишламоқчи эканимни баҳона қилдим.

— Эҳ, бу дунёнинг ишлари!..— Марина шундай деб, хаёлга чўмди.

Паровоз сигнал бериб, вагонлар шизрақлаб ўрнидан кўзгалди.

Дилбарнинг энг юқори балл билан институтга кирганини ва нима сабаб биландир, ўқишни ташлаб кетганини қизлар суҳбатидан билиб олган, шу пайтгача қизлар қаршисида хаёл оғушида ўтирган бир йигит кафтарини тиззаларига чапатилаб уриб:

— Эй, сингилжон, табиат сизнинг бахтингизни менга бермабди-да!— деди афсус-надомат билан.— Мана, имтиҳонлардан ўтолмай, уйга қуруқ қайтаяпман.

Қизлар барваста йигитнинг сўзларига эътибор беришмади.

— Ҳозир қаерда ишляяпсан? Тошкентга нима хизмат билан келдинг?— дугонасидан сўради Дилбар.

— Сенинг даданг «Андижонгидрострой» ҳузурда очган «Усталар мактаби»да кадрлар бўлимининг мудирли бўлиб ишляяпман.— Марина дил-дилидан қувониб ҳикоя қилди.— Илҳом Зуфарович турли касблар бўйича ҳар йили беш юз-олти юз нафар уста тайёрлашни планлаштиряптилар.

— Уҳ-ў, ишинг йирик-ку!— Дилбар дугонасига ҳавао билан тикилди.— Мени ҳам ўқишга оласанми?

— Сенинг турган битганинг жумбоқ! Бир ой ичида жуда ўзгариб кетибсан!— Марина тиниқ кўк кўзлари билан Дилбарга синовчан боқди.— Биринчидан, Анвар институтга ноҳақ қабул қилингани учун ўқишни ташлаб кетганингга ўлсам ҳам ишонмайман. Бу ерда бир чигал муаммо, мен каби содда қизларнинг ақли етмайдиган сир бор.

— Содда қиз эмиш!— Дилбар дугонасининг елкасини секин силади.— Кадрлар бўлимининг бошлиғи-я?— Ўртоқ бошлиқ, деб мурожаат қиламан энди сенга.

Поезднинг юриши тезлашиб, далалардаги енгил оқ-ишм шабадаси вагоннинг очиқ ойнасидан кира бошлади. Пассажирларнинг нафас олиши бир оз енгиллашди.

— Менинг ҳозирги ишим ўзимга ёқса ҳам, жуда оғир,— ҳикоя қилди Марина. — Ешлар тинимсиз оқиб келишяпти. Бир қаватли эски тор бинога ҳеч нарса сифмайди. У бинони ўзинг яхши биласан, олтигагина кичик хона... «Андижонгидрострой» Қорабағишда уч қаватли янги бино қура бошлади. Лекин у бу йил битмайди. Илҳом Зуфарович мени Тошкентга командировкага юборди. Бир кунда учта идорада бўлдим. Бошқармамиз бош-

лиғи Борис Мусаевич зўр одам-да! Ҳамма ишни телефонда битириб қўйган экан, қайси идорага кирмай, ҳужжатлар тайёр; буйруқларга қўл қўйилган, керакли бланкалар тахт! Ана,— Марина юқори полкада устмуст тахланган қутиларга қўли билан ишора қилди.— Буларни бир амаллаб олиб чиқдим, энди Хонобод станциясида тушириб, техникумга кўтариб боришни айт!..

Боя сўзлари жавобсиз қолган барваста йигит яна гапга аралашди:

— Мана биз ёрдамлашворамиз, қизлар! Фақат биттагина илтимосимиз бор...

— Хўш?— Марина йигитга истехзоли тикилди.— Нима илтимос?

— Тошкентда имтиҳонлардан йиқилдик,— йигит ўнг қўлининг катта кафтини чап кўкрагига уриб, бошини эгди.— Илтимос, «Усталар мактаби»га бизни ҳам қабул қилсангиз!

— Яхши,— Марина совуққина жавоб берди.— Урта маълумотингиз бўлса, бир йиллик ўқишга кирасиз. Бу йил электрчилар, арматурачилар, бетон қорувчилар, дурадгорлар ва ошпазлар тайёрлайдиган беш группа очилади. Аммо, ўқиш эртага биринчи сентябрдан бошланади.

Барваста йигит:

— Бизга ошпазлик маъқул!— дейиши билан вагондагилар баралла қулиб юборишди.

— Нега куласизлар?— Марина купедагиларга жиддий қараб олгач, босиқ гапирди.— Хўррандалар ҳақиқа хиёнат қилгани, сифатсиз овқат пиширгани, торозидан ургани ва бошқа шу каби айблари учун қурилишда кейинги бир ой ичида ошхона мудирини ишдан олиб ташланди, бир омборчи қамалди, тўрт ошпазга қаттиқ виговор берилди.

Бу хабарни эшитган пассажирлар жимиб қолишди. Лекин, барваста йигит авзойини ўзгартирмай, ўз сўзида туриб олди:

— Мен бари бир ошпаз бўламан. Дадам ҳам Султонободда ошпаз. Ошпазлик ҳам осон иш эмас, Халқини тўйдириш — савоб иш, дейди доим дадам.

— Агар шу ниятингиз астойдил бўлса,— деди Марина барваста йигитга энди сал мулойим кўз ташлаб,— эрталаб ҳужжатларингизни олиб боринг, мен сизга ёрдам қиламан.

— Раҳмат, дилрабо...— деб гап бошлаган йигит Ма-

ринанинг қовоғи уюлганини кўриб, юзи жиддийлашди:— Албатта етиб бораман!— деди.

Поезд Хонобод станциясига эрталаб соат олтига яқин келиб тўхтади.

Фақат ошпаз бўлмоқчи йнгитгина эмас, вагондаги бошқа яна икки пассажир ҳам Маринанинг юкларини вагондан туширишиб, техникумгача кўтаришиб келишди. Буларни эшик олдида Илҳом Зуфарович кутиб олди. Дилбар дадасининг бўйнига осилиб, патакдай соқол қоплаган юзларидан ўйиб кўришар экан, Илҳом ака азбаройи қизини соғинганидан кўзлари ёшланиб, қучиб ўпар эди.

Қизлар билан вагонда танишган султонободлик барваста йнгит — Ҳасанбой Иброҳимов Маринанга соатини кўрсатиб, энди уйига бориб келишга улгурмаслигини айтди ва институтдан қайтиб олган ҳужжатлари папкасида бўлгани учун уларни ҳозироқ топшириб, ўқишни ҳам бир йўла бошлаб юбориш истагини билдирди. Марина рози бўлди.

Илҳом Зуфарович қизидан ҳол-аҳвол сўради, имтиҳонларни қандай топширганини суриштирди. Дилбар кейинги бир ой ичида содир бўлган воқеаларни дадасига батафсил сўзлаб ўтирмай, қисқагина:

— Институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим,— деб қўя қолди.

— Табриклайман, қизим! — Илҳом ака Дилбарнинг уйқусизликдан толиққан кўзларидан яна ўпди. — Уйга бориб, дам ол! Аянг ҳам жуда соғинган сени...

Марина Дилбардан тушлик овқат вақтига етиб келишни илтимос қилди. «Қорабағишга бориб овқатланамиз, кўлда чўмиламиз», деб қизиқтирди дугонасини Марина.

Аслида эса, у Дилбар билан ҳоли сўзлашиб, тиқин вагонда пассажирлар олдида дугонасидан билиб ололмаган сирни — унинг Тошкентдан Хонободга қайтиб келиш сабабини билиб олмоқчи.

Маринанинг тезда учрашиш ҳақидаги бу таклифига онаси, сингилларини соғинган, улар билан ақалли бир неча кун бирга бўлиши зарур бўлган Дилбарнинг осонликча рози бўлганлиги ҳам бежиз эмас. У институтга ўқишга кириш масаласида ўзига қимматли маслаҳатлар берган, ҳатто имтиҳон энг қизғин кунларда Тошкентга бориб ундан хабар олган Обиджоннинг қаердалиги, ни-

ма иш қилаётгани ҳақида дугонасидан сўраб билмоқчи, агар иложини қилса, у билан учрашиб, ўқишини институтнинг сиртқи бўлимига кўчириб келганини айтиб, қурилишга ишга киришига ундан ёрдам сўрамоқчи.

Дилбар уйда уч-тўрт соат бўлиб, онаси, сингиллари ва уни институтга кирганлиги туфайли табриклар учун келган қўшни қизлар билан суҳбатлашди. Кейин уйнинг ички салқин хонасида онаси Қумри опа билан танҳо қолиб, имтиҳонларни қандай топширгани, Афзалов ва унинг ўғли Анваржоннинг қилмишлари, Мария Ивановна Жукова билан танишганлиги, ректорга ариза бериб сиртқи бўлимга ўтганлиги, энди эса, қурилишда ишламоқчи эканлиги — ҳамма-ҳамма гапни рўй-рост айтиб берди.

Қумри опа учун тўнғич қизининг Тошкентдай шаҳри азимдан институтга кириб, соғ-саломат уйига қайтиб келгани катта бахт эди. У қизининг сўзларини эътибор билан тинглади ва Дилбар ҳикоясини тугатганда, бир неча дақиқа ўйга толгач:

— Балли, қизим, жуда тўғри иш қилибсан! — деди ва бошига келган бирдан-бир фикрни қўшимча қилди:— Сиртдан ўқиш учун муттасил дарс тайёрлашга тўғри келар-а?

— Ҳа, аяжон, сиртдан ўқиш анча қийин! Аммо, асло ташвишланманг, барча дарсликлар, программалар, қўшимча материалларни олиб келдим.

— Бу томони дуруст,— Қумри опа қизига ҳавасланиб тикилди.— Ҳарқалай, ўқишга кирибсан-ку! Кампирравотда катта ишлар бошланиб кетди.

— Эшитдим, аяжон!— Дилбар онасининг чаккалари оқара бошлаган, лекин ҳамон қуюқ чиройли сочига, ярашиб турган гулдор дуррасига мароқланиб тикилди. — Дадам қариганда оғир ишга бел боғлабди.

— Дадангни биласан-ку!— Қумри опа мийиғида қулиб қўйди. — Тиним нималигини билмайди, қайнагани қайнаган.

— Боя кўрдим,— Дилбар фахрланиб сўзлади.— Ҳунар ўрганишга интилаётган ёшлар беҳисоб, дадам уларга сардор экан. Ишқилиб саломат юрсин. Майли, аяжон, сиз ором олинг. Мен қишлоқни соғинганман, бир айлангуб келай.

— Майли, кизим, тезроқ қайт, ош дамлаб қўяман.

— Ҳўп, аяжон!



Дилбар нимқоронғи хонадан қуёшли ҳовлига чиқ-  
қач, ёрқин нурдан кўзлари қамашди. Айниқса, тун бўйи  
дим вагонда ухламай ўтиргани ва бунинг устига, эрга-  
лаб нонушта қилмаганидан кўнгли озиб, боши айланди.  
Лекин, вақт тушга яқинлашгани учун Маринани кутди-  
риб қўймаслик мақсадида кўчага чиқиб, куннинг шу  
қизгин палласида кимсасиз, жимжит гузардаги чойхона  
ёнидан липиллаб ўтди ва «Усталар мактаби» жойлаш-  
ган бир қаватли қўримсизгина бино томонга йўл олди.

Бино олдидаги ариқ бўйида бир тўда ёшлар ўрта си-  
да ўнг қўлини паҳса қилганча алланималарни қизгин  
уқтираётган Марина Дилбарни узоқдан кўриши билан  
тўдадан чиқиб, дугонаси келаётган томонга интилди.

Тўдадаги ҳамма ёшлар ариқ бўйидаги торгина саҳи-  
да қолган бўлсалар ҳам, лекин барваста бир йигит —  
поезддаги гапдон ҳамроҳ Ҳасанбой Маринанинг орқаси-  
дан эргашиб келарди. Дилбар Ҳасанбойнинг:

— Сиздан миннатдорман, Марина Андреевна!— де-  
ган сўзларини эшитиб, «оббо, дарров қаймоқлашиб ҳам  
қолишибди», деган фикр кўнглидан ўтди.— Раҳмат сиз-  
га, ўқишга осонликча кириб олдим!

Ҳасанбой йўл бўйида, тол тагида турган оч-яшил  
рангли «Жигули» машинасига ишора қилиб, Маринага:

— Хизматингизга тайёрман!— деди.— Султонобод-  
дан укам машинамни атайна миниб келибди мени кутиб  
оламан деб... Ана, дугонангиз ҳам келиб қолди. Маши-  
нага чиқинглар, менинг ўқишга кирганимни Тополинога  
бориб ювамиз!

— Жуда шилқим йигит экансиз, Ҳасан!— Марина  
бўлажак ошпазни жеркиб берди.— Боринг, қишлоғин-  
гизга жўнанг! Кечқурун соат олтида ўқишга кечикмас-  
дан келинг!

— Сиз мени нотўғри тушунапсиз, Марина Андреев-  
на!— Ҳасанбой қизларнинг олдига ўтиб, уларнинг йўли-  
ни тўсди.— Мен сизга ҳолис хизматимни таклиф қиляп-  
ман. Ахир, кечгача бўшман-ку! Майли, Тополинога бор-  
майлик. Қаерга истасангиз, ўша ерга обориб қўяман!

— Бўпти!— Маринанинг миясида аллақандай бир  
фикр чақмоқдай ялт этди-да, Дилбарга жилмайиб, кў-  
зини қисиб қўйди.— Диля, чиқдик машинага! Ҳасан!  
Биз «Андижонгидрострой»га борамиз.

— Жоним билан!— Ҳасанбой машинанинг орқа  
эшикларини ланг очиб берди ва қизлар чиқишгач, ука-

сига тайинлади:— Сен, Ҳасанбой, уйга боравер!— Кейин ўзи ҳам жойинга ўтириб олгач, стартёрни босар экан:— Марина Андреевна! Шу бугундан бошлаб мен сизнинг шахсий шофёрингизман!— деди.

— Машинани ошпазликдан топган пулингизга олгандирсиз?— ачитиб сўради Марина.

— Топдингиз!— Дадил жавоб берди Ҳасанбой:— Ошпазлик билан қассоблик — сербарака касб, ҳалол иш. Бу касбларда кимки тўғри ишласа қорни ҳам тўяди, усти ҳам бут бўлади. Ҳа, дадам менга шундай таълим берган.

Машина ғилдираклари темир йўл изларидан тарақлаб ўтгач, янги бетон йўлдан худди енгил шабададай бир текис, равон юриб кетди.

— Янги йўл битказилибди-да?— Дилбар қизиқиб сўради Маринадан.

— Ҳа! — фахрланиб гапирди Марина.— Охирги километрга бетонни Обиджоннинг бригадаси ётқизди. Борис Мирзаев: «Етмиш гвардиячи ва уларнинг ўтюррак сардори!» деб улуғлайди Обиджон билан дўстларини.

— Хонободдан Қампирравотгача икки томонлама текис йўл уч ойда қуриб битказилди!— Ҳасанбой Маринанинг сўзларига қўшимча қилди ва машинани «Андижонгидрострой»нинг икки қаватли, вивескаси ярқираб турган биноси олдида тўхтатди.— Кутиб турайми?

Қизлар машинадан чиқдилар.

— Йўқ, кетаверинг! — Марина Ҳасанбойга илк бор кулимсираб жавоб қилди.— Хизматингиз учун раҳмат. Ҳасанбой:

— Арзимаёди,— деди ва машинасини ҳайдаб кетди.

— Дуруст йигит кўринади.— Дилбар Маринани қўлтиқлаб, Бошқарма биноси орқасидаги ошхона томонга бошларкан, дугонасига маъноли қараб қўйди.

— Билмадим... Ичига кириб чиққаним йўқ! — Марина кулди.— Улгудай сергап экан.

Қизлар бино ичидан ҳовлига чиқдилар ва узун барак ошхонага кириб, рўпарадаги столлардан бирида овқатланиб ўтирган Мусаевни кўриб қолдилар.

— Ҳой, Марина! Қизлар!— Мусаев буларни столига чақирди.— Келинглар, бирга овқатланамиз!

Қизлар бошлиққа салом бериб, унинг ёнидаги бўш стулларга ўтирдилар.

Олдига оқ фартук тутган официантка дарҳол чопиб келди.

— Қизларга овқат олиб келинг! — унга буюрди Мусаев.

Официантка кетгач, Мусаев Маринага синчков тикилди:

— Зуфаров ёгингни сўраяпти шекилли, озиб кетибсан! У менга айтиб турибди, яхши ишлаётганингни. Хўш, бу қизча ким?

— Дугонам! — Марина фахрланиб жавоб берди. — Исми Дилбар. Директоримиз Зуфаровнинг қизи. Тошкентга бориб Ирригация институтига аъло баҳолар билан кирди. Лекин, қурилишда ишлашни орзу қилиб, ўқишини сиртқига кўчириб келибди.

— Муҳаббат!.. — Борис Мусаевичнинг кенг юзи култига тўлиб, кўзлари чақнади. — Қурилишда ишлармиш!.. Мени лақиллатиб бўпсан, Мариночка!.. Дугонангни қурилишга муҳаббат етаклаб келган!.. — Мусаев қўлини оқ сочиққа артар экан, Дилбарнинг қип-қизариб кетганини кўриб, узр сўради: — Кечир мени қизим!.. Бошимдан ўтганини айтаман-да!.. Мана, менинг ҳам бугун ошхонада охирги марта овқатланишим — оилам Тошкентдан кўчиб келяпти. Уйланганимга ўттиз йил бўляпти, аммо оиламдан узоқда бўлсам, бир кун бир йилдай туюлади!.. Муҳаббат!.. Менда бир азамат йнгит ишлайди. Мен уни ўз ўғлимдай севиб қолганман. Бир ойча бўлди, ўқишга киришни баҳона қилиб, Тошкентга бориб келди. Қуни кеча яна Тошкентга равона бўлди: сиртқига имтиҳон топшириб келармиш. Балки, ўқишга кираётгани ростдир. Аммо, кўнглим сезиб турибдики, Обиджоннинг икки шаҳар ўртасида бўзчи моксидай қатнаётганининг тагида фақат ягона эзгу туйғу — муҳаббат бор!.. Эҳ, муҳаббат, муҳаббат!.. Хайр, қизлар, мен борай, иш ҳар қадамда оқтош булоқларидай қайнаб чиқаяпти! Ха, дарвоқе, Дилбар, сиз шу бугуноқ менга учранг! Комсоргимиз москвалик инженер Лариса Дмитриева бетон заводига масъул ишга тайинланди. Биз сиздан комсомол ишида фойдалансак, сиз бунга нима дейсиз?

— Раҳмат! Борис Мусаевич! — Дилбар ўрнидан воз туриб, бошидан кўздан сўради: — Комсомоллар нима дейишаркин?

— Бунга комсомолларнинг ўзларидан сўраймиз.

Мусаев ошхонадан чиқиб кетгач, Марина Дилбарнинг лоладай қизарган юзига тикилиб:

— Кетган бўлса, келади!— деди дугонасининг кўнгилидаги сирли орзуни унинг хумор кўзларидан уқиб.— Айни муддао: икковингиз сиртқида бирга ўқийдиган бўлибсизлар!

Обиджоннинг Тошкентга кетганини бошлиқдан тасолифан эшитиб қолган Дилбар азбаройи ҳаяжонланганидан соқов бўлиб қолган, иштаҳаси бўғилган, нонни қандай чайнаётганини ҳам, карам шўрваннинг тузи қанақалигини ҳам билмасди.

Қизлар овқатланиб бўлгач, ошхонадан чиқиб, Ҳасанбой «Жигули» машинасини эшикка кўндаланг қилиб қўйганини кўрдилар.

Энди Марина тоғ лоласидай қизарди ва ўзига қулиб қараб турган барваста йигитга нима деярини билмай, дами ичига тушиб кетди...

### *Ун еттинчи боб*

Узоқов раислик жойига ўтиб ўтиргач, бюро аъзолари ҳам ўривларини эгалладилар. Камоллова ҳар қачонгидай, узун мажлис столининг юқорисиди, биринчи секретарнинг чап томонидаги стулда, боққа қараган дераза рўпарасида ўтирар, кун тартиби ёзилган қоғозга тикилганча ўйчан бир аҳволда мажлисни давом эттиришга шошилаётган Узоқовга зимдан тикилиб, унинг бошини қотираётган чигал хаёлнинг учи қаердалигини фикран топишга уринар эди.

— Кун тартибидаги навбатдаги масала—Фрунзе номли колхоз раиси Афзаловнинг шахсий иши,— деди Узоқов нохуш бир аҳволда манглайи тиришиб. Кейин Камоловага синчков тикилди:— Докладга тайёрмисиз, Ҳабиба Камоловна?

— Ҳа, тайёрман!— Камолова ҳеч иккиланмай жавоб берди.

— Кимлар чақирилган? — Узоқов ҳамон қоғоздан кўзини олмай сўради Камоловадан.

— Афзалов, Абдуллаев, Маҳмудов.

Узоқов залнинг эшикка яқин этакроқ бир ерида ўтирган райком инструктори Мақсудахондан илтимос қилди:

— Шу масала юзасидан чақирилган ўртоқларни тақлиф қилинг.

Маҳсудахон дарҳол ўрнидан туриб, қабулхонага чиқиб кетди ва Камолова фамилияларини айтган кишиларни мажлис залига бошлаб кирди.

Янги кулранг трикоддан костюм, оқ кўйлак кийиб, дона-дона қизил холлик ингичка нимяшил галстук боғлаган, тепакал катта бошига чувстдўпписини бостирган Афзаловга Узоқов мажлис столининг пастига, ўз рўпасига қўйилган бўш стулни кўрсатди:

— Утиринг, ўртоқ Афзалов!

Афзалов стулга ўтирди-ю, нечундир кенг елкаларини беўхшов қимирлатиб қўйди.

Абдуллаев билан Маҳмудов орқароқ қатордаги бўш стулларга ўтирдилар.

— Фрунзе номли колхоз раиси Норхўжа Афзалович Афзаловнинг шахсий иши бўйича райком комиссиясининг ахборотини тинглаймиз,— деди Узоқов.— Сўз район партия комитети комиссиясининг раиси ўртоқ Камоловага.

Камолова ўрнидан туриб, жигарранг муқовалик қалин папкани очди ва анчагина ҳужжатлар устидан икки варақ қоғоз олиб, шошмасдан, салмоқ билан ўқишга киришди:

— Қолхоз кейинги беш йиллик давомида пахта тайёрлаш планини йилма-йил бажармай келади. Бунинг натижасида хўжалик 720 минг сўм зарар кўрган. Чорвачиликда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Афзалов жамоат чорвачилигини ривожлантириш ўрнига, колхоз Уставига ва давлат интизомига хилоф равишда тайёрлов ташкилотларига сут, гўшт-ёғ ўрнига пул тўлаб, шу йўл билан гўё «планни бажариб» келган. Бу пулни эса, бўрдоқига боқилган қўй ва молларни бозорларда қиммат баҳога сотиш йўли билан топган. Сабзавотчиликда ва мевачиликда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Беш йил давомида давлат планлари қоғозда бажарилгану, амалда тамом бошқача аҳвол содир бўлган: Афзалов ва унинг шериклари эртанги сабзавот ва меваларни Андижон, Жалолобод, Уш, Узган бозорларида қиммат нархлар билан сотдилар, топилган пулларнинг кўп қисмини ўз манфаатлари учун ўзлаштирганлар, оз қисмини эса тайёрлов ташкилотларига арзон баҳодаги маҳсулот ҳисобига ўтказиб, бу соҳада ҳам планларни «бажарганлар». Текши-

риш бу хилдаги «бажариш»ларнинг қалбакилигини очиб ташлади. Қолхозда қурилиш буткул тўхтаб қолган. Бундан тўрт йил аввал бошланган колхозчилар учун уй-жой қурилишини правление ва унинг раиси Афзалов ўз ҳолига ташлаб қўйган, марказий болалар боғчаси қурилиши тўрт йилдан буён тўхтаб ётибди. Раис Афзалов, партком секретари Абдуллаев ва колхознинг яна бир неча раҳбарлари эса, аксинча, ўзлари учун хусусий данифиллама уйлар қурганлар, шахсий машиналар сотиб олганлар. Хўжаликда меҳнат интизоми буткул издан чиққан. Уч марта ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, колхознинг тўққиз юз эллик нафар аъзосидан қарийб ярми дала ишларида иштирок этмаяпти. Афзаловнинг шахсий буйруғи билан мактабда вақт-бевақт ўқиш тўхтатилиб, фақат юқори синфларнинг эмас, ҳатто бошланғич синфларнинг ўқувчилари ҳам дала ишларига сафарбар этилади. Буларни очиқ юк машиналарида узоқ бригадаларга олиб кетиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Колхоз ишлаб чиқаришини издан чиқарган, экономикасини чўктириб қўйган, ишда демократияни оёқости қилиб, гуруҳбозликни авжга олдирган ва ҳокимимутлақлик йўлига кирган Афзаловнинг фақат шахсий бойлик ортдириш, мансабпарастлик ва маишатпарастлик иллатлари энди ҳеч кимга сир эмас. Яна бир ачинарли ҳол шуки, партия ташкилотининг секретари Абдуллаев раиснинг ҳамтовоғи ва югурдагига айланиб қолган. У Девонов ота каби кекса коммунистларнинг, бош экономист Маҳмудов каби ёш мутахассисларнинг фикри билан ҳисоблашмай, фақат Афзаловнинг айтганини қилади. Ниҳоят, комиссия Афзаловнинг ҳулқ-атвори ҳақидаги хулосасини баён этади. Афзалов район партия комитети билан маслаҳатлашмасдан ўзининг эллик ёшини ва ҳеч ерда ишламайдиган хотинининг қирқ ёшини юбилей қилди. Бунинг учун Абдуллаев район газетасининг босмаҳонасида беш юзта таклифнома бостириб, ҳомийсининг тантанасига тарқатишга кўмаклашди. Афзаловнинг юртда беобрўлигини шундан ҳам билса бўладики, таклиф қилинган беш юз меҳмондан зиёфатга фақат олтмишга яқин қариндошуруғлар билан улфатлар келишди, холос. Тоғора-тоғора ноз-неъмат, қозон-қозон овқатлар исроф этилиб, Қирғизсойга оқизиб юборилди... Хуллас, тўй эмас, фожиа юз берди, яъни маънавий фожиа демоқчиман. Энди Афза-

ловнинг ўғли Анварнинг мактабни олтин медаль билан тамомлаши, институтга кириш имтиҳонидан йиқилиши ва отаси Тошкентга бориб, ўғлини институтга киритиш ҳақида ректорнинг махсус буйруғини чиқариши масаласига келсак, бу эгри ишнинг ҳам сирини очилди: Анвар биринчи семестрдан кейиноқ даслабки имтиҳонлардан йиқилди...

Камолова комиссия хулосаларини шу зайлда қисқа, лўнда баён қилгач, стол устидаги қалин папкага ишора қилди-да:

— Булар ҳаммаси фактлар, рақамлар, одамларнинг гувоҳликлари билан далилланган ва райком бюро аъзолари танишиб чиққанлар, — дегач мақсадга кўчди: — Комиссия Норхўжа Афзаловнинг Фрунзе номли колхоз хўжалигини барбод этганлиги учун уни бу ишдан озод қилинишини колхоз аъзоларининг умумий йиғилишига тавсия этишни ва унга қаттиқ партия жазосини беришни таклиф қилади. Шунингдек, партком секретари Абдуллаев Афзаловнинг хушомадгўй гумаштасига айланиб қолганлиги, партия интизомини бузганлиги, колхоз партия ташкилотининг ишига раҳбарлик қилолмаганлиги учун комиссия Абдуллаевга ҳам қаттиқ партия жазосини беришни бюродан илтимос қилади.

Камолова сўзини тамомлаб, ўрнига ўтиргач, Узоқов бюро аъзоларига мурожаат қилди:

— Комиссия раисига кимда қандай саволлар бор?

Ҳеч ким қўл кўтармади. Кимдир йўталиб қўйди. Яна биров «тушунарли...» — деб сўз қотди.

Узоқов рўпарасидаги стулда қўлларини кўкрагига чалиштирганча, кенг юзидаги қизғин сепкиллари билан нар-билинимас кўзга ташланиб, ранги бўзариб ўтирган Афзаловга қалин пайваста қошлари остидан қараб қўйди. Афзалов бўёғи хира тортган сурат тусига кирган, бошидаги фикрини митти кўзларидан билиб бўлмас эди.

— Саволлар бўлмаса, муҳокамага ўтамиз, — деди Узоқов Камолова узатган папкани олар экан. — Қим сўзлайди?

Уч киши бирдан қўл кўтарди. Узоқов аввал райижроком раиси, кекса коммунист Дадахон акага, кейин колхознинг бош агрономи — узун бўйли озғингина қария Нурхоновга ва ниҳоят Абдуллаевга сўз берди. Учала нотик ҳам аниқ далиллар келтириб комиссия хулосаларини тўла тасдиқладилар.

— Мен районимизда қирқ йилдан бери ишлаб, бунақа лўттибозни кўрмаганман,— деди Дадахон ака.— Афзалов ишончимизни оёқости қилди. Унинг кейинги икки-уч йилдаги иши — ниқобланган ўғрилиқ: ишқилиб, колхозчиларнинг ҳақини юлса, давлатни алдаб пул топса, маишат қилса! Афзалов бекорчи ойим-танноз хотинининг туғилган кунига беш юз киши чақирибди-я!.. Қайн-синглисини мактабга директор қилиб қўйганини айтмай-сизми!.. Қодирова-ку, ишдан олинар, аммо мактабда издан чиққан таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш учун анча вақт, меҳнат керак бўлади! Энди Афзаловга келсак, Норхўжа бойваччани партиядан ҳам, колхоздан ҳам ҳайдаш керак! Гапим тамом.

Дадахон ака ҳафсаласи пир бўлган одамдай, қўлини силкиб ўтирди.

— Афзаловнинг колхоз демократиясини бузишга, халқ бойлигини ўз мулки билиб, талон-тарож қилишига колхоз экономикасининг чўкиб қолишига, меҳнат интизомининг барбод бўлишига мен ўзимни айбдор деб ҳисоблайман,— деди Абдуллаев ўз сўзида.— Мен коммунист Афзаловни ўз вақтида тартибга чақирмадим, унинг буйруқларини кўр-кўрона бажариб келдим, коммунист шаънимга ўчмас доғ туширдим. Ҳар қандай жазога лўйиқман!

Бош экономист Маҳмудов Афзаловнинг хўжаликни буткул издан чиқарганини аниқ рақамлар асосида таҳлил қиларкан, ишда янги киши бўлишига қарамай, бунда ўзи ҳам айбдор эканини тан олди.

Узоқов:

— Сўз ўртоқ Афзаловга, — дейиши билан мажлис аҳли сергакланиб, ўрнидан базўр турган, елкалари кенг, хумкалла, калта қўллари йўғон, бўйни ғўладай бақувват раис томонга қаради.

— Мен Тошкент Халқ хўжалиги институтини йигирма йил аввал путирдим. Ашандан бери партия аъзосиман. Раисликка сайланганимга ўн саккиз йил бўлди. Меҳнатим «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар минан тақдирланди...

— Таржимаий ҳолингиз бюро аъзоларига маълум,— Узоқов, Афзаловнинг сўзини бўлди.— Сиз битта саволга тўғри жавоб берсангиз бас: комиссия актида келтирилган далиллар, яъни колхознинг кейинги беш йилликда фақат пахтанинг ўзидан 720 минг сўм зарар кўрган-



лиги, чорвачилик буткул издан чиққанлиги, сабзавотчиликда давлат планлари қалбаки йўллар билан бажарилаётгани; «қўшиб ёзиш», маҳсулот ўрнига пул тўлаш, колхозчиларнинг ишга чиқмай қўйганлиги ва ниҳоят, шахсан ўзингизнинг ножўя хатти-ҳаракатларингизга доир далиллар тўғрими? Ахир, сиз, ўртоқ Афзалов, комиссия акти билан танишибсиз, мана охириги саҳифанинг тагига имзо ҳам қўйибсиз. Хўш, сиз бу ҳужжатга ихтиёрий қўл қўйдингизми ёки сизни биров мажбур қилдими?

Афзалов мажҳул бир аҳволда:

— Ихтиёрий қўл қўйдим...— деди.

— Утиринг!— Узоқов аламли бир оҳангда эзилиб гапирди:— Афзаловнинг ишда ва шахсий турмушда йўл қўйган хатолари давлатга, халққа қимматга тушди, ўртоқлар! Бу нарса ҳаммамиз учун аччиқ сабоқ бўлиши керак...— Узоқов бюро аъзоларини бирма-бир кўздан ўтказиб, ҳаммалари чуқур фикр оғушида эзилиб ўтирганларини кўрди ва бюро қарорининг лойиҳасини эълон қилди:

«Фрунзе номли колхоз райси Норхўжа Афзалович Афзалов колхоз демократиясини бузганлиги, ишда жиддий хатоларга йўл қўйганлиги ва шахсий ҳаётида коммунист номига доғ туширганлиги учун унга шахсий делосига ёзиш шarti билан қаттиқ виговор эълон қилинсин ва ишдан олиб ташлансин».

Бюро аъзоларидан ким шу қарорга рози бўлса, қўл кўтарсин.

Узоқов узун мажлис столининг икки томонидан ўтирган бюро аъзоларига бирма-бир қараб чиқди. Ҳамма қўл кўтарди.

— Афзалов, сизга жавоб!— деди Узоқов.

Афзалов ўрнидан бемажол бир аҳволда турди ва собиқ куредошига туссиз кўзлари билан ёвузона тикилди.

Афзалов мажлис залидан чиқиб кетгач, Узоқов ўридан тураётган Абдуллаевга:

— Утиринг!— деди.

Абдуллаев ёнидаги қария — бош агрономнинг ёнига жонсиз бир қиёфада ўтирди.

— Ўртоқ бюро аъзолари!— деди Узоқов ўридан туриб.— Коммунист Абдуллаев ҳозиргина ўз сўзида бутун айбини бўйнига олди.— Биз унга жазо чорасини белгилашимиз керак. Кимда қандай таклиф бор?

Мажлисдагилар сукут сақлашди. Буни кўрган Узоқов Камоловага: «Нима гап?»— дегандай савол назари билан қараб қўйди.

Камолова ўрнидан турди:

— Коммунист Абдуллаев колхоз партия ташкилотига раҳбарликни сусайтириб юборганлиги, Афзаловнинг хатоларини ўз вақтида очиб ташламай, партиявий принципсизликка йўл қўйганлиги учун унга шахсий делосига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан эълон қилинсин.

Бюро аъзолари Камолованинг таклифни яқдил маъқулладилар.

Узоқовнинг рухсати билан Абдуллаев ва унинг кетидан қария бош агроном мажлис залидан чиқиб кетдилар.

— Уртоқ Маҳмудовни чақиринг!— деди Узоқов эшик ёнидаги стулда ўтирган Мақсудахонга.

Мақсудахон қабулхонага чиқиб, Маҳмудовни бошлаб кирди. У мажлис аҳлига салом бериб, Узоқовнинг имо-си билан боягина Афзалов ўтирган стулга ўтирди.

— Область партия комитети ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитети районда бешта янги совхоз тузиш ҳақидаги таклифимизни кўриб чиқиб, маъқуллади,— деди Узоқов бюро аъзоларига.— Бу совхозлардан учтаси мева-сабзавотчилик, тўртинчиси шолкорлик, бешинчиси чорвачилик хўжаликлари бўлиб, Қампирратотда барпо этилаётган янги қурувчилар шаҳри билан Қўрғонтепа шаҳри меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Шу совхозлардан бири Фрунзе номли колхоз ўрнида ташкил этилади ва унга Қорадарё юқорисида — бўлгувси Андижон денгизининг ўнг томонидаги адирлар қўшиб берилади. Совхоз ерлари қадимги Беговот шаҳри — ҳозирги Қирғизистоннинг Сўзоқ райони билан чегараланади. Район ижроия комитети жаъми беш совхоз ерларини планлаштириб чиқди. Шу совхозлардан бири — Фрунзе номли совхоз директорлигига КПСС аъзоси, экономист ўртоқ Толибжон Маҳмудов тавсия этилади. Сўз Ҳабиба Камоловага!

Камолова ўрнидан туриб, Маҳмудов ҳақида бир варақ қоғозга ёзилган маълумотни ўқиб берди:

Толибжон Маҳмудов... 1940 йилда туғилган. КПСС аъзоси. Маълумоти олий — Тошкент Халқ хўжалиги

институтини тамомлаган. Уйланган, икки боласи бор. Қамтарин. Интизомли. Икки йилдан буён Фрунзе номли колхозда бош экономист бўлиб ишлайди. Шу вақт ичида колхоз экономикасини қолоқликдан чиқариб, пухта план асосида ривожлантириш ҳақида район партия комитети ва район ижроия комитетига икки марта расмий докладнома топширган. Райком бюроси Маҳмудовнинг тавсия ва таклифларини асосан маъқуллаб, шулар асосида бўлгуси совхознинг перспектив планини тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Камолова қисқача ахборотини тугатгач, Узоқов бюро аъзоларидан сўради:

— Қимда саволлар бор?

— Менда ўртоқ Маҳмудовга савол бор,— Дадахон ака Толибжонга синчков тикилди.— Колхозда Афзалов билан бирга икки йил ишлабсиз, ўртоқ Маҳмудов, хўш, раиснинг давлатни алдаш, чунончи сабзавот, гўшт ва бошқа маҳсулотлар ўрнига пул толшириб, планни «дўндириши» ва ҳоказо фирибгарликларидан хабарингиз йўқми?

— Йўқ,— Маҳмудов ўридан туриб, дадил жавоб берди.— Афзалов бу ишларни менга билдирмай, ўз қайнатаси — бош бухгалтер Қодиров ва жиянлари — экспедиторлар орқали амалга оширганини мен комиссия текширган кунлардагина билиб қолдим.

Дадахон ака Узоқовдан илтимо с қилди:

— Афзалов ва гумашталари ишини дарҳол тергов органларига ошириш керак, Карим Узоқович!

— Шундай қиламиз. Ўтиринг, Дадахон ака! — Узоқов уни тинчлантирди. Кейин бюро аъзоларига мурожаат қилди:— Ўртоқ Маҳмудовни Фрунзе номли совхозга директор қилиб тасдиқлашга қаршилар йўқми? Йўқ... Ўтиринг, ўртоқ Маҳмудов. Районимиздаги колхоз ва совхозларнинг ишларига доир баъзи мулоҳаза, тавсия ва таклифларимни ўртага ташламоқчиман. Сиз ҳам эшитинг, ўртоқ Маҳмудов! Мен яқинда районимиздаги барча хўжаликларда бўлдим, уларнинг иши билан бир неча кун давомида батафсил танишдим...

Узоқовнинг ўз сўзига бундай муқаддимасидан муҳим бир гапни айтмоқчи эканини фаҳмлаб, бюро аъзоларигина эмас, районнинг бошқа раҳбарлари ҳам ҳушёр тортдилар ва эрталаб бошланган мажлисдан чарчоқларини ҳам унутиб, президиум столи тўрида ўйга толганча

бир неча дақиқа сукутга кетган райком раҳбарининг рангар юзига тикилдилар.

— Фрунзе номли колхоздаги аҳвол бошқа хўжаликларимизда ҳам юз бермаяптимики, деган фикрдан, дўстлар, оромимни йўқотдим,— деб Узоқов район раҳбарларига юрагини очди. — Аслида йўқ маҳсулотни планга қўшиб ёзиш, демак давлатни очиқдан-очиқ алдаш; тайёрлов ташкилотларига гўшт, сабзавот ўрнига арзон нархда пул топшириб қутулиш ва бу маҳсулотларни қимматбаҳо билан бозорда пуллаш; порахўрлик, шахсий бойлик ортдириш, маишатбозлик, ортиқча тўй-ҳашам — булар ҳаммаси Афзаловнинг иш услубига, турмуш тарзига хос иллатлардир. Булар аслида совет қонунларини қасданна бузиш, яъни очиқдан-очиқ жиноятлардир. Қаердаки, шундай иллатлар содир бўлса, дин, бидъат ўша ерга осонликча суқилиб киради. Динфуруш, қаллоб Асадқори Афзаловнинг пинжига кириб олиб, харом пул топиш учун ундан восита сифатида фойдалангани шу фикримизни лўнда исбот қилади... Мен, ўртоқлар, жуда ташвишланиб, районимиздаги ҳамма хўжаликларда бўлдим, колхоз ва совхозларимиз экономикасини, уларнинг раҳбарлари иш услубини, то ҳисоб-китоб ишларигача — ҳамма соҳаларни ипидан игнасигача кўздан кечирдим. Хайрият, Фрунзе номли колхоздаги нуқсонларнинг кўпи уларда кўринмади. Шундан кейин сал ўзимга келдим...

Узоқовнинг бу сўзларини эшитган район раҳбарлари ҳам эркин тин олишиб, таранг асаблари сал бўшашди.

— Бироқ,— деди Узоқов ҳамон ўйчан бир аҳволда,— ҳамма хўжаликларга хос жиддий камчиликлар ҳамон мавжуд. Биз шунини унутмаслигимиз керакки, районимиз, аввало, пахтачилик райони. Биз бу йил ўн бир хил уруғ экибмиз. Демак, ўн бир хил агротехника, ўн бир хил парвариш керак. Бу — хато. Биз фақат бир хил, нари борса — икки хил уруғ экишимиз керак. Сабзавотчиликда ҳам шундай. Ўз об-ҳаво, иқлим шароитимизга мос уруғлар танлаб экилмаган. Чунончи, картошка эккан хўжаликлар уруғлари миқдорида ҳам ҳосил ололмаптилар... Мевачиликда ҳам аҳвол шундай. Оқсоқоллар тўғри маслаҳат беришяпти: сигир бўлса гавмиш бўлсин, қўй бўлса ҳисори бўрдоқи бўлсин, чигит бўлса — шароитимизга мос, серҳосил бўлсин, олма бўлса — шифил тугадиган нақш олма бўлсин, ёнғоқ бўлса тупидан

Йигирма пуд ҳосил берсин ва ҳоказо. Бобо деҳқонлар ҳам, жонкуяр ёш агрономлар ҳам ер, ҳосил тақдири, ўз хўжаликлари истиқболи ҳақида ташвишланишяпти... Энди меҳнат интизоми масаласига келайлик. Бу — муҳим масала, деҳқончиликнинг тақдирини ҳал этадиган масала. Мен хўжаликларда бўлганимда жуда кўп колхозчилар, совхоз ишчилари билан юракдан, очиқ суҳбатлашдим. Шундай хулосага келдимки, қаерда меҳнаткаш инсон ўз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлса, лўнда қилиб айтганда, бугун қилган меҳнатига эртага, маош олишига ишонса — ўша ерда меҳнат интизоми мустаҳкам. Қаердаки, бунинг акси бўлса, колхозчи, совхоз ишчиси далага чиқмайди. Демак, айб меҳнаткашда эмас, бизда — раҳбарларда. Мана бугун биз аччиқ ҳақиқатнинг гувоҳи бўлдик — ҳаётнинг, меҳнатнинг шул темир қонунини бузган Афзалов мисолида... Демак, биз, раҳбарлар мазкур фожиадан, ҳа, улкан фожиадан дарҳол лўнда хулоса чиқаришимиз, халқнинг хоҳиш-иродаси билан ишлашимиз керак. Нима дейсизлар?

— Айни муддао! — Оқсоқол Дадахон ака районнинг ҳамма раҳбарлари номидан Узоқовнинг сўзларини қувватлади. — Айни ҳақиқатни айтдингиз, Қарим Узоқович!

— Хуллас, дўстлар халқ билан алоқани кучайтиришимиз керак. Мана кўрдингиз, қаердаки ишни ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, оқибати вой бўлиб чиқяпти. — Узоқов шундай деди-да, ўрнига ўтирди. — Шу билан бюро мажлисини ёпиқ деб эълон қиламиз. Ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Бюро аъзолари, район раҳбарлари мажлис залидан бирин-кетин чиқиб кетдилар. Мақсудахон стол устидаги папкаларни йиғиштириб бўлгач, Узоқовга: «Менга бошқа ишингиз йўқми?» — деган мазмунда қараб қўйди-да, Қарим Узоқович индамагач, у ҳам хонани тарк этди.

Ҳар қачонгидай, Узоқов билан Камолова ёлғиз қолдилар.

— Сўзим раҳбарларга қаттиқ тегмадимикин? — Қарим Узоқович Камоловадан сўради.

— Ҳақиқат аччиқ бўлади, лекин ширин мева беради. — Камолова Узоқовга мамнун жилмайиб боқди. — Бизнинг қишлоғимизда бир жувозкаш ота бор; энг чуқук ёғ шофтолининг аччиқ данагидан олинади, дейди.

— Энди бундай қиламиз... — Узоқов қоғозларини йиғиштира туриб, қўл соатига қаради: Бешдан ўн беш минут ўтибди. «Темирни қизигида бос», дейдилар. Бугунги ишни эртага қолдирмаган маъқул. Фрунзе номли колхозда кеч соат саккизга умумий йиғилиш тайинлаймиз. Янги совхоз тузилганини, Маҳмудов директор қилиб тайинланганини эълон қиламиз. Сиз, Ҳабиба Камоловна, уйингизга бориб, икки соат дам олинг. Мен соат етти яримда ўтиб, сизни ола кетаман. Дурустми?

— Дуруст.

Камолова мажлис залидан чиқиб кетгач, Узоқов колхозга телефон қилмоқчи бўлди-ю, лекин Маҳмудовнинг бу ердан қирқ километр масофадаги Хонободга ҳали етиб бормаганлигига кўзи етгач, у ерда гапирадиган гапларини тартибга солиш учун қўлига қалам олди...

### *Ун саккизинчи боб*

Камолова Қарим Узоқович билан тунда Хонободдан қайтаётганида Узоқов уни яна ўз машинасига, орқа ўриндиққа, ўз ёнига таклиф қилганда, Ҳабиба биринчи марта раҳбарининг сўзини қайтарди:

— Мен қоламан, ўртоқ Узоқов, ота-онамни анчадан бери кўрганим йўқ...

Узоқов Камолованинг районнинг қайси ерига бормасин, ҳар доим уйига — эри Комилжон ва болалари ҳузурига етиб олишга шошилишини билгани учун бу гал унинг қишлоқда қолишга қарор берганлигидан таажжубланди ва «тунда мен билан бир машинада кетишга ийманяпти», деган хаёлга бориб, Ҳабибанинг ҳорғинлиқдан толиққан рангпар юзига, жавдираб турган кўзларига қараб қўйди-да:

— Ихтиёрингиз... — деди.

Зийрак Камолова Узоқовнинг кўнглида ғимирлаган шубҳани дарҳол сезди-да:

— Сўзимга ишонинг, Хонободга доим келаман-у, ота-онамни кўришга вақт тополмайман, — деб орадаги ноқулайликни кўтариб ташламоқчи бўлди.

— Бир ҳисобда қолганингиз ҳам маъқул... — Узоқовнинг пешанасида ингичка ажинлар бўртиб, ўйга толди. — Эртага соат ўн иккида Кампирравотда тўғон қу-

рилишининг бошланишига бағишланган митинг бўлади. Райком секретарларидан бир киши «Андижонгидро-строй»га келиб, уни тайёрлашга ёрдамлашиши керак эди. Сиздан илтимос, эрталаб шу иш билан шуғулла-нинг. Қурувчилардан икки киши сўзласин, комсомол-лардан бири «Келажакка мактуб»ни ўқиб бер-син.

— Яхши, Қарим Узоқович. — Ҳабиба ҳижолатдан қутилган одамдай енгил тин олди.

— Қани, машинага ўтиринг, отангизникига ташлаб кетаман. — Узоқов машинанинг орқа эшигини очди. — Марҳамат!

— Уйимиз икки қадам... — Камолова турган ерида қимирламади. — Яхши етиб олинг, Қарим Узоқов-вич!

Узоқов машинага ўтириб, эшикни нечундир зарда билан қаттиқ ёпди. Симёғочдаги электр чироқ шуъла-сида ярқираб турган оқ «Волга» вариллаб юриб кет-ди...

Ҳабиба туғилиб ўсган ўй чиндан ҳам бу ердан — колхоз боғидан уч юз метрча нарида — қишлоқ гу-зари ёнбошидаги тор кўчада эди. Бу боғ ўрталиғидаги икки қаватли эски бинога — кечаги кунгача Фрунзе номли колхоз, бугундан эътиборан эса, Фрунзе номли совхоз идорасининг қия очиб қўйилган ёруғ деразала-рига, у ерда ҳамон иш билан машғул одамларга бу ер-дан — сершоҳ дарахтлар тагидаги эски асфальти алла-қачон бузилиб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган йўлкада ту-риб, беихтиёр қараб қўйди-да, Узоқовнинг машинаси муюлишдан ўнгга Қўрғонтепа йўлига бурилиб кетгач, қадамини тезлатиб юриб борар экан, боғда кимнингдир шарпасини, кимнингдир йўталиб қўйганини сизди. Боя мажлис тугагач, Узоқов: «Ишни давом этдиришлар, ҳеч ким бизни кузатишга чиқмасин», деб тайинлаган эди. Шу сабабдан райком секретарларини ҳеч ким кузатма-ган бўлса ҳам, ҳар қалай, уч-тўрт киши боққа чиқиб, эҳтиётти шарт, «бирон топшириқ бўлиб қолармикан», деб кутиб туришган бўлса керак.

Камолова нотекис йўлкада эҳтиёткорлик билан аста юриб борар экан, орқасидан кимдир келаётганини сез-ди-да, йўлида тўхтаб, секин бурилиб қаради ва дафъа-тан домла Зуфаровни таниб қолиб, ҳам қувонч, ҳам ха-вотир билан сўради:

— Ҳа, Илҳом Зуфарович, баҳай?

— Шундай, ўзим... — Зуфаров дудуқланди. — Уйга қайтпман... Ҳамроҳ бўламиз!

Шу пайт Қамоловнинг ўнг оёғи каттароқ бир чуқурга тушиб, қоқилиб йиқилишига оз қолди-ю, базўр ўзини ўнглаб олиб:

— Йўлларга ҳам қарамай қўйилган экан, — деди койиниб:

— Э, нимасини айтасиз, қизим! — Зуфаров Ҳабибанинг чап қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Мана, бир ойдан бери деярли ҳар кун келасиз. Аввал одамлардан эшитиб юрган бўлсангиз, энди ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Халқимиз райкомдан миннатдор — ҳақ жойига қарор топди.

— Ҳа, тўғри айтдингиз: ҳақ жойига қарор топди, лекин... — деди Қамолова йўлкани кесиб ўтган ва анча ерни ўпириб кетган ариқдан ҳатлаб ўтгач, — лекин анча вақтни бой бериб қўйганимиз аниқланди. Колхозда, мактабда йўл қўйилган хатоларнинг олдини илгарироқ олсак, халқнинг гарданига бу қадар оғир юк тушмаган бўларди!

— Тўғри айтдингиз, Ҳабиба Қамоловна! — Зуфаров Қамолхон аканинг эшиги олдида тўхтади. — Мана, уйингизга ҳам етиб келдингиз. Дадангизни анов кун кўрувдим, дўхтирхонадан келаётган эканлар, кўкрагим санчади, деб шикоят қилдилар, кўринишлари ҳам унчамас...

— Ҳа, пенсияга чиққандан бери мазаларни йўқ... — Қамолова ўйчан бир қиёфада эшик ҳалқасига қўл узатиб, уни итарди. Кўк бўёғи нураган бир тавақали эшик енгилгина очилди. — Юринг, Илҳом Зуфарович, дадам билан суҳбатлашсангиз, хурсанд бўладилар.

— Раҳмат. Вақт кеч. — Зуфаров қўл соатига қаради. — Уҳў, ўн иккидан ошибди. Уйдагилар ташвишланиб ўтиришган бўлса керак. Мен эртага барвақтроқ албатта келиб, Қамолхон акани кўриб кетаман.

— Раҳмат, Илҳом Зуфарович? — Ҳабиба Зуфаров билан хайрлашиш учун қўл узатар экан, сўради:— Дилбар яхши юрибдими?

— Бир ойдан бери «Андижонгидрострой»да. Иши кўп. Комсомол секретари вазифаси ўзингизга маълум.



Ўзим ҳам уни кам кўраман: тунда мен ётгач келиб, тонг отар-отмай ишига чопади. — Зуфаров фахрланиб қўшиб қўйди: — Кеча «Уеталар мактаби»га келди. Комсомоллар йиғилишидан чиқиб, кетмоқчи бўлиб турганида Марина унинг кўлидан судраб, кабинетимга олиб кирди: кўзлари ич-ичига кириб, териси суягига ёпишиб кетибди. Мен ундан ҳол-аҳвол сўрасам, у комитетда комсомоллар сонинингдан ошганини, ҳар бирини ишга, ётоқхонага жойлаш кераклигини, бир пиёла чой ичишга ҳам вақти йўқлигини айтади.

— Ҳа, иш кундан-кун кўпайиб борапти, — Камолова Зуфаровнинг фикрини қувватлади. — Мен ҳам болаларимни кўпинча уйқусида кўраман. Аммо, заррача пушаймоним йўқ. Эл хизматига, одамлар ҳаётига керакли туйғуси туйғусизлиқ заҳмат чекаётганимни ҳам, чарчаганимни ҳам билмай қоламан. Фақат вақт, умр тез ўтиб кетяпти, ўйлаган режаларим, дилдаги орзуларим амалга ошмай қоляпти — шу армонгина тинчимни олади, холос.

Зуфаров илмда баркамол, ҳаётда бахтли, элда ардоқли, райондаги ҳамма аёллар ўзлари учун ибрат деб ҳавас қиладиган Камоловнинг бу иқроридан ҳайратланиб:

— Йўғ-ей!.. Ундоқмасдур-ей! — деб собиқ шоғирди-га савол назари билан қаради. — Мен қизим Дилбарнинг сиздай бўлишини орзу қиламан, Ҳабибахон!

— Дилбар, мақсадли, иродали қиз. Сиз у билан ҳар қанча фарҳансангиз арзийди! — Камолова Дилбар ҳақида неча кундан бери ўйлаб юрган фикрларининг унинг дадасига бирма-бир айтди: — Мактаб ишини текширган райком комиссиясининг хулосаларидан бири шу бўлдики, бу йил олтин медаль Анваржонга эмас, Дилбарга берилиши керак экан. Афзалов ўз қайинсинглиси Қодирова орқали олтин медални Анваржонга бердириб, адолатсизликка йўл қўйди. Шунда Дилбар нима қилди? У имтиҳонларга пухта тайёрланиб, институтга фақат «беш» баҳолар билан кирди ва бу билан адолатсизликка зарба берди. Ана, унинг мақсадли қиз эканлигига далил! Энди унинг иродасига келсак, институтда ўқишини сиртқи бўлимга кўчириб, қурилишга ишга келди. Ҳа, Илҳом Зуфарович, у оддий қурилишга эмас, балки ўз юртида бошланаётган, халқнинг ҳаётини тубдан

Ўзгартриб, мислсиз буюк истиқболлар очиб берадиган тарихий қурилишга келди. Дилбар комсомол комитети-га секретарь қилиб сайлангандан кейин мен уни райкомга чақриб суҳбатлашдим. У ҳар қандай ишда, энг оғир қора ишда ишлашга, ёки касб ўрганиб,, масалан, чизмачи, монтажчи, гидротехник бўлишга тайёр экан. Мана, устоз, қизингизнинг иродаси!..

— Раҳмат, Ҳабиба Камоловна!..—Зуфаровнинг кўзларида шодлик ёшлари кўринди. Кейин у истар-истамай деди: — Афзаловнинг иши ҳамманинг бошини қотирди...

— Бу мураккаб масала... — Камолова адир томондан қалқиб келган ва тор кўчага ҳам гуриллаб кириб, дарахт шоҳларини эгиб шовуллай бошлаган салқин шамолдан энтикиб тин олди-да, Зуфаровга маъюс тикилди: — Умуман, ҳаёт мураккаб нарса. Аввало, айб бизда, район раҳбарларида... Ахир, биз Афзаловни аввал билмас эдикми?.. Ахир, колхоз бу йил биринчи марта оқсаяптими? Ёки, мактаб... Шундоққина йўл бўйида, қишлоқ марказида... Унинг ички ишларини дарҳол билиб бўлмаса ҳам, ташқи қиёфаси, нураган биноси, қуриган боғи шундоққина кўзга ташланиб турибди-ку?! Сиз каби, Барно опа каби кекса коммунист ўқитувчилар райкомга арз қилиб борганингиздан кейингина мактаб, маориф ишлари билан шуғуллана бошладик. Колхоз-чи? Наҳотки, халқ хўжалиги бир кишининг мулкига айланиб қолса? Наҳотки, Афзалов шунақа зўр одам? Унинг: «Ўзим хон — қўланкам майдон», деган даражага бориб етишига нега йўл қўйиб бердик? Бизни нима кўр қилиб қўйди?!

— Ишонч... — Қўйиб-пишиб, жиғибийрон сўзлаётган Камолованинг саволларига Зуфаров босиқлик билан жавоб қайтарди. — Бу ҳаддан ташқари ишониб юборишнинг оқибати. Афзалов ишдан олинди, албатта қилмишларига яраша жавоб беради. Колхозимиз совхозга айланди, ёш мутахассис Маҳмудов директор бўлди. Энди хўжалик аста-секин ўнглиниб кетади, албатта. Мактаб масаласига келсак, ўша бир масала биз, ўқитувчиларнинг бошини қотириб турибди: олтин медаль масаласи... Бу масала эл оғзига тушди, қишлоқда овоза бўлди. Мени тўғри тушунинг, Ҳабиба Камоловна, Дилбар менинг қизим бўлгани учун мен бу гапни аламдан айтаётганим йўқ. Адолат яримта бўлмаслиги, бал-

ки бутун бўлиши керак. Ноҳақ дада жазоланса-ю, ноҳақ ўғил таралла-бедод қилиб юрса, бу қандоқ бўлади? Ахир, мен Анваржонни ўқитганман, унинг билим даражасини биламан, бинобарин, унга қўйилган юқори баҳоларнинг қалбакилиги ҳам мактаб педагоглар кенгашига маълум. Хўш, бу масала нима бўлади?

— Маориф бу масала билан охиригача шуғулланади. — Камолова Зуфаровни тинчлантирди. — Райком бу масалани текшириб, охирига етказишни район халқ маориф бўлимига топширди. Қодирова ишдан олинди, директорликка муносиб бир номзод изланяпти.

— Хайрият, — Зуфаров хайрлашиш учун Камоловага қўл узатди. — Дадангизни сўраб қўйинг!..

— Раҳмат, Илҳом Зуфарович!

Камолова ҳовлига кириб, эшикни орқасидан ёпиб олгандан кейингина Зуфаров ўнқир-чўнқир йўлка бўйлаб уйи томонга юриб кетди.

Ҳовли зим-зиё. Дарахтлар зулмат қўйнида мудрайди. Қушлар уйқуда. Унг томондаги девор бўйлаб солинган янги бостирма тагида сигир-бузоқ билан иккита бўрдоқ қўй бағрини ерга берганча мудрашиб ётибди. Рўпарада — ҳовли тўрида бир уй ва бир айвон бўлиб, чироқлар ўчирилгани сабабли у ерда ким бор, ким йўқлигини билиб бўлмайди. Фақат осмон сеҳрга тўла: яккам-дуккам, тўда-тўда юлдузлар чарақлайди, камалакдай эгри чўзилган сомон йўли эса, ҳозиргини узун куракдан сочилган қўр тўзонидай милтиллайди..

Ҳабиба ҳовлига киргач, суви жимгина шивирлаб оқаётган ариқ бўйидан айвон томонга аста юриб борди-да, харсангтошлардан териб ясалган зинапоя олдида тўхтади.

Айвоннинг юқорироқ ердан кучсизгина товуш эшитилди:

— Ким у?

— Бу мен, дадажон! — Ҳабиба зинапоядан айвонга чиқаётганда онаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қоронғиликда апил-тапил ҳаракат бошланди.

— Чироқни ёқиб юбор, қизим! — Чолнинг ётган ерда ўгирилгани сим каравотнинг ғижирлаганидан билинди.

Ҳабиба девордаги включателни пайпаслаб топди ва уни босиши билан шипга осиглиқ электр чироқ тиниқ чарақлади. Шунда Ҳабиба отаси айвон тўридаги кара-

вотда, онаси эса; ердаги палосга ёзилган кўрпачада ётганини кўрди-да:

— Бевақт келдим, оромингизни буздим, — деб узр сўради.

Онаси Солиҳа опа дрҳол ўрнидан туриб, қизини бағрига олиб суярган:

— Ухламовдик... Шу топда кўзим илинибди. Даданнинг тоби йўқ... — У қизини бағридан чиқариб, каравотда тирсагига суялиб ўтириб олмоқчи бўлган эрининг бошига тез етиб борди: — Қимирламанг, дадаси, дўхтир қимирламай ётсин, деган. — У эрининг бошини оппоқ ёстиққа секингина босиб ётқизгач, қизига тушунтирди: — Уч кун бўлди, даданг нақ кўрқитдилар, нақ кўрқитдилар!..

Ҳабиба каравот бошига келиб эгилди:

— Ассалому алайкум, дадажон, тузукми-сиз?

Камолхон ака икки қўлини икки ёнига ташлаб, шипга қараб ётганча, қизидан ўпкалаганнамо:

— Қишлоққа тез-тез келиб турармишсан, уйга кирмайсан, — деди.

— Иш қурсин... — Ҳабиба ич-ичидан ўкиниб гапирди, — югур-югурдан қўлим бўшамайди. Мени ҳар қанча койсангиз оз!

Ҳабиба онаси каравот ёнига қўйиб берган стулга ўтирди-да, дадасининг юз-кўзларини беозоргина силди:

— Тобингиз қочган экан, менга хабар бердирсангиз бўларди! — Кейин, ёнида тик турган онасидан сўради:

— Дўхтир нима деди, бувижон?

— Инфатнинг олди, қимирламай ётсин, манави дориларни ичиб турсин, — дейди. — Солиҳа опа токчадаги дориларни олиб, қизига берди. — Инфат дегани нима, билмадик... Яна дўхтир айтдики, даданг бир оз ўзига келгандан кейин Анжандаги касалхонага ётқизилса маъқул экан...

Ҳабиба дориларни кўздан кечирар экан:

— Инфаркт — юрак касали, — деб тушунтирди онасига. — То врач туришга рухсат этгунча, дадам қимирламай ётиши керак. Манави дориларни ҳам ўз вақтида ичиб туриши шарт. Мени кечиринг, дадажон, бетоблигингиздан беҳабар қолибман! — Ҳабиба отасининг бошига эгилиб, пешонасидан ўпди. — Эртагаёқ

Андижондан малакали врач чақирамиз, яхшилаб даволатамиз.

— Раҳмат, қизим... — Чол бошини хотини томонга сал ўгириб: — Ҳабибанг туз тотмагандир, ҳойнаҳой, — деди. — Нон-қатинг борми, ахир?

— Вой, эсим қурсин! — Солиҳа опа: — Бор, бор! — дея зинапоядан ҳовлига тушиб, айвон орқасидаги ошхонага югурди.

— Биладан, ишинг кўп. Сендан гинамиз йўқ. — Камолхон ака нимжон қўлларини аста кўтариб, кўкрагига қўйди ва Ҳабибага қараб, аста жилмайди. — Ёлғиз фарзандимизсан. Бувинг иккимиз тез-тез соғиниб, кўргимиз келади. Айниқса, қишлоққа келиб, бизга учрамай кетганингни эшитсак хафа бўламиз. Ҳа, майли... Қалай, ўзинг чарчамай юрибсанми? Комилжоннинг иши жойидами? Невараларим чопқиллаб юришибдими? Соғ вақтимда ўзим бориб турардим. Шу кейинги уч-тўрт ойдан бери мазам йўқ. Кимсан, Камол уста номим бор элда... Энди бўлса, пойтешани кўтаришга мажолим йўқ. Бувинг иккимиз бир-биримизга суялган чинор эдик. Мен қулай бошловдим, бувинг ҳам тебраниб қолди; юрса қоқилади, ўтирса йиқилади... Энди биздан бот-бот хабар олиб тур, қизим!

— Дадажоним! — Отасининг ночор аҳволини кўрган Ҳабибанинг кўзига ёш тўлиб келди. — Мени, бағритош қизингизни кечиринг!..

— Бўлди, бўлди, отасининг сўзи боласига қаттиқ ботмаслиги керак. — Камолхон ака бошига эгилган Ҳабибанинг ипакдай майин сочларини силади. — Сенинг қилиб юрган ишларингни эшитиб, бувинг иккимиз сендай қизимиз борлигидан фахрланамиз. Айниқса, райком комиссиясига бош бўлиб, Норхўжанинг эгри ишларини дадил очиб ташлаганингдан биргина биз эмас, бутун эл хурсанд. Ақлинг, донолигинг, халқпарварлигинг оғизларда дoston... Биз бувинг билан ҳамма ишингдан хурсандмиз-у, фақат бир ишингдан қаттиқ ранжидик. Нега энди Фозилмонга, Норхўжанинг зиёфатига борибсан? Ҳатто, сўз ҳам айтибсан? Биргина биз эмас, хоҳободликлар ҳаммаси ҳайрон... Сен ўзинг комиссия раиси, унинг ишини текшириб турган, хатолари, жиноятларидан хабардор бўлсанг-у, яна ўтиришига бориб, уни табрикласанг? Буни эшитиб, ақлимиз бовар қилмади, лабимизни тишлаб қолдик...

— Ҳайрон бўлганингизча бор, — деди Ҳабиба ва истеҳзоли жилмайиб, — мен шундай қилишга мажбур эдим, — деб иқрор бўлди. — Афзалов колхозимизда йигирма йилга яқин турли вазифаларда ишлади. У раслик даврининг дастлабки йилларида планлар бажарилди, турмуш ҳам анча яхши бўлиб қолди. Кейинги икки-уч йил ичида иш орқага кетди. Бунинг сабаблари бор, албатта...

— Э, райкомда ишлайсан-у, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ! Афзалов ўғри! — Қамолхон аканинг ғазаби қўзиб, ўрнидан туриш учун бошини ёстикдан кўтарганда Ҳабиба унинг кўкрагидан аста босиб, ётқизиб қўйдида:

— Тинчланинг, дадажон! — деди чолнинг бошини силаб. — Райком комиссияси ҳамма нарсани аниқлади. Афзалов ҳам, унинг ҳамтовоқлари ҳам ишдан олинди. Улар қилган жинойтлари учун жавоб берадилар. Бу жиҳатдан хотиржам бўлинг.

Солиҳа опа патнисда иккита нон, товоқда қаймоқ, чойнакда чой олиб келди. Ҳабиба стулдан туриб, патнисни дарҳол онасининг қўлидан олди ва хонтахтага дастурхон ёзгач, патнисни қўйиб, чойни ўзи қуя бошлади.

— Рангинг синиқиб кетибди, Ҳаби! — Солиҳа опа кизига ачиниб термилди. — Асли каттаконликни қўйиб, мактабда муаллимами ё. фабрикада чеварми, ишқилиб, биронта беташвишгина ишда ишласанг бўларди!

— Ўзимга боғлиқ бўлса шундай қилардим, бувижон! — Ҳабиба қўлида пиёла билан беморнинг бошига борди. — Чойдан ҳўпланг, дадажон!

— Раҳмат, қизим... — Қамолхон ака қизи тутган пиёладаги чойдан озгинагина ҳўплаб тамшанди ва: — Ҳар қалай, Афзаловнинг зиёфатига бориб, чакки қилгансан! — деб бояги фикрини такрорлади.

Ҳабиба хонтахта ёнидаги қалингина кўрпачага ўтириб, товоқдаги қаймоққа нон тўғраб ташлар экан:

— Дадажон, сиз ўзингиз мени ўқитиб, «шу ёлғиз қизим ўнта йигитнинг ўрнини босади», демаганмидингиз? — деб секин жилмайди ва ўйлаб туриб, қўшимча қилди: — Унта одам уёқда турсин, битта одамнинг вазифасини бажариш ҳам оғир бўлиб қолди. Иш кундан-кунга кўпайиб, вазифа оғирлашиб, маъсулият ошиб боряпти.

— Давр шунақа, — Қамолхон ака шипнинг электр нурида ялтираб товланаётган жимир-жимир кўк бўёғидан кўзларини олмай, файласуфона вазминлик билан сўзлади. — Пенсияга чиққандан буён томороқада да-рахтларга, мол-қолга қарайман, зерикаман, чойхонага чиқсам, уч-тўртта бекорчининг гийбати. Хуллас, эрта-кеч радио эшитадиган бўлиб қолдим. Бошқа ҳамма гапларни тарозининг бир палласига қўйиб, уруш хавфи ҳақидаги гапларни иккинчи палласига қўйилса, шу ик-кинчисин босиб кетади. Сен, қизим, сиёсатдонлар ичида юрасан. Айт-чи, уруш яна яқинлашиб қолдимми? Америка президенти янги Гитлер бўлмоқчимми? Нега Исроил қўшинлари араб ерларини босиб янчаяпти? Зўравонлик-ка барҳам бериш, одамзодга тинчлик, омонлик бахш этишнинг иложи йўқми?

— Иложи бор. — Ҳабиба хушбўй қаймоқда ивиган бир тўғрам нонни маза қилиб ютгач, чойдан ҳўплади ва деворга суялиб ўтирганча, такрорлади. — Иложи бор. Бунинг иложи — мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш. Бизнинг районимизда қуриладиган Қампирравот сув иншооти, ГЭСи, кабель заводи, бошқа ўнлаб корхоналар ҳам, пахтамиз, ғалламиз, умуман халқимизнинг улуғ меҳнати шу мақсадга — давлатимиз қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Гапинг маъқул, Ҳаби! — Қамолхон ака ёстиқда бошини ўгириб, қизига мамнун қараб қўйди. — Ақлингга балли! Лекин, опоч, гап кўп... Радиода уруш хавфи ҳақида эртаю кеч гап...

— Жуда тўғри! — Ҳабиба қўлларини кўкрагига қовуштириб ўтирар экан, сўзларида қатъият жаранглади: — Даҳшатли ядро уруши хавфи ҳақида тинимсиз гапириш, ҳар бир одамни, бутун одамзодни огоҳлантириб туриш керак!

— Ҳа, сўзингда жон бор... — Чол яна шипга қараб, қўлларини узатди-да, жимиб қолди.

— Қизим, қаймоғингни еб қўй! — Солиҳа опа Ҳабибага янги чой қўйиб узатди. — Ол, жиззали нонни соғингандирсан?..

Ҳабиба пиёлани онасининг қўлидан олди-ю, лекин ичмай, хонтахтага қўйди-да:

— Ҳалиги гапни кўнглингиздан чиқариб юборинг! — деди дадасига илтижо қилган оҳангда. — Мен Афзаловнинг зиёфатида унинг илгариги хизматларини ай-

тиш билан бирга колхознинг ҳозирги қолоқлик аҳволи ва бунинг сабабларини ҳам таҳлил қилиб бердим. Унга расмий табрикнома ҳам топширилгани йўқ... Бунинг устига, Афзаловнинг анчагина ножўя ҳаракатларини ўз кўзим билан кўрдим...

— Бари бир, Фозилмонга борганинг менга маъқул эмас, қизим!

Дадасининг изтироб билан такрор айтган бу сўзлари Ҳабибага қаттиқ таъсир қилди-да:

— Бу танбеҳингизни албатта, ҳисобга оламан, дадажон! — деб ўрнидан турди ва онасидан илтимос қилди: — Менга шу ерга жой солиб беринг, бувижон, очиқ ҳа-вода ётай, бошим айланяпти...

— Хўп, тасаддиқ, ўзи вақт ҳам анча маҳал бўлиб қолди...

Солиҳа опа қизи учун айвон пешига жой солгач, чи-роқни ўчирди.

Ҳабиба юмшоққина ўринга чўзилди-ю, азбаройи чарчаганидан дарҳол пишиллаб ухлаб қолди. У қўшни қўрада қичқирган хўроз товушини ҳам эшитмади...

### *Ун тўққизинчи боб*

Солиев ярим тунда уйига қайтиб, ҳали нафасини ростлаб улгурмаедан эшик кўнғироғи жиринглади.

— Кўчада сизни икки йигит кутишяпти, — деди қўлидаги боласи билан йўлакка чиққан Қуёшхон. — За-рур ишлари бор экан.

Солиев девордаги қозиққа илиб қўйган йўғон кама-рини олиб, гимнастёркасини устидан белига тортиб боғ-лади ва тўппончасини шимининг чўнтагига солаётиб, Қуёшхонга тайинлади:

— Эшикни қулфлаб ётинг. Келганлар дружиначилар бўлса керак, биз посёлкани бир айланиб чиқамиз.

Боласининг тепасига эгилиб, уни обболаётган Қуёш-хон бошини секин қимирлатиб, «маъқул» жавобини бергач, Худойқул хона эшигини аста ёпиб, нимқоронғи йўлакка чиқиб кетди.

Кўчада кутиб турган йигитлар у таҳмин қилган дру-жиначилар эмас, балки Обиджон билан унинг укаси Одилжон эдилар. Худойқул Обиджонни Қорадарёдаги



тошқин вақтидан буён яхши билар, айниқса Кампирравот — Хонобод йўли қурилишида ака-укани кўп марта кўрган, йўл қурилиб бўлгандан кейин эса, илғор бригада бошлиғи Обиджоннинг яқинда ишга тушган бетон заводига бетон қориш участкасининг бошлиғи вазифасига кўтарилганидан, Одилжоннинг эса, қисқа муддатли шофёрлар курсини тамомлагач, автобазада самосвал ҳайдаётганидан хабардор эди. Ана, кўча ўртасида турган баҳайбат «МАЗ» самосвали Одилжоннинг машинаси бўлса керак.

Эртага сув иншоотининг асосий объекти — тўғон қурилиши бошланиши арафасида — шу тиқилинч соатларда ака-уканинг милиция бошлиғини қидириб келишлари бежиз эмаслигини дарҳол тушунган Солиев йигитлар қаршисига тез юриб борди ва расмий бир тарзда честь бериб, кўришар экан, елкаларини кўтариб, ғоз турганча:

— Келингиз, хизмат? — деб сўради.

— Одилжон шу топда заводга келиб, Девонов отанинг боғига тушган ўғриларнинг изи топилганини хабар қилди, — деди Обиджон бир укасига, бир Солиевга қараб. — Биласиз, ўртоқ бошлиқ, иш тиқилинч, йўталишга вақтимиз йўқ...

— Ҳа, ҳа, албатта. — Обиджоннинг сўзларидан хушёр тортган Солиев Одилжонга хушёр тикилди:—Хўш, бу хабарни сизга ким етказди?

— Буни айтолмайман... — Одилжон ҳижолат чекиб, ерга қаради. — Бу нозик масала, бошлиқ ака... Бу хабарни келтирган киши ўзининг кимлигини айтмасликни иятимос қилди... Лекин, мен у айтган ерга бориб, Умархон отанинг қорабайирини ўз кўзим билан кўрдим. Уғрининг адреси мана бу қоғозга ёзилган. Марҳамат!

Солиев Одилжон узатган қоғозни олиб, симёғочдаги электр чироқ шуъласига солиб ўқиди: «Тўхтаҳўжаев маҳалласи чойхона орқасидаги боши берк кўча, Учинчи уй. Асад қори...»

— Асад қори? — Солиев таажжубланиб елкасини қисди. — Бу ҳалиги... кичкина табибми?

— Ҳа, уни Асад қори ҳам, Асад табиб ҳам дейишадди. — Обиджон тушунтирди. — Асли жалолободлик, қора чўтир маҳмадона одам. Ана энди, ўртоқ бошлиқ, воқеанинг буёғини укамдан эшитинг!

— Менинг бир дўстим бор... — Ҳикояни Одилжон

давом эттирди. — Мен унинг отини айтмайман: иши нозик... Хуллас, шу дўстим уйланмоқчи. У яхши ният билан кеча Жалолободга борган ва қўйбозорга ўтиб, бўлажак тўйига иккита қўй олмоқчи бўлган. Қўй бозори мол бозорининг орқасида, от бозорининг шундоққина ёнида. Дўстим от бозорида тасодифан Умархон отанинг қорабайирини етаклаб турган Асад қорини кўриб қолган.

— Шерлок Холмс бўлиб кетинг-е! — Худойкул кулиб, Одилжоннинг елкасига қоқиб қўйди. — Исмини сир тутаётган дўстингиз, иттифоқо, доктор Вотсон эмасми?

— Йўқ, ўртоқ бошлиқ, дўстим ўзимизнинг қишлоқлик ажойиб йигит! — Алқисса, — деди Одилжон «Минг бир кеча»дан ҳикоят сўзлаётгандай завқ билан, — Умархон отага қай жиҳати биландир жиян бўлган ва ўзи ҳам қорабайирга ишқибоз дўстим от бозорида айлашиб юрган ва Асад қорининг шериклари гўё, тулпорнинг «эгаси» бўлиб, жиловининг икки томонидан ушлаб турган икки кишини яхши таниб олган. Дўстим отни синчиклаб кўздан кечираётган харидорни ҳам, ўртада даллоллик қилаётган от жаллобни ҳам эслаб қолган. Шундан кейингина у қўй бозорга ўтиб, иккита қўй олмоқчи бўлганда бир харидордан пул санаб олаётган Асад қорини яна кўриб қолган. Харидор қори домла билан ҳисоб-китоб қилгач, тўртта семиз қўйни — Умархон отанинг бўрдоқиларини бозордан ҳайдаб олиб чиқиб кетган...

— Ажабо! — Солиев Одилжонга синчков тикилди. — Янги Шерлок Холмс, яъни исми махфий дўстингиз Девонов отанинг қўйларини қайси белгиларидан танибди?

— Айтдим-ку, дўстим Умархон отага жиян бўлади деб! — Одилжон қўл соатига қараб қўйди: — Икки ярим... Яқинда тонг ёришадн... Иш қалашиб ётибди...

— Иккита савол. — Солиев кутилмаган воқеалар гирдобиди фикрга толиб, Одилжонга ҳам завқ, ҳам шубҳа билан тикилди. — Биринчиси: дўстингиз ким? Иккинчиси: Девонов отанинг тулпори билан қўйларини кўрган ўша жиян чолнинг сигир-бузоғини кўрмабдими?

— Ўртоқ катта лейтенант, ишонинг, дўстим, ҳар жиҳатдан пок йигит, — Одилжон қошлари чимирилиб,

кўзлари совуқ йилтирай бошлаган Солиевнинг кўнглини юмшатиш учун чала ваъда қилди: — Мен сизни у билан бир кун, албатта, таништириб қўяман, лекин ҳозир эмас... Ҳозир эса. Дўстим учун мана мен туриб берман. Иккинчи саволингизга жавоб шуки, дўстим Умархон отанинг сигир-бузоғини мол бозорда кўрмабди. Бироқ, дўстимнинг тахминича, Асад қори шериклари билан бозорда сигир-бузоқни ҳам пуллаган.

— Эҳтимол... — Солиев Қорадарёнинг нариги — чап қирғоғи бўйлаб ўта бошлаган юк машиналарини кўздан кечирар экан, Одилжоннинг «Бизнинг колоннамиз!» — деб берган изоҳидан мамнун жилмайиб қўйди-да, яна ўғрилар ҳақида сўради: — Хўш, дўстингиз тулпор ортилган юк машина билан юзма-юз Хонободгача келибди. Кейин нима бўлибди?

— Юк машина Хонободда тўхтамай, янги бетон йўлдан Қорадарё кўпригигача келибди ва ундан ўтгач, Тополинога бурилибди. — Одилжон дўсти ҳикоя қилган воқеани икир-чикиригача эслаб, бор тафсилоти билан сўзлаб беришга ҳаракат қилди. — Кейин машина Шаҳрихонсой канали кўпригидан ўтгач, чойхона орқасидаги тор кўчага бурилган. Шофёр унга отни туширишга кўмаклашворган ва қори домладан кира ҳақини олгач, келган йўлидан қайтиб кетган.

— Дўстингиз-чи? У қаерда? — Солиев холис изопарни билиш учун яна савол бериб кўрди.

— Дўстим автобазага келиб, бу хабарни менга етказди-ю, ишхонасига жўнаб кетди. — Одилжон тоқатсизланиб деди: — Тезда ўғриларни қўлга тушириш чорасини кўриш керак, ўртоқ бошлиқ!

— Чорасини кўрамиз! — Солиев ётоқхона эшиги ёнида турган кажавалик мотоцикли томонга бурилди. — Сизлар мен билан юрасиз!

— Биз қоламиз, — деди қатъий бир тарзда Обиджон.

Обиджоннинг бу рад жавобидан Солиев таажжубланиб, ака-укага ялт этиб қаради: — Нега? Сабаб?

— Колоннани кўряписизми? — Обиджон «МАЗ»ларнинг ёрқин чироқларидан кундуздай чароғон соҳилга, бетон заводининг баҳайбат корпусларига ишора қилди. — Қувасойдан келган цементни тонггача ташиб олишимиз керак. Эртага, бир кунда заводимизга беш

юз самосвал бетон етказиб бериш вазифаси топширилган.

— Колоннамиз бугундан уч сменада ишлашга кўчди, — Одилжон акасининг фикрини қувватлади. — Ўғрилларнинг адресини бердик, энди буёғига узр, ўртоқ катта лейтенант! Фақат бир илтимос: ГАИ ходимлари колоннамизга йўлни очиб бериб туришсин!

— Албатта, албатта... — Кампирравот дараси бўйлаб кетган янги йўлдаги тунги ғайриоддий тикилинч ҳаракатга синчков боқиб, ўнлаб қудратли моторлар гулдуросига қулоқ солиб турган Солиев бир кун ичида — то у Қўрғонтепага бориб оиласини кўчириб келгунча ўтган саккиз-ўн соат давомида бу ерда катта ўзгариш бўлганини сизди ва унинг жанговар ёрдамчиси Ҳосил Йўлдошев ҳозир милиция идорасида бир неча милиционер ҳам дружиначилар билан навбатчилик қилаётганини эслаб, дарҳол идорага етиб боришга, ўғриларни тутишни ҳам, бошқа зарур ишларни ҳам ўша ерда ташкил этишга қарор берди-да, ака-укага:

— Раҳмат сизга, дўстлар! — деб миннатдорчилик билдирар экан, улар билан қўл бериб хайрлаша туриб, қўшиб қўйди: — Агар жуда керак бўлиб қолсангиз, ишхоналарингиздан топар эканмиз-да?

— Ҳа, биз доим тайёр, — Обиджон укаси учун ҳам жавоб берди.

Ака-ука «МАЗ»нинг баланд кабинасига икки томондаги эшикдан чиқиб ўтирдилар. Одилжон моторни ўт олдириб, стартёрни босганда, машинанинг арслондай ўкириги дарани ларзага келтирди.

Ака-ука мотоцикл ёнида турган катта лейтенантга қўл силкидилар. «МАЗ» суви камайган дарё ўзанининг шағалини ғирчиллатиб босиб-янчиб айланди-да, юқорига — «Кампиртош» тагидан қурилажак тўғон ҳавзаси томонга кетган йўлга интилди.

Солиев мотоциклида Қорабағиш посёлкасининг у ер-бу ерида қад кўтарган турли идоралар, ётоқхоналар, ошхона ва магазин бараклари оралаб, худди шундай бараклардан фарқ қилмайдиган ўз идораси — милиция участкаси томонга йўл олди.

Солиев участкага етиб келганда барак олдидаги йўлда беш-олти йигит ва бир қиз — билагига қизил лента боғлаган дружиначилар суҳбатлашиб туришар, барак ичидаги тўрттала хонада ҳам чироқлар машъа-

ла; йўлак рўпарасида — тўрдаги очиқ эшиқдан ёзув столи орқасида тик турганча телефонда сўзлашаётган катта сержант Йўлдошев шундоққина кўриниб турарди.

Солиев мотоциклини тўхтатиб, моторини ўчирди ва унинг эгаридан тушиб, дружиначилар билан кўришгач, йўлакка кириб, Йўлдошев турган хона томонга тез юриб борди.

Телефондаги суҳбат тугади шекилли, Йўлдошев трубкани аппарат устига қўйиб, ғоз турганча бошлиққа честь берди:

— Яхши етиб келдингизми, ўртоқ катта лейтенант? Навбатчилик тинч ўтяпти... Фақат посёлка Советидан янги топшириқлар олинди. Йўлларга ГАИ ходимлари ва дружиначилардан навбатчилар қўйилди. Райондан алоқачилар келиб, қурилиш объектларига ва эртага митинг бўладиган ерга телефон симлари тортишяпти. Мен уларга ҳам дружиначиларни ёрдамга юбордим. Қўрғонтепадан бошлиқ телефон қилдилар: митинг вақтида тартиб ўрнатиб туриш учун эрталаб соат олтида МВД область бошқармасидан ва район милицияларидан келишар экан.

— Мақул, — Солиев қўл соатига қараб олгач, Йўлдошевнинг уйқусизликдан киртайган кўзларига тикилди. — Соат чорак кам уч... Зарур иш чиқиб қолди. Девонов отани жабрлаган ўғрилар топилди ҳисоб. Мен, катта сержант, сени шу операцияга олиб кетишга келган эдим. Лекин, участкада иккимиздан биримиз бўлиб туришимиз шарт. Гап шу: сен навбатчиликда қоласан, мен дружиначилардан икки кишини олиб, Тополинога бораман.

— Уғрилар неча киши экан? — Йўлдошев ташвишланиб сўради.

— Уч киши... — Солиев йўлакда ҳангомалашиб турган дружиначилар томонга қаради-да, Йўлдошевдан сўради: — Қимларни олсам экан?

— Борис Мусаевичнинг шофёри Турғунали ака шу ерда — довьорак азамат йигит, — деди Йўлдошев ва бир оз ўйланиб тургач, — Аксеновни ҳам олинг, — деб маслаҳат берди. — Сергей армияда старшина бўлган, оғир вазник боксёр.

— Жуда соз! — Солиев йўлакдан йўлга чиқа туриб, кузатиб қўяётган Йўлдошевдан сўради: — Анави қиз Марина эмасми?

— Ҳа, Дубенконинг қизи Марина. — Йўлдошевнинг чарчоқликдан оқарган рангпар юзида кулги пайдо бўлди.— Қачон Ҳасанбой навбатчиликка келса, Марина ҳам бирга келади. Ошиқ-маъшуқлар... Агар Ҳасанбойни ҳам олволсангиз, «Жигули»си иш беради.

— Ҳасанбой, машинангизга чиқинг! — деди Солиев ва дружиначилар тўпига яқинлаша туриб, бошқаларни ҳам чақирди, — Турғунали! Сергей! Мен билан бирга юрингиз?

Ингитлар тўдадан ажралиб, Солиевнинг олдига келаётганда Ҳасанбой илтимос қилди:

— Уртоқ катта лейтенант, машинам ихтиёрингизда, устозим Турғунали ака миниб борадилар. Аммо, мени бу гал маъзур тутасиз. Сал мазам қочиб турибди...

Солиев Ҳасанбойга шубҳаланиб қараб қўйди-да:

— Ҳа, майли. Машинангиздан фойдаланамиз, — деди.

— Марҳамат, ўртоқ бошлиқ! — Ҳасанбой машина калитини Солиевга узатди: — Мана, Худойкул ака!

Солиев калитни олгач, Турғуналига бера туриб:

— Аксенов иккинги менинг орқамдан юрингиз! — деб буюрди.

У мотоциклига минаётганда Йўлдошев қулоғига ширлади:

— Ингитларнинг қуроли йўқ, ўртоқ бошлиқ... Асли мен сиз билан бирга борсам бўларди!

— Ташвишланманг, катта сержант! Ҳаммаси жойида бўлади!

Солиев шундай деди-да, мотоциклини вафиллатиб юргизиб юборди. «Жигули» унинг кетидан йўлга тушди.

Орадан ўн минутча ўтгач, улар Тополино посёлкасини ёнлаб Тўхтажонбаев маҳалласига чиқдилар ва Шаҳрихонсой кўпригининг шундоққина биқинидаги толзор чойхона олдида тўхтадилар.

Чойхона чироқлари аллақачон ўчирилган, сўрлар бўм-бўш, фақат канал бўйидаги сўрида кимдир чопонини устига ёпганча кўрпачада пишиллаб ухлаб ётибди.

Солиев мотоциклдан тушиб, шу одамнинг тепасига борди-да, елкасидан секин туртди. Чол Ҳа, бу одам юз-иягини оппоқ соҳол қошлаган мўйсафид эди, чўчиб ўйғонди ва тепасида милиция формасидаги барваста йигитни кўрди-ю, дарҳол таниди шекилли: «Э-э... Худойкул, сенмисан, баҳай?» — деб дарҳол ўрнидан турди.

— Оқсоқол, кечирасиз, бевақт келдик. — Солиев маҳалла оқсоқоли Абдуллажон отани таниб, таажжубланиб сўради: — Уйда ётмай, бу ерда ётибсиз?

— Уй дим, бу ер баҳаво, салқин. — Оқсоқол «Жигули» ёнида турган йигитларга қараб олгач. Солиевдан сўради: — Тунда нима қилиб юрибсизлар?

— Тўнни кийинг, оқсоқол, Асад қориникига кирамиз, — Солиев оқсоқолнинг чопонини тутиб, кийишга кўмаклашди.

— Ҳа, қори нима жиноят қилибди? — Оқсоқол таажжубланиб сўради.

— Қани бошланг, қўрасига кирганимизда биласиз. — Солиев оқсоқол билан толзордан йўлга чиқа туриб, дружиначиларга деди: — Мотоцикл билан машинани шу ерда қолдирамиз. Қани, юринглар!

Оқсоқол Солиев билан дружиначиларни чойхона орақасидаги тол кўчага бошлаб кирди ва Асад қорининг икки тавақали каттагина дарвозаси олдида тўхтаб:

— Қори домлани чақирамизми? — деб сўради.

— Асад қори ёлғиз эмас, икки шериги ҳам бор. Умархон отанинг тулпори ҳам шу ерда. — Солиев дарвозанинг от тақасидек улкан ҳалқаларидан бирини кўтариб, тақиллата бошлади. — Ичкаридан овоз берилса, сиз жавоб қиласиз, — деди у оқсоқолга, чўнтагидаги тўппончани қўлига олар экан. Кейин сўради: — Қўшнилари дуруст одамларми?

— Ҳа, кекса мироблар. — Оқсоқол кеч йўқлаганлиги учун Асад қорига нима баҳона айтишни ўйлаб, қўра ичига синчков қулоқ солиб турди.

Солиев дарвозани энди қаттиқроқ тақиллатди. Лекин, қўра ичидан садо бўлмади. Шунда оқсоқол баланд овоз билан чақирди:

— Ҳо, қори! Чиқинг! Бу менман, оқсоқолман! Чиқинг тезроқ!

Қўра ичида ҳаракат бошланди. Асад қори томоғини қириб, ясама йўталди. Кейин унинг қадам товушлари эшитилди.

— Эшикни очинг, Асадвой! Бу менман, оқсоқолман. Зарурат билан келдим.

Асад қори оқсоқолнинг овозини таниди-ю, лекин зўраки инграб, узур айтди:

— Тобим йўқ, оқсоқол... Иссиғим баланд...

«Оқсоқол Солиевга: «Энди нима қиламиз?» — деган савол назари билан қараб қўйди.

Солиев дарвоза тирқишидан қўра ичига тикилиб, паст бўйли, чуваккина Асад қорининг орқасида турган иккита барваста одамдан бири қорининг қулоғига алланималарни шивирлаб уқтираётганини пайқади ва улар оқсоқолнинг бевақт ташрифидан шубҳалана бошлаганларига ишонч ҳосил қилгач, овозининг борича:

— Эшикни очинг! Милиция! — деб қичқирди.

Қўрадаги бояги ҳаракатлар тўхтаб, дарвоза орқаси жимжит бўлиб қолди.

— Эшикни очинг, Асад қори! Очмасангиз, бузиб кирамиз!

Солиевнинг бу огоҳлантиришига ҳам жавоб бўлмагач, у Турғунали билан Сергейга имо қилди ва учалари елкаларининг зарби билан дарвозани уриб ағдардилар.

Бу вақт Асад қори уй орқасидан айвонга чиқиб улгурган, бироқ унинг шериклари кўринмас эдилар.

Солиев айвонга сакраб чиқиб, қорининг қўлларига кишан солар экан:

— Шерикларингиз қани? — деб сўради.

— Ай-ўқ... Шерикларим йў-ўқ... — Қори гудранди: — Хо-отиним Аса-сакага кетган. Уйда ёлғизман...

— Ёлғон гапиргани уялинг! — Солиев йигитларга буюрди: — Турғунали, сиз уйларнинг чироқларини ёқинг! Сергей, ҳовлини тинтинг!

Кейин у ҳамон ҳовлида ағрайиб турган оқсоқолдан илтимос қилди:

— Сиз қори домла билан суҳбатлашиб туринг, зерикиб қолмасин!..

Солиев шундай деди-да, ҳовли этагидаги отхона томонга югурди.

— Одамнинг бу кунидан ўлгани афзал, қори! — баланд бўйли, девқомат оқсоқол чувакдаккина, серажин юзи қўрқувдан бужмайиб кетган Асад қорига нафратланиб тикилди. — Ҳали бунақа «ҳунаринг» ҳам бормиди, аблаҳ?

Асад қори индамади. Лекин, унинг митти кўзлари бежо: Солиев кетган томонга қарайди-ю, оёқларидан мадор кетиб, қалт-қалт титрайди.

Шу пайт ҳовли этагидаги отхона-бостирма томон-



дан ўқ товуши қарсиллаб эшитилди, бундан чўчиган от бирдан кишнаб юборди.

Уй чироқларини ёқиб, ҳаммаёқни кўздан кечириб юрган Турғунали ўқ овозини эшитди-ю, айвонга чиқиб-боқ ҳовлига сакради ва отхонага бориб, ўғрилардан бирини ерда бўғиб ётган Солневга кўмаклашиб юборди: катта лейтенант билан икковни ўғрининг қўлини орқасига қайириб боғладилар.

— Иккинчиси девор ошиб қочди, — деди Солиев қаддини ростлаб, юз ва бўйин терларини дастрўмоли билан артар экан. — Қуроли бор.

— Ҳалиги ўқни ўша отдими? — Турғунали чўяндай қаттиқ қўллари билан ўғрининг ёқасидан тортиб турғузар экан деди: — Хайрият, ўртоқ бошлиқ, сизга тегмабди... Мен ҳозир уни қувиб етаман.

— Йўқ, сиз манав галварсни айвонга олиб чиқинг, — Солиев ҳовли саҳнига олазарак тикилди. — Сергей қани?

— Шу топда анав девордан ошиб кетди. — Турғунали қўли билан баланд пахса деворга ишора қилди.

Солиев индамади-да, девор тагига тез юриб бориб, осилди ва икки-уч интилишда ундан ошиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Турғунали ўғрининг елкасидан туртиб, бостирма тагидан олиб чиқди ва айвонга ҳайдаб кела туриб, оқсоқол отадан сўради:

— Бу газандани танийсизми, оқсоқол?

— Йўқ, буниси бу ўрталик эмас. — Оқсоқол ҳамон Асад қоридан кўзларини олмай, уни дарғазаб койир эди: — Сен аблаҳда гап кўп экан: қаллоблигингни билардик-ку, аммо ўғрилигиндан беҳабар қолибмиз. Умархон отадай устозимизни кампири билан жарга отиб, мол-ҳолни ўғирлаб кетган сен экансан-да, муттаҳам?!

Шу пайт бу ердан икки-уч ҳовли нарида аввал бир ўқ, кейин қаторасига уч-тўрт ўқ овозлари янгради. Асад қори оқсоқолнинг юзига қараёлмай, мужмал бир аҳволда сўррайиб турган бўлса ҳам, қўллари орқасига боғланган ўғри ўқлар отилган томонга аланг-жалаңг қараб, оёқлари куйган хачирдай, турган ерида тоқатсизланиб, кўзлари ола-кула бўлиб қолди. У ўз шеригининг қуролини, у отилганда ўқ овози қанақа варанглашини билса керак, ҳар қалай, охирги ўқ уники бўлма-

ди шекилли, ўғрининг юзи қумдай оқариб, лабини тишлаб қолди...

Орадан яна бир неча дақиқа ўтгач, Солиев билан Сергей иккинчи ўғрини ланг очик дарвозадан судраб кирдилар. У яраланган, ўнг оёғини базўр босар, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан пўнғиллаб сўкинар, ноилж аҳволда бўлишига қарамай, ўзини ҳар томонга ташлаб чиранарди.

Катта лейтенант Сергейнинг ёрдамида уни айвонга олиб чиқишлари билан, у ўзини Асад қорига ташлаб, тошдай қаттиқ боши билан шундай калла қилдики, қори тўрт метрча нарига учиб бориб, айвон устунига урилиб қулади.

— Даюс! Лапашанг! — деб ўшқирарди қорига иккинчи ўғри ҳамон телбаланиб. — Ношуд!.. Жалолободда қолайлик, десак кўнмадинг, ана энди кўрасан кунингни!..

Солиев дружиначиларнинг ёрдами билан Асад қори ва шерикларини айвонга қатор ўтқизди-да:

— Тинтувни бошлаймиз, — деди оқсоқолга. — Сиз, Турғунали, Сергей гувоҳ бўласизлар. Ёки, қўшнилардан ҳам чақирайликми?

— Менимча, зарурати йўқ.

Оқсоқолдан шу жавобни олгач Солиев Сергейдан илтимос қилди:

— Протоколни сиз ёзиб турсангиз, ўртоқ Аксенов!

— Мен тайёрман, ўртоқ катта лейтенант! — Аксенов иккинчи ўғрининг ҳамон қон силқиб оқаётган оёғини унинг ўз белбоғи билан чандиб боғлай туриб: — Уф!.. — деб юборди. — Кийимининг сассиғига чидаб бўлмайди.

— Асад қори Аъзамов! — Икки галварс ўғрининг ўртасида ўтирган жиноятчига мурожаат қилди Солиев. — Сиз шерикларингиз билан бирга кеча Жалолобод бозорида Девонов отанинг сигир-бузоғи ва тўртта қўйини сотгансиз. Қани, ўша пуллар?

— Йўқ!.. Ёлғон!.. Мен Жалолободга борганим йўқ!.. Худо ҳақи, масчитдан чиқмаганман... — Асад қори бежо талвасаланиб жавоб берди.

— Қани, ўрнингиздан турунг! — деб буюрди унга Солиев.

Турғунали Асад қорининг орқасига ўтиб, уни елкаларидан тортиб турғизди. Солиев қорини бошдан-оёқ

тинтиб чиқди. Унинг чўнтаklarидан даста-даста пуллар, турли халтачаларда хаб дорилар, «эзиб ички»лар чиқди... Қолган икки ўғри: Дадахон Асроров билан Бадриддин Суробовларни тинтилганда шартли қamoқ гувоҳномалари билан даста-даста пуллар топилди.

Бу далиллар ва Девонов ота тулпорининг Асад қори отхонасидан топилгани, иккинчи ўғрининг қуроли — наган протоколга ёзилгач, Солиев:

— Энди уйни тинтув қиламиз! — дейиши билан Асад қори бирдан додлаб юборди:

— Уйга кирманглар!.. Иқрорман!.. Тавба қилдим!.. Мени мана бу шайтонлар йўлдан оздирди. Терговда ҳаммасини айтиб бераман...

Солиев Асад қорининг талвасасига эътибор бермади ва Турғуналини ўғрилар олдида қолдириб, Асад қорини ва гувоҳлар: оқсоқол билан Сергейни уйга таклиф қилди.

Айвондан кенггина даҳлизга кирилгач, ўнг ва чап томондаги очиқ эшиклардан шип ва токча-жовонлари нақшин буёқлар билан ороланган хоналар кўринди. Солиев аввал биринчи, кейин иккинчи хонани синчиклаб тинтиб чиқди. Ўнгдаги уйдан арзигулик ҳеч нарса топилмаган бўлса ҳам, чаптаги уйнинг тўридаги томондан кўрпалар олиниб, сандиқ очилгач, Асад қори ўзини палосга отиб, бошини деворга ура бошлади:

— Дод, уйим куйди! Дод, бисотимдан ажрадим!..

«Бисот» сандиқдан чиқарилиб, хона ўртасидаги хонтахтага ёйиб саналгач, ўн саккиз минг сўм пул, ўн минг сўмлик уч процентлик давлат заёми актга қайд этилди.

Буларни кўрган оқсоқол ёқасини ушлаб:

— Ё тавба!.. Шу ёшга етиб, бунақасини кўрмаганман! — деб ҳамон палосда думалаб талвасаланаётган Асад қорининг жазавасини нафратланиб томоша қилар экан: — Туринг, Асадвой, телбаликни қўйинг, тақдирга тан бериб, жиноятларингизга иқрор бўлинг! — деб танбеҳ берди.

Сергей протоколни ёзиб бўлгач, Солиев, Турғуналини чақириб, ўғриларни уйга олиб киришни буюрди ва улар олиб кирилгач, протоколни гувоҳлар имзоладилар, Асад қори ҳам нонлож қўл қўйди, фақат икки ўғри бундан бўйин товлади.

Жиноятчилар ҳовлига олиб тушилганда Солиев оқсоқол отадан илтимос қилди:

— Тонг отгач, тулпорни Умархон отага олиб бориб топширинг, — сигир-бузоқ, қўйларнинг пулини ҳам яқин кунларда олишини айтинг.

— Бажонидил бажараман. — Оқсоқол Солиевни кўчага кузатиб чиқди. — Раҳмат, ўғлим Худойқул, маҳаллани касофатдан қутқардинг.

Дружиначилар ўғриларни «Жигули»га солдилар. Солиев Асад қорини мотоциклнинг кажавасига тушириб боғлади. Улар шу зайлда Қорабағишга йўл олдилар. Бу пайт тонг оқара бошлаган, Тополино йўли ҳам машиналардан холи, ҳаво салқин, симёғочлардаги чироқлар анча хира тортиб қолган эди.

Милиция участкасида ҳамон навбатчилик қилиб ўтирган катта сержант Йўлдошев ва беш-олти дружиначи машиналар шовқинини эшитиб, йўлга югуриб чиқишди. Улар маҳбусларни мотоцикл кажаваси ва «Жигули»дан тушириб, барак ҳовлисидаги КПЗ\*га киритиб қамашга кўмаклашдилар.

Солиев кабинетига кира туриб, соатига қаради: беш минути кам олти... У йўлакай қайтиб чиқиб, дружиначиларга мурожаат қилди:

— Дўстлар, ҳаммангизга раҳмат! Энди бориб дам олингиз! Йўлдошев! Сенга соат саккизгача жавоб: ётоқхонага бориб, озгина мизғиб ол. Иброҳимов, сиз қолинг!

Ҳамма йўлакдан чиқиб кетди. Фақат Ҳасанбой сув тўлдирилган электр чойнак вилкасини девордаги розеткага тикаётган катта лейтенантга савол назари билан қараганча тик туриб қолди.

— Утиринг, дўстим, чой ичамиз, — Солиевнинг миясида ялт этиб чақнаган фикрдан сал чўтир қорача юзи ёришиб, Ҳасанбойга мулойим тикилди-да:

— Тўй қачон? — деб сўради.

— А, лаббой? Нима деяпсиз, ўртоқ бошлиқ? Чучунмадим...

Солиев Ҳасанбойга ҳамон кулиб боқар экан:

— Ишингиз нозик... — деди Одилжоннинг исмини маҳфий сақлашни илтимос қилган дўсти ҳақидаги сўзларини эслаб. — Одилжон айтди: тўйингизга атаб иккита қўй олиш учун Жалолобод бозорига борибсиз, биروق баъзи сабабларга кўра қўй олмай, қайтиб келиб-

---

\*КПЗ — дастлабки қамоқ камераси.

сиз. Хавфли жиноятчиларни қўлга туширишда ички ишлар органига кўрсатган улкан хизматингиз учун сизга катта раҳмат, ўртоқ Иброҳимов!

— Ия-ия, нима деяпсиз, ўртоқ бошлиқ?.. — ўта камтарин йигит Ҳасанбой сири фош бўлганидан қип-қизариб, ерга қаради. — Энди... кўрганганимни дўстимга айтдим-да...

— Айтиб, жуда яхши қилгансиз, Ҳасанбой! — Солиев вағиллай бошлаган электр чойнакка қараб қўйдида: — Ишингиз нозиклигидан чўчиманг, дўстим! — деб, йигитга далда берди. — Ошхонага мудир бўлиш — балки, ўғрилар учун «нозик иш». Аммо, сиздай пок инсон учун ҳам жуда фахрли, ҳам жуда масъулиятли иш. Сиз буюк қурилишга бел боғлаган ишчилар синфига хизмат қилияпсиз, Ҳасанбой!

— Ишончингиз учун раҳмат, ўртоқ бошлиқ, — Ҳасанбой стулдан туриб, катта оқ чойнакка чой дамлаётган Солиевдан узр сўради: — Менга рухсат беринг, Худойқул ака, ходимларни соат еттига чақирганман. Бугун биз митинг қатнашчиларига катта ош дамлаймиз.

— Ундай бўлса, сизга рухсат. — Солиев Ҳасанбой билан қўл бериб самимий хайрлашди. — Ошга албатта, борамиз.

— Боринг, ўртоқ катта лейтенант, ошнинг серсабзи жойидан сузиб бераман.

Ҳасанбой кабинетдан чиқиб кетгач, Солиев чой дамлаб, тик турганча бир пиёла ичди ва нечундир кўз олда энди Асад қори эмас, балки Афзалов жонландида, «дунёнинг ишлари нақадар мураккаб», деган фикр ўтди ўйидан.

### *Иигирманчи боб*

Бугун — 18 май Обиджоннинг туғилган куни. Буни Дилбар бетон заводи кадрлар бўлимида завод мастери ва комсомол комитетининг секретари Лариса Дмитриевна билан бирга коллектив аъзоларининг шахсий варақаларини бирма-бир кўздан кечираётганида тасодифан кўриб қолган.

Дилбар ўз халоскори ва севимли кишисини табриклашни аллақачон дилига тугиб қўйган. У ойлик маош-

ларидан оз-оз чегириб юриб, анчагина пул жамғарди ва ўтган ҳафта Хонободдаги магазиндан «Победа» қўл соати сотиб олиб, унинг қопқоғига «Халоскоримга» деган биргина сўзни ва «Д» ҳарфини нақш этиб ўйдирди...

Дилбар бугун қулай пайт топиб, Обиджонни табрикламоқчи...

Дилбарнинг «Андижонгидрострой» комсомол комитетига секретарь қилиб сайланганига тўққиз ойча бўлди. Лекин, у Бошқарма биносининг иккинчи қаватидаги икки хоналик идорасига камдан-кам келади. Бу ерда комитетнинг секретари — машинисткаси Машагина навбатчилик қилади. Бюро аъзоларининг ҳаммаси қурилишнинг турли участкаларида банд. Дилбарнинг ўзи эса, ҳар кун саҳарда йўлга чиқиб, олдиндан тузиб, бюро мажлисида тасдиқлатиб олган жадвали бўйича Қорабағиш посёлкасида бирин-кетин қад кўтараётган корхоналарда, қурилиш-монтаж бошқармалари, кўчма колонналар ва уларнинг Кампирравот дараси бўйлаб сочилиб кетган объектларида комсомол-ёшларнинг ишлари билан танишади, уларнинг меҳнат ва турмуш шaroитларини ўрганади, комсомол йиғишлари ўтказишда, муҳим, долзарб масалаларни ҳал қилишда қўлидан келганча кўмаклашади.

Фақат жума кунларигина Дилбар идорада бўлади. Бу — ҳафтада ягона кун — одамларни қабул қилиш ва бюро мажлиси ўтказиш кунини. Шу кунини комитетда иш қайнайди.

Лекин, комсомол комитетида ўрнатилган бу қатъий тартиб бугун — душанба кунини бузилди. Кеча тушдан кейин Дилбар Қорадарёдан карьер\* комсомоллари йиғилишидан чиқиб, бетон заводига бораётганида қирғоқ бўйлаб чопиб келаётган Машани кўриб қолди. Қизалоқ тез югурганликдан роса терлаб-пишган, оппоқ юзи анор гулидай қил-қизарган эди.

— Дилбар Илҳомовна сизни бошлиқ қидиряпти, — деди Маша ҳаллослаганча.

— Ана, дарёдан сув ич, ўзингни бос! — Дилбар ўзи ҳам жуда чанқаганини сезиб, тиниқ мавжлар аста ямлаётган қумликка чўнқайиб ўтирди-да, икки-уч хўплам сув ичди. Маша ҳам чанқоғини босиб, сал ўзига келгач

---

\* Тош-шағал олинадиган жой.

ундан сўради: — Келсин, дейишдими, ёки, телефон қилсин, дейишдими?

— Билмадим... — Маша буни аниқ сўраб олмаганига ўкиниб, лабини тишлади.

— Майли, сен боравер, Машенька! — Дилбар ўрнидан туриб, бетон заводининг мовий осмон тубида қорайиб тиккайган баҳайбат корпуслари томонга тикилди. — Мен заводга бориб, Бошқармага ўша ердан телефон қиламан. Аммо, сен идорадан ҳеч ерга жилма! Мен ҳам тезда етиб бораман.

Маша соҳил бўйлаб келган йўлидан орқасига — Қорабағиш посёлкаси томонга қайтиб кетди. Дилбар эса, қирғоқдан анча баланддаги йўлга кўтарилиб, завод томонга интилди.

Қампирравот дарасида қурилган ва қурилаётган корхоналар ичида икки улкан заводни: бетон заводи билан темир-бетон конструкциялари заводини ҳаётнинг ўзи олдинги сафга чиқариб қўйди. Эртага бошланадиган тўғон қурилишига ҳам асосий материалларни шу икки қудратли корхона етказиб туради; албатта, ҳар кун бир неча юзта кучли юк машина, самосвалларда бу ашъёларни ташиб етказиб берадиган учинчи ташкилот — автобаза ҳам.

Дилбар темир-бетон конструкциялар заводи билан автобазада ўтган ҳафтада бўлди, комсомол йиғилишлари ўтказди, бу коллективларни расмий тилда «Тайёрлик № 1» деб аталадиган, ҳар дақиқада шай бўлиб туриш, деган маънони англатадиган даражада ҳужумга ҳозир-нозир бўлиб туришга чақирди.

Бугун навбат — бетон заводига. Биринчи сменанинг охирига — соат бешга комсомол йиғилиши белгиланган. То унга қадар Дилбар завод комсомол комитетининг секретари Дмитриева билан учрашуви, иккови цехларни айланиб чиқуви, ёш ишчи ва мастерлар билан суҳбатлашишга улгуруви керак. Бу ерда шундай муҳим иш бўла туриб, Бошқарма бошлиғининг Дилбарни тўсатдан чақириб қолганлиги, бинобарин, Борис Мусаевичнинг бир сўзлик, чўрткесар, шаддод одамлиги уни анча шошириб қўйган бўлса ҳам, лекин у ўз иш режасини бузмасликка, бошлиқ билан телефон орқали сўзлашиб қўя қолишга қарор берди.

Дилбарнинг бетон заводига бориш заруратига яна бир сабаб бор: кўпдан буён Обиджон қорасини кўрсат-

май қўйди. Дилбар кейинги вақтда заводга беш-олти марта келган бўлса ҳам, махсус иш кийими — мошранг комбинезон кийиб, бошига кончиларнинг каскасини бостириб олган Обиджон гоҳ тош майдалайдиган машина-тегирмон залида, гоҳ кети узилмай келиб турган самосваллардан бетон ағдарилаётган омборда, гоҳ эса, бетон қориладиган зах цех ичида узоқдан бир дақиқа кўриниб қолади-да, яна ғойиб бўлади...

Дилбар ҳам, Обиджон ҳам Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига сиртдан ўқишга кирганларидан буён ўқиш масаласида бирон марта суҳбатлашганлари, маслаҳатлашганлари йўқ. Гарчи Дилбар Тошкентдан олиб келган китобларига кечалари кўз ташлаб, айрим фанлар бўйича программалар асосида унча-мунча тайёрланиб юрган бўлса ҳам, куредоши Обиджоннинг бу соҳадаги ишларидан мутлақо беҳабар. Эрта тонгдан ярим кечгача цемент чангини ютиб, қорача юзи тагин ҳам қоп-қорайиб кетган йигитнинг дарс қилишга қўли тегармиди?

Дилбар қишда Тошкентга бориб, сиртқи бўлимда имтиҳон сессиясидан ўтиб келди, лекин қиз у ерда ҳам Обиджонни кўрмади. Обиджон ё, ишга буткул берилиб кетиб, ўқишни ташлаб юборди, ёки институтга борган бўлса ҳам, Дилбарга атайин кўринмай юрди...

Дилбар шу гал заводга келишида Обиджон билан бу ҳақда сўзлашиб, анчадан бери бошини қотириб юрган жумбоқни ниҳоят ечмоқчи.

У шу зайлда Обиджонни узоқдан кузатиб юрар, ундаги қизиқ бир ўзгаришни кўриб ва бошқалардан эшитиб, ўта таажжубланарди. «Андиджонгидрострой» бошлиғи Борис Мусаевдаги бир нуқсон Обиджонга шу қадар юкиб ёпишибдики, бундан Дилбарни аввало, Дмитриева хабардор қилди. Худди Борис Мусаевич каби, Обиджон ҳам қўл остидаги одамларни ишлатганда раҳм-шафқат нималигини билмасмиш. Бир норма — «писта чақиш» бир ярим норма — табиий бир ҳол, икки норма — мана бу иш! Дуруст, Обиджон ишчилар учун Шаҳрихонсой бўйича яхши ошхона ташкил қилган; Ҳасанбой бошлиқ ошпазлар хизматда. Салқин толзорда ишчиларнинг дам олиши учун қатор бараклар ҳам қуриб ташланган. Лекин, бари бир, Обиджон — ўз участкасида якка ҳоким. Қани, бирон киши унинг сўзидан чиқиб кўрсин-чи!



Ларисанинг Обиджон ҳақидаги бундай салбий фикри Дилбарни жиддий равишда ўйлатиб қўйди. У бу гал Обиджон билан албатта, учрашишга ва комсомолларнинг шикоятини унга етказишга аҳд қилди-да, заводнинг ланг очиқ дарвозасидан тоғ-тоғ қум-шағал уйилиб ётган кенг ҳовлига кирди.

Тушлик вақти ўтган, соат иккидан ошган бўлса ҳам, баланд бетон корпуслар ўрталиғидаги саҳн одамлардан холи; фақат уч-тўрт самосвал ўнг томондаги омборга тиниқ кулранг цемент ағдаряпти. Бу — алоҳида маркали цемент бўлиб, Қувасойда Андижон гидроиншооти учун махсус тайёрланаётгани ва у вагонларда Хонобод станциясига келтирилгач, уни Одилжон автоколоннаси заводга ташиб бераётгани Дилбарга маълум.

«Қурилиш одамларга қанот бўлди. — Шу фикрни фахрланиб кўнглидан ўтказди Дилбар. — Синфдошим, тенгдошим — автоколонна бошлиғи. Обиджон — санат командири. Яна қанча ёшлар масъул ишларда... Ҳеч хаёлга келмаган ўзгаришлар!..»

У цемент туширилаётган, чанг тўзон ўрлаб, одамларнинг шовқин-сурони баралла эшитилиб турган ерга бормай, чапга — тош тегирмон шақирлаб ишлаб турган кимсасиз майдончага бурилди ва баланд шиплик кенг цехга кирар экан, тарақ-туруқнинг зўрлигидан қулоқлари тим битди.

Шу цега кираверишда, чап бурчакдаги будка ёнида комбинезон кийган кексароқ бир киши тик турганча шипка қадар кўтарилган маҳоватли ёпиқ тегирмонларнинг шарақ-шуруқ тош майдалашини кузатиб турар, шипга пўлат ҳалқалар билан ёпиштирилган ва ҳовлига чиқиб, яна аллақайси цех томонга чўзилиб кетган осма тарновлар ичидан майдаланган тош увоқлари гуриллаб «оқиб» бораётгани шундоққина сезилиб турарди.

Дилбар чолга яқинлашиб, унинг қулоғига бақирди: — Обиджон ака қаерда?

— Қайси Обиджон? — Чол Дилбарга синашта тик қилди. — Бизда Обиджон кўп...

— Цех бошлиғи! Обиджон ака...

— Ҳа-ҳа... бошлиқ демайсанми? — Нечундир чолнинг қисик кўзлари кулимсираб, Дилбарга қўли билан йўл кўрсатди: — Ҳов анов ерда... Бетон қориш цехида. Ҳозир ҳамма ашоқда!

Дилбар чолга раҳмат айтиб, «Тегирмонхона»дан

чиқди ва ҳовли саҳнини чаққон кесиб ўтиб, маҳоватли янги бино — узун бетон корпусга йўл олди.

«Наҳотки, Обиджон бирдан ўзгариб қолган бўлса?» — шу савол ҳамон унинг бошини қотирарди.

Дилбарни ва унинг сингилларини тошқин қаъридан, ўлим чангалидан тортиб олган, Дилбарнинг ўқиши учун жон куйдириб, Тошкентгача борган, борганда ҳам ўз онасига нон ёптириб олиб борган, Дилбарни ҳар кўрганда оловдай қизариб, кўзларини ердан ололмайди-ган Обиджон, умуман Дилбарнинг тасаввурида ниҳоятда камтарин, ориятли, меҳрибон йигит бир ёз давомида одамларга нисбатан қаттиққўл, шафқатсиз, ишда эса, маъмуриятчи, буйруқбоз бўлиб қолди?

Баланд бетон устунларга қурилган, шипга қадар баланд ва баҳайбат бетон «чўмичлар» осилиб турган, бир-бирига қарама-қарши икки томони ланг очиқ бўлгани учун ҳар томонидан шамол ўйнаб юрган цех корпусига кирибоқ Дилбар кенг саҳнининг нақ ўртасида давра олиб тўпланиб турган икки юзга яқин одамларни ва улар қуршовида қўлида дафтар билан қалам ушлаганча лўнда-лўнда сўзлаётган Обиджонни кўрди-да, қадамини секинлатди.

Обиджоннинг ўнг ёнида турган баланд бўйли, қизғиш сөчли қиз — Дмитриева цехга кириб келаётган Дилбарни дарҳол таниди ва Обиджоннинг қулоғига алланималарни шивирлаб, ундан розилик олди шекилли, тўдадан чиқиб, Дилбарнинг қаршисига чопиб келди.

— Планёрка бўляпти, — деди Лариса Дилбар билан ўпишиб кўришар экан. — Айни вақтида келдингиз. Юринг!

Дмитриева Дилбарнинг қўлидан судраб, тўда томонга бошлаб кетди ва иш кийимларида тигиз саф чекканча оёқда турган йигитлардан илтимос қилди: .

— Йўл беринглар! Ҳой, ўртоқлар, комсомол секретарига йўл беринглар!

Дмитриева Дилбарни ҳамон сўзида давом этаётган Обиджонга яқинроқ бир ергача бошлаб борди.

— Заводимиз шу вақтгача икки смена ишлаб, қурилишларга ҳар кун икки юз кубометргача бетон етказиб берган. Лекин, биз эртадан бошлаб уч сменалик ишга кўчамиз ва ҳар кун фақат бир объектга — бош тўғон қурилишига беш юз кубометр бетон етказиб берамиз.

— Бу кўп! — тўдадан кимдир эътироз билдирди. — Бетон қоришни бирдан шунча кўпайтириш қийин.

— Ким у курашдан қочаётган? — Обиджон луқма ташлаган йигит томонга синчков тикилди. — Э, бу сенми, Камолхўжа? Билувдим сенинг мингиллашингни, хўжазода! — Тўдадаги йигитлар қийқириб кулиб юборишди, аския бошланди. Обиджон қўлини кўтариб, шовқинни босгач: — Тушунтираман, — деди дафтари-ни очиб тикиларкан. — Бизда конвейер битта эди, энди иккита: ана, кўринглар! — У қўли билан цех ўртасига — сув лотокларини эслатувчи икки қатор бетон тарновларга ва улар тепасида осилиб турган маҳоватли чўмичларга ишора қилди: — Эрталаб ишлатиб кўрдик, ҳар бир конвейер ҳар ўн минутда бир кубометрдан бетон беряпти. Демак, биз тайёрмиз. Автобаза ҳам тайёр: ана қаранглар, ҳар бир конвейер чизигида юзтадан машина бетон ташишга шай. Хўш, яна кимда савол, шубҳа ва ҳоказо майда гаплар бор?

Одамлардан ҳеч ким чурқ этиб эътироз билдирмагач:

— Бу бошқа гап! — деди Обиджон юзи ёришиб. — Мана, ўртоқлар, комсомол раҳбаримиз Дилбар Илҳомовна ҳам шу ердалар. Биз ўртоқ Зуфарова орқали Бошқармага сўз бериб айтамызки, эртага беш юз кубометр аъло сифатли бетон тўғон пойдевориغا ётқизилади. Аммо, ўртоқлар, Борис Мусаевич бизнинг олдимизга ҳар кун беш юз тонна эмас, балки беш юз самосвал бетон қориб етказиш вазифасини қўйдилар.

Бу янгиликни эшитганлар ўз қулоқларига ишонмай, бир-бирларидан сўрай бошладилар, цехда ола-ғовур кўтарилди.

— Беш юз самосвал! — Обиджон овозини баланд кўтариб, шовқинни босгач: — Завод дирекцияси бунинг ҳам ҳисоб-китобини қилиб қўйибди, — деди кўмир чўғидай ёниқ кўзлари муғамбирона кулимсираб. — Бунинг учун яна битта учинчи конвейер қурилади — бу бир. Қувасойдан цемент келтириш уч баравар оширилади — бу икки. Тош майдалайдиган яна бир тегирмон монтаж қилинади — бу уч. Автобаза тагин юзта самосвал ажратади — бу тўрт. Биз эса, сафимизга «Усталар мактаби»дан яна икки юз ишчини қўшамиз ва меҳнат унумимизни оширамиз — бу беш. Хўш, лочинлар, менга савол борми? Демак, ҳамма рози. Тарқалинглар!

Шу пайт Дилбар билан сўзлашиб турган Дмитриева Обиджоннинг қулогига нима ҳам деган эди, у қўлини кўтариб, иш жойларига йўл олаётган йигит-қизларга:

— Тўхтаглар! — деб қичқирди... Ҳамма ҳар ерда тўхтаб, Обиджон турган томонга юз ўгирди. — Сўз Дмитриевага!

— Йўқ, ўртоқлар, планировка тамом бўлган, мен сўз сўзламайман, — деди Лариса қил-қизариб. — Фақат битта эълон бор. Бугунги комсомол йиғилиши бошқа кунга қолдирилади. Сўзим шу.

— Ҳамма иш ўрнига! Бугун бир ғайрат қилайлик, ўртоқлар! — Обиджон шундай деди-да, Дилбарнинг ёнига келиб сўради: — Қандай шамол учириб келтирди, Дилбархон?

— Қорадарё шамоли... — Дилбар Обиджонга бошдан-оёқ зимдан кўз ташлаб, унинг анча озганини, юз суяклари бўртиб чиқиб, аввалгига нисбатан анча хунуклашиб қолганини сезди ва нигоҳини ундан олиб қочиб, сўради: — Шу ўртада телефон борми?

— Бор, юринг! — Обиджон корпус этагида осилиб турган улкан кўтарма кранлар томонга ишора қилди. — Лариса, сиз ҳам юринг!

Қизлар Обиджоннинг кетидан изма-из бориб, корпус этагидаги пастаккина хона эшигидан кирдилар. Бу хона цех бошлиғининг кабинети бўлиб, узун стол, беш-олтита ҳар хил эски стул билан жиҳозланган, телефон аппарати столнинг юқорироқ бир ерига қўйилган эди.

— Марҳамат, — деди Обиджон Дилбарга ва унинг ўтириши учун стуллардан бутунроғини танлаб қўйиб берди.

Қизлар ёнма-ён ўтиришгач, Дилбар телефон трубкасини олиб, дарҳол жавоб қилган телефонисткага керакли рақамни айтди:

— 001 ни уланг!

«Андижонгидрострой» бошлиғи Борис Мусаевич телефонининг номерини эшитган Обиджон ҳушёр тортиб, қаддини ростлади ва ҳатто, гимнастёркасининг белидаги йўғон камарини беихтиёр тортиброқ қайтадан боғлаб ҳам қўйди.

— Мен Zufароваман, Борис Мусаевич, сўраган экансиз, эшитаман! — деди трубкага тиниқ товуш билан Дилбар.

— Бошқармага дарҳол етиб келинг! — Мусаевнинг

сал дагал, кўп гапириб чарчаганликдан хириллаган овози эшитилди ва кейин у сўради: — Қаердасиз?

— Бетон заводидаман, ўртоқ Мусаев. Ҳозир етиб бораман.

Дилбар трубкини қўймоқчи бўлганда Мусаев:

— Цех бошлигини телефонга чақиринг, — деб буюрди.

Дилбар трубкини Обиджонга тутди:

— Уртоқ Мусаев сизни сўраяпти.

Обиджон трубкини Дилбарнинг қўлидан олиб, худди «смирно!» командасини эшитган солдатдай ғоз турганча:

— Эшитаман, ўртоқ бошлиқ! — деб лўнда жавоб қилди.

— Эртага беш юз куба бетон бўладими? — жиддий бир оҳангда сўради бошлиқ ва Обиджондан: «Албатта, бўлади!» — деган қатъий жавобни эшитгач: — Бошқармага тезда етиб келинг! — деди.

— Ҳозир етиб бораман, Борис ака!

Обиджон трубкини аппарат устига шарақлатиб қўйди ва юзидаги жиддийлик белгилари йўқолиб, Дилбарга мулойим жилмайиб боқди:

— Бошқармагача ҳамроҳ бўлсак, рухсатми?

— Рухсат. — Дилбар Обиджонга қараб жилмайдди.

Обиджон кабинет деразасидан бошини чиқариб, кўтарма кран орқасида сигарета чекишиб турган йигитлар тўдасидан укасини чақирди:

— Одилжон! Бизни озгина қарз қилиб қўядиган бўлдинг: биронта машинангни бериб тур, бошқармага бориб келамиз.

Одилжон йигитлар даврасидан ажралиб чиқди ва хонанинг ланг очиқ деразасига яқинлашиб:

— Йўлда «ЗИЛ» турибди, — деди ва Ларисага кўзини маъноли қилиб: — Шофёр ҳам керакми? — деб сўради.

— Сен ишингдан қолма! — Обиджон укасига таъинлади. — Лариса, сен комсомолларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида сўзлаш! Эртага — ҳужумнинг биринчи куни. Ундан кейинги кунларнинг унуми ҳам биринчи куннинг натижасига боғлиқ. — У Одилжондан калитни олар экан, яна таъкидлади: — Шофёрларнинг орасида уч-тўртта интизомсизлар ҳам бор. Агар бирор-

таси ишга кечикса, «ёкки, оғзидан ҳид келса автобаза билан хайрлашаверсин! Хайр, биз кетдик!

Одилжон Дилбарни бошлаб, бетон қориш цехидан чиқди ва йўл бўйида турган «ЗИЛ» юк машинаси томонга тез юриб борар экан:

— Ҳозирча енгил машинамиз йўқ, — деди узр сўраганнамо.

У машина чап эшигини очиб, Дилбарнинг баланд кабинага чиқиб олишига кўмаклашиб юборгач, ўзи ўнг эшикдан кира туриб:

— Митинг эртага соат нечада бўлар экан? — деб сўради.

— Ун иккида. — Дилбар ўрнашиб ўтириб олгач, эшикни ёпди ва юк машина моторини вағиллатиб юргизаётган Обиджоннинг қулоғига: — Балки, ўзгариш бўлар: — Борис Мусаевичдан ҳар нарсани кутиш мумкин, — деб қўшиб қўйди.

— Ҳа, Борис Мусаевич зўр одам! — Обиджон фахрланиб гапирди. — Мен шу одамни отам қатори севиб қолдим. Айниқса, унинг ёшларга ишониши менга ёқади. Айтинг-чи, Дилбархон, сиз билан биз, ёки Дима Аксенов, Одилжон, Лариса, токи ошхона мудири Ҳасанбойгача — хўш, бизлар, кечагина дадасининг этагини ушлаб юрган болалар, қарабсизки, бугун биримиз мастер, биримиз бошлиқ, биримиз секретарь, биримиз яна бошқа бир катта вазифада!.. Кеча мен дадангиз очган «Усталар мактаби»га бордим. Менга яна камида икки юзта бетончи керак. Шу мутахассисликлар бўйича икки гурпуада олтмиш йингит-қиз ўқишаётган экан. Буларнинг ҳаммасини олдим. Йингитлар ишлаб турган ҳолда ўқишни давом эттирадидлар. Лекин, булар кам. Мен Илҳом отадан яна икки гурпуа очишни талаб қилдим. У киши бир оз ўйлаб тургач, бош қотирдидлар-да, Борис Мусаевичга телефон қилдидлар. Борис Мусаевич менинг талабимни қувватлабди ва трубкани менга беришни сўрабди. Трубкани олибоқ:

— Эшнтаман... — дейишим билан:

— Талабинг қондирилса, бир сменада беш юз тонна бетон қориб берасанми? — деб сўради. — Биласиз, Дилбархон, Борис Мусаевичнинг сўзини иккита қилиш — каллани жодунинг тагига қўйиб бериш билан тенг...

— Қўйинг-е, лоф ҳам эви билан!.. — Дилбар енгилгина қиқирлаб кулди. — Хўш, кейин нима бўлди?

— Бетончилар тайёрлайдиган қисқа муддатли иккита группа очилди. — Обиджон машинани Қорадарё устига қурилган янги кўприкдан ўтказиб, чапга — Қорабағиш посёлкаси томонга бурар экан, тезлигини камайтирди-да: — Фақат ишдан сўзлашяпмиз, — деди Дилбарнинг чарчоқликдан бир оз синиққан ўйчан юзига қараб. — Мени кечиринг... Хўш, қалай, ўзингиз яхши юрибсизми, ёзги имтиҳонларга тайёргарликни бошладингизми?

— Машинани тўхтатинг... — Дилбарнинг ранги оқариб, боши айланди ва кўзи тиниб, эшик ручкасини ўнг қўли билан маҳкам ушлади.

Обиджон қизга ялт этиб қаради-ю, дарҳол тормозни босди. Машина шиналари дарё бўйидаги қумликда вишиллаб тўхтади.

«ЗИЛ»нинг қирғоқда тўхтаганини, Обиджоннинг Дилбарни кабинадан суяб тушираётганини шу яқиндаги якка туп тол тагида, эшиклари ланг очик оқ «Жигули» ёнбошида ерга дастурхон ёзиб, овқатланиб ўтиришган уч киши: Марина Дубенко, Ҳасан Иброҳимов ва унинг дадаси Иброҳим ота кўрдилар. Марина дугонасини дарҳол таниб, ўрнидан сакраб турди ва:

— Вой, у Дилбар-ку! — дея Ҳасаннинг қўлидан тортиб турғизди. — Тез юр, бир гап бўлганга ўхшайди!

Дилбар машинадан тушгач, дарёнинг салқин шамолидан нафас олиб, ўзини бир оз енгил сезди.

— Сенга нима бўлди, Дилечка? — Марина унинг қўлтиғига кириб, аста суяганча: — Ҳеч ўзингни аямайсан! — деб койиган бўлди. — Боя онангга телефон қилган эдим: уйдан саҳарда нонушта қилмай чиқиб кетган экансам. Ҳойнаҳой, бугун туз тотимагансан. Юр, салқинда ўтириб, бир пиёла чой ич, ўзингга келасан.

— Дилбархоннинг биз каби меҳрибони йўқ-да! — Ҳасанбой шундай деди-ю, бироқ Обиджоннинг важоҳатини кўриб, дарҳол турланди: — Борликка бор-у, бироқ акамнинг ишлари кўп...

Марина Дилбарни дастурхон ёнига ўтқизиб, термосдан каттагина пиёлага қайноқ кўкчой қуйиб узатди. Чой ҳозиргина дамланган бўлса керак, хушбўйи шундоққина гуркираб димоққа урарди. Дилбар ундан босим бир-икки хўплагач, баданига иссиқ югуриб, кўзи равшан тортиди ва дугонасининг қистови билан асал суртилган бир бурда нон ҳам еди.

— Ака, дастурхонга марҳамат! — Ҳасанбой Обиджонни қўярда-қўймай дадасининг ёнига ўтқизди ва унга чой узатди. — Қалай, ака, чарчамай юрибсизми? Заводда ишлар авжида. Аммо, ишчилар ошхонасида ҳам овқатларга маза кириб қолди.

— Ҳа, жичча тамадди қилиб олинглар!.. — Энди гапга Иброҳим ота аралашди. — «Тўйга борсанг тўйиб бор», деган ҳикмат бежиз эмас. Қани, Обиджон, кел, болам! Марина, қизим, чойни қўй!..

Шундай деди-да, Иброҳим ота нонларни ушатди ва ўзи ҳам бир тишлам нонни жағида аста чайнар экан, давра қуриб ўтирган ёшларни бирма-бир кўздан кечирди.

— Ҳасанбой мени ҳам ишдан қолдириб, мажлисга бошлади. — Иброҳим ота лунжини тўлдириб нон чайнаётган ўғлига ҳавасланиб қараб қўйди. — Эртага иккита катта қозон осилармиш. Бирида мен, иккинчисида Ҳасанбой ош дамлармишмиз. Мусобақа ўйнаймиз, дейди.

— Дада, улуғ ишларни оқсоқоллар бошлаб беришган ҳар доим! — Ҳасанбой оғзидаги луқмани ютиб, чойдан ҳўплар экан, кулранг соқолини калта қирқиб, текис тараган, оппоқ лўппи юзида, кулимсираб турувчи кўзларида ёқимтой нур порлатувчи отасига ҳавасланиб тикилди. — Сиз қурилишда биринчи ошни дамлаб беринг, кейин шогирдларингиз давом эттирадилар!

Дилбар озгина тамадди қилиб, сал ўзига келгач, ҳамроҳларини шоширди:

— Тезроқ борайлик, Бошқармада кутишяпти.

Ҳасанбой дастурхонни йиғиштириб ола бошлади.

Марина Дилбарнинг қўлидан судради:

— Юр, Дилечка, «Жигули»да бирга кетамиз!

— Сизлар бораверингиз! — Дилбар «ЗИЛ» кабинаси ёнида кутиб турган Обиджонга қараб қўйди.

— Тушунарли... — Марина нафис жилмайди. — Бахтлисан, Дилечка!

«Жигули» кетгач, Дилбар Обиджоннинг ёнига келди ва сумкасидан жажжигина яшил қутича чиқариб, унга узатди:

— Туғилган кунингиз муборак бўлсин, Обиджон ака!

Бундай кутилмаган илтифотдан шошиб қолган Обиджон қутичани беихтиёр қўлига олиб очди ва қопқоғига



ташаккур сўзи ёзилган соатни кўриб, обдан довдиради:  
— Э... э... бу қанақаси бўлди?.. Бу... бу жуда қим-  
мат-ку!

— Мени унутиб юборган бўлсангиз ҳам, мен сизни доим эслайман...— деди Дилбар анордай қизариб ерга қараганча. Унинг жилвали шахло кўзлари филтиллади.

— Э... э... унутганим йўқ!.. — Обиджон Дилбарга яқин келиб, унинг рангпар чиройли юзига хумор тикилди.— Наҳотки, унутсам? Агар унутган бўсам...

— Онг ичманг!.. — Дилбар кўлларини беихтиёр Обиджоннинг суяклари қўпол катта елкаларига қўйди.— Мен сизга ишонаман!

Обиджон соат қопқоғидаги ёзувга тикилганча:

— Епирай... Э, мен нодонни қаранглар-а!..— деб ичидан ўкиниб гапирди.— Мен бефаҳм, бефаросатни ҳов анави Кампиртошга олиб чиқиб, дарёга отиш керак, токи миямнинг қатигини тўлқинлар оқизиб кетсин!..

Обиджоннинг дил-дилидан айтган бу сўзларини эшитган Дилбарнинг шубҳалари саҳармардонда сув сатҳига қўнадиган омонат тумандай бир зумда тарқаб кетган бўлса ҳам, кўнглидаги яна бир иштибоқ чигалини ечиб олишга қарор берди:

— Нега қишда Тошкентга бормадингиз?

— Имтиҳон сессияси бетон заводи қурилишининг айна авжи палласига тўғри келиб қолди.— Обиджон Дилбарнинг совғасини чап қўлининг билагига тақа туриб, жавоб қилди.— Борис Мусаевичдан сўрасам, «мана шу қурилиш — сен учун университет», деб бақириб берди. Бахтимга заводга домла Жуков келиб қолдилар. У киши билан маслаҳатлашдим. «Қишқи имтиҳонларни ҳам ёзгиларига қўшиб топширасиз», деб рухсат бердилар. Мана, эртага тўғон қурилишини бошлаб юборайлик. Ёзнинг чилласида Тошкентга борамиз, имтиҳонларни топширамиз.

Дилбар Обиджоннинг бу жавобидан қониққан бўлса ҳам, икки сессия имтиҳонларини бирга қўшиб топшириш осон бўлмаслигини тасаввур этиб кўрди-да:

— Анча қийин бўлармикан?..— деб Обиджонга ташвишли қараб қўйди.

— Қийин бўлади...— Обиджон соатни қўлига тақиб бўлгач, Дилбарнинг майин сочларини катта кафллари билан аста силади.— Сиз борсиз, нима ғамим бор? Ёрдам берасизми?

— Албатта...

Дилбар бошини Обиджоннинг елкасига қўйиб, эркаланди...

### *Йигирма биринчи боб*

Дилбар кабинетида бир соатча ўтириб, Қорабағиш посёлкаси ва унинг атрофидаги заводлар, қурилиш ташкилотлари, колхоз, совхозлар, мактаблар ва бошқа ташкилотларга эртага бўладиган митинг ҳақида телефон қилди, қанча одам қаерга келишидан намойишни қандай безатишгача асосий масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олди. Шундан кейин у район партия комитетидан Қамолова юборган «Келгуси авлодларга мактуб»ни ўқиб, иложи бўлса ёдлаб олишга қарор берди-да, қизил папкани очди. Лекин, шу пайт хонага унинг дадаси Илҳом Зуфарович кириб келди. Унинг говмижжа чиққан ўнг кўзининг қабоғи қип-қизил, чуваккина серажин юзидан ҳорғинлиги шундоққина билиниб турарди.

— Уйга кетмаймизми, қизим, вақт ҳам алламаҳал бўлди,— деди Зуфаров Дилбарнинг рўпарасига келиб.— Эртага байрам. Озгина ҳордиқ чиқариб, янги кийимларингни кийиб келганинг маъқул.

— Яхши, дадажон, кетдик!

Дилбар папкани ёпиб, хона бурчагидаги пўлат сейфга солиб қулфлади ва чироқни ўчиргач, дадасининг кетидан йўлакка чиқди. Ҳаммаёқ жимжит. Одамлар уй-уйларига кетиб бўлган. Фақат нарироқдаги хонадан — бошлиқнинг қабулхонасидан ёзув машинкасининг чиқиллаши эшитилиб турибди. «Маша...— кўнглидан ўтказди Дилбар.— Борис Мусаевич энди унинг эти суягига ёпишгунча ишлатади!..»

Яқинда Бошқарма «Усталар мактаби»га берган эски «Москвич» машинаси ҳовлида, тол тагидаги тор асфальт йўлда турарди.

Зуфаров чўнтагидан машина калитини олиб, кўзойнагини тақаётганда Дилбар:

— Калитни менга беринг, дада!— деб қўл узатди.

— Ия-ия! Машина ҳайдашни қачон ўргандинг?— Домла калитни қизига бераркан, таажжубланиб сўради.

— Эсингиздами, дадажон, бултур тошқинда сингилларим билан чўкиб кетаёзганимиз? Ушанда бизни ўлим-

дан қутқарган Обиджон: «Э, Қорадарё қизлари ҳам сузишни билишмайдами?» — деб маломат қилган эди. Шундан кейин мен сузишни ҳам ўргандим, автобазада ташкил қилинган шофёрлар курсига қатнаб, машина ҳайдашни ҳам билиб олдим.

— Офари!— Зуфаров машинада қизининг ёнига ўтириб олгач, унинг елкасига қоқиб қўйди.— Балли, қизим!

Дилбар эски машина могодини базўр ўт олдиргач уни орқаси билан бериб катта йўлга чиқди ва чапга буриб, Хонобод томонга ҳайдаб кетди.

Кечаси соат ўн бирдан ошган. Қишлоқ одати бўйича, тонг қоронғисида уйғонадиган одамлар аллақачон айвонлар, шийпонларда уйқуга кетадилар. Бироқ, бу кеча бошқа кечаларга ўхшамайди: йўл бўйларида, ариқ ёқаларида тўп-тўп одамлар гурунглашиб ўтиришибди. Гузардаги чойхонада ҳам чироқлар ўчирилмаган. Эртанги байрам шодлиги улар суҳбатига мавзу, албатта. Кампирравотга Фарғонадан Ушгача, Андижондан Фрунзегача — қанча-қанча шаҳарлардан меҳмонлар келишади. Улар орасида хонободликларнинг ҳам ёр-дўстлари кўп. Хуллас, эртага катта даврада ҳам, айрим хонадонларда ҳам Қорадарё девзирасидан паловхонтўра дамланадиган кун.

Эртанги митинг ҳақидаги хабарни Андижон радиоси ҳам бир неча марта эълон қилган ва шунинг учун уни ҳамма эшитиб улгурган, домла Зуфаровнинг хонадонидо ҳам Қумри опа билан олти қиз дадалари билан опаларининг келишини, бу ҳақда улардан батафсилроқ эшитишни кутиб, ҳовли ўртасидаги сўрида, тиқ этса эшикка тикилиб ўтиришарди.

Домланинг «Москвич»и кўча эшик орқасида шалоқ трактордай тарақлаб тўхтади.

Умархон отанинг чорбоғига ўғри тушгандан буён қишлоқ аҳли эшикларини тамбалаб ётадиган бўлиб қолган, Қумри опа ҳам эҳтиёти-шарт шундай қиларди. У қатор тизилишиб ётган қизларига:

— Ана, даданг билан опанг келишди! — деди-да, дарҳол чорпоядан тушиб, оёғига шиппагини илганча эшик томонга чопди.

— Намунча кечикдиларингиз? — Ташвишланиб сўради у эшикни очиб, эри билан қизини ҳовлига киритар экан.

— Иш кўпайиб кетди, бувиси.— Зуфаров эшикни юзасига ёпа туриб жавоб қилди.— Эшитгандирсан?

— Ҳа, радио хабар қилди.— Қумри опа сўради:— Машина кўчада қолаверсинми?

— Ҳа, у шалоқ арава кимга ҳам керак?— Зуфаров кулди-да, шишида чироқ ёниб турган айвон томонга юрди.— Қатиқ-патиғинг борми?

— Бор.— Қумри опа кулиб турган Дилбарга синчков тикилди.— Жуда шод кўринасан, қизим?

— Эртага байрам...— Дилбар қисқа жавоб қилди ва суви тўлиб оқаётган ариқда юз-қўлларини чайиб, айвон устундаги қозиққа осиглиқ оппоқ сочиқни олиб артинди.

Қумри опа айвондаги хонтахтага дастурхон ёзгач, икки нон билан икки товоқда қаймоқ келтириб қўяркан:

— Ош дамловдим, совуб қолди,— деди.— Иситиб келайми?

— Эртамиан иситарсан,— деди Илҳом ака дастурхон тўрига чиқиб ўтираркан.

Унинг бир ёнига Қумри опа, иккинчи ёнига Дилбар ўтиришлари билан ҳовлидаги чорпояда ҳамон уйғоқ ётган қизлар бирин-кетин туриб келиб, катталарнинг атрофини ўраб ўтиришди.

— Дадажон, эртага нима бўлади? Дадажон, биз ҳам борамизми? Дадажон, бизни машинангизда олиб кетасизми?— чуғурлашиб сўрашди қизлар.

— Дилбар опангдан сўрангизлар!— Қаймоққа буланган нонни лунжигга тўлдириб ямлаётган Илҳом ака қизларига бирма-бир фахрланиб тикилди.

Қизчалар энди Дилбарга ёпишиб кетишди:

— Биз ҳам борамизми, опажон! Биз ҳам кўрсак бўладими майрамни?..

— Албатта, борасизлар!— Дилбар икки ёнида ўтирган Муяссар билан Хулкарнинг сочларини силаганча, қуралай кўзлари севинчдан яшнаб жавоб берди.— Эрталаб мактабга борасизлар, у ерда синфма-синф саф тортиб, ўқитувчиларингиз раҳбарлигида Қорабағиш томонга юрасизлар. Аммо, янги кўйлақларингизни кийиб, галстукларингизни тақиш, гулдасталар олиш эсингизда бўлсин!

— Қуёшхон мактабга директор бўлгандан буён ҳамма иш тартибга тушди.— Зуфаров товоқ тагини ялаб

бўлгач, деворга суялиб ўтирганча вазмин гапирди.—  
Мактаб энди мактаб бўлди!

— Қуёшхон опангиз ҳаммаларингизни байрамга олиб боради.— Сингилчаларини тинчитиб учун такрор таъкидлади Дилбар. — Дадам билан биз жуда барвақт кетамиз. Қани, ётамиз, ғунчаларим!

Қизчалар бирин-кетин ўринларидан тушиб, чорпоя томонга кетдилар. Қумри опа эрига айвонга жой солиб берди-да. Дилбар билан бирга уйга кириб кетди.

Она тўнғич қизининг ичида офтоб ёнаётганини, унинг онасига хилватда, танҳоликда сирли бир гап айтмоқчи бўлганини боягина уни кўриб қизган, шу сабабдан эрини ҳам кичик қизларини ҳам тезроқ ётқизиб, у билан ҳоли қолиш режасини тузиб қўйган эди.

Она-бола уйда ёлғиз қолгач. Қумри опа ердаги қип-қизил палосга ёнма-ён жой солди, Дилбар эса, кеча ойдинлигини рўкач қилиб, чироқни ўчириш олдидан, сумкасидан бир даста пул чиқариб, онасига берди:

— Маошимни йиғиб юривдим, бувижон. Керагингизга ишлатарсиз!

Қумри опа пулни қизининг қўлидан олиб, тахмондаги жез нақшлари ярқираб турган янги сандиқ устига тахланган шоҳи кўрпалар қатига тикди.

Дилбар чироқни ўчиргач, она-бола ёнма-ён чўзилдилар.

— Бугун Обиджон уйидагиларининг бизникига келишига мендан ижозат сўради...— деди секингина Дилбар хижолатдан қип-қизарган юзини онасидан четга ўгириб.

— Қадамлари хайрли бўлсин... Сен Обиджонга нима деб жавоб бердинг?— Қумри опа ҳам ҳовлидаги сўрида ётган қулоғи динг қизлар эшитиб қолмаслиги учун шивирлаб гапирди.

— Келишсин дедим...

Қумри опа қизининг бошини аста силаб эркалади:

— Бахтинг муборак бўлсин, қизим!

— Раҳмат, бувижон...

Шундан кейин она-бола меҳмонлар қачон келиши, уларни қандай кутиб олиш, бўлғуси куёвга, унинг онасига, укасига қанақа сарупо қилиш, тўйни қачонга белгилаш ва ҳоказо одатий гаплар ҳақида маслаҳатлашиб, қишлоқнинг гоҳ у, гоҳ бу қўрасида хўрозлар қичқирганидагина тонг яқинлашиб қолганини сездилар.

Қумри опа Дилбарга:

— Жичча мизғиб ол!— деб ўзи сигар соғиш учун уйдан чиқиб кетди.

Кўнглидаги гапларни онасига айтиб, тинччи олгани учунми, Дилбар оппоқ парқу ёстиққа бошини қўйганча беозоргина ухлаб қолди.

Орадан икки соатча ўтгандан кейин тонг парисининг оппоқ шуълалари ҳовли саҳнини ёритгач, Қумри опа айвонда дастурхон тузади-да, Дилбарни уйғотиш учун уйга кирди ва қизининг оёқда турганча бурчакдаги тошойна қаршисида тимқора қуюқ сочини тараб турганини кўриб:

— Чиқа қол, нонушта тайёр!— деб маъноли жилмайиб қўйди.

Чорпояда ётган қизчалар ҳам уйғонишиб, бир-бирини туртишиб, ўринларидан турдилар ва апил-тапил ювинишиб олгач, ота-оналарига бирин-кетин салом бериб айвонга чиқдилар.

Қумри опа тайёрлаган нонушта: товоқларда сузилган қаймоқлар кетидан иситилган ош иштаҳа билан ейилди.

Чойдан кейин Илҳом ака билан Дилбар машинада ишга жўнадилар. Қизчалар қанотлари пачоқланган, бўёқлари кўчган эски «Москвич»ни чуғурлашиб кузатиб қолдилар. Бу гал машинани ота ҳайдаб кетди.

Зуфаров қизи билан Қорабағиш посёлкасига кириб келганда соат еттига яқинлашган, кўчалар сув сепиб супурилган, Бошқарма биноси тепасига осилган қизил байроқ тонг шамолида ҳилпираб турарди.

Зуфаров қизини Бошқарма олдида қолдириб, ўзи машинасида ярим километрча нарироқдаги «Усталар мактаби» томонга ўтиб кетди.

Дилбар бино ичига кириб, йўлақлар, зиналар кечаси ювиб тозаланганини, деразалар очиб қўйилгани учун хоналарда ҳаво янгиланганини кўрди. Айниқса, гулдонларга солинган гулдасталар жилоси, хушбўйидан кўз қувнаб, кўнгил равшан тортарди.

У ўз хонасига кирибоқ дарҳол сейфдан «Келгуси авлодларга мактуб» солинган қизил папкани олди-да, стулга ўтириб, уни жумлама-жумла, сўзма-сўз ўқиб чиқди. Мактуб қисқа, йирик ҳарфлар билан равон ёзилган, лекин ҳар бир жумла, ҳар бир рақам тағида бир дунё маъно бор. Дилбар уни албатта, қийналмасдан, тугилмасдан, бемалол ўқиб беради. Фақат, одамлар са-

лобати, бўлажак тўғон майдонига тўпланадиган ўн минглаб одамлар салобати босмаса бас!..

Ҳар қалай, Дилбарнинг бундай катта йиғинда биринчи марта минбарга чиқиши: бундай пайтларда ҳаяжон одамни галдиратиб қўйиши ҳеч гапмас. Шу сабабдан «Мактуб»ни албатта, ёдлаб олиши шарт.

У овозини чиқариб: «Келгуси авлодларга мактуб...»— деб ўқий бошлаши билан телефон жириглади.

Дилбар трубкани олиб, қулоқ солди:

— Эшитаман:

— Салом, Дилечка!— Бошқарма парткомнинг секретари Владимировнинг дўриллаган товуши эшитилди.— Отангиз билан келганингизни деразадан тасодифан кўриб қолдим. Парткомга кириб, жуда кераксиз!

— Хўп, Василий Алексеевич! Ҳозир кираман.

Дилбар трубкани қўйди, «Мактуб»ни сейфга қулфлади ва ёндафтари билан ручкасини олиб, кабинетидан чиқди.

Партком биринчи қаватда, мажлислар зали қаторидаги каттагина хонага жойлашган бўлиб, Владимиров ва яна беш ходим шу хонада ўтириб ишлашар, фақат Василий Алексеевичнинг столи хона тўрига, узунгина мажлис столининг юқорисига қўйилган эди.

— Одамлар кечаси иккигача ишлашди,— деди Владимиров Дилбар билан қўл бериб кўришар экан.— Бугун митингга сўзлайдиган кишилар рўйхатини туздик, уларга хабар бердик. Партком аъзолари эрталаб соат олтида митинг бўладиган жойга йиғилишган: ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Сиздан, Дилечка, илтимос,— деди Василий Алексеевич совуқ сув ичиб томоғини олдирилганлигидан овози ҳамон дўриллаб,— бугун сўзлайдиган ёшлар вакилини чақириб, сўзини кўриб чиқинг!

— Ёшлардан ким сўзлайди?— Дилбар Владимировнинг рангпар юзига синчков тикилиб сўради.

— Парткомда бир неча номзод таклиф қилинди,— Владимиров ёзув столидаги қоғозга тикилди.— Дмитриева ака-ука Комиловларнинг бири, Аксенов ва ҳоказо... Бетон ортилган биринчи самосвалнинг ҳайдовчиси, комсомол-ёшлар колоннасининг дарғаси гапирса, нима дейсиз? Бу йигит — комсомол аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори Сдилжон Қомилов.

— Муносиб номзод!— Дилбар партком секретарининг фикрини қувватлаб, кеча бетон заводига боргани-

ни, Одилжонни кўрганини эслади-да:— Фақат, бир «лекин» бор,— деди Владимировга.— У митингда нутқини сўзлаб, кейин завод территориясида турган ўз колонна-сига келиб, биринчи машинани тўғон пойдеворига етказиб боришга улгурармикан?

— Биз унга сўзни олдинроқ берамиз. Улгуради.— Владимиров ёзув столини бармоқлари билан чертиб, бир нафас ўйга толди-да, иккинчи масалага ўтди:— Ёшлардан яна тўрт юз кишини Харьковдаги ҳунар-техника билим юртига ўқишга юборишни тезлаштириш керак.

— Маъқул,— деди Дилбар бу масалани ҳам ёндафтарига ёзиб олар экан.

— Муддат жуда қисқа: бор-йўғи бир ҳафта. Эшелон йигирма олтинчи майда Хонобод станциясидан йўлга чиқади.

— Уқиш биринчи сентябрда бошланмайдими?— Дилбар таажжубланиб сўради.

— «Андижонгидрострой»нинг илтимоси билан харьковлик дўстлар ўзбекистонликлар учун махсус дарс жадваллари тузишпти,— тушунтирди Владимиров Дилбарга.— Уқиш муддати ҳам фақат бир йил бўлади. Шу сабабдан фақат ўрта маълумотли ёшлар қабул қилинади. Хуллас, Дилечка, комсомол комитетининг иши яна ҳам кўпайди. Сиз «Усталар мактаби» дирекцияси билан биргаликда дарҳол область ва район газеталарига эълонлар беринг, радио ва телевидение бу ҳақда ҳар кун хабар қилиб турсин. Хўш, бу вазифани комсомол комитети уддалай оладими?

— Ҳаракат қиламиз, Василий Алексеевич,— деди Дилбар Владимиров узатган қоғозни олар экан.

— Бу қоғозда ўқишнинг ҳамма шарт-шароитлари ёзилган.— Партком секретари қисқача тушунтирди:— Уқувчилар ётоқхона, стипендия билан таъминланади, уларга йўл ҳаражати тўланади.

— Тушунарли,— Дилбар ўрнидан турди.— Менга рухсатми, Василий Алексеевич?

— Ҳа, албатта.

Дилбар кабинетига кирди-да, дарҳол Дубенколар уйига телефон қилди. Агар Марина ишга кетмаган бўлса, у ҳозир парткомдан олган асосий вазифаси — бир ҳафта давомида тўрт юзта ўрта маълумотли ёшларни йиғиб, ҳужжатларини расмийлаштириб, Харьковга юбо-



ришга тайёрлаш бўйича дугонаси билан маслаҳатлашиб олади. Ҳар қалай, Марина — «Усталар мактаби» кадрлар бўлимининг бошлиғи. У ўқишга кирмоқчи бўлган йигит-қизлар кўплиги, уларга мактабда ўрин етишмаётгани ҳақида шикоят қилгани Дилбарнинг ёдида.

Телефон уланган, узун сигналлар чалиниб турган бўлса ҳам трубкани ҳеч ким олмади. Демак, Андрей Андреевич ҳам, Раиса Петровна ҳам, Марина ҳам ишга кетганлар. Дилбар қўлидаги жажжи соатига қаради: еттидан қирқ минут ўтибди. Ҳа, улар уйларидан чиқиб кетишган. Айниқса, бугун — тўғон қурилиши бошланган тарихий кунда ҳамманинг тонг-саҳарлаб оёққа турганлиги табиий бир ҳол.

Дилбар «Усталар мактаби» телефонини терди ва шу заҳотиёқ Маринанинг таниш майин овозини эшитди.

— Салом, Маринечка! — Ичида чироқ ёнгандай қувониб гапирди Дилбар. — Салом, дугонажон! Бугунги байрам билан табриклайман!

— Сени ҳам, Дилечка! — Марина ҳам қувончини яширолмай сўзлади. — Қаердасан? Ишдами?

— Ҳа, албатта. Муҳим топшириқ, олдим. — Дилбар ҳаяжонланиб сўзлади. — Гапнинг қисқаси, биз бир ҳафтадан кейин Харьковга тўрт юз талаба юборишимиз керак. Асосий шарт: ўрта маълумот. Албатта, газеталарнинг эртанги сонидеёқ эълонлар берилади, радио, телевидение ҳар кун хабар қилиб туради, район, посёлка, қишлоқ марказларига эълонлар ёпиштирамиз. Аммо, ҳужжатлар «Усталар мактаби»да расмийлаштирилади. Хўш, сен бунга нима дейсан?

— Вақт оз... — Маринанинг товуши пасайиб, ўйланиб қолгани сезилди. — Бир ҳафта... Бизда ўрин етишмаганлиги сабабли бултур ўқишга киролмаган икки юзга яқин ўрта маълумотли ёшларнинг рўйхати бор. Булардан ташқари, мактаблар билан алоқа қилиб, ўқишни тамомлаган, аммо олий ўқув юртларига киролмаган анчагина ёшларни аниқлаш мумкин. Уларнинг кўпи ишга жойлашолмаган, албатта. Хуллас, Дилечка, менга разведка учун икки кун муҳлат бер!

— Бир ҳафтадан икки кун разведкага кетса, уёғи нима бўлади? — Дилбар ҳам худди Марина каби чуқур ўйга толди. — Иложи борица тезлат, дугонажон!

— Хўп бўлади, ўртоқ командир!— Марина шўх кулди.— Бошқа тошириқ йўқми?

— Бор. — Дилбар бугун қилинадиган ишларни, ёзиладиган қоғозларни чамалаб кўриб, дугснасидан илтимос қилди:— Бошлиқ Машани қабулхонасига олиб кўйди. Комсомол комитетига шу бугуноқ секретарь-машинистка юборишингни сўрайман.

— Иложи йўқ!— Марина жиддий оҳангда жавоб қилди.— Токарь, слесарь, дурадгор, ошпаз, шувоқчи ва яна ўнлаб касб эгалари керак бўлса — марҳамат! Аммо, секретарь-машинистка билан шахсий шофёрликка ҳеч ким бормайди; сабаби — маоши кам. Илғор ташкилотларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш керак, дугонажон: бошлиқлар хизмат машиналарини ўзлари ҳайдасинлар ва ҳужжатларни ўзлари машинкада босишга одатлансинлар!

— Маслаҳатларинг учун ташаккур, дугонажон!— Дилбар телефон трубкасини кифтига қисганча, Бошқармага тўда-тўда бўлиб кела бошлаган ходимларни очиқ деразадан кузатиб турар экан, Маринадан илтимос қилди:— Ҳалигина сен айтган «разведка учун» икки кун эмас, бир кун муддат бераман. Эрталаб соат тўққизда комсомол комитетига учрашамиз. Қелишдикми?

— Қелишдик.

Шундан кейин Дилбар трубкани аппарат устига қўйди-ю, яна дарҳол олиб, автобаза рақамини тера бошлади.

У ердан автобаза директори Нил Петрович Автономов жавоб берди. Дилбар бу ҳурматли кекса раҳбарни кеча Бошқармадаги кенгашда кўрганини, умуман уни қурилишнинг турли объектларида шофёрлар даврасида тез-тез кўриб туришини, лекин ҳеч бир ерда бу кишининг бирон оғиз сўзини эшитмаганини эслади-да, унинг телефон трубкасидаги:

— Автономов,— деган бир оғиз сўзидан кейин дарҳол мақсадга кўча қолди:

— Нил Петровиҷ, салом! Мен комсомол комитетидан Зуфароваман. Менга Одилжон Комилов керак.

— Комилов банд. Хизмат?— Автономов сўзларни дона-дона чертиб сўради.

— Комилов бугун митингда сўзлаши керак.

— Тушунарли. Қачон борсин?— Нил Петровиҷ Дил-

барнинг: «Ҳозир етиб келиши шарт», деган жавобидан кейин:— Хўп, ҳозир етиб боради,— деди-да, трубкани қўйди.

Дарҳақиқат, Одилжон йигирма минутга ҳам қолмай, етиб келди. Дилбар бу вақт ичида «Келгуси авлодларга мактуб»ни яна бир қайта ўқиб чиқди, Андижон ва Қўрғонтепага телефон қилиб, газета, радио ва телевидениега Харьковдаги Ҳунар-техника билим юртига ўқишга қабул қилиш ҳақидаги эълонларни бериб улгурди, Хонободдаги Маяковский номли мактабнинг янги директори Қуёшхон Солиевани топиб, шу масалада у билан маслаҳатлашди. Солиева бор-йўғи бир неча ойдан буён ишлаётган бўлса ҳам, мактабни тамомлаб, институтларга ўқишга киролмаган ва эндиликда иш қидириб юрган анчагина ёшларни билар экан, уларга дарҳол хабар қилиб, «Усталар мактаби»га— Марина Дубенко ҳузурига юборишга ваъда берди.

Дилбар оғир юк елкасидан тушган одамдай ўзини анча енгил сезиб турган бир пайтда хонага Одилжон кириб келди-да:

— Мумкинми, Дилбар Илҳомовна?— деб расмий бир тарзда мурожаат қилди.

«Акаси билан менинг ўртамдаги муносабатни, акасининг бизникига совчилар юбормоқчилигини билармикан?— дафъатан Дилбарнинг кўнглига шу гап келди. Ё билмайди, ё ўлгудай муғамбир...»

— Келинг, Одилжон!— Дилбар ўрnidан туриб, бўлгуси қайнисига жой кўрсатди.— Утиринг. Нил Петрович айтгандир?

— Ҳа,— Одилжон Дилбар кўрсатган стулга ўтириб, собиқ мактабдошига савол назари билан тикилди:— Хизмат?

— Кампирравот сув омбори қурувчиларининг бугунги митингида комсомол-ёшлар номидан сиз сўзлайсиз,— деди Дилбар ҳаворанг юмшоқ матодан тикилган комбинезон коржомаси қадди-бастига обдан ярашган Одилжонга.

— Сўзга йўқман. Ишдан гапиринг!— Одилжон мулойимгина жилмайди.

— Бу — топшириқ, ўртоқ Комилов!— Дилбар жиддий бир қиёфада кескин гапирди.— Митингда сўзлашингиз шарт!

— Нимани сўзлайман?— Одилжон елкаларини қис-

ди.— Гапнинг ўрнига уч-тўрт самосвал ортиқча бетон ташиб бера қолай?

— Йўқ, Одилжон, топшириқ қатъий!— Дилбар ўридан туриб, дераза олдига борди.— Ахир, халқимиз асрлар давомида орзу қилган кун келди. Қорадарё ниҳоят, узил-кесил жиловланади. Худди Красноярск, Братск, БАМ, Тўхтағул, Норақ иншоотлари каби, бизнинг иншоотимиз ҳам буюк комсомол қурилиши бўлади. Наҳотки, сиз, ўтюракли ёш бунёдкор, коммунистик меҳнат зарбдори шулар ҳақида атиги икки-уч минут сўзлаб беролмасангиз?

— Сиз ногўқсиз, Дилбар Илҳомовна, мен...— Одилжон тенгдошининг ёниб айтган сўзларидан шавқланиб, унга тикилиб қолди.— Мен... мени онам соқов қилиб туққан, чамамда...

— Бекор гап!— Дилбар ёзув машинкасининг филофини очди ва унинг ёнига ўтириб, қоғоз қўйди-да:— Келинг, сўзингизни иккаламиз бирга тайёрлаймиз! — деб Одилжонни ёнидаги стулга таклиф қилди.— Қани, бошладик.— «Ўртоқлар! Азиз ёш дўстларим! Мен бугунги тантанада тенгдошларим номидан сўзлайман...» Дилбар шу сўзларни чиқирлатиб ёзиб бўлгач, Одилжонга қаради:— Қани, давомини сиз айтинг, мен ёзаман.

Одилжон:

— Биз ёшлик кучимизни, пок дилимиз қўрини, меҳримиз, ҳимматимизни Ватанимизга, халқимизга бағишлаймиз!..— дейиши билан Дилбар:

— Бор экансиз-ку! — деб завқи тошиб, тез-тез ёза бошлади.

Орадан чорак соат ҳам ўтгани йўқ, Одилжоннинг нутқи тайёр бўлди. Дилбар қоғозни унга тутқаза туриб:

— Агар хатга қарамай сўзласангиз, яна ҳам яхши бўларди! — деди.

— Уриниб кўраман, Дилбар Илҳомовна! — Одилжон яна расмий бир тарзда шундай деди-да, қоғозни тахтлай туриб, қўшиб қўйди: — Хайр, митингда кўришамиз!

У хонадан югурганча чиқиб кетгач, Дилбар бугун эрталабга мўлжаллаган ишларни бажариб бўлганини хаёлидан ўтказиб ўтирар экан, дафъатан Анваржон эсига тушди. У соат тўққизда келиши керак. Ҳозир эса, уч миноти кам тўққиз...

Дилбар бирдан ҳавони ларзага солиб янграган кар-

най-сузнай, даф-ноғора садоларни эшитиб, «байрам» деган биргина сўздан бутун вужуди ларзага келди. Қорадарё эли, Қампирравот аҳолиси минг-минг йиллардан буён кутган кун келди. Юрт одати бўйича, тантанави санъаткорлар бошлаб берадилар. Бош тўғон қуриладиган ҳар икки соҳилдаги баланд адирларга эрталабданок чиқиб олган карнайчи, сурнайчи, ноғорачилар бутун водийга наъра тортиб, халқни байрамга чақирмоқдалар.

Дилбар дераза олдида туриб, ям-яшил Қорабағиш посёлкасининг қалин дарахлари устидан ўша томонга — Қорадарёнинг юқори қисмидаги тоғ-адирларга боқар экан, «Анваржон тезроқ кела қолса-ю, суҳбатни тугатиб, мен ҳам ўша ерга етиб борсам!» — деб юраги ҳаприқинди.

Шу пайт хона эшиги аста очилиб, Анваржон:

— Мумкинми? — деб кириб келди.

— Келинг. — Дилбар ёзув столи орқасидаги стулга ўтирди ва Анваржонга рўпарасидан жой кўрсатар экан, уни кўздан кечирди: озиб кетганидан бўлса керак, бўйи анча чўзилгандай кўринади, елка суяклари ҳам туртиб чиққан; манглайда, кўз атрофларида ажинлар пайдо бўлганиданми, қаримсиқ бир тусга кирибди. Аммо, кийимлари аввалгидай шай: хорижий оппоқ жинси шим ва куртка, оёғида ингичка учли тўқима оқ туфли; чап қўлининг билагнда сўнгги мода япон соати, бармоғида — никоҳ узуги... «Демак, хотиним билан ажралишдим», деб кеча менга ёлғон гапирибди...» — шу фикр Дилбарнинг кўнглидан ўтди.

— Вақт зиқ. Гапиринг! — деди Дилбар Анваржонга тикилиб.

— Институтда қишки имтиҳонларни топширолмадим... — бармоқларини бир-бирига чалиштирганча, юпқа лаблари пирпираб, асабий бир қиёфада гап бошлади Анваржон. — Уйландим. Алдандим. Ажралишдик. — У чап қўлидаги олтин узукни ўнг қўлининг кафти билан беихтиёр ёпди. — Хонободга қайтиб келдим. Ҳар қалай, ота уйим — Ватан... Энди ишга кирмоқчиман. Ёрдам беринг!

— Машина ҳайдашингизни биламан. Бошқа касбингиз йўқми? — Дилбар Анваржонга синчков тикилиб сўради.

— Йўқ...

— Автобазага бориб, Нил Петрович Автономовга уч-  
ранг. У сизни қисқа муддатли курсдан ўтказиб, самос-  
вал ҳайдашга қўяди.

— Самосвал... — Анваржоннинг серажин рангпар  
юзи ички бир изтиробдан кўкариб кетди. — Бошқа иш  
йўқми?

— Она диёрингизда бошланаётган буюк қурилишда  
иштирок этишни хоҳламайсизми?

Дилбарнинг бу саволидан кейин Анваржон қарши-  
сида ўтирган қиз — аввалги мактабдоши, содда қиш-  
лоқи қиз эмаслигини, унинг ҳаёт қозонида пишиб, чи-  
накам комсомол раҳбари даражасига кўтарилган-  
ини дил-дилидан идрок этди ва бир қадар ҳушёр  
тортиб:

— Яна қандай иш таклиф қилишингиз мумкин? —  
деб сўради.

— Агар автобазага боришни хоҳламасангиз, «Уста-  
лар мактаби»га бориңг. — Дилбар ҳамон ўзини тутиб,  
босиқлик билан жавоб берди. — Марина Дубенкога уч-  
ранг. Ун кундан кейин тўрт юз йигит-қиз Харьковга  
ўқишга кетади. Бир йилда ҳунар ўрганиб келасиз. Ҳа-  
вони ҳам янгилаб, тортган кулфатларингизни унутасиз.  
Қалай, маъқулми?

— Уйлаб кўраман...

— Уйлаб кўринг! — Дилбар «суҳбат тугади» ишо-  
расини бериб, ўрнидан турди ва ҳамон стулда бемалол  
ўтирган йигитга устоз Навоийдан бир мисра ўқиди:

Ҳажр ўлса ғам куйдиргуси,  
Васл ўлса ёр ўлдиргуси...

Бу доно сўзлар Анваржоннинг бошига таъна тоши-  
дай қаттиқ тегиб, сакраб ўрнидан турди-да, хонадан  
ўқдай отилиб чиқиб кетди...

Дилбар «Келгуси авлодларга мактуб» солинган қи-  
зил папкани қўлтиқлаб, комсомол комитети хоналарини  
қулфлади, йўлакдаги эшикка Машадан эсдалик бўлиб  
қолган: «Комитет аъзолари қурилишда» деган ёзувни  
осиб, зинапоядан ҳовлига тушди. Кенг дарахтзорда ма-  
шиналар қатор тизилган, улар митинг бўладиган жой-  
га бирин-кетин йўл олаётган бўлса ҳам, Дилбарнинг  
яёв боргиси, алвон байроқлар, шиорлар билан безатил-  
ган, минг-минг одамлар қайнаб тошаётган дара манза-

расини кўргиси, оломонга қўшилиб, байрам майдонига шу тўлқин ичида оқиб киргиси келди.

Соат ўн бирга яқинлашганда Қорадарёнинг чап қирғоғига халқ сиғмай қолди. Парад формаларини кийиб олган милиция капитани Худойқул Солиев, катта сержант Ҳосил Йўлдошев, район марказидан келган қирққа яқин милиция ходимлари, билакларига қизил лента боғлаган юзлаб дружиначилар янги бетон йўлнинг икки томонига тизилиб, Андижон ва Ушдан машиналарда йўлга чиққан меҳмонларнинг етиб келишини кутиб турардилар.

Митингга жой тайёрланган адир тепасида эса, карнай, сурнай, ноғоралар осмон-фалак қулоғини ёргудай қудратли зарб билан наъра тортадилар.

Дилбар адир тагида, йўл бўйида саф тортган ясантусан ўқувчилар колоннаси олдида директор Қуёшхон Солиева, кекса ўқитувчилардан Ранса Петровна, Барно опа ва бошқа устозларини кўриб, уларни байрам билан табриклар турганида, Маша тела томондан ҳаллосланганча чопиб келди:

— Дилечка, тез юр! Борис Мусасвич билан Василий Алексеевич сени чақиряпти!

Маша Дилбарнинг қўлидан тортиб, тупроғи ўйиб ясалган омонат зинапоядан адир тепасига бошлаб кетди.

Қизлар адирда президиум учун қўйилган узун стол, олтиншга яқин стул, янги тахтадан ясашиб, қизил алвон билан ўралган ва тепасига қатор микрофонлар ўрнатилган минбар яқинида тўпланиб турган одамлардан сал берироқда тўхтадилар.

Мусаев қўлтиғига қизил папка қистириб олган Дилбарни кўриб, мийиғида мамнун жилмайиб қўйд.

Дилбар бу ердаги одамлар тўдасида «Андижонгидрострой» раҳбарларидан ташқари районнинг Узоқовдан бошқа ҳамма раҳбарларини, шу жумладан, Ҳабиба Камоловани, қишлоқлардан келган ва Девонов отани ўраб олганча гапга солиб турган кекса миробларни, ўз отасини ва у билан суҳбатлашаётган Одилжонни кўрди.

Катта йўлда қатор автомашиналар кўриниши билан карнай, сурнай, ноғоралар садоси яна авжга минди. Мусаев бошлиқ бир неча кишилар тўдадан ажралиб чиқиб, меҳмонларни кутиб олиш учун зинапоядан пастга туша бошладилар.

Машиналар катта йўлдан бу томонга бурилиб, Қо-  
радарёнинг чап соҳили бўйлаб аста юриб келдилар-да,  
зинапоя тагида бирин-кетин тўхтадилар.

Адир тепасида Ҳабиба Камолова билан суҳбатлашиб  
турган Дилбар биринчи машинадан тушиб келган Ис-  
матов билан Узоқовни иккинчи машинадан тушиб кел-  
ган Жуков билан Деҳқон отани яхши таниса ҳам, тош-  
кентлик ва қирғизистонлик меҳмонларни биринчи мар-  
та кўриши бўлгани учун, уларнинг кимлигини билол-  
мади ва вақт зиқ бўлгани сабабли Камоловадан сўраб  
олишга ҳам улгурмади.

Меҳмонлар кутиб олинб, юқорига таклиф қилинди.  
Улар иккита-иккита бўлиб, зинапоядан адирга кўтарил-  
дилар. Мусаев уларни президиумга таклиф қилди ва  
ёнида турган Владимировнинг қулоғига алланималар-  
ни шивирлади.

Василий Алексеевич раислик жойига ўтиб, қўлини  
кўтариши билан карнай, сурнай, ноғоралар овози тин-  
ди, дарани, адирларни тўлдириб турган ўн минглаб  
одамлар ҳам сукут сақлаб, президиум томонга тикил-  
дилар.

Партком секретари Кампирравот сув иншооти қури-  
лишининг бошланишига бағишланган тантанали ми-  
тингни очиқ деб эълон қилгач, «Андижонгидрострой»  
бошлғи Мусаевга сўз берди. У қисқа гапирса ҳам, бў-  
лажак сув омбори ва ГЭС қурилишининг икки қардош  
республика — Ўзбекистон ва Қирғизистон халқ хўжа-  
лигини ривожлантириш учун буюк аҳамиятини аниқ  
рақамларда лўнда қилиб тушунтириб берди.

Исматов, Жуков, Катта Фарғона каналининг бош-  
лиғи, мироблар устози Деҳқон ота, Қирғизистон ваки-  
ли, министр Расулов ва ниҳоят, Одилжон сўзлади-  
лар.

Адирни тўлдирган одамларнинг қарсақлари сал бо-  
силгач, Владимиров ўрнидан туриб:

— Азиз ўртоқлар! Шу тарихий кунда «Келгуси ав-  
лодларга мактуб» қабул қилинсин, деган таклиф бор,—  
дейиши билан дара яна олқишлардан янгради.—  
«Мактуб»ни ўқиб бериш учун сўз «Андижонгидрост-  
рой» комсомол комитетининг секретари Дилбар Зуфа-  
ровага берилади.

Президиумнинг ўртароқ бир ерида, Ҳабиба Камоло-  
ванинг ёнида ўтирган Дилбар ўз номини эшитиши би-



лан азбаройи-ҳаяжоннинг зўрлигидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Камолова қизнинг билагидан маҳкам ушлаб, далда берди:

— Боринг! Шошмасдан, лўнда-лўнда қилиб ўқинг!

Дилбар ўрнидан қандай турганини, одамлар тигиз ўтирган стуллар орасидан ўтиб, минбарга қандай етиб борганини ва папкани қандай очиб, «Мактуб»ни ўқий бошлаганини эслай олмайди... Фақат одамлар, дарани тўлдириб турган ўн минглаб одамлар унинг ўнлаб микрофонларда кучайтириб берилган жарангдор овозини мароқланиб тингладилар:

### «КЕЛГУСИ АВЛОДЛАРГА МАКТУБ!»

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон ва Қирғизистон Совет Социалистик Республикалари меҳнаткаш деҳқонларининг асрий орзу-тилаklarини амалга оширишга киришиб, Қорадарёнинг Кампирравот дара-сида ўз бағрида 1 миллиард 750 миллион кубометр сув сақлай оладиган сув омбори барпо қилиш учун 115,5 метр баландликда бетон тўғон қуришга қарор қилди-лар.

Андижон сув омбори Ватанимизнинг йирик ва ноёб ирригация иншооти бўлиб қолади. У Фарғона водийси-да сув таъминотини яхшилаш ва янги ерлар ўзлашти-риш имконини беради. Бу эса, қимматбаҳо техника экини ҳисобланган пахта ҳосилини бирмунча кўпайти-риш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини кескин суратда оширишга шароит яратади.

Андижон сув омбори қурувчилари сеvimли доҳиймиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин васиятларига амал қилиб, халқ бахти учун тўғон қурилиши пойде-ворига тантанали вазиятда биринчи кубометр бетонни ётқиздилар. Тўғон пойдеворига ётқизилган дастлабки кубометр бетон қурувчиларнинг ишни юксак суръат билан олиб боришга ва сув омбори қурилишини партия ва ҳукуматимиз белгилаган муддатда аъло сифат би-лан қуриб битказишга астойдил шайланганлигининг рамзидир. Бепоён мамлакатимизда яшовчи кўпмиллат-ли совет кишиларининг азму қарори билан барпо қи-линаётган «Андижон денгизи» қурилиши коммунизм-нинг моддий асосини яратиш ишига муносиб ҳисса бў-либ қўшилади.

Биз аминмизки, Андижон сув омбори улуг совет халқи — қаҳрамон халқ, яратувчи халқ, меҳнаткаш халқ бахт-саодати йўлида неча асрлар давомида хизмат қилажак!»

Кекса мироблар, бобо деҳқонлар, ёш бинокорлар, сочи оқарган доно раҳбарлар, муаллимлар, талабалар — бутун водий халқи «Келгуси авлодларга мактуб»-нинг ҳар бир сўзини тилида такрорлаб, дилига жо қилиб олди.

Митинг ранси йиғилишни ёпиқ деб эълон қилгач, Дилбар келтириб топширган қизил папкани Исматовга берди. Обком секретари «Мактуб»ни ўпиб, кўзига суртгач, оқсоқолларга узатди. Улар ҳам табаррук ҳужжатга лабларини босиб, шодлик ёшлари тўла кўзларига яқин олиб бордилар...

Энг охирида Мусаев «Мактуб»ни махсус пўлат идиш-капсулага солиб, қопқоғини бураб маҳкамлади-да, Зуфаровга берди. Зуфаров Деҳқон ота бошлиқ бир тўда кекса мироблар ва қурилиш раҳбарлари билан бирга зинапоядан пастга — Қорадарё бўйига, тўғон пойдевори учун тайёрланган ерга тушдилар.

Деҳқон ота пўлат капсулани Зуфаровнинг қўлидан олиб, ерга қўйди. Шу дақиқада йўлда тизилиб турган самосваллар колоннаси ўрнидан аста қўзғалди.

Адир тепасида турган Дилбар биринчи машинани ҳайдаб келган Одилжон капсула қўйилган ер устига тўқ кулранг бетон қоришмасини ағдараётганини кўриб, беихтиёр чапак чалиб юборди. Шу онда карнай, сурнай, ноғоралар янгради. Қизнинг назарида бутун дара голиб шердай тинимсиз ҳайқирарди...

### *Йигирма иккинчи боб*

Августнинг охирига бориб Кампирравот дараси қишлоқларида тўй кўпайиб кетди. Бир жиҳатдан тўғон қурилишида ишлар анча юришганлиги, иккинчи жиҳатдан пахтачиликда охирги ишлов билан терим ўртасида ҳосил бўлган икки-уч ҳафталик танаффус вақти навбатини кутиб ётган тўйларни ўтказиб олиш имконини берди.

Ҳасанбой бугун шундай тўйлардан бирига — ака-ука Обиджон билан Одилжон, буларнинг қайлиқлари

Дилбар билан Ларисаларнинг тўйига бормоқчи. Бинобарин, ёлғиз эмас, севгилиси Марина билан бирга.

«Нон пишгунча кулча куйиб кетибди», деганларидай бундан икки ой аввал унашиб қўйилган Обиджон билан Дилбарларнинг тўйига тайёргарлик кўрилиб бўлгунча Одилжон билан Ларисанинг муҳаббат ниҳоли аллақачон кўкариб, гунчалари гул очиб, ҳамманинг кўзига шундоққина яшнаб кўришиб қолди.

Шу кунларда яна бир воқеа содир бўлди: Одилжон армияга чақирилди. Мусаев илғор автоколонна бошлиғининг армия хизматини ақалли бир-икки йил кечиктириш ҳақида район ҳарбий комиссарининг рухсатини олмоқчи бўлганда Одилжоннинг ўзи «бир-икки йилдан кейин ўзимдан бир-икки ёш кичик йигитчалар билан бирга хизмат қиламанми», деб бошлиқнинг таклифига рози бўлмади.

Лекин, Одилжоннинг олдида яна бир масала бор эдики, бунини фақат унинг ўзи Лариса билан бирга ҳал қила оларди: улар ҳозир, Одилжон армияга кетгунча тўй қилсинларми ёки бу ишни армия хизматидан кейинги вақтга қолдирсинларми?

Одилжон бунини Ларисага маслаҳат солганда у: «Ихтиёрингиз... — деди ва бир нафас ўйлаб тургач, қўшиб қўйди: — бувижонимдан сўрайлик, у киши нима десалар шундай қиламиз».

Одилжон Лариса билан учраша бошлагандан буён уни аллақачон онаси Муборак опа билан таништириб қўйган, Муборак опанинг эса бу тили ширин, хушфеъл қизга астойдил меҳри тушиб қолган, икковлари роса очилишиб, чала русча, чала ўзбекча тилда қаймоқлашиб суҳбатлашар эдиларки, она Ларисани «қизимкам, олтиним», деб эркалайдиган, Лариса эса, уни андижонча «бувижон» деб ардоқлайдиган бўлиб қолди. Ларисанинг Муборак опага ёқиб қолган яна бир фазилати — унинг тўпорилиги, заҳматкашлиги. Полтава яқинидаги Дубровка деган қишлоқдан Ўзбекистонга, қурилшига комсомол йўлланмаси билан келган бу қиз сизир соғиндан мураббо пиширишгача, карам шўрва қайнатишдан уйнинг эшик-деразаларини бўяшгача ниманки иш бўлса, Муборак опа ўйлагандан ҳам яхшироқ бажаради ва миннат нималигини билмайди.

Ҳасанбой ўз дадаси — машҳур ошпаз Иброҳим отани эрталаб тўйхонага жўнатгач, ўзи «Жигули»сини га-

раждан чиқариб, совриндор чавандозлар бедовини ҳафсала билан чўмилтиргандай, машинасини ариқдан чеклаб сув сепп юва бошлади.

Ака-укаларга Ҳасанбойнинг ҳаваси келди. Айниқса, тенгдоши Одилжонга. Улар мактабни деярли тенг тутган. Ҳасанбой Тошкентга бориб, имтиҳонлардан ўртача баҳолар олиб, институтга киролмай қайтиб келди. Одилжон эса, қурилишга кириб, бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида оддий бетон қуювчиликдан автоколонна бошлиғи даражасигача кўтарилди. Тўғри, Ҳасанбой ҳам иш масаласида орқада қолгани йўқ: ошпаз, ошхона мудир, энди эса — умумий овқатланиш бўлимининг мудир. Фақат бир масалада, унинг учун энг муҳим масалада омади юришмаяпти: Маринани бу қанчалик қаттиқ севса, у қиз ўзини бундан шунчалик олиб қочяпти. Дуруст, булар кўришиб турадилар. Лекин, Марина Ҳасанбойнинг турмуш қуриш ҳақидаги таклифига ҳар гал: «Дўст бўлиб қолайлик. Дўстлик нақадар яхши!» — деб мужмал жавоб беради.

Ҳасанбой аввал, Маринанинг бошқа севган йигити бормикан, деб шубҳаланди. Лекин, унинг бир йиллик кузатувлари бу гумон мутлақо пуч эканини исбот қилди. Бинобарин, Марина Ҳасанбойни севиши ҳақида очиқ айтмаган бўлса ҳам, лекин қизнинг муомаласи, тип-тиниқ, кўм-кўк кўзларида товланиб турувчи меҳр, Ҳасанбойнинг учрашиш ҳақидаги таклифини бирор марта ҳам рад этмаганлиги, ҳаётнинг турли жумбоқ ва муаммолари ҳақида дил-дилдан дардлашишлари қизнинг кўнгли унга мойил эканлигидан далолат бермайдими!

Ҳасанбой билан Марина бугун соат учда тўйхонадан ака-ука куёвларни олиб, қизларнинг уйларига ўтишлари керак. Ҳамма ёшлар тўпланишиб, Қорабағиш посёлка Советида очилган янги ЗАГС га боришга аҳдлашишган.

Соат учга қадар ҳали бир дунё вақт бор. Ҳасанбой ҳозир машинасини ювиб бўлгач, Тополинога — Маринанинг уйига боради, уни олиб, Қорадарёнинг тепа адирларидаги бирорта салқин жойда у билан астойдил суҳбатлашади. Ахир, кеча ҳарбий комиссарватдан унга ҳам повестка келган. У ҳам Одилжон ва қишлоқнинг бошқа йигитлари билан бирга армияга кетиши керак. Демак, масалани бир ёқли қилиш шарт.

Ҳасанбой машинани ювиб бўлгач, уйга кириб кийи-

ниб чиқди. Анов кун иш билан Жалолободга борганида курорт магазинидан олган новотранг костюм-шими, оқ кўйлак ва галстуги билан оқ туфлиси қадди-бастига чунон ҳам ўтиришдики, Маринанинг бунга эътибор бериши турган гап. Қиз тушмагур паст пошнаги туфли кийса бас: шунда икковининг бўйи бараварлашиб қолса ажаб эмас.

Ҳасанбой ана шундай ясан-тусан бир қиёфада уйдан чиқиб келаётганда ҳовлида ивирсиб юрган ва бу йил юзга қадам қўйган бувиси Рузвон отинга дуч келди-да, унинг билагидан суяб, айвон пешига келтириб ўтқизди.

— Оппоқ буви, мени бир дуо қилинг, шояд бахтим очилиб кетса!

— Омин, — деди томирлари бўртиб чиққан узун қўлларини очиб Рузвон буви, — ердан тупроқ олсанг олтин, иқболнинг йўли ойдин бўлсин! Қўшганинг билан қўшақаригин, болам!

Ҳасанбой катта бувисининг юз-кўзларидан ўпиб, тавоп қилгач:

— Раҳмат, бувижон, тўйимнинг тўрида ўзингиз ўтирасиз! — деди-да, югурганча кўчага чиқиб машинасига ўтирди-ю, Султонобод қишлоғи марказидаги трикотаж фабрикасини четлаб ўтиб, катта йўлдан Тополино томонга шамолдек учиб кетди.

Марина Ҳасанбойнинг келишини ҳар доим сабрсизлик билан кутади. Бу хушфезъл, хушмуомала йигит бултур «Усталар мактаби»га кирганидан то бу йил уни битириб чиққунча, айна вақтда ишини давом эттириб, оддий ошпазликдан қурилишда умумий овқатланиш бўлимининг бошлиғи даражасига кўтарилгунча юмуши кундан-кунга кўпайиб боришига қарамай, ҳар ҳафта, ҳатто кун ора Марина билан кўришишга, унга ўз ишларидан ҳисоб беришга вақт топади. Марина ҳам худди шундай. Нима бўлди-ю, у Ҳасанбойга дил риштаси билан боғланиб қолди. «Усталар мактаби» ташкил этилган биринчи кундан бошлаб у ерда кадрлар бўлимининг мудирини бўлиб ишлар экан, тонгдан қош қорайгунча тинмай ҳаракат қилса ҳам албатта бирор иш, бирор масала чала қолади. Лекин шунга қарамай, у Ҳасанбой билан кўришишга вақт топади, Қандайдир жозиба, ҳатто қандайдир маънавий эҳтиёж уни султонободлик ошпаз йигит томонга тортгани-тортган.

Ҳасанбой Шаҳрихонсой бўйлаб кетган тор асфальт

йўлдан машинасини ҳайдаб борар экан, уни бир тўп баланд тераклар орқасидаги майдончага — Маринанинг эшиги томонга бурди.

Бугун якшанба бўлса ҳам, қурилишда иш қизгин. Тўғоннинг ўнг қанотини тиклаётган 1-СМУ бошлиғи Андрей Андреевич Дубенко, албатта, ишда. Ранса Петровна уйда бўлиши мумкин — бугун мактабда ўқиш йўқ. Албатта, Марина уйда — Ҳасанбойни кутяпти. Улар кеча кечқурун ваъдалашганлар.

Ҳасанбой машинани тор йўлдан тушириб, қалин майса устида аста юргизиб келди ва Дубенколарнинг тўқ яшил эшиги олдида астагина тўхтатди-да, уч марта калта сигнал чалди — бу, Маринага таниш «пароль», Ҳасанбойнинг «чиқақолнинг, кутяпмиз», деган дил нидоси...

Дарҳақиқат, эшик қия очилиб, парча-парча сариқ нилуфар нусхали кулранг халатда, бугдойранг қалин сочини бошига пуштиранг шоҳи дурра билан турмакларан Марина кўринди-да:

— Мен ҳозир... — деганча яна ҳовлига кириб кетди.

Ҳасанбой Маринанинг ҳамма нарсадан хабардор бўлса ҳам, фақат бир нарсадан — кеча ҳарбий комиссариатдан келган чақриқ қоғозидан беҳабар эканлигини, мабодо бу хабарни эшитса ўзини қандай тутишни ўйлар, «бу хабарни унга ҳозир етказсаммикан ёки тўйдан кейин айтсаммикан», деган саволга юрагидан жавоб сўрар ва айна вақтда Маринанинг бу хабарни қандай қабул қилишини ва ниҳоят, бу хабар унинг тақдирини ҳал этиши, ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкинлигини тасаввур этар экан, ўта ҳаяжонланиб, янги тақаланган отдек тоқатсиз бир аҳволда ер тепиниб турар эди.

Шу кўйда ўн дақиқача вақт ўтгач Марина Ҳасанбойнинг олдида калта энглик, ингичка камарлик новотранг сафари кўйлақда, ўрта пошнали нафис оқ туфлида чопқиллаб чиқди-да:

— Кетдик! — деди ва қизни бундай шод кўриш билан кўзлари чақнаган Ҳасанбойнинг чап билагидан қаттиқ ушлаганча сўради: — Қаёққа борамиз?

— «Боғи баланд»га! — Ҳасанбой кийими нозиқ қадди бастига ярашган қизга хумор кўзларини тикди. — Маъқулми?

«Боғи баланд» Қорабағиш посёлкасининг ёнгинаси-

даги улкан тепалик жой бўлиб, посёлка Советининг ташаббуси билан бу йил кўкламда у ерга манзарали дарахтлар, гуллар экилиб, каттагина боғ қилинган, чойхона, ошхоналари гавжум, насос ёрдамида Қорадарёдан чиқарилган сув бетон ариқдан оқиб турар, уч-тўрт ерда гулзорлар ўртасига қурилган фонтанлар шовул-лаб отилиб ётар эди. Ҳасанбой Маринани бу янги оромгоҳга бир неча марта олиб чиққан, қиз ҳар гал мамнун бўлиб қайтган эди.

— Йўқ, «Боғи баланд»га бормаймиз! — деди Марина машинанинг олдинги ўриндиғига, Ҳасанбойнинг ёнига ўтирар экан. — Сенинг қаҳрамонларинг ҳузурига борамиз, Шерлок Холмс!

— Лаббай? — Ҳасанбой ўта таажжубланиб, Мари-нага ялт этиб қаради. — Шерлок Холмс, дедингизми?

— Ҳа, ўртоқ изтопар! — Марина машинани Шаҳрихонсой кўприги устидан гулдуратиб ҳайдаб кетаётган Ҳасанбойга қараб муғамбирона жилмайди. — Орадан шунча вақт ўтса ҳам, жиноятчилар аллақачон жазосини тортиб кетган бўлса ҳам менга, энг яқин дўстингга бир оғиз айтмабсан-а, қойил!..

— Нимани айтаман? Сен ўзинг нималар деб валди-раяписан? — Ҳасанбой машинани каналнинг шундоққи-на ёқасида, азим туп тол тагида тўхтатиб, Мари-нага маънос қараб қўйди-да, елкасини суюнчиққа тираб, енгилгина хўрсинди.

— Ҳа, нега тўхтадинг, юрмайсанми? — Марина Ҳасанбойнинг кайфиятидаги сирли мунгни тушунолма-й, «ҳазилимдан ранжиди шекилли», деб ўйлади ва унинг кўнглини кўтариш учун: — Мардлик кўрсатибсан, қойилман! — деб йигитнинг елкасини беозоргина силаб қўйди. «Усталар мактаби»га катта сержант Йўлдошев келди. Сен мени у билан таништирган эдинг-ку? Дўстинг Мирҳосил-чи?

— Хўш? — Ҳасанбой ҳамон ўйчан бир аҳволда таажжубланиб сўради: — «Усталар мактаби»да унинг нима иши бор экан?

— Тўрт юз талабани Харьковга жўнатган кунимиз эсингдами? — Ҳасанбой бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини бергач, Марина сўзида давом этди: — Мирҳосил кадрлар бўлимида уч кун давомида ҳамма талабаларнинг ҳужжатларини текшириб чиқди, уларни ҳисобдан чиқариб, паспортларига муҳр босди. Кейин

биз билан Хонобод станциясига бориб, талабалар тушган поездни кузатишди. У ердан қайтишда мени мотоциклининг кажавасига солиб, уйимга олиб келиб қўйди. У йўлда менга Девонов отанинг ўғирланган оти билан моллари топилганини, жиноятчилар суд қилинганини, ўзи билан кампирининг ҳаётини сақлаб қолгани учун Девонов ота боғини милицияга совға қилиб, «болаларингизга пионер лагери очиб беринглар», деб маслаҳат берганини сўзлади. Шу тўғрими, Ҳасан?

— Ҳа, тўғри... — Ҳасаннинг ҳамон чехраси счилмай, аллақандай синиқ товуш билан деди: — Буни ҳамма билади.

— Лекин, бир нарсани, яъни ўғрилари сен Жалобод бозорида кўриб, милицияга хабар берганингни ҳеч ким билмайди. — Марина дўстининг жасоратидан фахрланиб жилмайди. — Машинани ҳайда, Ҳасан! Фозилмонга бориб, ўша ерда суҳбатлашамиз.

— Хўп, ўша ерга борамиз. — Ҳасанбой шундай деди-да, костюмининг соат чўнтагидан икки энлик қоғоз чиқариб Маринага узатди. — Аввал мана буни ўқи-чи!

Марина қоғозни қўлига олди-ю, унинг нималигини дарҳол англаб, оппоқ юзидаги шодлик нури дафъатан ўчди-да, шу кунгача унинг хаёлига келмаган, ҳатто тушига ҳам кирмаган, лекин уни энг яқин кишисидан бир неча йилга ажратиш қувватига эга бўлган сатрларга тикилганча жимиб қолди.

— Буни сенга қачон топширдилар, Ҳасан? — сўради қиз товуши титраб.

— Кеча...

— Нега менга дарҳол хабар бермадинг! Нега буни олибоқ мени қидириб топмадинг? — Марина чап қўлини Ҳасанбойнинг елкасига ташлаб, бугдойранг хушбўй сочи калта қирқилган бошини йигитнинг «ўкрагига қўйди. — Нега кечадан бери индамай юрибсан, Ҳасан?

— Раҳмат, Марина... Фозилмонга кетдикми? — Ҳасанбой машинани ўт олдириши билан қиз калитни орқага бураб, моторни ўчирди.

— Тўхта!.. Ҳеч қаёққа бормаймиз! — деди у товушида шиддат билан. — Бошим чир айланиб кетяпти, сал ўзимга келволай!.. Сен ҳарбий комиссариатга қачон боришинг керак?

— Ана, қўлингдаги чақириқ қоғозидан ёзилган: эртага эрталаб соат тўққизда. Ҳасанбой қоғозни Марина-



нинг қўлидан олиб, чўнтагига соларкан, қизнинг ипақдай юмшоқ сочини силади ва у билан танишгандан буён биринчи марта дил-дилидан: — Севгилим! — деди беихтиёр кўзлари ғилтиллаб.

Марина бошини кўтариб, Ҳасанбойнинг ёшли кўзларига боқди ва кутилмаганда:

— Мен тентакман! — деб оппоқ қўллари билан юзини яширди. — Мен кўрман, ўз бахтимни ўзим кўрмадим. Мен, Ҳасан, сенинг муҳаббатингги шунчаки ишқибозлик деб юрардим. Албатта, одамнинг ичидагини билиш қийин. Лекин, бугун, ҳозир, шу дақиқада қалбимда, вужудимда ўзим кутмаган ўзгариш юз берди. Натижада мен сенга ишондим. Сенинг, Ҳасан, севгингга, ниятингнинг поклигига ишондим. Биз ҳозир баландга ҳам, Девонов отанинг чорбоғига ҳам бормаймиз. Сен мен билан бизнинг уйимизга борасан. Мен онамга сени севишимни, дунёда сендан бошқа ҳеч ким менга керакмаслигини айтаман. Мен онамга сенинг армияга кетаётганингни билдириб, ундан маслаҳат сўрайман. Аммо, шунни билгилки, Ҳасан, сен қаерда бўлмагин, менинг юрагимда яшайсан. Мен ҳар доим сенинг хаёлинг билан юраман, сени кутаман. Ишонасанми, Ҳасан?

— Ишонаман. — Ҳасан бағридаги севгилисини эркалаб: — Ишонч — менинг юлдузим, — деди. — Агар мен уни йўқотиб қўйсам, йўлдан адашиб қоламан.

— Яна бир гап... — Марина ҳамон ҳаяжонланиб сўзларди. — Агар сен армияга кетсанг, мен ота-онангдан хабар олиб тураман. Ахир, улар менинг ҳам ота-онам-ку! Ё, шундай эмасми, Ҳасан?

— Шундай бўлиши керак. — Қизнинг иқрорини эшитгач, ўзини анча босиб олган Ҳасанбой мақсадга яқинроқ келишга журъат этди: — Бунинг учун, Марина, ишни орқага сурмайлик. Бутун дўстларимиз билан ЗАГС га борганда сен билан биз ҳам никоҳдан ўтайлик.

— Осон бўпти-да! — Марина ўтирган ерида бир сапчиб тушди.

— Осон! — Ҳасанбой қизни бағрига маҳкам тортиб, жиддий гапирди. — Ҳарбий комиссариатнинг чақириқ қоғозини кўрсатсак бизни навбатсиз қабул қилишади. Бугун дўстларимиз ЗАГСдан ўтганда биз ҳам ўтиб қўя қоламиз. Никоҳ қоғози эса, Ҳарбий комиссариатдан ар-

мияга кетишимни бир неча кунга кечиктиришни сўрашимга асос бўлади. Тўй қиламиз!

— Бир неча кун... — Марина Ҳасанбойнинг бағрида бир силтанди. — Менга бир неча кунлик эмас, бутун умрлик бахт керак!

— Менга ҳам, севгилим! — Ҳасанбой қизнинг хушбўй майин сочидан беозоргина ўпди. — Лекин, унутмагилки, энг узоқ йўл ҳам биринчи метрлардан, энг узун умр ҳам биринчи кунлардан бошланади. Ахир, мен ўлимга катаётганим йўқ-ку! Атиги икки-уч йиллик хизматга кетяпман. Қаерда бўлмай: ердами, сувдами, ҳаводами — ишим беш. Қўлимда гулдай ҳунарим бор.

— Армияда ҳам ошпазлик қилмоқчимисан? — Марина Ҳасанбойнинг бағридан чиқиб, нозик бармоқлари билан сочини тузатар экан, кулиб сўради.

— Бизнинг ҳарбий тилимизда бунини интендант хизмати дейдилар, севгилим! — Ҳасанбой машинанинг жажжи кўзгусида ўз ҳусини томоша қилаётган Мари-нага тушунтирди. — Ҳатто, фазода, космик кемада ҳам бу хизмат асқотади.

— Машинани ҳайданг, ўртоқ интендант! — Марина чакка сочларига нозик тўғноғичлар қадар экан, зорланди: — Сизни кутиб, ҳали нонушта қилганим йўқ. Зора онам бйрон нима пишираётган бўлса!..

— Бўзчи белбоққа ёлчимабди, деб шуни айтадилар. — Ҳасанбой машина моторини ўт олдириб, сал қиздиргандан кейин қирғоқ йўли бўйлаб Тополинога ҳайдаб кетди.

Маринанинг тахмини тўғри чиқди: Раиса Петровна аллақанча варақини эндигина тугиб бўлиб, ҳовли этагидаги ёзги ошхона — бостирма тагига ўрнатилган газ плита устидаги чўян қозонда қип-қизил қизиб турган ниста ёғига эндигина ташлай бошлаган экан. Ҳасанбой у билан саломлашгач, қўлидаги варақи терилган мис гардишни олди-да:

— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин! — деб ўз касбига шама қилган ҳолда, варақиларни доғ ёққа биринкетин ташлай бошлади. Бир қўлида човли ушлаб, иккинчи қўлига сирланган оқ тоғора кўтариб олган Марина қизарган варақиларни тўртта-бештадан олиб турди. Ешларнинг ғайратидан завқланган Раиса Петровна бу ишдан озод бўлганидан фойдаланиб, ҳовли ўртасидаги каттагина гулзор ёнидан ўтган ариқ бўйига

қўйилган столга дастурхон тузаш билан машғул бўлди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Раиса Петровна, Марина ва Ҳасанбой қайноқ варақи еб, тоғ асали билан муаттар ҳинд чойи ичиб нонушта қилдилар.

— Мазза!..— деди Марина хушбуй Ўзган асалидан ялаб, пиёладан чой хўплар экан. — Нима дейсиз, ўртоқ интендант, — у Ҳасанбойга кўз қисиб қўйди: — бунақа антиқа нонушта уёқларда ҳам бўлармикан?

— Йўғ-е... — (шу ерда Ҳасанбой «севгилим» деб юборишига оз қолди!) — бунақа анвойи таом фақат бу ерда, Қорадарёнинг Тополино қишлоғида, Маринахоннинг уйида!..

Ёшларнинг сўз ўйинига аввал эътибор бермаган Раиса Петровна шўх ҳазил-мутойиба тагидаги маънони сезгирлик билан пайқаб қолди ва Ҳасанбойга жиддий тикилиб:

— Йўл бўлсин? — деб сўради.

— Армияга, Раиса Петровна. — Ўзининг собиқ муаллимаси, эндиликда эса севгилисининг онасига Ҳасанбой меҳр тўла кўзлари билан жилмайиб боқди. — Сочилган туз-насибамизни териб келамиз.

— Вақтнинг тез ўтишини қаранг-а! — Раиса Петровна Ҳасанбойнинг йиғит келбатини ҳавасланиб кўздан кечирди. — Назаримда кечагина мактабга кириб келгандайсан, Ҳасанжон! Ун бир йил гиз этиб ўтдикетди... Буни қара-я, армия ёшига етибсан! Ватан олдидаги бурчингни аъло даражада бажариб келишингга ишонаман, Ҳасанжон!

— Раҳмат, Раиса Петровна.

— Ҳасан армияга кетади, мен уни кутаман... — Маринанинг сал чўзинчоқ оппоқ юзи анордай қизариб, тиниқ кўкиш кўзлари оёғи остида очилиб ётган гулларга тикилди. — Ойижон, шу кунгача сизга айтмаганим учун мени кечиринг. Ҳасан билан биз бир-биримизни севамиз. Агар Ҳасан армияга чақирилмаганда биз ота-оналаримиздан тўй қилишга ижозат сўраган бўлардик. Майли, Ҳасан хизматини бажариб келсин. Биз бугун бир-биримизни кутишга ваъдалашдик. Мен Ҳасаннинг ота-онасидан хабар олиб тураман. Вақт тез ўтиб кетади... Ҳасан билан мен сизга, ойижон, сиз орқали дадамга шуни айтиб қўйиш учун бирга келдик...

Маринанинг сўзи шу ерга етганда Ҳасанбой кўёв-тўраларга хос одоб билан ўрнидан туриб, бўлгувси қайнанасига қўл қовуштириб таъзим қилди. Раиса Петровна хижолатдан бошини кўтаролмай ўтирган қизининг тепасига келиб, уни бағрига олди-да:

— Бахтинг муборак бўлсин, қизим! — деб унинг юз-кўзларидан ўпди ва Ҳасанбойнинг елкасига қоқиб:

— Маринани хафа қилма! — деб уни ҳам табриклаган бўлди.

— Қизингизни бошимга кўтариб юраман, Раиса Петровна, буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин! — Ҳасанбой, нечундир кўзлари ёшга тўлиб, қизини бағрига босганча тинимсиз эркалатаётган онанинг аҳволини тушунди ва: — Армиядан ҳам ҳар кун хат ёзиб тураман! — деб қўшиб қўйди.

— Армияга сени ҳаммамиз бирга кузатамиз, — деди Раиса Петровна, қизини бағридан қўйиб, Ҳасанбойнинг ёнига келар экан. — Бирга кутиб оламиз ҳам!

— Раҳмат, Раиса Петровна. — Ҳасанбой Маринага қаради: — Энди бизникига борайлик, а?

— Ҳа, албатта. — Марина онасига тушунтирди: — Биз ҳозир Ҳасаннинг уйига борамиз. Аҳд-паймонимизни унинг ота-онасига ҳам маълум қиламиз. Кейин ЗАГСга ўтамиз: мени Дилбар билан Лариса, Ҳасанни Обиджон билан Одилжон кутишяпти. ЗАГСдан кейин келин-кўёвлар билан тўйолди сайр-саёҳати... Ойижон, дадам билан сизни тўйда кутиб оламиз.

Раиса Петровна ёшларни йўлгача кузатиб чиқди ва улар машинага ўтириб олгач:

— Секинроқ юр, Ҳасанжон! Эҳтиёт бўлинглар, Марина! — деб тайинлади.

Озода ювилган оқ «Жигули» бир тўп теракзор орақасида кўздан ғойиб бўлди...

Раиса Петровна ўз эшиги рўпарасидаги долға-долға тўлқинлари вағиллаб кўпираётган Шаҳрихонсой бўйида скамейкага ўтириб, Киев яқинида, Днепр соҳилидаги ўрмонда уруш йиллари ўтган ёшлигини, ўша ерда танишган йигити лейтенант Андрей Дубенкони ва Андрей Андреевич билан ўтган чорақ асрли умр йўллари эслаб кетди...

## Йигирма учинчи боб

Анваржон икки ой давомида «Андижонгидрострой»нинг турли корхоналари ва ташкилотларига қатнаб юрди: у «ўзига боп» иш қидирди, лекин қаерга борма-син, касб-ҳунари йўқлиги учун кўнглидагидай ишни, чунончи прораблик, бригадирлик, ақалли диспетчерликни ҳеч ким таклиф қилмади. Автобазага бориб, шофёрликка киришдан бошқа иложи қолмагач, Автономовга учради. Лекин, Нил Петрович унинг ҳужжатлари билан танишиб, ҳеч қаерда ишламаганига қаноат ҳосил қилгач, унга машинани ишониб топширолмаслигини, фақат автобаза ҳузуридаги шофёрларни қайта тайёрлаш уч ойлик курсига қабул қилиши мумкинлигини билдирди.

Шундан кейин Анваржон яна комсомол комитетига бориб, Дилбар билан учрашишга ва ундан яна маслаҳат сўрашга мажбур бўлди. Ҳар қачонгидай иши кўп, вақти зиқ Дилбар Анваржон билан қисқагина суҳбатлашди: «Автобазадаги курсда ўқишни хоҳламасангиз, «Усталар мактаби»га боринг, истаган ҳунарингизни ўрганишингиз мумкин», деб лўндагина маслаҳат берди.

Комсомол секретарининг бу беғараз ва тўғри маслаҳати Анваржонга нечундир эриш туюлди, оғир ботди. У Дилбар билан совуққина хайрлашиб, «Андижонгидрострой» биносидан мажҳул бир аҳволда чиққач, «Волга»сига ўтирди-да, Хонободга етиб келди ва холаси Зебохон билан холи сўзлашиб, Тошкентга катаётганини, аммо икки ҳафтадан кейин қайтиб келажанини билдирди ва бу ердаги уйни сотишга қарор берганини айтиб, шу вақт ичида харидор топиб қўйишни тайинлади-да, бўлажак савдо ҳисобига ундан минг сўм қарз кўтариб, машинасини катта йўлга «Хайё-ҳайт!» деб ҳайдаб кетди.

Анваржон Тошкентга етиб келгач, ота-онасининг Бешқайрағочдаги ҳовлисига ҳам, ўзи хотини Дилфуза билан бир неча кун маст-аласт ҳаёт кечирган Қорақамишдаги кооператив квартирага ҳам бормади-да, шаҳарда танишган ошналаридан бири — Комсомол кўли орқасидаги «Большевик» маҳалласида турувчи Шамсиддин исмли қувноқ табиатли хушрўйгина наққош йигитнинг уйига совға-салом кўтариб борди. Бу йигит

Анваржоннинг тўйига келган янги улфатлардан. Ганчдан ўймакорлик санъатига моҳир бу наққош йиғит тўйдан кейин ҳам Анваржон билан турли хонадонларда бир неча марта учрашган, «сизга айтадиган бир гапим бор», деб унга қайта-қайта шама қилган, лекин нечундир ўша «гап»ни ҳали айтиб улгурмаган эди.

Анваржон Шамсиддиннинг ишдан келиш вақтини мўлжаллаб, кунни қоронғилатиб келганда у ҳам ҳозиргина «Жигули»сида етиб келиб, тор кўчанинг ўнг томонидаги кенг қизғиш дарвозасини очаётган пайтига дуч келди. Икковлари қучоқлашиб кўришгач, машиналарни ҳовлига бирин-кетин олиб киришди ва дарвозани ёпишиб, кенг ҳовли ўртасидаги қип-қизил гулзор бўйига қўйилган баланд сўри томонга юришди.

— Зап кепсиз-да! — Шамсиддин Анваржоннинг қўлидаги анвойи мезалар, шишалар тўла иккита пакетни истар-истамас олиб, сўри устига қўйди. — Бу ишингиз чакки, дўстим!.. Бекор уринибсиз, уйда ҳамма нарса бор!

— Қутлуғ уйга қуруқ келма, деганлар... — Анваржон водопровод кранидан қўлини юва туриб, оппоқ сочиқ тутиб турган Шамсиддинга маъюс тикилди: — Бошимга тушган савдодан хабарингиз бор... Менга айтмоқчи бўлган ўша «гап» ингизни эшитгани келдим...

— Ҳа, дўстим, ёмон қўлга тушдингиз...

Шамсиддин қўлини оппоқ сочиққа артаётган Анваржонга ачинганнамо термилди:

— «Билмайин босдим тиконни, тортадирман дардини...» Уф... Ўз ҳасратим кўнглимга сиғмаса ҳам, сиз учун жоним куяди!..

Шамсиддиннинг тўлачадан келган, паканагина, тимқора калта соқоли лўппи юзига ярашган отаси Қамолддин ака ва бўйи новча, кўзлари чақноқ, озгингина, хушрўй онаси Жамила опа ҳовли этагига қатор солинган уйларнинг биридан чиқиб келиб, ўз «Волга»сида келган азиз меҳмон билан кўришгач, дастурхон ҳозирлашга машғул бўлдилар.

Шамсиддин Анваржонни қип-қизил палос солиб, ўртасига хонтахта қўйилган тахта каравот — чорпоёга таклиф қилди, ва у чиқиб, шоҳи кўрпачага ўтиргач, ўзи меҳмоннинг қаршисига тиз чўкиб:

— Адресим ёдингизда қолган экан? — деб, унга синовчан тикилди.

— Айтганингизда ёзиб қўйган эдим.

Жамила опа сўрига чиқиб, бир нафасда хонтахта устига дастурхон ёзди ва эри анвоёи идишларда кетма-кет узатиб турган ширмой нонлар, яхна гўшту қазикарталар, сархил меваларни териб ташлагач:

— Олинглар, ош бўлсин! — деди-да, орқаси билан юриб, сўридан тушиб кетди. Ота-онаси кириб кетишгач, Шамсиддин гулдор чойнакдан чой қуйиб меҳмонга узатди:

— Босиб-босиб ичинг, дўстим, чарчоғингиз ёзилади. Ўзимиз памил ичсак-да, сизга ўхшаган меҳмонларга деб «тўқсон беш» олиб қўйганмиз.

Анваржон бугун туз татимаган бўлса ҳам, иштаҳаси йўқ: бир томони — йўл чарчоғи, яна бир томони — Шамсиддиндан эшитмоқчи бўлган «гап»дан дилхиралик...

У ўзини ўнглаб ўтиришга қанча ҳаракат қилмасин, чарчоқ енга бошлади. Жамила опа чинни лаганга сузиб келган сергўшт, беҳилик хушбўй паловдан еб бўлгач, Шамсиддин узатган аччиқ чойни ичар-ичмас, пинакка кетди. Анча вақтдан кейин кўз очган йигит дастурхон йиғиштирилганини, сўри тепасида — олма шохига осиглиқ электр чироқ шуъласида гулзор яшнаб турганини, қаршисида эса, Шамсиддин унга тикилганча кулиб ўтирганини кўрди.

— Узр, беодоблик бўпти... — деди Анваржон ўз аҳволидан андиша қилиб.

— Ҳечқиси йўқ... Гоҳо шунақа бўлади... — Шамсиддин кулганда чап жағидаги олтин тишлари ярақлаб кетди. — Яхши бўлди, озгина мизғиб олдингиз, йўл чарчоғи ёзилди.

— Менинг йўл босиб келганимни қаёқдан билдингиз? — Анваржон Шамсиддинга шубҳаланиб тикилди.

— Э, дўстим, ҳаётингиз улфатлар тилида дoston. — Шамсиддин пахтагуллик бинафшаранг чойнакдан яна бир пиёла чой қуйиб, меҳмонга узатди: — Ичинг, Анваржон, дилингиз ёришади. Мана, дўстлашиб, қадрдонлашиб қолдик. Сиз кечирган савдо ёшликда кўпчиликнинг бошидан ўтади. Мен ҳам бир марта куйганман... Аммо, лаққа балиқдай осонгина қармоққа илинган сиз каби иккинчи бир лақмани билмайман... Сўзим қаттиқроқ ботса, кечирасиз...

— Майли, майли, сўзлайверинг! — Анваржон яна

ҳам ҳушёр тортиб, мезбонга умидвор тикилди. — Бошим қотган. Нима қилишни билмайман. Айтадиган гапингиз ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам, тоқат билан эшитаман. Тақдирга тан бермай иложим йўқ... Йўл кўрсатинг!

— Айтаман. Лекин битта шартим бор. — Шамсиддиннинг юзидаги кулги ўчиб, меҳмонга синовчан боқди.

— Ҳар қандай шартингизга розиман! Пичоқ суюгимга бориб тақалди!

— Ундай бўлса, — деди Шамсиддин, — мендан ҳеч бир сириңгизни яширмайсиз. Масалан... — Унинг кўзлари совуқ йилтиллади, — Дилфуза билан қандай танишганиңгизни ва нима сабабдан унга уйланганиңгизни бутун тафсилоти билан сўзлаб берасиз. Шундан кейингина мен сизга бир сирни очаман.

— Хўп, сиз айтганча бўлсин. — Кейинги бир йил ичида озиб-тўзиб, териси суюгига ёпишган Анваржон қўлларини кўкрагига чалиштириб ўтирганча бир неча дақиқа хаёлга толди-да, ҳикоясини бошлади.

У Хонободдаги мактабда битирув имтиҳонларини қандай топширганини, холаси — мактаб директори Зебохоннинг тазийқи остида ўқитувчилар унга фақат «беш» баҳо қўйишганини, натижада олтин медаль олганини, бироқ институтга киришда асосий фан бўйича имтиҳондан ўтолмаганини, фақат дадаси Тошкентга келиб, Нозимовнинг ҳузурига кириб чиққандан кейингина ректорнинг алоҳида буйруғи билан ўқишга қабул қилинганини қисқача ҳикоя қилгач, дадасининг топшириғи билан Нозимовни қишлоқдаги зиёфатга таклиф қилиш учун шаҳарга махсус келганини, бироқ курортга кетган ректорнинг ўрнига унинг қизи ва ўғлини Хонободга олиб кетганини, Дилфуза билан шу тарзда танишганини сўзлаб берди.

— Тушунарли... — Шамсиддин қўшалок парқув болишни бағрига босиб ўтирганча истехзоли бир оҳангда сўради: — Дилфуза билан муҳаббат ўша ерда бошланган экан-да?

— Муҳаббат... — Анваржон енгилгина уҳ тортиб, чироқ шуъласида Хива гиламидай товланиб турган гулзорни томоша қиларкан, кўз олдида Дилбар жонланди.

Унинг ҳамон дил тубида сақланиб турган сўнмас гавҳар — рад этилган илк севги ҳақида, Дилфузага тўсатдан уйланишига шу аламзадалиқ сабаб бўлганлиги тўғрисида сўз очишига оз қолди: ҳар қалай орият



устун келиб, гапни бошқа ёққа бурди: гўё, унинг дадаси раис Афзалов ректор Нозимов билан қадрдон дўст бўлиб қолганмиш, бунинг устига у Тошкентга масъул ишга таклиф қилинганмиш, бу ердан ҳовлижой сотиб олишга ҳам шу важлар сабаб бўлганмиш. Энди Анваржоннинг Дилфузага уйланиши масаласига келинса... бунда ҳам у ота-она хоҳиши билан иш қилган, яъни Афзаловнинг Нозимов билан дўстлиги ва Дилфузанинг Анваржоннинг онасига ёққанлиги...

Анваржоннинг ҳикоясини эътибор билан тинглаган Шамсиддин, меҳмон ундан жуда муҳим бир нарсани яшираётганини дил-дилидан сезиб турса ҳам:

— Турмушда хато қилиш осон, уни тузатиш қийин, — деди-да, мажҳул бир аҳволда қўшиб қўйди: — Сиз, дўстим, ота-онангизнинг хоҳиши билан уйланганингиз учун бахтсиз бўлибсиз, мен эса ота-онамнинг хоҳишига қарши, ўзбошимчалик билан уйланганим учун бахтсиз бўлдим... Эҳ, Анваржон, сиз билан илгарироқ, чунончи бундан икки йил аввал танишганимизда балки, мен ҳам озор чекмаган бўлардим, сизнинг ҳам бошингизга шунча савдолар тушмасмиди!

— Сўзингиздан шуни агладимки, — деди Анваржон таажжубланиб, — иккимизнинг тақдирларимиз бир-бирига боғлиққа ўхшайди...

— Ҳамма гап мана шунда! — Шамсиддин гавдасини хиёл эгиб:

— Фузечкага нималар совға қилгансиз? — деб сўради. — Фақат ростини айтнинг!

— Гавҳар узук билан шу узукка мос гавҳар сирғалар... Дадам менга олиб берган икки хоналик кооператив квартирани унинг номига ёздирганмиз... — Анваржон бир оз ўйлаб турди-да: — Дилфуза машина ҳайдар экан, тўйдан бир кун аввал, яъни ЗАГСдан ўтган кунимиз мени нотариусга бошлаб бориб, «Волга»ни ўз номига расмийлаштирди, гўё мен машинамни ўз хотинимга совға қилган бўлдим.

— Фақат шуми? — Шамсиддин Анваржоннинг аҳволига ачиниб, уни зимдан кўздан кечирди.

— Уй жиҳозлари, тўй ҳаражати ва ҳоказо харжларнинг ҳам бизнинг зиммамизда бўлиши шартлашилган экан. — Анваржон Шамсиддинга: «Яна қандай саволинг бор?» — дегандай қаради-ю, лекин унинг хаёл

оғушида жимиб қолганини кўриб: — Қани, энди сирни очинг! — деди.

— Сир шуки, Анваржон, Дилфуза сиздан аввал мени бахтсиз қилган...

Шамсиддин шундай деди-ю, бу сўзларни эшитган қулоқларига ишонмаган Анваржоннинг суратдай беҳис тикилиб қолганига заррача таажжубланмай, воқеани тушунтирди:

— Мен бундан икки йил аввал у билан Латифжон исмли ҳамкасб дўстимнинг тўйида тасодифан танишганман. Дилфуза келиннинг дугонаси экан, мен куёвнавкар бўлганим учун ёнма-ён ўтиришиб анчагина суҳбатлашдик. Тунда келин-куёвни чимилдиққа киритиб юборганимиздан кейин Дилфуза мендан уйига кузатиб қўйишимни илтимос қилди. Мен йўлда такси тутиб, уни уйига олиб кетдим. Дурустгина кайфим бор. Йигитчилик... Унинг сўзига кириб, машинани кетказиб юборганим эсимда... У сумкасида калит чиқариб, эшикни очди. Йўлакдан оёқ учиди юриб ўтдик. У яна бир эшикни очиб, аввал мени киритди, кейин ўзи кириб, эшикни орқасидан ёпиб қулфлади. Уёғи эсимда йўқ. Уйғонганимда — кенггина хонада, қип-қизил гилам устига солинган ўринда,ғижимланган чойшаб устида ётибман... «Сочларни елкасига ёйилган ним яланғоч Дилфуза ёнимда ўтириб, пиқ-пиқ йиғлайди...

Гапнинг қисқаси, мен Дилфузага уйланишга сўз бердим, сўз бердимгина эмас, унинг талаби билан онам ҳақиқа қасам ичдим. Шундан кейин у ота-онаси ишга кетишганини, уйда ҳеч ким йўқлигини айтиб, шу вақтгача тушимга ҳам кирмаган ноз-карашмалар билан мени эркалади. Сўнгра у ота-онам билан дарҳол танишиш орзусини билдириб, мен билан бирга уйимга келди. Танишишди. Ота-онам Дилфузага жуда ёқибдилар. Лекин, Дилфуза ота-онамга нечундир хуш келмади. Улар розилик бермадилар. Мен «фақат шу қизга уйланаман», деб қаттиқ туриб олдим. Хуллас, уларни тўй қилишга кўндирдим.

— Бу эртакми, ҳақиқатми? — Шамсиддиннинг ҳикоясидан эзилиб ўтирган Анваржон ҳайратланиб сўради.— Дилфуза шу уйда яшаганими?

— Бир ҳафтагина... — Шамсиддиннинг аламдан қизарган кўзлари йилтиллади. — У аввал «ота-онангдан бошқа тураман, кооператив квартира олиб бер»,

деб жанжал бошлади. Ота-онам рози бўлмадилар. Кейин у ўн минглаб турадиган қимматбаҳо тақинчоқлар талаб қилди. Мен унинг бунақа талабларини ҳам қондиrolмадим. Кейин «Жигули» машинамни ўз номига ўтказмоқчи бўлди...

— Тавба!.. — Анваржон ёқасини ушлаб, ингради:— Мен роса қўлга тушган эканман-да!

— Булар ҳам ҳолва... — Шамсиддин чойнакдан чой қуйиб ичди.— Дилим ёняпти, Анваржон! Бу оловни ҳеч нарса боса олмайди!.. Уйимиз жанжалхонага, ғурбатхонага айланиб қолди. Дилфуза на мени, на ота-онамни ҳурмат қиларди. Аксинча, бизга айтмасдан, ясениб, пардоз қилиб, истаган ерига кетиб қоладиган, кечалари бевақт келадиган, мабодо суриштирсак: «Чидасанг шу», деб бурнини чийириб, терс жавоб берадиган одат чиқарди. Шундан кейин ота-онамнинг оёқларига йиқилиб, йиғладим, кечирим сўрадим... Дадам — тўғрисўз, чўрткесар одам. Дилфуза яна бир кеч дайдиб кетганда дадам унинг юкни машинага ортиб, тахт қилиб қўйди-да, унинг ота-онасини «қизингиз томдан йиқилиб тушди», деб телефонда чақирди. Улар ярим кечада жонларини ҳовучлаганча таксида етиб келдилар. Иттифоқо, шу пайт иккинчи таксида Дилфуза ҳам етиб келди... Хуллас, ажрашдик...

— Осон қутулган экансиз! — Анваржон Шамсиддиннинг ота-онаси телевизор кўриб ўтирган уйнинг ёрқин деразасига қараб қўйди. — Ажойиб ота-онангиз бор эканлар! Бу яра битиб кетади. Ҳали ёшсиз. Уйланасиз... Фақат бир савол: ўша... менинг тўй оқшомим... сизга шунча азоб берган кулфат менинг бошимга тушаётганини кўра-била туриб, нега индамадингиз?

— Айтдим-ку, аввалроқ таниш бўлмаганимдан пушаймонман. — Шамсиддин Анваржондан соддадиллик билан сўради: — Бир бегона йигит тўйингиз кечаси сизга «бу қизга уйланма!» деса, сиз буни қандай тушунар эдингиз?

— Ҳа, сиз ҳақсиз! — Анваржон иқроор бўлиб, бошини эгди ва кўзлари жавдираб, наққош йигитга маъюс термилди: — Мана, энди... танишиб, дўстлашиб қолганимиздан кейин менга нима маслаҳат берасиз: балойи азимдан қутулишимнинг йўли бормикан?

— Билмадим... — Шамсиддиннинг кенг пешанаси тиришиб, майда ажинлар пайдо бўлди. — Мол-дунё

масаласида қаттиқ қўлга тушгансиз. Кооператив квартира ҳам, машина ҳам, қимматбаҳо тақинчоқлару анвойи жиҳозлар — ҳаммаси Фузечкага, унинг дилхушлиги учун сиздан бир умрлик совға... Жонингиз омон қолганига хурсанд бўлаверинг, Анваржон!.. Энди масаланинг расмий томонига келсак, ЗАГС мени у билан қанчалик осон ажратган бўлса, сизни ундан яна ҳам осонроқ ажратади. Ахир, у илгари турмуш кўрганини давлат идорасидан яширган-ку? Ё шундай эмасми?

— Шундай... — вақт алламаҳал бўлиб, Комсомол кўли юқорисидаги Бўрижар томондан эсан салқин шамолдан бадани жунжиккан Анваржон мезбондан илтимос қилди: — Қани, чойдан қуйинг! — Бу бошқа гап!.. — Шамсиддин дарров қайноқ чой дамлаб келди, кейин қуйди. — Мен, Анваржон, умуман ичмайман. Ишим нозик: наққошнинг ақли тиниқ, зеҳни ўткир, қўли қаттиқ бўлиши керак. Устабошимиз — менинг дадам қўлидаги қирқ нафар уста ва шогирдларга қандай муносабатда бўлса, менга ҳам шундай муносабатда бўлади, ҳатто менга нисбатан у талабчанроқ ҳам... Ичкилик эса, иродани бўшаштиради, қўлни толдиради, дармонни қирқади. Худди мана шу сабабдан ҳам сиз келтирган шишаларни очмадим. Сиз ҳам бу ишдан узоқроқ юринг...

Улар бир неча дақиқа жимиб қолдилар. Шамол кучайиб, гулзордаги гул шохларини тебрата бошлади. Атиргуллар, райҳон ва жамбилларнинг ўткир хушбўйи таралиб, кўнгилларга ором ва сурур бағишлади. Ўигитлар анча енгил тортган бўлсалар ҳам, икковининг бир жувонга бирин-кетин уйланишига — шу кутилмаган тасодифга доир саволларнинг ўндан бирини ҳам бир-бирларига бериб улгурмаганликларидан, ҳали ечилмаган кўп жумбоқлар уларнинг бошида айланар, бироқ улар ҳам одоб юзасидан, ҳам тун яримлаб бораётгани учун, гапни ортиқча чувалаштириб ўтиришни ўзларига эп кўрмадилар.

Шундай бўлса ҳам Анваржон Шамсиддиндан нозик бир масалани сўрашга журъат этди:

— Дўстим, кечирасиз... Мен сизга яна бир савол бермоқчиман?

— Марҳамат...

— Нега собиқ хотинингизнинг иккинчи тўйига бордингиз?

Анваржоннинг бу саволи Шамсиддинга эриш туюлмади ва у ростгўй кўзлари билан меҳмонга тик боқиб:

— Сиз таклиф қилдингиз, мен сизнинг тўйингизга бордим, — деб бамайлихотир жавоб берди. — Лекин, мен сизнинг Дилфузага уйланаётганингиздан мутлақо беҳабар эдим. «Зарафшон»га кирдим, ённигизда уни кўриб, турган еримда қотиб қолдим. Қўлимдаги гулдас-тани сизга қандай тақдим қилганимни ҳам, нималар деб табриклаганимни ҳам, ресторандан қай аҳволда чиқиб кетганимни ҳам билмайман...

Норхўжа Афзаловнинг Тошкентга кўчиб келганига бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Партия жазоси бўлишига қарамай, Нозимовнинг тавсияси билан «Средазир-совхозстрой»га ишга кириб, Қарши чўлидаги қурилишлар билан шуғулланиб юрди. Афзалов ўзи ишлаётган бўлим бошлиғининг топшириқларини бажаришда бир неча марта ташаббускорлик кўрсатди ҳамда ўша бошлиқнинг фикрича, партия жазосини олиб ташлаш мумкин бўладиган кунлар ҳам яқинлашиб қолди.

Бу орада Хонзоданинг иши ҳам юришиб кетди. У Нозимовнинг хотини — шаҳар марказидаги «Олмос» магазинининг директори Роҳилахоннинг ёрдами билан шу магазинга сотувчи бўлиб жойлашиб олди.

Афзаловлар Тошкентга кўчиб келганининг учинчи оғи «Зарафшон» ресторанининг катта залида Анваржон билан Дилфузанинг тўйи бўлган эди. Беш юздан ортиқ ясан-тусан меҳмонлар билан тўлган чароғон зиёфатхона, ҳарир оқ либосдаги келин ва унинг дугоналари, Роҳилахоннинг диди билан алоҳида ясантирилган Анваржон... Бунақа пайтларда дўстлар, қуёвнавкарлар ҳам топилма қолди. Анваржон буларнинг кўпларини танимайди, фақат баъзи бирларини аллақасерларда: Дилфуза билан ресторанларга борганидами ёки институт йўлақларидами — хуллас бир-икки марта кўрган, балки ширакайф кезларда суҳбатлашган... Бироқ, у янги ошнолари бу қадар кўплигини тўй оқшоми кўриб таажжубланди: шундай бўлиши керак, ахир у — Афзаловнинг ўғли, Нозимовнинг куёви-ку!..

Тўй дастурхонининг гоҳ у, гоҳ бу ерида микрофонда айтилган мақтовлар, билдирилган тилаклар, кейин эстрада оркестрининг қулоқни қоматга келтирувчи сершовқин садолари, тўсатдан чироқлар ўчиб, аллақайси

бурчақдан сочилиб турган хира шуълада оёқлари узун, нияланғоч раққосаларнинг шаҳвоний ўйинлари...

Куёвнавкарлар қадаҳларни кетма-кет тўлдириб, Анваржоннинг қулоқларини беҳаё сўзлар билан қизитиб, ҳадеб ичиравердилар, «горько!», «горько!» деган хитоблар узлуксиз янгради.

Анваржоннинг Шамсиддинни ҳам тўйга таклиф қилгани эсида. У бу йигит билан аллақайси бир зиёфатда танишган ва унинг наққошлигини билиб, бирорта ишини кўриш орзусини билдирган. Шамсиддин уни Шарқ музейига таклиф қилди ва ганчдан живир-живир нафис нақшлар ўйилган деворлар, шиплар, устунларни кўрсатди. Анваржон худди эртақлардай афсонавий залларни томоша қилар экан, наққош оғайнисига ўз юрти— Кампирравот дарасида, Қорадарёда улкан тўғон ва электростанция қурилаётганини, Шамсиддин каби наққошларнинг санъати у ердаги янги шаҳарда қад кўтараётган биноларни безаш учун ҳам жуда зарурлигини айтганда наққош йигит бундай хайрли ишлар учун доним тайёрлигини билдирди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Анваржон Шамсиддинни тўйга таклиф қилди...

Тўй... У шодлик, у дабдабалар Анваржонга энди тушдай, жуда оғир, жуда ваҳимали тушдай кўринади.

«Дилфузага уйланишга нега рози бўлдим? Ахир, мен уни билмас, севмас эдим-ку? Нега билмайини босдим бу тиканни?..»

У энди ўзига бу каби ўнлаб, юзлаб саволларни беради, лекин буларнинг биронтасига жавоб топа олмайди. Бу бало унга худди бедаво дарддай ёпишдики, бунинг азобини тортишдан бошқа иложи йўқ...

Тўй кунни кечаси ва шундан кейин яна икки кечакундуз Анваржон Қорақамнишдаги кооператив квартирада Дилфуза билан фақат ишрат қилди... Тўртинчи кун эрталаб у ҳушёр тортиб, барвақт турди ва қаттиқ ухлаб ётган Дилфузанинг ёнидан сирғалиб чиқиб, апил-тапил ювинди-ю, машинасига минди-да, институтга борди.

Икки жуфт лекциядан кейин катта танаффус бўлди. Анваржоннинг тинимсиз ичкилик, уйқусиз кечалардан кейин боши қаттиқ оғир, кўнгли айнир, худди эски касалдай мажоли буткул қирқилган эди. У буфетга кириб, бир шиша қатиқ олиб ичди ва сал ўзига келгач,

қўнғироқ товушини эшитиб, аудиторияга кирди. Кирди-ю, стулига ўтириши билан стол устида фамилияси ёзилган конвертга кўзи тушди; конвертни очиб, тўрт букланган қоғозни олди.

Қоғозда қўйидаги қисқача хат ёзилган эди:  
«Афзалов!

Сен аввал эрга тегиб чиққан, кейин яна бир неча йигит билан юрган бузуқ жувонга, унинг дадаси амалдор бўлгани учун уйландинг.

Эсинг борида этагингни йиғ! Номусингни шамолга совурма!

Сени огоҳлантирувчи:

*Курсдошинг.»*

Анваржон қоғозни буклаб конвертга, конвертни чўнтагига солди-да, аудитория студентларга тўлган, профессор минбарга кўтарилаётган бўлишига қарамай, ўрнидан туриб, кенг хонадан ўқдай оғилганча чиқиб кетди...

У ота-онасининг Бешқайрағочдаги уйига ҳам, Қорақамишдаги Дилфузанинг номига расмийлаштирилган квартирага ҳам бормади; машинасига ўтирди-ю, шаҳардан чиқиб кетди...

Қорамтир осмонда беадад юлдузлар чақнайди. Терак учидаги ой ўроғи — нозик ҳилол ўнгга — ғарб томонга аста силжийди. Боя кучайган шамол энди сал пасайиб, боғдаги шовқин ҳам босилган. Гулзорнинг антиқа хушбўйи енгилгина таралиб, ҳавога бетаъриф муаттарлик бахш этади.

Анваржон беозоргина пишиллаб ухлаётган наққош йигит ёнида, ҳали уйғоқ ётар экан, ёшлигининг жувонмарг бўлишига сабабкор — дадаси билан эртага, албатта, учрашагини ва бу учрашиш нима билан тугашини ўйлайди, ўйлайди-ю, ўйининг тагига етолмай, хаёли чигал калавадай чувалашади...

### ***Йигирма тўртинчи боб***

Анваржон эрталаб соат саккизга яқин ота-онасининг Бешқайрағочдаги ҳовлисига етиб келди ва машинани тиниқ зангори рангга бўялган дарвоза тагида тўхтатиб,

радиога фарғоналик ёш хонанда қиз куйлаётган янги қўшиққа қулоқ солганча ўтириб қолди. Дилга завқ бағишлайдиган, ёшликнинг хушнуд кунларини эслатадиган сеҳрли тарона, маъноли сўзлар...

Бундан бир неча дақиқа олдин Анваржон билан: «Келиб туринг, ўз уйингиз!» — деб иссиқ хайрлашган Шамсиддин, меҳмоннинг ҳурмати учун уни кўчагача кузатиб чиққан Шамсиддиннинг ота-онаси унинг кўз ўнгида жонланди-да: «Қандай яхши одамлар бор дунёда! — деб мамнун жилмайиб қўйди.

Лекин, ўз ота-онасининг бу ҳашаматли уйи, тонг қуёшининг нурида йилтиллаб турган қатор деразалар, эрта куздаёқ барглари сарғайиб, чирт-чирт узилиб тўкилаётган дарахтлар, уй, ҳовли ичидаги ғайритабиий жимжитлик унга нечундир ёт туюлди. Балки, Анваржон бу уйда яшамагани, баланд тўрт-девор ичидаги бу ҳовлининг сир-асроридан беҳабар бўлгани учун шундай туюлаётгандир?..

Анваржон машинадан тушиб, дарвоза ёнидаги узун тор эшикка ўрнатилган қўнғироқ тугмасини босди. Уй орқасидаги баланд равонлик айвонда қўнғироқнинг беданасифат сайрагани шу ердан, кўчадан ҳам эшитилди. Бироқ ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади.

Анваржон қўнғироқ тугмасини яна икки-уч марта босди-да, тор кўчанинг икки томонидаги йўлкалардан ишга шошиб, турнақатор тизилиб ўтиб турган одамлардан баъзиларининг ўқтин-ўқтин қараб қўяётганларидан ва айниқса, гоҳ-гоҳ автобуслар, юк машиналари «Волга» ёнидан қийналиб ўтаётганидан ҳижолат чекиб, уй деразаларидан икки-учтасини мушти билан уриб тақирлатишга мажбур бўлди. Шундагина хоналардан бирининг чироғи ёниб, дераза орқасида пуштиранг майда қавиқ сидирга шоҳи халат кийган, тунда хина билан бўялган саватдай сочили малларанг рўмолга ўраб тангиган Хонзода кўринди-да, «эшикни ҳозир очаман», деган гапни оппоқ ўнг қўлининг бармоқларини ликилла-тиб тушунтирди.

Бир неча дақиқадан кейин эшик очилди. Юпқа савсар ёқалик кулранг қундуз ёқали пальтосини елкасига ташлаган Хонзода бир неча ойдан буён кўрмаган ўғли билан салом-аликни ҳам унутиб, бобиллаб берди:

— Сен, йигит, қаёқларда юрибсан? Хотиннинг ҳар кун телефон қилиб сўрайди: нима дейишни билмай-



ман... Дадангнинг ҳам қудамиз домла Нозимовга пима жавоб қилишни билмай, боши қотган...

Анваржон онаси билан изма-из айвонга чиқди, ундан меҳмонхонага кирди. Хонзода шипга осиглик биллур қандилни ёқиб юборди-да, бурчакдаги тошойнанинг қаршисига бориб, юмшоқ курсичага ўтиргач, қалин малларанг сочини елкаларига ёйиб, шамшод тароқ билан тарай бошлади.

Анваржон онасининг саволига жавоб беришни ва Дилфузанинг ахлоқи, макрлари ҳақида сўзлаб ўтиришни эп кўрмади. У айвон ўртасига қўйилган узун стол устидан бир шиша «Боржомини олиб очди ва биллур қадаҳга кетма-кет қўйиб ичиб тугатди.

— Нима бало, ичингга ўт кетганми? — Кўзгудаги ўз ҳуснига маҳлиё Хонзода мийиғида кулиб, энди парвосизгина сўради.

Анваржон кўзгу яқинига келиб, «алвасти» онасининг афт-ангорига синчков разм солди-да:

— Бувижон, очилиб кетибсиз, Тошкент ҳавоси ёқибди, — деди истеҳзоли бир оҳангда.

— Мени «буви дема, Тошкентда катта ойини буви дейдилар, мени «ая» деб чақир! — Хонзода оғзида тишлаб турган тўғноғичларини бирин-кетин олиб, сочининг чаккаларига тўғнай бошлади. Кейин, Анваржонга ўгирилиб, ачитиб-ачитиб гапирди. — Қудаларимиз биздан хафа. Даданг билан мен қочишга жой тополмай қолдик. Уғлимиз тўйнинг учинчи кунни чимилдиқдан чиқса-ю, беадрес ғойиб бўлса!.. «Чорлар»ни ҳам сенсиз ўтказдик... Бу нима қилиқ, Анваржон?

Анваржон онасининг саволларига бу гал ҳам жавоб қайтармай, бошини қотирган нозик масалада фақат дадаси билан сўзлашишга қатъий қарор бериб қўйгани учун:

— Дадам уйдами? — деб сўради.

— Уйда... — Командировкадан ярим кечада келди. «Соат тўққизда уйғот!» деган. Идорасида зарур иши бор экан. — Хонзода ўғлига шубҳаланиб тикилди. — Ҳа, нима, дадангда гапнинг бормиди?

— Ҳа... — Анваржон дарвоза орқасида машина моторининг гуруллаганини эшитиб, калитини рулда қолдирганини эслади-да, ташвишланиб:

— Машинани кўчада қолдирувдим, — деди ва ўта ташвишланиб, айвон зиналаридан туша бошлади.

— Тўхта! — Хонзода ғайритабийй бир нидо билан бақирди. — Машиннангни ит емайди! Ана, даданг чиқди. Сўзинг бўлса сўзлаш!

Сурупдан кенг қилиб тикилган узун кўйлак-лозим устидан елкасига юққа банорас тўн ташлаган, бошининг ўртасида тепакали анча очилиб йилтиллаб қолган Афзалов ўғлини кўрди-ю, кенг юзи ғайритабийй титришиб:

— Ҳм... — деди Анваржонга ўқрайиб, — қаерларда дайдиб юрибсан, саёқ?! Номусдан қора ерга кириб кетдик-ку. Отанг Норхўжа, онанг Хонзодалигини унутиб қўйганга ўхшайсан, дардисар!

— Сиз бет-қўлингизни юзинг, мен машинадан хабар олиб келай, кейин бафуржа сўзлашамиз. Сиз ҳам, бувим ҳам жаҳлларингиздан жичча тушсаларингиз, ёмон бўлмасди!..

Анваржон шундай деди-да, айвон зиналаридан ҳатлаб тушиб, кўчага отилди. Унинг машина ҳақидаги ташвиши ўринли бўлиб чиқди: Дилфуза «Волга»ни орқага бериб, катта йўл томонга буриб улгурган, тор жинси шим, анорранг момик кофтада, ёйиқ тимқора сочлари елкасини қоплаган, кўкрагини рулга босганча кулиб ўлтирар эди.

Анваржон «Волга»га яқинлашиши билан Дилфуза «машина меники», дегандай қўлидаги ҳужжатларни кўз-кўз қилди-да, ним эркаланиш, ним истехзо билан:

— Машиннамда олиб кетайми ё шу ерда қоладиларми? — деб сўради ва нима жавоб қилишни билмай, суратдай қотган Анваржонга. — Йигит, ёш хотинни узоқ вақт ёлғиз қолдириш хавфли! — деди-ю, стартерни босиб, моторни варанглатиб юргизиб юборди.

Машина икки юз метрча юриб боргач, чапга — катта йўлга бурилиб, кўздан узоқлашиб кетган бўлса ҳам, Анваржон ҳамон дарвоза тагида чанг ютиб лол турар, ҳозир юз берган воқеани кинолентада кўргандай, Дилфузанинг сўзларини тушида эшитгандай сезарди ўзини...

Уй деразаларидан бири очилиб, Хонзода ўғлини чақирди:

— Анваржон, уйга кир, даданг сўраяпти!

У уйга кирганда меҳмонхонадаги ингичка эгри зарҳал оёқлари нақшин стол устига оппоқ дастурхон ёзил-

ган, оппоқ кўйлак, янги тўқ-яшил костюм кийиб, шунга монанд галстук боғлаган Афзалов билан майдатароқ «Намозшомгул» хонатлас кўйлаги оппоқ тиқин баданига ярашган Хонзода стол тўрида ёнма-ён ўтириб, ношушта қила бошлаган эдилар.

Анваржон столнинг қуйи томонига — уларнинг қаршисига ўтириб, дастурхондаги ноз-неъматларни кўздан кечирди: каттагина чинни лаганда яхна гўшт, қази-қарталар; биллур ликопчаларда ҳусайни, чарос, тоифий узумлари; пиёлаларга янги қаймоқ тўлдирилган, косадаги Ўзган асалининг хушбўйи гуркирайди...

Хонзода гулдор чойнакдан учта пиёлага муаттар ҳинд чойи қуйиб, иккисини ота-болага узатди.

Анваржон пиёладан чой ҳўплаши билан дадаси гап бошлади:

— Ўғлим, дафтарингни титиб ўтирмаймиз. Биз тўйингни яхши ният билан ўтказдик. Қудамиз — обрўли одам. Унинг бизга қилган яхшиликларини бошқа ҳеч ким қилмайди. Биз сен билан келинимизнинг ўртасидан қандай оламушук ўтганини билмаймиз, бироқ сендан қаттиқ сўраймиз: турмушингни тезда тикла! Мабодо, сен келинни хафа қилсанг, қудаларимиз бизни хафа қилишади, яъни мен ҳам, аянг ҳам хизмат жойимизни тарк этишга мажбур бўламиз, сенинг эса, институтдан ҳайдалишинг турган гап. Ахир қишки имтиҳонларни ҳалигача топширганинг йўқ-ку.

Анваржон дадасининг, бундай қараганда, оқилона бўлиб туюлувчи дашномини сабр билан эшитди-да, костюмининг чўнтагидан конверт чиқариб, унга узатаркан:

— Шуни бир ўқиб кўринг-чи! — деди-да, ерга қаради.

Афзалов ҳайрон бўлиб елкасини қисди ва кўзойнагини тақиб, Анваржоннинг кунини тунга айлантирган машъум хатни ўқиш учун қоғозга тикилди:

«Афзалов!

Сен аввал ерга тегиб чиққан, кейин яна бир неча йигит билан юрган бузуқ жувонга, унинг дадаси амалдор бўлгани учун уйландинг.

Эсинг борида этагингни йиғ! Номусингни шамолга совурма!

Сени огоҳлантирувчи:

*Курсдошинг.»*

— Балки, бу хат тухматдир, — деди дафъатан вужуди бўшашиб, кўзлари тинган Афзалов қоғозни хотинига узатар экан: — Сен ҳам ўқиб кўр-чи!

— Бу хат — холис дўстнинг огоҳлантириши! — ички изтироб билан эзилиб гапирди Анваржон. — Мен шу хатни олганман-у, ўқишни ташлаб, қишлоққа жўнаб кетганман.

— Ўқишни ташлаб?! — Афзаловнинг қисиқ кўзлари олаланди.

— Ҳа, ўқишни ташладим! — Анваржон дадасидан ортиқ андиша қилмай, унинг ғазабдан пир-пир учаётган қошу киприкларига тик боқиб, бор гапни очиб ташлади. — Мен ёш бошим билан уч марта кетма-кет бахтсиз бўлдим. Биринчи марта — бошқанинг насибаси бўлган олтин медални сизнинг зўрингиз туфайли ноҳақ олганимда бахтсиз бўлдим. Олтин медални мендан ўн чандон яхши ўқийдиган қиз — муаллимимиз Зуфаровнинг қизи Дилбар олиши керак эди. Мен уни севардим! Аммо, орага ноҳақлик аралашди-ю, муҳаббат ғунчалари сўлиб ҳазон бўлди, севги нафратга айланди. Иккинчи марта — мен — ноқобил, ношуд йигит сизнинг, дада, мажбуриятингиз остида ўзим хоҳламаган институтга кириб, зўрма-зўраки ўқий бошлаганимда бахтсиз бўлдим. Биронта фанни ақалли ўртача ўзлаштиролмадим, Биронта имтиҳонни ақалли «уч» баҳога топшира олмадим. Мен учинчи марта Фузечкага, кечирасиз... Дилфузага уйланганимда бахтсиз бўлдим. Мен унинг ректорнинг қизи бўлишидан бошқа фазилатини билмаганман.

— Балки, бу гапларнинг тагида озгина ҳақиқат бордир, — Хонзода хатга тикилганча, лабини тишлаб қолди. — Лекин бу хатдаги даъволарнинг ҳар бирига исбот керак!

— Исботлари етарли!

— Қани, эшитайлик! — Афзалов қип-қизил бахмал ғилоф сирилган кенг юмшоқ креслога ўрнашиброқ ўтириб олди-да, ўғлига истеҳзоли назар ташлади.

— Мени бу кеча меҳмон қилган тошкентлик ошнам — наққош йигит Шамсиддин Дилфузанинг биринчи эри бўлган ва у билан бир ҳафта турмуш кечиргач, кейин хотинининг ахлоқи бузуқлигини билиб, талоқ қилиб қутулган... — Анваржон шундай дейиши билан

Хонзода беихтиёр столга мушт уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Тухмат! — деб қичқириб юборди у ўғлининг сочини чангаллаб. — Бошқалар сени лақиллатишган, сен бизни лақиллатяпсан! Роҳилахондай танти аёлнинг қизи бунақа бўлмайди!

— Қизишманг! — Анваржон онасининг чангалларидан сочини бўшатиб, ўтирган ерида ўзини четга тортди. — Сабр қилиб қулоқ беринг! Яхшиси, йўқ фазилатларини кўкларга кўтариб, мени мажбур қилиб уйлантирган келинингиз, аслида шаҳар йигитлари орасида номи кетган енгилоеқ жувонга қилган совғаларингизни бундоқ чўтга солиб кўринг! Қимматбаҳо безаклар, жиҳозлар, гиламлар, либослар, кооператив квартира, «ГАЗ-24» машина...

Афзалов бошини қўйи солганча индамай ўтирса ҳам, Хонзода бобиллаб берди:

— Ҳой бола, ҳа, нега сен бизга ақл ўргатадиган бўлиб қолдинг? Районда дадангнинг бошига қандай ташвишлар тушганини биласанми? Агар қудамиз Нозимов ёрдам қилмасалар, даданг қаерга борарди? Нима иш қиларди? Мана энди — катта идорада масъул ходим, тагида машина, маош, мукофот нақд! Мен-чи? Мен нима қилардим?! Тошкентга келиб, Роҳилахонга қуда бўлдим, масъул ишга эга бўлдим, қанчадан-қанча бадавлат хонадонларнинг бекалари билан танишдим, иззат-икром топдим!

— Сизни ҳам, дадамни ҳам иқболнингиз кулгани билан табриклайман! — деди Анваржон ерга қараганча, кўзларида ёш ғилтиллаб. — Аммо, нега мен бахтсиз бўлишим керак! Нега мен разолат қамчисин қаршисида бошимни эгиб беришим керак?

— Ҳой, эр! Уғлингиз эсини еб қўйибди! — деди Хонзода қалин лабларини беўхшов буриб. — Бу билан ўзингиз сўзлашинг, ҳали-замон Роҳилахон машинада келиб қоладилар, ишга бирга борамиз.

Хонзода таннозларга хос ясама виқор билан шундай деди-да, ётоқхонанинг ним очиқ эшигини итариб, ичкари хонага киргач, эшикни орқасидан ёпиб олди.

Тунда узоқ йўлдан машинада эзилиб келган Афзалов креслода ўтирган ерида керишиб, елкаларини қисирлатиб олди-да, ўғлига синчков тикилиб, сўради:

— Дилфузани охирги марта қачон кўрдинг?

— Бундан ярим соат аввал...

— А, лаббай? — Афзаловнинг пешанаси тиришиб, ўғлидан таажжубланиб сўради: — Ярим соат аввал шу ерда эмасмидинг?

— Ҳа, шу ерда эдим,— Анваржон бошини кўтариб, онаси ёғимлаб ташлаган сочинни озгин кўлларининг кафтлари билан текислаб тўғрилади. — Кўчага қўйган машинамининг мотори юргизилганини эшитдим-у, хабар олгани чиқдим. Рулда — Дилфуза. Менга пичинг отиб, машинани ҳайдаб кетди. Унинг бунга ҳаққи бор: мен, дада, сизнинг маслаҳатингиз билан машинани унинг номига расмийлаштириб берганман.

— Масала нозик...— деди Афзалов тиниқ деразадан йўлга, барглари сарғиш-қизил тусга кира бошлаган чинор шохларига тикилар экан. — Масала кўп жиҳатдан нозик... Сен ҳаётга юзаки қараясан, ўғлим! Бувинг келтирган далиллар асосли: мен ҳам, у ҳам, ҳозирги ишимиз, су кунги фаровон ҳаётимиз учун қудаларимиз олдида бурчлимиз. Бинобаринг, сенинг биздан сўрамай, ўқишни ташлаб кетганинг ҳам чакки бўлган...— Афзалов бир оз ўйланиб турди-да, қўрқинчли бир нарсани эслагандай, юзидан қон қочиб, товушида титроқ пайдо бўлди.— Райондагилар тинчишмаяпти,— деди у оғзини ўғлига яқинроқ олиб олиб.— Менга партия жазоси бериб, ишдан бўшатганликлари оз эмш... Хуллас, менинг ишим терговга оширилибди...

— Ундай бўлса, сизни районга қақришса керак? — Соддалик қилиб, сўради Анваржон.

— Бормайман!!!— бирдан бақриб юборди Афзалов.— Вақтида ҳисоб-китоб қилиб келганман. Аммо сен ўғлим,— унинг кўзларида совуқ ўт йилтиллади,— менинг ягона зурриёдим, менинг таянчим бўлишинг керак. Бошқалар нима десалар деяверсинлар, қандай яшасалар яшайверсинлар, аммо сен менинг йўлимдан боришинг, менинг ишимни давом эттиришинг керак. Бургага аччиқ қилиб, кўришни ёқиш ақлдан эмас. Тўғри, келинимиз бир оз шўхроқ кўрнади. У ёшлик қилиб, илгари бир марта хатога йўл қўйган бўлиши мумкин. Ахир, тажрибали одамлар ҳам баъзан адашадилар. Ҳаёт мураккаб, Анваржон! Агар Дилфуза янглишган бўлса, сен уни тўғри йўлга сол! Бувинг билан менинг сенга маслаҳатимиз шуки, дарҳол уйингга бор, хотининг билан орангдан ҳеч нарса ўтмагандай, ўйнаб-кулиб яшайвер! Энди ўқи-

шинг масаласига келсак, Дилфуза дадасига айтиб, ёрдам беради.

Афзаловнинг бу насиҳати пичоқ суягига тақалиб турган Анваржонга ёмон ниятли бир бегонанинг лақиллатишига ўхшаб туюлди ва у бундай сўзларни дадасидан биринчи марта эшитаётгани учун бўлса керак, биров бошига тўсатдан мушт урган кишининг аҳволига тушиб, ўтирган ерида аграйиб қолди.

Шу пайт кўча эшик тагига енгил машина келиб тўхтагани сезилди. Ётоқхонадан шошиб чиққан Хонзода:

— Юр, қайнананг билан кўриш!— деди Анваржонга.

Анваржон стулда ҳамон ҳайкалдай қотиб ўтирар экан, бинафшаранг ҳарир сидирга бахмал кўйлакда ҳусни яна ҳам очилиб кетган, қўл, бўйин, қулоқларидаги тақинчоқларнинг гавҳарлари порлаб турган ва эшик ёнидаги қип-қизил пойандоз устида баланд пошнали бинафшаранг туфлисини кияётган онасининг гўё ҳеч қандай фожиа юз бермагандай ўзини лоқайд тутиб, парвосизлик билан айтган сўзларидан даҳшатга тушди-да:

— Бу нима деганингиз?— деб сўради.

— Бу деганим шуки,— Хонзода Анваржоннинг тепасига келиб, оппоқ семиз бармоқларида қўша-қўша узуклар йилтиллаган қўлларини ўглининг суяклари туртиб чиққан елкаларига қўйди,— сен ўз хонадонингга ўт қўйиб, отангни инфаркт, мени жинни қилмайсан. Сен ҳозир мен билан чиқиб, қайнананга салом берасан, қилмишларинг учун ундан узр сўрайсан-да, дарҳол уйингга равона бўласан. Ёпиқлик қозон ёпиғлигича қолади. Тушундингми, нодон?

— Йўқ, тушунмадим! — Анваржон ўрнидан туриб, онасининг киприкларига қалин сурма тортилган кўзларига умрида биринчи марта тик боқди.— Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти. Ё дунё остин-устун бўлиб кетган, ёки мен эси паст бўлиб қолганман.

— Хайр, Афзалов, мен кетдим,— деди Хонзода эрининг тепакал бошини енгилгина ўпиб.— Роҳилахон кутиб қолдилар. Эси паст ўглингизга ўзингиз жичча таълим бермасангиз, бу телбадан ҳар нарса кутиш мумкин!..

Хонзода шундай деди-да, бедана юриш қилиб, хонадан таманно билан чиқиб кетди.

— Гапни қисқа қилайлик. Мен ҳам ишга боришим керак. Утир!— Афзалов ўғлига совуқ боқди.

Кейинги бир неча ой давомида ота-омасида содир бўлган ҳам ички, ҳам ташқи ўзгаришларнинг маъноси-ни энди сал-пал тушуна бошлаган Анваржон ўрнига қайтиб ўтирмади ва кўнгли нечундир беҳузур тортди:

— Ҳавога чиқай-чи! — у эшик томонга юрар экан, дадасига қараб деди: — Маслаҳатингизни ўйлаб кўраман. Аммо, ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради. Мени гаровга қўйиладиган буюмга ҳам айлантириб қўймаңлар. Ҳаётимда хато қилдим, буни ўзим тузатишим керак. Фақат, сиздан бир илтимос: берган тузингизга рози бўлинг!

Анваржон юрагининг ярасида оғриқ турган одамдай алам билан шундай деди-ю, меҳмонхонанинг Хонзода ланг очиб кетган эшигидан ўқдай отилганча чиқиб кетди.

У Бешқайрағоч бекатида йўловчиларни кутиб турган автобусга ҳам тушмади, кўк чирогини йилтиллашиб ўтиб кетаётган таксини ҳам тўхтатмади. Бекат яқинидаги почтахонага кириб, пул жўнатиш варақасини тўлдирди. Хонободга борганида сотиладиган уй ҳисобига холаси Зебохондан олган минг сўмни эгасига жўнатди. Бу ердан чиққач, узун йўлқадан шаҳар томонга бир чақиримдан кўпроқ юриб боргач, азим туп садақайрағоч тагидаги мойхонанинг одамлардан холи сўрасига келиб ўтирди.

Чойхоначи — чуваккина пакана чол патнисда иккита нон, бир қисм оқ қант, чойнак билан пиёла келтириб, меҳмоннинг олдига қўйиб кетди.

Хаёл суриб ўтирган Анваржон нонни ушатмади ҳам. Фақат чойнакдан пиёлага чой қўйиб бир қултумгина хўплади. У қаерга боришни, нима қилишни ўйлар, бир неча хил режалар бошида чувалашар, чунончи, Феруза билан ярашиб, Тошкентда қолиш, ёки разолатдан буткул қочиб, Хонободга кетиш ва ўша ерда «Усталар мактаби»га кириб, касб ўрганиш, бироқ у ерда унинг севгисини рад этган Дилбар бор...

Унинг миясида ногаҳон яна бир фикр чақиндай чақнади: «Армияга кетаман. Узоқ бир ерга юборишларини сўрайман. Ахир, тенгдошларим армияда чиниқиб, ҳушар ўрганиб келишяпти-ку!»

Шу фикрдан унинг кўнгли равшан тортди-да, район ҳарбий комиссариатига бориб учраш учун ўрнидан туриб, автобус бекати томонга тез юриб кетди...



## Иигирма бешинчи боб

Исматов октябрь ойининг ўрталарида Кампирравотга бориб, кейинги кунларда суръати графикдан бирмунча орқада қола бошлаган қурилишни шахсан ўзи кўздан кечиришга, агар зарурат туғилса, ўша ерда актив йиғилиши чақириб, амалий тадбирларни ишлаб чиқишда шахсан ўзи қатнашишга қарор берди. Айни вақтда пахта йиғим-теримининг бултургига нисбатан анча кечикканлиги, бунинг устига бир неча йил давомида яхши ҳосил бериб донг чиқарган «Тошкент-» навининг ғўзаларини вилт босганлиги ва оқибатда ҳосил тақдир ҳавф остида қолганлиги Исматовни тўғон қурилиши билан бир қаторда бу масала билан ҳам жойларининг ўзида жадал шуғулланишга мажбур қилди.

Ноябрнинг бошида ҳавони булут қоплаб, икки кун сурункасига ёмғир қўйиб берди. Пахта териш машиналаринин иши таққа тўхтади. Областнинг колхоз, совхоз идоралари, мактаблари, шийпонлар, бараклар, қишлоқлардаги жами хонадонларга жойлашган уч юз мингга яқин теримчиларнинг муштоқ кўзлари булут қоплаган кўкка тикилади, ҳаво ёришиб, ёмғир тинишини кутади. Гўё фронтдаги улкан жангда бирдан танаффус бўлгандай....

Исматов ҳар кунгидай бугун, 5 ноябрда ҳам саҳармардонда уйдан чиқиб, кўчада кутиб турган машинасининг орқа ўриндиғига ўтирди-да, шофёри Ҳожиматга: — Қўрғонтепага ҳайда! — деб буюрди.

Олдинги фаралари ёқиб қўйилган машина яқинда асфальти янгидан қопланган кенг йўлдан, майдалаб ёғаётган совуқ ёмғир остида шаҳардан чиқиб, Ойимга олиб борадиган йўлдан шипиллаб юриб кетди.

Йўл бўм-бўш: гоҳ йўл чеккасида пичан ортган арава, от устида бошига ёмғирпўш ташлаган кекса деҳқон, гоҳ уч-тўрттагина йўловчи ортган автобус кўринади.

Исматов кўзойнагини тақди ва чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, кечаги кунга пахта тайёрлаш маълумотини синчиклаб ўқий бошлади. Районлар бўйича бир кунлик рақамлар: 0,10, 0,15, 0,11 ва ҳоказо. Ииллик план 81,7 процентга етибди.

Машина эшиклари ёпиқ бўлса ҳам, даладаги совуқ

нам шамол аллақайси тирқишларидан кириб келиб, унинг суяк-суягини зирқиратаётгандай...

— Ҳожимат, печкани ёқиб юбор, ука!— буюрди Истов шофёрига.

— Хўп, ака!

Бир неча дақиқадан кейин машина ичида ҳаво илдиди.

Йўлнинг чап томонидан Ленин номли колхоз боғининг панжарали деворлари кўринди. Ҳожимат машинани ўнгдаги йўлга буриб, радио қулоғини буради. Тонги «Сўнгги ахборот» охирида об-ҳаво маълумоти берилаётган экан. Диктор ҳаво яна совишини, республиканинг бир қанча областларида, шу жумладан, Фарғона водийсида ёғаётган ёмғир куннинг иккинчи ярмида тўхтаб, ҳаво очилишини, кечаси эса ер 2—4 даражагача музлашини хабар қилди.

«Пишган кўсаклар аёзда ёппасига очилади,— кўнглидан ўтказди Исматов.— Теримни тезроқ яқунлаш, шудгорни бошлаб юбориш керак».

У болалик чоғларини эслаб кетди. Марҳамат районидаги Ильич номли колхозда мактабда ўқир, пахтачилик бригадасининг бошлиғи бўлган дадасининг ишларига қаршиб юрарди. Қишлар жуда қаттиқ келарди ўша йиллари... Ноябрьнинг ўрталаридаёқ ғўзаларни босган қалин қорни пахтакорлар арқон тортишиб, силкитиб туширишарди. Нафасни қирқадиган даражадаги аччиқ аёзда кўсаклар йиғиб олиниб, четан араваларда хонадонларга, идорага, чойхонага ташиб келтирилар, қишлоқ аҳли ярим кечагача хира чироқ шуъласида кўсак чувирди... Балки, ўша қаттиқчиликлар сабаб бўлгандир, орадан ўн-ўн беш йил ўтиб, Марҳамат райони, айни шу Ильич номли колхоз Ўзбекистонда машина теримининг марказларидан бири бўлиб донг қозонди. Шу ерлик паҳлавон йиғит, Исматовнинг қўшниси ва тенгдоши Ҳафиз Полвонов «Ўзбекистон» номли «зангори кема»да пахта теришда рекорд қўйди!

«Ҳа, замон ўзгарди. Урушдан кейинги беш йилликлар диёримизда мўъжизалар яратди.— Фикр қилишда давом этди Исматов,— урушдан аввалги ҳаёт билан ҳозирги ҳаёт ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Чунотчи, учдан бир миллиард сўмлик Кампирравот сув омбори қурилиши чорак аср аввал тушимизга ҳам кирмаган эди!»

Машина ярим соатдан мўдроқ юриб, Ойим қишлоғига яқинлашганда Исматов қўл соатини машина ойнасидан тушиб турган хира тонг ёруғига тутиб кўрди: еттидан ўн минут ўтибди. Ҳа, энди телефон қилса бўлади: жойларда раҳбарлар жуда эрта иш бошлайдилар.

У олдинги ўриндиқ ораллиғига ўрнатилган рақиянинг трубкасини олиб, қулоғига тутди. Ҳавонинг қитир-қитир шовқини орасида таниш телефонист қизнинг мулойим товуши эшитилди:

— Эртангиз хайрли бўлсин, Олим Исматович! Кимни улай?

— Салом, Машенька! Аввал Қарим Узоқовични, кейин Борис Мусаевични уласангиз!

— Ҳўн бўлади, Олим Исматович!

То телефонистка рақамларни териб, керакли одамларни улаб бергунча Исматов трубкани ўнг қўлида тутганча Қўрғонтепада қаерларга боришини, кимлар билан учрашишини, қандай масалаларни ҳал қилишни ўйлаб кетди.

Исматовнинг хаёли шундай ўйлар билан банд экан, трубкада узун-узун сигналлар эшитилди ва у қулоқ солиб, Узоқовнинг мулойим овозини эшитди:

— Салом, Олим ака!

— Салом, Қарим Узоқович! Ҳозир қаердасиз?

— Ҳозиргина райкомга келдим. Пахта заводи ва тайёрлов пунктларининг раҳбарлари йиғилишган. Ҳўл пахта ни қуришни жадаллаштириш ҳақида маслаҳатлашяпмиз. Сиз қачон етиб келасиз?

— Жуда яхши.— Исматов яна соатига қаради-да, вақтни ва масофани мўлжаллаб, жавоб берди:— Кенгашни рубой қилиб, йигирма минутдан кейин райком биниси олдига чиқинг, Кампирравотга бирга борамиз.

— Маъқул, Олим ака. Кутаман!

Исматов трубкани аппарат устига қўймоқчи бўлиб турганда Машеньканинг тиниқ овози жаранглади:

— Олим Исматович, марҳамат, Борис Мусаевич эшитяптилар!

— Борис, эҳ сен, бевафо Борис! — деди Исматов кадрдонига — Қанақа ваъдалар берганинг эсингдами? Суръатни пасайтириб юбординг-ку? Бу алфозда сув омборининг биринчи навбатини қачон ишга туширамиз?.. Хуллас, тайёргарлигингни кўр, одамларингни йиғ, маслаҳатлашиб оламиз...

— Хўп, бўлади, ўртоқ обком секретари!

— Демак,— деди Исмамов, бедорликдан киртайган кўзлари жиддийлашиб,— бир соатдан кейин мен Қарим Узоқович билан бирга етиб бораман. Сиз Жуковга ҳам хабар беринг. Тўртталамиз асосий объектларингизни бориб кўрамиз. Кейин, соат ўн бирда «Андижонгидрострой» раҳбар ходимлари билан учрашамиз. Маъқулми?

— Маъқул.

— Демак, кўришгунча хайр.

— Кутамиз, Олим Исмамович!

Исмамов трубкини аппарат устига қўйиб, ўриндиқнинг орқа ёстигига суялганча, чарчоқ кўзларини юмдида, ўйга толди.

У партия раҳбарларидан, давлат арбобларидан бўлгани учун республика хўжалигининг турли соҳаларидаги аҳволдан хабардор. Айниқса, улкан иншоотларга, шу жумладан, Кампирравот сув омборига зарур қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда кечикишлар, узилдишлар тобора кўпайиб борапти. Ҳатто, Қувасой цемент заводи, Бекобод металлургия комбинати каби илғор бўлиб келган корхоналар ҳам «Андижонгидрострой» буюртмаларини бажаришни кечиктириб юборяптилар.

«Раҳбарга кўп нарса боғлиқ,— ўйлади Исмамов ёмғир шовқинига қулоқ солиб ўтирганча. Мусаев — моҳир ташкилотчи, қурилишимизнинг жони. Лекин, биргина у ёки бир неча киши жон куйдиргани билан планни бажариш қийин».

Машина райкомнинг икки қаватли биноси олдига келиб тўхтаганда, Исмамов бир неча дақиқалик мудрашдан анча ором олган кўзларини очиб, ёмғирдан ҳўл асфальт йўлкада қатор турган Қарим Узоқов, Ҳабиба Камолова ва яна бир неча таниш кишиларни кўрди.

Узоқов машина ёнига илдам юриб келди-да, унинг орқа эшигини очиб, Исмамовнинг чиқишини кутиб турди.

Обком секретари анча ҳорғин кўринарди. Аммо, шу кунларда кимнинг ороми бор? Ноқулай келган куз ҳавоси; тинимсиз ёмғиру, довуллар ҳамманн эзиб юборди.

Исмамов бошини эгиб, машинанинг тор эшигидан чиқиб олгач, аввал Узоқов билан кўришди, кейин йўлкада кутиб турганлар билан қўл бериб саломлашди. У айниқса, Ҳабиба Камоловага бошдан-оёқ разм солди: область комсомол комитетида ишлаб юрганида қизил гул ғунчасидай гўзаллик, ёшлик тимсоли бўлган қувноқ қиз энди-

ликда хўжалиги мураккаб, серташвиш районда бир неча йил ишлаб, ўн-ўн беш ёшга қарибди: юзидаги аввалги нафис кулгичлари, шахло кўзларидаги сеҳрли олов қани? Дуруст, ҳамон соҳибжамол, лекин бу ҳуснда сўлгинлик излари шундоққина кўриниб турибди.

«Эҳ, бизнинг машаққатли раҳбарлик ишимиз!»— шу фикрни кўнглидан ўтказди Исматов Қамоловага қўл узатиб, самимий кўришар экан:

— Саломатмисиз, Ҳабибахон? Қомилжон ишлаб юрибдими? Ботиржон билан Нодира ўсишяптими?—деб шогирдидан ҳол-аҳвол сўради.

— Раҳмат, Олим Исматович, ҳаммалари яхши юришибди!— деб миннатдорлик билдирди Қамолова.

— Кенгашиб олдингизларми?— Исматов Узоқовдан сўради.

— Кенгашимиз асосан тугади,— жавоб берди Узоқов нимадандир кўнгли тўлмаган бир қиёфада.— Биз кетаверсак бўлади, ўртоқ Қамолова қолиб, масалани охирига етказадилар.

— Маъқул.— Исматов бош ирғаб, ҳамма билан ёлпасига хайрлашди-да, Узоқовга имо қилди:— Қани, кетдик!

Иккови машинага ўтириши билан шофёр машинани Кампирравотга олиб борадиган Уш — Жалолобод йўлидан ҳайдаб кетди.

Ёмғир бир оз пасайди. Лекин, кўкдаги булут ҳамон қуюқ; соат саккиздан ошган бўлса ҳам тонг ёришмаган; йўлнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап томонда машина чироқлари туман орасида хира нур сочиб, йўлни сал-пал ёритади.

Улар орқа ўриндиқда ёнма-ён ўтириб, бир неча дақиқа жимиб қолдилар. Исматов об-ҳавони ўйлаб, ич-ичидан эзилар эди, буни фаҳмлаган Узоқов:

— Муттасил ёмғир пахта териминигина эмас, қурилиш суръатини ҳам секинлатиб қўйди,— деди унинг фикрини уқингандай.— Борис Мусаевич хуноб, асаби таранг. Бу кеча у бетон заводида қолиб, графикнинг бажарилишини тонггача шахсан ўзи кузатибди. Яқинда телефон қилиб, мен уни ўша ердан топдим.

— Унинг саломатлиги қалай?— Исматов ташвишланиб сўради.

— Ҳар қандай пишиқ тор ҳам таранг тортилаверса узилади.— Узоқовнинг қалин туташ қошлари чимири-

либ, манглайдаги ажинлар бўртиб кўринди. — Борис Мусаевич ўзини аямай ишляпти.

— У доим шундай ишлаб келган, бундан кейин ҳам шундай ишлайди!— Исматов Узоқов томонга ўгирилиб, маъноли жилмайди: — Ким дунёга устун бўлиб қолибди? Борис тўғри қилади: ишлаш, яратиш, одамларга яхшилик қилиш, элда яхши ном қолдириш керак!

Улар бир неча дақиқа ўйчан жимиб қолдилар, кейин Исматов дафъатан савол берди:

— Ҳўш, Фрунзе номли совхозда ишлар қалай? Маҳмудов қандай ишляпти?

Исматовнинг бу саволи Узоқовнинг у билан маслаҳатлашиб олмоқчи бўлган бир масаласини эсига туширди-ю, лекин аввал раҳбарининг саволига багафсил жавоб беришни зарур деб тонди:

— Бу совхоз — районимиз шимолида, тоғ этагидаги адир ерларга жойлашган хўжалик. Унинг асосий вази-фаси — шаҳар аҳолисини гўшт, сут, тухум, сабзавот ва мева билан таъминлаш. Маҳмудов экономист эмасми, ишни ҳар бир одамни, ҳар бир квадрат метр ерни, ҳар бир кубометр сувни ҳисоблашдан бошлади. Йилнинг бошиданоқ ишни пухта ташкил қилди. Совхоз ҳамма планларини ошириб бажарди, фақат уруғлик картошканинг ўзидан юз минг сўм даромад қилди.

— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб шуни айтадилар!— Исматовнинг рангпар юзи кулимсиради. — Хўжаликларда раҳбарлик ишларига олий маълумотли мутахассисларни кўпроқ кўтаришимиз керак.

— Албатта!— Исматовнинг фикридан далда олган Узоқов:— Бу масала юзасидан обкомга таклифларимизни берамиз, — деди-да: — Кадрлар масаласи — энг мураккаб, энг оғир масала, — деб қўшиб қўйди. — Маҳмудов совхозда директор сифатида иш бошлаган дастлабки кунларидаёқ Афзаловнинг жиддий хатолари, ҳатто жинорий ишларига дуч келиб, биздан райкомнинг комиссиясини юборишни талаб қилгани эсингизда. Биз Камолова раислигида комиссия юбордик. Текшириш шуни кўрсатдики, Афзалов бир неча йил давомида планни бажариш учун қўшиб ёзиш билан шуғулланиб, қалбаки маълумот бериб келган. У бир неча шериклари билан қалбаки актлар тузиб, бир неча юз тонна гўшт, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотларни ўзлаштириб юборган. Чунончи, Олой ёнбағридаги Оқтош яйловида боқилган

қўйлардан икки юздан кўпроғи гўё сойда тошқинда оқиб кетган...

— Афзаловнинг ўзи ҳозир қаерда? — Исматов ташвишланиб сўради.

— «Средазирсовхозстрой»да ишлаётганмиш. — Узоқов истеҳзоли кулди.— Партия жазоси бўла туриб, ўрнашиб олган жойини қараиґ-а!

— Ҳамма ҳужжатларни обкомга юборинг, биз тегишли ташкилотга йўллаймиз!— деди Исматов машина катта йўлдан ўнгга, Кампирравот дарасига бурилайётганда.  
— Маъкул, Олим ака.

Қорадарё бўйлаб кетган янги бетон йўлда арматура ортган баҳайбат юк машиналари, бетон қоришмаси уюлган самосваллар қадди-басти анчагина кўриниб қолган тўғоннинг икки тоғ орасини эгаллаган пойдевори томонга тишимсиз ўтиб турибди. Ёмғир анча тинган. Дарё сувининг сатҳи кўтарилиб, лойқа тўлқин ҳайқириб, соҳил тош-қумларини ямлайди. Тепаликлардаги барглари чала тўкилган нимяланғоч тол, теракларнинг шохлари мунғайиб кўринади.

Машина «Андижонгидрострой»нинг кўримсизгина икки қаватли биноси тагига келиб тўхташи билан шу ерда турган оқ «Волга»нинг шофёри Турғунали бино ичига чопганча кириб кетди. Исматов билан Узоқов машинадан тушаётганларида бино ичидан Мусаев ва Жуков чиқиб келдилар.

— Қурилиш объектларини бир кўздан кечирсак! — деди Исматов кутиб олувчилар билан бирма-бир кўриша туриб.

— Айни муддао!— Мусаев обком секретарининг таклифини қувватлади. — Бетон заводидан бошлаймиз. Қани, машиналарга марҳамат!

Улар машинага чиқдилар.

— Бошқарма раҳбарлари, СМУ, ПМК бошлиқлари сиз тайинлаган вақтда йиғилишади, — деди шофёрнинг ёнида ўтирган Мусаев орқасига ўгирилиб, Исматовга.— Биз кеча Сергей Николаевич билан қурилишни бошдан-оёқ кўриб чиқдик, ишимизда камчиликлар кўп, албатта.

Бу пайт Ҳожимат машинани сал ўнгга буриб тўхтатди-да, бетон заводининг кенг очиқ дарвозасидан биринкетин чиқиб келаётган самосвалларга йўл берди. Бетон ортилган «МАЗ», «ЗИЛ», самосвалларининг кети узилмас, раҳбарларнинг бу ерда анча вақт кутиб қолишлари

турган гап эди. Буни фаҳмлаган Исматов ҳамроҳларига:  
— Тушдик! — деди-да, машинанинг орқа эшигини  
очиб, аввал ўзи кейин ҳамроҳларни йўлга чиқдилар.

Исматов самосвалларни бир-бир санади. Дарвозадан  
ўнта машина чиқиб бўлгач, бир дақиқалик узилишдан  
кейин колоннанинг охириги машинаси — кабинаси тепа-  
сида алвон байроқча ҳилпираган «ЗИЛ» кўринди. Каби-  
нада ўтирган шофёр — Одилжон бошлиқларни кўрибоқ  
эшикнинг очиқ ойнасида бошини чиқариб, салом  
берди:

— Ассалому алайкум, отахонлар, хуш келибсиз!

Самосвал буларнинг олдида аста юриб ўтгач,  
Одилжон колоннага етиб олиш учун тезликни оширди.

— Одилжон — илғор шофёримиз, қизил байроқли  
колонна бошлиғи, — Мусаев йўлдошларини завод ҳовли-  
сига бошлар экан, фахрланиб ҳикоя қилди. — Эсингизда  
бўлса керак, Олим Исматович, бундан кейин йил аввал  
Обиджон ва Одилжон Комиловларнинг қўшалоқ комсо-  
мол тўйи ҳақида сўзлаб берган эдим. Шу заводнинг цех  
бошлиғи Обиджон комсомол комитетимизнинг секретари  
Дилбарга ва унинг укаси Одилжон цех мастери Лариса-  
га уйланган эдилар...

— Ҳа, ҳа, эсимда! — Исматов Мусаевни қўлтиқлаб  
олиб, қизиқиб сўради: — Кейин нима бўлди? Бахтли  
бўлдиларми?

— Бахтли бўлганда қандоғ! — Мусаев фахрланиб: —  
Ҳақиқий коммунистик оила! — деди. Биз Обиджонни  
яқинда шу заводга директор қилиб кўтардик. Дилбарни  
биласиз. Улар ўтган йил ўғил кўришди. Тўйдан бир  
ҳафта ўтгач, армияга кетган Одилжон икки йиллик хиз-  
матини аъло даражада ўтаб келди. Буларнинг онаси  
Муборак опа, совхозда сут соғувчи.

— Тўхтанг, тўхтанг! — Исматов яқинда қайсидир га-  
зетада ўқиган бир мақолани эслади-да, Узоқовга қара-  
ди. — Муборак опа... Бу, ҳалиги.. беш минг килограммчи  
сут соғувчилар ҳаракатининг сардори Комилова эмасми?

— Уша опа! — Тасдиқлади Узоқов. — Совхозда ҳар  
бир сигирдан соғиб олинадиган сут бир ярм минг кило-  
граммдан ошмасди. Биз ўтган йил Болтиқ бўйи респуб-  
ликаларидан зотли сигирлар сотиб олдик, янги ферма-  
лар қурдик, тажрибали сут соғувчиларни ишга торт-  
дик. Муборак опанинг уларга мурожаатини матбуотда  
эълон қилдик.



— Ҳа, бошқалар ибрат олса арзийдиган оила экан,— Исматов завод ҳовлисининг чап томонини буткул эгаллаган тош майдалайдиган тегирмон-цеҳнинг баҳайбаг бостирмаси тагидан чиқиб келган, коржомаси билан каскасини цемент чанги қоплаган барваста йигитни — заводнинг янги директори Обиджон Комиловни таниб, у билан қўл бериб саломлашди-да:

— Қани, Комилов, бизга заводингизни кўрсатинг! — деди.

Обиджон бошқа раҳбарлар билан ҳам кўришиб чиққач, уларга аввал тегирмон-цеҳни, кейин бетон қориниш цеҳларини, тинимсиз вағирлаб ишлаб турган конвейерларни, бетон қоринишмасини самосвалларга ортиб бераётган автомат-тарновларни, ниҳоят завод омборларини кўрсатди.

— Ечилмаган қандай масалалар бор? — Исматов Обиджондан сўради ҳаммалари цемент омборидан ҳовлига чиқиб, кенг саҳн ўртасида тўпланишгач.

— Асосий масала битта,— Обиджон ўйчан бир қиёфада салмоқлаб жавоб берди. — У ҳам бўлса, ишнинг суръатини тезлаштириш ва сифатини ошириш. Биз ҳозир ҳар ўн минутда бир тонна бетон қориниш! Вазифа бу вақтни камидан уч марта қисқартириш. Ҳозир тўғон қурилишида лаборатория илмий ходимлари ҳар ўн самосвал бетондан ўрта ҳисобда икки машинанинги брак қилиптилар. Вазифа — бракни буткул тугатиш.

— Брак қилинган бетон қаёққа кетяпти? — Исматов қизиқиб сўради.

— Янги шаҳар қурилишига беряпмиз. — Обиджон мамнун жавоб қилди. — Хуллас, завод зарар кўрмаётган бўлса ҳам, тўғон қурилишининг суръати талабга жавоб бермаяпти.

— Хўш, Комилов, — Исматов яна Обиджонга мурожаат қилди, — ишнинг суръатини тезлатиш ва сифатини яхшилаш учун нима қилиш керак?

— Дарё ёнимизда, тош деҳқончилик, тегирмонимизнинг ҳам қуввати етарли, — деди Обиджон ўйчан кўзларини обком секретарига тикиб. — Заводимиздаги иккита бетон қориниш конвейери қаторига яна иккита конвейер қуриш зарур. Биринчи долзарб вазифа шу. Сўнгра Қувасой цемент заводига дарҳол вакилимизни юбориш даркор: кейинги бир ойда олган цементимизнинг сифати аввалгиларидан пастроқ.

Обиджоннинг тадбиркорлигидан мамнун бўлган Ис-  
матов:

— Тўғри айтасиз! — деб унинг таклифини қувват-  
лади.

Обиджон раҳбарларни дарвозагача қузатиб келди.

— Ишни бўшаштирманг, ука! — Унга тайинлади Ис-  
матов. — Бугун қурилиш аввало, сизнинг сифатли маҳ-  
сулотингизга боғлиқ. Хайр, ука, омон бўлинг!

Раҳбарнинг машинаси бетон заводи ёнидан ўтиб, яр-  
ми тикланган тўғоннинг ўнг томонидаги тепаликка кўта-  
рилди ва энг баланд нуқтада — бульдозер, скреперлар  
билан ўртача ҳовличалик саҳнда тўхтади.

Исматов ва унинг ҳамроҳлари машиналардан чиқиб,  
шу саҳн ўртасида тўпландилар. Ана, пастда эски тў-  
ғон — бу тепаликдан гугурт қутнчасидай кичик кўрин-  
ган иншоот — бетон дарвозаларидан Андижонсой, Шаҳ-  
рихонсой, Савасой ва Қирғизариққа сув тақсимлаб бе-  
риб турган ўша қадрдон эски тўғон!..

Лекин, бу эски тўғон эндигина пойдевори тикланиб,  
кенг дарани — Қорадарёнинг бўлажак ўзанини тўса  
бошлаган ва яқин келажакда Андижон денгизининг  
дарвозаси, Андижон ГЭСининг сарчашмаси, улкан ка-  
налларига об-ҳаёт тақсимлаб берадиган сув омборининг  
буюк девори бўладиган янги иншоот олдида жуда кичик  
кўринади.

Исматов улуғвор қурилиш манзарасини, дарада иш-  
лаётган минг-минг одамларни, юзлаб қудратли машина-  
ларни, тинимсиз меҳнат жараёнини мароқ билан томо-  
ша қилди.... Ҳа, озмунча иш қилинмабди. Қурувчилар-  
нинг садағаси кетсанг арзийди. Улар халқ учун, тиним-  
сиз ишлайдилар, ишлаганда ҳам жонларини фидо қилиб  
ишлайдилар.

Обком секретари Мусаевга яқин келиб, уни қўлтиқ-  
лаб олди-да:

— Ҳар қалай, иш юришиб кетибди, — деди мамнун  
бир оҳангда. — Яна бир зўр берсак, об-ҳаёт денгизи  
мавжланиб қолади...

### *Иигирма олтинчи боб*

Афзалов ҳеч қачон бунчалик хуноб бўлган эмас. У  
аввал куни, яъни 13 декабрда эрталаб кўнгли ғаш бир

аҳволда Тошкент аэропортидан «АН-24» самолётида Қаршига учди. Унинг кўнгил ғашлигига учта сабаб бор. Биринчидан, ўз ихтиёри билан армияга кетиб қолган ўғли Анваржон икки йиллик хизматни адо этган бўлса ҳам, уйига қайтмаслигини, балки ўша кунларда бошланётган Байкал-Амур темир йўли қурилишига ишга кетаётганини хабар қилибди. Иккинчидан «Олмос» магазинида тафтиш ўтказилиб, хотини мудирлик қилаётган секциядан қирқ минг сўм камомат топилибди. Хонзода қимматбаҳо тақинчоқларидан бир қисмини таниш хонимларга дарҳол пуллаб, камоматни тўлдирган бўлса ҳам, магазин мудираси бўлган қудачаси Нозимованинг ёрдами билан ишдан «ўз ихтиёри билан» кетишга мажбур бўлди. У ҳозирча уйда ўтирибди-ю, бироқ юраги така-пука; ишқилиб, комиссия ишни терговга оширсин. Афзаловнинг кўнглини айниқса ғаш қилиб турган учинчи ташвиш — бу унинг ўз ташвиши, Хонободдаги ўзи раислик қилган Фрунзе номли колхоз аъзоларидан тушган ариза асосида бундан деярли уч йил аввал ўтказилган текширишга доир масала. Бу масала қайта-қайта кўриб чиқилган бўлса ҳам, тергов органлари уни яна сўроққа чақирдилар.

Самолётда ҳам, Қаршида ҳам ва ниҳоят кечқурун Тошкентга қайтиб келганида ҳам унинг кўнглидаги ғашлик тарқамасди...

У уйига кириб келганда хотинининг зарур иш билан кетгани ҳақида қолдирган хатини кўрди. Лекин, Хонзода қачон кетгани, қаерга кетгани ва қачон келишини ёзмабди.

Бундан алами янада ортган Афзалов коньяк симириб, пиёлани деворга отди. Пиёла чил-чил синди, деворнинг шuvoғи кўчиб, шафтоли қоқичалик чуқурча пайдо бўлди.

У уйғонганда тонг отганини деразадан тушиб, хонани ёритган сурмаранг шуъладан фаҳмлади. Айниқ териси тўшалган диванда омонатгина мизғиб олган бўлса ҳам, уй иссиқ бўлганлиги учун бадани яйрабди. Уридан туриб, дераза олдида борди: дарахтлар, йўллар, томлар — ҳаммаёқ оппоқ қор. Кечаси бошланган қор ҳамон гупиллаб ёғаяпти — осмон мислсиз элагиде ун элаяпти. «Деҳқон учун байрам бу қор, — кўнглидан ўтказди Афзалов. — Ер тўяди, ҳашарот қирилиб битади. — Қиш манзарасидан, тонг ёғдусидан унинг кўнг-

ли сал-пал ёришди-да, қишлоғини эслаб: — Қандай яхши кунлар эди Хонободдаги кунлар!» — деб юборди чуқур хўрсиниб.

Афзалов хотинининг кеча кечроқ бўлса ҳам келганига, лекин диванга чўзилганча ухлаб қолган эрининг оромини бузмай, ётоқхонага кириб ётганига гумон қилмас, шу сабабдан ҳам бемалол керишиб, кўкрагини тўлдирганча нафас олди-да, ётоқхона эшигини очиб, оёқ учида кириб борди. Лекин, не кўз билан кўрсинки, Хонзода йўқ; устига заррин гулдор чойшаб ёпилган қўшкарватлик ўрин бузилмаганча ярқираб турибди.

Афзаловнинг юраги орқасига тортиб кетди, турли серташвиш саволлар миясини пармалади: «Хонзода қаерда тунаб қолди экан? Уни қудачамиз уйида олиб қолдимикин? Ёки биронта дугонасиникида узоқроқ ўтириб қолган бўлса, бевақт кетишига рухсат беришмадимикан? Ё бўлмаса... камомат масаласи...»

Кейинги фикрдан Афзаловнинг вужуди музлади. Наҳотки, Хонзоданинг иши терговга топширилган, у қамоққа олинган бўлса?!

У ётоқхонадан шитоб чиқиб, яна меҳмонхонага кирди ва Нозимовнинг квартирасига қўнғироқ қилиб, Хонзоданинг қаердалигини суриштириш учун бурчақдаги нақшин курси устида турган оқ телефон аппаратининг трубкасини олган жойида яна бу фикрдан қайтди: балки, Хонзода қудасиникига бормагандир?— Балки, унинг бу қўнғироғи Нозимовга ёқмас? Балки, унинг хотинидан «мен Хонзода учун жавобгар эмасман!» деган совуқ жавобни олар?

Афзалов соатига қаради: саккиз ярим. У трубкани жойига қўйди-да, йўлакка чиқиб, чигал хаёллар ичида шошмасдангина иссиқ этиги, пўстини ва қалпоғини кийиб олгач, кўча эшигини очиб чиқди ва уңи яна қулфлагач, ҳар қалай ишига вақтида етиб боришга ва Хонзоданинг ўзи ҳақида хабар беришини кутишга қарор қилди.

Унинг бахтига, гупиллаб ёгаётган қор қуюни ичида бўш таксининг кўк чироғи кўринди. У йўлқадан дархол йўл ўртасига тушиб, қўл кўтарди. Такси тўхтаб, шофёр йўловчига олдинги эшикни очиб берди.

Афзалов «Средазирсовхозстрой» биноси олдида таксидан тушаётганида у ишлайдиган бўлим бошлигининг қора «Волга»си келиб тўхтади.

— Ваъдалашгандай бир вақтда етиб келганимизни қаранг-а!— деди бошлиқ паст бўйликкина елкадор Эркаев машинадан тушибоқ Афзаловнинг ёнига пилдираганча тез юриб келар экан. — Қани, юришг, сизга шошилинч топшириқ бор!

— Топшириқ бўлса бажарамиз, Нарзулла Эркаевич!— деди Афзалов бошлиғининг кетидан бинога кира туриб.

— Ечининг-у, кабинетимга киришг! — Эркаев улкан бинонинг биринчи қаватида ўнг томондаги узун йўллакка бурила тураб, Афзаловга маъноли жилмайди: — Командировкага бориб келасиз.

Афзаловнинг Қаршига командировкаси билан боғлиқ ҳамма нарса: ҳужжат, пул, самолёт билети ўн минутга қолмай тахт бўлди. Вазифа ҳам аниқ: ПМКлардан бири йилнинг қолган икки ҳафтаси ичида катта ҳажмдаги ишни бажариб улгуриши шарт. Афзалов янги совхоз қўраётган ўша ПМК ишлаётган ерга шу бугуноқ самолётда етиб бориши ва планининг албатта, бажарилишини таъминлаши керак.

Афзалов Қаршига учиб кетди. Уни аэропортда кутиб олдилар. У бошлиғи тайинлаган ерга етиб бориб, ПМК раҳбарлари билан учрашди, қурилишни айланиб кўрди, улардан пландаги иш ҳажминини бажариш, ҳужжатларни ой охиригача расмийлаштириш ҳақида сўз олиб, кечки овқатдан кейин ўша ердаги бараклардан бирида тунади-да, эрталаб яна Тошкентга парвоз қилди.

У уйига кириб келганда ишига отланиб турган Хонзодани учратди.

— Тинчликми? — бароқ қошлари чимирилган Афзалов тошойна қаршисида сувсар телпагини бошига қўндираётган Хонзодага шубҳаланиб тикилди. — Уйдаи илон чиққани йўқми, ишқилиб?

— Ҳа, аввал кунгини айтяпсиз, чамамда... — Хонзода гавҳар исиргалар йилтиллаган оппоқ қулоқларининг тагига француз атрини сура туриб, бир енгини ечиб улгурган пўстинини яна қайта кия бошлаган эрига нозли боқди. — Мен-ку, хат ёзиб қолдирдим-а... Сиз кеча хат ҳам қолдирмабсиз!

— Биласиз-ку, мен Тошкентда бўлмасам Қаршида бўлишимни. Ишим шунақа... — Афзалов хотинига ҳамон сичков тикилганча, синиқ товуш билан сўради: — Ҳар қалай, ишингиз тинчиб кетдимми?

— Унчалик тинчигани йўқ... — Хонзоданинг йирик шахло кўзларидаги жилва сўнди. — Бир одам ёрдам бермоқчи. Анча катта вазифадаги одам. Яқинда уйимизга келади. Мен икковингизни таништириб қўяман. Балки, унинг сизга ҳам фойдаси тегар...

— Ахир, у ким? У билан қаерда танишдингиз? Сизларни ким таништирди? — Афзалов сувсар ёқалик юмшоқкениз кулранг кундуз ёқали пальтодаги хотинининг тўла кифтларидан маҳкам ушлаганча илтижо қилди:— Нега орамизда сир пайдо бўлди? Нега очиқ гапирмайсиз?

Хонзода эрининг саволига тўғри жавоб бериш ўрнига, дили сабабсиз ранжиган одам қиёфасига кириб, тундлик билан:

— Сиз менга ишонмайсиз... — деди. — Майли, ишонманг. Аммо сўзларимга қулоқ солинг: терговчи сизни яна чақирибди. Маслахатим шуки, унинг олдига борманг, кўнглим ёмон бир нарсани сезиб турибди. Сиз ҳозир уйдан чиқинг-да, аэропортга боринг. Нима қилсангиз ҳам, шу бугуноқ Қўрғонтепага етиб олинг. Узоқовдан ёрдам сўранг. Сизнинг нажоткорингиз фақат ўша бўлиши мумкин.

— Бунинг иложи йўқ... — Афзаловнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашиб қолди.

— Нега энди? — елкасини эрининг қўлидан олиб қочиб, кулранг чарм сумкасини билагига ташлаган Хонзода унга таажжубланиб боқди. — Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор!

— Иложи йўқлигининг сабаби шуки, мен Қўрғонтепа райони ҳисобида эмасман. — Шошиб турган хотинини кўчага кузатиб чиққан Афзалов унга тушунтирди.— Мен энди Тошкент ҳисобидаман.

— Керак бўлса, яна Қўрғонтепанинг ҳисобига ўтинг!— зарда билан деди Хонзода қор босган йўл ўртасида кўринган новвотранг «Волга»га ишора қилиб.— Менга машина келди, зарур иш билан кетяпман. Камомат масаласи терговга оширилмай, бугун ёпилса, мен ишимга тиклансам керак. Хуллас, мenden ташвишланманг, жоним! Анваржондан ҳам ташвишланманг! БАМ да маош катта, камёб моллар кўп. Қиш ўтсин, кунлар исини билан унинг олдига бориб келамиз. Дилфузани ҳам ўзимиз билан бирга олиб бориб, икковини яраштириб

қўямиз. Уғлингиз қаттиқчилик кўрса, хотинининг қадрига етади.

Хонзода яқинига келиб тўхтаган машинанинг орқа эшигини очаётиб, эрига дил ўйнатувчи нозик жылваларидан бирини тухфа қилди-да, шаҳарли таннозлар товушига хос нозик оҳангда:

— Чао, жоним!— деб машина ичига интилди.

Машина қалин қорни ғижирлатиб ўрнидан қўзғалди ва уч-тўрт метр илгарилаб боргач, юришини тезлатди.

Хотинини бу аҳволда кўрган Афзалов йўл бўйида уч-тўрт дақиқа қотиб тургач, беихтиёр ич-ичидан: «Ёпирай, ёпирай!»— деди-да, йўл тараддудини кўриш учун уйига қайтиб кирди.

У доим йўлга чиққанида олиб юрадиган каттагина кенг портфелига янги кўйлак, галстук, ички кийимларни, совун-сочиқларини тикди, ҳужжатларини бирма-бир кўздан кечирди, бор пулини чўнтакка тикди.

У портфелини кўтариб, уйдан чиқди, эшикни қулфлади ва кечадан бери қори куралмаган йўлкада вазмин қадам ташлаб борар экан, биронта йўловчи машинани учратиш умидида йўлдан кўзини узмас, «Хонзода қаёққа кетди? Унинг янги ошиси ким? Нега у ҳар бир нарсани мендан сир тутадиган бўлиб қолди?» — деган саволлар таранг асабларини пармалар эди.

У Бешқайрағоч гузаридан ўтиб, катта йўлда бир километрча юргач, чорраҳада светафорнинг кўк чироғи ёқилишини кутиб турган «Латвия» микроавтобусини кўриб қолди ва ҳаллослаганча чопиб бориб, унинг эшигини очди-да, шофёрга илтижо қилди:

— Ука, аэропортга ташлаб қўйинг, айтганингизни бераман!

Малларанг тулки теридан қўполгина тикилган қалпоғини гўштдор катта бошига бостириб кийган ҳайдовчи машина ичига ишора қилди:

— Чиқинг! Фақат манави иккала опамизни Оқтепадаги туғуруқхонага ташлаб ўтамиз.

— Майли, майли... — Афзалов машинага чиқиб, шофёрнинг шундоққина орқасидаги кенг ўриндиққа ўрнашиб ўтриб олди.

Машина шамол аралаш гупиллаб ёғаётган қор денгизининг юмшоққина оппоқ тўлқинларида сузиб боради. Шофёр йўлга синчков тикилганча миқ этмайди. Аф-

заловнинг орқасида ўтирган икки аёлнинг бири бошини иккинчисининг елкасига қўйганча кучсизгина инграйди. Лекин, Афзалов буларга парво қилмайди. У хотинининг маслаҳатига юриб, бугунги режаларини буткул ўзгартирганини, унинг бундай хатти-ҳаракати қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйлайди.

Унинг назарида ўзи ишлаб турган идорага муомала қилиш унча қийин эмас: бошлиғи Эркаев гапга тушунадиган одам. Мабодо, Афзалов Узоқов билан тил топишиб, Қўрғонтепада қолиб кетган тақдирда ҳам Қарши командировкасининг ҳисоботи билан ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини Эркаевга почта орқали юборса, унинг буйруқни расмийлаштириб қўйиши шубҳасиз. Аммо, терговдаги иши мушкул. Фрунзе номли илгариги колхоз аъзолари — Фрунзе номли ҳозирги совхоз ишчиларидан бир гуруҳи ёзган коллектив аризаномада Афзаловга учта айб қўйилади: биринчидан, у тайёрлов ташкилотларидаги баъзи шахслар билан тил бириктириб, маҳсулотни ошириб ёзиб келган ва шу билан давлатни алдаган; иккинчидан, у Қорадарё тепасида — Қуршоб ва Оқтош яйловларида боқилган қўйлардан икки юздан кўпроғини тошқинда оқиб кетди, деб акт қилдирган, аслида эса, бош чўпон билан биргаликда ўз жиғилдонига урган, ниҳоят, учинчидан, колхозга олинган қурилиш материаллари ҳисобига ва колхозчиларни бепул ишлатиш бадалига ўзига ўн икки хоналик данғиллама уй қуриб олган.

Булар ҳаммаси уч йил наридаги эски гаплар. Афзалов терговга биринчи чақирилганда ҳам, иккинчи чақирилганда ҳам аризада келтирилган фактлар анча ошириб, кўпчилик ёзилганини, бу масала район партия комитетида кўрилганини, у ишдан бўшатилиб, қаттиқ партия жазоси олганини ва бу жазодан қутулиш учун янги ташкилотда ҳалол меҳнат қилаётганини қайта-қайта айтди. Бинобарин, «Средазирсовхозстрой» партия ташкилоти унинг партия жазосини олиб ташлаш, ҳақидаги аризасини яқинда кўриши керак. Терговчи ҳар гал унинг сўзларини диққат билан тинглар, мақсадини тушунмоқчи бўлиб, унга узоқ тикилар, ўй сураб, кейин бирдан чеҳраси ёришиб, қаддини ростлар ва:

— Қувсиз, Афзалов, қувсиз! — деб огоҳлантириб қўярди. — Устингиздан коллектив ариза тушиб турган бир вақтда партия жазосини олиб ташлаш ҳақида сўз



бўлиши мумкинми? Йўқ! Аввал мана бу аризани бир ёқлик қилайлик! Ахир, сўз бир сўм, ё ўн сўм эмас, ўн минг, юз минг сўмлар устида кетяпти. Давлатга топширилмаган турли маҳсулотга юз минг сўмдан ортиқ пул олинган, «тошқинда сувга оқиб кетган» қўйларнинг нархи етмиш минг сўм; комиссия сиз ёнингиздан бир сўм ҳам сарфламай қуриб олган уйингизга эллик минг сўм нарх қўйган. Колхоз Уставини, халқ демократиясини бузишга донр фактлар бор. Сўнгги аризани олганимизга уч ой ҳам бўлгани йўқ. Демак, одамлар сиздан ҳамон хафа. Сиз хўжаликка етказган моддий зарарнинг ўрни тўлгани йўқ. Демак, биз бу ишни охирига етказишимиз, ҳақиқатни аниқлашимиз керак. Модомки, сиз аризада келтирилган далилларни инкор этар экансиз, биз аризага қўл қўйган кишиларни бу ерга чақириб, ёки сизни улар ҳузурига юбориб, масалани охирига етказишга мажбурмиз. Мен сизга ўтган галги суҳбатимизда берган маслаҳатимни такрорлайман; турли йўллар билан колхоздан олган маблағларингизни дарҳол қайтариб беринг! Бу ишни ўз ихтиёрингиз билан қилганингиз маъқул. Акс ҳолда биз ишни бошқача йўсинда олиб боришга мажбур бўламиз. — Афзаловнинг елка қисиб, жиноятларини сурбетларча инкор этаётганини кўриб турган терговчи: «Ўйлаб кўринг, ўртоқ Афзалов, — деди. — Ўйлаганда ҳам чуқурроқ ўйлаб кўринг! Майли, сизга жавоб. Аммо, узоққа кетмай туринг — яқин кунларда чақирамиз».

Мана, уни бугун яна чақирибдилар. Эҳтимол, қишлоқдан одамлар чақирилган. Эҳтимол, терговчи уни ўзи билан бирга қишлоққа олиб бормоқчидир. Лекин, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам иш чатоқ. Хонзода унга тўғри йўл кўрсатди: унинг халоскори фақат Узоқов бўлиши мумкин.

Машина Оқтепадаги туғуруқхона биноси олдида тўхтагач, Афзалов эшикни очиб турди, икки аёл бир-бирини суяб тушдилар-да, тобора кучаяётган қорбўрон ичиде кўздан ғойиб бўлдилар. Машина яна қорни гижирлатиб юриб кетди.

«Андижон, Уш, Жалолобод... — Шу уч шаҳарни кўнглидан ўтказди Афзалов.— Самолёт қайси бирига аввал учса, ўшанга чиқаман. Ишқилиб, бу ҳавода аэропорт ёпилиб қолмасин!»

У машинани тепаликдаги йўлда, айланма бетон бос-

тирма тагида тўхтатган шофёрга ўн сўмлик битта қизил қоғоз узатиб, қалин портфелини кўтарганча пастга тушди-да, аэровокзалнинг яримочиқ ойнаванд эшигидан ичкарига интилди. Шифти баланд узун ва кенг зал одамга тўла; кассаларнинг олди тирбанд; ерга тартибсиз қўйилган чамадонлардан ҳеч қаерга ўтиб бўлмайти.

Хушовоз диктор қиз радио орқали тинимсиз эълонлар ўқияпти. Афзалов «Союзпечать» дўкони яқинидаги, одамлардан холироқ жойга бориб, портфелини оёқлари орасига қўйди-да, дикторнинг овозига қулоқ солди.

Эълонлар фақат рейсларнинг кечиктирилишига тааллуқли бўлиб, Афзалов булар ичида ўзи танлаган йўналишларнинг ҳам рақамларини эшитгач, «демак, аэропорт ёпилибди», деган хулосага келди-да, ҳафсаласи пир бўлиб, портфелини ердан олди. Залнинг ўрта бир ерига осилган улкан соатга қараб, ичида «ёпирай, ўн иккидан ошибди», деди-да, бугун нонушта ҳам қилмагани эсига тушиб, ҳозироқ ресторанга кириб жой эгаллашга, қанча ўйи бўлса — ўша ерда, овқат устида ўйлаб олишга қарор берди.

У одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб олди ва кенг мрамор зинадан иккинчи қаватга кўтарилиб, бу ердаги одамлардан холироқ залнинг тўридаги гулдор ойна девор билан тўсилган ресторан томонга илдам юриб борди. Рестораннинг очилишига яна бир неча дақиқа вақт бўлса ҳам басавлат хўрандани ичкаридан кўрган навбатчи чол — швейцар эшикни очиб:

— Хуш келибсиз, меҳмон! — деб кутиб олди.

— Бапуржа овқатланмоқчиман. Холироқ жой керак. — Афзалов швейцарнинг қўлига беш сўмлик қоғоз тутқазди. — Хушмуомала официантка топилар-а?

Швейцар меҳмонни ичкарига киритиб, ойнаванд эшикни орқасидан тамғалади ва дераза олдида суҳбатлашиб турган уч аёлнинг новчароғи, силлиқ таралган калта сочи оч-сариг тусли, хушрўйгинасига мурожаат қилди:

— Наденька, сенга меҳмон келдилар.

Наденька Афзаловга бошдан-оёқ разм солди ва оппоқ юзи табассумга, тиниқ кўм-кўк кўзлари жилвага тўлиб, дугоналари ёнидан унинг олдига тез юриб келди.

— Дераза ёнидаги кичик стол жуда қулай, — деди

у меҳмонни ўша ерга бошлар экан ва сирли бир оҳанг-да сўради: — Бир ўзингизми?

— Ҳозирча... — Афзалов ҳам сирли жавоб берди. — Дил таъҳоликни тусаб қолди.

— Дилнинг хоҳиши муқаддас. — Афзалов ўтиргач, официантка унга меню узатди. — Нима ичасиз?

— Ичмайман. — Афзалов менюни бир четга суриб, жувоннинг оппоққина лўппи юзига тикилди. — Жуда очман. Ўз дидингиз билан қорнимни бир тўйгазинг!

Наденька меҳмонга сеҳрли жилва тухфа этиб, рестораннынг нариги томонидаги ошхона тарафга товус юриш қилиб кетди.

Ресторан эшиги очилиб, хўрандалар битта-иккита, тўп-тўп бўлиб кира бошладилар. Орадан ўн дақиқа ҳам ўтмасдан ҳамма жойлар эгалланди. Бир-икки киши Афзаловнинг қаршисига келиб: «Бўшми?» — деб сўраганда у «банд», деб жавоб қилди.

Бир вақт патнисини ноз-неъматларга тўлдириб, Наденька етиб келди. У ноз-неъматларни меҳмонга кўрсатиб, «маъқул» ишорасини олгандан кейин шошмасдан уларни столга териб чиқди-да:

— Яхши дам олинг, — деб нариги столлар томонга кетди.

Афзалов кўк чойни мириқиб симирди. Ҳа, бу чиндан ҳам антиқа ичимлик — тани роҳат деб бежизга айтишмайди. У чой ичар экан қаршисига паканагина, озгингина калта мош-гуруч соқол қоплаган чўтир юзи буришиқ, ночоргина кийинган бир одам келиб, тикилиб турганини сизди-да, бенхтиёр бошини кўтарди.

— Ассалому алайкум, хўжам! — бедаво қария қўлчаларини кўкрагига қовуштириб, таъзим қилди — Танимадингиз-а?!

— Асад қори?.. Ия-ҳа, буюқларда нима қилиб юрибсиз? — Афзалов унга истар-истамас жой кўрсатди. — Қани, ўтиринг. Оббо, қори ака-ей!.. Келиб-келиб, Тошкентда, ресторанда учрашганимизни қаранг-а!

Асад қори Афзаловнинг рўпарасига ўтириб, қўлидаги тиқин халтани оёқлари орасига жойлади-да:

— Ўтирган бўйра, юрган дарё, — деди чап қўли билан иягини силаб. — Туз-насибамиз олис-олисларга сочилган экан, бориб териб келяпмиз. Ҳа, дарвоқе, Девон чолнинг қорабайирини эслайсизми? Ўзи ҳам тулпор эди-да! Аъзам сариф билан Салим девона ўша тулпорни

Ўмарамиз, деб мени йўлдан уришди. Аслида, ниятимиз холис; қорабайирни, хўжам, сизга совға қилмоқчи эдук! Эсингиздами: «Қорабайирга «Волга»ми бераман», деган ваъдангиз? Ҳа, эсингизда бўлиши керак... Хуллас, шайтон йўлдан уриб, Девонов чолнинг чорбоғига тушдик... Ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандай осон битди. Отни кўрамга келтириб, сизга тақдим қилиш учун эгарлаб кўювдим, хўжам!.. Нима бўлди-ю, милиса бошлиғи Худойқул деган қув хумпар изимга тушди. Хуллас, иш ўнгидан кемади. От ҳам кетди, унча-мунча тўплаган «ўлимлигим» ҳам давлат газнасига мусодара қилинди. Уч йилга кесдилар. Мана, вазифани адо этиб келяпмиз, хўжам!..

— Ҳа, эшитиб эдим,— Афзаловнинг кўзлари муғамбирона кулимсиради. — «Унча-мунча, ўлимлигингиз» аслида дурустгина экан! Оббо, сиз тақсир-ей!.. Хўш, муддатни ўтаб келибсиз, энди йўл бўлсин?

— Қиндик қонимиз тўкилган ерга-да, хўжам!.. Аэропланлар учмаяпти. Боя сизни пастда кўриб қолдим. Кўзимга оловдай кўриндингиз!..— Асад қори ноз-неъматларга суқли тикилди.— Мана, соғ-саломат кўришдик...

— Қани, олинг,— Афзалов унга таажжубланиб тикилди. — Энди «куф-суф»ни йиғиштирибсиз-да?

— Э, хўжам, нималар тушмади бу сўқир бошга!..— Асад қори бир тишлам яхна гўштни оғзига солиб, чайнаarkan, Афзаловга хавасланиб тикилди:— ўша-ўша хўжамсиз, тасаддуқ!.. Қалай, қишлоқ ободми, колхознинг планлари бажоми? Ўғил қандайлар, Анваржон? Хўжазодани аллақачон уйлагандирсиз, набира ҳам кўргандирсиз?

— Бизнинг Тошкентга кўчиб кетганимизга, мана, уч йил бўлди.— Афзалов Асад қорини овқатга ундади:— Олинг, қори ака, олисдан келаётган бўлсангиз, очқагандирсиз! Ҳозир несиз овқат ҳам бўлади.

— Оббо, сиз-ей!..— Асад қори нонга ёғ сурта туриб, Афзаловга тантиғланиб гапирди. — Пастдан юқори кетдим, денг! Ҳа, мен аввалдан билиб юрардим, мартабангиз баланд бўлишини! Биз ғариб-ғураболарнинг бахтига яна юз йил даврон суринг!..

Басавлат меҳмонининг саҳоватидан умидвор бўлган официантка унинг учун алоҳида патнисда бир чинни мастава билан ликобда қайноқ пармуда олиб келганида

унинг исқирт чол билан чахчахлашиб ўтирганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Лекин, сирни бой бермай, Афзаловга савол назари билан қараб, биллиар-биллимас қизил суртилган юпқа лабини тишлади.

— Бу кишига ҳам мастава олиб келинг, — деди Афзалов Наденькага. — Ота ҳаждан келяптилар. Кўп табаррук зот бу қария!..

Наденька бу таърифдан ҳеч нарса тушунмай, патнисини кўтарганча ошхона томонга кетди.

— Мен ҳам районимизга кетяпман, — деди Афзалов иссиқнинг таъсиридан митти кўзлари йилтиллаб бошлаган Асад қорига. — Аэропорт ёпилибди. Поездга чиқамиз. Мен сизни ўзим билан бирга олиб кетаман. Нима дейсиз, қори ака?

— Нима дердим? Раҳмат дейман. — Асад қори Афзаловга тикилиб, ишшайди. — Кемага тушганининг жони бир, хўжам!

«Демак, мен шу садақажўр, тубан махлуқ билан бир кемада бўлиб қолдим. Йўлдошим, улфатим, ҳамсухбатим — шу от ўғриси, товламачи бўлиб қолдимми?.. Епирай, ёпирай!..»

Асад қори косадаги серқийма ҳушбўй маставани учтўрт марта ҳўриллатиб смирди-да, косани кир бармоғи билан ялаётиб: «Ўзингга шукур!» — деб бемалол кекирди.

Афзалов оғзига пармуда тўлдириб чайнаётган қоридан сўради:

— Қишлоққа боргач, нима иш қилмоқчисиз?

— Аввало, бирорта покдомон бева аёлга уйланаман. Бироқ, ичкуёв бўлиб кирмоғим шарт. Сабабки, ҳовлижойим мусодара бўлиб кетган. Хуллас, ул покдомон аёл уйлик-жойлик бўлмоғи даркор. — Асад қори ёғлиқ қўллари оппоқ сочиққа арта туриб, бамайлихотир жавоб берди. — Одам қариганда иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туратурғон ёстиқдош зарур. Энди иш борасинда фикримни сўрасангиз, биздек табаррук зотларга улуснинг эҳтиёжи тушмай иложи йўқ. «Йингит мол иерда», деган ҳикмат бор-ку, хўжам? Ё, ўзлари бирон хизмат тайинлайдиларми?

— Йўқ, тақсир, режангиз жойида: сизга меҳрибон ёстиқдош керак. — Афзалов официантка келтирган кабоблардан икки сихини ўз олдига суриб, сиркаланган оқ пиёзни чайнар экан: — Олинг, кабоб совумасин! —

деди Асад қорига.— Қолган гапни вагонда гаплашамиз, Чойни ҳам вагонда ичамиз.

У дераза олдида қўлларини қовуштирганча, столлар атрофида меҳмонларини кузатиб турган официанткани имлаб чақирди ва у ёнига келиши билан:

— Илтифотингиз учун ташаккур, Наденька! — деб, ён чўнтагидан битта эллик сўмлик қоғоз чиқариб берди. — Биз поездга кечикяпмиз.

— Келиб туринг, мен жуфт кунлари бўламан. — Наденька қоғозни фартугининг чўнтагига сола туриб:—Мен кофени ҳозир олиб келаман! — деди.

— Кофега қарздорсиз. — Афзалов ўрнидан туриб, портфелини кўлига олар экан, ҳамон кабоб чайнаганча бамайлихотир ўтирган Асад қорига истеҳзоли боқди:— Очопат дунёдан келганга ўхшайсиз, Қори ака?

— Ҳақ гапни айтдингиз.— Столда қолган овқатларни қоғозга ўраб, тўрвасига шоша-пиша тикаётган Асад қори ҳиринглаб кулди.— Ишқилиб, хўжам, сизни у ерларга боргулик қилмасин!..

Асад қорининг эҳтиётсизлик билан айтган бу сўзлари Афзаловнинг юрагига ханжардай ботди. Лекин, у сирни бой бермай, рестораннинг ойнаванд эшиги томонга тез юриб кетди. Қори тўрвасини елкасига ташлаб, унга пилдираб эргашиди.

Самолётлар учмаётгани учун аэропортда ва унинг олдидаги майдонда одатдаги ҳаракат йўқ: такси бекатларида ҳам бўш машиналар тирбанд, шамол бир оз пасайган, аммо қор ҳамон элаб турибди.

Афзалов билан Асад қори осма бетон йўлдан пастга тушиб, такси бекатида биринчи машинага кириб жойлашдилар. Афзалов шофёрга темир йўл вокзалини айтгач, ёшгина ҳайдовчи:

— Ҳамма ўшаёққа кетяпти,— деди-да, стартерни босди.

Машина қор ўлқони тагида кенг йўлдан аста юриб борар экан, Афзаловнинг кўнгли дақиқа сайин ғаш тортаверди. Гарчи баҳаво, озода ресторанда яхши овқатланган, сулув жувон Наденьканинг илтифотидан роҳатланган бўлса ҳам, кўзига терговчи кўринаверди. Унинг нчки изтироб билан айтган қуйидаги сўзлари қулоқларида жаранглайверди: «Турли йўллар билан колхоздан олган маблағларингизни дарҳол қайтариб беринг! Бу ишни ўз ихтиёрингиз билан қилганингиз маъқул».

Ҳам насиҳат, ҳам таҳдид ифодаси бўлган бу сўзларни хаёлида такрорлар экан, унинг бадани музлаб кетди. «Хўп, колхоздаги ҳовли-жойимни топширарман. Тошкентдаги ҳовли-жой нима бўлади? Ахир, бунисини Хонзоданинг номига расмийлаштирганман-ку? Диффузанинг номига олинган кооператив квартира нима бўлади? Уғлим хотинига совға қилган «Волга»чи? Буларнинг ҳаммасидан ҳам қимматроқ Хонзоданинг йирик гавҳар кўзлик олтин тақинчоқларини унинг қўлларидан, қулоқларидан юлиб оламанми? Бунинг устига, у магазинда аниқланган қирқ минг сўмлик камоматни бисоти ҳисобига тўлаган... Олмоқ осон, бермоқ қийин. Ҳа, Хонзода ҳақ: нажот Узоқовдан! У эски қадрдонлигини қилиб, қўллаб юборса иш осонлашади. Агар у қўллаб юбормасачи? Унда иш чатоқ... Эҳ, дунёйи кўтир!..»

Афзалов бенхтиёр уфлаб юборди. Хайрият, такси вокзал биноси қаршисида тўхтаган экан, шофёрга пул узатди-да, машина эшигини очиб, тиззагача келадиган қалин қор устига чиқди.

— Ана, йўлда бир поезд турибди,— деди у тўрвасини елкасига осганча, қўлларини бир-бирига ишқалаб, қор депсинаётган Асад қорига. — Омадимиз кулиб боқса, шунга чиқамиз! Юринг, қори ака!

Улар қор босган зиналардан базўр кўтарилиб, кетувчилар билан кузатувчилар тўп-тўп бўлиб турган перронга чиқдилар.

— Омадимиз кулиб боқди!— Ингичка товуши билан қичқириб юборди Асад қори вагонлардаги «Фрунзе — Жалолобод» деган ёзувларни кўрибоқ.— Билет масаласи қандай бўлади, хўжам?

— Ташвиш қилманг, қорни ака, ҳозир тўғрилаймиз. Қани, юринг!— «Омад, омад... — дилида такрорлади Афзалов.— Қани, сени бир синаб кўрайлик-чи!»

У узун составнинг орқароқ бир ерига уланган «СВ» вагонига яқинлашди-да, унинг олдинги эшиги тагида қалин қорни пиймаси билан депсиниб турган ўрта ёшлик хушмўйлов проводник қаршисида тўхтади:

— Салом, оғайни. Мен хонободлик раис бўламан. Бу киши масжидимиз имомни — қори акамиз. Агар бўш купейингиз бўлса, ҳурсанд қиламан. Мана, аванс...— Афзалов шундай деди-да, проводникка иккита эллик сўмлик қоғозларни узатди.

Проводник уёқ-буёққа олазарак қарагач, пулни дархол чўнтагига солиб:

— Учинчи купега чиқинглар, мен ҳозир шеригимни билетга юбораман,— деди.

Аввал Афзалов, унинг кетидан Асад қори вагонга чиқиб, деразаларининг кенг ойналари мусаффо, ёруғ коридорга кирдилар ва учинчи купе эшиги олдида юкларини ерга қўйиб, нафасларини ростладилар.

— Пул бўлса — чангалда шўрва, деб шуни айтадилар,— Асад қори ҳиринглаб кўлди.— Колхоз — хазинада, хўжам! Раис номини эшитиб, проводник эриди-қўйди. Аммо, ҳозирги вазифангизда даромад раисликдан ҳам мўмайроқ бўлса керак-а?

Афзалов купе эшигини очиб, икки ўринлик кенггина хонага киргач, йўлдошини чақирди:

— Марҳамат, қори ака, мана бу жой сизники!

Асад қори купега кириб, тўрвасини елкасидан олар экан:

— Баъзи кунларнинг садағаси кетсанг арзийди, бошқа кунларини тутиб олиб урсанг ҳам кам!— деди завқи тошиб. — Поездда шунақа жойлар бўлиши тушимга ҳам кирмаган. Дўзахдан чиқиб, жаннатга киргандай кайфим чоғ, хўжам!

Афзалов портфелини қип-қизил пойандоз устига қўйиб, ечина бошлади:

— Мен бугун эргалаб Қаршидан учиб келдим. Кун бўйи оёқда юрдим. Озгина толдим, чамамда. Ёнбошлайман...

— Бемалол, бемалол! — Асад қори юмшоқ диванга ўтириб, бенхтиёр ҳомуза тортиб керишди. — Вазифадорлик осон иш эмас, тушунаман, хўжам!

Афзалов пўстини билан қалпоғини илиб қўйгач, диванга аста ёнбошлар экан: «Қори менинг аҳволимдан беҳабар, — деб ўйга толди. — Агар кўнглимдаги ғашликдан, бошимдаги хатардан хабардор бўлса, балки у ҳам мендан юз ўгириб, ҳамсуҳбат бўлмасди... Бу дунёда омадлилар яшаши керак. Биздан эса омад бевафо хотиндай юз ўгирди».

Уйқусиз кеча, йўл чарчоғи ғалаба қилиб, у қаердалигини ҳам, ҳамроҳини ҳам унутди-да, енгилгина пишллаб ухлаб кетди.

«Катталарга ҳам қийин, — кўнглидан ўтказди Асад қори, Афзаловнинг сарғиш соқол туклари қоплаган сўл-



гин рангпар юзига тикилганча. — Юртнинг ғамида тун-  
кун югуришади. Тошкент қаёқдаю, Қарши қаёқда; Қар-  
ши қаёқдаю Андижон қаёқда!.. Буларга икки дунё —  
бир қадам. Аммо, даромадлари зўр: ҳамёнлари тўла  
червон...»

Орадан йигирма минутча ўтгандан кейин тепловоз  
чинқирди, — вагонлар шарақлаб, поезд ўрнидан жилди.  
Купе эшиги очилиб, Афзаловдан пул олган проводник  
кирди-да, унинг ухлаб қолганини кўргач:

— Э, хўжайин ором оляптиларми? — деб икита би-  
летни Асад қорига бериб, эшикни аста ёпиб чиқиб кет-  
ди.

«Ҳа-ҳу» дегунча қоронғи тушди. Вагонда чироқлар  
ёнди. Таниш проводник яна вагонга кириб, оппоқ чой-  
шаб-сочиқларни, ташлаб кетди.

Афзалов шу ухлаганча ярим кечагача ухлади. У кў-  
зини очганда Асад қорининг оппоқ чойшабга ўралганча  
донг қотиб ётганини кўрди: — «Маза-маза бетамизни-  
ки», деган мақол эсига тушиб, мийиғида қулиб қўйди.

У қўл соатини купе шипида ёниб турган чироқ шуъ-  
ласига тутди: иккидан ўн беш минут ўтибди. Андижонга  
етгунча ҳали тўрт соат бор. Ўрнидан туриб ўтирди-да,  
зирқираб оғриётган қўл-оёқларини силади, нягини уш-  
лаб, аввал кундан бери олинмаган соқоли анча ўсиб қол-  
ганини сизди. Бораётган жойини, учрашмоқчи бўлган  
одаминини кўз олдига келтириб, ўзига, кийимига оро бе-  
риш чорасини излади.

Афзалов соқол оладиган буюмларини, совун, атирлари-  
ни портфелидан олди, оппоқ сочиқни елкасига ташлади-  
да, купедан чиқиб, коридордан проводник хонаси томон-  
га юриб борди. Торгина бу хонанинг эшиги очик, про-  
водник чой ичиб ўтирарди.

— Қалла пишдимни, хўжайин? — у ёнидан жой кўр-  
сатди. — Утиринг, чойхўрлик қиламиз.

— Битта стаканда иссиқ сув берсангиз.

— Тайёр, хўжайин.

Проводник ўрнидан туриб, коридордаги бакнинг  
жўмрагидан бўш стаканга сув тўлдирди-да, меҳмонга  
узатди:

— Мана.

Афзалов тор хонага кириб, тик турганча, хира чи-  
роқ шуъласида соқолини олди, ювиниб-таранди, кейин  
купесига кириб, янги оқ кўйлак кийди, галстук боғлади,

ўзини ойнага солиб, кўнгли тинчиди-да, проводник билан чойхўрлик қилиш учун борди...

Поезд Андижонга ғира-шира тонгда етиб келди. Афзалов ҳамон қаттиқ уйқу оғушида бўлган Асад қорини уйғотмади ва вагондан перронга тушаётганда проводникка тайинлади:

— Қори акани Хонободда тушириб юборинг.

Проводник ўнг қўлини силқиб қолди.

— Уйга яхши етиб олинг, хўжайин!

Афзалов перрондан вокзал майдонига чиққач, шу ерда кўк чироқларини ёққанча бўш турган таксиларни кўриб, ичида чироқ ёнгандай бўлди. У дарҳол биринчи такси ёнига бориб, тўлачадан келган хушсурат ёш шофёрга мурожаат қилди:

— Ука, кечгача хизматимда бўласиз, хурсанд қиламан.

— Угиринг, раис!— Шофёр ёнидаги эшикни очиб, Афзаловнинг жойлашиб ўтириб олишини кутиб турди-да, кейин ҳол сўради:— Соғ-саломат етиб келдингизми? Кечадан берисига самолётлар учмаяпти.

— Мани танийсизми? — Афзалов шофёрга шубҳаланиб тикилди.

— Танийман, Норхўжа ака.— Шофёр моторни ўт олдирад экан, қўшиб қўйди: — Мен Маҳмудовнинг укаси бўламан.

— Қайси Маҳмудов?

— Сиз билан бирга ишлаган, ҳозир Фрунзе совхозига директор Маҳмудовнинг-да!— Шофёр Афзаловга синовчан қараб қўйди ва: — Қўрғонтепага ҳайдайми? — деб сўради.

Шофёрнинг Афзаловга «раис» деб мурожаат қилгани ҳам, бошқа сўзлари ҳам киноядай эшитилди. Бир ҳисобда, бу машинадан тушиб, бошқа машинага чиқмоқчи бўлди. Бироқ, бошқа машинанинг шофёри Афзаловни танимайдами? Андижонда раисларни танимайдиган шофёрлар борми ўзи?

Шу фикр уни машинадан чиқмасликка, Маҳмудовнинг укаси билан мураса қилишга мажбур этди.

— Қўрғонтепага кетдик, ука! — деди у шофёрга. — Келмаганимга уч йил бўлди. Қишлоқни соғиндим. Аввал райкомга кирамиз.

— Маъқул, раис.

Машина бир соатча юргач, Қўрғонтепа марказидаги

янги ип-йигирув фабрикасининг баланд корпуслари ёнидан ўтиб, райкомнинг икки қаватли биноси олдида тўхтади.

— Карим Узоқович келибдилар,— деди шофёр шу ерда турган оқ «Волга»га ишора қилиб.

— Жичча кутиб туринг, ука, мен тезда чиқаман,— деди-да, Узоқовни бунча тез топишига кўзи етмаган Афзалов иши ўнгидан келганидан кўнгли ёришиб, таксидан чиқиб, бино ичига отилди.

Соат ҳали саккиз ҳам бўлмагани, райкомда иш бошланмагани учун бино ичи бўм-бўш. Афзалов зинаподан иккинчи қаватга кўтарилиб, таниш йўлакдан ўнгга бурилди-да, биринчи секретарнинг қабулхонасига кирди. Бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ. Лекин, кабинетнинг қора дермантин қопланган эшиги берк.

Афзалов пўстини билан қалпоғини ечиб, қабулхона бурчагидаги вешалкага илди, костюмининг ёқаларини кафтлари билан текислади, галстугини тўғриллади: сочини шошмасдангина тарар экан, нафасини ростлаб олди-да, кабинет эшигини аста очиб, чароғон хонада, девор тағида, харитага тикилганча ўй суриб турган Узоқовни кўрди.

— Мумкинми, Карим Узоқович? — сўради у аллақандай синиқ, маъюс товуш билан.

— Кириг.— Узоқов нигоҳини харитадан олиб, киврувчига қаради.— Афзалов?

— Ҳа, мен.

Узоқов Афзаловни кўп вақтдан буён кўрмаган бўлса ҳам, у билан совуққина қўл бериб кўришди-да:

— Сизни Тошкентда истаб юришибди, сиз бу ерга келибсиз,— деди таажжубланиб.

— Ким мени истайди?— Афзалов ҳеч нарсадан беҳабардай, ўсмоқчилаб сўради.

— Ким истаётганини ўзингиз яхши биласиз! — деди Узоқов қатъий бир оҳангда. — Терговчи чақирса, бормабсиз. Бизга телефон қилишди: Афзалов Қўрғонтепага бормадими, деб. Балки, улар сизни колхоздан қарзини тўлаш учун қишлоғига келгандир, деб ўйлаган бўлшса эҳтимол. Ҳар қалай, бу иш жуда чўзилиб кетди...

— Карим Узоқович, тушунаман,— деди Афзалов райком секретарининг салобатидан буткул терга ботиб.— Сиз билан биз эски қадрдонлармиз. Тўғри, мендан

кўп хатолар ўтди. Жазоландим. Илтимос қиламан, менадан ёрдамнингизни аяманг!

— Қонун олдида ҳамма баробар. — Узоқов шундай деди-да, ўнлаб ёруғ нуқталари чақнаб турган харитага қаради. — Бу — водий харитаси. Мана бу узун кўк чиқиқ асрлар давомида кўпириб, тошиб, қирғоқларини ўпириб, қишлоқларни вайрон қилиб, халққа даҳшат солиб келган Қорадарё. Сиз ҳам мана шу асов дарёга ўхшайсиз, Афзалов! Халқ сизни эъзозлаб, бошига кўтарди. Аммо, сиз қутуриб тошдингиз, унинг хўжалигини ўпирдингиз, мол-мулкни ямлаб ютдингиз. Халқ сиз билан курашишга мажбур бўлди. Партия иродаси, халқ қудрати билан Қорадарё жиловланди, унинг йўли буюк тўғон билан тўсиляпти, у энди ювош тортиб, халқ хизматига бел боғляпти. Фақат сиз ҳамон асовсиз, ҳамон қутуриб тошмоқдасиз. Бироқ, шуни яхши билингки, ваҳший дарёни жиловлашга кучи етган халқнинг Норхўжаларнинг ҳам танобини тортиб қўйишга кучи етади. Гап тамом, вассалом. Сизга жавоб, эски қадрдон!

Афзалов Узоқовнинг кабинетидан лой бўлиб чиқди. У таксига қандай ўтирганини, Андижонга қандай етиб келганини, «Андижон — Москва» поездига қандай чиққанини, вагон-ресторанда нималар еб, нималар ичганини яхши эслай олмайди.

Поезд Тошкентга ярим кечада етиб келди. Афзалов портфелини қўлтиқлаб, вагондан перронга тушганда, бўйлари новчагина икки йигит унинг икки ёнидан ўради-да, улардан бири:

— Афзалов Норхўжа Афзалович? — деди қизил гувоҳномасини кўрсатаркан. — Сиз қамоққа олиндингиз.

Йигитларнинг иккинчиси Афзаловнинг қўлтиғидаги портфелини ола туриб, перрондаги қора «Волга»га ишора қилди:

— Юринг, машина тайёр.

Афзалов бошини кўтариб, қор тинганини, тиниқ осмонда юлдузлар чақнаётганини кўрди-да ичида ожизгина ингради...

### *Йигирма еттинчи боб*

Ҳасанбой билан бир вақтда армияга кетган йигитлар ўз вазифаларини адо этиб, уйларига бирин-кетин қайтиб келган бўлсалар ҳам, ундан ҳамон дарак йўқ.

Охирги хат унинг ўзидан эмас, командиридан отаси Иброҳим ошпаз номига келди. Командир бу расмий хатда: «Ўғлингиз сержант Ҳасан Иброҳимов ўз интернационал бурчини бажаришда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди», деб ёзибди ва сержантнинг ота-онасини самимий табрикларди. Бу хатни олиб ота-онанинг боши кўкка етди.

Марина декабрнинг бошларида келган бу хатни ўша кунгек ўқиб чиқди. Мана уч йилдирки, қиз Ҳасанбойнинг Султонобод қишлоғидаги уйига ҳар ҳафта якшанба кўни эрталабдан бориб олиб, унинг кекса ота-онасига рўзғор ишларида қарашала, уйларини супуриб-сидириб, қир-чирларини ювиб, дазмоллаб, уларнинг номидан аскар ўғилларига хат ёзиб жўнатиб юради. Командир йўллаган мактуб шанба кўни келган экан, Марина якшанбада эрталаб ўқиб чиқди, Ҳасанбойнинг ота-онаси билан бирга қувонди, уювлари биргалашиб командирга жавоб ёздилар. Бироқ, Ҳасанбойнинг ўзидан хат келмаганлигидан уювларининг боши қотди.

Ҳасанбой армияга кета туриб, Маринага: «Биз интендант бўламиз», деб ошпазлик касбига ишора қилиб мақтангани қизнинг ёдида. Бироқ, у йўл юриб, охири оқибатда қумликлар орасига жойлашган қисмига етиб боргач, унинг иккинчи касби — биринчи класс шофёрлиги зарурроқ деб топилди. У аввал кичикроқ «ЗИЛ» юк машинасида ишлаб юрди, кейин унга қудратли «МАЗ» бердилар. Орадан бир ярим йилча ўтгач, бирдан деярли бир ой довомида ундан хат келмади.

Ҳасанбой кейинги бир неча ой довомида юбориб турган хатларида у машиналар колоннасида юк ташинганлигини, унга сержант унвони берилганлигини ёзса ҳам, хизмати қачон тугаши ва уйига қачон қайтиши ҳақида индамади. Марина севгилисининг Афғонистонда эканлигини билар, Амударё қирғоғидаги Ҳайратон кўприги билан Қобул ўртасидаги йўлда — ана шу ягона ҳаёт йўлида бизнинг колонналаримиз афғон халқи учун зарур юкларни ташиб бераётгани ҳақида матбуотда муттасил эълон қилиниб турган мақолаларни ўқиб борар, Ҳасанбойнинг машинаси ҳам ўша колонналар ичида эканлигига шубҳа қилмас эди. Лекин, у йўл жуда хатарли, душманлар карвонларга тез-тез ҳужум қилиб

туришади, отишмалар бўлади, демак, қон тўкилади... Модомики, Ҳасанбой «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган экан, демак у жанг қилган, балки жароҳатланган...

Ҳасанбойнинг кейинги уч ой давомида хат ёзмай қўйганлиги ҳам Маринанинг гумонини тасдиқлагандай бўлди. У кундузларни тинимсиз қизғин иш билан бир амаллаб ўтказса ҳам, кечалари уйқуси қочар, ўйлаб ўйининг тагига ета олмас, кўзи илинганда эса, тушига қўрқинчли нарсалар кириб, чўчиб уйғониб кетарди...

У уч ойлик қаттиқ қишни азоб ичида ўтказди. Лекин, Ҳасанбойнинг уйига боришни бир марта ҳам қанда килмади. Унинг ота-онаси Маринага шундай ўрганиб қолдиларки, агар у якшанба куни эрталаб ярим соат кечикалиган бўлса, Ирбоҳим ота кўчага чиқиб, эшиги ёнидаги супачада ўтирганча йўлга термилгани-термилган эди...

Февралнинг ўрталарида Қорабағиш посёлкасининг кўчаларидаги, қишлоқ йўлларидаги қорлар эриб битди. Толлар попук чиқариб, теракларнинг учлари кўкара бошлади. Тўғон қурилишида қиш бўйи оғир шароитларда тинимсиз ишлаган одамлар учун иш жабҳаси кенгайдя, машиналар ҳаракати кучайди. Бунинг устига шағал саралаш, бетон қориш заводларида, тош-тегирмонда иш унуми анча кўтарилиб, натижада тўғоннинг биринчи навбатини суғориш мавсуми бошлангунча, яъни май ойининг ўрталарида ишга тушириш ҳақида «Андижонгидрострой» олдига қўйилган вазифани бажариш учун имконият туғилди.

Қорадарёдаги улкан қурилишда иш суръатининг тобора тезлаштирилиши «Усталар мактаби» олдига ҳам янги вазифалар қўйди. «Андижонгидрострой» бошлиғи Жуков мактаб директори Зуфаровни ўз ҳузурига чақириб, қурилишда малакали ишчи кучлар етишмаётганлигини айтди ва мактабни июнь ойига тамомлаши режалаштирилган тўрт юз йигирма талабанинг ўқиш ва имтиҳонларини тезлаштириб, апрелнинг охирида Бошқарма ихтиёрига топширишни илтимос қилди. Албатта, иш кўлами кенгайиб бораётган мураккаб шароитда бундай илтимослар (аслида эса, топшириқлар) тез-тез бўлиб туради. Илхом Зуфарович булардан бирортасини ҳам рад этмайди, чунки у аҳволни ўз кўзи билан кўриб ту-

рибли. Ҳа, у рад этишга этмайди-ю, лекин тажрибали раҳбар Бошқармадан мактаб учун анчагина нарса, чунончи қўшимча ўқиш ва тажриба қуроллари, ўриндошлик йўли билан ишлайдиган юқори малакали мутахассислар ундириб олади. Бу гал ҳам у шундай қилди: талабалар тажриба ўтказадиган иккита қурилиш базасининг рухсатини олди: Дубенко бошлиқ СМУ мактаб учун устахона қуриб берадиган бўлди, қурилиш ташкилотларидан яна етти инженер ўриндошлик йўли билан дарс беришга жалб этилди. — Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони ҳам борки, қаттиққўллик директор мактаб штабигаги ходимларнинг зиммасига қўшимча юк ортиб, уларни беаёв ишлатади. Директорни кучи етган ана шундай хизматчиларнинг бири — Марина.

Уч йилдан бери «Усталар мактаби» кадрлар бўлимининг мудирини бўлиб ишлаётган Марина Андреевна Дубенко Илҳом Зуфаровичнинг қўлида ишлаш билан бирга ўқиб, мазкур ҳунар-техника билим юртида ўрта маълумотли экономист дипломини олди, бунинг устига шофёрлар курсини тамомлаб, машина ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлди ва яна бир қисқа муддатли курсда машинкада ёзишни мукамал ўрганди.

Зуфаров биргина Маринага эмас қўлида ишлайдиган, ўқийдиган бошқа ёшларга ҳам тиним бермайди. «Ёшсан», юрагинг оловга, кўзинг нурга тўла. Ғайрат қил, интил, ўқи, ўрган!»— кекса педагогнинг бу хитоби ҳаммага тааллуқли.

У Бошқармадан янги топшириқ олиб келгач, дарҳол педагоглар кенгашини чақириб, вазифани батафсил муҳокама қилди, кейин илмий бўлимда янги жадваллар туздирди. Шундан кейин навбат кадрлар бўлимига, яъни Маринага келди. Зуфаров у билан беш кун эртдан-кечгача холи қолиб, хизматчилар, педагоглар, талабаларнинг «дело»ларини қайта-қайта кўриб чиқди. Бошқармадан қўшимча юборилган етти мутахассисни ишга расмийлаштирди, ўнлаб объектларда ўтказиладиган ишлаб чиқариш тажрибасига маъсул кишилар ҳақида ҳам алоҳида-алоҳида бўйруқлар чиқарди.

Тинимсиз иш, бунинг устига уч ойдан бери хатсиз, хабарсиз жимжит бўлиб кетган Ҳасаннинг ташвиши Маринани обдон ҳолдан тойдирди. У озиб-тўзиб, кўзлари тиниб, юзининг суяклари туртиб чиқди. Уни бу аҳволда

кўрган Дилбар дугонасига ич-ичидан ачинди. Ачинишга ачинди-ю, лекин «дадамга айтаман, сени бунақа қаттиқ ишлатмайди», деб ваъда бергани йўқ. Ундан теккан фойда фақат шу бўлдики, Ҳасанбойнинг командирига унинг ота-онаси номидан яна бир хат ёзишни маслаҳат берди.

Марина шундай қилди. У ўтган яшканба Султонободга борганида Ҳасанбойнинг ота-онаси билан маслаҳатлашиб, улар номидан хат ёзди ва ўзи почтага бориб, командирнинг адресига жўнатди.

Кунлар аста-секин исий бошлади. Февралнинг охирларида Қорадарё бўйлари, қир-адирлар кўм-кўк майса билан қопланди. Дарада икки терак баробар кўтарилган тўғоннинг орқасида сатҳи тобора кенгайиб бораётган сув ҳавзаси атрофларидан у томонлардаги қуридишларга юк ташиб турган машиналар, самосвалларнинг шофёрлари чучмомалар териб кела бошладилар. Чунки, Одилжон ўша ёқлардан самосвалда кела туриб, дарё бўйида — Марина билан суҳбатлашиб турган хотини Ларисанинг ёнида бир дақиқа тўхтади-да, унга бир боғ чучмома бериб кетди. Бундай меҳрибончиликни кўрган Марина узоқларда бедарак кетган Ҳасанини эслаб, беихтиёр кўзига ёш олди...

У бугун ҳам ишдан кеч бўшаб, посёлканинг «Андижонгидрострой» ёнидан ўтган бош кўчасидан борар экан, соат тўққиздан ошган бўлса ҳам Бошқарманинг кўп хоналарида, шу жумладан, Дилбарнинг иккинчи қаватдаги хонасида чироқ ёниб турганини кўрди-да, дугонаси билан суҳбатлашиб кўнглини ёзиш учун шу томонга бурилди.

У бино ичига кириб, зинапоядан юқорига кўтарилар экан, комсомол комитетининг эшиги очилиб, бир тўда йиғит-қизлар чиқиб келдилар. Буларнинг деярли ҳаммаси «Усталар мактаби»да ўқиган ёшлар бўлгани учун Марина уларни дарҳол таниди-да, бирма-бир қўл бериб кўришар экан:

— Ҳа, йиғилиш бўлдимизми? — деб сўради.

— Жанговар топшириқ олдик. — Барча учун Одилжон жавоб берди. Кейин Маринани бир четга тортиб, аста сўради: — Ҳасандан хат келдимизми?

— Йўқ, келмади... — Маринанинг маъюс кўзлари филтиллади. — Командирга хат ёздик, жавоб кутяпмиз.

— Жавоб келади, Маринечка. — Одилжон қизнинг



елкасига кафтларини қўйиб, далда берди: — Ҳасан зўр йигит. У тегирмондан ҳам бутун чиқади. Тўйингга айтишни унутмасанг бўлгани, гўзаллар гўзали!

Одилжон шундай деди-да, қувноқ кулиб, зинапоядан пастга тушиб кетган шериклари кетидан югурди.

Марина Дилбарнинг кабинетига кирганда у ёзув столи ёнида тик туриб, қоғозларини йиғиштирарди.

— Кел, Маринечка, яхши юрибсанми?— деди Дилбар дугонаси билан елка қоқишиб кўришар экан. — Хатни юбордингми?

— Ҳа, ўша куннёқ юборганман.— Марина Дилбарнинг сўлинқираган рангпар юзига тикилди-да, таажжубланиб сўради:— Сенга нима бўлди, Дилечка? Хафа кўринасан?

— Уғлим бетоб, уч кундан бери иссиғи тушмайди.— Дилбар ёзув столини қулфлади-да, девордаги қозикдан плашини олиб кия бошлади.— Яхши ҳам бахтимга бувим бор экан, набирасига ўша қараяпти.

— Боланг касал бўлса, уйингга тезроқ бормайсанми!— Марина йўлакка чиқди-да, Дилбарнинг эшикни қулфлашини кутиб турди.

— Янгиликдан хабаринг йўқми?— Дилбар Марина ни қўлтиқлаб олгач, иккови зинапоядан ёнма-ён туша бошладилар.

— Йўқ. Нима янгилик?

— Эртага соат ўн иккида Қорабағиш посёлкаси асосида шаҳар ташкил қилишга бағишланган митинг бўлади.— Дилбар бинодан йўлга чиққач, чарчоқ кўзлари машъала чироқлар шуъласида қамашиб:— Хуллас, иш катта, Маринечка!— деди дугонасига.— Митингни район партия комитети ташкил қиляпти. Ҳабиба Камоловна эрталабдан бери шу ерда эдилар, Қўрғонтепага кетганларига ярим соатча бўлди, холос. «Андижонгидрострой» бошлиқлари ҳам опа билан бирга кетишди. Соат ўнда бюро мажлисида бу масала алоҳида кўрилар экан.

— Илҳом Zufарович бюро мажлисига бормадиларми?— директорнинг ҳамон мактабдаги ўз кабинетига ўтирганини эслаган Марина сўради.

— Билмадим,— Дилбар йўл бўйида хаёл суриб турганча жавоб берди. — Борсалар керак. — У йўлнинг чап томонига, ўнлаб кўтарма кранлар прожекторлар шуъласида ишлаётган, юзлаб самосвалларнинг чироқлари парпираб кўринаётган қурилиш майдони тарафга қара-

ди.— Обиджон ака машинада келиб, мени уйга оғоч кетмоқчи эди. Дараги йўқ...

— Балки, у ҳам бюрога чақирилгандир, — Марина дугонасига далда берди.

— Гапинг тўғри, Маринечка! Обиджон аканинг бирон марта ваъдасининг устидан чиқмаганини эслаёлмайман. Лекин, ақалли телефон қилиб қўймаганига ҳайронман...

Шу пайт йўлда бу томонга келаётган машина чироқлари кўринди.

— Ана, Обиджон аканг келяпти! — Марина дугонасига ҳавас билан боқди. — Лекин, менинг Ҳасанимдан дарак йўқ...

— Обиджон аканинг машинаси эмас, — деди Дилбар йўлдан кўзини олмай. — Бу — дадамнинг эски «Москвич»и...

Машина юришини секинлатиб келиб, қизларнинг олдида тўхтади. Унинг олдинги чап эшигидан Илҳом Зуфарович, ўнг эшигидан Иброҳим ота тушиб келдилар.

Оқ яктагини устидан янги қора чопон кийган, оёғида баланд пошнали ағдарма битов кўн этик; бошидаги янги чуст дўпписи ўзига ярашган Иброҳим ота Маринани кўрди-ю, қўлидаги ярим варақ оқ қоғозни баланд кўтариб, қиз томонга ҳаллослаганча тез юриб келди:

— Суюнчи бер, қизим. Ҳасанбойдан телеграм келди! Мен сени йўқлаб уйингга борсам, онанг «ишда», деди, ишхонангга борсам, манов директоринг «шу тобда кетди», дейди... Хурсандчилик, опоч, хурсандчилик!.. — Иброҳим отанинг телеграмма ҳақидаги сўзларини эшитибоқ турган ерида ҳайкалдай қотиб қолган қизга чол қоғозни узатди: — Уқи, қизим! Овозингни чиқариб ўқи! Бахтимизга Ҳасанбой омон экан, поездда келяпти экан, шу бугун тунда кутиб оламиз экан!

Бу қувончдан тамом лол бўлиб қолган Марина телеграммани Иброҳим отанинг қўлидан олиб, симёғочдаги чироқ шуъласига тутди-да, авал ичида тез ўқиб чиққач, кейин сал ўзини босиб олиб, овозини чиқариб ўқий бошлади:

«Андижон область, Султонобод қишлоқ совети, Бахт кўчаси, Биринчи уй, Қурбонов Иброҳимга. Душанба куни «Фрунзе — Жалолобод» поездида бораман. Бешинчи вагон. Уғлингиз Ҳасанбой».

— Гап шу қизим,— деди Иброҳим ота севинчидан юм-юм йиғлаётган Маринага.— Директоринг Қўрғонтепага мажлисга кетаётган экан, биз унинг машинасида қишлоққача етиб оламиз. Сен Ҳасанбойнинг машинасини минасан-да, онанг билан мени станцияга ўзинг олиб борасан.

— Хўп, дадажон!— Марина кўз ёшларини рўмолчасига артар экан, Дилбардан илтимос қилди.— Бизникига телефон қилиб қўярсан, Дилечка, ота-онам Ҳасанни кутишга албатта, борадилар.

— Топшириғингизни бажараман, Марина Андреевна!— Дилбар дугонасини бағрига босиб, севинч барқ уриб турган ёшли кўзларидан ўпди.— Ота-онангни Султонобод станциясига ўзим етказиб бораман, гўзалим!

— Раҳмат, жонгинам!

Илҳом Зуфарович машинасига чиқиб ўтиргач, Марина Иброҳим отани унинг ёнига суяб чиқарди-да, ўзи орқа ўриндиққа ўтириб олди. «Москвич» кўксовдай йўтала-йўтала юриб кетди.

Ҳасанбойнинг «Жигулиси» уч йилдан бери ҳовлисидаги гаражда чанг босиб ётганлиги, аккумулятор аллақачон ўтириб қолган бўлиши мумкинлиги, бензин бор-йўқлиги, хуллас шунга ўхшаш «майда-чуйда» гаплар Маринанинг эсига ҳам келмас, у бўлажак қайнатасининг орқасида ҳаяжонланиб ўтирар, шодлик тўлқинлари юрак қирғоқларига сиғмай тошар, яна бир неча соатдан кейин севгилисини соғ-омон кўриш бахтидан маст эди.

Орадан йигирма минутча ўтгач, Илҳом Зуфарович «Москвич»ни Иброҳим отанинг эшиги олдида тўхтатди-да:

— Эртага соат ўн иккида Қорабағишда митингга кўришамиз,— деди оқсоқолга.— Ҳасанбой ҳам албатта, борсин. Ҳикмат бор-ку: «Қари келса — ошга, ёш келса — ишга», деган. Биз уни янги шаҳар қурилишида ишлатамиз: Қизил қўшинда орттирган тажрибаси бизга қўл келади.

— Э, Илҳомбой, менга деса кеча-кундуз ишлатинг ўғлонимни!— деди Иброҳим ота гурур билан.— Бош омон бўлса, тоғни талқон қилишга қодир менинг азаматим!

Марина Иброҳим отани машинадан суяб туширгач,

Зуфаров эски машинасини сакрата-сакрата ҳайдаб кетар экан, қиз директоридан шикоят қилди:

— Илҳом Зуфарович, «Ингит армиядан келди, уч-тўрт кун дам олсин», дейиш ўрнига уни дарҳол ишга солишни гапирадилар...

— Бошлиғингдан хафа бўлма, опоқ қизим!— Иброҳим ота ўзини суяб, ариқдан ўтказаётган Маринага кулиб деди:— Қари билганини пари билмайди. Балки, у Ҳасанбойга бирорта масъул ишни мўлжаллаб қўйгандир. Аммо, сен ҳақсан, опоч! Ҳасанбой уч-тўрт кун дам олсин. Наврўз ҳам яқин. Аввал тўй қилайлик, бошларингизни қовуштирайлик. Ана, бувинг ҳам чироқларни ёқиб, дастурхон тузаяпти, чамамда.

— Мен ҳозир қарашиб юбораман!

Марина эшикни итариб очди-да, Иброҳим отага йўл бериб, унинг кетидан ҳовлига кирди.

Ҳовли этагидаги бостирма тагида Ҳасанбойнинг онаси — Гулжаҳон опа ва қўшни аёл — мироббошининг қизи Барно опа қип-қизил чўғи товланиб турган тандирдан қизарган нонларни узиб, саватга териш билан машғул эдилар.

Гулжаҳон опа Маринани кўрди-ю, бостирма тагидан чиқиб келиб, қизга қучоғини кенг очди:

— Вой, менинг опоқ қизим келибди! Вой, бувигинанг сендан гиргиттон!.. Уғлимнинг шундай сухсур қайлиғидан ўргилай!

Гулжаҳон опа Маринани суюб, эркалаб, юз-кўзларидан ўпиб, унга парвона бўлиб турганда Иброҳим ота уйдан машинанинг ҳужжатлари билан калитларини олиб чиқиб, қизга бераркан, тайинлади:

— Ҳасанбой аккумуляторни чиқариб кетган, ўзинг улайсан. Бензин ҳам тўла бўлса керак — Ҳасанбой бунга эътибор берарди. Юр, қизим, мен сенга қарашвораман!

Гараж ҳовлининг кўча томонида — чап бурчакдаги томи шифер билан қопланган пастгина, атрофи ёпиқ бостирма бўлиб, Ҳасанбой ҳам кўчага, ҳам ҳовлига очиладиган дарвоза ўрнатган эди. Марина ҳовли дарвозасини очиб, чироқни ёқиб юборди. Шипдаги чанг қоплаган лампочка хира нур таратди. Кўпдан буён шамоллатилмаган гаражнинг захи димоққа урди. Марина машинага ёпилган брезент ғилофнинг чангини тўзитиб юбормаслик учун бир четидан аста йиғиштириб, ўраб, ерга

туширди. Устига парда ёпилгани учун машина анча озода сақланган: тиниқ оқ ранги электр шуъласида товланди.

Марина машинанинг олдинги эшигини очиб, Ҳасанбой аккумуляторни қалин докага ўраб олдинги ўриндиққа қўйганини кўрди. «Саранжом йигит Ҳасан!» — шу фикр қизнинг кўнглидан ўтди ва у аккумуляторни олиб, ерга қўйди-да, капотни кўтариб, моторни, турли симларни, радиаторни кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида. Фақат радиатордаги сув қуриган, унга сув қўйиш керак.

Шу пайт кўча эшиги тақирлаб қолди. Марина ўз ишини кузатиб турган Иброҳим отага:

— Ҳаммаси жойида, — деб мамнун жилмайди-да, багажникни очиб, машина асбобларини олаётиб, кўча томонга ишора қилди:— Меҳмонлар келишди шекилли. Сиз уларни кутиб олаверинг, машинани ўзим эплайман.

Марина аккумуляторни ўрнига қўйиб, симларини улаётганда ҳовлига кирган Одилжон билан Ларисанинг таниш говушларини эшитди.

— Дўстим келаётган экан, Дилбархондан эшитдинг-у, оёқни қўлга олиб чопдик!— деди қувониб Одилжон.— Қани, бизга нима хизмат бор?

— Йўловчи машина учраб қолиб, тез етиб келдик!— деб эрининг сўзларини тасдиқлади Лариса ва гараждаги Маринани кўриб, Одилжоннинг қўлидан судради:— Юр, Маринага кўмаклашайлик!

Булар гараж томонга кетиши билан очиқ кўча эшикдан Дилбар билан Обиджон кириб келдилар. Дилбар Гулжаҳон опа, Барно опалар билан кўришиш учун ўчоқбошига кетди. Обиджон Иброҳим ота билан қучоқлашиб кўришар экан, унинг белидан қаттиқ тортди-да, оёғини ердан узиб, баланд кўтарди.

— Ҳой бола, шўхлик қилма, белни чиқарасан!— деб тантиланди ҳавода чир-чир айланаётган чол.— Нима, чойхонада палов еб келганмисан, пишқирасан!..

— Паловни ана энди еймиз, Ҳасанбой билан бирга еймиз!— Обиджон чолни ерга қўйиб, юзларидан, соқолидан ўпди.— Уғилнинг келишига қўй-пўй боқиб қўйгандирсиз? Қассоб қақирдингизми?

— Ана, тўртга қўй қуйруғини кўтаролмай, қантарилиб ётибди, истаганингни танлаб, бўғизлайверасан! Пичоқнинг борми?

— Бўлганда қандоқ! — Обиджон этигининг кўнжи.

дан гулдор чарм ғилофдаги пичоғини чиқарди.— Қорасувнинг дами ўткир пичоғи бу!

— Қани, юр, роса пишган қора қўчқорим бор, Ҳасанбойнинг келишига атаганман!

Иброҳим ота Обиджонни ҳовли этагида, ўчоқбоши қаторидаги қўйхонага бошлаб кетди.

Одилжон машина асбобларини Маринанинг қўлидан олиб, аккумуляторни ўрнатди, бензинни текширди — бакда яримдан кўпроқ ёқилғи бор экан, хотиржам бўлди. Кейин Лариса водопроводдан тўлдириб келган челақни унинг қўлидан олиб, радиаторга сув тўлдирди. Шундан кейингина рулга ўтириб, моторни ўт олдиришга ҳаракат қилди.

Дилбар опалар билан кўришиб бўлгач, гаражга келди ва Андрей Андреевич билан Раиса Петровнага телефон қилганини, улар ҳозир етиб келишларини Маринага айтиб, уни хотиржам қилди.

Бу вақт яна бир неча киши — Иброҳим отанинг қўшнилари ва унинг эски қадрдонлари — бир гуруҳ қариялар ҳовлига кириб келдилар.

Хуллас, орадан икки соат ўтар-ўтмас, ҳовли одамга тўлди. Қариялар қўй сўйилаётган ерга тўпланиб, Обиджоннинг чаққон ҳаракатларини томоша қилиб, қўлларидан қелганча ёрдам қилиб турдилар. Барно опа ўчоқбошидаги катта қозон ағига ўт ёқиб юборди. Ешлар уйдаги стол-стулларни узун очиқ айвонга олиб чиқиб, меҳмонларга жой қила бошладилар.

Ҳасанбойнинг «Жигули»сига ҳам жон кирди. Унинг мотори вариллаб юриб кетди ва рулдаги Марина уни беш-олти дақиқа қизитгач, Одилжон очиб берган кўча дарвозадан йўлга олиб чиқди-да, чангини артиб, ярақлата бошлади.

СМУнинг «ГАЗ-69» машинасини ўзи ҳайдаб юрадиган Андрей Андреевич Раиса Петровна билан етиб келишганда қизларини шу машғулот устида кўрдилар.

— Марина энди бу хонадоннинг қизи бўлиб кетди!— деди Раиса Петровна эрига.

Андрей Андреевич хотинининг бу сўзларидаги ҳам қувонч, ҳам ўкинч оҳангларини дил-дилидан сездди, лекин сир бой бермай:

— Ишқилиб, бахтли бўлсин!— деди-да, Маринанинг олдига келиб, уни бағрига босиб эркалади.— Қайлигинг

соғ-саломат келаётгани билан табриклайман, қизим!

— Раҳмат, дадажон!

Раиса Петровна ҳам қизининг бахтидан шод. Лекин, ҳамма оналар каби, айниқса ёлғиз қизи бағридан чиқиб кетаётган оналар каби, у Тополинодаги ҳовлисида чоли билан сўппайиб қолишини ўйлар, Марина бор-йўғи беш-олти километр наридаги қишлоққа келин бўлиб тушса ҳам, бари бир она қалби ларзага келмай иложи йўқ эди.

Гулжаҳон опа қудаларини айвонга таклиф қилди. Азиз меҳмонларни кўрган Иброҳим ота ва яна икки қария Обиджон қўй сўяётган бостирма тагидан чиқиб келиб, Андрей Андреевич ва унинг рафиқаси билан самий кўришдилар.

Булар айвонга чиқиб, стол атрофига ўтиришгач, Гулжаҳон опа дастурхон ёза бошлади. Бироқ, бостирма тагида қўйнинг терисини шилиб бўлгач, уни Одилжоннинг ёрдамида тўсинга арқон боғлаб осган Обиджон қўлидаги пичоқни шу ерда турган бир қарияга берди, ўзи айвон пешига келиб, стол атрофида ўтирганларга қўлидаги соатни кўрсатди:

— Поезд келишига эллик минут қолди. Ижозат берсаларингиз, мен ёшлар билан бирга станцияга бориб, Ҳасанбойни кутиб олсам.

Обиджон шундай деди-ю, балога қолди. Аввало, Иброҳим ота:

— Эсингни едингми, устабоши!— деб уни койиб берди.— Ўғлимиз уч йил хизмат қилиб, шундан шуёқдан келар экан-да, биз уни кутиб олмас эканмиз! Ҳаммамиз борамиз.— Кейин у Андрей Андреевичга қаради:— А, лаббай, қуда?

— Ҳеч шубҳасиз!— Андрей Андреевич ўрнидан туриб, бошқаларни ҳам ундади:— Қани, юринглар!

Ҳовлидагилар бирин-кетин кўчага чиқиб, ажойиб манзарани кўрдилар: йўлкага одамлар, йўлга машиналар тўлибди. Ҳасанбойнинг армиядан келаётгани ҳақидаги хушxabар Султонободдаги хонадонларгагина эмас, балки Хонобод, Қорабағиш, Тополинога ҳам яшин тезлигида тарқалибди. Хуллас, эшитганлар машинада, отда, пиёда келаверибдилар. Умуман, қишлоқларимизда шунақа бир ибратомуз одат бор. Одамлар эрта ётиб, эрта турадиган бу камнуфуз ерларда тунда бировнинг уйда чироқлар ёқилса, қўни-қўшни, узоқ-яқин кишилар

«бир гап бор» деб, таклиф этилишларини кутмай, етиб келаверадилар.

Ҳовлидагилар кўчага чиқишди. Фақат Барно опа билан яна бир неча киши дастурхон тузатиш, овқат пишириш учун қолдилар.

Марина Иброҳим ота билан Гулжаҳон опани «Жигули»га ўтқизиб, машинани олдинга олиб ўтди. Андрей Андреевич билан Раиса Петровна «ГАЗ» икка Обиджон ва Дилбарни таклиф қилдилар. «РАФ» микроавтобуси, бир юк машина буларнинг кетига тизилдилар.

Муйилишда от тақаларининг тақира-туқури эшитилди. Ҳамма ўша ёққа қаради. Оёқлари ингичка, баланд бўйли отида, янги гулдор эгар устига бамайлихотир ўтириб олган кекса чавандоз Умархон ога Девонов келарди.

— Ҳа, отингга янги тақа қоқтирибсан-да! — деди Иброҳим ота «Жигули»дан чиқиб, чавандоз дўстининг истиқболига юриб борар экан.

— Уғлинг келаётган экан, хабар ҳам бермайсан, ошпаз! — деди Умархон ота қамчисини бошида ҳаволатиб. — Шу топда Асад қоридан эшитдим-у, отни эгарлатиб, йўлга чиқавердим.

— Қайси Асад қори, анов от ўғриси? — Иброҳим ака чавандоз билан қўл олишиб кўришар экан, хахолаб кулди. У занғар кимдан эшитибди?

— Асад қорининг билмаган гапи йўқ. У менинг телефоним. — Чавандоз бу ғалати фикрини тушунтирди. — У қамоқдан келгач, қишлоқдаги ҳамма эшикдан қувилиб, дарбадар бўлиб юрган экан, мен уни чорбоғимга югурдак қилиб олдим: мол боқади, тулпорининг тагини тозалайди, йўл-пўлни супуради, кейин қора шўрвага қорни тўйгач, гап сотади. Аммо, шу тобда фойдаси тегди: Хонободга юборган эдим, Ҳасанбойнинг келаётгани ҳақида хабар тоғиб келди.

— Оббо, сен-ей! — Иброҳим ота мириқиб кулди. — Маккор қориники жиловлабсан, элга ҳам кўп нафинг тегди. Хўш, биз билан юрасанми, ёки шу ерда бўлиб турасанми?

— Э, гапингни қара-я, мияси ачиган чол! — Чавандоз отига қамчи уриб, машиналар олдига ўта бошлади. — Ҳасанбойни сендан ҳам мен кўпроқ соғинганман! Чу, тулпор!..

Карвон йўлга чиқди. Марина «Жигули» рулида ўти-



риб, машинани симёгочлардаги-кўча чироқлари онда сондагина хира нур сочиб турган-нимқоронғи-йўлдан аста ҳайдаб борар экан, севғилиси Ҳасанни, унга ҳарбий форма қандай ярашганини, кўпчилик олдида у билан қандай кўришишини ўйлар, орқа ўриндиқда ўтирган Иброҳим ота билан Гулжаҳон опанинг суҳбатига қулоқ солар эди.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас, машиналар темир йўл станциясининг бир қаватлик эски биноси олдига келиб тўхтади. Бир неча дақиқадан кейин Умархон ота ҳам кўринди ва у тулпорини перронга тик ҳайдаб чиқиб, темир йўл изи яқинида тўхтатди-да, эгардан йигитлардай эпчил сакраб тушди.

Узоқ-узоқларда аввал локомотив чинқириги эшитилди, кейин қудратли чироқларининг шуъласи кўринди.

Перронга чиққан ўттизга яқин кутиб олувчиларнинг олдироғида, Дилбар билан Ларисанинг ўртасида турган Маринанинг юзи ҳаяжондан лоладай қизариб, юраги ёввойи кабутардай типирчилай бошлади. Буни сезган Дилбар унинг чап қўлини ўнг қўлига олиб, маҳкам қисди-да:

— Узингни бос, Маричка, ахир кўришингга бир неча дақиқагина қолди-ку!— деб дугонасига тасалли берди.

Бир-бирига уланган қўш локомотив перрон тўла кутиб олувчилар ёнидан аста пишиллаб ўтиб кетиб, икки юз метрча нарида тўхтади. Ҳамманинг кўзи вагонларнинг рақамида. Ана, эллик метрча нарида тўхтаган бешинчи вагон. Унинг эшиғида — қўлига сариқ байроқча кўтарган проводник. Перрондагилар ҳаммаси ўша томонга чопишди.

Проводник вагон зиналаридан аввал ўзи тушди, кейин орқасидаги пассажир, чап қўлига чамадон кўтарган ҳарбий — янги формаси ўзига ярашган тўлача, ўрта буй сержантга йўл бераркан:

— Сизни кутишяпти, — деди юзи кулгига тўлиб.

Перронни таниш овозлар янгради:

— Уғлим Ҳасанбой!

— Дўстим Ҳасан!

— Уртоқ сержант!

— Жоним Ҳасан!..

— Гвардиячи сержантга уррай!!!

Ҳасан чамадонини ерга қўйди-да, дадаси Иброҳим ота билан қучоқлашиб кўришгач, ўзини онасининг бар-

рига отди. Гулжаҳон опа ўртаниб-ўртаниб соғинган ўғлининг юз-кўзларидан ўпар, елкаларини силаб эркалар, қувончи дилига сиғмай, қайноқ ёшга айланиб, кўзларидан дур-дур тўкиларди. Лекин на ота, на она Ҳасанбойдаги ўзгаришни сездилар.

Андрей Андреевич билан Ранса Петровна ҳам Ҳасанбойнинг ўнг қўлини галма-гал олиб, кўришар эканлар, уларнинг: «Соғ-саломат келдингизми? Орден муборак бўлсин! Кўришганимиздан хурсандмиз!»— деган сўзларига у:

— Мана, кўриб турибсизлар, отдайман! Армиядан бир неча ҳунар ўрганиб, коммунист бўлиб келдим. Андрей Андреевич, агар мени СМУга ишга олсангиз, пандемайсиз!— деб жавоб берди.

У эски қадрдонлари Обиджон, Дилбар, Одилжон, Ларисалар билан ҳам қучоқлашиб кўришгач, ёшларнинг орқасида, кўришиш навбати келишини уялибгина кутиб турган Маринанинг олдига бораркан:

— Жульетта Ромеосидан бунақа бир четга яшириган эмас!— деб унга қулочини кенг очди.

Марина Ҳасанбойнинг бўйнидан қучоқлаб, юзларидан ўпар экан, ҳўнграб йиғлаб юборди-да, унинг гимнастёркасида порлаб турган орденга меҳр билан тикилди.

— Ия, ҳа, йиғлоқи қиз, нима бўлди?— Ҳасанбой Маринанинг ипакдай майин олтинранг сочили силаркан, кутилмаганда галати савол берди:— Сен ўзинг Марина орденни нега беришгани биласанми?

Марина ҳам, бошқалар ҳам Ҳасанбойнинг бу саволидан аввал ҳеч нарсани тушунмадилар, лекин Марина: «Ҳа, албатта, биламан»,— дегач, Ҳасанбой:

«Бупти-да! Менга бу орденни сени севганим учун беришди, билдингми?!»— дейиши билан одамларга жон кирди.

Ҳамма перрондан йўлга тушиб, машиналарга чиқа бошлади. Иброҳим ота билан Гулжаҳон опа ҳам, ёшларни холи қўйиш учун қудалари Андрей Андреевичнинг «ГАЗ»иғига тиқилдилар.

«Жигули»да рулга Марина ўтирди-да, ёнидаги Ҳасанбойнинг:

— Машинани ҳайдашни ўрганиб олганинг яхши бўлибди!— деган сўзларига жавоб қилди:

— Мен сенинг шахсий шофёрингман.

Ҳасанбой:

— Сен менинг жонимсан!

Марина:

— Сен менинг ҳаётимсан!

Ҳасанбой:

— Сен менинг севгим, умидим!

Марина:

— Мен сенинг котибанг, дастёринг, доим ёнингда ҳам-роҳингман!

Ҳасанбой:

— Сен мен орзу қилган олти ўғил ва олти қизимнинг онаси — Қаҳрамон она!

Марина:

— Сен менинг ягона ботирим, суянган тоғим, вафоли эрим!

Ҳасанбой:

— Сен менинг ипакдай майин савзи тўғрагувчим!

Марина:

— Сен менинг қўли ширин ошпазим!

Мушоира шу ерга етганда иккови қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар. Ҳасанбой Маринанинг елкасига қўл ташлаган эди, қиз:

— Уртоқ пассажир, машина ҳайдашга халақит берманг!— деди-да, «Жигули»ни одамлар тўпланиб турган кўча ўртасида тўхтатди.

— Ватан қандай яхши!— деди Ҳасанбой севгилиси-га ва машинадан чиқибоқ, ўзини ҳамқишлоқлари бағрига отди...

### *Йигирма саккизинчи боб*

Дилбар билан Обиджон ҳар кунгидек тонг гираширасида уйфондилар. Дилбар ёнида пишиллаб ухлаб ётган ўғилчасининг юзидан беозоргиқа ўпди-да, гулдор ҳаворанг халатини кийиб, хона этагидаги бурчак эшикдан ваннахонага кириб кетди. Обиджон ҳам тўшакдан туриб, елкасига тўнини ташлади ва Дилбарнинг ваннахонадан чиқишини кутганча, дераза олдида ҳовли саҳнини томоша қилди. Шофтоли дарахтлари гуллай бошлабди: новдалардаги маржон-маржон пушти гунчаларга ранг кирибди. Майналар учиб келишибди: ҳовли этагидаги бақатерак шохларида булбулларга тақлид қилиб, чуғур-чуғур сайрашади.

Обиджон, Дилбар, Одилжон, Лариса тўрттовлари

Ҳасанбойнинг уйидан соат тўртга яқин, тонг бўзара бошлаганда Дубенконинг «ГАЗ»ида келдилар. Андрей Андреевич, Ранса Петровна, Марина, яна бир қанча меҳмонлар вақт бемаҳал бўлгани учун ўша ерда ётиб қолдилар. Ака-ука дурустгина кайф қилдилар, Лариса ҳам шампань шаробидан озгина тотинди. Ичкиликни ўлгудай ёмон кўрадиган, арақнинг ҳидига кўнгли ағдариладиган Дилбар машинани ҳайдаб келди.

Булар икки соатгина мизғиб олиш учун уй-уйларига кириб қетаётганларида Муборак опа Обиджонни бир четга чақириб, Қўрғонтепадан телефон қилишганини, у эрталаб соат саккизда Узоқовнинг ҳузурига етиб бориши зарурлигини айтди.

Эрталаб аввал келинлар, кейин ўғиллар уйларидан чиқиб келиб, айвондаги стол ёнида дастурхон тузаётган оналарига салом бердилар. Дилбар айвон пешига қатор терилган товоқлардаги қаймоқларни суза бошлади. Лариса чой дамлади.

— Бугун уйдан сал эртaroқ чиқамиз, — деди Обиджон Лариса қуйиб узатган пиёладан қайноқ хушбўй чойни ҳўплар экан. — Мен сизларни Қорабағишга қуйиб; машинани Султонободда Ҳасанбойникида қолдиришим, ўзим соат саккизда Қўрғонтепада бўлишим керак.

— Нега сизни райкомга чақиринди экан? — Дилбар қизиқиб, эридан сўради.

— Нега бўларди? Иш билан чақиринди-да! — жавоб берди Обиджон ва товоқдаги қаймоққа нон тўғраб ташлаётиб, қўшиб қўйди: — Тўғоннинг биринчи навбатдаги муддатидан аввал ишга тушириш масаласи бўлса керак.

— Ундай эмасдир, чунки бу масала яқинда кўрилди-ку! — Дилбар эрига ер остидан маъноли жилмайди. — Ишқилиб, сизни бошқа ишга олиб қўйишмасин!

— Э, нима деяпсан ўзинг! — Обиджон қаймоқни шимиб шишган юмшоқ нон бурдаларини маза қилиб юта бошлади. — Аввало, енгилроқ ишга қўймайдилар, бироқ менинг ҳозирги ишимдан оғирроқ бошқа бир ишни Афлотун ҳам ўйлаб топа олмайди. Одамлар оддий мойжўвоз, жўн унтегирмонга чидаёлмайдилару, биз тоштегирмонда шағал саралаб, байҳабат чўмичларда бетон қориб етказиб беряпмиз.

— Қайдам... — Дилбар қунсайин Польш Робсонга ўхшаб бораётган девқомат эрининг оғзини тўлдириб нон

чайнашига ҳавас билан тикилиб, Ларисадан сўради: — Сен нима дейсан, овсинжон?

— Биз раҳбаримизни ҳеч кимга бермаймиз! — Лариса пиёла тагидаги чойни хўплаб, ўрнидан турди. — Мен қизчамни дарҳол эмизиб қўяй!

У ўз хонасига кириб кетиши билан бошқалар ҳам ўринларидан туриб, ҳовлига тушдилар.

— Кўнглим сезаяпти, сизни бошқа ишга олишади, — деди Дилбар Обиджоннинг кетидан кўчага чиқиб. — Мен идорада кутиб тураман, сиз албатта, Қўрғонтепадан менга телефон қилинг.

— Хўп, албатта, телефон қиламан, — деди Обиджон «ГАЗ-69»нинг олдинги эшигини очиб, Дилбарни чиқарар экан.

Одилжон билан Лариса ҳам ҳовлидан чиқиб келдилар-да, машинага ўтирдилар.

Обиджон учовларини Қорабағишда қолдириб, машинани Султонобод йўлига буриб кетди.

Дилбар идорасига кирганда соат энди етти ярим бўлган, секретарь-машинистка ҳали ишга келмаган, лекин почталъон бугунги газета, хат-хабарларни қабулхонадаги стол устига қўйиб кетган эди. Дилбар шу стол ёнига келиб дераза ёнида тик турганча «Совет Ўзбекистони», «Коммунист» газеталаридаги асосий мақолаларнинг сарлавҳаларини ўқиб чиқди, кейин хатларни қўлига олиб, конвертлардаги адресларга кўз ташлади. Икки-уч хат «Андижонгидрострой»га қарашли қурилиш ташкилотларида ишлаётган комсомол-ёшлардан одатда улар кўпинча ётоқхоналардаги аҳвол, уй-жой танқислиги, ошхоналардаги овқатларнинг сифатсизлиги ҳақида шикоят қиладилар, ишни яхшилаш юзасидан таклифларини ёзиб юборадилар, айни вақтда анчагина хушхабарлар ҳам келиб туради: ишлаб чиқаришдаги ютуқлар ҳақида рапортлар, ёшларнинг никоҳ тўйларига таклифномалар ва ҳоказо...

Бугунги конвертлар ичида биттаси Дилбарнинг эътиборини ўзига тортди. Бу хат БАМдан, Қуанда посёлкасидан, Афзаловдан келган эди.

— Афзалов? — Конвертдаги адресга тикилганча ўйлаб кетди Дилбар. — А. Афзалов... Наҳотки, бу мактуб Анваржондан?..

Дилбар Анваржоннинг бундан уч йил аввал ўқишни ташлаб, армияга кетганини бултур ёзда Обиджон билан

бирга Тошкентга борганида, институтда дипломини ёқлаб, давлат имтиҳонлари топшираётганида, кимдандир эшитган эди.

Дилбар конвертни шоша-пиша очди-да, майда ҳарфда ёзилган мактубни эътибор билан ўқий бошлади.

«Мен учун ҳамиша эъзозли ва қадрли Дилбархон!— деб бошлаган эди мактубини Анваржон. — Мен армия хизматидан бўшаб, юртимга қайтмоқчи бўлиб турган кунларимда онамдан хат олдим. Дадам судда ўн икки йил қамоқ муддатига ҳукм қилинибди, унинг мол-мулки мусодара этилибди. Хуллас, эгри ишнинг қирқ йилда ҳам қийинги чиқади, деганларидай, оиламиз буткул бузилиб, ҳар ёққа путраб кетди.

Сиз албатта, Анварнинг буларни менга ёзишидан мақсади балки, ёрдам сўрамоқчидир?— деб савол беришингиз мумкин. Йўқ, менга ҳеч қандай ёрдам керак эмас. Онамга ҳам ёрдам керак эмас: у ҳозир Хонободга кўчиб бориб, холам Зебо Қодированинг уйида яшаб турганмиш — иккови ҳам уддабурро аёллар бир кунини кўриб кетишади.

Мен ҳозир БАМда, қурилиш поездида, илғор бригадалардан бирида электропайвандчи бўлиб ишляпман. Олий маълумот олабилмаганимга ачинаман, лекин ҳунар ўрганганимдан хурсандман. Менинг бу касбим Кампирравот тўғони қурилишида жуда зарур. Юртимни, қишлоғимни соғинаман-у, юзим шувит бўлиб кетганим учун қайтиб боришга журъат этолмайман. Балки, вақт ўтиши билан дилимнинг яралари битиб кетар, кўп нарса унутилар, Фақат, бир нарса: ёшликда берган кўнгил унутилмайди. Қорадарё бўйларида ёнган чўғ мусаффо ёқутга айланиб, умрбод порлаб туради дилим тўрида...

Сизга боқий бахт, чексиз шодликлар тилаб қолувчи

*Анваржон».*

Дилбар хатни ўқиб чиқди ва Афзалов билан унинг танноз хотини Хонзоданинг сир-асроридан воқиф бўлгач, буларнинг фош этилганлигини кейинги йилларда ҳаётдаги салбий ҳодисаларга қарши олиб борилаётган кураш лавҳаларидан бири деб қўя қолса ҳам, Анваржонга нечундир дил-дилидан ачинди. Дилбарнинг тушунишича, Анваржоннинг ҳаёт сўқмоқларда қайта-қайта қоқилганлиги, сохта обрўга учганлиги, дадасининг дав-

латига гердайганлиги, сийқа жезни соф олтин деб қабул қилганлиги унга анча қимматга тушди.

Дилбар бошқа хатларни ҳам ўқиб чиққач, ҳаммасини стол тортмасига солиб қўйди-да, кабинетга кирган янги секретарь-машинисткаси Карима билан қўл бериб кўришар экан:

— Комитет аъзоларига телефон қилинг, соат ўнга етиб келишсин!— деди ва уларнинг бундай шошилишча қирилиш сабабини тушунтирди:— Соат ўн иккида митинг. Майдонни безатишимиз, меҳмонларни кутиб олишимиз керак.

— Хўп бўлади, Дилбар Илҳомовна, ҳозир телефон қила бошлайман.

Дилбар девордаги осма соатга қаради, саккиздан чорак ўтибди. «Демак, Обиджон ака ҳозир райкомда, Узоқовнинг ҳузурида... — Ўйлади Дилбар ҳамон дераза ёнида туриб, «Андижонгидрострой» биноси ёнидаги бугун митинг ўтказиладиган кенг саҳнни кўздан кечирар экан.— Уни райкомга бекорга чақиришган эмас. Янги шаҳар ташкил қилиняпти. Уни албатта, шу муносабат билан йўқлашган. Балки, уни шаҳар ижроия комитетига, чунончи ободончилик бошқармасига ишга олишмоқчидир? Бу ишга Обиджондан муносиброқ яна ким бор?..»

Дилбар шундай ўйлар билан банд экан, телефон жириглади. У трубкани кўтариб, қулоқ солди:

— Эшитаман.

— Бу мен, Дилечка!— трубкада Маринанинг қувноқ товуши жаранглади. — Сизлар кетгандан кейин биз яна бир соатдан кўпроқ ўтиришдик, роса ўйин қилдик. Мен Ҳасаннинг «Андижон полка»га бунақа зўр рақсга тушишини биринчи кўришим!..

— Мен сен учун хурсандман, Мари! — Дилбар дугонасининг бахтидан қувониб:— Ҳасан — олтин йигит! — деб унинг фикрини қувватлади ва сўради: — Ҳали ҳам ўша ердамисизлар?

— Ҳа! — Марина ҳамон севинчи ичига сиғмай, ҳаяжонланиб сўзларди:— Яқинда Обиджон дадамнинг машинасида келди-да, Ҳасаннинг «Жигули»сида иккови Қўрғонтепага, райкомга кетишди.

— Ҳасанни ҳам чақиришибдими?— Дилбар дугонасидан қизиқиб сўради.

— Ҳа, даданг кеча кечқурун бюро мажлисига борганида Ҳасаннинг армиядан келаётганини Узоқовга айтибди. Бугун эрталаб Ҳабиба Камоловна телефон қилиб, Ҳасан билан сўзлашди, ундан анча нарсаларни сўраб олди ва дарҳол райкомга етиб боришни буюрди. Хуллас, Обиджон билан, Ҳасан иккови Қўрғонтепага кетишди.

— Сен ўзинг нега ишга бормай, Ҳасанникида қолиб кетдинг?— Дилбар дугонасига илмоқли савол берди.

Ҳамма ишга кетиб, биз Ҳасаннинг онаси билан иккимиз қолдик, — деди Марина севинчдан тошиб. — Ҳасан: «Мен келгунча, шу ерда бўлиб тур, уйни йиғиштир, савзи-пиёзни тўграб тур, ошни ўзим дамлайман!»— деб жанговар топшириқ бериб кетди. Қозонлар ювилмаган, ҳаммаёқ идиш-товоқ!..

— Масала равшан, уй бекаси! — деди Дилбар кулиб. — Идиш-товоқларни тезда ювсинлар-у, «Усталар мактаби»га етиб борсинлар! Мактабнинг бутун коллективи соат ўн бир яримда «Гидрострой» олдидаги майдонда бўлиши шарт. Педагоглар, хизматчилар, талабалар яхши кийинсинлар, байроқлар, шиорлар олиб чиқилсин! Тушунарлими, келинчак?

— Тушунарли, ўртоқ комсомол секретари! — деди Мари́на жиддий оҳангда ва секин сўради: — Ҳасанни кутмайми?

— Ҳасан ўзи сени топиб олади, Мари! — Дилбар энди дугонасини эркалаб сўзлади. — У сени севади, бир дақиқа ҳам, бир қадам ҳам нарига жилдирмайди. У сени бошида кўтариб юради, Мари!

— Раҳмат, Дилечка!

Дилбар трубкани аппарат устига қўйди-да, очиқ эшикдан қабулхонага қичқирди:

— Қарима! Дарҳол трубкани кўтариб, секретарларга телефон қила бошла, акс ҳолда, аппарат бўшамай қолади!

Янги шаҳар ташкил этилишига бағишланган митинг-да ёшлардан, албатта, бир киши сўзлаши керак. Қим сўзласа экан? Дилбар бундан аввалги йиғилишларда сўзга чиққан комсомол аъзоларини бирма-бир эслади-да, бу гал ҳам Одилжонга тўхтади. У илғор автоколонианинг бошлиғи, комсомол Марказий Қомитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шофёр. Фақат бир «лекини» бор: Одилжон Дилбарнинг қайниси. Бошқа



ёшлар «секретарь ўз қариндошини сўзга чиқарди», дейишмасмикин? Ё бетон заводининг илғор мастери Лариса сўзласинми? Ундоқ деса, Лариса Дилбарнинг овсини... Яна гап бўлиши мумкин. Дилбарнинг эса, ўзгаларнинг дашноми уёқда турсин, озгина гапга ҳам тоқати йўқ!

Дилбар шундай ўйлар билан банд экан, дафъатан кўз олдида Ҳасан жонланди. Бугунги митингда ёшлар номидан сўзлаш учун Ҳасан — энг муносиб номзод: ҳам шу ернинг фарзанди, ҳам армияда хизмат қилиб, интернационал бурчини аъло даражада бажариб келган орденли сержант, ҳам ҳар қандай нутқни қотириб ташлайдиган сўзамол йигит! Бунинг устига у армияда партияга кириб келибди, бу — унинг яна бир фазилати.

Тўсатдан тугилган фикрдан Дилбар дил-дилидан қувонди ва комсомол комитетининг аъзолари йирилганда шу фикрни ўртага қўйишга қарор берди. Ҳозирча эса, у эрталабдан бери кўнглини гаш қилиб турган жумбоқни ечиб олиши керак: нега Обиджонни райкомга чақирдилар? Унинг ҳаётида қандай ўзгариш бўлади?

Телефон бўшагач, Дилбар қабулхона эшигини ёпдида, трубкани кўтариб, бетон заводини улашни сўради. Трубкани Лариса олди.

— Овсинжон, бу мен, — деди Дилбар унга. — Обиджон ака Қўрғонтепадан келдими?

— Келди, — Лариса нечундир товушини пасайтириб-роқ жавоб берди.

— Телефонга чақир!

— Чақиролмайман, — Лариса ҳамон паст товуш билан гапирарди. — Эринг нима-ю, қутирган шер нима! Кимки, унинг яқинига борса, ғажиб ташлаяпти...

— Нега энди? — Дилбар таажжубланиб сўради.

— Биз кейинги кунларда ҳар тўрт минутда самовалга бетон тўлдирардик. Бу муддат бугун тўрт ярим минутга чўзилди. Эринг райондан келди-ю, цикл секинлашганини кўриб, дарғазаб бўлди. У ҳозир бетон қориш цехида ишни кузатиб турибди, унинг яқинига бориш хавфли, айтдим-ку ғажиб ташлайди деб.

— Майли, кейинроқ телефон қиларман, — деди Дилбар Обиджоннинг райондан келганидан ва яна ўз иши билан шуғулланаётганидан кўнгли тинчиб. — Аммо, сен комитет мажлисига етиб кел, Дмитриева! Соатингга қара: ўн минут қолди!

Лариса: «Бошлиқ рухсат берса...»— деб гап бошлаган эди. Дилбар унинг сўзини қирқди: «Бошлиғингга эслат, у ҳам бундан бир неча йил аввал комсомол аъзоси бўлган, интизомни бузмасин!»

— Хўп, айтаман, — деди кулиб Лариса ва қўшиб қўйди:— Вой-бў, икки ўтнинг ўртасида қолдим-ку!

Дилбар трубкани аппарат устига қўйиб, бир нафас ўйга толди-да, ўрнидан туриб, қабулхона эшигини очди ва мажлисга келганларни кабинетга таклиф қилди.

Комитет аъзолари 15 киши. Булар қурилишнинг турли участкаларида ишлайдилар, яъни ҳамма завод, СМУ, ПМК, «Усталар мактаби» ва ҳоказо ташкилотларда комсомолнинг ўз вакиллари бор. Мажлисга Марина билан Лариса ҳам етиб келдилар. Маринанинг кўзларида бахт нури яшнаб турган бўлса ҳам, унинг тун бўйи ухламай меҳмон кутгани, ҳориб-толгани шундоққина кўзга ташланди. Лариса мажлисга ҳаммадан кейин келган бўлса ҳам ўтирган ерида типирчилайди: ҳозир унга рухсат берилса-ю, қанот пайдо қилиб, заводига учса!..

«Обиджон акамнинг қаҳри қаттиқ.— Ларисага кўз ташлаб, ўйлади Дилбар.— Қимки, ёмон ишласа, жонини суғуриб олади!»

Дилбар вазиятни ҳисобга олиб, мажлисни қисқа қилишга уринди.

— Ўн икки-ю ноль-нолда Бошқарма олдидаги майдонда янги шаҳар ташкил этилишига бағишланган митинг бўлади,— деди у ўрнидан туриб. — Ҳар бирингиз ташкилотларингиздан юз кишидан вакил ва ўн кишилик дружина отряди олиб келасиз. Марина Андреевна, сизнинг мактабингиз тўла составда келади, дружиначилар отряди ҳам эллик кишидан иборат бўлади. Дружиначилар милиция бошлиғи капитан Солиев ихтиёрига берилди. Ҳамма яхши кийинган, орден, медалларини тақиб олган бўлиши шарт. Қорхона ва муассасаларнинг байроқлари, шиор ёзилган алвонлар олиб чиқилади. Майдонда ҳар бир ташкилотнинг ўз жойи бўлади. Шуни унутмангизки, область ва райондан раҳбарлар келишди. Хуллас, тартиб аъло даражада бўлиши керак. Мен сизларни соат ўн биру ўттизда майдонда шахсан ўзим кутиб оламан. Тушуварлими? Ёки саволлар борми?

Лариса:

— Тушуварли,— деб шошиб ўрнидан тураётганда Марина қўл кўтарди:

— Саволим шуки, митингда ёшлардан ким сўзлайди?  
Дилбар:

— Ҳасан Иброҳимов!— дейиши билан мажлисдагилар хандон отиб кулиб юборишди.

Ёшлар кабинетдан гуриллаб чиқиб кетаётганарида Дилбар:

— Лариса, сен қол!— деб уни тўхтатди.

Лариса қолиб, Дилбарнинг дардлашмоқчи бўлганини сезгани учун кабинет эшигини ичидан зич ёпиб қўйди.

— Обиджондаги ўзгаришга сен нима дейсан, овсин?— Дилбар Ларисага ташвишли тикилди.— Уни бугун «чап ёни билан турган» десам, эрталаб жуда қувноқ эди. Нега районга борди-ю, авзойи ўзгарди?

— Ҳа, унинг важоҳатидан ит ҳуркади, — Лариса овсинига тушунтирди. — Илгарилари ҳам иш юришмаса, бирорта цех бошлиғи, мастер ёки самосвал шофёри интизомни бузса, бошлиғимиз ғазабланиб, кўпикдай тошар, шердай ҳайқиришидан бутун завод ларзага келарди. Бугун ҳам унинг қайнаб-тошишига асос бор, албатта. Обиджон бетон қориш муддатини кундан кунга қисқартириб боряпти. Аввал ўн, тўққиз, саккиз, етти минутга туширди. Кейинги бир ойда ишлаб чиқариш жараёни такомиллаштирилиб, бу муддат тўрт минутга олиб келинди, яъни ҳар тўрт минутда битта самосвалга тўғон учун юқори маркали, аъло сифатли бетон қоришмаси тўлдириб берилади. Нима бўлди-ю, тунги сменадан бу муддат тўрт ярим минутга кўтарилди ва эрталабки биринчи сменада ҳам бундан камаймади. Соат тўққиздан сал ошганда Қўрғонтепадан етиб келган Обиджон одати бўйича дарҳол конвейер тепасига борди ва соатини қўлига олиб, ишни синчиклаб кузатиб турди. Албатта у бир неча дақиқадаёқ сусткашликни сезиб, тегишли одамларни йиғди-да, қилди тўпалон-қилди тўпалон!... Биз ҳаммамиз тартибузарлар ҳам бўлдик, саботажчилар ҳам бўлдик, хайфсан ҳам олдик!..

— Унинг асабийлашишига сабаб фақат иш суръатининг сал пасайганимикан? — Дилбар ўйчан кўзларини Ларисага қадади. — Сен бошқа ҳеч нарсани сезмадингми, овсинжон?

— Нимани сезишим мумкин?— Лариса ҳайрон бўлиб, елкаларини учирди.— Биз бошлиғимизнинг феълига ўрганиб қолганмиз. Унинг қаҳри қаттиқ бўлгани билан, меҳри юмшоқ. Иш юришиб кетса, терисига сиғмай,

одамларни қучоқлаб, ўпиб табриклайди, мукофот беради, мажлисларда кўкларга кўтариб мақтайди!..

— Майли, овсинжон, сен бор. — Дилбар Ларисани қабулхонагача кузатиб чиқди ва у кетгач, Қаримага: — Мен Бошқармада бўламан,— деди-да, Жуковнинг ҳузурига йўл олди.

...Соат ўн иккига бир неча дақиқа қолганда Бошқарма биноси олдидаги майдон одамларга тўлди. Оломон тепасида қизил байроқлар, шиор ёзилган алвонлар чайқалади. Маданият уйининг ҳаваскорлар оркестри байрам маршларини янгратади. Қорабағишга Андижон — Уш йўлидан, Тополино, Хонобод томонлардан, айниқса Қорадарёнинг тўғон қурилаётган икки соҳилидаги заводлар, қурилиш участкаларидан тўда-тўда одамлар ҳамон оқиб келадилар. Дилбар бошлиқ комсомол комитетининг аъзолари майдонни айланиб, одамларни тартиб сақлаб туришга, шу дақиқаларда Қўрғонтепа томондан келиши кутилаётган машиналарга оломон орасидан очилган йўлни беркитиб қўймасликка чақирадилар.

Дилбар Бошқарма биносига, унинг иккинчи қаватидаги деразаси ланг очиқ ўз кабинетига тез-тез қараб қўяди. У ерда Ҳасан митингда ёшлар номидан сўзлайдиган нутқини тайёрлаяпти. Марина унга ёрдам беряпти.

Дилбар яна Қорадарёнинг нариги чап қирғоғига — бетон заводи томонга қарайди. Обиджон ҳамон ўша ерда — митингга кечикяпти.

— Лариса, нега у келмаяпти? — тоқатсизланиб сўради Дилбар ёнида турган овсинидан. — Ахир, митинг бошланишига беш минут қолди-ку?

— Мен заводдан чиқаётганимда уни кўрмадим, балки меҳмонларни кутиб олувчилар ичида катта йўлга чиққандир. — Лариса овсинининг тирсагини туртди. — Қўй, ҳадеб ташвишланаверма, эринг ҳозир келади.

Шу пайт йўлда қатор машиналар: олинда ГАИ мотоцикли, Қорабағиш милиция участкасининг бошлиғи капитан Солиевнинг яшил белбоғлик оқ «Жигули»си, булардан кейин обком ва оближрокомнинг «Волга»лари кўринди.

Майдоннинг баланд бир ерида — Бошқарма биноси ёнбошидаги дўнгликда карнайчи, сурнайчи, ноғорачилар билан суҳбатлашиб турган Девонов ота ўнг қўлини баланд кўтарди. Бу музикачиларга ишора бўлиб, карнай-

лар «Ғат-Ғут»и, сурнайлар чинқириғи, ноғоралар «така-тум»и еру кўкка ларза солиб янгради.

Байрам бошланди.

Машиналар карвони катта йўлдан ўнгга бурилиб, «Усталар мактаби», уч-тўрт қаватли тураржой бинолари ёнидан ўтди ва юришини секинлатиб, бошқарма томонга кела бошлади-да, майдондан сал нарироқда тўхтади. Биринчи машинадан Исматов, Узоқов, Мусаев, иккинчи машинадан Камолова, ҚФК бошлиғи Дехқонота, Бошқарма партия ташкилотининг секретари Владимирова ва Обиджонни тушиб келдилар.

Дилбар Обиджонни кўрди-ю, бошқа машиналардан тушаётганларга ортиқ эътибор бермай, Ларисанинг биллагидан маҳкам ушлади-да:

— Ҳали шошмай турсин Обиджон! — деб тошиб гапирди.— У кейинги кунларда минғаймай, «ичимдагини топ» бўлиб қолган эди-я! Муҳаббатдан лоф урган эрининг хотинидан сир сақлаши қимматга тушишини мен унга кўрсатиб қўяман!

— Ўзингни бос!— Лариса дарғазаб овсинининг биллагини чимчилади.— Хурсанд бўлмайсанми эринг шундай обрў топса! Қара, у раҳбарлар билан бирга президиумга чиқяпти!

Дарҳақиқат, майдон юқорисига — Бошқарма биносининг олдига шу бугун кечаси тахта-ёғочлардан қурилиб, алвонлар билан ўралган ва ўттизга яқин стуллар терилган баланд президиумга Исматов, Узоқов, Мусаев, Камолова ва бошқалар чиқа бошладилар. Шунда Владимирова майдондаги тартибни кузатиб турган капитан Солиевни чақириб, унга ниманидир тайинлади. Солиев бош ирғаб, майдоннинг чеккароғида турган Дилбар билан Ларисанинг олдига югуриб келди ва ҳарбийларга хос буйруқ оҳангида:

— Зуфарова, Иброҳимов билан дарҳол президиумга чиқар экансиз!— деди.

Дилбар Ҳасанбой билан Маринанинг Бошқарма биносидан чиқишганини ва минбар яқинида суҳбатлашиб туришганини кўргани учун дарҳол ўша томонга қаради. Марина Ҳасанбойнинг қўлидан ушлаб олиб, қуллоғига алланималарни қуйиш билан машғул эди.

Дилбар ҳарбий формаси, кўкрагидаги «Қизил юлдуз» ордени, медаллари, значоклари ярашиб турган Ҳасанбойнинг олдига тез юриб келди-да:

— Қағи, юринг!— деб уни бошлади.

Булар бошқалардан кейин президиум сўрисиға чиқиб, энг орқа қаторға ёнма-ён ўтирдилар.

Биринчи қаторнинг ўртасидан ўрин олган Узоқов ўрнидан туриб, микрофонни чертиб кўрди ва унинг ишлаётганиға ишонч ҳосил қилгач, мулойим босиқ товуш билан камтарона сўзлай бошлади:

— Ҳурматли ўртоқлар! Халқимиз ҳаётида тарихий воқеа — бизнинг Қўрғонтепа райониғиз территориясида янги шаҳар ташкил этилишиға бағишланган митингни очиқ деб эълон қиламан. Сўз область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Исматовға берилади.

Исматов митинг қатнашчиларининг қарсақлари остида минбарға келиб, ўнг қўлини баланд кўтарди ва:

— Ҳақиқатан ҳам бугун халқимиз ҳаётида тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деб Узоқовнинг фикрини қувватлади. Қорадарё воҳасида, Кампирравот дарасида амалға оширилаётган қурилиш бутун Фарғона водийсини, қўшни Қирғизистоннинг бир қанча районларини сув ва нур билан таъминлайди. Бу ерда қирқ бир миллатға мансуб йигирма мингдан ортиқ совет кишилари мислсиз жасорат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Партия ва ҳукуматимиз бу ер аҳолисининг хоҳиш ва иродасини инobatға олиб, областға бўйсунадиган янги шаҳар ташкил этишға қарор бердилар. Ижозатингиз билан мен Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттираман.

Исматов фармонни ўқиб берди ва ёшлик, бунёдкорлик шаҳри бўлган янги шаҳар аҳолисиға коммунистик ижодкорликда муваффақиятлар тилади.

У ўрниға келиб ўтириши билан Узоқов қўл кўтардида, ўрнидан туриб, майдондагиларға мурожаат қилди:

— Янги шаҳарға ном қўйишимиз керак, ўртоқлар. Кимда қандай таклиф бор?

— Менда бор!— Девонов созандалар тўпидан ажраб чиқиб, минбар томонға яқин кела бошлади.

— Марҳамат, Умархон ота!— Узоқов жойиға ўтираётиб хушнуд қиёфада Девоновға кўз қадади.

Қора чопониға ўралиб олган, бошида янги чувт дўпписи яшнаб, баланд пошнали битов кўн этиги бўйини баланд қилиб кўрсатиб турган оқсоқол минбарға чиқи-

боқ, микрофонга ҳам эътибор қилмай, овози борича бақира кетди:

— Тўрт томон қишлоқлар хон, бекларнинг алмисоқдан қолган номлари билан аталади: Хонобод, Султонобод, Бекобод, Жалолобод...

Ёши тўқсонни қоралаб қолган, лекин ўзи тетик Умархон отанинг бу сўзлари майдондагиларни бир оз жонлантиргандек бўлди.

— Қардрдонлар! Болаларим!— Девононинг кўзларида севинч чақнади.— Раҳмат Коммунистик партиямизга! Раҳмат Совет ҳокимиятига! Бизга эрк, бахт, чин инсоний ҳаётни шулар берди. Биз ўз қадримиз, шавкатимиз, улуғимизни Совет ҳокимияти туфайли топдик. Советобод бўлсин янги шахримизнинг муборак номи! Гапим таом, вассалом.

Умархон ота оломоннинг гулдурос олқиш, қийқириқлари остида минбардан тушаётганида, Узоқов:

— Ота, президиумга чиқинг!— деб уни таклиф қилди ва Девонов Исматовнинг ёнига ўтириб олгач, митинг иштирокчиларига мурожаат қилди:

— Агар бошқа таклифлар бўлмаса, ўртоқ Девононинг таклифини овозга қўяман: кимки Кампирравот сув омбори қурувчиларининг янги социалистик шахрига Советобод номи берилсин деса, қўл кўтарсин!

Майдондаги минглаб одамлар баравар қўл кўтариб, чапак чалиб юбордилар. Кутилмаганда карнай, сурнай, ноғоралар ҳам янгради.

Бир неча дақиқа давом этган тантана садолари тишгач, Узоқов:

— Ташкилот комитети тузганимиз керак,— деди. Бу комитет ҳозирча, то сайлов ўтказилгунига қадар шахар ижрокоми вазифасини бажариб туради. Район партия комитети янги шахар, яъни Советобод шахри Тошкент комитетини қуйидаги составда тузишни таклиф қилади: Комилов Обиджон Комилович (раис), Камолов Комилжон Камолович, Дубенко Раиса Петровна, Солиев Худойқул, Иброҳимов Ҳасан Иброҳимович — комитет аъзолари. Исм, фамилиялари эълон қилинган ўртоқларни танийсизларми?

Майдондан: «таниймиз», «биламиз», деган овозлар эшитилди. Узоқов буларни бирма-бир овозга қўйганда, ҳамма яқин маъқуллаб қўл кўтарди.

Шундан кейин Узоқов:

— Уртоқлар! Советобод — ёшлар шаҳри! — деди-да, комсомол-ёшлар номидан сержант Иброҳимовга сўз берди.

Ҳасанбой ҳеч қачон бундай катта йиғинларда сўзлаган эмас. У минбар олдига келишга келди-ю, ҳаяжонланиб, гоҳ оқариб, гоҳ қизариб, сўзлай деса тили тутилиб, бир нафас сўррайганча туриб қолди. Узоқов:

— Гапираверинг, Ҳасанбой! — дегандан кейингина гимнастёркасининг ўнг чўнтагидаги тўрт букланган қоғозни чап қўли билан олди, минбар тахтасига қўйиб, аста текислади ва шундан кейингина ўзини сал ўнглаб олиб, Марина машинкада босиб берган бир қоғозлик нутқини ўқий бошлади...

Президиумнинг орқа қаторида ўтирган Дилбар Ҳасанбойнинг ўзига билдирилган ишонч учун жонажон партия шаънига айтган миннатдорчилик сўзларига кулоқ солар экан, икки қатор олдинда ўтирган Обиджоннинг анчадан бери олинмаган жингалак сочи қоплаган йўғон бўйнига, орқа томондан нечундир хунук кўринган шалпанг қулоқларига, азбаройи кўп терлашидан оқ кўйлағининг кир бўла бошлаган ёқасига қарар экан, эрига ич-ичидан ачинди: «Мен ундан ранжиб юрибман, аслида менинг парвосизлигимдан у ранжиши керак. Иш-иш деб, на кийимига, на овқатига қарасламан. Энди у — Советободнинг раиси, яъни шаҳар мэри! Вазифаси масъулиятли, меҳнати оғир...»

Ҳасанбой сўзини тугатиб, ўрнига келиб ўтиргач, «уф...» деб, пешанасининг терини дастрўмоли билан арта бошлади-да, ёнидаги Дилбардан илтимос қилди:

— Иш бўлса менга буюраверинг-у, аммо бундан буёқ зинҳор сўзлатманг!

Дилбар мийиғида кулиб ва минбарга чиқиб, янги шаҳар ташкилот комитетининг вазифаларини тушунтириб бераётган Исматовнинг сўзларига кулоқ еолди.

— Ишни Советободнинг беш планини тузишдан бошлаш керак, — дерди обком секретари. — Бу шаҳар бошқа ҳеч бир шаҳарга ўхшамасин, аммо жами социалистик шаҳарларнинг энг гўзал ютуқ, фазилатларида фойдаланиш керак. Чунончи, Навой, Пушкино, Сумгаит, Абовян, Шевченко, Ангрен шаҳарларида анча ибратли янгиликлар бор. Хуллас, энг яхши архитекторлар, меъморлар, рассомларни жалб этиш зарур. Бу шаҳар — мард бунёдкорлар шаҳри, ёшлар шаҳри. Бу шаҳар ҳеч нар-



сага муҳтож бўлмаслиги шарт. Советобод — коммунистик шаҳар бўлиши керак, ўртоқлар!

Митинг тугади.

Обиджон меҳмонларни тўғон қурилишини томоша қилишга таклиф қилди.

Раҳбарлар майдондан ўтиб, машиналар турган ерга йўл олдилар.

Обиджон қизлар тўдасида турган Дилбарни кўриб қолди-да, унинг олдига келди.

— Табриклайман, — деди Дилбар эрининг чарчоқ юзига термилиб.

— Раҳмат, жоним! — Обиджон Дилбарга тайинлади:— Ҳаммангиз тўғонга борингизлар. Ана, Ҳабиба Қамоловнанинг машинаси бўш, дарҳол чиқинглар!

У шундай деди-да, ўзини машина ёнида кутиб турган Узоқов томонга чолиб кетди.

Дилбар қизлар билан бирга Қамоловнанинг машинасига чиқиб, Ларисанинг ёнига ўтирар экан:

Обиджоннинг иши яна кўпайди, — деб қўйди.

— Жаҳлингдан сал тушдингми, овсинжон?— Лариса қиқирлаб кулди.

Дилбарнинг чеҳраси очилиб, таранг асаблари сал бўшашди...

### Хогима

Орадан беш йил ўтди.

Мен чет эл сафаридан узоқ Перудан қайтаётиб, «ИЛ-62» самолётимиз Шереметьево аэропортига қўнаётганида портфелимдаги қоғозларни бир-бир кўздан кечирар эканман, советободлик қадрдоним Илҳом Зуфарович Зуфаровнинг сўнги хатига кўзим тушди. «Усталар мактаби» директорининг мен сафарга чиқишимдан бир кун аввал етиб келган мактубида мени уч ҳафтадан кейин, яъни йигирманчи майда туғилган кунига, тўғрироғи, олтмиш йиллик юбилейига таклиф қилган эди.

Бугун эса, ўн саккизинчи май, пайшанба. Соат — кеч олти. Яна бир неча дақиқа ўтгач, Шереметьево аэропортига соғ-саломат қўнганимиздан кейин, ҳужжатларни расмийлаштиришга камидан бир соат, таксига тушиб, «Россия» меҳмонхонасига етиб боргунча яна бир соат, хона олиб жойлашгунча бундан ҳам кўпроқ вақт

кетеди. Хуллас, бугунги кунни ҳисобдан ўчириш керак. Эртага жума — ҳафтанинг охириги иш куни. Ёзувчилар союзига бориб, сафар ҳисобини бераман, нашриётда, газета редакцияларида ишим бор, дўстлар билан учрашиш керак.

Албатта, эртага тунда самолётга чиқсам, педагог дўстимнинг юбилейига етиб боришим мумкин. Москвадан Тошкент ёки Андижонга етказиб қўйиш бизнинг кунларда, айниқса, ёз-ёруғ фаслда авиация учун муаммо эмас.

Лекин, масаланинг иккинчи томони бор, одамнинг ёши бир жойга бориб қолганда, узоқ йўл жуда толди-рар экан. Йигирма икки куннинг олти кечасини самолёт креслосида ўтириб ўтказдим: Лондон — Нью-Йорк, Майями-Лима ва Лима-Икитос (Перунинг шимолидаги қадимги шаҳар) йўллари ва қайтишда ҳам шу уч масофани турли авиакомпанияларнинг самолётлари тунда босиб ўтдилар. Кечаси билан креслога боғланиб ўтириб чиқилгандан кейин аъзойи бадан жонсизланиб, айниқса, оёқлар увушиб, латтага айланиб қолади.

Хуллас, самолёт Шереметьевонинг бетон йўлига равон қўнди, трап ҳам дарҳол уланди, автобуслар ҳам тайёр экан. Сал юрилгандан кейин томирларда қон юришиб, оёқларнинг увушгани ҳам ёзилди. Орадан икки соатча вақт ўтгач, «Россия» меҳмонхонасига кирдим-у, биринчи қаватда ишлаб турган авиакассани кўриб, яна Илҳом Зуфарович хаёлимда жонланди-да, унинг туғилган кунига етиб боришга қарор бериб, эртага тунда учадиган Москва — Андижон рейсига билет олдим.

Йўл ҳордиғи бир кечадаёқ ёзилди, эртаси кун мўлжалдаги ишларнинг ҳаммаси кўнгилдагидай ўринлади, қадрдонимга совғалар, чунончи, «Москва» альбоми, «Улуғ Ватан уруши» китоби ва ҳоказо нашрларни олишга ҳам улгурдим.

Йўл юрганлар етар манзилга,  
Иптилганлар етар муродга...

Мен ҳар бир ишни ўз вақтида қилишга ўрганганман. Одамларни кутдиришни ёки айтилган ерга кечикиб боришни одобсизлик деб биламан. Самолётга ҳам ўз вақтида чиқдим-да, орқароқдаги қатордан ўз жойимни топиб ўтирдим-у, ўйга шўнғидим.

Орадан ўтган бу йиллар ичида Қорадарё бўйлари,

Кампирравот дарасининг манзараси анча ўзгариб кетган бўлса керак. Янги шаҳар — Советобод қанақа тус олдийкин?

Мен улкан тўғоннинг қуриб битказилгани, бир миллиард 750 миллион кубометр ҳажмдаги сув омборига «Андижон денгизи» деб ном берилгани, унинг бешта нов-шлюзидан беш дарё: Андижонсой, Шаҳрихонсой, Қирғизсой, Савайсой ва ниҳоят, Қорадарёнинг ўз ўзанига обихаёт тўлиб оқиб тургани, бинобарин каналларнинг қирғоқлари бетон билан қопланганлиги, ирригация ва мелнорация ишларига қадимдан миришкор бўлган водий деҳқонлари пахта, пилла, дон ҳосилини, чорвачилик маҳсулотини йилдан-йилга ошириб бораётганлари ҳақида кўп эшитар, ўқир эдим-у, бироқ «эшитган бошқа, кўрган бошқа», деганларидай, дилимга азиз диёр жамолини яна бир кўришни ва иложи бўлса, ўша афсоналар ўлкасида бир неча муддат яшашни орзу қилиб юрардим.

Ёнимдаги бўш жойга кимдир келиб ўтирди. Ҳарбий формадаги, тирсақлари қаттиқ, девқомат, анча қўпол одам экан, креслога базўр сиғиб, мени ҳам суриб, қисиб кўйдди. Мен:

— Ҳай ука, сал нари сурилинг! — демоқчи бўлиб, унга қарадим-у, полковникни (ҳа, бу одам погонларида учтадан йирик юлдузлари ялтираб турган полковник эди!) таниб, ҳангу манг бўлиб қолдим:

— Э, Худойқул, бу сизмисиз? Бунга қаранг-а, ҳамроҳ эканмиз!

Полковник Солиев ҳам мени дарҳол таниди:

— Ия, домла, Андижон самолётига чиқибсиз, яна биз томонларга бораётган бўлманг?

— Топдингиз, полковник! — Мен таниш учраганидан қувониб, у билан қўл беришиб кўришдим. — Советободдамисиз ёки ҳарбий унвонингизга қараганда...а, лаббай?

— Хотиржам бўлинг, домла, Советободдан. — Полковникнинг кўзлари ёнди: — Советободдан кетиб бўладими! Дунёда дарёлар бўйича шаҳарлар бор, лекин ҳеч бир шаҳарнинг ўз дарёси йўқ. Советободнинг эса битта эмас, бешта дарёси бор. Аҳолимиз кичикрок шаҳарникича бор. Тепалар — боғ, хиёбонлар — гулзор, маданият саройимизга «Дўстлик» номи берганмиз. Исми жисмига монанд деганларидай, элликка яқин халқ ва миллатларнинг фарзандлари яшайдиган шаҳарга монанд бу ном!

Устоз педагогимиз Илҳом Зуфаровичнинг юбилейини ҳам «Дўстлик» саройида ўтказамиз.

Мен Солиев билан ҳамсуҳбат бўлиб қолганимдан фойдаланиб, аввало унинг рафиқаси Қуёшхонни, фарзандларини сўрадим. Қуёшхон ҳамон мактабда директор бўлиб ишлар экан, партиянинг ўрта мактабларда таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилиш ҳақидаги қарори асосида унинг мактаби Советобод мактаблари ичида биринчиси бўлиб намунали bilim ва ҳунар ўчоғига айланибди. Буларнинг ўз болалари олтига бўлибди. Умуман, бола туғилиши соҳасида Андижон области республикада биринчи ўринда бўлса, Советобод областда совриндор экан!

Мен бошқа танишларимни ҳам полковникдан бир-бир сўраб олганимдан кейин, гапни Зуфаровга бурдим:

— Илҳом Зуфарович бошқа қизларини ҳам узатдимми?

— Ҳа, ҳаммасини куёвга берди, — деди Солнев жилмайиб. — Қизлар ҳам йигитлар ҳам ҳаммалари қурилишда ишлайдилар.

— Дилбар-чи?

— У ҳамон бошқармада комсомол комитетининг секретари.

Осмонда керакли баландликка кўтарилиб олган самолётнинг чироқлари ўчиб, пассажирлар бирин-кетин пинакка кетаётганликларини кўргач, мен товушимни пайсаптириб, полковникка охири саволимни бердим.

— Обиджон шаҳар ижрокоми раислигини эплаб кетдимми?

— Эплаганда қандай! — Солиев фахрланиб гапирди. — Советобод — намунали коммунистик шаҳар. Борганда кўрасиз, домла! Аммо шуни ҳам айтиб қўяйки, Урта Осиёдаги биринчи фуникулёр бизнинг шаҳримизда!..

Мен беихтиёр:

— Табриклайман! — дедим-да, кўзларимни юмдим.

...«ИЛ-62» ҳаво кемаси Андижон аэропортига эгалаб роппа-роса соат олтида қўнди.

— Мана шу бетон йўлни ҳам Советобод қуриб берган, — деди Солнев самолёт иллюминаторидан икки ёнида кўк чироқлар чақнаб турган қўниш йўлига имо қилиб.

— Яъни? — Мен албатта, таажжубланиб сўрадим.

— Тўғон, ГЭС қурилиб битказилгач, — деб тушун-

тирди менга полковник,— Советободнинг sanoat корхоналари, шу жумладан, бетон заводи, уйсозлик комбинати бутун Фарғона водийси ва қўшни Қирғизистоннинг буюртмаларини бажара бошладилар. Жумладан, Андижон аэропортининг бетон йўлини қуриб бердилар. Шу кунларда Советободда кабель заводининг қурилиши қизитиб юборилган. Унинг ҳам оталиғини Советобод олган. Хуллас, қилинаётган улкан ишлар айтган билан адо бўлмайди. Ўзингиз бориб, ўз кўзингиз билан кўриб, ишонганингиз маъқул.

— Албатта, албатта!..— Мен полковникнинг фикрини маъқулладим ва унинг таклифи билан Андижон аэровокзалининг кенг майдонида, қатор тизилган машиналарнинг ўртароқ бир ерида уни кутиб турган яшил белбоғлик қўнғирранг «ГАЗ-69» машинасига ўтирдим.

Машина ўн минутча юргандан кейин Андижоннинг обод кўчалари орқада қолди, «Боғи шамол» истироҳатгоҳи жойлашган адирлар ёнидан ўтиб, Қўрғонтепага олиб борадиган йўлга чиқдик.

Мен соғинган шаҳрим — Советободга, соғинган наҳрим — Қорадарёга, соғинган баҳрим — Андижон денгизига боряпман. Мен у ерда азиз дўстларимни — янги дунё бунёдкорларини кўраман.

Мен ардоқли замондошларим Карим Узоқов, Ҳабиба Қамолова, Обиджон Комилов, Умархон ота Девонов, Ҳасанбой Иброҳимов, Андрей Дубенко билан Дилбарлар, Мариналар, Қуёшхонлар, Ларисалар, яна ўнлаб, юзлаб қадрдонларим билан суҳбатлашаман.

Ниҳоят, мен «Усталар мактаби»ни зиёрат қилиб, меҳри дарё мураббий Илҳом Зуфаровни камолот ёши билан муборакбод этаман.

Мен милиция полковнигининг машинасида баҳор оғушида, қир-адирларни қип-қизил лолалар қоплаган, поёнсиз пахтазорларида гўза маржонлари яшнаган водий йўлларида елиб борар эканман, орадан бир соат ўтар-ўтмас, рўпарамда бебош Қорадарё йўлини тўсиб, улуғ денгиз ҳосил қилган юксак тўғон ва унинг ёнбошида ям-яшил шаҳар — Советободнинг оппоқ иморатлари кўринди.

Мен яна бир неча дақиқадан кейин шу шаҳар кўчаларидан ўтиб, «Дўстлик» саройи олдидаги кенг майдон-

**га** чиқаман-да, юрагимда ҳозиргина туғилган камтарона  
**шеъримни баралла ўқийман:**

Айтинг, қайси шаҳарнинг  
Бундай кенг денгизи бор?  
Айтинг, қайси шаҳарнинг  
Бунча кўп юлдузи бор?

Қайси шаҳар беш дарё  
Сувини таратади?  
Водийда янги дунё,  
Янги бахт яратади!

Ана, ҳаёт, кўрингиз,  
Улуғ ижод, кўрингиз,  
Қирқ миллат шод, кўрингиз,  
Советобод, кўрингиз!

Боғи баланд дилрабо,  
Ҳаво йўли хўп гўзал.  
Куйлайди Қорадарё  
Эллар бахтидан ғазал.

Тоғларга туташ шаҳар,  
Юраги оташ шаҳар.  
Қардошларга меҳрибон,  
Дўстларга дилкаш шаҳар.

Советобод, Советобод,  
Сен қуёш фарзандисан!  
Советобод, Советобод,  
Хур Ватан дилбандисан!

**Фулом, Ҳамид.**

**F 79 Қорадарё: Роман.— Т.: Ёш гвардия, 1985.— 352 б.**

Романда оддий қишлоқ ёшлари Дилбар билан Обиджон ўртасидаги муҳаббат, уларнинг ҳаёт мактабида чиниқиш жараёни, турмушдаги кўпгина ижобий ва салбий ҳодисаларга учраб сабот-чидам, кураш ва ҳалол меҳнат туйғули ўз йўлларини топганликлари, давримизнинг баркамол ҳамда илғор кишилари бўлиб етишганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Воқеалар асосан, «Андижон денгизи» номи билан машҳур бўлган Кампирравот сув иншооти қурилиши муҳитида содир бўлади.

**Гулям, Ҳамид. Қарадарья: Роман.**

**Ўз2**

*На узбекском языке*

**Хамид Гулям**

**КАРАДАРЬЯ**

**Р о м а н**

*Такризчи Худойберди Тўхтабоев*

*Редактор А. Обиджонов*

*Рассом Н. Кириакиди*

*Расмлар редактори Р. Зуфаров*

*Техн. редактор У. Қим*

*Корректорлар: М. Набиева, М. Тожиева*

ИБ № 1592

Теришга берилди 17. 05. 85. Босишга рухсат этилди 9. 12. 85, Р 22097. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 1-босма коғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 11,0 Шартли босма листи 18,48. Нашр листи 18,99. Шартли кр. отт. 18,90. Тиражи 25000. Буюртма № 182. Баҳоси 1 с. 40 т. Шартнома 51—85.

Ўзбекистон ДҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти,  
Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР. Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонаси. 702800, Янгийул шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.